Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

БЕШИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ

НАВОИЙ АРУЗИ НАФОСАТИ

*** *** ***

Омонулла МАДАЕВ

НАВОИЙ СУҲБАТЛАРИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

НАВОИЙ АРУЗИ НАФОСАТИ



Муҳтарам устозим, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби, профессор
Ғулом Каримовнинг ёрқин хотирасига
бағишлайман.
Муаллиф

МУҚАДДИМА

Буюк мутафаккир шоир ва аллома Алишер Навоийнинг вазн устида ишлаш салоҳияти адабиётшунослигимизда ҳалигача чуқур ўрганилмаган муаммолардан саналади. Ижодкорнинг ранг-баранг мавзуларни қаламга олиб, хилма-хил ижтимоий-ахлоқий ғояларни мужассамлаштиришда, безавол лирик ва эпик тимсолларнинг ёрқин ва сержило қиёфаларини гавдалантиришда аруз тизимига хос жозибадор ўлчовлардан санъаткорона фойдаланиш маҳоратини атрофлича инкишоф этиш муҳим маърифий аҳамиятга эгадир. Зеро, бу жараёнда ўзбек арузининг ритм-оҳанг имкониятларини янада аниқроқ белгилаш, тилимизнинг ушбу ўлчов бидан мувофиқлик жиҳатларини назардан кечириш, шоир бадиий услубиятининг вазн билан алоқадор қирраларини тадқиқ этиш мумкин бўлади.

Маълумки, Алишер Навоийнинг аруз имкониятларидан фойдаланишдаги маҳорати, хусусан, унинг бу соҳадаги кашфиётчилиги кўплаб шоирлар, олимлар, аҳли шеърлар диққатини ўзига жалб этган эди. Аруз тизимининг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини чуқур ўрганиб, кўплаб янги вазнларни шеъриятимизга олиб кирган, ушбу тизимнинг энг халқчил, ёқимли вазнларида кўплаб шеър битиб, ўзбек тилининг бойлиги ва гўзаллигини ҳар жиҳатдан исботлаб берган даҳо ижодкор бу соҳада адабий тараққиётимиз уфқларини янада кенгайтирган эди.

Шунга қарамай, Алишер Навоийнинг ўзбек арузи ривожига қўшган улкан ҳиссаси ўтмиш адабиётшунослигида ўз аксини топмаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Мухтасар»ида хилма-хил баҳрлар ҳамда вазнлар устида тўхталар экан, уларга Навоий шеъриятидан кўплаб мисоллар келтиради. Рубоий вазнлари ҳақида фикр юритар экан, «Мезон ул-авзон»да тўрт рубоий вазнида хатога йўл қўйилганини таъкидлаб ўтади. Навоий арузи XX асрга қадар бошқа адабиётшунос олимларнинг асарларида ҳам қаламга олиниши ҳақида маълумотларга эга эмасмиз. Асримизнинг 40-йилларида шоир таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик жараёнида таниқли аллома Иззат Султонов «Мезон ул-авзон» асарининг танқидий матнини яратди, адабиётшунос ва таржимон Содиқ Мирзаев эса буюк шоир шеъриятининг вазн хусусиятларини ўрганиб чиқди.

Ҳар иккала тадқиқот натижалари муаллифларнинг номзодлик диссертацияларида ўз ифодасини топган эди. Ўз тадқиқоти мазмунини С.Мирзаев қуйидагича ифодалаган эди:

«Бу асарни ёзишдан аввал Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида бўлган №89 қўлёзма «Мезон ул-авзон»дан бир нусха кўчириб, Шарқ қўлёзмалари институтида бўлган №1208, 3441 қўлёзмалар нусхаси билан ҳамда Жомий арузи билан солиштириб таҳрирланди. Сўнг мазкур Шарқ қўлёзмалари институтида бўлган №27 Навоий девонидан, №677 «Чор девон» (тахминан XVI—XVII асрларда ёзилган) ҳам мазкур Тил ва адабиёт институтида бўлган 10 тача девондан №699 «Чор девон» сайлаб олинди. Бунда бўлган ҳамма ғазал, қитъа, рубоий ва бошқаларнинг матлаълари олиниб, вазнлари ва у вазнларга кирган зиҳофлари аниқланди. Бу каби иш Навоий замонида Султон Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан коллектив томонидан Амир Хусрав Деҳлавийнинг 18 минг байтли девони устида қилинган эди. Бизда бу Навоийнинг 25 минг байтли «Чор девони устида қилинди.

Сўнг булар аруз тартибига солинди. Бу каби ишни Фарғона хони шоир Муҳаммад Заҳириддин Бобур Навоийнинг тўрт девонидан сайлаб олган ғазаллари ва байтлари устида қилган эди. Бизда бу «Чор девон»нинг ҳамма ғазаллари ва байтлари устида қилинди»[1].

С.Мирзаев ўз асарининг асосий қисмида Шарқда аруз илми тарихига қисқача тўхтаб ўтгач, аруз назарияси асосларини Навоий «Мезон ул-авзон»и бўйича атрофлича ёритади (10–110-бетлар). Тадқиқотчи, юқорида айтилганидек, шоир лирик ва лиро-эпик асарлари вазнини белгилаб чиққан бўлишига қарамай, диссертацияда Навоий шеъриятининг вазн хусусиятларини жуда қисқа 10 бет ҳажмидагина баён қилар экан, ҳар қайси жанрдаги шеърларнинг баҳрлар бўйича сонини кўрсатиш, ҳар қайси достоннинг вазнини таъкидлаш билангина чекланади. Шундан кейинги «Навоий асрида янги вазнлар ва мусиқийда куйланган вазнлар» бўлимчасида «Мезон ул-авзон» да кўрсатилган 2 та 16 рукнли ўлчов ҳамда мазкур асарда шоир томонидан таъкидланган қўшиқ вазнлари саналади. Бинобарин, диссертация мақсади Навоий арузини атрофлича тадқиқ этишга эмас, балки аруз назариясини ишлаб чиқишга қаратилган. Тўғри, ишнинг илова қисмида шоир лирик асарларининг баҳр ҳамда вазнлар кўрсаткичлари тўла берилган.

Дарҳақиқат, Содиқ Мирзаевнинг муҳим хизмати Алишер Навоий шеърий асарлари вазн хусусиятларининг, ҳар қайси асарда асосланилган шеърий ўлчовларнинг аниқлаб чиқилиши бўлди. «Хазойин ул-маоний»даги лирик шеърларнинг баҳр ҳамда вазнлари кўрсаткичи адабиётшунослигимизда эришилган муҳим ютуқлардан бири эди. Мазкур кўрсаткичнинг кейинчалик атоқли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов томонидан тузилган «Хазойин ул-маоний» девонлари нашридан ўрин олиши унинг аҳамиятини янада кучайтирди. Энди кенг китобхонлар оммаси бу кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳамда шоир асарларининг вазн хусусиятлари ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлдилар. Адабиёт мухлисларининг аруз назарияси ва амалиётини ўзлаштиришларида ҳам бу кўрсаткичлар катта аҳамиятга эга бўлди.

С.Мирзаев қаламига мансуб ана шу кўрсаткичларни талқиқ этиш шундан далолат беради, уларда Навоий лирикасининг вазн хусусиятлари асосан тўғри кўрсатилган. Айни вақтда юздан ортиқ шеърнинг ўлчови нотўғри белгиланган. Бу нуқсонлар турли кўринишга эга.

Бир қатор шеърларнинг вазнлари солим билан мусаббағ, маҳзуф билан мақсур рукнлари адаштирилганлиги туфайли нотўғри кўрсатилган. Жумладан, рамали мусаммани мақсур ўлчовидаги

Эй сабо, ҳолим бориб сарри хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Бўлди кўнглум шод топқач тийғидин кўксум кушод,
Йўқ ажаб, ҳар кимга ким етгач кушоде бўлса шод.

Оҳ ўти бирла юзунг ҳажрида қилсам гашти боғ,
Лола янглиғ ўртагай бир-бир шарар гулларга доғ!

матлаъли ғазаллар каби кўплаб асарлар вазнининг рамали мусаммани маҳзуф тарзида, шунингдек, музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ўлчовидаги

[1] С. Мирзаев. Навоий арузи. Кандидатлик диссертацияси. Қўлёзма. –1948, 7–8-бетлар.

Кўксумни чунки қилди лабинг ҳажри ёралар,
Ҳар ёра қон киби оқитур лаъли поралар

матлаъли ғазал вазнининг музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур тарзида ёки рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги

Ваҳки, ваҳшу тайр уюмаслар ғамим бедодидин,
Кеча ит афғонидин бил, субҳ қуш фарёдидин

матлаъли ғазалнинг рамали мусаммани мақсур тарзида кўрсатилишига ўхшаш хатолар анчагина учрайди.

Бунга қараганда жиддийроқ нуқсонларни ўзаро узоқ бўлган вазнларнинг алмашиниш ҳодисасини ҳам кўрсаткичларнинг турли ўринларида учратиш мумкин. Чунончи, рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги

Даҳр элидин нафъ агар йўқур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур кўнгулга ништар ҳам бўлмаса

матлаъли ғазал ҳазажи мусаммани солим ўлчовига, музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган

Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен,
Кўрсам ёнида гайрни ул дам ҳалокмен.

Жон олса найлай ул бути паймон гусил била,
Чун бермишам кўнгулни анга ишқи дил била

матлаъли ғазаллар рамали мусаммани маҳзуф ўлчовига нисбат берилган. Шунингдек, ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган

Тилармен музтар этса офати озурда жонимни,
Совутса офият бирла тузулган хонумонимни.

Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди,
Қувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди

матлаъли ғазаллар, мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнидаги

Кўзумга ҳажрда бирдек қоронғудур, тирмукун,
Манга фироқ туни хоҳ қисқа, хоҳ узун.

Саводи холи анинг лаъли руҳпарвар аро,
Магарки мурчае нисори узулди шаккар аро

матлаъли ғазаллар рамали мусаммани маҳзуф вазнида деб кўрсатилган. Жами 40 га яқин шеърлар вазнида шу тарздаги хато учрайди.

«Фавойид ул-кибар» девонидан ўрин олган фард жанрига мансуб асарлар вазни умуман кўрсаткичларда акс этмаган.

Бу хатоларнинг барчасини босмахона нуқсонига нисбат бериш тўғри бўлмасди. Чунки уларни диққат билан кўздан кечирилганда, муайян қонуниятни пайқаб олиш мумкин. Гап шундаки, кўпинча бир хил вазнлар иккинчи хил вазнлар бидан алмаштирилиб юборилади. Жумладан, ҳазажи мусаммани солим ўрнига рамали мусаммани маҳзуф, музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (рукнлари: мафъулу фоилоту мафоийлу фоилун) ўрнига музориъи мусаммани макфуфи маҳзуф (рукнлари: мафоийлу фоилун мафоийлу фоилун), мужтасси мусаммани махбун (рукнлари: мафонлун файлотун мафоилун файлотун) ўрнига мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун фаълун) вазнлари кўрсатиладики, буни ўлчовларни аниқлашда йўл қўйилган камчилик сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлар.

Бу нуқсонларнинг ҳар бири китобхонларнигина эмас, аруз назариясини пухта эгаллаб етмаган адабиётшуносларни ҳам чалкаштириши мумкин. Бунинг оқибатида келиб чиқадиган хулосалар эса жиддийроқ нуқсонларга йўл очиши ҳам ҳеч гап эмас. Масалан, «Наводир уш-шабоб» девонига мансуб

Қон айладинг кўнглумни ниҳони,
Кўргил ики кўзумда нишони.
Тушти фиғонға кўнглум ул ойдин,
Тонг йўқ етишса кўкка фиғони

байтлари бидан бошланадиган ғазал вазни кўрсаткичларда “V.10.” белгиси билан кўрсатилган, яъни олим уни рукнлари мафоийлу фоилоту мафоийл тарзида бўлган музориъи мусаддаси макфуффи мақсур вазнига нисбат беряпти. Шеърнинг ўлчовига диққат қилинса, унинг рукнлари фаълун фаулун фаълун фаулун тарзида бўлган мутақориби мусаммани аслам ўлчовида эканини аниқлаш мумкин. Бу эса Навоийнинг ана шу вазнда яратган туркий тилдаги ягона асари эди. Демак, кўрсаткичга қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, шоир биз кўрсатган вазнда шеър битмаган бўлиб чиқади. Оқибатда эса, мазкур вазннинг туркий шеъриятдан ўрин олиш тарихи икки асрга кечикади.

Хуллас, бу хатоларнинг келиб чиқиш сабабларидан қатъи назар уларга барҳам бериш навоийшунослигимизнинг муҳим бурчи саналади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, С.Мирзаев Навоий асарларининг вазнларини белгилашда анъанавий усулни асар ўлчовини унинг матлаъсига ёхуд биринчи бандига кўра аниқлаш усулини қўллади. У, рубоий вазнлари, шунингдек, матлаъси икки ўлчовда ёзилган бошқа жанрдаги шеърлардагина ҳар қайси мисра вазнини кўрсатади. Бу усулни кўпвазнли асарларга нисбатан татбиқ этиш уларнинг ўлчов хусусиятларини бир томонлама белгилашга олиб келади. Масалан, мужтасс баҳрида битилган шеърлар кўпинча 3–4 вазнга асосланади. Рамал ва хафиф баҳрлари заминида яратилган лирик ёхуд лиро-эпик асарлар 8 тагача вазнда ёзилиши мумкин. Ҳозирда ҳам давом этиб келаётган анъанага биноан бундай асарларнинг вазнини матлаъга кўра белгилаш уларнинг ритм-оҳанг хусусиятларини бир томонлама, нотўғри акс эттиришга олиб келиши шубҳасиздир. Шундай экан, ҳар бир шеърий асар ўлчовини унда иштирок этаётган вазнларнинг барчасига кўра аниқлаш ниҳоятда муҳимдир.

Навоий арузининг бир қатор муҳим жиҳатлари академик Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» китобида ўз аксини топган эди[1]. Олим ана шу асарнинг «Навоийнинг

[1] Алибек Рустамов. Навоийнинг бадиий маҳорати. Ғ.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 1979.

вазнлари» бўлимида (102—124-бетлар) аруз назарияси ҳақидаги қисқача муқаддимадан сўнг шоирнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазаллари ва достонларида қўлланган вазнларни бирма-бир санаб кўрсатади, шунингдек, мазмун билан вазн муносабатлари, Навоийнинг шеърий ўлчовлардан фойдаланиш маҳорати ҳақидаги баъзи мулоҳазаларни баён қилади.

Тадқиқотнинг диққатга сазовор фазилатларидан бири рамал, хафиф ва мужтасс баҳрларининг бир қатор вазнлари бир шеърнинг ўзида алмашиниб қўлланиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлардир. Жумладан, рамали мусаддаси махбуни мақсур, рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, рамали мусалдаси маҳбуни мақтуъ ва рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари санаб кўрсатилгач, «Бу тўрт вазн бир шеърда алмашиниб келиши мумкин»[1], деб таъкидланиб, мисоллар бидан бу фикр тасдиқланади. Тадқиқотчи, гарчи Навоий ижодидаги кўпвазнлиликнинг назарий масалаларини кенг ёритмаган бўлса-да, ана шу услубнинг таъкидланиши ҳам қўйилган муаммонинг муҳим бир жиҳатини очишга хизмат қилади. Олимнинг Навоий шеъриятида мазмун ва вазн уйғунлиги тўғрисидаги қайдлари ҳам диққатга сазовордир.

«...Алишер Навоийнинг «Хамса»сига кирган достонлардан «Ҳайрат ул-аброр»нинг вазни сариъ баҳридан, «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»нинг вазнлари ҳазаж баҳридан, «Сабъайи сайёр» вазни хафиф баҳридан бўлиб, «Садди Искандарий»ники эса мутақориб баҳридандур. Сариъ баҳри панду насиҳат оҳангига эга бўлган баҳр бўлгани учун Алишер Навоий ўз «Хамса»сининг ўгитдан иборат биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»ни сариъи мусаддаси матвийи мавқуф ва макшуф вазнида ёзган. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»нинг вазнлари ҳам шеърга ишқий кечинмаларга мос ритм бағишлайди. «Сабъайи сайёр» қолган достонларга нисбатан енгил руҳдаги достондир. Шу сабабдан унинг вазни ҳам асарга енгиллик оҳанги берувчи хафиф баҳридандир. Мутақориб баҳри жанговарлик оҳангига эга бўлганлиги учун «Садди Искандарий» достони шу баҳрга оид вазнда ёзилган.

Навоий (танлаган) вазни асар мазмунига, байт маъносига, тасвир ва фикр изчиллигига сира халақит бермайди, балки юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра мазмунни кучайтиришга, асарда ифода қилинаётган фикрнинг таъсирчанлигини оширишга ёрдамлашувчи воситадир»[2].

Бу фикрлар мунозараталаб бўлишига қарамай, Навоий асарларидаги вазнларнинг мавзуъ, ғоя, образ билан алоқадорлиги масаласини қўзғатаётгани туфайли ҳам эътиборга сазовордир. Юқоридагилардан маълум бўладики, шу вақтга қадар Навоий арузининг баъзи муҳим масалалари адабиётшунослигимизда тадқиқ этилган бўлишига қарамай, улуғ мутафаккир шоирнинг ўз шеърияти вазни устида ишлаш маҳорати атрофлича ўрганилган эмас. Бунинг учун, аввало, Навоий лирик ва эпик шеъриятининг вазн хусусиятларини янада чуқурроқ тадқиқ этиб, шоир томонидан фойдаланилган барча ўлчовларни узил-кесил аниқлаш, шу асосда ҳар қайси баҳр, ҳар қайси вазннинг Навоий арузида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш, шу хил тадқиқот материаллари заминида буюк шоирнинг вазн танлаш тамойиллари ишлаб чиқиш; вазнинг шоир ғоявий-бадиияти, ғоя, тимсол билан уйғун мумтоз анъаналар, жанрлар, мусиқа ва бошқа омилларнинг вазн танлашга кўрсатадиган таъсири; кўпвазнлилик табиати ва унинг шеърий асар ритм-оҳангининг ранг-баранглигини таъминлашдаги аҳамияти, вазн билан қофия ва радиф ўртасидаги муносабатларни жиддий назардан ўтказиш талаб қилинади.

---

[1] Ўша асар, 111-бет.
[2] Ўша асар, 123-бет.
[2] Ўша асар, 123-бет.

Навоий арузини тадқиқ этиш жараёнида ҳал қилиши лозим бўлган муҳим вазифалардан бири шоирнинг аруз соҳасидаги кашфиётчилиги, ўзбек арузини шакллантириш ва камол топтириш соҳасидаги хизматларини ўрганишдир. Бу эса ўз навбатида юқоридаги илмий текширишлар хулосаларидан келиб чиққан ҳолда Навоий арузининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини, ҳар қайси босқичнинг хусусиятларини, шоирнинг туркий аруз тараққиёти йўлидаги тажрибалари ва уларнинг моҳиятини XV аср ўрталаригача бўлган ўзбек арузи билан қиёсий ҳолда атрофлича тадқиқ этишни тақозо қилади.

Навоийнинг ўзбек арузи ривожидаги ўрнини аниқроқ белгилаш XVI—XX асрлар ўзбек адабиётида шоир арузи анъаналарининг аҳамиятини ўрганиш вазифасини зарур қилиб қўяди. Бунинг учун эса, шубҳасиз, ана шу даврда ижод этган йирик шоирлар ижодининг вазн хусусиятларини кўздан кечириб, Навоий шеърияти билан синчиклаб қиёслаган ҳолда иш кўриш, шу аснода даҳо шоир ишлаб чиққан туркий аруз назариясининг ўзбек шоирлари томонидан мазкур ўлчов қонун-қоидаларини пухта ўзлаштиришларидаги аҳамияти, мутафаккир ижодкор томонидан тажрибадан ўтказилган баҳр ҳамда вазнларнинг шеъриятимиздаги ўрнини, Навоийнинг аруз соҳасидаги кашфиётчилик анъанасининг давом этиши ва ривожлантирилиши даражасини жиддий равишда тадқиқ этиш зарур бўлади. Ана шундагина Навоий арузининг назарий ва амалий муаммолари ҳал қилинган ҳисобланади. Бу эса, табиийки, Навоий поэтик маҳоратининг янги қирраларини кашф этиш имконини беради.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда биз ўз тадқиқотимизда Навоий арузини барча жиҳатлари бўйича бир бутун ҳолда ўрганишга ҳаракат қилдик. Албатта, китобда баъзи масалалар қамраб олинмаган, айрим мунозараталаб фикрлар учраши мумкин. Муҳтарам китобхонлардан ўз мулоҳазалари билан ана шундай камчиликларни бартараф этишда ёрдам беришларини илтимос қилиб қоламиз.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЎЗБЕК АРУЗИ РИВОЖИ

I БОБ
НАВОИЙГАЧА БЎЛГАН ЎЗБЕК АРУЗИ

Маълумки, қадимги шеъриятимиз, аруз қўллангунга қадар мавжуд бўлган поэтик меросимиз шеър мисраларида чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг муайян тартибда такрорланиб келишига асосланган анча мукаммал ўлчов тизимига эга эди. **Маҳмуд Кошғарий**нинг "Девони луғатит турк" асаридан ўрин олган 224 шеърий парча, жумладан, 170 банд тўртлик ва 54 байт иккиликларнинг вазн хусусиятларини атрофлича тадқиқ этиш, таъбир жоиз бўлса, қадимги туркий арузнинг ритмик хусусиятлари билан танишишга имкон беради.

Аниқланишича, тўртлик ва иккиликлар 2, 3, 4 туроқли бўлиб, ҳар бир туроқ 2, 3, 4, баъзангина 5 ҳижоли ритмик бўлаклардан ташкил топган ва чўзиқ ҳамда қисқа ҳижоларнинг муайян тартибдаги такрорига асосланган, жумладан, 4+3 ҳижоли 127 банд тўртликнинг биринчи туроқлардан кўпи (290) – –V–, 100 дан ортиғи – V V –, 80 таси V – V – тарзида, иккинчи туроқлари эса –V– (227 мисрада) ва V– – (201мисрада), V V – (16 мисрада) эканлигидан, 4+4 ҳижоли 22 бандда эса 65 туроқ V – V –, 37 туроқ V – – –, 33 туроқ V V – –, 22 туроқ V V V – кўринишида бўлганлигидан далолат беради. Кўринадики, қадимги шеъриятимизда асосан – – V –, V – V –, – V V –, V V – –, V – – –, – V – V, – V –, V – – кўринишидаги туроқлар қўлланган. Улар бандларда кўп ҳолларда айнан, анчагина ўринларда эса 4 ҳижоли туроқлар муайян қонуният асосида (3+1, 2+2 тарзида) алмашиниб қўлланган. Бу эса сўз танлаш, ранг-баранг оҳанглар жилосини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бинобарин, қадимги туркий шеърий ўлчов тизими чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг муайян эркинлик билан такрорланишига асосданган. Бу хил эркинлик эса ана шу даврдаги бошқа халқлар шеъриятига ҳам хоски, қадимги форс-тожик шеърияти жанрларидан бўлган рубоийнинг вазн хусусиятлари бунинг ёрқин далилидир.

Ана шу хил вазн хусусиятларига эга бўлган қадимги туркий шеърият адабий алоқалар оқибатида X асрдан бошлаб ритмик жиҳатдан яқин, фақат **Халил ибн Аҳмад** кашфиётлари туфайли мукаммаллашган аруз тизимини ҳам ўзлаштира борди.

Дастлабки даврларда VIII-X асрларда араб адабиёти намуналарининг Ўрта Осиёда кенг тарқалиши маҳаллий шоирларнинг араб арузи хусусиятларини аста-секин ўрганиб боришларига имкон яратган бўлса, уларнинг давр тақозоси, ҳукмрон доираларнинг тазйиқи остида ўз асарларини араб тилида яратишга мажбур бўлиши бу шеърий ўлчов тизимини амалда синаш, шу жараёнда қатор вазнларни ўз ижодларида қўллашларига олиб келади.

Бу даврдаги араб-ўзбек адабий алоқалари кўлами ва уларнинг ўзбек арузи шаклланишидаги ўрни чуқур илмий тадқиқотларни талаб этади, албатта. Ҳозирча эса ана шу муносабатлар араб арузи қонуниятларига асосланган ўлчов тизимининг шаклланишида муайян аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтишни истардик, холос. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мажбуран араб тилида ижод этиш туфайли араб арузини ўзлаштириш ҳам аста-секинлик билан борди.

Бу маълум даражада мунозарали масала, албатта. Зеро, мўғуллар босқинчилиги туфайли туркий халқлар маданияти, жумладан, адабиёти обидаларининг йўқотиб юборилиши қадимги шеъриятимиз ҳақида, жумладан, унда такомиллашган араб арузининг ўрни, арузда

битилган туркий шеърий асарлар кўлами, вазн хусусиятлари ҳақида фикр юритишга имкон бермайди. Ваҳоланки, Ўрта Осиёда ҳам форс-тожик адабиётидаги каби тараққиёт юз берганлиги, араб арузи таъсири остида такомиллашиб борган туркий арузнинг ўзига хос вазнларида ҳам кўплаб ноёб асарлар яратилганлигини фараз қилиш мумкин.

Аруз тизимининг қадимги ўзбек шеъриятидан тобора кенгроқ ўрин ола боришида форс-тожик адабиёти билан бўлган муносабатларимиз алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

X-XII асрларда кенг кўламда давом этган бу муносабатлар даврида форс-тожик шеърияти Ўрта Осиёда кенг тарқалди, туркий ва форс-тожик шоирлари ўртасида мустаҳкам ижодий ҳамкорлик ўрнатилди. Бу жараёнда форс-тожик адабиётига туркий адабиётга қараганда чуқурроқ кириб борган аруз тизими туркий шеъриятга ҳам кўча борди. **Юсуф Хос Ҳожиб**нинг "Қутадғу билиг", **Аҳмад Югнакий**нинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" каби йирик обидалари майдонга келди.

Лекин бу, аруз вазни X асрда барча туркий халқлар ёзма адабиётларида асосий шеърий тизимга айланди, деган сўз эмас. И.В.Стеблева ўзининг "Развитие тюркских поэтических форм в XI веке" ("Наука",1971) китобида худди ана шундай фикрни илгари сурадики, бунга қўшилиб бўлмайди, албатта. Зеро, бу ўлчов тизими туркий халқлар адабиётида ёппасига аруз тизимига ўтиш йўли билан эмас, балки у аста-секинлик билан қўллана ва шеъриятда тобора кенгроқ ўрин ола борган, деб таъкидлаш тўғри бўлади. Ана шу даврда **Аҳмад Яссавий** ва **Сулаймон Боқирғоний**лар яратган сўфиёна асарларнинг бармоқ вазни асосида битилганлиги ҳам фикримиз далили бўла олади.

Гап яна шундаки, туркий тилларнинг грамматик хусусиятлари, хусусан, уларда чўзиқ унлиларнинг камлиги дастлабки даврларда, айниқса X-XIII асрларда аруз тизимининг қўлланилишини қийинлаштирди. Туркий халқлар адабиётларида аруз вазнида битилган асарларда нормал талаффузнинг сезиларли даражада бузилиш ҳоллари, шунингдек, аруз қонунларига зид келувчи бошқа бир қатор ҳолатларнинг кўплаб учраши ана шундан далолат беради. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг арузда битилган "Қутадғу билиг" достони матнида бу хил камчиликларни кўп кузатамиз.

Кўнглунг	безади	яруқлик	била,
V – –	V – –	V – –	V –
Тилимни	безади	таниқлик	била
V – –	V – –	V – –	V–
Ёки			
Билиглик	ку сўзла	дим ушбу	сўзум,
V – –	V – –	V – –	V –
Билигсиз	тилини	билумас	ўзум,
V – –	V– –	V – –	V –
Яна			
Тенгиздин	чиқарма	са инжу	киши
V – –	V – –	V – –	V –
Керак ин	жу бўлсин,	керак сой	тоши
V – –	V – –	V – –	V –

каби байтларда туркий сўзлар (безади, сўзладим, тилини, чиқармаса)ни анормал сунъий ҳолда чўзиб талаффуз этиш назарда тутилади, акс ҳолда вазн бузилади.

Достонлардаги жуда кўп байтларда аруз илмига оид бир муҳим қонун бузилганлиги яққол сезилиб туради. Яъни қўш ундош билан туговчи ўта чўзиқ ҳижо тарзида ишлатилади, натижада оҳангга сезиларли путур етади, вазн оғирлашади. Бу ҳолатни достондаги

Яна берк бу мулкни тутуғли киши,
Ярағлиғ эранга буюрди иши.

Киминг қирқда кечса тириглик йили,
Эсенлашти эрка йигитлик йили.

Бор эрса ёзуқим қина эрк сенга,
Йўқ эрса юзунгни қарартма менга.

Инангсиз турур қут вафасиз яйиқ,
Юрурда учар тарк адақи тайиқ

каби юзлаб байтлар мисолида кўриш мумкин.

Арузда ижод этишнинг мазкур босқичи учун туркий сўзларни қасддан бузиб, аруз рукнларига, муайян вазнга сунъий мослаштириш ҳам хосдир. Юсуф Хос Ҳожиб достонида:

Сен ар эвма ишлар удинга тапуғ
Ўди келса очлур бу беклиг қануғ.

Элиг бир кун ўлдуруб ўзи ёлигузун,
Уқиб керди Ойтўлди севнур узун.

Яна сачлур андин терилмиш ненги,
Сўгитек булур яндру қилқи янги

каби кўплаб ўринларда қисқа “и” унлисининг туширилиш ҳоллари учрайди.

Достон вазнига хос хусусиятлардан яна бири шундаки, шоир бир қатор ўринларда айрим сўзларни қўллаш зарур бўлиб қолганда вазнни бузиб, аниқ сакталикка ҳам йўл қўяберади.

Достондаги

Бу Буғрахон вақти ичра они
Ема хон тилинга бу этмиш муни.

Эронийлар “Шоҳнома” тер мунгар,
Туронлиғлар “Қутадғу билиг” теб уқар.

Адлка Кунтуғди элиг теб атар,
Ани кўр, маликлиғ қўринга тутар.

Хирадқа атади бу ул Огдулмиш
Муни ва вазирнинг ўғли теб темиш

каби қатор байтларда вазнда атайин эътиборсизлик қилинганини кузатиш мумкин.

Кўринадики, достонга қараб ҳукм чиқарганда, XII асрда гарчи катта ва кичик жанрларда аруз асосида асар битиш анъанаси анча кенг тарқалган бўлса ҳам, лекин бу асарда арузнинг кўпгина темир қонунлари бузилади. Зеро, туркий шеъриятни аруз қоидаларига мослаштириш учун муайян давр зарур эди.

XII аср охири – XIII аср бошларида яратилган "Ҳибат ул-ҳақойиқ" достонида бу хил камчиликлар анча камайган бўлса ҳам, уларга ҳали бутунлай барҳам берилмаганлиги аруз тизимини ўзлаштириш аста-секинлик билан борганлигини тасдиқлайди.

XIV аср туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи адабиётида аруз тизимини ўзлаштиришнинг янги босқичи бўлиши билан тавсифланади. Бу даврга келиб ўзбек шоирлари арузнинг энг ёқимли вазнларини анча пухта ўзлаштириб олганликларини кузатамиз. Эндиликда арузда битилган ғазаллар, достонларда вазнни қўпол бузадиган сакталар, ўта чўзиқ ҳижони чўзиқ ҳижо тарзида ишлатиш, сўзларни бузиб ёзиш ҳоллари деярли учрамайди. Ўша давр маданий ҳаёти анъаналарига кўра, араб ва форс-тожик сўзларининг ўзбек тили луғат таркибидан ўрин олиши ҳам бу ўринда ижобий аҳамиятга эга бўлди, хусусан, луғат таркиби бойлигининг ошиб бориши шоирларнинг арузга мос сўзларни танлаш имкониятини кенгайтирди; форс-тожик тилидан чўзиқ унлига эга бўлган сўзларнинг, араб тилидан "айн" ҳарфли сўзларнинг кириб келиши шеъриятдаги мусиқийликнинг кучайиб боришига имконият яратди. Аммо бу босқичда ҳам туркий сўзларнинг сунъий ҳолда аруз вазнига мослаштириш ҳолларига барҳам берилмади. Юқоридаги фикрлар исботи сифатида XIV аср бошларида 1309-1310- йилларда яратилган "Қисаси Рабғузий" китобидан ўрин олган ғазалларга мурожаат қилиш мумкин. **Носириддин Рабғузий**нинг мазкур асаридаги "Баҳория" ғазали байтларини кўздан кечирайлик:

Кун ҳамалга кирди, эрса келди олам наврўзи,
Кечти баҳман, замҳарир қиш, қолмади қори, бузи.
Кун кела минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.
Тонг отарда тўрт саридин эснаюр боди сабо,
Кик юрур, киндик йипортек исданур ёбон-ёзи.
Терлиги бикин яғиздин уюғи яшил, қизил,
Ораси бутоқ, янурғоқ тўл чечаклар тўп тузи…

Ана шу байтларнинг ўзидаёқ баъзи камчиликлар, "тирилур", "бикин", "ораси" сўзлари сунъий равишда вазнга мослашгани, "тўрт" кўзи қўш ундош билан тугаши сабабли ўта чўзиқ ҳижо тарзида қўлланиши ўрнига бир ҳижо бўлиб келганлиги, оқибатида ритм-оҳанг оғирлашганини, иккинчи байтдаги "бу" сўзи вазн талаби билангина келтирилган ортиқча сўз эканини кўриш қийин эмас. Шу хил камчиликлар **Қутб**нинг "Хусраб ва Ширин" таржима-достонида ҳам кўзга ташланади. Баъзи мисоллар:

Аюр ишқ бирла тирик ушбу олам,
Агар ишқ бўлмаса бўлмасди одам.

Илм дарёсидин излаб жавоҳир,
Тошиб тутди этагин, бўлди шокир.

Ҳаробалиқ эл кўтарди барча андин,
Зулум қамчиси кетди эрса элдин.

Маликзода уёниб уйқусидин,
Шукурлар қилди севнуб бу тушундин.

Қамуғ шоҳдин олур молу хирожин,
Агар бермаса тушрур бошда тожин.

Бу хил кўплаб байтларда сўзлар сунъий талаффуз қилиш орқали вазнга мослашни ҳам, “севиниб”, “туширур” каби сўзларни вазн талаби билан бузиб қўлланишини ҳам, “илм”, “шукр””, “зулм” каби сўзларни аруз қонунларига хилоф ҳолда “и-лм”, “зу-лум”, “шу-кур” тарзида ишлатилишини ҳам кўриш мумкин.[1]

Хоразмий “Муҳаббатнома”си вазн жиҳатидан анча мукаммал асарлардан биридир. Шоир мактуб, ғазал ҳамда маснавий жанрларига мурожаат этар экан, ҳар жиҳатдан аруз қоидаларига амал қилади. Бу даврга келиб тилимиздан анча кенг ўрин эгаллаган араб ва форс-тожик сўзлардан ҳам фойдаланиш асарда шоир танлаган **ҳазажи мусаддаси маҳзуф** ва **ҳазажи мусаддаси мақсур** вазнлари мувоффақиятли қўлланишига имкон берган. Достонда аруз қонунларининг бузилиш ҳолатлари баъзан байтлардагина учрайди. Жумладан,

Хирадни оздирур ғамзанг хумори,
Янгроқлоринг Залилуллоҳ нори

ёки

Агар ҳар бир тукимда бўлса юз жон,
Қилурман кўйинг итларига қурбон

байтлардаги каби айрим сўзларнинг сунъий ҳолда вазнга мослаштирилиши, шунингдек,

Кўнгулга жондин ортиқроқ керак сен,
Парию ҳурдин ҳам кўрклуроқ сен

ёки

Аё оҳу назарлар шаҳриёри,
Ҳусн майдонининг чобуксувори.

Аё номеҳрибон, аҳди бақосиз,
Жаҳон елтек, умр гултек вафосиз

каби ўринларда ўта чўзиқ ҳижонинг аруз қонунларига зид ҳолда қўлланиши достонда камдан-кам учрайдиган ҳолатдир.

Ўзбек арузининг шаклланиши ва ривожланиб боришида шеъриятимизга хос **икки тиллилик (зуллисонайнлик)** анъанаси ижобий аҳамиятга эга бўлди. Туркий шоирлар, ўз асарларини икки тилда яратиш жараёнида форс-тожик арузи хусусиятларини дастлаб ана шу тилдаги асарларда синовдан ўтказдилар, сўнг эса энг мақбул вазнларни туркий шеъ-

[1] Достоннинг ана шу хил вазн хусусиятларига кўра уни XIII аср охирлари ёки XIV аср бошларида яратилган деб таъкидлаш мумкин.

риятга татбиқ этдилар, уларни туркий тил хусусиятлари, туркий адабиёт анъаналарига мослаган ҳолда қўллай бошладилар.

“Муҳаббатнома”нинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида битилиши тасодиф эмас, албатта. Бу вазн фақатгина форс-тожик адабиётидан кўчган эмас.

“Ва яна ҳам турк улусида бир суруддурким, ани “муҳаббатнома” дерлар ва ул ҳазажи мусаддаси мақсур баҳридадур,” деб таъкидлаган эди Алишер Навоий ўзининг “Мезон ул-авзон” асарида. Кўринадики, арузнинг шеърий ўлчов тизими сифатида ўзлаштирилиши араб ёки форс-тожик адабиётида қўлланган вазнларни туркий шеъриятга кўчириш йўли билан эмас, балки туркий шеъриятдаги халқчил вазнларни аруз тизими намунасида такомиллаштириб, туркий шеъриятга, хусусан, халқ қўшиқларига энг яқин бўлган вазнларни қўллай бориш тарзида кечди. Яна аниқроғи бу жараён қадимги туркий ўлчов тизимига хос бўлган чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг туроқлар ичида алмашиниш ҳодисасини чеклаш, уларни такрорланишига ўтиш кўринишида давом этди. Бу, хусусан, ўзбек арузи шаклланишининг илк даврлари IX-XIV асрларга хосдир.

Ўзбек арузининг Шарқда кенг тарқала борган баҳрлар ҳамда вазнлар билан бойиб боришига таржимачилик ҳам муҳим роль ўйнади. XIII асрдан бошлаб тобора ривожлана борган ўзбек таржимачилиги жараёнида форс-тожик адабиётига хос қатор вазнлар туркийгўй шоирлар томонидан ўзлаштирила борди ва кейинчалик бу вазнларда туркий тилдаги лирик ва эпик асарлар яратила бошлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, таржима жараёнида ҳам форс-тожик адабиётига хос вазнларни тўғридан тўғри туркий шеъриятга кўчириш, яъни форс-тожик тилидаги шеърий асарларни ўз вазнида таржима қилиш йўлидан борилмай, ўша асарларни туркий тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, туркий халқлар оғзаки ва ёзма адабиётида кенг қўлланувчи вазнлар билан таржима қилиш йўлидан ўтилдики, бу жиҳатдан айниқса **Сайфи Саройи**нинг **Саъдий** “Гулистон”ини таржима қилиш тажрибаси диққатга сазовордир.

Сайфи Саройи таржимаси майдонга келган даврда туркий шеъриятда арузнинг саноқли вазнларигина ўзлаштирилган эди холос. Уларнинг барчаси туркий шеъриятда бироз эркин ҳолда қўлланган вазнларнинг мунтазам тус олишига асосланган (Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ида алоҳида таъкидлаб ўтилган) ҳазажи мусаддаси маҳзуф, музориъи мусаммани ахраб, мунсариҳи мусаммани матвийи маҳзуф сингари халқчил, мусиқий вазнлардан иборат эди.

Сайфи Саройи Саъдий “Гулистон”идаги шеърий парчаларни (332) кўпроқ туркий шеъриятда ўзлаштирилган вазнларда таржима қилишга интилди.

Сайфи Саройи асаридаги шеърий парчалар етти баҳрга мансуб 24 вазнда битилган. Уларнинг аксарияти бу даврга келиб туркий адабиётлар, хусусан, ўзбек шеъриятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган, шоирларимиз ижодида кенг қўлланилаётган баҳр ва вазнлар эди. Шоир таржима қилган парчалар бунинг ёркин далили бўла олади. Чунончи, Сайфи Саройи 143 парчани ҳазажи мусаддаси маҳзуф, 33 парчани ҳазажи мусаммани солим, 31 парчани ҳазажи мусаддаси мақсур, 34 парчани рамали мусаддаси маҳзуф, 27 парчани рамали мусаммани маҳзуф, 14 парчани музориъи мусаммани ахраб, 13 парчани ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақсур вазнларида битган эди. Бу эса шу каби вазнларнинг шеъриятимиз учун энг мақбул ўлчовлар бўлганидан далолат беради.

Шоир “Гулистон”ни ўз тилига ағдарар экан, ундаги парчаларни ўз вазнида таржима қилиш усулига изчил амал қилмай, уларни асосан шеъриятимизда ўзлаштирилаган, халқ оммасига манзур бўлган ёқимли, енгил ўлчовларда ўзбекчалаштириш йўлидан борди. Саъдий

ҳазаж баҳрида “Гулистон”даги 83 парчани ёзган бўлса, Сайфи Саройи ўз асаридаги 264 парчани шу баҳр вазнлари асосида яратганлиги, асл нусхадаги 37 парчани битишда қўлланган рамал баҳри таржимасидаги 87 парча учун асос бўлиб хизмат қилган, айни пайтда “Гулистон”даги 53 парчада фойдаланилган мужтасс баҳрига ўзбек шоири фақат 22 парчадагина, асл нусхадаги 69 парча учун асос бўлган мутақориб баҳрига таржимадаги фақат 9 парчадагина мурожаат қилгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Шоир Саъдий “Гулистон”ида қўлланган рамали мусаммани солим вазнини ўз асарида ишлатмайди, бинобарин, мазкур вазн бу давр ўбек шеъриятида қўлланмаган, Сайфи Саройи уни адабиётимизга олиб кириши ҳам мақбул деб ҳисобланмаган. Айни вақтда Саъдий деярли фойдаланмаган рамали мусаммани маҳзуф вазнига шоир кенг мурожаат қилган. Саъдий асарида ушбу вазн асосида фақат биттагина парча битилган бўлса, Сайфи Саройи 27 парчани унинг замирида яратган.

Ул маликким доим элгаву улусқа куч қилур,
Оқибат мулкин элиндан бир қавий душман олур.
Кел, раъият бирла сулҳ эт, хасмдин фориғ юри,
Чун раъиятдур, билурсан, шоҳи одил лашкари.

Хуш эди дарё футуҳи мавж хавфи бўлмаса,
Бўлмаса захми тикан, жаннат эди гул суҳбати.
Васл боғинда хиромон туне дим товустек,
Ушбу кун чўркар мени чун мор жонон фурқати

каби қатор тўртликлар шу вазнда ёзилган. Шоир рамали мусаммани мақсур вазнини ҳам ўз асарида анча кенг қўллаб, 8 парчани унинг асосида битган. Ҳолбуки, Саъдийнинг “Гулистон”ида бу вазн фақат 4 тагина парчани ёзишда қўлланган эди.

Сайфи Саройи асарларида кўзга яққол ташланадиган нарса таржима қилинган парчаларнинг аксарияти 6 рукнли (ҳар мисраси уч рукнли) вазнларда эканлигидир. 143 парча ҳазажи мусаддаси маҳзуф, 31 парча ҳазажи мусаддаси мақсур, 13 таси ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф, 34 парча рамали мусаддаси маҳзуф, 12 таси рамали мусаддаси мақсур, 64 парча хафиф баҳри вазнларида ёки 470 парчадан 293 таси (62 фоиздан кўпроғи) ана шу хил вазнларда битилган. Бу тасодифий бир ҳол эмас, албатта. Арузнинг ҳар мисраси уч рукнли юқоридаги вазнлари туркий халқларнинг оғзаки ижодига хос 4+4+3 чизмадаги 11 ҳижоли қўшиқларга ўз ритмик хусусиятлари жиҳатидан яқиндир. Бинобарин, ўзбек адабиётида аруз шеърий тизими тобора кенгроқ ўрин ола борган XIV асрда ўзбек шоирлари халқ қўшиқларига оҳангдошроқ вазнларга алоҳида қизиқиш билан қараганлар.

Адабиётимизда асрлар давомида қўлланиб, севимли вазнлардан бирига айланиб қолган ҳазажи мусаммани солим (33 шеърий парча), рамали мусаммани маҳзуф (27 парча), рамали мусаммани мақсур (7 парча) вазнларини анча кенг қўллаган шоир ана шу вазнларнинг адабиётимизда мустаҳкамланишида муайян вазифани бажарган.

Сайфи Саройи “Гулистон”идан ўрин олган шеърий парчаларнинг катта қисми ҳазаж баҳри вазнларида битилган. Жами 470 парчадан 264 таси ёки 56 фоизи ана шу вазнларда яратилганлиги XIV аср ўбек адабиётида ҳазаж баҳрининг алоҳида ўрин тутганини кўрсатади.

Сайфи Саройи ҳазаж баҳрининг ҳар байти 6 рукнли вазнларга айниқса кўп мурожаат қилади. Асарда ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида 143, ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида 31, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнида 13 шеърий парча битилган.

Бу даврда ҳазаж баҳрининг кейинчалик машҳур бўлган 8 рукнли вазнлари, хусусан, ҳазажи мусаммани солим вазни унча кенг қўлланмаган кўринади. Бу вазнда жами 33 шеърий парча ёзилган. Ҳазажи мусаммани ахраб вазнида эса фақат 6 парча битилган, холос.

Сайфи Саройи асарларининг вазнига оид муҳим хусусият унда ўзбек адабиётида биринчи бўлиб рубоий вазнларининг қўлланганлигидир. Шоир китобдан ўрин олган 37 парчани ана шу вазнларда битган.

Саҳро елитек умр бақоси кечти,
Ғам жаври, дағи фараҳ сафоси кечти,
Жофий сақинур жафо биза қилдим деб,
Қолди анга биздан ул, жафоси кечти.

Доим яқин ул дўст менга бу жондан,
Бу мушкулим улки, мен йироқман андин,
Кимга дегайим, нечук қилойим билмон,
Мен бўйла йироқ ул яқинроқ жондан

каби рубоийлар энг ёқимли ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида ёзилган эди.

XIV-XV асрнинг биринчи ярми ўзбек арузи тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу даврга келиб, ўзбек адабиётида арузнинг янги-янги баҳр ҳамда вазнлари изчил ўзлаштирила бошлади. **Хоразмий, Атойи, Саккокий, Гадойи, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Сайфи Саройи** каби шоирлар ижоди ўзбек арузида муҳим роль ўйнайди.

Саккокий (унинг бизга қадар етиб келган асарларига кўра) ўз шеъриятида арузга мансуб 5 баҳрнинг 11 вазнида лирик асарлар битган эди. Улар орасида **ҳазажи мусаммани солим, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф, ражази мусаммани солим, рамали мусаммани маҳзуф, музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф, мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ** вазнлари алоҳида ажралиб туради: шоир ўз ғазалларининг аксариятини ана шу ўлчовлар асосида яратган эди. Унинг

Яна гултек кула кўрсам бир ул сарви равонимни,
Анга шукрона қилғаймен бу ёлғуз хаста жонимни.

Жон ҳажр ўтина тушти яно, бизни унутма,
Зулфинг бики қад бўлди дуто, бизни унутма.

Эй рост қадинг сарви равон жон чаманида,
Юзинг бики гул йўқ бу гулистон чаманида.

Эй қомати сарву, кўзи наргис, энги лола,
Зулфунг эрур ул лола уза мушк кулола.

матлаъли ғазаллари каби кўплаб асарлар шеъриятимизга энг мақбул, мусиқий вазнлар энди маҳорат билан қўлдана бошлаганидан далолат беради. Айни вақтда шоир ҳазажи мусаммани мусаббағ, ҳазажи мусаддаси маҳзуф, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф, рамали мусаммани мусаббағ, мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф каби вазнларни ҳам ўз ижодида синовдан ўтказиб, ўзбек арузи вазнлари доирасини кенгайтиришга интилганини кузатамиз.

Саккокий форс-тожик арузидаги анъанани туркий шеъриятга кўчириб, мужтасс баҳри вазнлари асосида 2-4 вазнли лирик шеърлар яратди.

Шоирнинг

Юзинг хаёли кўнгулга тегурди парвона,
Ким, ул муҳаббат ўти ичра жон била ёна.

Юзунг хаёли кўнгулнунг вилояти шоҳи,
Бу бахту толеъи ул жон сипеҳрининг моҳи.

Қуёшка таъналар урур бу кун юзунг қамари,
Куюрди юзунга боқсам менинг кўзум қамари

матлаъли ғазаллари икки вазнли бўлиб, мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнлари асосида битилган бўлса,

Агар қошимда ўшал гулзор бўлса эди,
Ғаме йўқ эрди, ғамим гар ҳазор бўлса эди.

Юзунгни кўрди доғи инсу жон-у жон кечти,
Бўюнгни кўрди-ю сарви сиҳи равон кечти

байтлари билан бошланувчи ғазаллар уч вазнда: мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф, мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуйи мусаббағ вазнларида яратилган.

Саккокий ўзининг

Ол алга ойина, юз кўр бу расму ойинда,
Тароватиму кўрунгай пари чиройинда

матлаъли ғазалида мужтасс баҳрининг тўрт вазнига юқоридаги уч вазнга қўшимча мужтасси мусаммани махбуни мақсур вазнига ҳам мурожаат этган эди.

Бу анъана шоирнинг замондошлари ижодида ҳам давом эттирилди ва ўзбек арузи ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Санъаткор шоир Атоий адабиётимизни ўзининг ғоявий ва бадиий жиҳатдан баркамол ғазаллари билангина эмас, қатор янги вазнлар билан ҳам бойитди. Унинг бизгача етиб келган асарларига кўра, шоир шеъриятимизда хазажи мусаммани ахраб, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур, ҳазажи мусаддаси мақсур, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур, ражази мусаммани матвийи махбун, музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур, мужтасси мусаммани махбун, хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф каби вазнларни илк бор

қўллади ва адабиётимизда фойдаланилаётган баҳрлар сонини 6 тага, вазнлар сонини 18 тага еткизди.

Ким кўрди кўзунг ҳасратида мен киби бемор,
Жон ғамзада, бағри тўла қон, кўнгли гирифтор.

Эй бегим, ушбу юз дегил шамс била қамармудур?
Эй бегим, ушбу кўз дегил шаҳд била шакармудур?

Аё сиймин баданлик, ол менгизлар,
Агар жоним керак, олинг – менгизлар.

Нечаким кездим висолинг орзусинда, оҳ-оҳ,
Топмадим васлиники бирдам мен ёмон гумроҳ роҳ

каби кўплаб жозибадор мисралар шоирнинг ўзбек арузи ривожига қўшган ҳиссасини янада равшанроқ акс эттира олади. Дарҳақиқат, Атоий арузнинг туркий шеъриятда ҳам ниҳоятда дилбар, мусиқий асарлар яратиш учун кенг имкониятлари мавжудлигини ўз асарлари билан исботлаб берди.

Атоий мужтасс баҳри вазнлари асосида 2, 3, 4 вазнли ғазаллар яратиб, Саккокий анъаналарини ривожлантирди. Айни вақтда хафиф баҳри вазнларини ўзбек шеъриятида илк бор синовдан ўтказиб, улар асосида 5 вазнли ғазал яратди ва кўпвазнлиликнинг аҳамиятини яна бир бор таъкидлади. Шоирнинг

Сўзласа оғзидин шакар кўрунур,
Салафи лаълидин гуҳар кўрунур.
Толеъимни юзи била кўрсам,
Кўзу қонинда юз назар кўринур.
Янги ой қошлари хижолатидин
Ойларда бирор-бирор кўринур.
Белини ҳар нечаки синчиласам,
Кўзларимга ҳамин камар кўринур.
Юзи қошида тенг эмас тўлун ой,
Агар ситораи саҳар кўринур.
Манфаатдур манга санам дарди,
Агар эл қошида зарар кўринур.
Бу Атоий кўзунг хаёлинда
Доимо масту бехабар кўрунур

ғазали шундай вазн хусусиятларига эга эди.

Шу даврнинг йирик шоирларидан бўлган **Гадоий** ўзининг лирик ижодида Атоий ва Саккокийлар арузи анъаналарини давом эттирди. Унинг ғазалиёти ўзининг вазн хусусиятлари жиҳатдан Атоий асарлари билан ҳамоҳанг. Шоир ғазалиётида айниқса рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур вазнлари ниҳоятда кенг қўлланган. Унинг бизгача етиб келган жами 226 ғазалидан 156 таси ана шу икки вазн асосида яратилган. Гадоий ҳа-

зажи мусаммани солим (9 ғазал), ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (14), ҳазажи мусаддаси маҳзуф (15), музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (12 ғазал) вазнлари ҳам шоир ғазалиётида анча кенг ўрин эгаллайди.

Гадоий ўз ғазалларидан 6 тасини мужтасс баҳрига мансуб вазнлар асосида кўпвазнли асарлар сифатида яратиб, бу анъанани янада ривожлантирди.

Гадоий ўзбек арузида илк бор рамал бахрининг анчагина мураккаб бўлмиш рамали мусаммани машкули мусаббағ вазнини қўллаб

Қаро отли оқ бегим, бу не юриш бўлур, не жавлон,
Жиловунгни тортароқ тутки, улусда қолмади жон

деб бошланувчи оҳангдор ғазалини яратганди.

Гадоийнинг ўзбек арузи тараққиётига қўшган ҳиссаси унинг лирикасида илк бор қўлланган мустазод вазни билан ҳам белгиланади. Зеро, бу вазнни Навоийгача бўлган ўзбек арузида (Ҳофиз Хоразмий ижодини истисно қилганда) учратмаймиз.

Шоир ўзининг

Эй ғамзаси фитна, кўзи фаттон, ўзи офат, раҳм айла бу жона,
Хатм ўлди санга салтанати мулки латофат, эй шоҳи ягона

матлаъъси билан бошданувчи мустазодини яратиб, бу вазннинг оҳанг имкониятларини илк бор синаб кўрганди.

Шоир ўз туюқлари билан рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнларининг ўзбек шеъриятидан мустаҳкам ўрин олишига сезиларли таъсир кўрсатган эди.

Ўзбек арузининг шаклланишида айниқса маликулкалом Лутфий ижоди алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўзининг дилбар ғазаллари, жозибадор ва ҳайратомуз туюқлари, пурмазмун рубоийлари билан шеъриятимизнинг ғоявий-бадиий камолотига кучли таъсир кўрсатган шоир арузнинг адабиётимизда қўлданаётган баҳр ва вазнларидан ўз ижодида кенг фойдаланиш билан уларнинг оҳанг имкониятлари янада бойроқ эканини исботлаб берди, айни вақтда, қатор баҳр ҳамда вазнларни илк бор қўллаб уларни бадиий хазинамизга олиб кирди.

Лутфийнинг лирик шеърлари 9 баҳрга мансуб 38 вазнда битилган эди. Шоир ўз замондошлари ижодида қўлланган баҳр ҳамда вазнларда кўплаб ғазал ва туюқлар яратди. Хусусан, унинг ғазалиётидан ҳазаж, рамал ва музориъ баҳрлари кенг ўрин олган эди.

Лутфий арузида ҳазаж баҳри асосий ўринни эгаллайди. Унинг бизга қадар етиб келган 430 лирик шеъридан 129 таси (30 фоизи) ана шу баҳрнинг энг ёқимли вазнлари асосида яратилганлиги шундан далолат бериб турибди.

Шоир ўзининг ғазал, рубоий ва фардларини битишда ҳазаж баҳрига мансуб 12 вазнга мурожаат қилади. Улар орасида ҳазажи мусаммани ахраби макфуф вазни алоҳида ажралиб туради.

Рукнлари мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун тарзида бўлган мазкур вазн ўзининг енгил ва ўйноқи оҳанги, халқ қўшиқларига яқинлиги, мумтоз ва халқ мусиқаларига мослиги, ранг-баранг мавзу, ғоя ва тимсоллар ифодаси учун қулайлиги туфайли бу давр туркий шеърияти, хусусан, ўзбек ва озарбайжон адабиётларидан кенг ўрин олган эди. Шу даврда яшаган озарбайжон мумтоз шоири **Қози Бурҳониддин** қаламига мансуб 1300 ғазалдан 236

тасининг шу вазнда битилганлиги ҳам шундан далолат беради. Лутфий бу латиф вазнда ўзининг 61 ғазали ва 5 фардини яратган эди. Бу асарлар билан танишсак, уларда танланган вазн шоир лирикасига хос умумбашарий ғояларни ғоят таъсирчан ва жозибадор оҳанг воситасида мужассамлантиришга имкон яратганини кўрамиз. Лутфийнинг

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Кўзинг қораси фитна, вале оқи балодур,
Жонлар оладур, ваҳ, не бало кўзи қародур.

Сўзларда қачонким кўзи қоши билан ўйнар,
Ҳар гўшада юз минг киши боши била ўйнар.

Келгинки фироқинг ўтида қолмади ҳолим,
Бу ўтни ўчур васл ила, эй оби зулолим.

Эй турки париваш, не ажаб жон етилибсан,
Давлат чаманинда гули хандон етилибсан

матлаъли асарлари каби кўплаб ғазаллар шоирнинг мазкур вазннинг оҳанг яратиш имкониятларидан моҳирона фойдаланиб, ниҳоятда латиф ва сержилва бадиий обидалар битганидан далолат беради. Бу асарлар мазкур вазннинг шеъриятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллашига кучли таъсир кўрсатди.

Лутфий бу вазнга жуда яқин турувчи, ундан фақат охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланувчи **ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи мақсур** (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу мафоийл) ўлчовида ҳам ўзининг 5 та ғазали ва иккита фардини ёзган эди. Бу вазн асосида яратилган

Эй ғамзаси мискинлара кўб қилгучи бедод,
Жоду қароқинг сеҳр ила Ҳорутға устод.

Эй менглари фулфул, кўзи кофир, юзи кофур,
Асру доғи бўлма бу кечар ҳуснунга мағрур.

То қилди бу ошуфта кўнгул зулфида ором,
Мажмуъи паришон ишни қилди саранжом

матлаълари билан бошланувчи ғазаллар мазкур ўлчов ҳам кенг оҳанг имкониятларига эга эканлигини яққол намоён қилади.

Лутфий лирикасидан кенг ўрин олган яна бир вазн **ҳазажи мусаддаси маҳзуф** (рукнлари: мафоийлун мафоийлун фаугун) эди. Ушбу ўлчов ҳам туркий шеъриятда энг хуш кўрилган вазнларидан бири сифатида эъзозланиб келди. Хусусан, XIV—XV асрнинг II ярмида унинг асосида кўплаб лирик ва лиро-эпик асарлар: ғазаллар, достонлар яратилди. Қози Бурҳониддин ғазалларидан 135 тасининг (10 фоизидан кўпроқ), **Имодиддин**

Насимий ғазалларидан 39 тасининг (8 фоизи) шу вазн асосида яратилганлиги унинг озарбайжон адабиётидан ҳам кенг ўрин эгаллаганидан далолат беради. Лутфий ана шу енгил ва ёқимли вазнда ўзининг 23 ғазалини (7,5 фоиз) ёзган эди. Шоир ўз асарлари билан мазкур вазннинг ҳалқчил лирик шеърлар яратиш учун ниҳоятда мақбул эканлигини

Ҳақ ул кун ким жамолинг бор этибтур,
Жаҳон ҳуснин борин сизга берибтур.

Сенинг пирин лабинг жондин қолишмас,
Сочингнинг куфри имондин қолишмас.

Зиҳи сарв устида юзунг қамардек,
Қани бир шохи гул сен сиймбардек

матлаъли ғазаллар каби кўплаб асарлар мисолида далиллаб берди.

Лутфий ўз ғазалиётида ҳазаж баҳрининг бошқа вазнларидан ҳам анча кенг фойдаланиб, уларнинг ўзбек арузидаги ўрнини янада аниқроқ белгилаб берди. Шоирнинг ҳазажи мусаммани солим вазнидаги 7, ҳазажи мусаммани ажраб вазнидаги 5, ҳазажи мусаддаси мақсур вазнидаги 6, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнидаги 8, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазнидаги 1 ғазалининг ҳар бири адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган.

Шоирнинг бизга қадар етиб келган асарлари ичида иккита рубоий ҳам бўлиб, уларни битишда шоир ахраб шажарасига мансуб 4 вазндан фойдаланганди.

Гар сайр учун ул маҳи тобон чиқадур,
Қўл солиб, этак йиғиб хиромон чиқадур.
Чун жилва қилиб ногаҳон ул боқса қиё,
Ҳар бир боқишига юз сучук жон чиқадур

рубоийси икки вазнли бўлиб, 1- ва 3-мисралари ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб, 2- ва 4-мисралари эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб вазнлари асосида яратилган.

Эй авжи малоҳат устида ой юзлук,
Гулзори латофат аро наргис кўзлук.
Қошингда агарчи эгрилик бор, вале,
Ул қадинга бордур тузлук. сарв киби

рубоийси уч вазнли бўлиб, унинг 1-, 4-мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, 2-мисраси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар, 3-мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи махфуфи ажабб вазнларида битилган эди. Лутфий ўзининг ушбу асарлари билан шеъриятимиздан рубоий вазнларининг ҳам ўрин олишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Лутфий лирикасида рамал баҳри вазнлари ҳам кенг қўлланди. Шоир ўзининг 103 ғазали, 70 туюғи, 8 фардини шу баҳр вазнлари асосида яратган эди. Бу вазнлар орасида, шубҳасиз, рамали мусаммани маҳзуф вазни алоҳида ажралиб туради.

Туркий адабиётларда Рабғузий ижодидан бошлаб қўлланиб келаётган бу вазн Лутфий замондошлари ижодидан ҳам асосий ўрин эгаллаганини юқорида кўриб ўтган эдик. Шоир ўз асарлари билан мазкур вазннинг оҳанг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Унинг шу вазнда битган 78 ғазали ўз оҳангининг ёқимлилиги, халқчиллиги билан кўзга ташланиб туради. Шоирнинг

Кўргали лаълинг ақиқин кўнглум ул ён тортадур,
Бу ямон андишалиқни гўиё қон тортадур.

Неча куйгай бу ёнар ўтқа заиф жоним менинг,
Қолмади сабр этгали бир зарра имконим менинг.

Эй парирухсорлар, бизга нигоҳ айлаб ўтинг,
Бир назар бирла гадони подшоҳ айлаб ўтинг

матлаълари билан бошланувчи ғазаллар каби кўплаб сержило асарлари шулар жумласидандир.

Шоир бу вазнга жуда яқин турувчи рамали мусаммани мақсур вазнида ҳам

Ростлиқ ҳаққи, мухолиф бўлмадим ҳеч, эй нигор,
Най бикин бағрим тешиб ингратма мени зор-зор.

Эй латофат бўстони ичра сарви хушхиром,
Топти рухсоринг гулидин ҳусн боғи эҳтиром

матлаълари ғазаллар каби оҳангдор асарларини яратган эди.

Лутфий ўзбек шеъриятидан туюққа махсус бўлган рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнларининг мустаҳкам ўрин олишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Зеро, шоир мазкур жанрда бошқа ижодкорларга қараганда «кўб ва хўб» асарлар битди. Унинг қаламига мансуб бўлган 70 туюқдан 65 таси рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган эди. Шоир

Чархи кажрафтор элидин ёзамен,
Чиқмадим ҳижрон қишидин ёза мен.
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳға қуллуқ ёзамен.

Боғи ҳуснунгдин Гуле тар тергамен,
Бош агар борса бу йўлда тергамен.
Ой юзунгни кунга ўхшатқан учун
Ғарқ бўлмушмен уётдин терга мен

каби ғоявий-бадиий жиҳатдан баркамол асарлари билан бу вазн имкониятларини атрофлича кашф этган эди.

Эй кўнгул, ёрсиз санга не бор, бор,
Қайдаким ул зулфи анбарбор, бор.
Чек жафову жанру нози борини,
Бир кун ўлғайким, дегайлар: «Бор-бор!»

Кўнглума ҳар ёнки боқсам, доғи бор,
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,
Бир сори бўлди фироқинг доғи бор

каби дилрабо асарлар учун асос бўлган рамали мусаддаси мақсур вазни ҳам Лутфий туюқлари туфайли шоирларимиз ижодидан муносиб ўрин эгаллади.

Лутфийга қадар рамал баҳрининг уч вазнигина **рамали мусаммани маҳзуф, рамали мусаммани мақсур ва рамали мусаммани машкул**гина шеъриятимизда қўлланганини таъкидлаб ўтган эдик. Шоир форс-тожик адабиёти ва арузини атрофлича ўрганиб, рамали мусаммани махбуни мақсур, рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларига мурожаат қилган ҳолда ушбу вазнда ҳам кўпвазнли асарлар яратиш анъанасини бошлаб берди. Лутфий ғазалларининг 11 таси 2-4 вазнли асарлар сифатида яратилган эди. Жумладан, шоирнинг

Маҳвашим, бир назар этсанг, не-ниманг ўксигуси,
Банда сори гузар этсанг, не-ниманг ўксигуси.

«Қоба қавсайн» и мақоминда кўзунг қон қиладур,
Ҳар дам ул кўнгли қаро, қасди мусулмон қиладур.

Зулфдин қатъ қилиб юзунга ҳайрон бўлдум,
Мен агар кофир эдим, эмди мусулмон бўлдум

матлаъли ғазаллар уч вазнда битилган бўлса,

Эй, кўнгул мамлакатин ишва била олгансан,
Ақду жон оламига ишқ ўтини солгансан.

«Дудоғинг маъдани жондур», дедим, айтур: «Санга не?!
«Қоматинг сарви равондур», дедим, айтур: «Санга не?!»

матлаъли ғазаллар тўрт вазн асосида яратилган эди. Лутфий бу хил асарлари билан ўзбек адабиётидаги кўпвазнлилик доирасини кенгайтирди ва ўзбек арузининг ритм-оҳанг имкониятларини янада бойитди.

Лутфий ижодидан ўз ўрнини топган яна бир баҳр музориъдир. Шоирнинг 52 ғазали ва 5 фарди унинг вазнлари асосида битилган. Шоир мазкур баҳрнинг музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (рукнлари мафъулу фоилоту мафоийлу фоилун) вазнида 44 (13 фоиз) ғазал яратиб, унинг шеъриятимиз учун мақбул ўлчов эканлигини тасдиқлаган эди. Мавлононинг

Ўтлуқ кўзунгни кўргали бағрим кабоб эрур,
Сиздин не ёшурай, кўнгул иши ҳароб эрур.

Бўлди баҳору жон куни ул ён ҳаво қилур,
Ҳар неча ул нигори суманбар жафо қилур.

Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочтин,
Солди каманд бўйнума икки қулоттин

матлаъли ғазаллар каби кўплаб асарлари шу вазн асосида битилган.

Шоир музориъи мусаммани ахраб вазнида 3 та, музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазнида 5 та ғазал яратиб, уларнинг оҳанг имкониятларини ҳам қайта-қайта синовдан ўтказган эди.

Лутфий шеъриятимиздан ўз ўрнини топган ражаз баҳрининг икки вазнида ҳам ўз ғазалларидан 16 тасини ва 1 та фардини яратган. Ражази мусаммани солим вазнидаги

Нортек янгоқинг шавқидин жонлар бари афгор эрур,
Кўнглум қачон топсун мурод, «Бир нору минг бемор» эрур.

Ҳар ким анинг зулфи билан ногаҳ бирор савдо қилур,
Куч бирда ўзин ул киши шўридаву пайдо қилур,

ражази мусаммани матвийи махбун вазни асосида яратилган

Ғамза ўқини гоҳ-гоҳ жонима раҳм этиб отар,
Ҳасратим ул дурурким, ул давлати тез-бот ўтар.

Ишқи жаҳонни ўртади, бу не бало жамол эрур,
Ҳадди башар датулким, ул партави лоязал эрур

матлаъли ғазаллар каби асарларда бу баҳр имкониятлари ўзининг ёрқин ифодасини топган эди.

Лутфий шеъриятимизга **мунсариҳ, мутақориб** ва **сариъ** баҳрларини олиб кирди.

Маълумки, мутақориб баҳри туркий адабиётларда ХИИ асрдан бери қўлланиб келарди. Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий достонларининг ана шу баҳрга мансуб икки вазнда яратилганлиги кўпчиликка аён. Аммо мазкур баҳр лирик шеъриятда Лутфийга қадар қўлланмаган эди. Шоир мутақориб баҳрига мансуб мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида ўзининг

Кўкарди чаман, гулузорим қани?
Сиҳи сарв бўйлуқ нигорим қани?

Топибдур букун васли гул андалиб,
Дариғо, менинг навбаҳорим қани?

Эшикинда туфроқ бўлдум, вале,
Демадингким, ул хокисорим қани?

Сенинг аҳди ҳуснунгда йўқ менда сабр,
Менинг ул бурунқи қарорим қани?

Эришур дебон қилма Лутфийға қаҳр,
Бу ишда, бегим, ихтиёрим қани?

ғазалини битиб, унинг лирик шеърлар учун мақбул ва ёқимли ўлчов эканлигини исботлади.

Шоир ўз қаламини енгил ва оҳангдор сариъ баҳрининг икки вазнида ҳам синаб кўрди. Унинг

Жону кўнгул кишварининг хонисиз,
Ҳусну латофат танининг жонисиз

деб бошланувчи ғазали **сариъи мусаддаси матвийи макшуф** (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилун) вазни асосида яратилган бўлса,

Бўлмаса гар ул санами гулузор,
Бизга хазонтек ўла бу навбаҳор

матлаъли ғазали сариъи мусаммани матвийи мавқуф (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилон) вазнида битилган эди. Ҳар икки вазннинг халқ қўшиқлари билан оҳангдошлиги, мусиқийлиги ва жозибадорлиги, мумтоз куйларга мослиги кўзга ташланиб турибди. Бу вазнларнинг ҳар қайсисида биттадан ғазал ёзиб кўрган Лутфий уларнинг ўзбек адабиётидан ўрин олишида муҳим хизматни бажарган эди.

Лутфий синовдан ўтказган яна бир баҳр мунсариҳ бўлиб, унинг асосида шоирнинг биргина фарди битилган.

Лутфий анинг жавридин кўнгли қолур биғлама,
Хотирини сақлаким, сув борур-у тош қолур

мисраларидан ташкил топган бу асар мазкур вазннинг оҳанг хусусиятларини ўзида акс эттира оларди. Халқнинг “Ёр-ёр” қўшиқларига монанд бу вазн ҳам шеъриятимизга илк бор Лутфий қалами туфайли кириб келган бўлса, ажаб эмас.

Лутфий арузига хос муҳим бир хусусият шундаки, асарларининг вазн жиҳатидан ниҳоятда мукаммал, оҳанг жиҳатидан жозибадор бўлишига интилган шоир ўз шеърларидаги мисралар охирида қўш ундошлар билан туговчи сўзларни мутлақо қўлламайди. Унинг асарларида мисралар охиридаги ўта чўзиқ ҳижолар фақат таркибида чўзиқ унли бўлган ёпиқ ҳижолар тарзидагина келади. Бу хил ҳижолар шеърларга сержило оҳанг бағишлайди, бундай асарларни куйлашга ҳам қулайлик яратади.

Оҳким бағрим фироқ ўти уза бўлди кабоб,
Мажлисим нуқли ғаму андуҳу кўз ёшим шароб.

Қадингнинг нахли, эй сарви сарафроз,
Ниҳоли дилраболиқтур, бари – ноз.

Эй латофат бўстони ичра сарви хушхиром,
Топти рухсоринг гулидин ҳусн боғи эҳтиром

матлаъли ғазаллар каби кўплаб асарлари шу хил вазн хусусиятига эга.

Лутфий бу билан ўзбек арузида ўзига хос анъанага мисралар охиридаги ўта чўзиқ ҳижоларда қўш ундошли сўзлар ёки ҳижоларни қўлламаслик анъанасига асос солди. Бу анъана Лутфийнинг кўпчилик издошлари ижодида давом эттирилди.

Лутфий ўзбек арузидаги яна бир анъанага қофия ва радифлар ўрнида энг оддий, ҳаётий сўзлар, жумлаларни эркин қўллаш анъанасига ҳам асос солган эди. «Туркона» деб аталувчи бу услубга мувофиқ шоир ўз асарларида халқ тилида қўлланадиган кўплаб оддий сўзлар ёки бирикмаларни қофия ва радифлар ўрнида фойдалана беради, бу билан шеърлар оҳангига ҳам айрича латофат бағишлайди. Чунончи,

Қаро менг ол энг уза қўймоқ ол ***эмиш билдим,***
Таматтуъ ондин, илинмоғ маҳал ***эмиш билдим.***

Кўздин мени солдинг севарим, ***нетти, не бўлди?***
Гар ҳуснунга тушти назарим, ***нетти, не бўлди.***

Мени шайдо ***қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,***
Хору расво ***қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул****.*

Лаълингни дедим дуржи дурар ***сўз келишидин,***
Оғзингни дали тунги шакар ***сўз келишидин***

каби радифлар шулар жумласидандир.

Бу даврда ўзбек арузи ривожини **Ҳофиз Хоразмий** ижодида ҳам яққол кузатиш мумкин. Шоир адабиётимизнинг аруз соҳасидаги энг яхши анъаналарини ривожлантира бориб, ўзининг лирик ижодида хилма-хил баҳр ҳамда вазнларга мурожаат этди. Атоий, Саккокий, Гадоий ва Лутфийлар ижодида учрамайдиган бир қатор ўлчовларни ҳам синовдан ўтказиб, уларни шеъриятимизга олиб кирди.

Ҳофиз Хоразмий девонини кўздан кечирсак, шоирнинг 9 баҳрга мансуб жами 53 вазнда лирик шеърлар яратганининг гувоҳи бўламиз. Девондаги шеърларнинг вазн хусусиятларини қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин:

№	Баҳрлар	Вазнлар сони	Ғазалиёт	Мухаммас	Мустазод	Таркиббанд	Таржиъбанд	Қитъа	Рубоий	Жами
1.	Ҳазаж	7	279	1	2	-	1	4	9	296
2.	Ража	3	55	-	-	-	-	-	-	55
3.	Рамал	11	348	-	-	-	-	7	-	355
4.	Мунсариҳ	2	11	-	-	-	-	-	-	11
5.	Музориъ	3	164	-	-	1	-	-	-	165
6.	Мужтасс	5	128	-	-	-	-	2	-	130
7.	Сариъ	2	12	-	-	-	-	-	-	12
8.	Хафиф	5	34	-	-	-	2	9	-	45
9.	Мутақориб	5	13	-	-	-	-	1	-	14
		53	1044	1	2	1	3	23	9	1083

Шоир ўзининг лирик асарларини яратишда ҳазаж баҳрига мансуб ҳазажи мусаммани солим (68 ғазал), ҳазажи муҳаммани ахраби макфуфи маҳзуф (108), ҳазажи мусаддаси маҳзуф (51), рамали мусаммани маҳзуф (123), музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (155 ғазал) вазнларидан айниқса кенг фойдаланган.

Ҳофиз Хоразмий ўзбек шеъриятига хос кўпвазнлилик анъанасини давом эттирган ҳолда рамал баҳридаги 166 ғазалини, мужтасс баҳридаги 119 ғазалини ва хафиф баҳридаги 34 ғазалини 2-6 вазнли асарлар сифатида яратганди.

Шоир ўзбек шеъриятида рамали мусаммани солим, рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ, мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф, мужтасси мусаммани махбун, мутақориби мусаммани аслам сингари қатор янги вазнларни илк бор қўллаб, улар билан ўзбек арузини бойитди. Рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнларини туюқдан бошқа жанрларда ҳам қўллаш анъанасини бошлаб берди. Шеъриятимизга таркиббанд, таржиъбанд, қитъа жанрларини олиб кириб, уларни хилма-хил вазнларда битиш мумкинлигини ўз асарлари билан исботлаб берди. Ўз рубоийларида мазкур жанрга хос 7 вазнни қўллаб, рубоий вазнлари ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу асарлар, Ҳофиз Хоразмийнинг арузни ривожлантириш соҳасидаги хизматлаъри унинг ватани Хоразмдан узоқда юзага келди, ўзбек шеърияти, ўзбек шоирларига номаълум бўлиб қолди. Бинобарин, шоир ижоди ўзбек арузи тараққиётига бирон-бир даражада амалий таъсир кўрсатолмади. Алишер Навоий ҳам шоир асарларидан бехабар эди.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ижоди бошлангунга қадар ўзбек арузида:

– мазкур шеърий ўлчов тизими қонуниятлари аста-секинлик билан ўзлаштириб борилди;

– арузнинг унча мураккаб бўлмаган бир қатор баҳрлари, хусусан, ҳазаж, ражаз, рамал, мутақориб, мужтасс, музориъ, хафиф баҳрлари ва уларга мансуб 40 га яқин вазн асосида кўплаб лирик ва лиро-эпик асарлар яратилди;

– кўпвазнлилик шеъриятимиздан ўрин олди;

– арузга асосланган ғазал, туюқ, фард, қитъа, маснавий, қасида жанрларида хилма-хил вазнлардаги шеърлар яратиш анъанага айланди. **Лекин бу даврда ҳали:**

– ўзбек арузининг назарий асослари ишлаб чиқилмаган;

– арузнинг ўзбек тилига мос тушадиган вазнлари доираси аниқ белгиланмаган;

– ўзлаштирилган баҳрларга мансуб кўплаб вазнлар шеъриятимиздан ўрин олмаган;

– кўпвазнлилик ва кўпрукнлилик имкониятлари ҳали кашф этилмаган;

– мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиъбанд каби кўпгина шеърий шакллар вазнлари тадқиқ этилмаган ва қўлланмаган;

– рубоий вазнлари имкониятлари ўрганилмаган эди ва ҳоказо.

Ўзбек арузини шакллантириш учун зарур бўлган ана шундай муҳим назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш Алишер Навоий зиммасига тушди.

II БОБ
НАВОИЙ ИЖОДИДА АРУЗ ИНКИШОФИ

Алишер Навоий ижодидаги аруз инкишофини кузатиш шоирнинг мазкур шеърий ўлчов тизимига муносабати, унинг лирик ва эпик шеъриятида аруз баҳр ва вазнларнинг қўлланиш кўлами, бу соҳада шоир маҳоратининг ўсиб бориш жараёнини таҳлил қилиш жиҳатидан аҳамиятлидир. Шундай тадқиқот давомида Навоий аруздаги анъанавийлик ва кашфиётчилик хусусиятларини ҳам, шоирнинг ўзбек арузи камолидаги иштироки даражасини аниқлаш мумкин. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган "Илк девон", “Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя” ва “Хазойин ул-маоний” тўпламларини қиёсий ўрганиш имконияти қўл келади.

Маълумки, Навоий болалик чоғлариданоқ, форс-тожик ва туркий адабиётлар намояндаларининг аруз асосида битилган кўплаб асарларини ёдлаб олган эди. Бу эса унга мазкур тизимнинг оҳанг-ритм хусусиятларини ҳам ўзлаштира бориш имкониятини берди. У ҳали аруз назариясидан бехабар бўлса ҳам, лекин кўплаб вазнларнинг оҳангини мукаммал билиб олган эди. Шунинг учун ҳам шоир ўзининг дастлабки шеърий машқларини арузнинг ўзи ўзлаштириб олган вазнларида ёзган бўлишини фараз қилиш қийин эмас. Унинг илк дафъа яратган ғазаллари арузнинг осон, лекин мусиқий ва жозибадор **рамали мусаммани маҳзуф, ҳазажи мусаммани солим, музориъи мусаммани ахраб** каби вазнларда бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Дарҳақиқат, Навоий ўзининг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида ҳижрий 860 (милодий 1456) йили мазкур устози билан танишганини таъкидлар экан, ўша йиллари Хуросонда ўз ғазалларининг “шуҳрат тутгани”ни айтиб, улардан баъзилари, хусусан,

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар,

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга

каби матлаъли ғазаллари, шунингдек,

Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин
Ажаб ҳолатки, тутмай болни бармоқ ялайдурмен

байтини, маснавийларидан эса

Ҳар нечаки пухта бўлса тадбир,
Берур анга гўшмол тақдир

мисраларини мисол тариқасида келтирган эди.[1] Бу байтлар эса, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, рамали мусаммани маҳзуф, ҳазажи мусаммани солим ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазнларидадир.

[1] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик.14-том. Ўзадабийнашр. – Тошкент, 1967, 77-78-бетлар.

Ёш Навоийнинг лирик шеъриятида қўлланган баҳр ҳамда вазнларни белгилаш учун шоир замондошлари томонидан 1465 йили тузилган девонни кўздан кечириш кифоя. Ундан ўрин олган ғазаллар, рубоийлар, мустазод ва мухаммаснинг вазн хусусиятларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

№	Баҳрлар	Вазнлар сони	Жанрлар				Жами
			Ғазал-лар	Рубоийлар	Мустазод	Муҳаммас	
1.	Ҳазаж	19	59	41	1	-	101
2.	Ражаз	1	4	-	-	-	4
3.	Рамал	13	255	-	-	1	256
4.	Мунсариҳ	1	2	-	-	-	2
5.	Музориъ	3	13	-	-	-	13
6.	Мужтасс	5	45	-	-	-	45
7.	Сариъ	1	1	-	-	-	1
8.	Мутақориб	4	12	-	-	-	12
	Жами	47	391	41	1	1	434

Кўриниб турибдики, ёш шоир мумтоз шеъриятимизда кенг қўлланган баҳрларга, уларнинг энг халқчил, сержило вазнларига алоҳида эътибор билан қараб, аксарият лирик шеърларини улар асосида яратган.

Навоийнинг ёшлик даври лирикасини вазн нуқтаи назаридан тадқиқ этиш шундан далолат беради, шоир ўз асарлари ўлчовини уларнинг ғоявий мазмунидан, мавзуъ, мотивлар ва образлар ҳарактеридан келиб чиқиб танлаган. Унинг илк ғазаллари, рубоийлари, мустазод ва мухаммасларини назардан кечирсак, ҳар қайси асарда қўлланган вазн шоир ғоявий ниятини рўёбга чиқариш учун қўл келганини, умумбашарий ғоялар, нозик сержило, таъсирчан ифодалашда муҳим восита бўлиб хизмат қилганини кўрамиз.

Навоий ўзининг илк ижодидаёқ Шарқ шеъриятининг ноёб дурдоналари қаторидан ўрин олган пурмазмун ва жозибадор асарлар битган эди. Уларда инсон маънавий олами ниҳоятда теран акс эттирилди. Лирик қаҳрамоннинг гўзал маъшуқага бўлган чексиз муҳаббати, ҳижрон онларида чеккан изтироблари, ёр висолига интиқлиги, дилдор тараҳҳумига бўлган умиди каби ҳиссиётлари гоҳ вазмин, салобатли, гоҳ енгил, ўйноқи вазнлар воситасида таъсирчан ифодаланади.

Шоирнинг мазкур давр ижодига мансуб бўлган

Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди нединким, бас, паришон бўлди гул.
Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг откунча уйқу келмади.

Ўтқа солғил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса.

Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,
Бўлмасун гар борса жононим менинг , жоним менинг.

Баҳору боғ сайридин не гул, не сарвдур комим,
Будур комимки, шояд, учрағай сарви гудандомим.

Бир ой ўтти мени маҳзунға бир ой интизоринда,
Ки не кўнглум эрур ҳушинда, не ҳушум қароринда

матлаъли ғазаллари каби кўплаб асарлар фикримизнинг далили бўла олади.

Бу асарларни ўқир эканмиз, ёш шоирга хос инсоннинг руҳий оламини чуқур идрок этиш иқтидори, бадиий тафаккур оламининг кенглиги, оҳанглар жилосидан туйғулар мавжини ёрқин ва жозибадор акс эттиришда моҳирона фойдаланиш салоҳияти мафтун этади бизни.

Навоий ўзининг илк лирикасида **ҳазаж** баҳрининг Атоий, Саккокий, Лутфий каби буюк ижодкорлар шеъриятидан мустаҳкам ўрин олган ҳазажи мусаммани солим, ҳазажи мусаммни ахраб, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф, ҳазажи мусаддаси мақсур, ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнларида бадиий жиҳатдан юксак ғазаллар ёзди. Лекин шуниси аҳамиятлики, шоир анъанавий вазнларда ижод қилиш билан чекланмай, мазкур баҳрнинг форс-тожик адабиётида фойдаданилаётган вазнларини синаб кўриш мақсади билан ўзигача бўлган шеъриятимизда учрамайдиган **ҳазажи мусаммани мусаббағ, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод** вазнларига ҳам мурожаат этиб, аруз соҳасида ўзининг кашфиётчилигини илк бор намоён қилди.

Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой,
не ғамзаи жоду,
Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой,
хуршид анга кўзгу

матлаъси билан бошланадиган мустазод, бизга қадар етиб келган адабий обидаларга қараб ҳукм чиқарсак, шеъриятимизда яратилган шу жанрдаги илк асар эди.

Навоийнинг ўзбек арузи соҳасидаги кашфиётчилиги унинг "Илк девон"идаёқ рубоий вазнларининг кенг қўлланишида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган эди. Шоир адабиётимиздан муносиб ўрин олишга улгурмаган мазкур жанрни ўзбек шеъриятига олиб кириш мақсадини ёшлик йилларидаёқ ўз кўнглига тугиб қўйган шекилли, мураккаб рубоий вазнларига журъат билан мурожаат қилган ҳолда ўнлаб асарлар битди, уларнинг 41 таси мухлислар томонидан тузилган девондан ўрин олган эди. Навоий ана шу рубоийларда мазкур жанрга махсус 24 вазннинг 13 тасидан муваффақият билан фойдаланган. Улардан 8 таси ахраб, қолган 3 таси эса ахрам шажарасига мансуб вазнлар эди. Кўринадики, ёш Навоий рубоий вазнларининг форс-тожик шеъриятида кенг қўлланиб келган ахраб шажарасига мансуб 8 мақбул вазн билан чекланмай, мураккаб ахрам шажараси вазнларига ҳам мурожаат қилади.

Шоир

Чун ханжари ҳажрнинг манга қатъ этти ҳаёт,
Бори ғами дардинг ўқини тинмайин от.
Ким онча қовурсин пар ўлуб бутса қанот,
Тойир бўлубон етгамен охир санга бот

каби якка вазнли рубоийларни ҳам,

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошиён бўлмас эмиш.

сингари икки вазнли рубоийларни ҳам,

Қўрқутма мени тамуғдин, эй зоҳиди ях,
Жаннат манга бўлғуси дебон урма занах.
Ким дўзах онинг ёди била жаннат эрур,
Жаннат бори сенинг биладур дўзах

каби уч вазнли, ахрам аралаш рубоийларни ҳам маҳорат билан яратиб, бу вазнларнинг адабиётимиздан ўрин олишига ёшлик йиллариданоқ муносиб ҳиссасини қўшган эди.

Навоийнинг мазкур девондан ўрин олган аксарият ғазаллари (391 асардан 255 таси) Атоий, Саккокий, Луфий, Гадоий ва бошқа шоирлар шеъриятидан кенг ўрин олган рамал баҳри вазнларида яратилганди. Буларнинг 205 таси энг матбуъ вазнлар ҳисобланадиган рамали мусамани маҳзуф (161 ғазал) ва рамали мусаммани мақсур (44 ғазал) ўлчовларига асосланади. Шоир мазкур баҳрнинг Лутфий лирикасида синаб кўрилган рамали мусаммани махбуни мақсур, рамали мусаммани махбуни маҳзуф, рамали мусаммани махбуни мақтуъ ва рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари асосида кўпвазнли ғазаллар яратиш анъанасини давом эттириб, ўзининг 31 ғазалини 2, 3, 4 вазнли асарлар сифатида битган эди. Яъни унинг шу усулда яратилган ғазалларида юқоридаги вазнлардан 2, 3 ёки 4 таси иштирок этаверади. Бу эса шоирга вазн ранг-баранглигини таъминлаш , қофия ҳамда радифлар учун сўз танлашда муайян эркинлик имконини беради. Жумладан,

Эй висол аҳли, ул ой кўнглини хушҳол тутунг,
Гар ҳалоким хабаридин овунурким, овутунг.
...Гар сўзум яхши-ёмон хотириға келмас хуш,
Ул унутқон киби лутф айланг-у сиз ҳам унутунг.
Маҳвашлар била кундуз берингиз базмиға зеб,
Шамъ май бирла шабистони фарофин ёрутунг.
...Ғамзаси бийми кўп ачитти Навоий оғзин,
Лаъли пайғоми била бир доғи комин чучутунг

байтларини ўз ичига олувчи ғазал мазкур вазнларнинг тўртови асосида битилган тўрт вазнли асардир.

Навоий илк ижоди биланоқ форс-тожик арузи ютуқларини назарда тутган ҳолда ўзбек шеъриятида биринчи марта рамал баҳрининг олти рукни тўрт вазни, чунончи: рамали мусаддаси махбуни мақсур, рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, рамали мусаддаси махбуни мақтуъ ва рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари асосида ҳам кўп вазнли асарлар яратиш анъанасига асос солди. Бу хил шеър битиш Навоийгача бўлган ўзбек ғазалчилигида учрамайди. Жумладан,

Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб,
Куйса хошок ёлиндин, не ажаб.
Секриди, чунки самандинг деди ақл,
Барқ бўлмиш бу қуёшқа маркаб.
...Зақанинг чоҳу анинг остида хол
Чоҳнинг нуқтаси, эй нўшинлаб

байтларини ўз ичига олувчи ғазал уч вазнли асар сифатида яратилган бўлиб, юқоридаги биринчи байт рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, учинчи ва бешинчи мисралар – рамали мусаддаси махбуни мақсур, тўртинчи ва олтинчи мисралар эса рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазнлари асосида ёзилган эди. Девондаги жами 16 ғазал шу хил вазн хусусиятларига эга.

Арузга хос кўпвазнлилик анъанасини мустаҳкамлаш истаги билан шоир **мужтасс** баҳрига мансуб тўрт вазн – мужтасси мусаммани махбуни мақсур, мужтаси мусаммани махбуни маҳзуф, мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларининг ўзаро алмашиб қўлланиши асосида жами 44 та кўпвазнли ғазал битганди.

Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Баҳор бўлди-ю гул майли қилмади кўнглум,
Очилди ғунчаву лекин очилмади кўнглум.

Начукки дард қироғи аёғинг остида дол,
Узор нуқтаси янглиғ узоринг устида хол

матлаъли ғазаллар каби асарлар шулар жумласидан эди.

Навоий ёшлик йилларида яратган лирик шеърларида устозлари ғазалиётида қўлланган музориъ баҳри вазнларига ҳам ўзининг 13 асарида мурожаат қилиб, жозибадор оҳангга эга бўлган нафис бадиий обидалар битди.

Музориъи мусаммани ахраб вазнидаги

Бўйнумға қайд қилғай ул ой қўлини мойил,
Ким басдурур қулоға ит бўйниға ҳамойил.
Бир қатла бўлса эрди ул гулузор ошиқ,
Бўлғайму эрди мунча оллида хор ошиқ;

музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнидаги

Ҳар қатла қонки томди кўнгул тоза доғидин,
Бир тоза лола очти ғаминг ҳажр тоғидин.

Кўксумда наъл урди хадангинг нишонаси,
Кўксум уйи эрур онинг омочхонаси;

музориъи ахраби макфуфи мақсур вазнида битилган

Эй дарди ёрдин кам ўлур менда ёр йўқ,
Кўнглумда юз туман ғаму бир ғамгусоре йўқ.

Ёр этти меҳр таркию мен бормен ҳануз,
Ишқи салосилиға гирифтормен ҳануз

матлаъли ғазаллар шулар жумласидандир.

Навоий ўзигача бўлган ўзбек арузида деярли қўлланмаган (фақат Лутфий биттагина ғазал ёзган) **мутақориб** баҳри вазнларининг лирик шеъриятда ҳам хилма-хил туйғулар ифодаси учун мақбуллигини англаб етиб, унинг 4 вазни асосида ўзининг 12 ғазалини яратди.

Кўнгулни бағир қонидин лола қилдим,
Куюб доғ паркола-паркола қилдим.

Зиҳи шаҳди нўшунг бағоят малиҳ,
Мусалсал сўзунг бениҳоят малиҳ.

Қилур қайғу кўнглумға ул нозанин жамъ,
Жароҳатқа андоғки бўлғай чибин жамъ

матлаъли ғазаллар бу вазнлар имкониятини ўзида тўла акс эттирган эди.

Аруз вазнлари имкониятларини синаб кўриш ҳам ёш Алишернинг диққат марказида турарди. Шунинг учун у ҳатто форс-тожик адабиётида ҳам деярли қўлланмай келган баъзи вазнларда ўз қаламини имтиҳон қилиб кўрди. Шулардан бири **рамали мусаммани махбун** (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун фаилотун) вазни эди. Шоир ушбу вазннинг оҳангритм имкониятларини

Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун, санга ашҳаб,
Бошинг устидаги дур, ўйлаки, тонг бошида кавкаб

матлаъли ғазали мисолида синовдан ўтказди.

У ҳали шеъриятимизда қўлланмаган **мунсариҳ** баҳрининг вазн имкониятларини ўрганиб, улар асосида ҳам туркий тилда жозибадор асарлар яратиш мумкинлигини тасдиқлади. Шоирнинг шу йиллари яратилган

Кўнглум очилмас даме бу бадани зордин,
Ўйлаки маҳкам тугун инчкароқ тордин

матлаъли ғазали шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф вазнидаги бу асар адабиётимизда шу ўлчов асосида битилган дастлабки ғазаллардан ҳисобланади.

Навоийнинг илк ижодига хос кашфиётчиликнинг яна бир қирраси ғазалиётда ички қофиялар қўллаб, оҳангга яна жозибадорлик, ўйноқилик бахш этиш анъанасини бошлашда

кўзга ташланади. Шоир ана шу даврда яратган қатор ғазалларини мазкур усул асосида битган эди. Унинг

Тун оқшом бўлди-ю келмас мени шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.
Не ғам кўргузса кўксум ***порасин*** *чоки гирибоним,*
Кўрунмас бўлса кўксум **ёрасидин** *доғи пинҳоним.*
Ғамидин дурри **макнундек** *сиришким оқди* **Жайҳундек,**
Музайян қилди **гардундек** *жаҳонни ашки ғалтоним*

каби байтлардан ташкил топувчи ғазал сингари қатор асарлари шулар жумласидандир.

Навоий ана шу йиллардаги ижодидаёқ қофия ва радифларнинг вазнни янада жозибадор қилишдаги аҳамиятини тушуниб етган ҳолда улар учун сўзлар танлашга алоҳида диққат қилди, ҳатто мутарраф тажнис ва жуфт сўзлардан кенг фойдаланиб

Дўстлар, мен телба аҳволига йиғланг **зор-зор**,
Ким солодур **гаҳ-гаҳ** *ўт кўнглумга тушкан* **хор-хор**.
Истамас бўлса сабо **бир-бир** *кўнгул жамъ айламак,*
Нега зулфунгни паришонлиғдин айлар **тор-тор**.
Сен қуёш бирла муносибсен, уюнда хўблар
Икки-икки *чунки киргайлар отошиб* **ёр-ёр**.
Кўрқарамким, бўлмағай озурда нозук қоматинг,
Эгнинга хуш-хушки солмиш чуғди **анбарбор бор**.
Ҳалқа-ҳалқа *бўйнума солмиш таноби зулфини,*
Журми ишқимға магар ҳукм айлади **дилдор дор**.
Ишқ эрур андоқ мураббийким, қилур еткач асар,
Булбул ўлғай очса юз бир сарви **гулрухсор сор**.
Эй Навоий, бўлди ул бут кофири оташпараст,
Не ажаб, **ваҳ-ваҳ**, *гар урса жонима* **зуннор нор**

сингари ҳайратомуз асарлар битди.

Шундай қилиб, Навоий ўзининг илк ижодидаёқ аруз назарияси асосларини эгаллай бориб, ўзигача бўлган ўзбек арузи ютуқларидан фойдаланиш билан бир вақтда кашфиётчи ижодкор сифатида фаолият кўрсатиб шеъриятимизни янги баҳр ҳамда вазнлар билан бойитди, арузнинг оҳанг имкониятларини мукаммал ўрганган ҳолда ички қофия, қўш қофия, жуфт қофия каби қофия санъатларидан лирик шеърларнинг ритмик латофатини кучайтиришда муваффақиятли фойдаланди. Маликул калом Мавлоно Лутфий ўз шеъриятини жами 9 баҳрнинг 38 вазнида битган бўлса, Алишер Навоийнинг "Илк девон"идаги асарларнинг ўзиёқ 8 баҳрнинг 47 вазнида яратилган эди.

Алишер Навоийнинг ўзи томонидан 1476-йили тузилган “Бадоеъ ул бидоя” девонини юқорида кўриб ўтганимиз “Илк девон” билан қиёслаш шоирнинг 1465-1476-йиллар ижодида аруз такомили масаласини аниқлашимизга имкон яратади. Шу хил тадқиқот, аввало, бу йилларда Навоий ўзбек арузини ривожлантириш учун изчил фаолият кўрсатганидан далолат беради.

Девонлардаги шеърларнинг вазн хусусиятларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

№	Баҳрлар/ Девонлар	“Илк девон”		“Бадоеъ ул-бидоя”	
		Вазнлар сони	Шеърлар сони	Вазнлар сони	Шеърлар сони
1.	Ҳазаж	19	101	25	284
2.	Ражаз	1	4	2	16
3.	Рамал	13	256	11	532
4.	Музориъ	3	13	3	43
5.	Мужтасс	5	45	5	137
6.	Сариъ	1	1	1	2
7.	Хафиф	-	-	6	6
8.	Мутақориб	4	12	4	25
9.	Комил	-	-	1	1
10.	Мунсариҳ	1	2	-	-
	Жами	47	391	55	1039

Кўриниб турибдики, кейинги 11 йил мобайнида шоир 650 тага яқин шеър битган, уларни яратишда олдинги девонда фойдаданилмаган янги **хафиф ва комил** баҳрларига – янги 8 вазнга мурожаат қилган, бинобарин, ўзбек арузини янги 2 баҳр ҳамда қатор вазнлар билан бойитган.

Ана шу даврда Навоий ўзбек шеъриятига мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, қитъа, луғз, муаммо, фард каби янги жанрлар ва шеър шаклларини олиб кирди, туюқлар яратишга киришди. Булар ўз навбатида ўзбек арузининг вазн жиҳатидан такомиллашиб боришига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Навоийнинг бу давр ижодида ҳам **ҳазаж** баҳри асосий ўлчовлардан бири бўлиб қолди. Девондаги жами 1039 шеърдан 284 таси ёки 27 фоизининг шу баҳрда битилганлиги фикримизнинг далили бўла олади. Шоир мазкур баҳрнинг энг ёқимли ва жозибадор ўлчови бўлмиш ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган шеърлар сонини 120 тага етказди. Енгил ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнидаги шеърлар 22 тага, ҳазажи мусаддаси мақсур вазнидагиларни 14 тага, ўйноқи ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнидаги шеърлар 18 тага етди.

Навоий рубоий вазнларидаги асарлари сонини 85 тага етказди.

Шоир бу даврда ҳазаж баҳрининг адабиётимизда кам қўлланган яна икки вазнини ўз шеъриятига олиб кирди. У ҳам бўлса **ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи маҳзуф** ҳамда **ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақсур** вазнлари эди. Қизиғи шундаки, Атоий, Саккокий, Лутфийлар ижодида синовдан ўтган ушбу вазнларни Навоий фақат ғазалиётда эмас, балки йирик лирик асар – таржиъбандда тажрибадан ўтказди ва муваффақиятга эришди. Фикримиз далилини шоирнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган, кейинчалик эса “Бадоеъ ул-васат” девонига киритилган

Эй кирпики нешу кўзи хунхор,
Жонимни нега қилурсен афгор.
Лаълинг ғамидин кўнгулда эрди
Ҳар қонки, сиришким этти изҳор.
Ҳайҳотки, ҳажр илгидиндур
Жонимда алам, танимда озор

байтлари билан бошланадиган таржиъбандда кўриш мумкин. Ёш шоир мазкур вазн имкониятларидан баракали фойдаланиб, муҳаббат мавзусида ғоят гўзал, сержило ва таъсирчан асар битган эди.

Навоий арузи бу босқичда янги рубоий вазнлари билан тўлдирилди. Хусусан, шоир **ахрам шажарасига мансуб бўлган ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи аҳтам** (рукнлари: мафъулун мафъулу мафоийлу фаул) ҳамда **ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азалл** (рукнлари: мафъулун, мафъулу мафоийлун фоъ) вазнлари иштирокида ўзининг бир қатор рубоийларини яратди. Жумладан,

Умрунг қуёшиға бермасун чарх завол,
Жонинг қамарини қилмасун давр ҳилол,
Тун-кун бўлғил маҳравишу меҳр мисол,
Даҳр аҳлиға нурбахшу фархунда жамол

рубоийсининг учинчи мисраси зикр этилган вазирларнинг биринчиси асосида,

Эй, жони ҳабибу кўнгли аҳбобға лол,
Мен ҳам қилдим жону кўнгулни ирсол.
Кўнглумга бер аҳбоб била жоми висол,
Жонимни ҳабиб аёғи туфроғиға сол

рубоийсининг иккинчи мисраси эса кейинги ўлчов заминида битилган эди. Бундай янги вазнларнинг шоир ижодидан ўрин олиши туфайли рубоийларнинг оҳанг ранг-баранглиги кучайди. Лекин бу даврда ҳам рубоийлар, асосан, ахраб шажарасига мансуб саккиз вазн асосида яратилиб, фақат 9 тагина рубоийнинг биттадан мисрасида ахрам шажараси вазнларига мурожаат қилинган

1465-1476-йиллар орасида шоир ижодидан **ражаз** баҳри ҳам ўрин олди. Ёшлик йиллари у мазкур баҳрни синовдан ўтказиб, унинг ражази мусаммани солим вазнида 4 тагина ғазал яратган бўлса, кейинги девонда бу вазн асосидаги шеърлар 11 тага етди. Муҳими шундаки, бу даврда шоир мазкур баҳрнинг Лутфий ғазалиётида қўллана бошлаган ўйноқи вазн – ражази мусаммани матвийи махбун вазнида ҳам асар яратишга киришиб, 5 та дилрабо ғазал ёзди.

Навоийнинг бу давр шеъриятида, айниқса, **рамал** баҳри кенг ривожланди. Девондаги жами 532 шеър, яъни 50 фоизи шу баҳрдадир. Рамали мусаммани маҳзуф вазнининг оҳанг имкониятларини пухта ўрганган шоир шу вазннинг ўзида яна 225 лирик шеър, жумладан, 195 ғазал, 2 мухаммас, 2 мусаддас, 7 қитъа, 1 луғз, 6 муаммо, 12 фард яратди. Рамали мусаммани мақсур вазнидаги шеърлар сони ҳам 111тага (олдинги девонда 44та) етди.

Шуниси аҳамиятлики, Навоий бу йиллардаги ижодида рамал баҳрининг адабиётимизда жуда кам қўлланган яна бир вазнига – рамали мусаммани машкул ўлчовига мурожаат қилиб, унинг ритм-оҳанг имкониятларини илк бор синовдан ўтказди.

Тилагим сенинг ҳузуринг, талабим сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимдин ғаразим сенинг висолин

матлаъи билан бошланувчи бу ғазал шоирнинг ушбу мураккаб вазндан моҳирона фойдаланганини яққол кўрсатиб туради.

“Бадоеъ ул-бидоя” девонида **музориъ** баҳри ҳам анча кенг ўрин олган. “Илк девон”да мазкур баҳрнинг уч вазнида 13 ғазал битилган бўлса, ушбу девондаги 43 шеър музориъ баҳри вазнларидадир. Навоий, хусусан, музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнига кенг мурожаат қилиб, жами 35 шеърини шу вазн асосида битган эди (“Илк девон”даги 8 ғазалгина ушбу вазнда).

1465-1476-йиллар мобайнида Навоий **мужтасс** баҳрида ҳам баракали ижод қилди. Бу баҳрнинг беш вазнида яна 92 шеър ёзиб, бу ўлчовлардаги лирик асарлар ададини 137тага еткизди. Улар орасида, айниқса, мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф (46 шеър) ҳамда мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазни (53 асар) алоҳида ажралиб туради.

Мутақориб баҳри ҳам Навоийнинг бу давр шеъриятидан мустаҳкам ўрин эгаллади. “Илк девон”да мазкур баҳрдаги 12 ғазални кузатган бўлсак, “Бадоеъ ул-бидоя”да уларнинг сони 25 тага етган. Муҳими шундаки, Навоий энди ушбу баҳр вазнларида таржиъбанд, қитъалар (3), муаммо, фардлар (3) ҳам битади.

Сариъ баҳрида ҳам ижод қилишни давом эттирган шоир ўз девонига шу баҳрдан 2та асарини киритган эди.

Навоий ижодининг бу даврга хос муҳим хусусият янги икки баҳрнинг шоир шеъриятидан ўрин олиши бўлди. Ижодкор ўз девонидаги бир қатор асарларни **хафиф ва комил** баҳрлари вазнлари асосида яратди.

Хафиф баҳри Атоий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмийлар ижодида қўлланган эди. Навоий ўзининг илк давр шеъриятида хафиф баҳри вазнларига нима учундир мурожаат қилмаган. Бу баҳр асосида яратилган дастлабки шеърларни шоирнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девонидагина учратамиз. Навоий 1465-1476-йиллар орасида ўз қаламини мазкур баҳр ўлчовларида синовдан ўтказиб, унинг олти вазни асосида жами 12та шеър битган эди. Аҳамиятли томони шундаки, бу баҳр заминида яратилган ғазаллар кўпвазнли шеърлар тарзида битилган. Жумладан,

Ҳарён ул юзда тер оқиздингму?
Ё оқар меҳр чашмасидин сув?

матлаъъси билан бошланган ғазал ҳам,

Лаб уза хатти анбаролуди,
Оташин лаълининг эрур дуди.

деб бошланган ғазал ҳам тўрт вазнли асарлардир. Натижада, Навоий ижодидаги кўпвазнлилик имконини берувчи баҳрлар сони 3 тага етди. Навоий хафиф баҳрини ўз шеъриятига олиб кириш билан адабиётимизда бу баҳрнинг ўрнини мустаҳкамлади. Унинг Навоийдан кейинги шоирлар ижодида кенг қўлланганини назарда тутсак, шоир фаолиятининг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

Навоийнинг ўзбек арузини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти бу давр ижодида туркий адабиётлар учун мутлақо янги бўлган комил баҳрига мансуб комили мусаммани солим вазнини шеъриятимизга илк бор татбиқ этишда намоён бўлди. Шоир форс-тожик адабиётида синовдан ўтган ушбу ўлчовда ўз қаламини синовдан ўтказиб,

Не хаёл эди, янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимға ҳар сиридин хаданг урубон анга қафас айладинг

матлаъли ғазалини битган эди. Бу вазн ҳам Навоийдан сўнг адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олди.

Шундай қилиб, 1465-1476-йиллар Навоий арузи инкишофида янги бир босқич бўлди. Бу даврда шоир бир қатор вазнларни ўз шеъриятига олиб кирди, айни чоқда, адабиётимизда мутлақо қўлланмаган янги баҳр ҳамда вазнларни шеъриятимизга илк бор татбиқ этди.

Шоир ижодида аруз инкишофининг кейинги босқичини 1476-1478-йиллар ташкил қилади. Навоийнинг 1487-йили Абдужамил котиб томонидан кўчирилган "Наводир ун-ниҳоя" девони ана шу даврда шоирнинг ўзбек арузи ривожига қўшган ҳиссасини атрофлича баҳолашга имкон беради.

Навоий "Наводир ун-ниҳоя" девонининг 1987 йилги нашридан ўрин олган 840 ғазал арузнинг 11 баҳрига мансуб 46 вазнда битилган. Бинобарин, шоир ана шу давр ичида яна янги баҳрларни шеърият оламига олиб кирган, ўзбек арузининг янги оҳанг имкониятларини кашф этган. Буни Навоий девонларининг вазн хусусиятларини акс эттирувчи қуйидаги жадвалда яққол кузатиш мумкин:

Н	Девонлар / Баҳрлар	"Илк девон"		"Бадоеъ ул-бидоя"		"Наводир ун-ниҳоя"	
		Вазнлар сони	Шеърлар сони	Вазнлар сони	Шеърлар сони	Вазнлар сони	Шеърлар сони
0	Ҳазаж	19	101	25	284	8	104
11	Ражаз	1	4	2	16	3	9
	Рамал	13	256	11	532	13	599
	Мунсариҳ	1	2	-	-	1	1
	Музориъ	3	13	3	43	4	18
	Мужтасс	5	45	5	137	5	102
	Ҳафиф	-	-	3	12	1	2
	Мутақориб	4	12	4	25	6	22
	Мутадорик	-	-	-	-	2	2
	Комил	-	-	1	1	1	1
	Тавил	-	-	-	-	1	1
	Жами	45	431	54	1050	45	861

Навоий арузи тараққиётининг мазкур даврига хос муҳим хусусият бир қатор янги баҳр ҳамда вазнларнинг шоир ижодидан ўрин олишидир. Мазкур босқичда шоир арузнинг мақбул вазнларида хилма-хил лирик жанрлардаги кўплаб асарларини яратди. Айниқса, рамали мусаммани маҳзуф вазни бу даврда ҳам унинг ижодидан кенг ўрин эгаллади. Шу вазннинг ўзидагина Навоий 420 ғазал битиб, унинг оҳанг имкониятлари ниҳоятда бой эканлигини яна бир бор исботлади. Шунингдек, рамали мусаммани мақсур вазнида яна 115 ғазал яратиб, бу ўлчов ҳам ўзбек арузи учун ниҳоятда мақбуллигини таъкидлади.

Навоий бу босқичда ҳам ўзбек арузини такомиллаштириш соҳасидаги ўз фаолиятини давом эттирди ва бир қатор янги баҳр ҳамда вазнларнинг ритм-оҳанг имкониятларини ўрганиш бўйича ижодий тажрибалар ўтказди.

Шоир ҳазаж баҳрининг адабиётимизда қўлланмаган, ҳатто форс-тожик арузида ҳам кам фойдаланилган **ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи солим аруз ва зарб** вазнида ўз қаламини синаб кўриб,

Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг.
То гул чу хаёл қилди боғингни,
Ғайрат анга ўт урди рухсоринг.
Қаддинг била сарв қилса саркашлик,
Тушгай қуйи боши кўрса рафторинг.
Зулфунгким эрур тугун-тугун гўё,
Эл бўлди бирин-бирин гирифторинг

байтлари билан бошланадиган ғазалини яратган эди.

Навоий мана шу йилларда ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур вазнини ҳам синовдан ўтказиб, ўзининг

Санойи зотинг ичра топиб ажз аҳли идрок,
Гаҳи "ло туҳсий" айтиб, замоне "мо арафнок".
Не янглиғ аҳли идрокки чун гардунга сурди,
Кўзига сурма қилди ғуборин хайли афлок.

байтлари билан бошланувчи ғазалини ёзди.

1485 йили тугалланган "Назм ул-жавоҳир" асарига асосан фикр юритадиган бўлсак, бу даврга келиб, шоир рубоий вазнларининг олдинги девонларда учрамайдиган бир қатор янги ўлчовларини ўз шеъриятига олиб кирганини кузатамиз. Чунончи, ахрам шажарасига мансуб бўлган **ҳазаж мусамманн ахрами ахраби солими абтар** (рукнлари: мафъулун мафъулу мафоийлун фоъ) ҳамда **ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими азалл** (рукнлари: мафъулун фоилун мафоийлун фоъ) вазнлари илк бор шу асардаги 6 рубоийда қўлланди. Чунончи:

Кўнглунга хирад йўлин падидор айла,
Бу нақдқа жонингни харидор айла.
Ҳар жойда хирадни ўзунга ёр айла,
Журмунг таркидин хирад изҳор айла.

рубоийсининг сўнгги мисраси биринчи вазн асосида ёзилган эди.

Шоир бу асарида рубоий вазнларидан хилма-хил кўриниш - конструкцияларда фойдаланиш маҳоратини намойиш қилди. Буюк шоир ахраб шажараси вазнлари асосида 2, 3, 4 вазнли рубоийлар битади. Навоий фаолиятининг муҳим жиҳати шундаки, у "Назм ул-жавоҳир"да мураккаб ва оғир оҳангли ахрам шажараси вазнларидан ҳам баракали фойдаланиш намунасини кўрсатди. Асардаги 260 рубоийдан 52 тасида шу вазнлар муваффақият билан қўлланган эди.

Навоийнинг бу соҳадаги тажрибалари диққатга сазовар. Шоир ахрам шажараси вазнларининг иккитаси, ҳатто учтасидан фойдаланган ҳолда кўпвазнли асарлар яратди. "Назм ул-жавоҳир"даги 7 рубоийда ахрам шажарасига мансуб иккитадан вазн қўлланган. Жумладан:

Гар кимсада зоҳир ўлса тамкини хирад,
Андин, билгилки, топди тазйини хирад.

Андоқ қариким, йўқ анда ойини хирад,
Ул ёш ортуқки, топти талқини хирад

рубоийсининг иккинчи ва тўртинчи мисралари **ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб** (рукнлари: мафъулун фоилун мафоийлу фаал) вазнида битилган.

Олам тарки кишига ҳиммматдин эрур,
Ким кўп шиддат ул сори рағбатдин эрур.
Нафсингға қаю аламки шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ ани муруввватдин эрур.

рубоийсидаги 1, 2 ва 4-мисралар ахрам шажарасига мансуб вазнларда ёзилган. Навоий бу хил фаолияти билан ўзбек адабиётига эндигина кириб келган, мураккаб вазн хусусиятларига эга бўлган рубоий жанрида ҳам хилма-хил оҳанг жилосига эга бўлган пурмазмун ва бадиий баркамол асарлар яратиш мумкин эканлигини амалий жиҳатдан исботлаб берди.

Ражаз баҳри вазнлари имкониятини чуқурроқ ўрганиш ниятида Навоий янги **ражази мусаммани матвий**[1] ўлчовини амалда қўллаб

Бизга жаҳон боғидин ул сарви гуландом етар,
Ул чу етар сояйи сарву майи гулфом етар.
Базм бу навъ ўлди эса сарв ҳадисин демаким,
Ғунча била наргисидин шаккару бодом етар

деб бошланадиган ғазалини битди. Асарнинг вазн хусусиятларини кўздан кечирсак, оҳангнинг ўйноқилиги, халқ қўшиқларига монандлигини кўришимиз қийин эмас.

Рамал баҳри вазнларидан ўзининг лирик ижодида жуда кенг фойдаланиб келган Навоий бу даврда унинг форс-тожик шеърияти учун ҳам номақбул ҳисобланган **рамали мусаммани солим** ўлчовини синовдан ўтказиш мақсадида

Эй жалолу раҳматингдин гар залилу гар муаззаз,
Сабҳаи кавнайн ўлуб отинг тирозидин мутарраз.
Юз бу оламга яратмоқ қудратинг оллида жоиз,
Садъякин ижод қилмоқ ўзгаларга йўқ мужаввваз

мисралари билан бошланувчи ғазалини битган эди. Асар билан танишганда, вазннинг бўғиқроқ, оғирроқ оҳанг яратишини кузатиш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, бу вазн Навоий ижодидан ҳам, кейинги шеъриятимиздан ҳам ўрин ололмади. Бинобарин, мазкур асар ана шу ўлчов асосида битилган ягона ғазал саналади.

Музориъ баҳрининг мақбул уч вазнида 17 ғазал битган шоир адабиётимизда мутлақо қўлланмаган **музориъи мусаммани ахраби макфуфи солими аруз ва** зарб ўлчовини тажрибадан ўтказиб

Кофургун либос аро ул сарвиноз экинму?
Ё шоми ҳажр дафъиға шамъи тироз экинму?

[1] С. Мирзаев кўрсаткичларида асар вазни янглиш тариқасида ражази мусаммани солим тарзида битилган.

Қатл айларида даҳр эли бош қўйдиларму эркин,
Ё қиблаи жамолиға саждасоз экинму?

байтлари билан бошланадиган дилрабо ғазалини яратди. Асар билан танишганда танланган вазннинг муҳаббат мавзусига, лирик қаҳрамоннинг теран кечинмалари ифодасига ниҳоятда мос бўлиб тушганини кўриш қийин эмас.

Навоий бу босқичда **мутақориб** баҳри ритм-оҳанг имкониятларини кашф этиш бўйича бир қатор тажрибаларни амалга оширди. У, аввало, форс-тожик шеъриятидан ўрин олган **мутақориби мусаммани аслам** вазнини адабиётимизга олиб кирди. Шоирнинг кейинчалик "Наводир уш-шабоб" девонидан ўрин олган

Қон айладинг кўнглимни ниҳони,
Кўргил икки кўзимда иймони.
Тунги фиғонга кўнглум ул ойдин,
Тонг йўқ етишса кўкка фиғони[1]

байтлари билан бошланадиган ғазалда мазкур вазнининг оҳанг хусусиятлари ўз аксини топганди. Халқ қўшиқлари билан ҳамоҳанг бўлган бу вазн ҳам Навоий ижоди туфайли кейинчалик адабиётимиздан кенг ўрин эгаллади.

Базм аро гар йўқ май била даф,
Ҳам ёмон эрмас ун била каф.
Соқийи гулруҳ, бода кетур,
Ким менга ҳаддин ошти шааф

мисралари билан бошланадиган ғазалини яратар экан, шоир адабиётимиз учун янгилик бўлган **мутақориби мусаммани асрами маҳзуф** вазнини синовдан ўтказди. Мазкур вазнинг кейинчалик шеъриятимиздан ўрин ололмаганлиги унинг ритм-оҳанг имкониятлари чекланганини кўрсатади.

Адабиётимизда мутлақо қўлланмаган **мутадорик** баҳрининг ўзбек тили хусусиятларига қанчалик мувофиқ келишини тажрибадан ўтказиш ҳам Навоийнинг диққат марказида турарди. Шу мақсадда у мазкур баҳрнинг **мутадорики мусаммани мақтуъ** вазнининг ритм-оҳанги имкониятларини аниқлаш мақсадида ўзининг

Борғил, эй ҳамдам, ҳарёни,
Кўнглум итмиш, топқил они.
Ҳолин сўрғил, ул ҳам сўрса,
Келмас бўлса, де пинҳони

байтлари билан бошланувчи ғазалини ёзган эди. Ҳар қайси мисрада саккиз чўзиқ ҳижо такрорига асосланган (рукнлари: фаълун фаълун фаълун фаълун) бу вазн оғир, бўғиқ оҳангга эга бўлгани туфайли ҳам шеъриятимизга сингиб кетмади.

Навоий арузининг мана шу босқичдаги инкишофига доир муҳим хусусиятлардан яна бири шоир томонидан араб арузига махсус бўлган вазнлар устидаги тажрибалари бўлди. У, хусусан, тавил баҳри имкониятларини кашф этишни назарда тутиб

[1] С. Мирзаев кўрсаткичларида асар вазни музориъи мусаддаси мақсур тарзида нотўғри кўрсатилган.

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда лабингдек самар йўқтур.
Кўзум ашкининг рўди оқар тунду тез андоқ,
Ки гар уйқу кўз сори келур ҳам, гузар йўқтур

байтлари билан бошланувчи асарни яратди. Асарда мазкур вазннинг тилимиз хусусиятларига мос келиши, енгил ва сержило оҳангга эга эканлиги кўзга ташланиб турибди. Шунинг учун Навоий кейинчалик ҳам шу вазн асосида қатор ғазаллар битган эди. Нима учундир бу мақбул вазн Навоийдан кейин шоирларимиз назаридан четда қолди.

Кўринадики, бу давр ҳам Навоий арузи инкишофида муҳим аҳамиятга эга бўлди, зеро, бу босқичда шоир ўзбек арузини бир қатор янги ва ёқимли вазнлар билан бойитди.

Навоий арузининг 1480-йиллардаги ривожида унинг достончилик фаолияти ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Олдинги йилларда арузнинг хилма-хил баҳр ҳамда вазнларини лирик шеъриятининг барча жанрларида синаб кўрган шоир энди қатор ўлчовларни ўз "Хамса"сидаги достонлар, кейинчалик эса "Лисон ут-тайр" асарида тажрибадан ўтказди.

Маълумки, Навоий ўз "Хамса"си достонлари вазнини Шарқ адабиёти анъаналарига мувофиқ белгилади: ҳар бир достон Низомий "Хамса"си достонлари вазни асосида яратилди, бу – "Хамса"чиликнинг асосий шартларидан бири эди. Шуни ҳам унутмаслик керакки, Низомий "Хамса"си достонлари вазнининг иккитасигина, яъни "Махзан ул-асрор" вазнлари сариъи мусаддаси махбуни макшуф ҳамда сариъи мусаддаси махбуни мавқуф, "Хусрав ва Ширин" достони вазнлари ҳазажи мусаддаси маҳзуф ҳамда ҳазажи муасаддаси мақсурларгина ўзбек достончилигида (Қутб, Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмийлар ижодида) синалган бўлиб, "Лайли ва Мажнун", "Ҳафт пайкар" ҳамда "Искандарнома" вазнлари эпик полотнолар яратишда тажриба қилиб кўрилмаган эди. Навоий олдида ана шу ўлчовлардан ўзбек тили имкониятлари заминида йирик достонлар битиш учун фойдаланиш вазифаси турарди. Шоир ўз олдига қўйган бу мақсадга эришиб, ўзбек достончилиги вазнлар доирасини кенгайтириш соҳасида муҳим хизматни амалга оширди.

Шу нарса алоҳида диққатга сазоворки, Навоий ўз устозлари томонидан фойдаланилган бу ўн вазнга мурожаат қилиб қўя қолмай, уларнинг ички имкониятларини кенгайтирди, товушлар ранг-баранглиги, қофия турлари ва санъатларидан, Шарқ бадиияти хазинасига асосланган ҳолда оҳангларнинг турлича жилоланишига эришди.

"Хамса" достонларини битар экан, Навоий ҳар қайси асарда танланган бир жуфт вазн билан чекланиб қолмай, уларга яқин бўлган бошқа вазнлардан ҳам ўрни билан фойдаланишни тажриба қилиб кўрди. Жумладан, "Ҳайрат ул-аброр" достонида асосий етакчи ўлчовлар: **сариъи мусаддаси махбуни макшуф** (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилун) ва **сариъи мусаддаси махбуни мавқуф** (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилон)га таянган ҳолда зарур ҳолларда **сариъи мусаддаси мақтуъи матвийи макшуф** (рукнлари: муфъулун муфъулун фоилун) ҳамда **сариъи мусаддаси мақтуъи матвийи мавқуф** (рукнлари: муфъулун муфтаилун фоилон) вазнларига мурожаат қилади.

Жумладан, достоннинг 9-мақолатидаги
Дема ҳариф аблаҳу нодон дегил,
Нодон йўқ гули биёбон дегил;

17-мақолатдаги

Анжумдек гумбади даввор уза,
Хайли шуруфа дема анжор уза;

18-мақолатдаги

Гарчи анга манфаати бўлмасун,
Жаҳл этким, маъсияти бўлмасун

19-мақолатдаги

Оллоҳ-оллоҳ, не Ҳири, бу ҳири,
Бир-биридин турфа анинг ҳар бири

каби байтларда сариъи мусаддаси мақтуъи матвийи макшуф вазнидан фойдаланилган бўлса, 18-мақолатдаги

Маркаблар қуллаву ҳомуннавард,
Ваҳм саманди киби гардуннавард;

20-мақолатдаги

Рои эсанг тут бу нафас яхши пос,
Ҳар қўйни ўз аёғи бирла ос.

Жаҳд этким урмасун ўлчоғ навард,
Оҳ ели кўзунгга ногоҳ гард

каби қатор байтларда зикр қилинган сариъи мусаддаси мақтуъи матвийи мавқуф вазнига мурожаат этилган. Бу –аруз амалиётидаги янги, адабиётимизда учрамаган ҳодиса бўлиб, шеъриятда аруз қоидалари заминида муайян эркинлик мумкин эканлигини таъкидларди, бинобарин, Навоий кашфиётининг янги бир қирраси эди.

Шоир аруз қонунларини эпик шеъриятга ижодий татбиқ этишнинг яна бир муҳим намунасини “Лайли ва Мажнун” достони мисолида кўрсатди. Асар вазнига диққат қилинса, Навоий бир қатор (аниқроғи, 130 дан ортиқ) мисраларда асосий ўлчовлар бўлмиш ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф(рукнлари: мафъулу мафоилун фаулун) ва ҳазажи мусаддаси мақсур (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийл) ўрнига ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзур (рукнлари: мафъулун фоилун фаулун) ҳамда **ҳазажи мусаддаси ахрами аштари мақсур** (рукнлари: мафъулун фоилун мафоийл) вазнларини дадиллик билан қўлланганини кўриш мумкин. Достондаги

Йўқ эрди қабилаларда мактаб,
Бу мактабдин ўқурға ансаб.

Айлаб анга лавҳу сийм таслим,
Филҳол этди сабақни таълим.

Доғ ўлди димоғи саъфиға бу,
Ким шабнам бирла оқизур сув.

Наргис шабнамдин ашк этиб фош,
Аҳволиға юммайин тўкуб ёш

каби кўплаб байтлар фикримизнинг далили бўла олади.

Шоир ўзининг “Сабъаи сайёр” достонини хафиф баҳрига мансуб саккиз вазн асосида яратиб, кўп вазнлилик ҳодисаси эпик шеърият учун ғоятда мақбул эканини, бу туфайли ижодкор ўз ғоявий-бадиий ниятини амалга ошириш учун муҳим имкониятга эга бўлишини, асарда оҳанглар жилосига эришиш мумкинлигини тўла намоён қилди. Масалан, достоннинг 21-бобидан олинган

Мутаҳарриқ бўлуб насими сабо,
Чунки маҳмилдин ўлди парда рабо.
Ул аморида худ пари эрди,
Не пари, меҳри ҳовари эрди.
Ул қуёш ламъаси кул айлади пок,
Нотовон жисмин ўйлаким хошок.
Боқти фаррух чу ул тараф бетоб,
Тўлин ойни ёшурди тийра саҳоб.
Фаррух уйғонди секриб уйқудин,
Кўзидин уйқу ўчди қайғудин.
...Супуруб ер жабин била бисёр,
Айлади муддаосини изҳор

парчасида қўлланган саккиз вазн шоирнинг кўпвазнлиликдан асарда қанчалик маҳорат билан фойдаланганини кўрсатиб туради.

Навоийнинг “Хамса”даги тажрибалари ўзбек достончилиги ривожи учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Навоий арузи тараққиётининг охирги, тўртинчи босқичи 1486-1500- йилларни ўз ичига олади. Шоир ижодининг энг маҳсулдор даври бўлган ана шу йилларда ўзбек арузининг мақбул ўлчовларида кўплаб лирик шеърлар яратилди.

Навоийнинг мазкур даврда яратган шеърлари вазн хусусиятларини қуйидаги жадвал яққол кўрсатиб туради.

	Баҳрлар	Вазнлар сони	Шеърлар сони
1.	Ҳазаж	23	288
2.	Ражаз	2	8
3.	Рамал	14	825
4.	Мунсариҳ	3	6
5.	Музориъ	4	48
6.	Мужтасс	5	139
7.	Сариъ	-	-
8.	Хафиф	4	33
9.	Мутақориб	5	36
10.	Мутадорик	1	1
11.	Тавил	1	2
	Жами	62	1386

Кўринадики, ниҳоятда ёқимли ва мусиқий рамал баҳрининг 14 вазнида 825 шеър, жумладан, 724 ғазал битилиб, бу ўлчовларнинг ўзбек шеърияти учун қулайлиги узил-кесил исботланди. Ҳазаж баҳрининг 23 вазни қўлланган ҳолда 288 шеър, жумладан, 185 ғазал, 50 рубоий ёзилиб, мазкур баҳрнинг ритм-оҳанг имкониятлари атрофлича ишлаб чиқилди. Хусусан, шоир бу даврга келиб рубоий вазнларининг ўз ижодида қўлланилган ўлчовлари сонини 15 тага етказди.

Мужтасс ва хафиф баҳрларининг кўпвазнли асарлар яратиш учун қулайлигини шоир яна бир бор таъкидлаб, олдинги баҳр ўлчовлари асосида 139, кейингисида эса 33 та лирик шеър битди. Мутақориб баҳрининг янги вазнлари синовдан ўтказилди. Мунсариҳ, тавил, мутадорик баҳрлари имкониятларини аниқлаш соҳасидаги тажрибалар давом эттирилди.

Бу даврда Навоий ижодидан **рубоий вазнлари**нинг шу вақтгача шоир қўлламаган ўлчовлари ўрин олди. У, ахрам шажарасига мансуб бўлган нисбатан бўғиқ оҳанг яратувчи икки вазнидан фойдаланиб қатор рубоийлар яратди. Шулардан бири **ҳазажи мусаммани аштар солими абтар** бўлиб, жумладан, шоирнинг

Кўнглум сайди узуб улустин пайванд,
Саргашта сифатлиғ била эрди хурсанд.
Қуллоби муҳаббатинг яна солди каманд,
Сайдики, узуб эди расан айлади банд

рубоийсининг биринчи мисраси ана шу ўлчовдадир. Яна бир вазн **ҳазажи мусаммани ахрами ахраби мақфуфи аҳтам** (рукнлари:мафъулун мафъулу мафоийлу фаул) бўлиб,

Исён тутуни берма-ю чеҳрамга ҳамон,
Ул навъ қаро қилдики, муриди сомон.
Оқ айламагини мен сияҳрўйи ёмон
Айлай-айлай афв сўйи бирла гумон

рубоийсининг тўртинчи мисраси унинг асосида ёзилган.

Мунсариҳ баҳри вазнларидан кенгроқ фойдаланиш орзусида бўлса керак, шоир бу даврга келиб мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур (рукнлари: муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ) ўлчовини шеъриятимизда қўллади. Бу вазндаги ягона шеър “Фавойид ул-кибар” девонидан ўрин олган

Кўнглум аро бир ажаб муҳол ҳавастур,
Лабларидинким ҳусули мумкин эмастур

матлаъли ғазали эди.

Навоий арузнинг шу даврдаги ривожида хос хусусиятлардан бири унинг адабиётимизда мутлақо қўлланмаган кўпрукнли вазнларини шеъриятимизга татбиқ этиши бўлди. Хусусан, шоир 16 рукнли мутақориби мақбузи аслам вазни устида тажриба ўтказиб,

Сипеҳр боғин нужум варди чу қилди ул навъи ким ҳаварнақ,
Юзидин ул шамъ анжуман ичра солди юз минг сафои равнақ

матлаъъли ғазалин битган эди. Кейинчалик шу ўлчов асосида

Не пок Мажнунки бир паричеҳра пок ҳусниға зор бўлғай,
Бу пок ишқ ичра пок жон тарк этса, не ихтиёр бўлғай

матлаъъли ғазалини ёзиб, бу вазннинг ритм-оҳанг хусусиятларини чуқурроқ ишлаб чиқди. Кўпрукнли – мутатаввал вазнларнинг Навоийдан кейинги даврда шеъриятидан муайян ўрин эгаллаши шоир тажрибаларининг самараси эди, албатта.

Шундай қилиб, ўзбек арузини шакллантириш ва камол топтириш соҳасидаги фаолияти давомида Алишер Навоий:

- ўзигача бўлган ўзбек адабиёти, хусусан, Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий каби туркигўй шоирлар ижодида қўлланган ҳазаж, ражаз, рамал, музориъ, мужтасс, сариъ, хафиф ва мутақориб баҳрлари вазнларининг ритм-оҳанг имкониятларини ўрганиб чиқди ва улар асосида яратилган ғазал, туюқ, қасида, фард ва рубоийлар мисолида энг мақбул, яъни матбуъ ўлчовларни белгилади;
- адабиётимизда қўлланиб келган баҳрларнинг форс-тожик арузида фойдаланилаётган, лекин ҳали шеъриятимиздан ўрин олмаган янги вазнларини, чунончи, рамал баҳрининг олтита олти рукнли ўлчовини, Лутфий ижодидан эндигина ўрин олиб, дастлабки бир-икки намунаси яратилган мутақориб баҳри вазнларининг янги имкониятларини кашф этиб, унинг хилма-хил ўлчовларида кўплаб шеърлар битди ва мазкур баҳрнинг шоирларимиз ижодидан мустаҳкам ўрин олишига имконият яратди;
- Шарқ шеърияти анъаналари заминида иш кўриб, форс-тожик адабиётида ҳам деярли фойдаланилмаган бир қатор солим вазнларни тажрибадан ўтказди, чунончи, рамали мусаммани солим, мужтасси мусаммани махбун каби вазнларни адабиётимизга олиб кирди;
- адабиётимизда дастлабки намуналаригина яратилган рубоий жанрининг ўзига хос вазнлари имкониятларини кашф этиш мақсади билан унинг Лутфий ижодида қўлланган тўрт вазнидан ташқари яна 11 вазнида ўз қаламини синаб кўрди, энг жозибадор, таъсирчан оҳангга эга бўлган ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратиб, мазкур жанрнинг адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олишга эришди;
- форс-тожик адабиёти тажрибалари, шунингдек, туркий шеърият имконият ва анъаналари заминида шеъриятимизга баъзи кўпрукнли вазнлар, хусусан, мустазод ва 16 рукнли мутақориби мақбузи аслам ўлчовларини татбиқ этиб, улар асосида қатор шеърий асарлар битди. Навоий ижоди таъсирида бу вазнлар ҳам адабиётимиздан муносиб ўрин олди;
- адабиётимизга қитъа, мухаммас, мусаддас, мусамман, таркиббанд, таржиъбанд, соқийнома, чистон, таърих, муаммо каби қатор янги жанр ва шеърий шаклларни олиб кириб, улар учун мақбул вазнларни шу жанрларда битилган ўз асарлари билан белгилаб берди;
- шеъриятимизда қўлланмаган комил, мутадорик, тавил баҳрларининг солим ва зиҳофли вазнларида шеърлар битиб, улардан ҳам адабиётимизда фойдаланилиши мумкинлигини исбот қилди;
- унли ва ундош товушлар имкониятларидан фойдаланиб, вазнларнинг ички имкониятларини такомиллаштириш усулларини белгилаб берди;
- ғазалиётда ички қофияларни қўллаш анъанасини бошлаб берди ва уларнинг муайян вазнлар, хусусан, ҳазажи мусаммани солим, ражази мусаммани солим каби вазнлар оҳангдорлигини кучайтиришдаги аҳамиятини белгилаб берди;

Булар натижасида ўзбек тилининг арузнинг 12 баҳрига мансуб 70 дан ортиқ вазнида

ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан баркамол лирик ва лиро-эпик асарлар яратиш учун имкон берилишини узил-кесил исботлаб берди.

III БОБ
НАВОИЙ – АРУЗ НАЗАРИЁТЧИСИ

Навоий ўзининг лирик ва эпик шеърияти билан ўзбек арузининг амалий муаммоларини ҳал қилишга эришган бўлса, 90-йилларда яратилган “Мезон ул-авзон” рисоласида бу муаммонинг илмий назарий асосларини ишлаб чиқди.[1]

Аввало, шуни айтиш лозимки, Навоийнинг бу рисоласи мухтасар услубидаги асар эди. “Мезон ул-авзон”ни тадқиқ этган олимларимиз нима учундир бу масалага эътибор бермайдилар. Маълум бўлишича, ўрта аср илмида фаннинг исталган масаласи бўйича рисолалар ё муфассил ёки мухтасар усулида яратилган, яъни талабга кўра бирон фан, унинг муайян соҳасини мукаммал ёритувчи монографик характердаги йирик асар яратилган ёхуд шу муаммо юзасидан умумий, ихчам, унда маълумотларни ўз ичига олган кичик рисола битилган.

Умар Хайём ўз “Наврўзнома”сини мухтасар асар тарзида яратилганлиги маълум (“Ин мухтасаре камъ карда” деб ёзган эди унинг ўзи).[2]

Воҳид Табризийнинг XV аср бошларида (1417-1420 йиллар орасида) битилган машҳур рисоласининг “Жами мухтасар” деб номланиши ҳам шундан далолат беради. Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи эса мухтасар эмас, муфассал услубида ёзилган, яъни аруз илми ҳақидаги барча маълумотларни тўла акс эттиради.

“Чун ул ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг. -А.Ҳ.) *муборак хотиралари шеър буҳур ва авзонига ва назм қавоид ва мезонига мунча мойил эрди, аруз фанида бу мухтасар* (таъкид бизники – А.Ҳ.) *сабт бўлди ва анга “Мезон ул-авзон” от қўйилди...”*[3], деб уқтирган эди шоир ўз асари муқаддимасида. Бу билан Навоий мазкур рисола аруз илми ҳақида умумий ва қисқа маълумот берувчи асар эканига ўқувчи диққатини жалб қилади.

Маълумки, XV асргача аруз илми хусусида араб ва форс-тожик тилларида талай мухтасар ва муфассил рисолалар битилган бўлиб, уларнинг аксарияти адабиёт мухлисалари, шоир ва адабиётшуносларга маълум эди. Хусусан, Навоий ҳам кўрсатиб ўтганидек, Шамс Қайснинг “Ал-муъжам фи меъёқ ашъор ул-Ажам”, Хожа Насриддин Тусийнинг “Меъёр ул-ашъор” рисолалари машҳур бўлиб, кўпчилик аруз илмини кўроқ ана шу асарлардан ўрганар эди.

Навоий ўзи таъкидлаб ўтганидек “Мезон ул-авзон” Ҳусайн Бойқаро истаги билан яратилган эди. *“Бу хўжаста замондаким, - деб ёзганди шоир, - замон подшоҳи девон тартиб бердилар, муборак хотирларин шеър вазниға ва байт тақтиъиға машғул қилдилар, бу жиҳатдин шеърнинг пояси етти; ҳар ойинаким, мулойим табълиғ озодалар, балки қобил фаҳм ва зеҳнлик шаҳзодалар бу шариф илмға иштиғол кўргазадур эрдилар ва буҳур авзони ва тақтиъи ва зиҳофоти ва давойири илмидинки, араб фусаҳоси ва ажам булағо ва шуароси ул илмда китоблар тасниф қилибдурларким, онингсиз бу фанга вуқуфе ва шууре бўла олмас, бу алфоз назмида йўқ эрди ва султон ус-салотиннинг муборак хотирлари мунга мултафит*

[1] “Мезон ул-авзон” таниқли адабиётшунос олим И.Султонов, Навоий арузининг тадқиқотчиси С.Мирзаев, устоз Н.Маллаев тадқиқотларида анча кенг таҳлил қилинган. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз асарнинг ҳали етарли очилмаган баъзи бир жиҳатлари борасидагина фикр юритишни лозим кўрдик.

[2] Қаранг: Омар Хаййам. Трактаты.ИВЛ. - М.,1961. Матн қисми, 118-бет.

[3] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14-том, Ўзадабийнашр, Тошкент, 1987, 136-бет.

бўлиб... бу сабабдин бу илм зобитасиға қалам сурулди ".[1]

Маълум бўладики, Навоий бу мухтасар асарни подшо Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига мўлжаллаб аруз илми билан умумий тарзда таништирувчи рисола сифатида ёзган, бинобарин, мазкур илм соҳасидаги бутун иқтидорини намойиш қилиш, ўзбек арузининг барча латофатини акс эттириш мақсадини ўз олдига қўймаган. Асарга баҳо "Мезон ул-авзон"га *"бисёр мадхулдир"*[2] деб баҳо берар экан, Масаланинг ушбу томонларини назарда тутмаган кўринади.

"Мезон ул-авзон" ни тадқиқ этувчи олимлар шоирнинг мазкур асарни яратишдан кўзда тутган мақсади устида алоҳида тўхталадилар. Бу – чиндан ҳам муҳим. Лекин шу хусусда фикр юритилар экан, бу асарга бўлган эҳтиёж даражасини ўша даврдаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб белгилаш шарт.

Асар яратилган давр – XV асрнинг 90-йилларида ҳар қайси ижодкор ўз асарларини қайси тилда яратишидан қатъи назар, аруз назарияси ва амалиётидан, матбуъ баҳрлар ҳамда вазнларнинг ритм-оҳанг имкониятлари, уларнинг рукнлари ва бошқа маълумотлардан хабардор эди, албатта. Шу жиҳатдан қараганда шоирнинг "Мезон ул-авзон"дан ўрин олган айрим фикрлари, хусусан, "чун турк алфози билаким назм воқеъ бўлибтур, анга зобитае ва қонуне йўқ эркандур",[3] шунингдек: "...турк шуросиға миллати истеъмолдин ҳеч қайси бу вақтга дегинча махсус эмас эрмиш ва мулойим табълиғ нозимлар ҳар баҳр ҳамда вазнда кайфа маттафақ назм айтур эрмишлар ва аруз қоида ва зобитасидин бевуқуф эрмишлар..."[4] деган таъкидларини шартли ҳолда тушуниш тўғрироқ бўлади. Зеро, Ҳофиз Хоразмий, Атоий, Лутфий, Саккокий, Гадоий каби шоирлар ўз асарларини арузнинг муайян қонун-қоидалари асосида битганлари аниқ, қолаверса, туркий шеърият азалдан, аруздан аввалги босқичдан тортиб XV асрга қадар ҳам маълум вазн қоидаларига эга эди. Зотан, қонун-қоидаларсиз шеър битишнинг ўзи мумкин эмас. Бу қонун-қоидалар ёзилмаган ҳолда эди, аммо уларга ҳар қайси шоир амал қиларди.

Арузга келганда эса, XV аср шоирлари форс-тожик олимларининг аруз илмига оид рисолаларига, форс-тожик арузи амалий анъаналарига таянишар, айни вақтда унга ижодий ёндошиб, туркий арузнинг ёзилмаган қоидаларини ишлаб чиққан эдиларки, бунга Навоий ўз асари билан туркий арузнинг қаламга олинмаган қоидаларини умумлаштирди, унинг баҳр ҳамда вазнлар доирасини белгилади, халқ оғзаки ижоди ўлчовлари билан ёзма адабиёт баҳр ҳамда вазнлари орасидаги муносабатларни аниқлаб берди.

"Мезон ул-авзон" тадқиқига киришишдан олдин Навоий таъкидлаб кўрсатган бир муҳим масалага диққат қилайлик. Шоир туркий тилдаги шеъриятнинг вазн хусусиятлари хусусида фикр юритар экан: " *...турк тили била шеър ажам шуаросиға махсус буҳур ва авзондағи назм силкиға кирди"*, деб уқтиради. Бинобарин, туркий арузга форс-тожик адабиётида қўлланган баҳр ҳамда вазнлардан фойдаланганига эътиборимизни қаратади. Шунга кўра рисолада аруз назарияси форс-тожик арузи йўналишида баён қилинди.

Навоий ўз асарида аруз фонетикаси, рукнлар, уларнинг тузилиши ва турлари, афойилу тафойилни мумтоз арузшунослик назарияси асосида ихчам тушунтиради.

Шундан кейинги қисмларда араб арузи билан форс-тожик ва туркий аруз муносабатларининг таъкидлаб борилиши аҳамиятлидир. Чунончи, аруз асоси бўлган саккиз асл рукнни санаб бўлгач шоир: "Ва улча бу саккиз усулдин форсий шеърда касир ул-вуқуъдур – бешдур: мафоийлун ва фоилотун ва мустафилун ва мафъулоту ва фаулун. Ва туркча шеърда

[1] Ўша асар, 182-бет.
[2] Бобур. Бобурнома. ЎзФА нашриёти. – Тошкент, 1960, 233-бет.
[3] Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Ўша жойда, 182-бет.
[4] Ўша асар, 142-бет.

ҳам улча мулоҳаза қилилибдур, бу аркондин ўзга вуқуъ топмас, магар такаллуф била",[1] деб уқтириб ўтади, бинобарин, фоилун, мутафоилун ва мафоилатун аслларининг форс-тожик ва туркий аруз учун номатбуъ эканлигига диққатни жалб қилади.

Навоийнинг зиҳофлар билан таништириш усули ҳам диққатга сазовор. Аруз илмига бағишланган асарларда кўпинча мавжуд зиҳофларнинг 35-40 атрофидаги тури бирин-кетин саналиб, уларнинг қайси аслларга тўғри келиши батафсил баён қилинади. Бу арузнинг ана шу мураккаб жиҳатини ўзлаштириш ишини қийинлаштиради, зиҳофлар ва фуруъларнинг чалкаштириб юборилишига сабаб бўлади. Навоий эса бу мушкул ишни осонлаштириб, ҳар қайси аслнинг зиҳоф ва фуруъларини ихчам баён қилади, баъзи асарларда бўлгани каби, форс-тожик ва туркий арузлар учун номатбуъ бўлган юқоридаги уч аслнинг зиҳоф ва фуруъларини четлаб ўтади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Навоий қаламга олган кўпгина зиҳоф ва фуруълар форсий ва туркий шеърият учун номатбуъ бўлган, яъни шеъриятимизда қўлланмайдиган ўзгариш ва ўлчовлардир. Улар ҳам тушириб қолдирилганида, рисола яна ҳам соддалашган бўларди. Лекин Навоий мумтоз арузшуносликка қарши бора олмаган шекилли, бу усулни қўлламаган.

Аруз доиралари асосида 19 баҳрнинг таркибини кўрсатган шоир ҳамма мисолларни туркий тилда келтириш билан шу баҳрларнинг барчасини туркий шеъриятда ҳам қўллаш мумкинлигини таъкидлади.

Бу доираларнинг олтитаси кўпчилик арузшуносларнинг асарларида келтирилади. Жумладан, Воҳид Табризийнинг "Жами мухтасар" рисоласида ҳам уларнинг барчаси, бир оз бошқача номда бўлса ҳам, келтирилади. Мунсариҳ, музориъ, хафиф, мужтасс, муқтазаб, мушокил, сариъ, жадид (ғариб) ва қарийб баҳрларини ўз ичига олган "Мужтамия доираси" ҳақида тўхталаркан, Навоий: *"бу доира расми замон зурафосидан баъзининг хаёлиға келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим..."*,[2] деб таъкидлаган эди. Бобур ўз «Мухтасар»ида шу ҳақда тўхтаб, *"Мир Алишер Навоий бу тўққиз баҳрнинг доирасин ўзига иснод қилибтур, ғолибон "Меъёт ул-ашъор"ни мутолаа қилмағандур")*,[3] *деб ёзган эди.* Навоийнинг "Меъёр ул-ашъор"дан хабардорлиги яхши маълум. Зеро, рисола муқаддимасида: *"...неча қоида ва доиро ва вазниким, ҳеч арузда, мисли фан воизи Халил ибни Аҳмад ва илм устози Шамс Қайс кутибида ва Хожа Носир Тусийнинг "Меъёр ул-ашъор"ида, балки ҳазрати Маҳдуми наввара марқадаҳу нуран "Аруз"ларида йўқ эрдиким, бу китобға изофа қилдим"*,[4] деб уқтирганди. Шундай экан, Бобур таъкидлаган ҳолат бирон англашилмовчилик натижаси бўлса керак. Балки Навоий сўзларидан мавжуд доирани такомиллаштириш маъносини англаш тўғрироқ бўлар. Ҳар ҳолда бу муаммога ойдинлик киритиш келажакдаги вазифалардан саналади.

Рисоланинг тақтиъга бағишланган фасли ҳам туркий, жумладан, ўзбек арузи шаклланиши ва ривожида муҳим аҳамиятга эга эди. Шоир бу саҳифаларда бевосита ўзбек тили хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тақтиъ қоидаларини тушунтиради.

Навоий асарнинг кейинги бўлимида туркий (ўзбек) арузида қўлланиши мумкин бўлган баҳр ҳамда вазнларни келтириб, уларнинг рукнлар тартибини баён қилар экан, ҳар қайси ўлчов учун ўз қаламига мансуб бўлган лирик шеърлардан мисоллар келтиради. Шуниси аҳамиятлики, Навоий бу бўлимда шеъриятимизда кенг қўлланган – матбуъ ўлчовлар билангина чекланмай, кам фойдаланилган ёки умуман ишлатилмаган баҳр ҳамда вазнлар-

[1] Ўша асар. 139-бет.
[2] Ўша asar, 148-бет.
[3] Бобур. Мухтасар. "Фан".- Тошкент, 1971, 30-бет.
[4] Alisher Navoiy. Mezon ul-avzon, 136-bet.

ни келтириш билан уларнинг шоирлар томонидан тажриба қилиниши ва татбиқ этилиши учун зарур имкониятлар яратади. Жумладан, ҳазаж баҳрининг саккиз рукнли (мусамман) вазнларидан 11 таси саналган бўлса, улардан 5 таси шеъриятимизда қўлланмаган ўлчовлардир. Улар орасида анча жозибадор, ёқимли ўлчовларни учратиш мумкин. Чунончи, ҳазажи мусаммани макфуфи маҳзуф:

Кўзунгдек қани наргиз, юзунгдек қани гулшан,
Энгингдек қани насрин,қадингдек қани савсан.
Мафоийлу фаулун мафоийлу фаулун

Ҳазажи мусаммани макфуфи мақсур аруз ва зарб:

Жамолингга неча боқсам эрур ҳуснунг фузунроқ,
Хаёлингга неча тушсам, бўлур фикрим узунроқ.
Мафоийлу мафоийлун мафоийлун мафоийл

Ҳазажи мусаммани аштари маҳзуф:

Эй хаттинг муанбар, в-ей қадинг санубар,
Раҳм қилки,бўлдум фурқатингдан абтар.
Фоилун фаулун фоилун фаулун

Ҳазаж баҳрининг мусаддас (олти рукнли) вазнларидан ўнтачаси келтирилиб, шулардан олтитаси адабиётимиз учун янги ўлчовлар эди. Улар ичида:

Ҳазажи мусаддаси ахраби маҳбузи садр ва ҳашв:

Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул харидоринг.
Мафъулу мафоилун мафоийлун

Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф:

Рухсоринг гул киби очилмиш,
Ашким ҳам жоладек сочилмиш.
Мафъулун фоилун фаулун

каби ёқимли вазнлар ҳам бор.

Шоир келтирган ҳазажи мураббаъи солим вазни ҳам аҳамиятлидир:

Санга ул турраи ҳинду,
Манга солмиш қаро қайғу.
Мафоийлун мафоийлун

“Мезон ул-авзон”нинг ўзбек арузини шакллантириш ва ривожлантиришдаги муҳим аҳамияти унда рубоий вазнларининг ишлаб чиқилиши бўлди. Таъкидлаганимиздек, рубоий

ўзбек адабиётига эндигина кириб келаётган жанр эди. Унинг дастлабки икки намунаси Лутфий ижодидан ўрин олганди. Мазкур жанрнинг адабиётимиздан кеч ўрин олишига сабаб унинг вазн жиҳатидан мураккаблиги десак, хато бўлмас.

Форс-тожик адабиётидаги рубоий ўлчовларини ўзининг форсий асарларида атрофлича синовдан ўтказган, хилма-хил рубоий вазнларида юзлаб туркий шеърлар яратган Навоий "Мезон ул-авзон"да ахраб ва ахрам шажараларидаги жами 24 вазннинг рукнлари ва фуруъларининг номлари билан кўрсатиб, ҳар қайси вазнга бир мисрадан шеър келтирди, бошқача қилиб айтганда, 24 вазнни олти рубоийга жо қилди. Бу билан асарлар яратиш мумкин эканлигини исботлаб берган эди.

Бу масаланинг адабиётимиз учун муҳимлигини таъкидлар эканмиз, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"да, шунингдек, "Мухтасар"да Навоий "Мезон ул-авзон"идаги рубоий вазнларини кўрсатишда йўл қўйган хатолари тўғрисидаги фикрларини четлаб ўтолмаймиз, албатта. Бобур "Бобурнома"да Навоий битган "Мезон ул-авзон" тўғрисида тўхталар экан, "Йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибдур",[1] деб таъкидласа, "Мухтасар"да Навоийнинг "Мезон ул-авзон"ида ўрин олган барча рубоийларни рукнлари билан тўлиқ келтирар экан, бу "ғалат"ларни бирма-бир кўрсатиб ўтади:

1. "Ахрам авзонининг рубоийларида ахрами ахраби азалл вазни мукаррар бўлубтур, нечунким бу икки мисра ўшал вазндадур.

Кўз истарким кўрса жамолингни тўқ,
Ким ҳажринг кўп урди бу кўксумга ўқ.

Мафъулун мафъулу мафоийлун фоъ бўлғай. Бу вазнким, мафъулун фоилун мафоийлун фоъ ахрами аштари азалл вазнидур айтилмайдур".

2. "Ахрам авзонининг рубоийларида бир ахраби мажбуб вазни мукаррар бўлубтур. Нечукким бу икки мисра ўшал вазндадур:

Тан ўлса ғаминг ичра жонинга фидо,
Эй шўх бизинг сари бир айла назар.

Мафъулу мафоийлун мафъулу фаал бўлғай!"

3. "Яна бир ахраби махқузи мажбуб вазни мукаррар бўлубтур, нечукким бу икки мисра ўшал вазнда воқиъ бўлубтур:

Жаврунгни кўнгулга эй париваш қил бас
Қил ҳолима раҳмким, эрурмен бекас.

Мафъулу мафоилун мафоийлун фоъ

4. "Яна бир ахраби макфуфи мажбуб вазни мукаррар бўлубтур, нечукким бу икки мисра ўшал вазнда воқе бўлубтур.

Ҳажрингда фиғонимга улус нола қилур
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимға асар

[1] Бобур. Бобурнома. ЎзФА нашриёти.- Тошкент, 1960, 233-бет.

Мафъулу мафоийлу мафоийлу фаал бўлғай"[1].

5. "Уч вазн айтилмайдур. Мафъулу мафоийлун мафъулу фаулким, ахраби аҳтам вазнидур. Яна бир мафъулу мафоийлу мафоийлун фоъким, ахраби макфуфи ахрами мажбуб вазнидир. Яна бир мафъулу мафоилун мафоийлу фаулким, ахраби мақбузи мақфуфи аҳтам вазнидур"[2].

Кўринадики, Бобур Навоий келтирган рубоийларда айрим вазнларнинг такрорлангани ҳамда тўрт вазннинг айтилмаганини таъкидламоқда. Эътибор қилсак, Бобур Навоий келтирган айрим вазнларнинг рукн таркиби билан уларга келтирилган мисоллар ўртасидаги номувофиқликни назарда тутган ҳолда, бу ҳолат вазнлар такрорига сабаб бўлганлиги, тўрт вазн тилга олинмаганига диққатимизни жалб қилаётганини кўрамиз. Мисолларни шу тарзда ўқийдиган бўлсак, такрорлар чиндан ҳам мавжудлиги шубҳа уйғотмайди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Бобурнинг тўрт вазн айтилмагани ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Зеро, "Мезон ул авзон"нинг шу қисмини унда келтирилган рубоийлар вазнлари рукнлари ҳамда мисолларни кўздан кечирсак, шоир 24 вазннинг барчасига хос бўлган рукнлар таркибини акс эттиргани 4 мисра шеъргина кўрсатилган рукнга номувофиқлигини кузатамиз.

Бу номувофиқлик эса котиб (хаттото хатоси билан бўлганлигини сезиш қийин эмас. Келинг, Бобур таъкидлаган хатоликларни бирма-бир кўздан кечириб, мулоҳаза юритайлик.

1. Бобурнинг айтишича, "Ким ҳажринг кўп урди бу кўксимга ўқ" мисраси мафъулун фоилун мафоийлун фоъ рукнларига асосланувчи ахрами аштари солими абтар вазнига тўғри келмайди. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Чунки котиб *кўп урди* сўзларини алмаштириб вазнни бузиб юборган. Мисрани "Ким ҳажринг кўп урди бу кўксимга ўқ" деб ёзилса, муаммо бартараф бўлади ва Бобур таъкидлаган нуқсон ахрами аштари азалл вазнининг айтилмаганлиги нотўғри бўлиб чиқади.

2. Бобур уқтиришича, "Қил ҳолима раҳмким, эрурмен бекас" мисраси мафъулу мафоийлу мафоийлун фаъ рукнларига асосланувчи ахраби макфуфи абтар (Бобур таърифида "ахрами мажбуб") вазнига мос келмайди. Бу ўринда ҳам хаттот Навоий фикрини бузиб юборади. Бизнингча, Навоий мазкур мисрани "Қил ҳолима раҳмеким, эрурмен бекас" тарзида ёзган, хаттот "раҳмеким" сўзидаги "е" ҳарфини тушуриб ёзгани учун вазн бузилган. Сўз тўғри ёзилса, Бобур айтилмаган деган вазн мавжудлиги, яна тўғрироғи, мисол Навоий тилга олган ана шу вазнга мувофиқлиги маълум бўлади.

3. Бобур "Эй шўх, бизнинг сори бир айла назар" мисрасининг мафъулу мафоийлун мафъулу фаул рукнларига асосланувчи ахраби солими ахрам вазнига, "Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимға асар" мисрасининг мафъулу мафоийлу мафоийлу фаул рукнларига таянувчи ахраби макфуфи ахрам вазнига мос келмаслигини таъкидлайди. Мисралар шу ҳолда ёзилса, ҳақиқатан ҳам Бобур ҳақ бўлиб чиқади. Диққат қилинса, Навоий охирги рубоийни қуйидагича ёзганлигини аниқлаш мумкин:

---

[1] С.Ҳасанов "Мухтасар" асарига берган шарҳларида Бобур ахрами мажбуб ўлчовида "фоъ" рукнини тушунганини эътибордан соқит қилиб, "фоъ"ни фаал, "ахрами" сўзини ортиқча деб кўрсатадики, бунга қўшилиб бўлмайди.

[2] Бобур. Мухтасар. "Фан", Тошкент 1971, 60-бет

Ҳасанов шу асарга ёзган сўз бошисида негадир қуйидагича ёзади: "Бобурнома"да 1505-1506 йиллар воқеаларида Навоий 24 рубоийлари вазнининг тўрт вазнда англашилгани таъкидлаб ўтилади, лекин Бобур "Мухтасар" асарида бу ҳақда ҳеч гап юритмайди. Фикримизча, Бобур "Мезон ул-авзон"нинг хаттот томонидан янглиш кўчирилган нусхасидан фойдаланиб, кейинчалик эса мазкур рубоий вазнларида нуқсонлар йўқлиги аниқлангач, бу ҳақда гапиришни лозим топмаган бўлса керак (Кўрсатилган нашр, 10-бет)

Эй шўх, бизинг сори бир айла назор
Ким оҳу фиғон ўти чекар кўкка шарор
Мафъулу мафоийлун мафъулу фаул
Мафъулу мафоилун мафоийлу фаул

Ё васл ила кўнглумга қарин айла мурод
Ё қатл ила қўйма бу ҳаётимға осор.

Мафъулу мафоийлун мафъулу фаул
Мафъулу мафоилун мафоийлу фаул.

Шунда юқоридаги мисраларнинг ҳам Бобур фикрича, Навоий томонидан "айтилмаган" ана шу икки вазнга мувофиқлиги маълум бўлади.

Демоқчимизки, котиб Навоий томонидан "назор", "шарор", "осор" тарзида берилган сўзларни "назар", "шарар", "асар" тарзида ёзиб, охирги ўта чўзиқ ҳижоларни чўзиқ ҳижоларга айлантириб қўйганлиги, шунингдек, охирги икки рукнлар таркибининг ўрнини ўзгартириб, хусусан мафоилун рукнини мафоийлу рукни билан ёзганлиги туфайли хатолар келиб чиққан. Мазкур фикрга далил яна шуки, Навоий охирги рукнлар ўрнидаги фаул фуруъига мос қилиб *назар, шарар, асар* сўзларини танлаши мутлақо саводсизлик бўлур эрди. Ахрам шажарасидан худди шу хил рукнлар учун ниҳоят мувофиқ бўлиб тушадиган "жамол", "мисол", "висол" сўзларини танлаган Навоийнинг ахраб шажарасида шунчалик жиддий нуқсонга йўл қўйишини тасаввур қилиш қийин. Охирги рубоий биз таъкидлаганча ёзиладиган бўлса, "мурод" сўзининг фаал рукнига унчалик мувофиқ эмаслиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин, холос. Лекин унинг таркибидаги "о" унлисини қисқа талаффуз этилиш имкониятини ҳисобга олсак, бу муаммо унчалик мунозарага сабаб бўлмайди.

Шундай қилиб, Бобурнинг рубоий вазнлари хусусида Навоийга билдирган эътирозларига сабаб котиб (хаттот) хатолари бўлиб чиқади. Мазкур масала хусусида жиддийроқ фикр юритганда, балки Бобур норозилик билдирмаган бўлар эди. Зеро, улуғ шоирга шундай йирик айбларни қўйиш Бобурдек ақли расо инсонга мос эмасдек кўринади. "Мезон-ул авзон" хотимасида Навоий ёзган эди: *"Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатое воқе бўлмиш бўлса эътироз бирла ўтмагайлар ва ислоҳ қалами билан тузатгайлар*". Бинобарин, худди шундай йўл тутиш Бобурга ҳам жоиз эди. Бизнинг олдимизда ҳам шоирнинг ана шу илтимосини бажариб, котиб хатоларини тузатиш вазифаси турибди.

“Мезон-ул авзон”нинг муҳим аҳамияти шунда бўлдики, шоир аруздаги жами 19 баҳрнинг матбуъ ва номатбуъ вазнларидан туркий адабиётларда қўлланиши мумкин бўлганларини ўз асарларидан танданган парчалар ёхуд алоҳида фардлар тарзидаги шеърлар билан келтиради. Асарда келтирилган баҳрлар ҳамда уларнинг вазнларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

	Баҳрлар	Вазнлар				Жами
		8 рукнли (мусамман)	6 рукнли (мусаддас)	4 рукнли (мураббаъ)	Кўп рукнли	
1.	Ҳазаж	25	10	1	1	37
2.	Ражаз	6	6	1	-	13
3.	Рамал	7	4	2	1	14
4.	Мунсариҳ	8	3	2	-	13
5.	Музориъ	8	4	-	-	12
6.	Муқтазиб	2	1	4	-	7
7.	Мужтасс	7	1	2	-	10
8.	Сариъ	-	6	-	-	6
9.	Жадид(ғариб)	-	2	-	-	2
10.	Қарийб	-	4	-	-	4
11.	Хафиф	-	6	-	-	6
12.	Мушокил	-	2	2	-	4
13.	Мутақориб	8	2	-	1	11
14.	Мутадорик	4	3	-	-	7
15.	Комил	1	-	-	-	1
16.	Вофир	1	-	-	-	1
17.	Тавил	1	-	-	-	1
18.	Мадид	1	-	-	-	1
19.	Басит	1	-	-	-	1
		80	54	14	3	151

Шундай қилиб, Навоий туркий шеъриятда қўлланган ва қўлланиши мумкин бўлган жами 151 вазн тўғрисида маълумот бериб, уларнинг рукнларини белгилаб чиқди.

«Мезон ул-авзон» тадқиқотчилари Навоийнинг ўзбек арузи ривожидаги ўрнини халқ оғзаки ижодидаги вазнларни ёзма адабиётимизга олиб киришида ҳам кўрадилар. «Баҳрлар ва вазнлар ҳақидаги бобнинг охири, – деб ёзади мазкур асар танқидий матнини яратган машҳур адабиётшунос олим Иззат Султонов, – *«Мезон ул-авзон»нинг жуда қимматли қисмидир. Бу жойда Навоий туркий халқларнинг ёзув поэзияси ва фольклор тажрибаси асосида арузнинг вазнлар бобига, ва умуман, поэтиканинг жанрлар бобига фавқулодда аҳамиятли қўшимчалар қилади. Навоийнинг фикрича, одатда аруз ҳақидаги китобларда келтириладиган вазнлардан ташқари, яна бир неча вазн борки, улар ажам (форс ва ўзбек) шоирларининг сўнггилари ва Навоийнинг замондошлари асарларида учрайди, аммо арузга тааллуқли бўлса ҳам, аруз ҳақидаги китобларда қайд этилмаган... Навоий ҳаммаси бўлиб тўққизта янги вазн ва шеърий шаклни қайд этади...».*[1]

«Навоий «Мезон ул-авзон»га 9 та янги вазн ва шеърий форма киритиб, уларни тавсиф қилади. Уларнинг кўпчилиги ўзбек халқ поэтик ижодига мансуб бўлган вазн ва шеърий формалардир»,[2] деб таъкидлайди атоқли навоийшунос олим Н.М. Маллаев.

Навоийнинг мана шу ўриндаги хизматлаъри нималарда кўринади? Аввало шуни айтиш лозимки, Навоий асарнинг ана шу қисмида халқ қўшиқлари вазнлари билан мумтоз аруз вазнларини муқояса қилади ҳамда машҳур «суруд»ларнинг бир нечтаси форс-тожик ва ўзбек арузида қўлланадиган айрим ўлчовлардаги шеърларга басталанганини таъкидлайди. Жумладан, «туюғ» рамали мусаддаси мақсур, «қўшуқ» мадиди мусаммани солим ва рамали мусаммани маҳзуф, «чинга» мунсариҳи матвийи мавқуф, «Муҳаббатнома» ҳазажи

[1] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. I том. «Фан» нашриёти. – Тошкент, 1977, 430-бет.
[2] Н.М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб, «Ўқитувчи». – Тошкент, 1976, 552-бет.

мусаддаси мақсур, «арзуворий» ҳазажи мусаммани солим ва рамали мусаммани маҳзуф, «туркий» рамали мусаммани мақсур вазнларига мос тушишини мисоллар билан исботлаб берди. Бу вазнлар ўзбек арузига махсус бўлиб, «Мезон ул-авзон»даги вазнлар баёни қисмида ўз аксини топган эди, шунинг учун ҳам уларни «Янги» вазнлар ёки шеърий формалар сифатида кўрсатилиши тўғри бўлмайди. Ягона «мустазод» суруди вазнигина асардаги ҳазаж баҳрига тааллуқли бўлимда келтирилмаган бўлиб, шуни шоир кашф қилган ва ўзбек арузига («Мезон ул-авзон»гагина эмас!) олиб кирилган янги ўлчов сифатида кўрсатиш мумкин.

Навоийнинг бу ўриндаги муҳим хизмати халқ оғзаки ижоди, хусусан, халқ қўшиқлари вазнлари билан форс-тожик ва ўзбек арузи ўлчовлари орасидаги муштаракликнинг тадқиқ этилиши бўлди. Шоир бу муштараклик сабабиятларини ёритмайди. Бу ҳолат қадимий туркий («бармоқ» деб юритиладиган) вазнлар билан мумтоз аруз ўртасидаги тасодифий муштаракликми ёхуд араб, форс-тожик ҳамда ўзбек арузи вазнларининг халқ оғзаки ижодига таъсири, унда арузга мос келадиган ўлчовларда асарлар битилганлиги билан изоҳданадими бу муаммо ҳам ўз тадқиқини топмаган. Балки рисоланинг мухтасарлик усули бунга имкон бермагандир. Бундан қатъи назар, Навоий мазкур масалага қалам уриб, ўзбек арузи манбалари, оғзаки ва ёзма адабиётдаги шеърий ўлчовларнинг ўзаро таъсири ва ҳамкорлиги ҳақидаги баҳсни биринчи бўлиб бошлаб берди.

IIIу ўринда Навоийнинг мусиқа ва аруз ривожи муносабатлари ҳақидаги фикрлари ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Навоий, хусусан, рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур вазнларининг мусиқийлик хусусиятини алоҳида таъкидлаган эди. Жумладан, «қўшуқ» деб аталган суруд ҳақида фикр юритар экан: *«Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамали мусаммани маҳзуф вазнига элитиб, мусиқий ва адвор илмида мулойим табълиғ беназир йигитлар ғариб наномат ва алҳон била ажаб тасарруфлар қилиб, султони соҳибқирон мажлисида айтурларки, анинг мулойимлик ва хуш ояндалиғи васфға сиғмас ва таъсир ва рабояндалиғи сифатқа рост келмас, балки ул ҳазратнинг ихтироидур...»*,[1] деб уқтирган эди Навоий. Кўринадики, мазкур суруд билан кўрсатилган вазнда қўшиқ куйлаш анъанасига Ҳусайн Бойқаро асос солган, унинг мажлисларида ижро этиладиган қўшиқларнинг аксарияти рамали мусаммани маҳзуф вазнидаги шеърлар билан айтиларди, бинобарин, кўпроқ ғазал, мухаммас, мусаддаслар ана шу вазнда битиларди.

Навоий «туркий» суруди ҳақида батафсил тўхталар экан, ёзади: *«Яна сурудедурким, ани «туркий» дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул оятдин ташқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятидин мутажойиз айш аҳлиға судманд ва мажолис оро суруддур, андоққи салотин ани яхши айтур элни тарбиятлар қилибтурлар, туркийгўйлик лақаби била машҳурдур ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқедур, андоққим, байт:*

Эй, саодат матлаъби ул орази моҳинг сенинг,
Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

Ҳазрати султон соҳибқирон бу вазннинг ғоят равонлик ва латофатидин ва руҳпарварлик ва салосатидин ўз девонларинки, жамиъ давовин орасида баданлар аро эондекдур ва каво-

[1] Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. Кўрсатилган нашр, 180-бет.

киб ичра хуршиди рахшондек воқеъ бўлубтур, бошдин-оёқ илтизом қилиб, бу вазнда тартиб беribдурлар эрди».[1]

Навоий қайдларидан Ҳусайн Бойқаронинг ўз девонидаги барча ғазалларни фақат биргина рамали мусаммани мақсур вазнида ёзганлигига сабаб унга ана шу ўлчовдаги шеърлар билан айтиладиган «туркий» деб аталмиш суруд куйни ғоят ёқтириши эканлиги англашиладики, бу халқ мусиқасининг, умуман мусиқанинг аруздаги муайян вазнлар ривожидаги ўрнини белгилаш жиҳатидан муҳимдир. Мазкур куй фақат Ҳусайн Бойқаронинггина эмас, унинг саройидаги бошқа шоирларнинг ҳам, жумладан, Навоийнинг ҳам кўплаб ғазал ва мусамматлаъринининг ана шу вазнда яратилишига ҳам сабаб бўлган деб тушуниш лозим.

Шу билан бирга, «Мезон ул-авзон»га баҳо берганда, уни асоссиз ҳолда кўкларга кўтаришдан, йўқ фазилатларни унга нисбат беришдан эҳтиёт бўлиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Н.М. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (1-китоб) дарслигида Навоийнинг аруз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Навоий «Мезон ул-авзон»да аруз баҳрлари юзасидан тузилган доираларни ҳам тўлдиради ва янги доиралар яратади. Масалан, у араб поэзиясига хос тавил, мадид ва басит баҳрлари асосида тузилган, лекин форс-тожик тилидаги кейинги асарларга кирмаган (?) «доираи муштабиҳа»ни «Мезон ул-авзон»га киритади... Ҳассос ва донишманд олим узоқ кузатиш ва чуқур текширишлари асосида иккита тамомила янги доира «доираи мужтамиа» ва «доираи мухталита»ни яратади».[2]

Аруз тарихидан озгина бўлса ҳам хабардор бўлган адабиёт мухлисларига маълумки, Навоийга қадар араб ва форс-тожик тилида аруз назариясига бағишлаб ёзилган ишларнинг барчасида бир неча доира берилган бўлиб, улар ичида тавил, мадид, басит баҳрларидан ташкил топган доира ҳам (бу доира «мухталифа» деб ҳам юритилади), комил ҳамда вофир баҳрларидан тузилган доира ҳам (у «муъталифа» деб ҳам юритилади) учрайди. Бинобарин, уларни (Навоийнинг ўз таъкидларидан қатъи назар) янгилик деб баҳолаш тўғри бўлмайди. Доиралар соҳасидаги шоир кашфиётига «Доираи мужтамиа» Нигина нисбат бериш мумкин, деб ўйлаймиз. Тўғри, Бобур ўз «Мухтасар»ида бу доирани ҳам «Меъёр ул-ашъор»дан олинган деб таъкидлайди. Лекин Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадоеъ ус-саноеъ»[3] асарида кўрсатилишича, музориъ, хафиф, мужтасс, мунсариҳ, муқтазаб, қариб ва сариъ баҳрларини акс эттирувчи «Муттафиқа» доираси «Меъёр ул-ашъор»да ҳам келтирилган. Лекин Навоий тузган доира 9 баҳрни ўз ичига олади. Шунинг учун бу доирани Навоий кашфиёти сифатида кўрсатиш асосли деб ўйлаймиз.

Демоқчимизки, «Мезон ул-авзон»нинг илмий ва амалий аҳамиятини ҳалоллик билан кўрсатиш, ҳар қандай баҳони жиддий ўйлаб кўриб, манбаларни атрофлича кўздан кечириб айтиш олимларимизнинг вазифасидир.

«Мезон ул-авзон»нинг туркий, хусусан, ўзбек арузи шаклланиши ва ривожида тутган ўрни ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу рисола, аввало, туркий тилда мураккаб аруз назарияси ва амалиётига доир илк асар бўлиб, туркигўй адабиёт мухлисларининг мазкур ўлчов тизими билан танишишлари, уни ўрганишлари ҳамда шоирларнинг ўз ижодларига татбиқ этишларида, ўзбек арузининг янги-янги баҳр ҳамда вазнлар билан бойиб боришида муҳим восита бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, Алишер Навоий аруз назариётчиси сифатида:

– араб ва форс-тожик арузларининг назарий ва амалий жиҳатларини атрофлича ўрганиб

[1] Ўша асар, 181-бет.
[2] Н.М. Маллаев. Кўрсатилган дарслик, 551-бет.
[3] Атоуллоҳ Ҳусайний. «Бадоеъ ус-саноеъ», Ўзадабийнашр. –Тошкент, 1981, 27-бет.

чиқиб, туркий (ўзбек тилида илк бор ушбу ўлчов қонунларини ихчам ва содда тарзда баён қилди;

– ўзбек шеъриятида қўлланилиши мумкин бўлган ёқимли, мусиқий баҳр ҳамда вазнлар доирасини белгилаб берди ва уларнинг ритм-оҳанг имкониятларини кўплаб мисоллар билан исботлаб кўрсатди;

– аруз баҳрларининг ўзбек халқ оғзаки шеъриятидаги ўлчовлар билан муносабатини ўрганиб, халқ қўшиқлари вазнларининг ёзма ижодда фойдаланилиши мумкин бўлганларини белгилаб чиқди;

– аруз доираларини такомиллаштириш билан мазкур шеърий ўлчов тизими назариясини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди;

– туркий тилдаги арузшунослик илмига асос солди ва унинг тараққиётига йўл очиб берди.

IV БОБ
НАВОИЙ АРУЗИДА КЎПВАЗНЛИЛИК

Арузшунослигимизнинг ўрганилмай келаётган муҳим муаммоларидан бири ўзбек арузидаги кўпвазнлилик ҳодисасидир. Кўпвазнлилик фақат ўзбек арузигагина эмас, форсий арузга ҳам хос эканлиги маълум. Форсий ва туркий арузлар муайян жиҳатлардан ўзаро фарқланганидек, ҳар икки тизимга хос кўпвазнлилик ҳодисасида ҳам айрим хусусиятлар кўзга ташланади. Биз ўзбек арузидаги кўпвазнлиликнинг тадқиқ этилмаганини назарда тутяпмиз.

Туркий, жумладан, ўзбек арузидаги мазкур ҳодиса ҳақидаги айрим қайдлар Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида учрайди. Муаллиф, хусусан, рубоий вазнлари ҳақида фикр юритар экан, мазкур жанрдаги асарларнинг ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараларига мансуб 24 вазнда битилишини таъкидлайди ва уларнинг барчасини ўзида мужассамлантирган 6 рубоийни мисол қилиб келтиради. Навоийнинг мақсадига кўра ҳар қайси рубоий тўрттадан вазнда битилиши керак эди. Лекин, Заҳириддин Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида кўрсатиб ўтганидек, мазкур рубоийлар 24 вазннинг барчасини қамраб ололмаган. Бинобарин, бу рубоийларнинг ҳар бири 3-4 вазнда битилган асарлар эди. Навоий гарчи ўзбек арузидаги кўпвазнлилик ҳодисаси ҳақида фикр юритмаган бўлса ҳам, келтирилган рубоийларнинг ўзи шунинг исботи эди.

Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида кўпвазнлилик хусусида махсус фикр юритмаса ҳам, шеърий асарларда айрим рукнларнинг алмашиниш ҳодисасига алоҳида аҳамият беради ва уларни санаб кўрсатади:

«Ала ҳазал қиёс, билмак керакким, маҳзуф била мақсурни ва солим била мусаббағни ва махбун била махбуни мусаббағни ва солим била музол ва махбун била махбуни музолни ва мажбуб била аҳтаму азаллни ва ахрами мажбуб била аҳтаму азаллни ва абтар била абтари мусаббағни ва махбуни маҳзуф била махбуни мақсуру абтари мусаббағни ва матвийи мавқуф била матвийи максуфни ва маҳзуф била манҳурни арузу зарбта жамъ қилса бўлур. Бу шарт билаким, байт муқаффо бўлмағай. Абтар била махбуни маҳзуфни ва махбуни мақсур била абтари мусаббағни, мажбуб била ахрами мажбубни ва аҳтам била азаллни байт муқаффо бўлса ҳам арузу зарбта жамъ қилса бўлур. Баъзи вазнларда садр ва ибтидоъда ахрам била охрабни жамъ қилса бўлур. Рамал баҳрининг авзонида баъзи маҳалким, садр-махбун келибтур, ибтидоӣ-солим келибтур, ё акс жамиъ йигирма тўрт вазни рубоийни бир-бири бирла жамъ қилса бўлур».[1]

Бобур байтларнинг аруз ва зарб, шунингдек, садр ва ибтидоъ рукнларида бир-бирига яқин солим ва тармоқ рукнлар – фуруъларни алмаштириб қўллаш мумкинлигини таъкидлар экан, бу билан арузда кўпвазнлилик ҳодисаси мавжудлигига диққатни жалб қилади.

Арузнинг ана шу қонуниятига кўра лирик шеърлар ҳам, лиро-эпик достонлар ҳам икки ёки ундан ортиқ вазнда битилиши мумкин.

Форсий шеъриятда бўлганидек, туркий, жумладан, ўзбек адабиётидаги шеърий асарларнинг аксарияти қўшвазнли, яъни икки вазн асосида яратилгандир.

Қўшвазнлиликнинг энг кўп учрайдиган кўриниши мисралар охирида чўзиқ ҳижолар билан ўта чўзиқ ҳижоларнинг биргаликда қўлланишидир. Бу ҳолат аруз қоидаларига зид келмайди, ўз шеърларида бу хил услубни қўллаган шоир хато қилган ҳисобланмайди. Биз

[1] Бобур. Мухтасар. «Фан». – Тошкент, 1971, 110—111-бетлар.

шеър вазнини матлаъъга кўра белгилашга ўрганиб қолганмиз. Шунга мувофиқ аксар асарлар бир вазнда ёзилган деб қаралади, аслида эса, унинг қофияланмайдиган мисралари асосий вазндан шу нуқтаи назардан фарқланиши мумкин. Бинобарин, мазкур асарни бир вазнда эмас, икки вазнда битилган деб қаралиши тўғрироқ бўлади. Жумладан, Навоийнинг

Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қаро бало бўлуптур

матлаъъси билан бошланувчи ғазали ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари: мафъулу мафоилун фаулун) вазнида ёзилган деб кўрсатилади. Аммо бу – матлаъънинг вазни. Кейинги байтлардаги қофияланмайдиган мисралар ичида охири ўта чўзиқ ҳижо билан тугалланадиган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийл) вазнида ёзилганлари ҳам учрайди. Чунончи, учинчи байтнинг биринчи мисраси

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон

ҳамда охирги байтнинг биринчи мисраси

То тузди Навоий ояти ишқ

худди шу вазнда ёзилган. Демак, мазкур ғазал икки вазнда ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазнларида яратилган.

Мисралари охирида чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижолар алмашиниб келадиган барча шеърлар шу тарздаги қўшвазнли асарлар саналади.

Навоий яратган аксарият лирик шеърлар ва достонлар шу тарздаги қўшвазнли асарлардир. Шоир қуйидаги вазнларни биргаликда қўллаган ҳолда қўшвазнли асарлар яратади:

1. Ҳазажи мусаммани солим ва ҳазажи мусаммани солими мусаббағ:

- Кўнгул, қайғурма, ким дашти фанога борғудектурмен,
Ҳам ўзни, ҳам сени ҳажр илгидин қутқарғудектурмен.
-Сиёсатгоҳи ишқ ичра фано жаллоди чеккоч тийғ
Аёғиға тушуб таъжил учун ёлборгудектурмен.
...Бу янглиғким, оқар ғам шоми бағримдин шафақгун қон,
Саҳарга текру субҳи ҳажрдек сорғорғудектурмен.

2. Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур:

Ёр борди-ю кўнглумда анинг нози қолибтур,
Андоққи қулоғим тўла овози қолибтур.
Кўз хонасини қилди барандохта бу ашк,
Кўз борди, вале хона барандози қолибтур.
...Тақлид қилиб кўнглума ишқ аҳли чекар оҳ,
Фарҳод ила Мажнуннинг ўқуш рози қолибтур.

3. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур:

Қад эрмас, равза сарви нозидур бу,
Калом эрмас, Масиҳ эъжозидур бу.

Дедим: «Ишқингда ўлмак тоттим анжом».
Қулуб дерки, «Ҳануз оғозидур бу».
...Қилур қаддинг ҳавоси кўнглум, эй сарв,
Бийик ҳиммат қуши парвозидур бу.

4. Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур:

Йўқ даҳрда гарчи ёр сендек,
Душман доғи қайда бор сендек.
Эй хаста кўнгул, сенга керак васл,
Йўқ ҳажрда чунки зор сендек.
...Гулгун тун уза қаро чавукнақт,
Очилмади лолазор сендек.

5. Рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур:

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.
Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди.
Ғорати дин этти ногоҳ бир балолиғ кўзу қош.

6. Рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур:

Эй чучук жоним сенинг ширин лабинг,
Меваи жоним турунжи кабкабинг.
...Тезликда гардига етмас ниҳоб,
Эй қуёш, жавлонга кирса ашҳабинг.
Юзида тер қатрасини кўр, сипеҳр,
Ой уза мундоқ кўринмас кавкабинг.

7. Музориъи мусаммани ахраб ва музориъи мусаммани ахраби мусаббағ:

Бўйнумға қайда қилғай ул ой қўлини мойил,
Ким, басдурур кулода ит бўйниға ҳамойил.
Ким хўб жилва қилса бормас кўзумдин ул ой,
Ким зарра хайли бўлмас ҳаргиз қуёшқа ҳойил.
...Ҳижронда беҳуд истар ўзни Навоий, эй шайх,
Ою йил они усрук кўрсанг демаки ойил.

8. Музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ва музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур:

Ёнида бўлмасам нафасе дарднокмен,
Кўрсам ёнида ғайрни ул дам ҳалокмен.

Жонимга юз ғам игнасини тикти ул Масиҳ,
То билдиким қуёш киби ишқида покмен.
...Зотимда чун майи азалий чошниси бор,
Ҳар сори маст қўл солиб андоққи токмен.

9. Мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур:

Лабинг фикри бағримни қон қилдило,
Чу қон қилди кўздин равон қилдило.
...Кўнгулким бузилди тилаб ганжи васл,
Ани чуғзи ҳажр ошиён қилдило.
Кўнгул бирла кўз сиррини, эй рафиқ,
Яна оҳу ашким аён қилдило.

10. Мутақориби мусаммани аслам ва мутақориби мусаммани аслами мусаббағ:

Қон айладинг кўнглумни ниҳони,
Кўргил ики кўзумда нишони.
...Айларда ишқинг шарҳини таҳрир
Синмас қалам тилига баёни.

11. Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф ва мунсариҳи мусаммани матвийи мавқуф.

Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш,
Йўқса Хўтан жайрони мушк ичида ағнамиш.
...Водийи ҳажр ичраким бўлди сўнгак аҳли ишқ,
Будур ўтунким ани нам сипаҳи ўртамиш.
...Меҳри вафо айбидин покдур абнойи даҳр,
Пок назардурким ул сори назар солмамиш.

12. Сариъи мусаддаси матвийи макшуф ва сариъи мусаддаси матвийн мавқуф:

Аҳли ишқ айлади шайдо мени,
Солди жунун кўйига савдо мени.
Ишқ ила савдо бўлубон муттафиқ,
Айладилар даҳрда расво мени.
...Войки ўлтурғали қилмас писанд,
Ишқ яна кимсани илло мени.

Булар Навоий шеъриятида (рубоий ва достонлардан ташқари) кўпроқ қўлланган вазнлардир.

Туркий адабиётларда ҳам, форс шеъриятида азалдан қўлланиб келган **кўпвазнлилик анъанаси** давом эттирилди ва ривожлантирилди. **Кўпвазнлилик деганда** биз лирик ёхуд эпик асарнинг иккидан ортиқ вазнда битилишини назарда тутамиз. Арузнинг ёзилмаган қоидаларига кўра, шеърий асарларни 3-8 вазндан фойдаланган ҳолда ҳам битиш мумкин. Лекин бу ҳамма баҳрларга эмас, айрим баҳрларгагина хос ҳодиса ҳисобланади. Аниқроғи,

бундай кўпвазнли асарларни ҳазаж, рамал, хафиф ва мужтасс баҳрларидагина ёзиш мумкин бўлиб, ражаз, музореъ, мунсариқ, сариъ, мутақориб, комил баҳрларида бу усулдан фойдаланиш анъанаси учрамайди.

Рамал, хафиф, мужтасс баҳрларига хос кўпвазнлилик умумий хусусиятларга эга. Уларнинг учовида ҳам кўпвазнлилик, аввало, охирги рукнларнинг алмашинуви натижасида вужудга келади. Хафиф ва мужтасс баҳрларида, рамал баҳрининг иккинчи рукни махбун (фаилотун) тарзида қўлланувчи саккиз рукнли ва олти рукнли вазнларида охирги рукнлар ўрнида келувчи фоилотун аслининг махбуни маҳзуф (файлун), махбуни мақсур (файлон), мақтуъ (фаълун) ва мактуъи мусаббағ (фаълон) фуруълари алмашиниб қўлланаверади. Бунга асос шуки, фаилун ва файлон, фаълун ва фаълон рукнлари, юқорида кўрганимиздек, мисра охирида чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг алмашиниш қоидасига мувофиқ биргаликда ишлатилаверади.

Аруз илмида яна бир ёзилмаган қоида борки, унга кўра рукилар таркибидаги бир чўзиқ ҳижо (сабаби хафиф) икки қисқа ҳижо (сабаби сақийл)га тенг саналади. Шунга мувофиқ аксар ҳолларда охирги (аруз ва зарб) рукнларида шу хил ўзгаришли фурулар қўлланиши мумкин. Биз юқорида санаб ўтган баҳрларда ҳам кўпвазнлилик ана шу қоидага асосланади: таркибида икки чўзиқ ҳижо бўлган файлун (vv —) ва фаилон (vv ~) рукнлари фаълун (—) ва фаълон (— ~) рукнлари билан тенг саналади ва улар мисралар охирида алмашиниб қўлланиши мумкин.

Бу тўрт рукннинг ҳар бири алоҳида вазнлар таркибига киради. Шу туфайли уларнинг алмашинуви асосида тўрт вазннинг биргаликда қўлланиши, яъни кўпвазнлилик ҳодисаси юз беради.

Навоий ана шу тўрт рукннинг алмашинуви заминида рамал, мужтасс баҳрларига мансуб 2-4 вазнли шеърий асарлар битган.

Масалан,

Рафиқларни борин ёри муътамад қилдинг,
Арода тек мени мардуд эдимки рад қилдинг.
Фалак жафоси, улус таънию фироқинг ўти,
Бас эрмас эрдики сен ҳам яна мадад қилдинг

байтлари билан бошланувчи ғазал икки вазнли асар бўлиб, унинг кўпчилик мисралари мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун фаълун) вазнида бўлса ҳам, учинчи мисраси мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун фаилун) вазнида ёзилган. Фаълун ва фаилун рукнлари алмашинувига асосланган бу қўшвазнлилик юқорида кўриб ўтилган (чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижолар алмашинувига асосланган) шу хил ҳодисадан фарқ қилади, албатта. Навоий лирикасида бу хил қўшвазнли шеърларни кўплаб учратиш мумкин. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги

Эй менинг жоним олиб яхшилигинг,
Берибон жон яна яхши қилиғинг.
Қаҳр ила бодаки туттунг ўлдум,
Заҳрдек ўлтурур элни ачиғинг
Ҳусндин меҳр ғараздур, эй ишқ,
Бу масалдур «силиғингдан илиғинг»

байтлари билан бошланадиган ғазал уч вазнли бўлиб, унинг матлаъ ва қофияланувчи мисралари рамали мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун файлотун файлун), учинчи мисраси рамали мусаддаси махбуни мақтуь (рукнлари: фоилотун файлотун фаълун), 5, 7, 13-мисралари эса рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фоилотун фаилотун фаълон) вазнида ёзилган.

«Бадоеъ ул-васат» девонидаги
Сайлларким тўкар кўзум ёши,
Сойининг тошидур ядо тоши.
Даъви этгайму эрди қошинг ила,
Бўлмаса ёйнинг ики боши.
...Равшин эзмакка солмиш оби ҳаёт,
Чеҳранг очқонда сунъ наққоши

каби байтлар билан бошланувчи ғазал ҳам хафиф баҳрида битилган уч вазнли шеър бўлиб, юқоридаги парчада матлаъ ва қофияланувчи мисралар хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ (рукнлари: фоилотун мафоилун фаълун), 3-мисра хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун мафоилун фаилун), 5-мисра эса хафифи мусаддаси махбуни мақсур (рукнлари: фоилотун мафоилун файлон) вазнларида ёзилган. Навоий ҳар уч баҳрда бундай уч вазнли лирик шеърларни ҳам анчагина яратган.

Шу девондаги

Қони бир чеҳраки майл этгай анга хаста кўнгул,
Қони бир зулфки бўлғай анга вобаста кўнгул.
...Ғусса тирноғи билаким қилур атрофини реш,
Нақш этар эгма қошинг шаклини пайваста кўнгул.
Ғам ёмон бузди эса кўнглин уйинким қўймас,
Махзани ишқини то бўлмаса шойиста кўнгул.
...Кўнглунг ар бўлмаса вобаста тонг эрмас, эй шайх,
Борму охир бори олам аро вобаста кўнгул

каби байтлардан ташкил топган ғазал тўрт вазнда битилган бўлиб, унинг юқоридаги парчасида матлаъ ва қофияланувчи мисралар рамали мусаммани махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун файлотун файлотун файлун), 3-мисра рамали мусаммани махбуни мақсур (рукнлари: фоилотун файлотун файлотун фаилон), 5-мисра рамали мусаммани махбуни мақтуъ (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун фаълун), 7-мисра эса рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун фаълон) вазнларида битилган. Шоирнинг кўпгина лирик шеърлари уч баҳрда битилган тўрт вазнли асарлардир.

Рамал, хафиф ва мужтасс баҳрларига хос кўпвазнлилик фоилотун асли фуруъларининг алмашиниб қўлланишига асосланганини таъкидлаб ўтган эдик. Унинг фуруълари охирги рукнларда алмашинувидан юқоридаги каби кўпвазнлилик ҳодисаси кузатилади. Шуниси аҳамиятлики, рамал ва хафиф баҳрларида садр ва ибтидоъ рукнларидаги фойлотун асли унинг махбун фуруъи файлотун билан алмашиниши ҳам мумкин. Бунинг натижасида рамал ва хафиф баҳрларида ўзаро алмашинувчи вазнлар сони саккизтага етади.

Рамал баҳрида қуйидаги 8 вазн алмашиниб қўлланаверади:

1. Рамали мусаммани солими махбуни маҳзуф.[1]

Рукнлари ва чизма:

Фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
– V – –	VV– –	VV– –	VV–

2. Рамали мусаммани солими махбуни мақсур.

Рукнлари ва чизма:

Фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаилон
– V – –	VV– –	VV– –	VV~

3. Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъ.

Рукнлари ва чизма:

Фоилотун	фаилотун	фаилотун	фаълун
– V – –	VV– –	VV– –	– –

4. Рамали мусаммани солими махбуни мақтуъи мусаббаг.

Рукнлари ва чизма:

Фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон
– V – –	VV– –	VV– –	– ~

5. Рамали мусаммани махбуни маҳзуф.

Рукнлари ва чизма:

Фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаилун
V V – –	VV– –	VV– –	VV–

6. Рамали мусаммани махбуни мақсур.

Рукнлари ва чизма:

Фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон
V V – –	VV– –	VV– –	VV~

7. Рамали мусаммани махбуни мақтуь.

Рукнлари ва чизма:

Фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаълун
V V – –	VV– –	VV– –	– –

8. Рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ.

Рукнлари ва чизма:

Фаилотун	фаилотун	фаилотун	фаълон
V V – –	VV– –	VV– –	– ~

Рамал баҳрининг махбун фуруъли мусаддас (6 рукнли) вазнларида ҳам худди шу хил ўзгаришлар содир бўлади ва бу 8 вазн юқоридагига ўхшаш, фақат мусаддас рукнли вазнлар сифатида ифодаданаверади, чунки улар таркибида битта фаилотун рукни кам келади, холос.

Хафиф баҳрида қўлланадиган 8 вазн қуйидагилар:

1. Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф:

Фоилотун	мафоилун	фаилун
– V – –	V – V –	VV– –

2. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур:

Фоилотун	мафоилун	фаилон
– V – –	V – V –	VV– ~

[1] Одатда солим рукнлар шеър вазнининг қисқа ифодасида кўрсатилмайди. Лекин ҳозирги ҳолатда уни кейинги (5—8) вазнлардан фарқлаш учун солим рукнларни ҳам таъкидлашни лозим кўрдик.

3. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ:

Фойлотун	мафоилун	фаълун
– V – –	V – V –	– –

4. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуьи мусаббағ.

Фоилотун	мафоилун	фаълон
– V – –	V – V –	– ~

5. Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф:

Фаилотун	мафоилун	фаилун
V V – –	V – V –	VV–

6. Хафифи мусаддаси махбуни мақсур:

Фаилотун	мафоилун	фаилон
V V – –	V – V –	VV~

7. Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ:

Фаилотун	мафоилун	фаълун
V V – –	V – V –	– –

8. Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббаъ:

Фаилотун	мафоилун	фаълон
V V – –	V – V –	– ~

Юқоридаги ўлчовлар асосида рамал ва хафиф баҳрларида (фақат шу баҳрлардагина) 5—8 вазнли лирик шеърлар ва йирик лиро-эпик асарлар яратилади. Мужтасс баҳрида бундай асарлар битиш имкони йўқ, чунки унинг вазнларида фоилотун рукни садр ва ибтидоъда қўлланмайди.

Алишер Навоий кўпвазнлиликнинг юқоридаги қоидалари асосида ўзининг кўпгина лирик шеърларини ва достонларини яратган эди.

Шоир ўз лирикасида рамал ва хафиф баҳрларининг садр ва ибтидоъда фаилотун рукни қўлланадиган вазнларидан зарур ҳоллардагина фойдаланган. Унинг шу баҳрларда битилган лирик шеърларини кўздан кечирсак, охирги рукнлари фаилун, фаилон, фаълун ва фаълон фуруъларига асосланган асарларнинг айрим мисралари садр ва ибтидоъда фаилотун рукни келадиган вазнларда ёзилганини кўрамиз. Мазкур вазннинг қўшилиши туфайли 5 ўлчовли шеърий асар майдонга келади. Жумладан, «Наводир уш-шабоб» девонидаги

Юсуф эрмас чу малоҳатда жамолингға шабиҳ,
Ҳуснунга они малиҳ ўлмағай этсам ташбиҳ.
...Ой тулуъ этса бўлур меҳри жамолинг зоҳир,
Ким бўлур фаҳм жамил оллиғаким келди кариҳ.
Гар Навоий сари маҳшарда назар айламасанг,
Сақару нордек ўлғай анга хулду мофиҳ

каби байтлардан ташкил топган ғазалда юқоридаги садр ва ибтидоълари фоилотун (солим)га тенг бўлган тўрт вазндан ташқари энг охирги мисрада рукнлари фаилотун фаилотун фаилотун фаълон тарзида бўлган рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазни келиб ғазални беш вазнли шеърга айлантирган.

Навоий лирик шеъриятида шу тарздаги беш вазнли шеърий асарларни анчагина учратамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шоир ўзини катта ҳажмли лирик асарлари, хусусан, соқийнома ва таржиъбандларида бу услубдан кенг фойдаланиб, 7-8 вазнли асарларни ҳам яратган. «Фавойид ул-кибар» асаридан ўрин олган «Соқийнома» фикримизнинг исботи бўла олади. Ушбу асарнинг XXIV бўлимидан танланган қуйидаги парчага назар ташлайлик:

Соқиё, тут қадаҳи ойинаранг,
Ки кўнгул кўзгусидин очқай занг.
Бода гулрангу қадаҳ ойинафом,
Суйи гул мазжини фаҳм эткай ком.
Токим ул Жоми маоший бирла,
Сурайин ҳарф баёни бирла.
...Фалаки анжум аро солиб кўз,
Васфида кўп узалур эрди сўз.
Фалаку анжума бемеҳри дани,
Барчасиз қилди сени доғи мени.
...Чекайин оҳ юракдинки сипеҳр,
Пардаға чирмасун ойинаи меҳр

байтларининг вазн хусусиятларига диққат қилсак, дастлабки икки байтнинг ўзи тўрт вазнда битилганини кўрамиз. Биринчи мисра рамали мусаддаси солими махбуни маҳзуф, иккинчиси – рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъ, учинчиси – рамали мусаддаси солими махбуни мақсур, тўртинчиси эса рамали мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари асосида ёзилган. Кейинги байтларда эса садр ёки ибтидоълари ҳам махбун кўринишда бўлган яна тўрт вазндан фойдаланилган. Хусусан, олтинчи мисра рамали мусаддаси махбуни мақтуъ, еттинчи мисра рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ, 9-мисра рамали мусаддаси махбуни маҳзуф ва 11-мисра рамали мусаддаси махбуни мақсур вазнларидадир. Шу тарзда мазкур асарнинг 8 вазнда ёзилгани маълум бўлади.

Навоийнинг «Сабъаи сайёра» достони ҳам хафиф баҳрида шу услуб асосида яратилган 8 вазнли асардир. Бу ҳақда шоир достонларининг вазн хусусиятларига бағишланган бўлимда баҳс юритамиз.

Кўп вазнлилик ҳазаж баҳрига ҳам хос эканлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Мазкур баҳрдаги бу хусусият рубоий вазнларида яққол намоён бўлади.

Маълумки, рубоийлар ҳазаж баҳрига мансуб 24 вазнда битилиши мумкин. Ана шу 24 вазннинг рубоийларда эркинлик билан алмашинуви 1, 2, 3, 4 вазнли асарларнинг майдонга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек рубоийларига хос кўп вазнлилик уларнинг садр ва ибтидоларида мафоилуннинг ахраб (мафъулу) ва ахрам (мафъулун) фуруъларининг ахраб шажараси вазнларининг иккинчи рукнларида мақбуз (мафоилун) ва макфуф (мафоийлу), ахрам шажараси вазнларининг иккинчи рукнларида эса ахраб (мафъулу) ва аштар (фоилун) фуруқларининг, ҳар икки шажара вазнларидаги учинчи рукнларида солим (мафоийлун) ва макфуф (мафоийлу) фуруъларининг, ҳар икки шажара вазнларининг охирги – аруз ва зарб рукнларида абтар (фаъ), азалл (фоъ), ажабб (фаал) ва аҳтам (фаул) фуруъларининг эркин алмашиниши асосида юзага келади. Лекин бу алмашинишлардан ҳар бирининг ўз хусусиятлари ҳам мавжуд. Ахраб шажараси вазнларининг иккинчи рукнларида мақбуз (мафоилун) ва макфуф (мафоийлу) фуруъларининг, ахрам шажараси вазнларидаги иккинчи рукнларда эса ахраб (мафъ-

улу) ва артар (фоилун) фуруъларининг алмашиниши арузнинг ёзилмаган (тўғри, Бобур рисоласида тилга олинган) қоидалари асосида юз беради. Чунки бу қоидага мувофиқ ана шу рукнларнинг алмашинувига йўл қўйилади, зеро, қисқа ҳижонинг чап ёнидаги чўзиқ ҳижо билан ўрин алмашинуви рубоийларда хато ҳисобланмайди.

Ҳар қайси шажара ичида кейинги икки рукннинг бошқа икки рукн билан алмашинуви ҳам муайян қоидаларга асосланади. Шунга кўра мафоийлун фаъ (фоъ) рукнлари мафоийлу фаал (фаул) рукнлари билан алмашиниши мумкин. Чунки бу ҳолда мафоийлун фаъ (фоъ) рукнлари таркибидаги чўзиқ ҳижо билан мафоийлу фаал (фаул) рукнлари таркибидаги икки қисқа ҳижо алмашинадики, буни юқорида ҳам кўриб ўтган эдик.

Навоий рубоий вазнларидан 16 тасини ўз ижодида қўллаб ғоявий ва бадиий жиҳатдан баркамол асарлар яратди. Унинг ўзбек тилида ёзган жами 388 рубоийсидан 92 таси бир вазнли, 234 таси икки вазнли, 59 таси уч вазнли ва 3 таси тўрт вазнли асарлардир. Масалан:

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омададурур ёнида юз нохшулуқ

рубоийси бир вазнли бўлиб, тўрттала мисраси ҳам ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абугар (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлун фаъ) ўлчовидадир.

Ғурбатга тушуб заифу бемор ўлдум,
Дарду ғаму меҳнат илгида зор ўлдум.
Сартосар ажал тошидин афгор ўлдум,
Сенсиз не балоларға гирифтор ўлдум

рубоийси икки вазнда ёзилган бўлиб, олдинги икки мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, кейинги икки мисра эса ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлун фаъ) ўлчовидадир.

Ҳар икки вазн иккинчи рукнларда мафоилун ва мафоийлу фуруъларининг қўлланиши билангина фарқланади. Уларда қисқа ҳижонинг ўрнигина алмашгани туфайли қўшвазнлилик оҳангда деярли сезилмайди.

Эй боди сабо, айласанг ул сори гузор,
Жон бирла кўнгулни топшурай, олғач бор.
Кўнглумни итиға туъма қилғил зинҳор,
Жонимни дониш аёғига айла нисор

рубоийси эса уч вазнда битилган. Унинг илк мисраси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаул), иккинчи ва учинчи мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлун фоъ), охирги мисра эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлу фаул) вазнидадир. Биринчи ва учинчи вазнлар иккинчи рукнларда мафоийлу ва мафоилун фуруълари билангина фарқланса, иккинчи вазн улардан учинчи рукн ўрнида мафоийлун ва охирги рукнда фаъ фуруълари иштироки жиҳатидан ажралиб туради.

Олам бор эмиши, Навоиё, шўрангиз,
Олам доғи эл бошдин аёғ рангомиз.
Ишқ истар эмиш сени адам мисри сори,
Боргилки, эрур эл тилаган ерда азиз

рубоийси тўрт вазн асосида яратилган бўлиб, биринчи мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлун фоъ), иккинчиси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлун фоъ), учинчиси – ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлу фаал), тўртинчиси эса ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаул) вазнидадир.

Рубоийларга хос кўпвазнлилик шоирга назарда тутилаётган ғоя, тимсолдан келиб чиққан ҳолда керакли ўринларда энг зарур сўзларни қўллаш, айни вақтда, мисраларда жанрга хос салобатли, жарангдор оҳангни таъминлашга имкон бериши юқоридаги мисоллардан ҳам аён бўлиб турибди.

Шундай қилиб, Навоий аруз шеърий ўлчов тизимига хос кўпвазнлилик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этиб, унинг шеърий асарлар жозибаси, мусиқийлиги, оҳанглар ранг-баранглиги, шоирнинг қофиялар танлаш имкониятларини кенгайтиришдаги аҳамияти муҳим эканлигини аниқлади ва ўз асарларида ушбу усуллардан кенг фойдаланиб кўплаб ғоят сержило тимсоллар яратди.

Шоир аруз тизимига хос қўшвазнлилик ҳамда кўпвазнлилик анъаналарини ўзбек шеъриятига ҳам олиб кириб, баҳрларнинг лирик ва лиро-эпик шеъриятда қўлланиш имкониятларини кенгайтириш, асарларнинг оҳанг ранг-баранглигига эришиб, инсоннинг руҳият олами, нозик ва мураккаб туйғуларини, ҳаёт воқеъликларини ҳаққонийроқ ва таъсирчанроқ ифодалаш мумкинлигини исботлаб берди.

Шоир қўшвазнлилик анъанасини ривожлантириб, ўзининг аксар асарларида ўзаро яқин, фақат охирги ҳижонинг чўзиқ ёки ўта чўзиқлиги билангина фарқданувчи иккитадан вазнни қўллашни шеъриятимизда фойдаланилган барча баҳрларга татбиқ этиб, оҳанг мусиқийлигини таъминлашга эришган бўлса, кўпвазнлилик усули учун қулай бўлган ҳазаж ва мужтасс баҳрларида тўрттагача, рамал ва хафиф баҳрларида эса саккизтагача ёндош вазнларга асосланиб, оҳанг жилоларини кучайтиришнинг янгидан янги имкониятларини кашф этди.

Шоирнинг хилма-хил шакл ва жанрлардаги лирик шеъриятда ва аксар достонларида қўлланган кўпвазнлилик тилимизнинг беқиёс бойлиги ва бетакрор нафосатини амалда исботлаган безавол обидалар сифатида буюк шоир замондошлари, издошлари учун баркамол намуналар бўлиб хизмат қилди. Нодира ва Увайсий, Мунис ва Огаҳий, Комил Хоразмий ва Феруз каби кўплаб шоирларимиз Навоий анъаналарини давом эттириб, кўпвазнли асарлар яратдилар ва арузнинг оҳанг нафосатини янада такомиллаштириб бордилар.

ВАЗН – ҚОФИЯ – РАДИФ

Шеърий асарларнинг оҳангини, жозибадорлигини таъминлашда вазн билан бир қаторда қофия ҳам муҳим ўрин тутади. Қофиянинг ҳусусияти, ундаги товушлар таркиби байт, бинобарин, бутун асар ритмини белгиловчи асосий омиллардан саналади. Шунинг учун ҳам мумтоз шеъриятимизда қофияга алоҳида аҳамият берилган. Шоирларимиз қофиянинг хилма-хил турларидан, ранго-ранг қофия санъатларидан фойдаланиб, сержило ва мусиқий асарлар битганлар. Носириддин Рабғузий ва Ҳофиз Хоразмий, Қутб ва Дурбек, Атоий ва Саккокий, Лутфий ва Гадоийлар ўз лирик ва эпик шеъриятларида қофиянинг оҳанг яратиш имкониятларидан маҳорат билан фойдаланишнинг нодир намуналарини кўрсатгандилар.

Алишер Навоий ҳам ўз шеърияти вазни устида ишлар экан, қофияга алоҳида диққат қилади, унинг анъанавий хиллари, қофия яратиш усулларини, турли қофия санъатларини қўллаган ҳолда ўз асарларига ёқимли ва таъсирчан оҳанг бахш этади.

Мумтоз шеъриятимизда, хусусан, лирикада кенг қўлланган қофия радфли қофиядир. Ундош товушни ифодаловчи равий ҳарфидан олдин чўзиқ “алиф”, “вов” ёки “ё” унлилари келишини тақозо етувчи бу хил қофия жарангдорлиги билан қофиянинг бошқа хилларидан ажралиб туради. Хоразмий “Муҳаббатнома”сидаги

Кўнгул ширин сўзунгга бўлди Фарҳод,
Кўзунг Кашмир жодусиға устод.
Фалак ишқинг йўлинда бесару ной,
Исирғанг донаси Зуҳра, юзунг – ой.
Нечаким берса чеҳранг кўзлара нур,
Чечактек бўлмағил ҳуснунгға мағрур.

каби қофиялар шулар жумласидандир.

Навоий ўз лирик асарларида бу хил қофияга жуда кенг ўрин берди. Улар орасида, айниқса, ридфи алифли (чўзиқ “о” унлиси қўлланган) қофиялар алоҳида мавқега эга. Улар муқайяд (равий билан тугалланувчи) кўринишда шеърларга ниҳоятда ёқимли ва жозибали оҳанг бағишлайди. Буни, хусусан, радифсиз қўлланган қофиялар мисолида яққол кўриш мумкин.

Шоир девонларида:

Лабингда нилгун холингдур, эй жон,
Начукким шарбат ичра тухми райҳон.

Оразин ёпғоч кўзумдан тўкилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.

Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз,
Чун етар мен хастаға навбат, қилур юз навъ ноз.

Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулъузор,
Ул қуёшдекким, анга монеъ бўлур абри баҳор.

Сарвинозим, йўқ ажаб, гар рўзадин топмиш малол,
Ким сув ичмасдин топар пажмурдалиғ нозик ниҳол.

каби кўплаб қофиялар шундан далолат беради. Радфли қофиялар;

Замоне гарчи ёдим қилмас ул номеҳрибон ҳаргиз,
Фиғонким, ёди чиқмас хотиримдин бир замон ҳаргиз.

Ғамингда ҳар кеча, эй гулъузор, йиғлармен,
Саҳарға тегру чекиб интизор йиғлармен.

Қилғали хилъатин ул сарви гуландом қизил,
Қилди қон тўкмак ила даҳрни гулфом қизил.

Йўқтурур оламда аҳли ишқдек бечора эл,
Ҳажр зулми бирла хонумонидин овора эл.

каби радифли қўлланганда ҳам уларнинг аҳамияти пасаймайди. Навоий “Хазойин ул-маоний” асаридаги ғазаллардан 685 таси шу хилда ридфи “алиф”ли қофия бўлиб, улар муқайяд ҳолда радифсиз ёхуд радиф билан бирга қўлланган.

Ридфи алифли қофиялар мутлақ ҳолда (равийдан кейин келувчи қофия ҳарфлари билан бирга) қўлланганда ҳам оҳангга муайян таъсир кўрсатади. Шуни назарда тутган Навоий кўп ўринда булардан мутлақ қофия тарзида фойдаланади.

Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдан хабар,
Сўнгра дегил кўнгил отлиғ нотавонимдан хабар.

Эй қуёш, васфин демактин моҳи рухсоринг ғараз,
Оби ҳайвон зикридан лаъли шакарборинг ғараз.

Париваше, дедилар, пардаи ҳижобдадур,
Кўрарға телба кўнгул они изтиробдадур.

каби мутлақ қофиялар шундан далолат беради. Бундай қофиялар “Хазойин ул-маоний” даги 546 ғазалда қўлланган.

Шоир девонларида **у, ў, и, э** чўзиқ унлилари асосидаги ридфли қофиялар ҳам анчагина учрайди. Уларнинг қўлланиш хусусиятлари ҳақида ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин.

Эй юзунг боғи насимида ҳавойи наврўз,
Лаъл тожинг бўлуб ул боғда бўстонафрўз.

Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, эй кўнгул,
Ким эрур ҳар сатри, бол ҳар лафзи марғуб, эй кўнгул.

Майдин айру гул эрмас, гўё эрур гулгун ҳарир,
Ким кесиб гул ҳайъати бирла сепибтурлар абир.

Кўз тутарман ул қуёшдин гар кўзум қилмоққа реш,
Пашшалар янглиғ ҳаво узра чекар ҳар зарра неш.

каби кўплаб байтлар шулар жумласидандир. Уларнинг оҳанг жозибадорлигини оширишдаги аҳамияти юқоридаги мисраларда ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Навоий ўзининг "Хазойин ул-маоний"сида бу хил қофияларни 246 ғазалда қўллаган эди.

Навоий ридфли қофияларга жами 1697 ғазалида мурожаат этган бўлиб, улардан 985 таси муқайяд, 712 таси эса мутлақ кўринишига эга. Бу рақамлар шоир лирикасида ридфли қофияларнинг ўрнини аниқ ифодалайди.

Навоий ўз ғазалларини яратишда, уларнинг ритм-оҳанг жиҳатидан ёқимли, жозибадор чиқишини таъминлашда мужаррад қофия имкониятларидан ҳам кенг фойдаланди. Тўғри, улар шоир лирикасида ридфли қофиялардек мавқега эга эмас: жами 748 ғазал мужаррад қофиялар асосида яратилган.

Бу қофиялар шеърларга енгилроқ мусиқий оҳанг бағишлайди.

Айни заьфимдин қўлум чун қўймадинг, эй дилбарим,
Кўйса илгимники, кўрқармен тўкулгай пайкарим.

Рафиқлар, мени маҳзун нечун бўлай ғамсиз,
Ким кўнглум эрмас аламсиз, кўзум эмас намсиз.

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Улки юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор,
Нечаким бордур ниёзим нозу истиғноси бор.

каби муқайяд ва мутлақ ҳолатда қўлланувчи мужаррад қофиялар мисолида бу фикр исботини кўришимиз мумкин.

Қайдли қофиялар ўзбек шеъриятида унча кенг қўлланмаган. Гап шундаки, бу хил қофиялар қўш ундош ёки чўзиқ унлидан сўнг "айн" ҳарфининг қўлланиши асосида қурилади. Қўш ундошли қофиялар кўпроқ форс-тожик сўзларини, унлидан сўнг "айн" келувчи қофиялар эса араб сўзлари ишлатишни тақозо этади. Туркий тилларда ижод этувчи шоирлар шунинг учун ҳам бу хил қофияни шеъриятда, хусусан, лирикада камроқ қўллашга ҳаракат қиладилар. Алишер Навоий ўзбек тилимизнинг бойлиги ва гўзаллигини, ўзбек арузининг чексиз имкониятларини тўла намойиш қилиш мақсадида бу хил қофиялардан бошқа шоирларимизга нисбатан кўпроқ фойдаланди. Қизиғи шундаки, унинг ғазалларида бу хил қофиялар аксар ҳолларда муқайяд (равий билан тугалланувчи) қофия сифатида қўлланган.

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Жунундин уйла туфроғ ўлди жисми ранжпарвардим,
Ки, ҳар тош урсалар атфол жисмимға, чиқар гардим.

Минг жавр ила биравки қилур ишқдин ружуъ,
Қилмоқ ружуъдир иш аро қилмайин шуруъ.

Кўзумни токи қилмиш ул саодат ахтари матлаъ,
Қароғ эрмаски шабгун ҳулладин қилдим анга бурқаъ.

каби байтлар бу хил қофияларнинг оҳанг яратиш имкониятлари анча чекланганлигидан далолат беради. Навоий "Хазойин ул-маоний"сидаги ғазаллардан 39 тасида муқайяд, 129 тасида эса мутлақ қофия сифатида қўллаган эди.

Ниҳоят, шоир ғазалиётида фойдаланилган қофияларнинг яна бири муассас (таъсисли) қофиядир. Қофияларнинг олдинги турларига нисбатан мураккаброқ бўлган бу қофиядан шоир жуда кам фойдаланган: ғазалларнинг жами 26 тасидагина бу хил қофиялар қўлланган бўлиб, улардан ҳам 24 таси муқайяд тарзидадир.

Гап шундаки, равийдан олдинги иккинчи ҳижода чўзиқ, "о" унлисининг қўлланишини тақозо этувчи бу қофия негадир лирик шеъриятимизда унча эътибор қозонолмаган. Навоий ўз шеъриятида бу қофиянинг ҳам оҳанг яратиш имкониятларини синовдан ўтказиб улар асосида ҳам бир қатор баркамол ғазаллар битган.

Қаҳринг ўлса барча ишимдин малолатдур санго,
Лутфунг ўлса юз менингдекдин фароғатдур санго.

Бу нағми эрдиму, йўқ эрса офат, эй Ҳофиз,
Ки базм аҳлиға солдинг қиёмат, эй Ҳофиз.

Учуқ эрмаски, чун бўлди Суҳайли оразинг толиъ,
Ақиқинг ранг олурда бўлди холинг сояси мониъ.

Бўйнумға қайд қилғай ул ой қўлини мойил,
Ким басдадур кулода ит бўйниға ҳамойил.

Ишқ аҳли гўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси,
Фарҳод онинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлғуси

каби байтлар билан бошланувчи ғазаллар муассас қофиялар асосида яратилган эди.

Навоийнинг ўзбек арузини ривожлантириш соҳасидаги яна бир хизмати ғазалиётда ички қофияларни қўллашда ўз ифодасини топди. Маълумки, ички қофиялар шеър оҳангига сезиларли таъсир кўрсатади, унинг янада мусиқийроқ, жозибадорроқ чиқишини таъминлайди. Лекин бу усулда Навоийгача бўлган ўзбек ғазалчилигида фойдаланилмаган кўринади. Чунки Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоийлар ижодида ички қофиялар учрамайди. Лутфийнинг "Қилғуси" радифли бир ғазалининг 4-байтида

Ҳавли қиёматдин не ғам ошиқларингга, эй санам,
Чу бўюнг онда боргани сармасти шайдо қилғуси.

тарзидаги қофияларга дуч келамиз, холос. Худди шундай бир байт Атоийнинг “Жаҳондан телба кўнглумнинг..” деб бошланувчи ғазалида ҳам учрайди:

Бу не юздур, бу не кўздур, бу не ширин-шакар сўздур,
Ки йўқтур Руму, Чину, Миср элинда мислу ҳамтоси.

Тўғри, Ҳофиз Хоразмий ўзининг икки ғазалида ички қофиядан фойдаланган.

Олиб бир ойина боқсун, юзининг ойина боқсун,
Бу ҳоки пойина боқсун, ким эрур лутф айёми.

Юзи чун меҳр анвардур, сўзи чун шаҳду шаккардур,
Кўзи чун турки кофардур, ки йўқдур дини исломи.

каби байтларда шоирнинг ушбу услубдан фойдаланиш маҳорати кўзга ташланиб туради. Шоирнинг бу икки ғазали ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган эди. Навоий Ҳофиз Хоразмий ижоди ҳақида бирон асарида маълумот берилмаганлигини ҳисобга олсак, бу асарларнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрга келиб етмагани маълум бўлади. Бинобарин, Навоийга қадар ўзбек адабиётида ички қофияларни қўллаш усулидан фойдаланилмаган, деган хулосага келиш ва Навоийнинг бу соҳадаги кашшофлигини тан олиш учун барча асослар бор.

Шоир “Хазойин ул-маоний”даги 14 ғазалини шу услуб асосида яратди ва шеъриятимизда ички қофияларни қўллаш анъанасини бошлаб берди.

Маълумки, ички қофиялардан ҳар қандай вазндаги ғазалда фойдаланиб бўлмайди. Уларни симметрик, яъни цезуранинг икки томонидаги рукнлар тенг бўлган вазнлардагини қўллаш мумкин. Навоийнинг ички қофияли ғазаллари ҳам шу хил вазнларда битилган.

Шоирнинг шу услуб асосида ёзилган беш ғазали ҳазажи мусаммани солим вазнида. Ушбу вазннинг хусусиятлари – ҳар қайси рукнда “мафоийлун” аслининг такрорланиши, цезуранинг ҳар икки томонида иккитадан “мафоийлун”нинг келиши ички қофияни қўллаш учун қулай шароитни вужудга келтиради. Шоир ички қофияларда жарангдор, мусиқий сўзларни қўллаш билан байтларга айрича бир оҳанг бағишлаган. Фикримизнинг далилини:

Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди,
Қувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди.

Сафардин ул пари етти, мени маҳзунни шод этти,
Кўнгулдин эски ғам кетти, тан ичра янги жон келди.

Хирад, йиғ бу масофингни, таҳаммул, қўй газофингин,
Вараъ, тарк айла лофингни, ки ошуби жаҳон келди.

Дамиким, ондин айрилдим, кўнгулни ҳамраҳи қилдим,
Бугун келди, кўнгул, билдим, ки ул номеҳрибон келди.

каби мисралар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Кўриниб турибдики, ички қофиялар матлаъъда қўлланмайди. Бобур ўзининг "Мухтасар"ида ички қофия – сажлардан фойдаланиш хусусида тўхтаб, Навоийнинг "Не лўливашдур ул қотилки" деб бошланадиган мусажжаъ – ички қофияли ғазалини мисол келтириб, "мусажжаъ ғазалларнинг матлаъъсида сажъ камроқ риоят қилибтурлар. Агар риоят қилинса, яхшироқ бўлғусидир", деб таъкидлар екан, ўзининг

Қаро зулфинг фироқида паришон рўзғорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

матлаъли ғазалини келтиради. Лекин Навоий ҳам ўзининг мусажжаъ ғазаллари матлаъъсида бу усулни қўллашни тажриба қилиб кўрганки, буни

Чаманда сарвинозим жилва қилмоқ айламас оҳанг,
Жаҳон бўстонидин биллаҳ бўлубман ғунчадек дилтанг.

шунингдек

Бу байрамда қани шўхеки, жоним бўлса қурбони,
Ки тутса бода ранги уйлаким қурбонилар қони.

каби матлаъъларда кузатишимиз мумкин.

Навоий ички қофияларни кўпроқ ражази мусаммани солим вазнидаги ғазалларида синаб кўрди ва бу услубнинг оҳанглар жилосига эришишдаги аҳамиятини атрофлича исботлаб берди. Шоирнинг мусажжаъ ғазалларидан 8 таси шу вазнда яратилди.

Чекканда наққоши қазо ул сарви гулрух суратин,
Гўё бегонмай ташламиш тарҳ айлаб ой, кун ҳайъатин.
То жилва қилди ул санам, Лайли сўзи бўлди адам,
Савдом ўти чеккач алам, паст этди Мажнун шуҳратин.
Рухсор очиб ул сиймбар, қоматни айлаб жилвагар,
Узди-ю кетти сарбасар гул рағбатин, сарв улфатин.
Кўнглум юзунг бечораси, жоним лабинг хунхораси,
Сўр, эй жаҳон айёраси, гоҳи аларнинг ҳолатин.

каби жозибадор ички қофиялар уларнинг мазкур вазндаги ғазалларда қўлланиши асар оҳангига таъсир кўрсатиб, янада мусиқийроқ қилишидан далолат беради.

Навоий шу вазнда ёзилган мусажжаъ ғазалларида оҳангнинг янада ёқимлироқ бўлишини таъминлаш мақсадида асосий қофияларни ҳам зулқофиятайн – қўшқофияли тарзида тузади. Буни шоирнинг "Ғаройиб ус – сиғар" девонидан ўрин олган.

Вайронаидур масканим, андин манга бисёр ғам,
Оҳим билан эшикда ўт, ашким билан девор нам.
Нўшидин элга гуфтигў, эй ҳажр, ичармен мен оғу,
Кош ўлсам-у кўнглумни бу андуҳдин қутқорсам.
Қил ишқ дайрида мақар, сукконига солғил назар,
Ким бор бу мажмаъ ичра ҳар дурдкаш хуммор Жам.

Ҳар ерки, анда бир нафас ишратқа топсам дастрас,
Юз қатла айлармен ҳавас ким бўлса эрди ёр ҳам.
Соқий, букун майни унут, мендек дами хуноба ют,
Мутриб, навое навҳа тут, созингға боғла тор бам.
Десамки, эй бадмеҳр ўғул, юзунг кўруб ой тутти йўл,
Дер: "Ер қуйи гар борди ул бир шабрави айёр кам".
Мискин Навоий берса жон, эй дийда, ҳардам тўкма қон,
Ул ҳар неча қилса фиғон сен асрағил зинғор дам.

ғазали мисолида кўриш мумкин.

Навоий мусажжаъ ғазаллар битишда бошқа симметрик вазнларни ҳам тажриба қилиб кўрди. Унинг ўйноқи ва сержило ражази мусаммани матвийи махбун вазнидаги шу хил ғазали фикримизнинг далили бўла олади. Асардаги:

Ваҳ, не бало экинким, ул чиқти самандин ўйнатиб,
Қошлари ёсини чекиб, ғамзаси ўқларин отиб.
Фитна қилурға отланиб, гоҳ чопиб, гоҳ ёпиб,
Ҳар тарафе ким айланиб, ўзгача лаъб кўрсатиб.
Тизғиниб, ўйлаким қуюн, айланиб ўйлаким тутун,
Рахши солиб чу дубдурун, хайли балони қўзғатиб.
Элга очиб узорини, гул киби юз баҳорини,
Дарду фироқ хорини кўкрагим ичра ўрнатиб.

каби байтлар енгил вазнлардаги сажларнинг аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

Навоий юқоридаги мусажжаъ ғазаллар билан бир қаторда шу жанрдаги бир нечта ярим мусажжаъ асарларни ҳам яратиб, бу усулни ҳам тажрибадан ўтказган эди. Мазкур усулнинг хусусияти шундан иборатки, шоир ички қофияларни қофияланмайдиган мисралардагина ёхуд асарнинг айрим байтларидагина қўллайди. Бу жиҳатни шоирнинг машҳур ғазалидаги

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин.
Кўзи қаҳринму дейин, кирпеки заҳринму дейин,
Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин.
Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин.
Бу қатиғ дардлар аро васли давосинму дейин.

каби байтлар мисолида кўришимиз мумкин. Асар охиригача худди шу тарздаги ички қофиялар билан давом этади. Эътиборга лойиқ томони шундаки, ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида, яъни носимметрик ўлчов асосида битилган. Демак, шоир ички қофияларни бу хил вазнларда қўллаш устида ҳам тажрибалар олиб борган. Навоийнинг "Ўзгача" радифли яна бир ғазали ҳам шундан далолат беради. 9 байтли ушбу ғазалда ички қофиялар фақатгина 3, 4, 5, 6 байтларда қўлланган:

Савсан ўлуб сарбаданд, ғунча қилиб нўшҳанд,
Элга алардин етиб дафъи малол ўзгача.

Сунбули пуртоб ҳам, лолаи сероб ҳам.
Дуд ила ўтдин бўлуб шибҳи мисол ўзгача.
Кирди магар дилбарим, хури пари пайкарим,
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.
Бўлса манга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилмағансен, эй кўнгул, фикри муҳол ўзгача.

Диққат қилинса, мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф вазнида ёзилган ушбу ғазалда ички қофиялар оҳангдаги ўйноқиликни янада кучайтиргани кўриниб турибди.

"Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги "Масиҳодин юзунг афсаҳ..." деб бошланувчи 9 байтли ғазалда ҳам ярим мусажжаъ усулини 2, 3, 4, 5, 9-байтларда қўллаган эди.

Навоий ўзининг "Наводир уш-шабоб" девонига киритилган "Бало дашти аро Мажнун..." деб бошланадиган ғазалида ички қофиялардан фойдаланишнинг юксак намунасини кўрсатган. Унинг байтларини кўздан кечирсак, шоир уларнинг ҳар қайсисида сажлар билан бир вақтда кўплаб қофиядош сўзларни ҳам моҳирлик билан қўллаб, шеър оҳангига ажиб бир мусиқийлик бағишлаганини кузатиш мумкин. Унинг баъзи байтларига нигоҳ ташлайлик:

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Қуюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.
...Тунум дайжур, ўзум ранжур, исми ғамноку бағрим чок,
Тилим лолу таним беҳол, ишим ғамноку бағрим қон.
Заифи дарди ғампеша, наҳифи меҳнат андиша,
Залили бесару сомон, қатили ханжари ҳижрон.
...Кўзум намлик, бўюм хамлик, ичим андуҳу мотамлик,
Не ҳамдамлик, не марҳамлиқ топиб бу меҳнати пинҳон.
...Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,
Қолиб жон Хусравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон.

Кўриниб турибдики, Навоий ички қофияларнинг хилма-хил турларидан жуда ўринли ва унумли фойдаланган.

Навоий кашшоф ижодкор сифатида ўз ғазалларида мутарраф тажнислар ҳамда жуфт сўзлардан фойдаланишнинг ҳам энг яхши намуналарини кўрсатган эди. Шоирнинг "Бадоеъ ул-васат" девонига мансуб бўлган ушбу ғазал бу жиҳатдан аҳамиятлидир:

Дўстлар, мен телба аҳволиға йиғланг зор-зор,
Ким солодур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушкан хор-хор.
Истамас бўлса сабо бир-бир кўнгул жамъ айламак,
Нега зулфунгни паришонлиғдин айлар тор-тор.
Сен қуёш бирла муносибсен ўюнда, хўблар,
Икки-икки чунки киргайлар отошиб ёр-ёр.
Қўрқарамким, бўлмағай озурда нозук қоматинг,
Эгнингга хуш-хушки солмиш чуғди анбарбор бор.
Ҳалқа-ҳалқа бўйнума солмиш таноби зулфини,
Журми ишқимға магар ҳукм айлади дилдор дор.

Ишқ эрур андоқ мураббийким, қилур еткач асар,
Булбул ўлғай, очса юз бир сарви гулрухсор сор.
Эй Навоий, бўлди ул бут кофири оташпараст,
Не ажаб, ваҳ-ваҳ, гар урса жонима зуннор нор.

Жуфт сўзлар, хусусан, тажниси мутарраф шеър оҳангига ижобий таъсир кўрсатиши юқоридаги байтларда яққол кўзга ташланиб турибди.

Навоий ўз ғазалларида қофия ва радиф оҳангдошлигига диққат қилиш билан ҳам оҳангга таъсир кўрсатадики, "Наводир уш-шабоб" девонидаги "ул қомат" радифли асарида буни кузатишимиз мумкин:

Етилмиш оллоҳ-оллоҳ, не қомат ул қомат,
Ким олим аҳлиға солди қиёмат ул қомат.
Кўнгарғай асрамайин боғбон ниҳолларин,
Чаманда сарвдек этса иқомат ул қомат.
Чу қилди жилва, вафо сори ҳеч қилмади майл,
Жафода топқон учун истиқомат ул қомат.
Хиром вақти халойиққа фитна ёғдурди,
Ки барча фитнадин ўлсун саломат ул қомат.

Ғазал охиригача шу услуб асосида битилган.

Шоир қофия билан вазнда оҳангдошликкагина эмас, балки айнан ўхшашлик – қофиядошликка эришгани кўриниб турибди. Бу туфайли ғазалдаги вазн янада силлиқлашган, оҳанг тиниқлашган.

* * *

Навоий ўз достонларида қофияларнинг вазнга ижобий таъсири, байтлар оҳанги жозибасини таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаб етган ҳолда улар устида ишлашга алоҳида масъулият билан ёндошган.

Маълумки, йирик эпик асарларда оҳангни таъминлаш муҳим ва масъулиятли масалалардан саналади. Достонларда шундай оҳангга эришиш лозимки, токи у ғоя ва образ характерига тўла мос ҳам бўлсин, ўқувчи уни ўқиганда чарчамасин ва зерикмасин ҳам. Бунинг учун шоирдан юксак маҳорат талаб қилинади: у аввало асар мавзуидан, тасвирланаётган воқеалар, образлар моҳиятидан келиб чиқиб мувофиқ вазн танлаши ҳамда хилма-хил қофияларни алмаштириб қўллаш воситасида оҳанг ранг-баранглигига эришиш, монотонликдан эҳтиёт бўлиш зарур.

Навоий ҳам устозлар тажрибасидан таълим олган ҳолда ўз достонларида уларнинг анъаналарини давом эттирди, айни вақтда ўзбек тилининг хусусиятларига асосланган ҳолда қофияларнинг энг мақбулларини танлашга ҳамда улардан моҳирлик билан фойдаланиб, байтларда ёқимли ва жозибадор оҳангни таъминлашга интилди.

Навоий ўз достонларида ҳам энг жарангдор қофия сифатида ридфли қофияларга кенг ўрин берди. "Хамса" достонларини кўздан кечирсак, уларнинг ҳар бирида ридфли қофия барча қофияларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этиши кўзга ташланиб туради. Уларнинг учдан икки қисми эса ридфи алифли қофиялардир. Бу хил қофияларнинг достонлардаги оҳанглар жилосини яратишдаги аҳамиятини кўплаб мисоллар билан тасдиқлашимиз мум-

кин. Жумладан, "Лайли ва Мажнун" достонидаги Лайли портрети чизилган лавҳага диққат қилайлик:

Шамъию, не шамъ, чашмаи нур,
Нурики ёмон кўз олидин дур.
Нахлию, не нахл, сарви озод,
Сарвию, не сарв, рашки шамшод.
Ойию, не ой, бадри толиъ,
Бадрию, не бадр, меҳри ломиъ.
Шаҳд икки лаби, вале ратабнўш,
Бадр икки юзи, вале қасабпўш.
Зулфи тунида узори хуршед,
Хуршед уза зулфи шоми уммед.
Не шомки чун очиб саводин,
Қўймай кўнгул ичра субҳ ёдин,
Бошким қўшуб икки эгма қоши.
Ҳусн ичра экин анинг талоши,
Чун воқиф ўлуб бу можароға.
Мушкин хутаба кириб ароға,
Чун вўсма бериб аларға тазйин.
Минойи ўлуб ҳилоли мушкин.

Кўриниб турибдики, ридфли қофиянинг хилма-хил (алифли, вовли, ёли) турларидан Лайли портретининг романтик тасвирини чизишда кенг фойдаланган Навоий оҳангдор мисралар яратади.

"Хамса" достонларида мужаррад қофиядан ҳам анча кенг фойдаланилган: унинг асосида ҳар қайси достондаги 30-35 фоиз байтлар битилган. Мужаррад қофиянинг муқайяд ва мутлақ турлари хилма-хил эпизодлар, пейзажи ва портретлар, кечинмалар ифодасини бажарган. "Ҳайрат ул-аброр" достонидан олинган

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.
Эр кишига хилъат ила не шараф,
Дурға не нуқсон, йироқ ўлса садаф.
Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунгга кўпрак дурур.
Маъдани инсон гўҳари сўз дурур,
Гулшани одам самари сўз дурур.
Икки қадам ёнғунча етгач алам,
Саъй қил-у илгари қўйғил қадам.

каби кўплаб байтлар ана шундан далолат беради.

Навоий достонларида қайдли қофиялар 7-10 фоизни ташкил қилади. Бу хил қофиялар кам қўлланишига қарамай, байтларда ўзига хос салобатли оҳанг яратади. Ҳарактерли жиҳати шундаки, улар аксарият байтларда муқайяд тарзида қўлланади. Масалан, "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Меҳинбону саройидаги базмни тасвирловчи

Бу лаълу зарфнинг ёқут жисми,
Ҳисори шира бу махзан тилисми.
...Аёқчилар шакаргуфтору дилбанд,
Қилиб дилбандлиқ бирла шакарханд.
...Такаллумни қилиб чун нукта парвард,
Бўлуб базм аҳли ақлу ҳушидан фард.
...Чиқарғач пардаларнинг кейнидин чеҳр,
Нечукким тўрт бурқаъ остидин меҳр.

каби қатор байтлар шулар жумласидандир.

Шоир ўз "Хамса"сини битар экан, муассас (таъсисли) қофиялардан ҳам анчагина фойдаланди. Уларнинг лирик шеъриятда жуда кам қўлланганини юқорида кўриб ўтган эдик. Хусусан, Навоий ғазалиётида бу хил қофиялар 1 фоизни ташкил қилади, холос. Эпик шеъриятда эса улардан лирик шеърлардагига нисбатан анча кенг фойдаланилганини кўрамиз. Жумладан, "Лайли ва Мажнун" достонида таъсисли қофиялар жами 3622 байтнинг 225 тасида, яъни 6,2 фоизида қўлланган. "Ҳайрат ул-аброр" достонида эса унинг кўлами фақат 3,5 фоизни (3990 байтдан 135 тасини) ташкил қилади.

Муассас қофиялар достонлардаги муайян байтларда ишлатилар экан, уларга хос сокин оҳанг асар ритмикасига маълум таъсир кўрсатади, бошқа қофиялар билан биргаликда эса оҳанглар ранг-баранглигини таъминлашга хизмат қилади.

"Сабъаи сайёра" достонидаги 5-ҳикоятдаги

Бори манзил бўлуб савоҳил анга,
Соҳили баҳр ўлуб мапозил анга.
...Неча роҳзан анга мулозим этиб,
Ҳифзини барчасиға лозим этиб.
...Кўзига кема учраса ногаҳ,
Ани филҳол этар эди огаҳ.
...Сув юзинда сабо киби обир,
Отини халқ айтибон Жобир.
...Оти Навдар валек ўзи нодир,
Табъи ҳар нодир иш аро қодир.
...Кирибон заврақ ичра сойир ўлуб,
Ул жазойир тушида дойир ўлуб.
...Ки кишиким қўюб эди Жобир,
Дийдабонликқа ҳар сори нозир.
...Кўнгли гар нилуфарға роғиб эди,
Меҳр ила нилуфар муносиб эди.

каби қатор қофиялар уларнинг оҳанг яратиш имкониятларини яққол намойиш қилади.

Навоийнинг "Хамса" достонидаги маҳоратли қирраларидан бири юқоридаги тўрт хил қофиянинг оҳанг яратиш хусусиятларини пухта ўзлаштирган ҳолда уларни ўз ўрнида, меъёрида ва муайян мутаносибликда ишлатишдир. Ҳар қайси достонни кузатар эканмиз, уларда ана шу қофиялар маълум тартиб билан алмашиниб туришини кўрамиз. Бу эса оҳангдаги монотонликнинг олдини олиш ва оҳанглар жилосини, ранг-баранглигини таъминлашга

имконият яратади. Масалан, "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳод билан Шопурнинг қасрни безаш эпизодини олиб кўрайлик:

Бу ишларда бўлуб Шопур ёри,
Етиб ҳар бирга килки чиракори.
Бу сизса одами, таксир этиб ул,
Бу чекса жонивор, ташъир этиб ул.
Чу ул ой суратин айлаб гузориш,
Ўзи хоро уза айлаб нигориш.
Чекарда ул жамоли чети орой,
Гаҳи они чекиб, гоҳи чекиб вой.
Бу янглиғ қаср топиб зеб оӣин,
Латофат ичра суратхонаи Чин.
Тугангач қасрға бу зевару сохт,
Равони ҳавзни ҳам қилди пардохт.
Чу бўлди ҳавздин бир йўли фориғ,
Кесиб ҳар ёнидин бир турфа ориғ.
Риоят қилди андоқ вазъу таврин,
Ки айланғай ариғлар қаср даврин.
Келиб даргаҳ муҳофисиға ҳар наҳр,
Тўкулгай сувлари ул сориким шаҳр.
Топиб ақл иртифоининг шумори,
Ики минг қори ҳар бир обшори.
Ки сув ондин куйи чун айласа майл,
Ясағай боғу бўстон анда ҳар ҳайд.
Неким хоро чопар иш топқач итмом,
Сув бошиға уруб хорофиган жом.
Ким сувни боғлагай ул наҳр ичига,
Алоло тушти мулку шаҳр ичига.
Анингдек тоғ сори тутғилар йўл,
Ки игна солса ерга тушмагай ул.

Кўриниб турибдики, байтларда юқорида таъкидланган қофия турларининг барчаси алмашиниб қўлланган. Парчадаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 10, 12- байтларда ридфли, 3, 6- байтларда муассас, 7, 8, 11, 13- байтларда муқайяд, охирги 14- байтда эса мужаррад қофиялардан фойдаланилган. Шу туфайли парчада оҳанглар хилма-хиллиги юзага келган.

Навоий ўз достонларида бир хил қофияларни кетма-кет икки-уч байтда такрорлаш усули билан ҳам оҳанглар жилосига эришди. "Лайли ва Мажнун" достонидаги

Ҳар неча кўзум чароғи улдур,
Жоним тару тоза боғи улдур.
Офат елидин ўчуб чароғи,
Тарожи хазонға қолса боғим;
"Сабъаи сайёра" достонидаги
Икки гисусидин каманд айлаб,
Ташладилар ғулула банд айлаб.

Гисусиким улусқа эрди каманд,
Оқибат бўлди ўз ҳалокиға банд.

шунингдек,

Юзни тирноқ ила фигор этган,
Барги насринни лолазор этган.
Яна ҳайратқа қолди булбули зор,
Гулга бўлғондин ул сифат озор.

каби байтлар шулар жумласидандир. Шу достондаги бир хил қофиянинг беш байтда такрорланиш ҳодисасини ҳам кўрамиз. Баҳромнинг Дилоромни топиши ва унга мактуб йўллаши тасвирланган 34-бобдаги

Шўхнинг руқъасида пинҳони,
Томизиб ашкдин боғир қони.
Ки фироқинг ичимни қон қилмиш,
Ани кўз йўлидин равон қилмиш.
Келки айлай санга фидо жоним,
Йўқса бўйнунгға бўлғуси қоним.
Фурқат ичра чиқарма жонимни,
Дашна урмай оқизма қонимни.
Келки чиқсун қошингда жоним ҳам,
Яна оқсин йўлунгда қоним ҳам.

Байтлар шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Бундай мисолларни Навоий достонларидан кўплаб келтириш мумкин.

Навоий ўз достонларининг ҳар бирида кўплаб зулқофиятайн (қўш қофия) ва зулқавофиъ (кўп қофияли) байтлар яратди. Улар мисралардаги оҳангга ижобий таъсир кўрсатиб, мусиқийлик, жозибадорликни таъминлашда муҳим восита хизматини бажарган. Жумладан, “Ҳайрат ул-аброр” достонида

Боғ анга бир сафҳаи гулшан мисол,
Жадвали атрофида равшан зулол.
Нутқики изҳори маони қилиб,
Зевари асрори ниҳоки қилиб.
Ким етиб ул сойири улвий мақом,
Илгида бир тойири улвий хиром.
Ҳар куни бу шанъат ила тунғача,
Ҳар кеча бу ғафлат ила кунғача.

каби зулқофиятайн байтларни кўплаб учратамиз.

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум.
Урди нафас нафҳаи анбар насми,
Етти варақ сафҳаи абҳар шамим.

Лола дебон кўксума кўрдум тутон,
Гул тилабон кўнглума топтим тикон.

каби зулқавофиъ байтлар ҳам достонда анчагина.

Шоир ўз достонларида мисралардаги барча сўзларнинг тўла қофиядошлигига эришиб, тарсиъ санъатининг ажойиб намуналарини яратади. Масалан, "Лайли ва Мажнун" достонидаги

Рухсорида ламъаи малоҳат,
Гуфторида нашъаи фасоҳат.
Баъзи юзидин топиб таҳайюр,
Баъзи сўзидин қилиб тафаккур.
Бу деди: "Керак қулоғиға панд",
Ул деди: "Керак аёғиға банд".
Кун юзини айладинг мушаккал,
Тун кўзини айладинг мукаҳҳал.

каби қатор тарсиълар шулар жумласидандир.

Навоий бир хил сўзларни байт мисраларида такрорлаш усули билан ҳам оҳанг жозибадорлигига эришади. Буни, масалан, "Фарҳод ва Ширин" достонидаги

Неча жонимға мундоқ кеча бўлғай,
Кеча жонимға мундоқ неча бўлғай.
Эрурсан шаҳ агар огоҳсен, сен,
Агар огоҳсен – сен шоҳсен, сен.
Керак ошиққа жон-жонон фидоси,
Тилар ул қилса жонон – жон фидоси.
Лабидин томибу оқиб латофат,
Юзидин оқибу томиб малоҳат.

каби қофиялар мисолида кўришимиз мумкин.

Шоир тарду акс санъати асосида ҳам қофия оҳангдорлигини таъминлашга интиладики, "Сабъаи сайёра" достонидаги

Дашт аро бир қаро кўрунмиш анго,
Бир қаро дашт аро кўрунмиш анго.
Мунча меҳнат аро бу фурсат ила,
Мунча фурсат аро бу меҳнат ила.

"Садди Искандарий" достонидаги

Таку тоз эрди қишу ёз анга,
Қишу ёз эрди таку тоз анга.
Хуросон бадандур, Ҳирий жон анга,
Ҳирий – жон, бадандур Хуросон анга.

каби анчагина байтлар фикримизнинг исботи бўла олади.

Навоийгача бўлган ўзбек шеъриятига хос хусусият қўш ундош билан тугалланувчи қайдли радифлар ёки радифсиз қўлланувчи муқайяд қофияларнинг ниҳоятда кам қўлланишидир. Бунинг сабаби шу хил қофия ёки радифлар мусиқавий имкониятларининг чекланганлиги бўлса керак. Алишер Навоий эса ўзбек тилининг бой ва гўзаллигини, ўзбек арузининг баркамоллигини ҳар тарафлама исботлаш мақсадида бу хил радиф ва қофияларга ҳам ўзининг кўплаб лирик шеърлари ва достонларида мурожаат қилиб, уларни қўллаш асарлар оҳангига салбий таъсир кўрсатмаслигини тасдиқлади.

Лолагун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ,
Ё бало тоғидин этмиш лолазор изҳор тийғ.

Кечти умрим нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф,
Қолғони сарф ўлди андуҳу пушаймонлиғда ҳайф.

Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз,
Йўққи жисмим нотавон аҳволин эт жонимға арз.

Эй жамолингнинг хаёли хотири вайронда нақш,
Шамсидин қолғон асар бузуғ айвонда нақш.

каби қатор-қатор радифлар фикримизнинг далили бўла олади.

Навоий ўз асарларида радди қофия (қофия такрори) санъатини кенг қўллаб, байтлар оҳангдошлигини, мусиқийлигини кучайтиришга эришди. Шоир ғазалиётида қофия такрори биринчи ва иккинчи мисрасидаги

Баданга келмади то азми кўюнг айлади руҳ

иккинчи байтдаги

маҳали ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

мисрасида айнан такрорланади. Бундай такрорлар юзлаб ғазалларда кўзга ташланади.

Кўпинча матлаънинг биринчи мисрасидаги қофия мақтаъда такрорланиб келади.

Навоий асарларида радди матлаъ (матлаънинг биринчи мисрасини мақтаънинг иккинчи мисраси ўрнида айнан такрорлаш) санъатидан ҳам баракали фойдаланилган. Чунончи, унинг ғазалларида

Номаси қўйнимда, баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўшали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.
...Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнимда, баским, изтироб айлар кўнгул.

Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдир ҳануз,
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.
...Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз.

каби матлаълар такрори анча кенг қўлланганини кузатишимиз мумкин.

Навоий мувозана қофия санъатидан ҳам ўз асарларининг оҳанг нафосатини таъминлашда унумли фойдаланади. Маълумки, мазкур санъат ғазал ва рубоийларда бир хил ўлчовдаги қофиялар қўллашни назарда тутади. Барча қофияланувчи мисраларнинг тенг ўлчовли сўзлар билан ниҳояланиши оҳангдорликка муайян даражада ижобий таъсир кўрсатиб, майинлик, мусиқийликни кучайтиради. Масалан:

Кўюнг борида қилман жаннатқа гузар ҳаргиз,
Қаддинг қошида солман тубийға назар ҳаргиз.

матлаъли ғазал қофиялари бир хил ўлчовдаги гузар, назар, хабар, самар, шакар, асар, зарар, магар сўзларидан ташкил топган. Уларнинг тажниси музориъ санъати тарзида уюштирилганлиги оҳангга айрича жозиба бағишлаган.

Бу хил сўзлар ридфли қофия асосида жамланган бўлса, оҳангдошлик янада кучаядики, фикримиз далилини

Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, эй кўнгул,
Ким, эрур ҳар сатри, бал ҳар лафзи марғуб, эй кўнгул.

матлаъли ғазалдаги мактуб, марғуб, матлуб, мағлуб, маҳбуб, мансуб, маъюб, маҳсуб каби қофиялар жилосида,

Лаълу ғамзанг бирла баским нуктадон устодсен,
Бир нафас борсен Масиҳо, бир замон жаллодсен

матлаъли ғазал қофиялари ўрнида келган устодсен, жаллодсен, Фарҳодсен, пўлодсен, озодсен, шамшодсен, ношодсен, барбодсен каби сўзлар нафосатида яққол кузатиш мумкин. Навоийнинг туркий ғазалларидан 184 тасининг шу хил мувозана қофия асосида яратилгани шоирнинг ушбу санъатга қанчалик аҳамият берганини кўрсатиб турибди.

Қофияларнинг тенг ўлчовли, ўзаро оҳангдош бўлишига алоҳида эътибор кўрсатган Навоий ўзининг 294 ғазалида фақат биттадан қофиянинг бошқа ўлчовда бўлиб, қолган барча қофияларнинг мувозаналигига эришганди.

Умуман олганда, Навоий қаламига мансуб 979 ғазал икки ўлчовли қофиялар асосида ёзилган бўлиб, улардаги аксар қофиялар мувозана, бир, икки, уч ёки тўрт қофияси эса иккинчи ўлчовда эди.

Юқоридагилардан шу нарса равшан бўладики, Алишер Навоий ўзининг лирик ва лироэпик асарлари оҳангдорлиги, мусиқий жозибаси устида ишлар экан, вазннинг қофия ва радифлар билан алоқадорлиги масаласига диққат билан қаради. Ҳар қайси асарда танланган ўлчовлар қофия ва радиф билан ҳамкорликдагина шоир ғоявий ниятини рўёбга чиқариб, ёркин ва бетакрор лирик тимсоллар ва эпик сиймоларни таъсирчан гавдалантириб, инсонга хос ранг-баранг туйғулар оламини, мураккаб ҳиссиётлар мавжини сержозиба мисраларда мужассамлантира олишини минглаб бадиий лавҳалар мисолида далиллаб берди. Буюк ижодкорнинг бу соҳадаги беқиёс салоҳияти унга мансуб шеъриятнинг вазн хусусиятларини чуқур ва атрофлича тадқиқ этганда янада яққолроқ кўзга ташланади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ
НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ ВАЗНЛАРИ

I БОБ
НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ ВАЗНИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Маълумки, вазн шеър шаклининг муҳим компонентларидан бири саналиб, унингсиз асар оҳангини тасаввур қилиш мумкин эмас. Айни вақтда вазн мазмун билан – асар мавзу ва ғояси, ундаги лирик ёки эпик персонажлар қиёфаси билан узвий боғлиқдир. Аниқроғи, шеърий асар ғояси вазнини белгиловчи энг асосий омил ҳисобланади. Ҳар қайси шоир ўз асарида ифодаланаётган ғоядан келиб чиқиб унга мувофиқ келадиган, мазкур ғояни юксак бадиият билан ифодалашга имкон берадиган, шеърнинг жозибадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлайдиган ўлчов танлайди.

Алишер Навоийгача бўлган ўзбек шеърияти бу соҳада муайян анъаналарини кашф этган эди. Хоразмий, Қутб, Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмийлар шеърияти ана шундан далолат беради. Уларнинг лирик ва лиро-эпик асарларини кўздан кечирар экан миз, теран фалсафий мушоҳадалар, маҳзун кечинмалар асосан салобатли, вазмин вазнлар воситасида ифодаланган бўлса, шодиёна кайфиятлар енгил ва ўйноқи, сержилва вазнлардан фойдаланган ҳолда акс эттирилганининг гувоҳи бўламиз.

Алишер Навоий ҳам ўзбек, ҳам форс-тожик адабиёти анъаналарини давом еттирган ҳамда ўз асарлари вазнини ғоя ва унда гавдалантириладиган лирик ёки эпик характердан келиб чиққан ҳолда танлади.

Шеърият вазнларини белгиловчи омиллардан яна бири асарларнинг жанр хусусиятларидир. Шоир у ёки бу асари учун вазн танлар экан, ўша асарнинг қайси жанрда яратилишини ҳам назарда тутишга мажбур. Чунки ҳар қайси жанрнинг ўз вазн доираси мавжуд. Айрим жанрлар исталган вазндан фойдаланиш имконига эга бўлса, баъзилари муайян вазнлар билан чекланади. Шундай жанрлар ҳам борки, уларнинг вазн доираси фақат 1-2 ўлчовнигина ўз ичига олади. Ижодкор ҳар қайси жанрнинг вазн доирасидагина иш кўриши мумкин.

Шарқ адабиётидаги ғазал, қитъа, фард, муаммо жанрларининг вазнлар доираси чексиз, яъни бу жанрларда асар битаётган шоир аруз илмида мавжуд бўлган барча вазнларга мурожаат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Навоий ўз ғазалиёти учун 60 дан ортиқ, қитъалари учун 50 дан ортиқ вазнни танлаш имконига эга эди, шундай қилди ҳам.

Шулардан 30 га яқин вазн ўзбек шеъриятида Навоийгача қўлланган бўлса, қолганларини шоир форс-тожик арузидан олиб, илк бор ўзбек адабиётида татбиқ этган эди.

Қасида жанри ўз табиатига кўра салобатли ва жарангдор вазнни тақозо этади. Адабиётимизда яратилган аксар қасидалар ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган эди. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Ҳилолия” қасидасини яратишда шу анъанага амал қилиб, ёқимли ва пурвиқор рамали мусаммани маҳзуф вазнига мурожаат қилади.

Туюқ жанридаги асарлар рамал баҳрига мансуб иккита вазндагина, рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнларидагина яратилиши мумкин. Шунга кўра, Навоий ҳам ўз туюқларини ана шу икки ўлчов асосидагина ёза олар эди. Жумладан,

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.

Мен вафоси ваъдасини шодмен,
Ул вафо , билмонки, қилмас ё қилур.

туюғи олдинги вазн асосида яратилган бўлса,

Тийғи ишқнинг ёрасидур бутмагон,
Дардини ҳар кимга ойтиб бутмагон.
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин,
Анда гул ёхуд гиёҳи бутмагон.

туюғи кейинги вазндадир.

Мустазод шаклини адабиётимизга илк бор олиб кирган Навоий форс-тожик шеъриятига хос анъаналар изидан борди. Маълумки, ушбу шаклдаги лирик шеърлар ҳам Навоий даврига қадар ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод вазнларидагина яратилиб келган. Шу туфайли шоир ўз мустазодларини ана шу икки ўлчов асосидагина бита олади:

Масалан, аввалги бўлимда келтирилган:

Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой,
Не ғамзаи жоду,
Машшота санга золи фалакдур магар, ей ой,
Хуршид анга кўзгу

матлаъси билан бошланадиган мустазодда юқорида зикр етилган ҳар икки вазндан фойдаланилган.

Рубоий жанрида XV аср ўрталарига қадар шоирлар жумладан, Сайфи Саройи, Лутфий, Ҳофиз Хоразмийлар бир нечта рубоий ёзган бўлсалар ҳам уни шеъриятимизда шакллантирган ижодкор Алишер Навоий бўлди. Мазкур жанрдаги асарлар ҳам ўзига махсус ўлчовлар – ҳазаж баҳрига мансуб 24 вазн асосидаги битилиши мумкинлиги адабиёт мухлисларига маълум. Бинобарин, ўз рубоийларини яратаётган Навоий ана шу вазнлар доирасидан четга чиқа олмас эди. Шундай бўлди ҳам. Навоий ўзининг ҳар икки тилдаги 400 дан ошиқ рубоийсини ҳазаж баҳрининг шу жанрга махсус 15 машҳур ўлчови заминида ёзди.

Шоир ўзининг ғоявий-бадиий нияти асосида рубоий вазнларининг энг мақбулларини танлади. Хилма-хил оҳанглар жилосидан юксак инсонпарварлик ғояларини баркамол бадиий шаклда, жозибадор ва таъсирчан ифодалаш учун моҳирона фойдаланди. Навоий рубоийларининг вазн хусусиятларини кўздан кечирсак, уларда танланган радиф ва қофиялар кўп жиҳатдан асар вазнини белгилаши диққатимизни тортади. Жумладан,

Юз меҳнату ғам кўнглима еткурди фироқ,
Жонимға балову дард ўқин урди фироқ.
Жисмимни фано ўтиға куйдурди фироқ,
Чун куйди кулини кўкка совурди фироқ.

рубоийси вазнларини ҳар қайси мисра сўнггида келаётган “фироқ” радифи белгилаган.

Кўнглум гулу сарв майли қилмас, нетайин?
Сарву гул ила даме очилмас, нетайин?

Ҳар шўх кўринса кўзга илмас, нетайин?
Бир шўхким, ул тилар-топилмас, нетайин?

рубоийсига асос бўлган ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб вазнини белгиловчи муҳим омиллардан бири “нетайин” радифи бўлганини кўриш ҳам қийин эмас.

Шоирнинг ўзи яратаётган рубоий композициясига доир бадиий нияти ҳам бу жиҳатдан муайян аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, рубоийнинг учинчи кульминацион мисрасида оҳангни кескин кучайтириб, ўқувчи диққатини шу мисрага жалб этиш ниятини кўнглига туккан шоир 1, 2, 4-мисраларни бир вазнда, 3-мисрани эса ундан жиддий фарқланадиган иккинчи ўлчовда битиши табиий. Навоийнинг кўпгина рубоийлари ана шундан далолат беради. Шоирнинг машҳур

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

рубоийсидаги 1, 2, 4-мисраларнинг ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб, 3-мисранинг ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солим абтар вазнида ёзилиши ҳам шу билан изоҳаданади.

Баъзан шоир ўз ғоявиий-бадиий ниятидан келиб чиқиб, маълум бир сўзни муайян мисраси ва муайян рукни ўрнида қўллашни лозим кўради. Бинобарин, шу сўз талаби билан рубоийнинг вазнини ҳам ўзгартиришга – иккинчи бир ўлчовга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Масалан,

Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард иставу дафъиға қилма ҳавас.
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас.

рубоийсининг охирги мисрасидаги “дилдорингдин” сўзи юқоридаги мисралар вазнидан кескин фарқланувчи, бошқа шажарага мансуб ҳазажи мусаммани ахраби ахрами макфуфи ажабб вазнини қўллашга сабаб бўлган.

Кўрамизки, Навоий рубоий жанри вазнларини танлашда муайян чегара доирасида ҳаракат қилишга мажбур бўлса ҳам, 24 ўлчовдан ўзи истаганини ғоявий-бадиий ниятига мувофиқ қўллаш имкониятига эга эди.

Алишер Навоийгача бўлган ўзбек адабиётида, бизгача етиб келган обидаларга қараганда мусамматлаър яратиш анъанаси мавжуд эмас эди. Ҳофиз Хоразмий девонидаги яккаю ягона мухаммасни истисно қилганда, XV аср ўрталаригача бўлган шеъриятимизда мусамматлаър учрамайди. Алишер Навоий форс-тожик адабиётидан аллақачон мустаҳкам ўрин эгаллаган мусаммат битиш анъанасини шеъриятимизга олиб кирди.

Навоий ўз **мухаммас** ва **мусаддас**лари вазнини танлашда форс-тожик адабиёти тажрибасидан фойдаланишга мажбур эди. Ушбу шеърий шаклларни ўзбек лирикасига биринчи бўлиб олиб кирган Навоий форсийгўй шоирлар изидан бориб, бу шаклларга мувофиқ келувчи вазнларга мурожаат қилади.

Гап шундаки, ҳажм жиҳатидан каттароқ бўлган ҳамда бир неча мисрали бандлардан ташкил топувчи мусамматлаърни истаган вазнда ижод қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шоир ўз мухаммас, мусаддас, мусамманларини энг халқчил ва ёқимли рамали мусаммани маҳзуф ҳамда рамали мусаммани мақсур вазнларидагина яратди.

Лирик шеъриятнинг энг йирик шакллари бўлган **таркиббанд, таржиъбанд, соқийнома** ва **маснавийлар** ҳам вазн жиҳатидан чекланган эди. Бу ўринда ҳам илгари ўзбек адабиётида мавжуд бўлмаган шакллар вазнини танлашда Навоий форс-тожик адабиёти анъаналарига таяниб иш кўрди ҳамда бу хил асарлари учун ҳазаж, рамал, хафиф ва мутақориб баҳрларининг енгил ва сержило вазнларига мурожаат қилди.

Эй, киприки нешу кўзи хунхор,
Жонимни неча қилурсан афгор.

матлаъъси билан бошланувчи таржиъбанд учун ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазни танланган бўлса,

Жаҳон касриғадир сув узра бунёд,
Чу йўқ бунёди андин бўлмоғил шод.

деб бошланувчи таржиъбанд ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида битилган эди.

Навоий ўзининг

Кетур соқий, ул майки субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгил эрди маст

матлаъъли таржиъбандини мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнлари заминида яратган бўлса,

То ҳаробот аромен дард ошом,
Мастлиғ бирла ишим айш мудом

матлаъи билан бошланувчи таржиъбандини хафиф баҳрига мансуб саккиз вазннинг ҳаммасидан фойдаланган эди.

Шоир ўзининг

Даҳр боғики жафо шориъидур ҳар чамани,
Жуз жафо аҳлиға сончилмади онинг тикани

матлаъъи билан бошланувчи ягона таркиббандини рамал баҳрининг саккиз вазни асосида кўпвазнли асар сифатида ёзган эди.

Навоийнинг

Соқиё, тут қадаҳи шоҳона,
Қатраси лаъл вале якдона

матлаъли соқийномаси ҳам хафиф баҳрига мансуб 8 вазн асосида яратилди.

Шоир

Сано ҳаққаким кошифи ҳол эрур,
Хирад мушкулотиға ҳаллол эрур

деб бошланадиган маснавийсини битишда ҳам мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур ўлчовларига мурожаат қилган эди. Шундай қилиб, Навоий ўз асарлари вазнини танлашда ҳар қайси жанрнинг вазнлар доирасини ҳам ҳисобга олди.

Мумтоз шеъриятимиз асарлари вазнини белгиловчи омиллардан яна бири адабиётимиздаги татаббучилик ва тахмисчилик анъанасидир. Бирон ижодкор устоз салафлар ёки замондош шоирлар ғазалларига татаббу ёки тахмис битар экан, шу асар вазнини сақлаши зарур, аксинча ижодий мусобақа шарти бузилади. Фикримизнинг далилини мингларча асарлар мисолида кўришимиз мумкин. Жумладан, Лутфийнинг

Қаду оғзингға боқсам оҳ дерман,
Сени кўрган сайин, оллоҳ дерман

ва Атоийнинг

Саҳар оҳиста ғамдин оҳ дерман,
Киши онгламасун ногоҳ дерман

матлаъли ғазалларининг иккови ҳам ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида. Зеро, улар татаббуъ тарзида битилгани кўриниб турибди. Худди шунингдек, Атоийнинг

Эй ҳур, ажаб руҳи мусаввар етилибсан,
Жон олғувчи бир одами пайкар етилибсан

ва Лутфийнинг

Ё раб, не бало сарви саманбар етилибсан,
Қон қилғувчи бир шўхи ситамгар етилибсан

матлаъли ғазаллари ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида бўлишининг боиси улардан бирининг иккинчисига татаббуъ эканлигидир (Ким кимга татаббуъ қилган, буни аниқлаш мушкулроқ).

Алишер Навоий ҳам ўз ғазалларининг вазнини танлашда бу қоидадан четга чиқа олмас эди, албатта. Шунинг учун ҳам унинг татаббуъ тарзида яратган асарларида уларга асос бўлган ғазаллар вазни сақланган. Чунончи, Навоийнинг

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул кеби ҳажрингда ишим нолау фарёд

матлаъли ғазали ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилишига сабаб Лутфийнинг мазкур асарга асос бўлган ва ушбу ўлчов билан битилган

Эй ғамзаси мискинлара кўп қилғувчи бедод,
Жоду қароқинг сеҳр ила Ҳорутға устод

матлаъли ғазали эди. Атоийнинг

Сени мен онгладим бевафо эмиштуксен,
Кўнгулга офату жонға бало эмиштуксен

матлаъли ғазалига татаббуъ тарзида яратилган

Кўнгул олурда ажаб дилрабо эмиштуксен,
Не дилрабоки, балойи худо эмиштуксен

деб бошланувчи ғазалининг мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнида битилиши ҳам шу тарзда изоҳланади. Гадоийнинг

Ул кишинингким сенингдек бир париваш ёри бор,
Фикри йўқтур, гар жаҳонда юз туман ағёри бор

байти билан бошланувчи ғазалига Навоий татаббуъ тарзида ёзган

Кимки онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,
Одами бўлса пари бирла малакдин ори бор

матлаъли ғазалининг рамали мусаммани мақсур вазнида эканлигига сабаб ҳам шу.

Навоий шеъриятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мумтоз шеъриятимизда татаббуънинг яна бир тури мавжуд бўлиб, унинг қонуниятига кўра ижодий мусобақага киришган ижодкор ўзи танлаган ғазалнинг мавзу, радиф ва вазнини сақлаб қолган ҳолда янгича қофия танлайди. Бу билан янада гўзалроқ асар яратиш мумкинлигини исботлаш мақсадини ифодалайди. Жумладан, Атоийнинг

Ё раб, ул оразмидур ё лола аръар устина,
Ё шақойиқ баргидур сарви санубар устина.

Лутфийнинг

Эй қадинг тубии жаннат ҳадди гулгун устуна,
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина
Сунбулингни кўргали гулдек рухи ол устина,
Бошни гўй етмишмен ул чавгон ул хол устина

матлаъли ғазаллари татаббуъ тарзида ўзининг

Нилдин беҳол холинг лаъли сероб устина,
Тухми райҳон тушти гўё шарбариноб устина

матлаъли ғазалини битар экан, Навоий олдинги асарларига асос бўлган рамали мусаммани маҳзуф вазнини сақлаб қолган эди. Бундай асарлар ҳам шоир шеъриятида кўплаб учрайди.

Навоийнинг тахмис шаклида яратилган мухаммаслари вазни ҳам шу тарзда танланган эди. Жумладан, Лутфийнинг ғазалига боғланган

Маснади ҳусн узра токим кўрмишам ул моҳни,
Тийра айлабмен фиғондин нилгун хиргоҳни,
Эй сабо, арз айла ногаҳ кўрсанг ул дилҳоҳни,
Кўктадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни,
Даъвин меҳрингға тонуқ тортадурман оҳни

банди билан бошланувчи мухаммасда ғазал вазни – рамали мусаммани маҳзуфнинг сақланиши табиий эди, албатта.

Шеъриятимизда тазмин тарзида яратиладиган асарлар унга замин бўлмиш байт ёхуд мисра вазнида битилиши маълум. Навоий ҳам ўзининг шу усул билан яратилган ғазалларида замин вазнини асос қилиб олди. Чунончи, Мирзобекнинг

Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қаро бало бўлуптур

байти асосида яратилган тазмин – ғазал ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнида эди.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги биринчи ғазалнинг вазнини ҳам унга асос бўлган “Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул худо” замин – мисраси белгилаб берганди.

Алишер Навоий лирик шеърияти, хусусан, ғазалиёти вазнини белгиловчи омиллардан яна бири мусиқадир. Маълумки, аруз билаб мумтоз мусиқа тараққиёти кўп жиҳатдан бир-бирига боғлиқдир. Хилма-хил мумтоз куйлар ўзларига ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан мувофиқ бўлиб тушадиган ғазаллар, мухаммас ва мусаддаслар, мустазод ва соқийномаларни тақозо этарди. Шунга кўра, ҳар қайси шоир ўз лирик шеърларини бирон куйга мослаб яратарди. Ҳар бир шоирнинг мусиқа назарияси ва амалиётидан мукаммал хабардорлиги, созлар чала билиши, бастакорлик иқтидорига эгалиги, ҳатто хонандалик санъати билан ҳам танишлиги бунинг учун қулай шароит яратган эди. Бинобарин, Навоий ғазалиёти, мухаммас ва мустазодларидан аксариятининг вазнини уларга мўлжалланган куйлар белгилаб берган, десак хато қилмаймиз.

Навоий ўз “Мезон ул-авзон”ида туркий халқлар сурудлари билан вазнлар муносабатини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди. Жумладан, “қўшуқ” суруди рамали мусаммани маҳзуф, “чинга” – мунсариҳи матвийи мавқуф, “муҳаббатнома” – ҳазажи мусаддаси мақсур , “арзудорий” – ҳазажи мусаммани солим ва рамали мусаммани маҳзуф, “туркий” рамали мусаммани мақсур, яна бир суруд мустазод вазнига мос келиши мисоллар билан исботлаб берилганди.

Бундан ташқари, мумтоз “Шашмақом” куйларининг арузнинг хилма-хил вазнларига мувофиқлиги санъатшунос олимларимиз томонидан аллақачон исботлаб берилган. Атоқли мусиқашунос аллома Юнус Ражабий томонидан нашрга тайёрланган “Шашмақом” китобидан маълум бўлишича, ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган ғазал “Бузрук”, “Рост”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ” куйларидан жами 45 тасига, рамали мусаммани маҳзуф вазни шу куйлардан 52 тасига мос бўлиб тушади. Ҳазаж, рамал, музориъ, мужтасс, мутақориб, комил баҳрларига мансуб яна 15 вазннинг ҳар бири “Шашмақом” куйларининг 2-13 таси билан ижро этилиши аниқланган. Бинобарин, бошқа шоирлар қаторида Навоий ҳам ўз ға-

зал ва мухаммас, мусаддас ва мустазодларини яратар экан, уларнинг вазнини муайян куйлардан келиб чиқиб белгилаганлигини таъкидлаш мумкин.

Навоий ўзининг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” хотираномасида Паҳлавон Муҳаммаднинг мусиқа илми соҳасидаги санъаткорлигини қайд этар экан, “Машҳур амаллардан бири “Чоҳаргоҳ” амалидурки, Мавлоно Тўти…нинг ул шеъридинким, матлаъси будур:

Соқие де рафта ҳаст аҳволифардо нопадид,
Хешро имрўз хуш дорем-у фардо ки дид?

…яна “Сегоҳ” амалидурким, Мавлоно Хусравийнинг шеъриға боғлабдур ва матлаъси будурким:

Эй зи тоби оразат шамъе ба ҳар кошонаи,
В-ей асири пурхами зулфат дили девонаи[1]”,

деб таъкидлаган эди. Кўрамизки, Паҳлавон ўз замондошлари томонидан яратилган ғазалларга куйлар басталаган. Айни вақтда, муайян куйларга мўлжаллаб ғазаллар битиш ҳам мумкин. Навоий ғазалларининг маълум қисмини шу тарзда яратилган деб қараш керак, албатта.

Навоийнинг ўз лирик асарлари учун танланган радифлари ҳам вазнни белгиловчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Маълумки, шоир ўз шеърларини яратишга киришар экан, уларда асарнинг ҳам ғоявий, ҳам бадиий қимматини белгиловчи муҳим бир жиҳат – радифнинг қандай сўз ёки сўзлардан иборат бўлиши устида жиддий бош қотиради. Баъзан шеър майдонга келиш жараёнининг ўзи радиф танлашдан, кўпинча эса ижодкор онгида рўёбга чиққан радифдан бошланади. Навоий ғазалиётида қўлланиб, шеърларга шуҳрат бағишлаган “кошки”, “интизор”, “фироқ”, “жудо”, “айласам”, “билмадим”, “қилмайин”, “келдиму”, “ўртама”, “нетайин”, “айладингло”, “ўлмасун” каби юзлаб пурмазмун ва латиф радифлар шу ғазалларни яратиш ҳақидаги ғоявий ниятга ҳам асос бўлганини инкор қилиш мумкинми? Бинобарин, бу хил радифлар асосида асар яратишга киришган шоир ўз ғоявий нияти – қаламга олинадиган мавзуъ, ифодаламоқчи бўлган ғоя, лирик қаҳрамон қиёфасидан келиб чиқиб қофияни ҳам танлайди, қофия ва радиф ўлчови заминида эса мувофиқ вазнни излашга кўчади. Масалан, жозибадор “кошки” радифи “фоилун” ўлчовида. Шу радифни қўллаш учун ижодкор мазкур ўлчов билан тугалланувчи вазнлардан бирига мурожаат қилиши лозим. Шоир танлаган “олам оро”, “ғавғо”, “савдо” каби қофиядош сўзлар қайси вазн мувофиқлигини янада аниқроқ белгилаб беради. “Фоилун” рукни билан тугалланувчи вазнлар учтагина бўлиб, улар – рамали мусаммани маҳзуф, мунсариҳи мусаммани махбуни макшуф ҳамда сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнларидир. Шоир ўз ғоявий ниятидан келиб чиқиб рамали мусаммани маҳзуф вазнини танлаган.

“Нетайин” радифи билан ғазал ёзишни ният қилган шоир шу сўз ўлчови бўлган “фаилун” рукни билан тугалланувчи вазнга мурожаат қилиши шарт. Бундай вазнлар рамали мусаммани махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун фаилун), мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун фаилун), хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун мафоилун фаилун) вазнларидир. Навоий

[1] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14-том, Ўзадабийнашр, Тошкент,1967, 90-бет.

улар орасидан жозибадорроқ мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ўлчовини танлаб, сермазмун ва жозибадор ғазал яратган эди:

Шикеб уйин бузадир бенаво кўнгул, нетайин,
Ҳароблиғ қиладур мубтало кўнгул, нетайин.
Дедингки, асра кўнгулни ўзингдаву сабр эт,
Чу менда турмас-у борур сенга кўнгул, нетайин.

Зеро, "нетайин" радифидан олдин келадиган "кўнгул", қофия учун танланган "бенаво", "мубтало" каби сўзлар фақат шу вазндагина бу радифни қўллаш мумкинлигини белгилаб берган.

Радиф бир неча сўздан иборат бўлса, танланадиган вазнлар кўлами шунчалик қисқариб боради. Масалан, шоир "қизил, сориғ, яшил" сўзларини радиф қилиб ғазал яратмоқчи экан, бу сўзларнинг умумий ўлчови – чизмада V – – – V –) мисралар охирида шундай рукнлар келадиган рамали мусаммани маҳзуф вазнидан фойдаланишни тақозо этади. Шоир ўзининг шу радифли асарини битиш учун мазкур вазнга мурожаат қилишга мажбур эди:

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳарён қизил, сориғ, яшил.

Навоий ўзининг "Наводир уш-шабоб" девонидаги

Дилрабо, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор?
Фурқатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?

матлаъли ғазалида "менда бордур, кимда бор?" радифини қўллар экан, унинг "фоилотун фоилон" ўлчови талаби билан фақат рамали мусаммани мақсур (рукнлари: фоилотун фоилотун фоилотун фоилон) вазни асосидагина иш кўриши мумкин эди, холос.

"Бадоеъ ул-васат" девонидан ўрин олган

Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай,
В-ар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай

байти билан бошланадиган ғазалда қўлланган радиф ҳам шоирдан фақат ражази мусаммани матвийи махбун вазнидангина фойдаланишни талаб қиларди.

Навоий "Хазойин ул-маоний"сидан ўрин олган ғазалларнинг[1] 1292 тасида турли радифлар қўлланган. Улар асосида яратилган ғазалларнинг вазн хусусиятларини синчиклаб тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, шоир бир бўғинли радифлар қўллаганда 11-12 вазнга, икки бўғинли радифлар ишлатар экан, 11-13 вазнга мурожаат қилади. Уч бўғинли радифларга навбат келганда, вазн танлаш имконияти чекланиб, 3-7 тага тушиб қолади. Тўрт бўғинли радифлардан фойдаланаётган шоир 1-3 вазн доирасидагина ҳаракат қила олади. 5-9 бўғинли радифларни танлаганда эса у фақат биргина вазн билан иш кўришга мажбур бўлади.

[1] Гап Навоий лирик асарларининг 1960 йилги нашри ҳақида боряпти. Уларда 13 ғазал тушириб қолдирилган бўлиб, китоб жами 2597 ғазални ўз ичига олади.
"Ғаройиб ус-сиғар"нинг 1988 йилги янги нашрида илгари туширилган 2 асар – "йигит" радифли ғазаллар берилган. Шуларни қўшганда радифли ғазаллар сони 1294 тага етади.

Шуниси қизиқарлики, ҳар қайси ўлчовдаги радифнинг ўзига махсус вазнлар доираси мавжуд. Шоир шулардан бири асосида ўз ғазалларининг аксариятини яратган. Чунончи, “фаъ” ўлчовидаги 130 радифни қўллар экан, шоир 12 вазндан фойдаланган, лекин улар орасида рамали мусаммани маҳзуф вазни алоҳида ажралиб туради: унинг асосида шундай радифли 80 ғазал битилган. Ҳазажи мусаммани солим вазнида 16 та, қолган 10 вазнда эса 1 тадан 8 тагача ғазал ёзилган. “Фў ” ўлчовидаги 133 радиф ҳам 12 вазн билан қўлланган бўлиб, улардан 112 таси рамали мусаммани мақсур вазнида яратилган, қолган 11 вазнда эса 1 тадан 4 тага қадар асар ёзилган.

Икки бўғинли радифларни қўллашда ҳам шоир кўпроқ вазн орасидан ўзи истаганини танлаш имкониятига эга. Бу ўринда шу асарда фойдаланилаётган қофиялар вазнни кўп жиҳатдан белгилаб берувчилик вазифасини бажаради. Жумладан, Навоий “фидо” радифини қўлламоқчи экан, охирги рукни “фаал” (V –)га тенг ўлчов билан тугалланувчи кўпгина вазнга мурожаат қилиши мумкин эди. Лекин ўзининг бир асарида “нотавоним”, “жоним”, “дилситоним” каби сўзларни қофия ўрнида ишлатишни ўйлар экан, унинг имконияти торайган. Энди у мисралар охирида мустафъилун (– – V –) ўлчовини сақлашга имкон берадиган вазнлардан бирини танлаши лозим эди. Хусусан, “фидо” сўзини таъкидлаш учун фақат мутақориби мусаммани маҳзуф вазни асосида иш кўришга мажбур эди. Шунинг учун ҳам шоир ўзининг

Кўзунгга тани нотавоним фидо,
Равонбахш лаълингға жоним фидо

деб бошланувчи машҳур ғазалини ана шу вазнда яратди. Бошқа ғазалида эса шоир томонидан танланган қофиялар шу радифни қўллаш учун рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнидан фойдаланишга имкон берган эди:

Гулу гулзор сенинг боғи жамолингға фидо,
Сарву шамшод доғи тоза ниҳолингға фидо.

Учинчи бир ғазалида шоир шу радифни

Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми бедорим фидо,
Ҳам учуқ чиққан лабингға жони афгорим фидо

матлаъли ғазалида қўллар экан, рамали мусаммани маҳзуф вазнига мурожаат қилган эди.

“Фаал” ўлчовидаги 384 радифдан 285 таси рамали мусаммани маҳзуф, 34 таси мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф, 32 таси рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнларида, қолган 8 вазнда эса биттадан 8 тагача ғазал ёзилган.

Навоий ўз ғазалиётида жами 309 уч ҳижоли радиф қўллаган. “Фоилун” ўлчовидаги радиф билан ёзилган ғазаллар Навоий ғазалиётида анчагина. Шундай 251 радифдан 238 таси фақатгина рамали мусаммани маҳзуф вазнида бўлиб, қолган 6 вазнда 1 тадан 6 тагача шеър битилган холос.

Уч ҳижоли радифларнинг бошқа ўлчовларидан Навоий унча кўп фойдаланмаган. “Фоилон” ўлчовидаги радифлар билан ёзилган 25 ғазалдан 23 таси рамали мусаммани мақсур

вазнида бўлиб, қолган икки вазнда биттадан ғазал ёзилган. “Фоилун” ўлчовидаги радифли 16 ғазалдан 6 таси ҳазажи мусаддаси маҳзуф, 4 таси мутақориби мусаммани солим, 3 таси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида, қолган 3 вазнда эса биттадан шеър яратилган. “Фаилун” ўлчовидаги радифли ғазалларнинг анчагинаси мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф (9 ғазал), рамали мусаммани махбуни маҳзуф (3 ғазал) вазнларида бўлиб, қолган уч вазнда биттадангина ғазал битилган. “Мафъулун” ўлчовидаги радифли ғазалларнинг 12 таси мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ (7 ғазал), ҳазажи мусаммани солим (3 ғазал) ва рамали мусаммани махбуни мақтуъ (2 ғазал) вазнлари асосида яратилган.

Албатта, вазнни белгилашда радиф ўзидан олдин келаётган қофия билан биргаликда иштирок этади. Қофия ва радиф таркибидаги ҳижолар биргаликда муайян лирик шеър учун мувофиқ бўлган ўлчовни аниқлаб беради. Масалан,

Баҳор эл гулга мойил, бағрима юз хор ҳар соат
Етиб ҳар хоридин кўнглумга минг озор ҳар соат

байти билан бошланган ғазалдаги радиф – “ҳар соат” сўзлари мафъулунга тенг бўлиб, бир қатор вазнлардан бирини танлашга имкон беради. Лекин қофия билан биргаликда “хор ҳар соат” бирикмаси (чизмаси: – V – – –) ни ҳосил қилар экан, шоирнинг ўз асари учун шу тарзда тугалланувчи ҳазажи мусаммани солим вазнинигина қўллаши мумкинлиги аён бўлиб қолади.

Қон ёшим сориғ юз узра ошкор этти фироқ,
Заъфаронзоримни ғамдин лолазор этти фироқ

байтидаги “этти фироқ” радифи қофия билан биргаликда – V – – V – ~ (фоилотун фоилон) ўлчовини ҳосил қилар экан, шоир унга мос тушадиган рамали мусаммани мақсур вазнинигина танлаши мумкинлиги яққол кўриниб турибди.

Бир ойни тилаб хаста кўнгул зорму эрмас,
Ҳажри ғамидин юз туман афгорму эрмас

шоҳбайтидаги “эрмас” радифининг ўзи бир неча вазндан бирини танлаш учун қўл келса, “зорму”, “афгорму” қофиялари билан биргаликда – V V – – кўринишидаги ўлчовни ҳосил қилади ҳамда шунга мос ҳолда фақатгина ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни асосидагина иш кўриш мумкинлигини белгилаб беради.

Радифсиз лирик шеърият, хусусан, ғазалиёт, мухаммас ва мусаддаслар вазнини белгилашда қофия ҳам радиф сингари муҳим омил саналади.

Маълумки, аксар ҳолларда ғазалнинг яратилишига шоир дилида туғилган шоҳбайт асос бўлади. Унда ифодаланган ғоя, лирик қаҳрамон қиёфаси ўзига мувофиқ оҳанг, бинобарин, вазн воситасида мужассамланади. Бу ўринда шоҳбайтда танланган қофия шеър ўлчови – вазннинг кўп жиҳатдан белгилайди. Жумладан, Навоий

Кўкрагимдир субҳни пийроҳанидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намрокроқ

шоҳбайтини ижод қилар экан, “чокроқ”, “намрокроқ” қофияси фоилон ўлчовига тенг бўлгани учун рамали мусаммани мақсур вазнини тақозо қиларди.

Манга ҳар нечаким йўқ, заҳра урмоқ дам висолингдин,
Ва лекин ком олурмен улча мумкиндур хаёлингдин

шоҳбайтидаги “висолингдин”, “хаёлингдин” қофиядош сўзлари мафоийлун ўлчовида бўлганидан ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнидагина битилиши мумкин эди.

Куйдим ғами ишқимни баён айламакимдин,
Чеккай эдилар кош тилимни кўмакимдин

байтидаги қофиялар фаилотун ўлчовида бўлгани учун шоир ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнини танлаган.

Қофиядош сўзлар таркиби муайян ғазаллар учун танланиши мумкин бўлган вазнлар миқдорини ҳам белгилайди. Радифлар тўғрисидаги фикрларни бу ўринда ҳам татбиқ этиш мумкин. Яъни қофиялар қанчалик кам ҳижоли бўлса, шунчалик кўп вазн танлаш мумкин. Масалан:

Сайлларким тўкар кўзум ёши,
Сойининг тошидур ядо тоши

байтидаги қофиялар “фаълун” ўлчови билан тугалланувчи қатор вазнлардан бирини танлашга имкон беради. Лекин шоир худди шу шоҳбайтни назарда тутгани туфайли у хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнига мурожаат қилган.

Баъзан танланган шоҳбайт икки вазнда бўлиши ҳам мумкин.

Бу ҳолда шоир ғазални кўпвазнли, ҳеч бўлмаганда, икки вазнли асар сифатида яратади. Жумладан:

Эй жаҳон мулки хирожи санга бир гавҳар тож,
Мулклар шоҳи қуюб даргоҳинга тожу хирож

байтининг биринчи мисраси рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун фаълон), иккинчиси эса рамали мусаммани махбуни мақсур (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун фаилон) вазнида. Шу туфайли Навоий кейинги байтларнинг ҳам рамал баҳрининг 4 вазни асосида битган эди.

Навоий новатор ижодкор сифатида адабиётимизда илк бор ички қофияларни қўллаш анъанасини бошлаб берди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шоир ўз ғазалида ички қофия қўллаш ниятини мақсад қилиб қўяр экан, истаган вазнни танлаш имконига эга эмас. Зеро, ички қофияларни цензурали вазнлардагина ишлатиш мумкин эди.

Навоий ўзининг ички қофияли ғазалларини ҳазажи мусаммани солим, ражази мусаммани солим, ражази мусаммани матвийи махбун, мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф вазнларида яратиб, бу хил усулнинг шеър мусиқийлиги, оҳанг жозибадорлиги, ўйноқилигини таъминлашдаги имкониятларини кашф этди. Бу ҳақда кейинчалик муфассалроқ тўхталамиз.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ўзининг хилма-хил жанрлардаги асарлари ўлчовларини белгилашда:

– аввало танланган ғоявий-бадиий ниятдан, ифодаланаётган лирик ёки лиро-эпик тимсолларнинг маънавий қиёфасидан мужассамланиши лозим бўлган туйғулар, кечинмалар, руҳий ҳолатдан келиб чиқади;

– танланган жанрнинг ўлчов имкониятлари ва меъёрларига, шеъриятимизнинг бу соҳадаги анъаналарига амал қилади;

– қофия ва радифларнинг вазнларга мувофиқлиги, оҳанг жилоларининг таъминланишига алоҳида диққат қаратади;

– шеъриятимиздаги татаббуъчилик, тахмисчилик анъаналари, тазмин усули талабларига амал қилиб, уларга асос бўлган шеърлар ўлчовига риоя этади;

– яратилаётган асарнинг мусиқий имкониятларига ҳам эътибор бериб, мўлжалланаётган куй хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижро жиҳатларини ҳам назарда тутади.

Шоирнинг вазнларни танлаш соҳасидаги буюк салоҳияти ва беқиёс маҳорати унинг бадиий меросини баҳрлар бўйича тадқиқ этганда янада ёрқинроқ намоён бўлади.

II БОБ
НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИ

Арузшунослик илми шеъриятдаги ҳар қайси жанр ўзининг муайян вазн имкониятларига эга эканидан, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир жанрнинг ўзигагина хос вазнлар кўлами чегараси мавжудлигидан далолат беради. Бу кўлам эса ҳар қайси жанрнинг ҳажм хусусиятлари, мусиқа билан алоқадорлиги, халқ оғзаки ижоди билан муносабати каби жиҳатлар билан белгиланади. У ёки бу жанрнинг вазн борасидаги анъанавийлик хусусиятлари ҳам муайян аҳамиятга эга. Шу туфайли ҳам шеъриятдаги вазн муаммоларини жанрлар бўйича алоҳида тадқиқ этиш ижобий натижалар беради. Алишер Навоий шеъриятининг вазн хусусиятларини ҳам шу тарзда ўрганиш мақбул, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ғазал Шарқ шеъриятининг ғоятда кенг тарқалган жанрларидан саналади. Унинг ҳажм жиҳатдан ихчамлиги, мавзу, ғоялар доирасининг ниҳоятда кенглиги, ифодаланган туйғуларнинг ранг-баранглиги, энг муҳими, ижро учун қулайлиги, мусиқийлиги ғазалиётни халқ оммасининг севимли асарларига айлантирган. Ушбу фазилатлар ғазалларнинг вазн нуқтаи назаридан ҳам хилма-хиллигини таъминлаган.

Алишер Навоий ғазалиёт соҳасида баракали ижод қилиб ҳар икки тилда жами 3050 дан зиёд нодир асарлар яратди, уларнинг 2600 дан ортиғи, туркий тилда битилган эди, бу асарлар, аввал айтиб ўтганимиздек, ўзбек арузига махсус 12 баҳрнинг 60 дан ортиқ вазнига асосланади. Буюк шоир ўз ғазалларини аруз тизимига хос энг ёқимли, энг сержило ўлчовларида ёзди.

ҲАЗАЖ БАҲРИ

Ҳазаж баҳри туркий адабиётларда кенг қўлланган шеърий ўлчовлардан саналади. Туркий шеърият тарихига назар ташласак, XIV аср адабиётида ундан рамал баҳрига нисбатан ҳам кўпроқ фойдаланилганини кўрамиз. Чунончи, Қози Бурҳониддин ўзининг 1300 дан ортиқроқ ғазалининг 504 тасини ҳазаж баҳрида, 245 тасини рамал баҳрида битган эди. Атоий, Саккокий, Лутфийлар лирикасида ҳам мазкур вазн улар яратган ғазалларнинг аксарияти учун асосий ўлчов бўлиб хизмат қилган.

Маълумки, ҳазаж хилма-хил оҳанг хусусиятларига эга бўлган 40 дан ортиқ вазнни ўз ичига олади. Улар орасида фалсафий мушоҳадаларни, маҳзун кечинмаларни ифодалашга мўлжалланган салобатли, вазмин вазнлар ҳам, шўх, сурурли кайфият ифодасига мос ўйноқи, дилбар оҳангга эга бўлган енгил вазнлар ҳам кўпгина. XIV аср бошларидан ҳазаж баҳри вазнлари асосида лирик ва лиро-эпик достонлар яратила бошлади. Ҳазаж баҳрининг ритм-оҳанг имкониятлари тобора кенгайиб борди.

Алишер Навоий мазкур ўлчов имкониятларини назарда тутган ҳолда ўз ғазалларининг каттагина қисмини 2600 ғазалдан 420 тасини ёхуд 16,5 фоизини унинг асосида яратди.

Шоир ғазалиётидан анча кенг ўрин олган вазн ҳазажи мусаммани солим (рукнлари: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун тарзида)дир. Ижодкор ўзининг 259 ғазалини ушбу вазн заминида ёзган эди. Бунинг боиси, аввало, вазннинг ритм-оҳанг имкониятларининг кенглиги эди, албатта. Зеро, 12 чўзиқ ва 4 қисқа ҳижонинг муайян такрорига асосланувчи мазкур вазн вазмин сокин оҳангга эга

Бу кун аҳли жаҳондин хаста хотирмен жаҳондин ҳам,
Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам.

Парим бўлса учуб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас

матлаъли ғазаллардаги каби чуқур фалсафий қарашлар, лирик қаҳрамоннинг теран кечинмаларини ифодалашга ниҳоятда қўл келганлигини кўрамиз.

Шоир мазкур вазндан пейзаж лирикасининг нодир обидаларини яратишда ҳам, маъшуқанинг такрорланмас гўзал қиёфасини гавдалантиришда ҳам моҳирлик билан фойдаланди. Бу фикрнинг исботини

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким, хайлу ҳашам чекти,
Шуоъи хат била кўҳсор уза олтун алхам чеки.
Латофатда юзунг ҳам гул эмиз, ҳам гулситон эрмиш,
Ҳаловатда лабинг ҳам жону ҳам оромижон эрмии

каби матлаълар билан бошланувчи кўплаб ғазаллар мисолида кўришимиз мумкин.

Навоий ушбу вазннинг янги имкониятларини кашф этишга интилиб, ички қофияларни қўллаш воситасида унга ўзгача оҳанг бағишлаб, жозибадорлигини янада кучайтиришга эришди. Фикримизнинг далилини шоирнинг

Тун оқшом бўлди-ю келмас мени шамъи мабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.
Не кам кўргузса кўксум порасин чоки гирибоним,
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним.
Ғамидин дурри макнундек сиришким оқти **Жайҳундек,**
Музайян қилди гардундек жаҳонни дори пинҳоним.
Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушги **ашҳабдин**,
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди тобоним

байтлари билан бошланувчи ғазали мисолида кўришимиз мумкин. Ундаги ички қофиялар ғазал таъсирчанлигини оширганисезилиб турибди. Мазкур қофиялар асардаги маҳзун руҳни чуқурроқ ифодалашга хизмат қилган бўлса,

Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон келди,
Қувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди.
Сафардин ул пари етти, мени маҳзунни шод этти,
Кўнгулдин эски ғам кетти, ган ичра янги жон келди.
Хирад, йиғ бу масофингни, таҳаммул, қўй газофингни,
Вараъ, тарк айла лофингни, ки ошуби жаҳон келди

байтлари билан бошланувчи ғазалда улар висол тараннумини, лирик қаҳрамоннинг шодиёна кечинмалари, завқёб туйғуларини тўлароқ акс эттиришга ёрдам бериб, шеър оҳангига тантанаворлик, жўшқинлик бағишлайди.

Юқоридаги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланувчи ҳазажи мусаммани мусаббағ (рукнлари: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлон) вазни янада вазминроқ оҳангга эга. Навоий ушбу вазнда фақат 8 тагина ғазал ёзди.

Бинобарин,

Қизил ёхуд қаро ё кўк тўнинг ҳар бир эрур мавзун,
Начукким ой либоси ҳам шафақ, ҳам кеча, ҳам гардун.
Ситам эрмас эдиким, айладинг кўнглумни юз парканд,
Ситам будурки тикмак бирла истарсен анга пайванд.
Сен ўз хулқингни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд

матлаъли ғазаллар каби қатор асарларда бу вазннинг хусусиятлари ёрқин акс этиб туради.

Ҳазаж баҳри вазнлари орасида қўлланиш доирасининг кенглиги билан ажралиб турувчи яна бир ўлчов **ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф** (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун)дир. Бу сержило, ўйноқи вазн туркигўй шоирлар диққатини XIV асрдаёқ ўзига жалб этган эди. Бу даврда яшаб ижод этган туркий адабиёт вакиллари шеъриятини кўздан кечирсак, мазкур вазн уларнинг ғазалиётида марказий ўринда туришини кўрамиз. Чунончи, Қози Бурҳониддиннинг 1300, шу жумладан, ҳазаж баҳридаги 504 ғазалидан 236 таси, Лутфийнинг 276, шу жумладан, ҳазаж баҳридаги 104 ғазалидан 56 таси шу вазн асосида яратилган эди. Лутфийнинг

Ул оразу рухсор ила зулфи, энги лола,
Ойдинда ётур гул уза бир ҳинду узола.

Эй жон чамани ичра буйи сарви равоним,
Вола эрур ул суратинга руҳи равоним.

Кўздин мени солдинг, севарим, нетти, не бўлди,
Гар ҳуснунга тушти назарим, нетти, не бўлди.

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инома,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма

каби дилбар ғазаллари бу вазнга хос жозибадорликни аллақачон исботлаб берганди.

Алишер Навоий ҳам ушбу вазндан кенг фойдаланиб, ўзининг 49 ғазалини унинг асосида яратди.

Эй ишқ, яна фурқат ўтин жонима урдунг,
Жисмимни кул айлаб, кулини кўкка совурдунг.

Хуршид тулуъ этса, қуёшинг соғинурмен,
Кўргач янги ой майлини қошинг соғинурмен.

Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар,
Ҳинду бачае шўхдурур, сув била ўйнар.

Ҳижрон куни ҳар хастаки жононга йўлуқти,
Қил уйла тасаввурки, ўлук жонға йўлуқти

матлаъли каби ўнлаб жилвадор ғазаллар шоирнинг ушбу вазндан фойдаланишдаги санъаткорлигини яққол кўрсатиб туради.

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу маоийл) вазни юқоридагидан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Шоир унинг асосида 9 тагина ғазал ёзган, холос. Лекин улар ҳам ўзига хос ўйноқи оҳангга эга.

Ул шайхки минбар уза афсунға берур тул,
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли — сурук ғул.

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд.

Ҳолим, ким экин, айлагучи ёрға маъруз,
Мен белил ишин қилучи дилдорга маъруз

матлаъли ғазаллар каби асарлар ушбу вазнда ҳам ёқимли оҳангдаги шеърлар яратиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Ҳазажи мусаммани ахраб (рукнлари: мафъулу мафоийлун мафъулу мафоийлун) вазни шоир ғазалиётидан унча катта ўрин ололмаган. Навоий бу вазнда бори 16 та ғазалини ёзган эди. Мафъулу ва мафоийлун рукнларининг мунтазам тарзда кетма-кет такрорланиши шеърга ўзгача бир ритм бағишлайди.

Май бирла юзунг тим-тим аҳтарму экин, оё,
Ё шуъла аро бир-бир аҳгарму экин, оё.

Кўюнг борида қилмон жаннатқа гузар ҳаргиз,
Қаддинг қошида солмон тубига назар ҳаргиз.

Ҳар гулки очибдур май ул орази дилжўда,
Гулларми экин сувда, гул аксиму кўзгуда

каби матлаъли ғазалларни кузатсак, унинг вазн имкониятларидан шоир латиф оҳангли асарлар яратишда фойдаланганини кўрамиз.

Ҳазаж баҳрининг саккиз рукнли вазнларини ўз шеърияти билан синовдан ўтказган Навоий мазкур баҳрнинг қўлланмаган баъзи ўлчовларини ҳам кашф этиб, унинг асосида экспериментал ғазаллар яратди. Шулардан бири ҳазажи мусаммани маҳзуфи мақсур (рукнлари: мафоийлун фаулун мафоийлун мафоийл) вазнидаги ғазалдир:

Санову зотинг ичра топиб ажз аҳли идрок,
Гоҳи "алоуҳси" айтиб, замони мо арафнок».

Не янглиғ аҳли идрок ки чун гардунға сурди,
Кўзига сурма қилди ғуборин хайли афлок

байтлари билан бошланадиган мазкур ғазални ўқисак, унга хос оҳанг ёқимли эканини, танланган мавзу, тараннум қилинаётган ғоялар, лирик қаҳрамон қиёфасига мослигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу вазннинг Навоий шеъриятида ҳам, унинг салафлари ва издошлари ижодида ҳам мустаҳкам ўрин тутмагани бу вазнга мувофиқ тушадиган куйларнинг маданий ҳаётдан ўрин ололмаганидандир, деб ўйлаймиз.

Ҳазаж баҳрининг олти рукнли вазнлари, шеъриятимизда бизгача етиб келган адабий обидаларга қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, унинг саккиз рукнли вазнларига нисбатан олдинроқ қўллана бошлаган эди. Агар саккиз рукнлиларни дастлаб Хоразмий, Атоий, Саккоки, Лутфий ижодида учратсак, олти рукнли бир қатор вазнлар XIV аср ўрталаридаёқ Хоразмий «Муҳаббатнома"сида қўлланган эди.

Бунинг сабаби мазкур вазнларнинг қадимий туркий қўшиқ ва лирик шеърлар, хусусан, Навоий «Мезон ул-авзон»ида «муҳаббатнома» деб номланган халқ қўшиқлари билан ҳамоҳанглиги, ҳаттоки айнан ўхшашлигида эди. Иккинчи томондан буюк Низомий Ганжавий «Хамса»сидаги «Хусрав ва Ширин» достонига асос бўлган ҳазажи мусаддаси маҳзуф, ҳазажи мусаддаси мақсур вазнлари, унинг «Лайли ва Мажнун» ида қўлланган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбўзи маҳзуф, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбўзи мақсур вазнлари туркий шеъриятга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган, албатта. Бинобарин, ҳазаж баҳрининг олти рукнли бир қатор вазнларининг туркий адабиётдаги лирик ва эпик шеъриятдан ўрин олиши учун шароит XIV асрдаёқ вужудга келган эди.

Алишер Навоий салафлари ижодидан кенг ўрин олган ана шу вазнларга ҳам ўз ғазалиётида алоҳида диққат қилди ҳамда уларнинг ритм-оҳанг яратишдаги имкониятларини ўрганган ҳолда 79 ғазал битди. Ҳазаж баҳрининг Навоий фойдаланган олти рукнли ўлчовлари орасида ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари: мафоийлун мафоийлун фаулун) вазни алоҳида ажралиб туради. Шоир енгил, жозибадор, мумтоз ва халқ куйларига жуда мос бўлиб тушадиган ана шу вазнда жами 48 ғазал ёзди. Мазкур вазн асосида битилган

Қародур холу хатту кўзу қошинг,
Магар барини куйдурмиш қуёшинг.

Қил учи кўрмай оғзингдин нишона,
Анга ошиқ бўлубмен ғойибона.

Кўзунг сарфитнаи олам тушубтур,
Қошингдек янги бир ой кам тушубтур.

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Малолат даштида овора бўлмиш.

Не кун келгайки, келгай нозаниним,
Не хуш бўлгайки, бўлғай ҳамнишиним.

Юзунгким, тозароқдур барги гулдин,
Учар кўздин, вале чиқмас кўнгулдин

каби матлаъли ўнлаб ғазаллар билан чуқурроқ танишсак, уларнинг ҳар қайсиси услубан содда, ниҳоятда халқчил асарлар эканига ишонч ҳосил қиламиз. Бу, аввало, Навоийнинг халқчил вазнда ҳам мазмунан, ҳам шаклан халқона ғазаллар ёзишга интилишидан далолат беради. Иккинчидан, вазннинг ўзи ҳам услубан мураккаб асар битишга имкон бермайди. Бинобарин, шоирнинг ушбу вазнга муносабати унинг ижодига хос халқчилликнинг муҳим бир қирраси ҳам саналади.

Навоий охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан юқоридаги вазндан фарқланувчи ҳазажи мусаддаси мақсур (рукнлари: мафоийлун мафоийлун мафоийа) ўлчови асосида 27 ғазал ёзган эди. Уларда ҳам юқорида таъкидланган хусусиятлар бўртиб туради. Буни

Қатиқ дардим зулоли ишқ этар фош,
Сузук сув ичра қолмас ёшурун тош.

Не тонг, сориғ юзумда ашк рангин,
Ким киймиш сабзи талх ул сабзи ширин.

Қадинг деб сарвни жон бўлса хурсанд,
Ажаб ёлгондур аммо ростмонанд.

Юзунг равшан, энгинг ҳам равшан, эй ҳур,
Аларнинг шаънидин нурун алонур.

Жафода бор ул ой гардунга монанд,
Атога уйлаким хислатда фарзанд

каби жозибадор матлаълар билан бошланадиган ғазаллар каби қатор асарлар мисолида кўриш мумкин.

Навоий ўз ғазалиётида ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари: мафъулу мафоилун фаулун) ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийл) вазнларини ҳам синаб кўриб, олдингисида 2 та, кейингиси асосида биттагина ғазал яратган.

Ғамзангни киши назора қилмас,
Ким бағрини пора-пора қилмас.

Йуқ даҳрда гарчи ёр сендек,
Душман доғи қайда бар сендек.

Кўзунг не бало қаро бўлуптур,
Ким жонға қаро бало бўлуптур

матлаълари ғазаллар ана шу вазнлар асосида битилган.

Шоир ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи солими аруз ва зарб (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлун) вазнини ҳам синаш мақсадида

Боғ ичра чу гарм бўлди бозоринг,
Юз важҳ ила бўлди гул ҳаридоринг

матлаъли ғазалини ёзган эди.

РАЖАЗ БАҲРИ

Ражаз адабиётимизда Навоийгача ҳам анча кенг қўлланиб келган баҳрлардан бири саналади. Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий бу баҳр вазнлари асосида кўпгина дилбар ғазаллар битганлар. Алишер Навоий ҳам унинг 3 вазнидан фойдаланиб ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак 25 ғазал яратди.

Шоирнинг 16 ғазали ражази мусаммани солим (рукнлари: мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун) вазнида ёзилган. Бу асарларни кўздан кечирсак, танланган вазн маъшуқа портретини чизишда шоирга қўл келганини кузатамизки, буни

Қотил кўзунг атрофида мужгон чекибтур уйла саф,
Ким қатл этар ҳангомида қилғай ҳужум эл ҳар тараф.
Ой, кун – ато бирла ано, фарзанд сен бўлса, не тонг,
Ким сен саминдурсен, валек ул икки – андоқким садаф

байтлари билан бошланувчи ғазал мисолида яққол кўришимиз мумкин. Мазкур вазн ошиқ қиёфасининг анъанавий романтик тасвирини яратишда ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шоирнинг

Оҳимни сарсар айлабон, ашкимни тўфон айладинг,
Бу сарсару тўфон била оламни вайрон айладинг.
Бир дам юзини кўрган замон маҳрум этарга васлидин,
Эй йиғламоқ зўр айлабон, эй ашк, туғён айладинг

байтлари билан бошланадиган ғазали ана шундай асарлардан.

Ражази мусаммани солим вазнининг фазилатларидан бири унинг мумтоз куйларга мослигидир. Бу вазндаги кўплаб ғазалларнинг халқ севган қўшиқлар қаторидан ўрин олиши вазн жозибаси билан ҳам изоҳланади. Мазкур вазн асосида битилган

Бир кун мен ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб девонавор ўлтургуси.
Гар заъф ила ожизлигим кўнглига раҳме солса ҳам,
Бошимга еткоч, секретиб беихтиёр ўлтургуси.

матлаъли ғазалнинг севимли қўшиқлар сирасидан ўрин олиши мисолида фикримизнинг исботини кўриш мумкин.

Навоий ушбу вазнда ёзилган ғазалларининг аксариятида ички кофияларни қўллаб, улардаги оҳангнинг янада жозибадорроқ бўлишига эришади.

Вайронаедур масканим, андин манга бисёр ғам,
Оҳим била эшикда ўт, ашким била девор нам.
Нўшидин элга гуфтугў, эй ҳажр ичармен мен оғу,
Кош ўлсам-у кўнглимни бу андуҳин қутқорсам
Тандин ўқунгни чексалар оғрирдин эрмас шеваним,
Анда қилурмен навҳаким, айру туштар жондин таним.
Гулхан кули ичра ниҳон, жисмим жунундиндур нишон,
Бу телбалик барқи аён бўлғоч куюбтур хирманим.
Чекканда наққоши қазо ул сарви гулрух суратин,
Гўё бегонмай ташламиш тарҳ айлаб, ой, кун ҳайъатин.
То жилва қилди ул санам, Лайли сўзи бўлди алам,
Савдом ўти чеккач алам, паст этти Мажнун шуҳратин

байтлари билан бошланадиган ғазаллар бу услуб фазилатларини ўзида яққол акс эттиради. Навоийнинг мазкур вазндаги жами 7 ғазали шу усул асосида яратилган эди.

Мазкур баҳрнинг Навоий эътиборини ўзига жалб қилган вазнларидан яна бири ражази мусаммани матвийи махбун (рукнлари, муфтаилун мафоилун муфтаилуи мафоилун)дир. Бу вазндаги рукнлар таркиби, муфтаилун ва мафоилун рукнларининг изчил такрорлашиб келиши ғазалларга ўзига хос мулойим ўйноқи оҳанг бағишлайди. Шоир бу вазн имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланиб

Сувда юзунгму акси ё, чашми аро паримудур,
Чашмаи меҳр ичинда ё ламъаи Муштаримудур.
Куйи беҳишти жоридон ўзи беҳишт ичида ҳур,
Қомати лаъли англамон, тўтию кавсаримудур

байтлари билан бошланадиган ғазал каби қатор асарларда маъшуқанинг гузал тимсолини тасвирлайди. Бу латиф вазн ёрнинг латофати, шўх табиати тасвирига ҳам қўл келадики, буни

Ваҳ не бало экинким, ул чиқти самандин ўйнатиб,
Қошлари ёсини чекиб ғамзаси ўқларни отиб.
Фитна қилурга отланиб, гоҳ чопиб, гоҳи ёниб,
Ҳар тарафеким айланиб, ўзгача лаъб кўрсатиб

байтлари билан бошланадиган ғазал мисолида яққол кўриш мумкин.

Ражази мусаммани матвийн махбун вазни ошиқнинг ҳижрон онларидаги изтиробларини

Куйди кўнгулки, қолмади ашкда қонидин асар,
Қон демайинки, кўзда ҳам ашки равонидин асар.
Ҳуш асари йўқ эрди гар элга кўнгул фиғонидин,
Оҳки, қолмамиш анинг эмди фиғонидин асар

байтлари билан бошланадиган ғазалдаги каби таъсирчан ифодалаш учун қулай. Шоир вазн имкониятларини янада чуқурроқ кашф этиб

Гар аламима чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
В-ар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.
Ранжима йўқ эса адад, хост бу эрса найлайин,
Дардима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

сингари жозибадор байтлардан ташкил топган дурдона асарлар билан ўзбек адабиётини бойитди. Навоийнинг жами 8 ғазали мазкур вазн асосида ёзилган эди.

Шоир ушбу баҳрнинг форсий адабиётда қўлланган, лекин туркий шеъриятда фойдаланилмай келаётган баъзи вазнларини синовдан ўтказиб, ғазаллар ёзди ва уларнинг ритм-оҳанг имкониятларини кашф этди. Ражази мусаммани матвий шундай вазнлардан. Рукнлари муфтаилун муфтаилун муфтаилун муфтаилун тарзида бўлган бу вазн ўзига хос ёқимли оҳангга эга.

Буни шу вазн асосидаги

Бизга жаҳон боғидин ул сарви гуландом етар,
Ул чу етар сояи сарву майи гулфом етар,
Базм бу навъ ўлди эса нақли ҳадисин демаким,
Ғунча била наргисидин шаккару бодом етар.
Ҳар нафас, эй ишқ, онинг дарди ўтин кўнглума ёқ,
Бўлса бу марҳам чу онинг ранжиға ором етар

байтлари билан бошланадиган ғазал мисолида кўриш мумкин.

IIIундай қилиб, Навоий ражаз баҳри вазнларидан ўз ғазалиётида анча кенг фойдаланди. Буни қуйидаги жадвалда яна аниқроқ кўриш мумкин.

№	Шоир қўллаган вазнлар	I	II	III	IV	Жами
1. 2. 3.	Ражази мусаммани солим Ражази мусаммани матвийи махбун Ражази мусаммани матвий	5 2 1	1	7	3 1	16 8 1
	Жами	7	5	9	4	25

РАМАЛ БАҲРИ

Рамал туркий шеъриятда узоқ тарихга эга бўлган баҳрлардан бири ҳисобданади. Унга хос бўлган ёқимли оҳанг, куйга ниҳоятда мослиги, хилма-хил ғоя ва образларни бадиий ифодалаш учун қулайлиги мазкур баҳрнинг шеъриятимизда ниҳоятда кенг қўлланишига сабаб бўлган.

Алишер Навоий ҳам бу баҳрнинг сержило, ўйноқи, мусиқий вазнларидан баракали фойдаланди. «Ҳазойин ул-маоний»даги 2600 ғазалдан 1687 сининг ёхуд 65 фоизининг рамал баҳрида яратилиши Навоийнинг мазкур баҳрга бўлган катта қизиқишидан далолат бериб турибди.

Рамал баҳри форс ва туркий шеъриятда солим ҳолда қўлланмайди. Бунинг боиси мазкур вазннинг оҳанг хусусиятлари жиҳатидан чекланганлиги бўлса керак. Лекин Алишер Навоий ушбу вазнда ҳам ўз қаламини синовдан ўтказиб, бир ғазал битган эди.

Эй, жамолу раҳматиндин гар залилу гар муаззаз,
Сафҳаи кавнайн ўлуб отинг тирозин мутарраз.
Юз бу оламча яралиқ қудратинг оллинда жоиз,
Сад бикин ижод қилмоқ ўзгаларга йўқ мужавваз.
Мунча хилъат махзани инъому ташрифингдин ўлди,
Чарху тоғу баҳра атлас в-агар хора ва ҳар газ

байтлари билан бошланувчи ва, асосан, тасаввуф фалсафасидан нақл қилувчи ушбу ғазал рамали мусаммани солим вазнининг чиндан ҳам жозибадор эмаслигини исботлайди. Бу вазнда ёзилган лирик шеърларнинг шарқ куйларига мос келмаслиги ҳам унинг шеъриятимизда кам ишлатилишига боис бўлган эди.

Рамалнинг XIV аср бошларидан туркий, жумладан, ўзбек адабиётида фойдаланила бошлаган вазнларидан бири рамали мусаммани маҳзуф эди. Рукнлари фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (чизмаси: — V — — — V — — — V — — — V— —) тарзида бўлган ушбу вазннинг бир томондан халқ оғзаки ижодига мансуб «қўшуқ», «арзуворий», «Туркий» каби куйларга мослаб битиладиган шеърлар вазни бўлса, иккинчидан, унинг асосида ғазал ва мусамматлаър битишнинг қулайлиги, форсий адабиётда бўлганидек, ўзбек лирикасида ҳам катта ўрин эгаллашига сабаб бўлди. Бизгача етиб келган обидаларга қараб фикр юритганда, мазкур вазн «Қисаси Рабғузий» асаридан бошлаб қўлланганини таъкидлаш мумкин. Аслини олганда эса унинг форсий шеърият таъсирида илгарироқ, X-XI асрлардан бошлаб туркий шеъриятга кўчганини фараз қилишга ҳақлимиз.

Рамали мусаммани маҳзуф вазни Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби қатор сўз соҳиблари орасида кенг қўлланиб, унинг вазн-оҳанг имкониятлари яхшигина кашф қилинган эди.

Рамал баҳри Навоийни болалик чоғлариданоқ ўзига ром қилганлигини унинг хотиранамолари, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарида кўришимиз мумкин. Шоирнинг ўзи «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарида таъкидлаганидек, 1450-йилларнинг ўрталарида, 15—16 ёшлик чоғларида Сайид Ҳасан Ардашер унинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган.

Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.
Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга

матлаъли ғазалларини севиб ўқир эди. Алишер Навоий эса унга ўз ғазалиётидан асосий ўрин бериб, ўзбек арузининг энг жозибали, имконияти деярли чексиз бўлган вазн эканини узил-кесил исботлаб берди. «Хазойин ул-маоний»даги 2600 ғазалнинг 1101 таси (42 фоизидан ортиқроғи) шу вазнда эканлиги фикримизнинг исботи бўла олади.

Рамали мусаммани маҳзуф вазни маъшуқанинг гўзал рухсори, латофат ва назокат тасвири учун ниҳоятда қўл келган. Буни

Ложувардий қошинг узра зарварақ, тобонмудур,
Ё магар кўк тоқи узра анжуми рахшонмудур.
Зулфиму оҳим елидин совурур оламга мушк,
Е сабо таҳрикидин сунбул абирафшонмудур.

Хай чакан оразмудур ё ҳусни банди зулф аро,
Юз асир ўлгон кўнгуллар ҳолига гирёнмудур.
Зарварақдин шуълалардур ҳар тараф рухсориға,
Ё ул ўтлуғ юзда ҳарён бир кўнгул сўзонмудур

тарзида бошланувчи ғазал мисолида яққол кўриш мумкин. Шунингдек, шоир ғазалиётида асосий ўринни ҳижрон мавзуъи эгаллайди. Бинобарин, мазкур вазн кўплаб ғазалларда садоқатли ошиқнинг ички туғёнлари, алам-изтироблари, орзу-хаёлларини теран ва жозибали ифода этишга хизмат қилади.

Қасди жоним қилди ҳажр, эй қотили хунхор, кел,
Қон тўкуб жонимни олмоқ истасанг зинҳор, кел.
Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,
Нотавон жисмимга тушган шуъла жоним ўртади.
Гул сочар ел боғ аро сарви равоним келдиму,
Жон иси гули келур, ороми жоним келдиму
Тонг насимин сойир эткан гул узоримдур менинг,
Секритиб майдонга кирган шаҳсуворимдур менинг

матлаъли ғазаллар каби ўнлаб, юзлаб шеърлар фикримизнинг далилидир.

Юқоридаги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланувчи амали мусаммани мақсур (рукнлари: фоилотун фойлотун фоилотун фоилон, чизмаси: —V— — —V— — — V — — —V ~) вазни бир қадар салобатлироқ оҳангга эга. Охирги ҳижо таркибидаги чўзиқ унли, шунингдек, қўш ундош вазнга муайян вазминлик бағишлайди. Бинобарин, унинг воситасида маҳзун кечинмаларни янада таъсирчанроқ ифодалаш имконияти мавжуд. Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий ижодида ҳам бу вазнда анчагина ғазаллар битилган. Алишер Навоий ўзининг «Хазойин ул-маоний» қуллиётидаги 334 ғазални шу вазнда ёзиб, унинг имкониятларини янада кенгайтирди. Буни

Қон ёшим сориғ юз узра ошкор этти фироқ,
Заъфарон зоримни ғамдин лолазор этди фироқ.
Топмин ул юз қатра-қатра хайдин ўзга обу тоб,
Қайда, ваҳ-ваҳ, мунча кавкаб зоҳир айлар офтоб.
Неча тортай васл учун мен зори маҳзун интизор,
Ваҳки, кўздин тўкти селоби жигаргун интизор
Кўкрагимдур субҳнинг пийроҳанидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намрокрок.

матлаъли ғазаллар каби кўплаб асарлар мисолида кўришимиз қийин эмас. Кейинги ғазал матлаъсига диққат қилсак, охирги руки ўрнида келган икки ўга чўзиқ ҳижо, улар таркибидаги икки чўзиқ «о» унлиси туфайли вазнга янада салобатлироқ оҳанг бағишлаётганини кузатамиз.

Рамали мусаммани машкул (рукнлари: фаилоту фоилотун фаилоту фоилотун, чизмаси: V V —V — V — — — — V V — V — V — —) вазни шеъриятда деярли қўлланмайдиган вазнлардан саналади. Унда чўзиқ ва қисқа ҳижоларнинг тенг миқдорда бўлиб, уларнинг анча

номақбул ҳолда жойланиши оҳангга жиддий путур еткизади, бунинг устига мазкур вазнда ёзилган шеърларнинг мусиқага тушиши ҳам мушкулроқ. Шунинг учун бўлса керак, ўзбек шоирларининг кўплари уни қўлламайдилар. Айрим етук ижодкорларгина, бу вазнни синаб кўриш мақсадида бўлса керак, 1-2 тадан ғазал ёзиб кўрганлар, холос: Навоийга қадар рамали мусаммани машкул вазнини Лутфийгина қўллаб, икки ғазалини унинг асосида битган эди. Буни Қози Бурҳониддин арузининг таъсири билан изоҳлаш тўғрироқ бўлар. Зеро, туркий аруз ривожига кучли таъсир кўрсатган Қози Бурҳониддин мазкур ноқулай вазнда ўзининг 25 ғазалини битиб, унинг озарбайжон тилига мослигини атрофлича исботлаб берган эдики, бу фикрнинг далилини унинг

Кўзума кўрина келди ёрими хаёлини кўр,
Дилу жонни шул дам олди сен анинг камолини кўр[1],

ёки

Неча урди юрака ўх, қонамали кўзларидан,
Э, неча аёхлар ичди, қонамади қўзларидан[2]

ёки

Бу на сунбули тарилур, бу на зулфи анбаридур,
Ажабо, банарми ёхуд малакми ва ё паридур[3]

матлаъли ғазаллари каби ўнлаб шеърлар мисолида кўришимиз мумкин.

Алишер Навоий рамали мусаммани машкул вазнида ўзининг биттагина ғазалини ёзди. Бу билан ана шу вазннинг оҳанг-ритм имкониятларини синаб кўрган бўлса, ажаб эмас.

Яна шуълалиқ кўнгулни ғаминг этти пора-пора,
Буки бутрашур, эрур поралари, эмас шарора
Улус ичра оразингдин назар онга асрадимким,
Ола олмағум кўз ўлгунча гар айласам назора?
Мени телба бирла Фарҳод орасида фарқ кўптур,
Анга хора қозмоқ иш, ваҳки, ёғиб бошимга хора

байтлари билан бошланадиган бу ғазал мазкур вазн хусусиятларини ёрқин акс эттиради.

Рамали мусаммани махбун (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун фаилотун, чизмаси: — V — — V V — — — V — — V V — —) ҳам шеъриятда кам қўлланган вазнлардан. Навоийнинг салафлари ижодида бу вазндан фойдаланилмаган. Шоир эса унинг имкониятларини кашф этибгина қолмай, 10 та ғазалини шу вазн асосида яратди. Унинг «Бадоеъ ул-билоя» девонидаёқ

Субҳи давлат юзунг, эй, тавсани гардун санга ашҳаб,
Бошинг устидаги дур уйлаки, тонг бошида кавкаб

матлаъли ажойиб ғазалини учратамиз. Кейинги девонларидаги

---

[1] Гази Бурхониддин. Диван. Озарбайжон давлат нашриёти, Боку, 1988, 222-бет.
[2] Ўша асар, 283-бет.
[3] Ўша асар, 453-бет.

Бу на қомат, бу на рафтору, на шаклу, на шамойил,
Ким этар ақлни мадҳуш, доғи ҳушни зойил.
Неча кундурки хабар топмамишам сиймбаримдин,
Не асардур хабаримдин, не хабардур асаримдин

матлаъли ғазаллар каби қатор асарларида мазкур вазннинг оҳанг-ритм имкониятлари яна кенгроқ очилган эди.

Навоий рамал баҳрининг 8 рукнли махбуни маҳзуф вазнида иккитагина ғазал ёзган. Рукнлари фоилотун фаилотун фаилотун фаилун (чизмаси: — V — — V V — —V V — — V V —) тарзида бўлган бу вазн шоирнинг машҳур

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар биринг дарду балосинму дейин

деб бошланувчи, шунингдек,

Сарвнинг соясида бодаи гулфом керак,
Бўлди чун иккиси, бир сарви гудандом керак

матлаъли ғазалларида қўлланган.

Ҳар икки ғазалга хос бўлган фазилат шундаки, Навоий уларни рамал баҳрининг асосан кўп вазнли тарзда фойдаланиладиган ўлчовида ёзган, бинобарин, мазкур ўлчовни якка вазнли ғазал яратишда синаб кўришни мақсад қилиб қўйган. Ҳар икки ғазали билан танишсак, Навоий уларнинг янги имкониятларини кашф этганини кўрамиз.

Рамали мусаддаси маҳзуф (рукнлари: фойлотун фоилотун фоилун, чизмаси: —V— — —V— — — V —) юқоридагидан бир фоилотун рукнининг камлиги билан фарқланувчи олти рукнли вазндир. Навоийга қадар бу вазн ўзбек ғазалиётида деярли қўлланмаган. Лутфийнинг бизгача етиб келган ғазаллари ичида шу вазндаги биргина асар учрайди, холос. Туюқ ва қитъа жанрларида кенг фойдаланилган мазкур вазннинг ғазалиётда кўп қўлланмаслиги, бизнингча, унинг мусиқавий имкониятлари торлиги билан изоҳланади.

Алишер Навоий ғазалиётида ҳам бу вазнга кам мурожаат қилинганини кўрамиз. Шоир 5 тагина[1] ғазалини мазкур вазн асосида ёзган эди.

«Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган
Шаҳсуворим ҳар қачон жавлон қилур,
Маҳв ўлуб билмон ўзумни ҳақ билур.
Эй чучук жоним, сенинг ширин лабинг,
Меваи жоним турунжи ғабғабинг.
Икки ғунчанг эрмас, эй гулчеҳра, тенг,
Оғзинг асру тору кўнглунг асру кенг;

«Бадоеъ ул-васат» девонидаги

Жавр ўқин Хоки танимга урма кўб,
Кўкка бу туфрони совурма кўб;

«Фавойид ул-Кибар» девонидаги

Соқиё ҳижрон тунидур, бода тут,
Ул қуёш бирла бу шомимни ёрут

[1] «Ғаройибус сиғар»нинг 1959 йилги нашри иловасида 356, 643-ғазаллар мазкур вазнга нисбат берилган. Ҳақиқатда улар ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилгани аниқланди.

матлаъли ғазаллар ана шу вазн заминида яратилган.

Рукнлари фоилотун фоилотун фоилон (чизмаси: —V— — —V— ——V ~) тарзида бўлган рамали мусаддаси мақсур вазни ҳам негадир ғазалиётимизда Навоийга қадар жуда кам қўлланган. Лутфий асарлари ичида шу вазнда ёзилган биргина ғазал учрайди, холос. Алишер Навоий мазкур вазн имкониятларини кашф этиш мақсадида ўзининг уч ғазалини[1] унинг асосида яратди.

Улар "Наводир уш-шабоб" девонидаги

Ишқ солди хонумоним ичра ўт,
Лаъл оташноки жоним ичра ўт.

Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол,
Мен ёмон бордим вале сен яхши қол.

"Фавойид ул-кибар" девонидаги

Эй хаёлингдин манга ҳар дам нишот,
Кўнглума васлинг сўзидин инбисот.

матлаъли ғазаллардир.

Навоий рамал баҳридан кўп вазнли ғазаллар яратишда кенг фойдаланди. Маълумки, кўп вазнлилик рамал баҳрининг саккиз ва олти рукнли махбуни маҳзуф, махбуни мақсур, махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари иштирокида, уларнинг ғазал мисраларидаги алмашиниб қўлланиши шаклида намоён бўлади.

Адабиётшунослигимизда бу хил ғазалларнинг вазн хусусиятларини уларнинг матлаъи асосида белгиланиб келди. Жумладан, "Хазойин ул-маоний"нинг 1959-60-йилларда ЎзФА нашриёти томонидан чоп этилган девонлари иловасида шу хил йўл тутилган, яъни рубоий ва қитъаларнинг вазнлари (уларнинг 2,3,4 вазнда битилганлиги) тўғри ифодалангани ҳолда, ғазалларга хос кўпвазнлилик акс этмай қолган. Ваҳоланки, бу усул ғазалларнинг вазн хусусиятларини бузиб кўрсатишга олиб келади. Зеро, асарда фойдаланилган вазнларнинг барчасини ифодада акс эттириш ғазалларнинг ўқиш вақтида қўл келганидек, шоирнинг вазндан фойдаланиш маҳоратини англаб етишга ҳам йўл очади.

Алишер Навоий юқорида кўрсатилган вазнлар асосида ўз ғазалларининг бир қисмини кўп вазнли асарлар сифатида яратар экан, яккаоҳангликдан қочиб, мисралардаги оҳанглар жилосидан, уларнинг алмашиниб туришидан ўз ғоя ва тимсолларининг жозибали ва таъсирчан ифодаланишига эришиш мақсадини назарда тутган эди. Унинг шу усулда рамал баҳри вазнлари асосида яратилган жами 229 ғазали шоирнинг ўз мақсадини моҳирлик билан амалга ошира олганидан далолат беради.

Навоийнинг кўпвазнли ғазалларидан 181 таси 8 рукнли асарлардир. Уларнинг 89 таси рамали мусаммани махбуни маҳзуф, 21 таси махбуни мақсур, 53 таси махбуни мақтуъ ва 18 таси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларидаги матлаълар билан бошланади. Лекин уларнинг таркибига назар ташласак, ҳар қайси ғазал 2,3,4 вазн асосида ёзилганини осонлик билан аниқлай оламиз.

[1] «Наводир уш-шабоб» девонининг 1959 йилги нашри иловасида 147-ғазал шу вазнга нисбат берилган. Аслида, у рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазнида.

Таъкидланган ғазаллардан 46 таси икки вазнлидир. Уларнинг вазн хусусиятларини синчиклаб кузатсак, 36 асар рамали мусаммани махбуни маҳзуф ва рамали мусаммани махбуни мақтуъ (рукнлари: фоилотун, фаилотун фаилотун фаълун, чизмаси: – v – – v v – – v v – – – –) вазнларининг ўзаро алмашинувига асосланганини кўрамиз. Байтларнинг аруз ва зарбида фаилун ва фаълун рукнларининг эркин алмашинуви шоирга сўз танлаш, оҳанг ўзгаришларидан муайян ғояни таъкидлаш учун фойдаланиш имконини беради.

Қўшвазнлиликнинг мазкур кўриниши шу билан ҳарактерланадики, шоир матлаъни у ёки бу вазндан бошлар экан, қофияланмайдиган мисраларда ҳар икки вазннинг исталганини қўллай беради. Матлаъдагидан ўзга вазн бир ёки бир неча мисрада фойдаланиши мумкин. Шу тарзда ёзилган “Кўнгул” радифли ғазал фикримизнинг исботи бўла олади:

Ёр қутлуғ юзидин қолди чу маҳрум кўнгул,
То нелар бошима келтургусидур шум кўнгул.
Ёр борди, кўнгул андин бурун итти гўё,
Бир нима ёрдин айлаб эди маълум кўнгул.
Давр зулм айлару, давр аҳлию давр офати ҳам,
Неча золимға асир ўлғуси мазлум кўнгул.
Раҳмат ул кофири қотилғаки, бедод чоғи,
Раҳм қилмас нечаким бор эса марҳум кўнгул.
Ғунча оғзи аро расм этса ул ойнинг оғзи,
Топқуси доираи нуқтаи мавҳум кўнгул.
Кўп вафо истадию топмади элдин гўё,
Ким вафодек ўзини айлади маъдум кўнгул.
Ёр мавзун қади васфида Навоий янглиғ
Назм жавҳарларини қилғуси манзум кўнгул.

Ғазалга диққат қилсак, матлаъ ва қофияланувчи мисралар рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида бўлиб, 2,4,5,6,7-мисралар рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнида ёзилганини кўрамиз. Бу эса фақат оҳанг ранг-баранглигигагина эмас, керакли сўзларни эркин қўллашга ҳам имкон берган.

3 ғазал рамали мусаммани махбуни мақсур ва рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнларининг, 3 ғазал рамали мусаммани махбуни мақсур билан рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнларининг, 2 ғазал рамали мусаммани махбуни маҳзуф билан рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларининг, яна 2 ғазал рамали мусаммани махбуни мақтуъ ва рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларининг иштирокидаги қўшвазнлилик заминида яратилган.

Навоий рамал баҳрига мансуб юқоридаги 8 рукнли ўлчовлар асосида ўзининг 82 ғазалини уч вазнли асарлар сифатида яратди. Улар ичида икки гуруҳ ғазал алоҳида ажралиб туради. Бу гуруҳдан бири рамал баҳрининг саккиз рукнли махбуни маҳзуф, махбуни мақсур ва махбуни мақтуъ вазнлари заминида битилган уч вазнли 34 ғазаллардан ташкил топган. Иккинчи гуруҳ рамал баҳрининг саккиз рукнли махбуни маҳзуф, махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида битилган 32 ғазални ўз ичига олади.

Навоий рамал баҳрининг 8 рукнли махбуни мақсур, махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари иштирокида фақат 10 та, махбуни мақсур, махбуни маҳзуф

ва мақтуъи мусаббағ вазнлари иштирокида олтитагина ғазал ёзган. Кўринадики, Навоий юқоридаги вазнлардан иккитаси рамали мусаммани махбуни маҳзуф ва рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнларини бошқа икки вазнга қараганда мақбулроқ кўрган ва кўпвазнли ғазалиётидаги аксарият мисраларини улар асосида яратган. Бошқача айтганда, шоир юқоридаги 4 вазннинг охири ўта чўзиқ ҳижо билан тугалланадиганларига камроқ мурожаат этган. Юқорида келтирганимиздек, 144 ғазалнинг охирги ҳижолари чўзиқ бўлган махбуни маҳзуф ва махбуни мақтуъ рукнлари билан тугалланувчи икки вазнда битилган матлаълар билан, фақат 33 ғазалнинг ўта чўзиқ ҳижолар билан тугалланувчи махбуни мақсур ва махбуни мақтуъи мусаббаг рукнли вазнлардаги матлаълар билан бошланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Навоийнинг рамал баҳридаги саккиз рукнли ўлчовларда ёзган ғазалларидан 53 таси тўрт вазнли асарлардир. Уларда шоир юқоридаги вазнларнинг тўртталасидан ғазалнинг исталган мисрасида фойдаланаверади. Кўпинча матлаъъда қўлланган вазн ғазалнинг қофияланувчи барча мисраларида келиб, тоқ мисраларда уч вазнга мурожаат қилинади. Қуйидаги ғазалда бу хусусиятни яққол кўриш мумкин.

Қони бир чеҳраки, майл этгай анга хаста кўнгул,
Қони бир зулфики, бўлгай анга вобаста кўнгул.
Захми оғзида лабинг зикрию аҳволи қатиқ,
Жон етиб оғзига ҳол устидадур хаста кўнгул.
Фусса тирноғи билаким қилур атрофини реш,
Нақш этар эгма қошинг шаклини пайваста кўнгул,
Ғам ёмон бузди эса кўнглум уйинким, қўймас
Махзани ишқини то бўлмаса шойиста кўнгул.
Таҳ-батаҳ қон демаким, икки юзунг шавқидин
Дард боғида қилур лолаву гулдаста кўнгул.
Кўнглунг ар бўлмаса вобаста, тонг эрмас, эй шайх,
Борму охир бори олам аро вораста кўнгул.
Зулмидин деса Навоийки, қилай ишқин тарк,
Манъ этиб ичкаридин ёлборур оҳиста кўнгул.

Ғазал вазнига диққат қилинса, матлаъъ ва қофиядош мисралар рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида бўлиб, бешинчи мисра рамали мусаммани махбуни мақсур, 7, 9-мисралар рамали мусаммани махбуни мақтуъ, 11, 13-мисралар эса рамали мусаммани махбуни мактуъи мусаббағ вазнида эканини аниқлаш қийин эмас. Кўпвазнлилик шоирга асарнинг муайян ўринларида ғазал ғояси тақозо этаётган муҳим сўзларни эркинлик билан ишлатиш, айни вақтида оҳанг ранг-баранглигини таъминлаш имконини берганлиги ҳам кўриниб турибди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, шоир матлаъъунинг бир вазнда бўлишини шарт деб ҳисобламайди. Унингча, матлаъъдаги икки мисра ўзаро яқин икки вазнда ҳам бўлиши мумкин. Шу туфайли қатор ғазаллардаги матлаълар қўшвазнлидир,

Кўнглакинг барги гулу устида гулранг йилак,
Гул киби жисминг уза уйлаки гулгун кўнглак,

ёки

Ишқ қолтурса ишим дайри фано азмида ўнг,
Хонақоҳ кунжи ҳавас айламайин андин сўнг

каби матлаъларда биринчи мисра рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида бўлса, иккинчиси рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнида келган. Бу эса шоирга матлаъда ҳам сўз танлаши эркинлигини таъминлайди.

Навоий ўзининг 48 ғазалини рамал баҳрининг олти рукнли рамали мусаддаси махбуни мақсур, рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, рамали мусаддаси махбуни мақтуъ ва рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари асосида яратди. Уларнинг вазн-оҳанг хусусиятларини кўздан кечирсак, саккиз рукнли вазнлар билан яқин ўхшашликни кўрамиз.

Шоирнинг 9 ғазали икки вазнли асарлар тарзида яратилди. Шуниси қизиқарлики, улардан биттасигина ўта чўзиқ ҳижолар билан тугалланувчи рамали мусаддаси махбуни мақсур ва рамали мусаддаси махбуни маҳзуф вазнларида ёзилган бўлса, 8 тасида чўзиқ ҳижолар билан тугалланувчи рамали мусаддаси махбуни маҳзуф ва рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазнлари қўлланган. Жумладан,

Борур ул маст яна ноз айлаб,
Халқ ила арбада оғоз айлаб

байти билан бошланадиган ғазалнинг матлаъси ва қофиядош мисралари рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнида бўлса, қофияланмайдиган барча мисралари рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнидадир. Бу хусусият ғазалга айрича оҳанг бағишлаган. Зеро, аввалги мисралардаги енгилроқ оҳанг қофияланувчи мисраларда зарбли, вазмин оҳанг билан алмашинади.

Олти рукнли вазнлардан фойдаланган ҳолда Навоий 24 та уч вазнли ғазал яратган. Бу асарларнинг вазн хусусиятларини кузатсак, шоир аксар ҳолларда чўзиқ ҳижо билан, махбуни маҳзуф ва мақтуъ рукнлари билан тугалланувчи вазнларда фойдаланганини кўрамиз. 15 та ғазалнинг рамал баҳрига мансуб 5 рукнли махбуни мақсур, махбуни маҳзуф ва махбуни мақтуъ, 7 ғазалнинг махбуни маҳзуф, махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари асосида ёзилгани ҳолда фақат иккитагина асарнинг бошқа вазнларда битилиши ҳам шундан далолат беради. Уч вазнли ғазаллардан 23 тасининг рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, 15 тасининг рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазнларидаги матлаъълар билан бошлангани ҳолда фақат 7 ғазалда матлаъънинг рамали мусаддаси махбуни мақсур вазнида, 2 ғазалдагина рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағда бўлиши ҳам шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

Жумладан,

Ул париваш эрур андоқ нозук,
Ким, қуёш партавидур жисмига юк
Гарчи қотил кўзидин ўлса тирик,
Тирилур нўши лабидин ҳам ўлук.
Кўнглума ўқ уза ўқ отти кўзинг,
Не ажаб бўлса тешук узра тешук.
Қотмангиз лаъли уза оби ҳаёт,
Гарчи бу шарбат эрур асру чучук.
Шавқ ўтин ғайр ила ёрутти чу ёр,
Кўнглума тўшти менинг асру куюк.

Соқиё, бода лабингдек тутгил,
Ким ичимда ғам эрур юз турлук.
Ташлаб ўзлукни, Навоий, қадам ур,
Ким, йироқ йўлдуру бу оғир юк

Ғазал матлаъсидаги биринчи мисра ҳамда 11, 12, 14-мисралар рамали мусаддаси махбуни мақтуъ, 7, 9-мисралар рамали мусаддаси махбуни мақсур, қолган мисралар эса рамали мусаддаси махбуни маҳзуф вазнида битилган. Кўпвазнлилик оҳанглар ранг-баранглигини таъминлагани яққол сезилиб турибди.

Навоий рамал баҳрининг олти рукнли вазнларида ҳам тўрт вазнли ғазаллар яратди. Шу хил вазн хусусиятларига эга бўлган 14 асар билан танишсак, шоир оҳанглар жилосидан усталик билан фойдаланиб, ўқувчи диққатини энг муҳим мисралар, сўзларга жалб қилаётганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан,

Холу хаттинг уза, эй турфа санам,
Айладинг нуқта хат устида рақам.
Тушти кўз зулф ила оғзингга, не тонг,
Айласа ишқ вужудимни адам.
Ўқи захми ила куйдурдум доғ,
Қароси захм уза бўлди марҳам.
Ўзига қилмаган ўзлукни ҳарам,
Ҳарами ишқ аро бўлмас маҳрам.
Ки на Жам қолди-ю на Искандар,
Итти ул жом ила ул кўзгу ҳам.
Шод бўлким, икки олам қоми,
Арзимаским, егасен бир дам ғам.
Эй Навоий, санга саъб ўлса хирад,
Телбалик силсиласин тут маҳкам

ғазалини кўздан кечирсак, ундаги матлаъ, 2,3,13-мисралар рамали мусаддаси махбуни маҳзуф, 6,8,9,10,11,12,14-мисралар рамали мусаддаси махбуни мақтуъ, 5-мисра рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ ва 7-мисра рамали мусаддаси махбуни мақсур вазнида ёзилганини кўрамиз. Ғазалнинг эътиборга лойиқ яна бир жиҳати қофияланувчи мисралардан анчасининг матлаъдагидан ўзгача вазнда бўлишидир.

Шундай қилиб, Навоий рамал баҳрининг хилма-хил вазнларидан моҳирона фойдаланиб кўплаб теран мазмунли жозибадор ва таъсирчан ғазаллар яратди.

МУЗОРЕЪ БАҲРИ

Музореъ баҳри XIV асрга келиб туркий адабиётлардан мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Қози Бурҳониддиннинг 1300 ғазалидан 172 таси мазкур баҳр вазнлари асосида битилган бўлса, Атойи, Саккокий, Лутфий, Гадоийлар ижодида ҳам ушбу баҳр вазнлари қўлланиб яратилган ғазаллар анчагина учрайди. Алишер Навоий ҳам ўз ғазалларининг каттагина қисмини – 75 тасини шу баҳрдан фойдаланиб яратди.

Музореъ баҳри вазнлари орасида музореъи мусаммани ахраб (рукнлари: мафъулу фоилотун мафъулу фоилотун) ўзининг ёқимли оҳанги билан алоҳида ажралиб туради. У хилма-хил ғоялар, туйғуларни ниҳоятда жозибадор, ўта мусиқий тарзда ифодалашга қулайлиги туфайли шоирлар эътиборини қозонган эди. Навоий унинг ритм-оҳанг яратиш имкониятидан муҳаббат кечинмаларини таъсирчан акс эттирувчи дилбар ғазаллар ёзишда моҳирлик билан фойдаланди.

Гулгун енг ичра илгин ул мушкбу ғазола,
Ё ранг қилди мушкин ё қўлга тутти лола.
Ошуфта сочин ул гул йиғди-ю тишлаб ўрди,
Гарчи қилур паришон сунбулға етса жола.
Юз даврида қирондур ё анжум инжусидин
Гардун териб мунаввар қилди қамарға хола.
Ёғлиқ иликда таҳ-таҳким нақши хат ёзилмиш,
Жавру жафо фанида ёздинг магар рисола.

каби сержилва мисраларда гўзал маъшуқа қиёфаси ғоят санъаткорона чизилган.

Жозибадор вазн ёр чеҳраси, латиф хатти-ҳаракатларини жўшқин, романтик оҳангда тасвирлаш имконини берган шоирга.

Навоий ушбу вазн асосида шеър битар экан, ҳижрон дарду алами ошиқнинг мунгли кечинмаларини ҳам ниҳоятда таъсирли чизади:

Кулбамга баски гардун ғам тоши ёғдурубтур,
Сабрим уйидек ул ҳам емрулгали турубтур.
Не лоладур, не лолаким умр ўйин бузарға
Кўк раъдлар қозонин тоғ устидин қурубтур.
Фурқат туни эмаским, ҳижронда куйган элнинг
Куйган кулини даврон гардунға совурубтур.

ёки

Бир қатла бўлса эрди ул гул узор ошиқ,
Бўлғайму эрди мунча оллида хор ошиқ.
Ишқ ичра куйса эрди бир тун қилур эди раҳм,
Ғам шоми оҳ ўтидин чекса шарор ошиқ.
Жонни фидоси қилсам, таън этмангизки, бордур
Ёр оллида ўларга беихтиёр ошиқ.

каби завқёб байтлар билан бошланадиган қатор ғазаллар мисолида бу фикр исботини кўриш қийин эмас.

Навоийнинг жами 11 ғазали мазкур вазн асосида яратилган.

Шоир охирги бўғиннинг ўта чўзиқлиги билангина юқоридагисидан фарқланувчи музореъи мусаммани мусаббағ (рукнлари: мафъулу фоилотун мафъулу фоилийён) вазнида бир ғазал ёзиб, унинг оҳанг имкониятларини синовдан ўтказган эди.

Рухсори жонибинда ул холи анбар олуд,
Ўт гўшасида гўё анбар тутуб қилур дуд.

Баҳри ғам ичра ашким кўнглига раҳм солди,
Дарё мусофиримен – гардундин айлаган суд.
Базми ғамида шоҳмен, сориғ юзумда қон ёш,
Бу лаъл ранг бода, ул соғари зар андуд.

байтлари билан бошланадиган ушбу ғазал ҳам ёқимли, мусиқий оҳангга эга.

Музореъ баҳрининг энг матбуъ – шоирларга мақбул бўлган вазнлардан бири музореъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (рукнлари: мафъулу фоилоту мафоийлу фоилун)дир. Форсий шеъриятда жуда кенг қўлланган бу вазнда туркигўй ижодкорларнинг ҳам мазкур баҳрдаги ғазалларининг аксарияти битилган. Қози Бурҳониддиннинг шу баҳрдаги 172 ғазалидан 160 таси, Лутфийнинг 42 ғазалидан 39 таси шу вазн асосида ёзилган эди.

Вазннинг бунчалик эътибор қозонишига сабаб аввало, унинг шашмақом куйларига мослигидир. Бу вазндаги ғазаллар “Дугоҳ”, “Сегоҳ” каби куйларга жуда қойилмақом бўлиб тушади.

Навоий ушбу мазкур вазнда ўзининг 47 ғазалини битган. Бу ғазалларни кўздан кечирсак, танланган вазн шеърдаги мазмуннинг ниҳоятда теран ифодасига хизмат қилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бу кеча шамъу субҳ ёқо чок қилдилар,
Гўёки ўлмакимни фироқинғда билиар
Ишқим зуғури Вомиқу Мажнунга урди хат,
Гар ишқ дафтарида бурунроқ битимдилар
Кўйида иттилар яна жону кўнгул қочиб,
Ҳар қатлаким кўб истаб аларни топилдилар
Кўксумни тийғи меҳнат ила ёра айлангиз,
Тортиб узунг кўнгулнию юз пора айлангиз
Ҳар порасини куйдурубон кул қилиб сочиб,
Ҳар заррасини бир сори овора айлангиз
Ул кулдин айлабон фалак оҳим шарорасин,
Ҳар жонибида кавкаби сайёра айлантиз

байтлари билан бошланадиган асарлар каби кўплаб ғазаллар мазкур вазн шоирнинг аксарият ҳижрондан шикоят мавзусига бағишланган шеърларида кенг қўлланганлигидан далолат беради.

Шоир ғазалиётидан анча кенг ўрин олган музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур (рукнлари: мафъулу фоилоту мафоийлу фоилон) вазни юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланади. Аруз ва зарб ўрнида келувчи фоилон рукни туфайли вазн янада салобатлироқ оҳанг касб этади. Шунинг учун ҳам мазкур вазн ҳар қайси шоирнинг диққат марказида турган. Навоий ушбу вазнни ўзининг 15 ғазалида қўллаган эди.

Эл дарди ёрдин кам ўлур, менда ёр йўқ,
Кўнглумда юз туман ғаму бир ғамгусор йўқ,
Жон риштасини чирмалим ўқунта, войким,
Тийғинг бағирни ёрди-ю тикмакка тор йўқ.

Деманг ғамида йиғлама кўп ихтиёрсиз,
Беихтиёрликда мана ихтиёр йўқ

байтлари билан бошланадиган ғазалга ўхшаш кўплаб асарларда бу вазннинг оҳанг имкониятлари ўзининг ёрқин аксини топган.

Навоий музориъ баҳрида ҳам янги ўлчовларни ўзбек шеъриятига олиб кириш мақсадида адабиётимизда қўлланмаган бир вазнда ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак ғазал яратган эди. Бу – музориъи мусаммани ахраби макфуфи солими аруз ва зарб вазни бўлиб, рукнлари мафъулу фоилоту мафоийлу фоилотун тарзидадир. Ушбу вазн хусусиятлари унинг асосида ёзилган ва

Кофургун либос аро ул сарвиноз экинму,
Ё шами ҳажр дафъиға шамъи тироз экинму
Қатл айларида даҳр эли бош қўйдиларму эркин,
Ё қиблаи жамолиға эл саждасоз экинму
Елму ниҳолларни чаманда хам этти ёхуд
Ул сарвиноз олдида аҳли ниёз эканму

байтлари билан бошланадиган ғазалда ўзининг ёрқин ифодасини топган эди.

ХАФИФ БАҲРИ

Хафиф баҳри Навоийга қадар умуман туркий адабиётларда, хусусан ўзбек шеъриятида кам қўлланган ўлчовлардан саналади. Тўғри, Қози Бурҳониддиннинг 1300 ғазалидан 61 таси, Ҳофиз Хоразмийнинг 1052 ғазалидан 30 таси шу баҳр асосида яратилган. Лекин Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий каби шоирлар бу баҳрда жуда кам асар яратганлар. (Атоийнинг биттагина, Лутфийнинг 4 ғазали хафиф баҳрида ёзилганлиги аниқланган).

Алишер Навоий хафиф баҳрида жами 13 тагина ғазал битган, холос. Уларда хилма-хил лирик кечинмалар ниҳоятда ихчам ҳолда ифодаланади. Одатда бундай шеърлар етти байтдан ошмайди, шунинг ўзи ҳам шоирдан кичик шеърий шаклда ранг-баранг туйғуларни катта маҳорат билан мужассамлантиришни талаб қилади.

Маълумки, хафиф баҳри кўпвазнлилик хусусиятига эга. Бир вазнда ёзилган шеърлар бу баҳрда деярли учрамайди. Бу баҳр вазнлари асосида камида икки вазнли асарлар яратилади.

Навоийнинг мазкур баҳр асосида битилган ғазалларидан 3 таси хафифи мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф ва хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ вазнларида. Биз шоирнинг охирги рукнлари фаилун ва фаълунга тенг бўлган вазнлардан кўпроқ фойдаланганини рамал баҳри хусусидаги баҳс давомида ҳам таъкидлаган эдик. Унинг хафиф баҳрида ёзилган ғазалларига ҳам ана шу хусусият хосдир. Бу икки вазндан фойдаланиш шоирга оҳангни истаган ўринда ўзгартириб боришга, сўзларни ғоя, образ талабидан келиб чиққан ҳолда эркинлик билан танлашга имкон беради. Шу хил вазн хусусиятларига эга бўлган бирон ғазални кўздан кечирсак, таъкидлаган фикрларимиз аён бўлади.

Телбалик сенсиз, эй пари, менга иш,
Кўксума тош урармен, эгнима ниш
Нахли айним кўнгорди уйда ғаминг,

Ким маконида қолмади қиртиш.
Новакинг касрати кўнгул ичида,
Ўйлаким найситон ичинда қамиш.
Ё қошинг бирла қилди чун даъви,
Катл учун бўғзига солилди кериш.
Зулфи жисмингга рангу нозуклук,
Кўринур ул сифатки қоқуму киш.
Не учун бўлди лаългун ашким,
Гар юрак қони эрмас анда қотиш.
Май кўп ичсам, ажаб йўқ, эй соқий,
Қон ютарларда қилмишам варзиш.
Барги гулхан сочилди кўйи аро,
Ул менинг пора-пора кўнглум эмиш.

Келтирилган ғазалга диққат қилинса, унинг матлаъъси, қофияланувчи, шунингдек, 3, 5, 15-мисралар хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун мафоилун фаилун), 7, 9, 11, 13-мисралар эса хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ (рукнлари: фоилотун мафоилун фаълун) вазнида ёзилганини кўрамиз. Кейинги вазн ғазалда шоир учун муҳим бўлган даъви, нозуклик, ашким, соқий каби сўзларни қофияланмайдиган мисраларнинг охирида қўллашга йўл очган, айни чоғда, оҳанг жилосига имконият яратган.

Шоир битган 3 ғазал уч вазнли асарлардир. Уларда хафиф баҳри вазнларининг хилма-хил таркибларидан фойдаланилган.

Чунончи,

Лаб уза хатти анбаролуди,
Оташин лаълининг эрур дуди

байти билан бошланувчи ғазалнинг аксарият мисраларида юқоридаги икки вазн қўллангани ҳолда бешинчи байтнинг қофияланмайдиган мисраси хафифи мусаддаси махбуни мақсур (рукнлари: фоилотун мафоилун фаилон) вазнида ёзилган. Бу:

Тану жон риштаси ғамингга либос
Бу бири тору, ул бири пуди

байтидаги биринчи мисрадир. Натижада уч вазнли ғазал майдонга келган.

Келмай ул қотили замона менга,
Бўлди ҳажр ўлгали баҳона менга

матлаъъли ғазалда ҳам асосан юқорида кўрганимиз хафифи мусаддаси махбуни солими маҳзуфи садр ва ибтидоъ ҳамда хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнлари фойдаланилгани ҳолда, иккинчи байт ўрнида келган

Ўқи захм айлаб ўтти кўксумдин,
Ёра қолди вале нишона менга

мисралари хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фаилотун мафоилун фаълун) ўлчовида бўлгани туфайли ғазал уч вазнли асар сифатида яратилган.

Шунингдек,

Фақр аҳлига порно муҳтож,
Уйлаким шоҳка гадю муҳтож

матлаъли ғазал ҳам уч вазнлидир.

Навоий ўзининг хафиф баҳридаги 4 ғазалини тўрт вазнли шеърлар тарзида ёзганди. Уларда ҳам хилма-хил вазн таркибларини кузатамиз. Жумладан,

Ҳар неча жавр қилса ноз аҳли,
Тортмай найлагай ниёз аҳли.
Оғзию рамзи-ю нутқи вақтида
Ажзға қойил ўлди роз аҳли.
Кўйи даврида бенаво ушшоқ
Тавоф аро уйлаки Ҳижоз аҳли.
Бузди ҳусн аҳли кўнглум андоқким,
Ёғий мулкини турки тоз аҳли.
Ришгаи жоним узди мутриби базм,
Узса торин начукки соз аҳли.
Мену ишқи мажози элтур эса,
Йўл ҳақиқат сари мажоз аҳли.
Шамъ янглиғ Навоий ўртанса,
Тонг эмас, буйладур гудоз аҳли

ғазалининг матлаъъси, қофияланувчи ҳамда 3, 7, 13-мисралари хафиф баҳрининг олти рукнли солими махбуни мақтуъ, 5-мисраси солими махбуни мақтуъи мусаббағ, 9-мисраси солим махбуни мақсур ва 11-мисраси солими махбуни маҳзуф вазнларида ёзилиан.

Шунингдек,

Хаста кўюнгда ётмишам бекас,
Тутқучим, қопкучим ишингдур, бас.
Сарвқадлар агар биру гар юз,
Юздин эрмас бири тузинг била туз,
Демон эй хўблар вафо қилингиз,
Жавр ҳам қилсангиз менго қилингиз

байтлари билан бошланувчи ғазаллар ҳам тўрт вазнлидир. Ниҳоят, Навоийнинг мазкур вазнда битилмиш ғазалларидан 3 таси 5 вазнлидир. Бу хил ғазалларга ҳос жиҳатларни қуйидаги ғазал мисолида кўришимиз мумкин:

Қилмағил борғали шитоб яна,
Солма кўнглунгга изтироб яна.
Келдингу кулбам ўлди қасри беҳишт,
Қилма они чиқиб хароб яна.
Ҳар дам оҳим ели чу элтур они,

Солма рухсор уза ниқоб яна.
Лаби лаълинга ўхшамас ёқут,
Яна дур тошу лаълиноб яна.
Соқиё, тут қадаҳки, ранжи хумор
Қиладур жонима азоб яна.
Майкада боғлиқ эрди тўқтум ашк,
Ончаким бўлди фатҳи боб яна.
Ич, Навоий, қадаҳки тузди наво,
Базм аро уд ила рубоб яна.

Мазкур ғазал матлаъъси, қофияланувчи ҳамда 5, 13-мисралари хафиф баҳрининг олти рукнли солими махбуни маҳзуф, 3, 9-мисралари солими махбуни мақсур, 11-мисра солими махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида.

Лаби-лаълинга ўхшамас ёқут

мисраси хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фаилотун мафоилун фаълон);

Яна дур тошу лаълиноб яна

мисраси эса хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фаилогун мафоилун фаилун) вазнидадир. Ушбу вазнларнинг ўринли қўлланиши шеърга айрича сержило оҳанг бағишлаган.

Шунингдек,

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,
Ё оқар меҳр чашмасидин сув.
Ҳар нечаким санга жафода русух,
Мен жафокашгадур вафода русух

матлаъълари билан бошланадиган икки ғазал ҳам шу тарзда беш вазнли шеърлар сифатида яратилган эди.

МУНСАРИҲ БАҲРИ

Мунсариҳ Навоийгача бўлган даврда (Ҳофиз Хоразмий ижодини ҳисобга олмаганда) ўзбек арузида қўлланмаган баҳр саналади. Шоир ўзининг «Мезон ул-авзон» асарида «Чинга» деб аталган халқ қўшиғининг мунсариҳи матвийн макшуфи мавқуф (рукнлари: муфтаилун фоилун муфтаилун фоилон) вазнида қўлланишини айтиб ўтган эди.

Навоий мунсариҳ баҳрининг халққа яқин бўлган, аниқроғи, халқ қўшиқлари билан ҳамоҳанг вазнларида 8 ғазал яратиб, уларнинг ритм-оҳанг имкониятларини кашф этди.

Шундай вазнлардан бири мунсариҳи мусаммани матвийн макфуф (рукнлари: муфтаилун фойдун муфтаилун фоилун)дир.

Ваҳки, чамандин яна эсди шамол ўзгача,
Ҳардам ўлур атридин қўнглума ҳол ўзгача.

Булбули Қумри чекиб раҳну наво ўзга навъ,
Кўрузадур сарви гул ранжу малол ўзгача

байтлари билан бошланадиган ғазал бу вазн хусусиятларини ўзида ёрқин акс эттиради. Навоий бу ўйноқи, жозибали вазндан маъшуқа портретини чизишда ҳам, висол шодиёнаси, ҳижрон аламларини ифодалашда ҳам санъаткорлик билан фойдаланди.

Сурма биланму ул ой кўзни қаро айламиш,
Йўқса Хўтан жайрани мушк ичида ағнамиш.
Кўйида мен заъфдин уйлаки ҳарён мени
Ит демойин, балки мўр туъма учун судрамиш

байтлари билан бошланадиган ғазалда ҳам лирик қаҳрамоннинг ички дунёси чуқур очилганини кўрамиз.

Навоий "Хазойин ул-маоний" дан ўрин олган ғазалларининг 6 тасини шу вазн асосида яратган эди.

Навоий юқоридаги ўлчовдан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланадиган мунсариҳи мусаммани матвийи макшуфи мавқуф (рукнлари: муфтаилун фоилун муфтаилун фоилон) вазнида ҳам битта шеър битган эди. Бу вазннинг оҳанг хусусиятлари шоирнинг "Ғаройиб ус-сиғар" девонидан ўрин олган

Бода мени айлади зуҳду риёдин халос,
Зуҳди риё йўққи минг ранжу анодин халос.
Ёр ила ағёрдин бир нафас айрилмасун,
Кимки тилар бўлмағай нозу жафодин халос.

байтлари билан бошланадиган ғазалда ўз ифодасини топган.

Шоир мунсариҳ баҳрининг оғирроқ вазнларида ҳам шеър яратишга интилиб, рукнлари муфтаилун фоилоту муфтаилун фаъ тарзида бўлган мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур вазни имкониятларини кашф этган ҳамда шу асосда ўзининг "Фавойид ул-кибар" девонидан ўрин олган ва

Кўнглум аро бир ажиб муҳол ҳавастур,
Лабларидинким ҳусули мумкин эмастур.
Турмоди тан чок-чок уйида кўнгулким,
Телба қуш ул бу ушолғон эски қафасдур.

байтлари билан бошланадиган ғазалини ёзган эди.

Шундай қилиб, Навоий ғазалиётида мунсариҳ баҳри вазнларининг ўрнини қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

№	Вазнлар	I	II	III	IV	Жами
1	Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуф	2	2	1	1	6
2	Мунсариҳи мусаммани матвийи макшуфи мавқуф	1				1
3	Мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур				1	1
	Жами	3	2	1	2	8

МУЖТАСС БАҲРИ

Мустафъилун ва фоилотун рукнларининг кетма-кет мунтазам такрорига асосланган мужтасс баҳри адабиётимизда XIV асрдан бери кенг қўлланиб келаётган ўлчовлардан бири. Унинг хилма-хил вазнларини Ҳофиз Хоразмий ва Атойи, Саккокий ва Лутфийлар ғазалиётида анчагина учратамиз. Улар аксарият ушбу баҳрнинг олдинги уч рукни махбун кўринишда бўлган саккиз рукнли вазнларидан фойдаланганлар. Бу хил вазнларнинг муҳим фазилати шундаки, улар туркий, жумладан, ўзбек тили хусусиятларига тўла мос келади. Улар асосида шеър яратаётган шоир сўзларнинг нормал талаффузини сақлаб қолади, қисқа унлиларни сунъий чўзишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Фикримизнинг далили сифатида Алишер Навоийнинг шу баҳрда битилган "Қаро кўзим" деб номланувчи ғазалини келтиришимиз мумкин:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.
Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.
Таковарингға бағир қонидин хино боғла,
Итингға ғамзада жон риштасин расан қилғил.
Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил
Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин оёқ чин ила шикан қилғил.

Бу каби мисраларда ўзбек тилидаги сўзларнинг талаффуз нормалари тўла сақланиб қолганини кўриш қийин эмас. Айни вақтда бу баҳр вазнларда битилган шеърлар, хусусан, ғазаллар "Шашмақом" куйларига мувофиқлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Мазкур баҳрнинг мақбул жиҳатларидан яна бири унинг кўпвазнлилик хусусиятидир. Бу ўлчов асосида яратилган лирик шеърлар, айниқса ғазаллар кўпинча 2,3,4 вазнли асарлар саналади. Чунки баҳрнинг матбуъ вазнлари фоилотун рукнининг махбуни маҳзуф (фаилун), махбуни мақсур (фоилон), мақтуъ (фаълун) ва мақтуъи мусаббағ (фаълон) фуруълари билан тугалланади, бинобарин, юқорида, рамал баҳрида кўрганимиздек, уларни алмаштириб қўллайбериш мумкин. Шу тарзда кўпвазнли шеърлар майдонга келади.

Навоий ғазалиётида мужтасс баҳридаги бир вазнли шеърларни ҳам 2,3,4 вазнли асарларни ҳам учратамиз. Чунки шоир ушбу баҳрнинг фақат ўз салафлари ижодида кенг фойдаланилган ўлчовларигагина эмас, айни вақтда уларнинг шеъриятида қўлланмаган турларига ҳам мурожаат қилди, номатбуъ вазнларнинг ритм-оҳанг имкониятларини ҳам кашф этиб, улар асосида қатор жозибадор ғазаллар яратди.

Рукнлари мафоилун фаилотун мафоилун фаилотун тарзида бўлган мухтасси мусаммани махбун вазни шундай ўлчовлардан. Навоий бу вазнни ўзининг жами 9 ғазалида қўллаган эди. Бу ғазалларга назар ташласак, танланган вазн ғоя ва образлар ифодаси учун мақбул тушганини, ёқимли оҳанг асар бадииятини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилганини кўрамиз.

Паривашим қарор бўркинки бирён эгри қилибдур,
Магарки шамъи жамоли фатиласи эгилибдур.

Лабингни сўрголи муҳри суқут оғзима тушмиш,
Ки ул шакар била эрним бири бирига ётушмиш.

Сипеҳри оинагун гар дамимдин ўлди қоронғу,
Асар йўқ эмди дамимдин қўюлса оғзима кўзгу.

Қадинг ниҳолики боғи ҳаёт тарфини тутмиш,
Магарки Хизру Масиҳо суву ҳавосида бутмиш.

каби матлаълар билан бошланувчи дилбар ғазаллар фикримизнинг исботи бўла олади.

Навоий мужтасси мусаммани махбунин мақтуъ (рукнлари: мафоилун фаилоту мафоилун фаълун) вазнидан фойдаланиб, ўзининг 2 та бир вазнли ғазалини ёзганди.

Чу қилди жилвагар ул шўхи нўшлаб суврат,
Мени заифқа кўргузди юз ажиб суврат

ҳамда

Фироқ даштида туфроқ бўлиб эди бошим,
Кўтармаса эса туфроғидин ани ёшим

матлаълари билан бошланадиган бу иккала ғазалнинг барча мисралари юқоридаги вазндадир. Бу ҳам шоирнинг мазкур баҳр вазнларининг ритм-оҳанг имкониятларини кашф этиш соҳасидаги тажрибаларидан эди.

Шоир ўз ғазалларининг анчагина қисмини, шу баҳрда ёзилган жами 298 ғазалидан 58 тасини қўшвазнли асарлар сифатида яратди. Улардан 52 тасининг мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ вазнлари асосида битилганлиги қизиқарлидир.

Маълумки, шеърлар мисраларининг охирги ҳижоларида чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижолар алмашиниб кела олади, оқибатда қўшвазнли асарлар майдонга келади. Лекин биз назарда тутаётган вазн алмашинуви бундан бошқачароқ хусусиятга эга: фаилун билан фаълун рукнлари, мисралар охирида қўлланаверади. Ваҳоланки, булар ўзаро анча жиддий фарқланувчи фуруълардир.

Албатта бу икки вазннинг алмашиниб қўлланиши аруз қоидаларига зид келмайди, зеро улар таркибидаги икки қисқа ҳижо бир чўзиқ ҳижо билан, аниқроғи, сабаби сақийл сабаби хафиф билан алмашяпти. Лекин, бундан қатъи назар, бир-биридан анчагина фарқли икки вазн биргаликда қўлланаётганини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Анчагина ғазалларда бу вазнларнинг биргаликда қўлланишига сабаб, уларнинг оҳанг жиҳатидан жозибадорлиги, албатта. Умуман, туркий тиллар учун ўта чўзиқ ҳижолар билан тугалланувчи вазнлар унча мақбул ҳисобланмайди. Зеро бу хил, яъни ўта чўзиқ ҳижо билан тугалланувчи сўзларнинг ўзи туркий тилларга унча хос эмас. Шунинг учун бўлса керак, Навоий ҳам кўпроқ мужтасс баҳрининг юқоридаги вазнларидан фойдаланади.

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун фаилун) ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун

фаълун) вазнларининг биргаликда қўлланиши байтлардаги оҳанглар жилосига имконият очади. Буни шоирнинг

Не тонг узорим агар сорғариб, қизорди ёшим,
Ки юз қаролиғу исён била оқорди бошим.

Зиҳи беҳишти жамолинг келиб менинг чаманим,
Хату юзинг бу беҳишт ичра сабзау саманим

Осилмамиш қулоғингдин юз узра гавҳарлар,
Ки айрилибтур ул ўт шуъласидин ахгарлар.

Ҳарир кўнглаку кўксин назора айламадим,
Ки кўнглак ўрниға кўксумни пора айламадим.

матлаъли ғазаллар каби кўплаб асарлар мисолида кўришимиз мумкин.

Мужтасс баҳрининг саккиз рукнли махбуни маҳзуф билан махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида биттагина ғазал, махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида 3 ғазал, махбуни мақтуъ ва махбуни мақсур вазнларида 2 ғазал ёзилган.

Навоийнинг мазкур баҳр асосидаги ғазалларидан 138 таси уч вазнли асарлардир. Уларни кўздан кечирганда, кўпроқ ғазаллар юқоридагидек, охири чўзиқ ҳижо билан тугалланувчи мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ иштирокида ёзилганини кузатамиз (уларга учинчи яна бир вазн – мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун фаълон) қўшилиб қўлланади). Жумладан, шоир ўзининг 89 ғазалини мужтасс баҳрининг саккиз рукнли махбуни махзуф, махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ вазнлари асосида уч вазнли асарлар сифатида яратган эди.

Йўлида кош мени пора-пора қилғайлар,
Ки халқ ҳолима бир-бир назора қилғайлар.
Бу ҳолатимни кўруб бори ишқ асирлари,
Вафосиз элни севардин канора қилғайлар.
Васиятим буки, кўнглумни кўргач – ўқ аҳбоб,
Тутуб юзини ҳамул лаҳза қора қилғайлар.
Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,
Табиблар бу балоға не чора қилғайлар.
Тамуғни равза соғинғайлар аҳли ҳашр ул кун,
Ки телба кўнглум ўтин ошкора қилғайлар.
Май ички, англамағайлар бу дайрдин рамзе,
Гар аҳли зуҳд юз ил истихора қилғайлар.
Сабо дегилки, Навоийға тортсунлар хат,
Аларки аҳли вафони шумора қилғайлар.

Ғазалга диққат қилсак, унинг матлаъи, қофияланувчи ҳамда 9,11,13-мисралари махбуни мақтуъ, 3,7-мисралари махбуни маҳзуф ва фақат 5-мисраси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнида эканини кўриш қийин эмас.

Қолган ғазалларга ҳам шу хусусият хосдир. Яъни уларда махбуни мақтуъи мусаббағ вазнидаги мисралар озчиликни ташкил қилади. Бу вазндаги мисралар матлаъи шу ўлчовда бўлган ғазалларда кўпроқ учрайди, холос.

Мужтасс баҳрининг саккиз рукнли махбуни маҳзуф, махбуни мақтуъ ва махбуни мақсур вазнлари иштирокидаги 32 ғазалда ҳам шу хил хусусиятни учратамиз. Улар таркибида ҳам мужтасси мусаммани махбуни мақсур (рукнлари: мафоилун фаилотун мафоилун фаилон) вазнидаги мисралар камчиликни ташкил қилади.

Навоий мазкур баҳрнинг аксарият мисралари мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ ва мужтасси мусаммани махбуни мақсур вазнларида ёзилган уч вазнли ғазалларни юқоридагиларга қараганда камроқ битган. Чунончи, таъкидланган икки вазн билан махбуни мақтуъ вазни иштирокида 18 ғазал, ўша икки вазн билан махбуни мақтуъи мусаббағ иштирокида фақат 5 тагина ғазал яратилган.

Ниҳоят, Навоий ўзининг 91 ғазалини тўрт вазнли ғазаллар сифатида ёзган: бу асарларда мужтасс баҳрининг саккиз рукнли махбуни маҳзуф, махбуни мақсур, махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларининг тўртталаси иштирок этади. Жумладан,

Ғамингда бузди кўнгул хонумонини ҳижрон,
Тараҳҳум айламадинг хонумонинг ободон.
Кўнгул шигофи эмаским яқосин айлади чок,
Яқода тугмалар ўрнида ҳар тараф пайкон.
Не айб, оҳим ўти кўнглунг ичра қилса асар,
Ки барқ тошқа ҳам тегса, қолур анда нишон.
Қиличинг элга тегиб, рашкдин мен ўртандим,
Не лаъб эрурки, сув ичра қилибсан ўт пинҳон.
Фироқ заъфида сиҳҳат манга не мумкинким,
Ғизо ерида бағир бўлди шарбат ўрнида қон.
Май ички, муғбачалар суҳбати ғанимatдур,
Бир-икки кунки бу дайри фанода сен меҳмон.
Навоиё, неки олам ишида мушкилдур,
Десангки қилғасен осон, ўзунгга тут осон.

ғазалининг матлаъи, 4,8,12,14-мисралари мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ, 3,6,10-мисралари мужтасси мусаммани махбуни мақсур, 7,9,11,13-мисралари мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ ва 5-мисраси мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнидадир. Бир ғазалнинг ўзида тўрт вазннинг барчасидан фойдаланиш асарда оҳанг ранг-баранглигига, ғоянинг етук ифодаси учун зарур сўзларни танлашга имкон бергани кўриниб турибди.

Навоий ғазалиётида мужтасс баҳрининг тутган ўрнини қуйидаги жадвал асосида аниқроқ кўрсатиш мумкин:

№	Вазнлар	I	II	III	IV	Жами
1	Мужтасси мусаммани махбун	2	5	1	1	9
2	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф			2		2
	Жами	2	5	3	1	11
3	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва махбуни мақтуъ	10	14	13	15	52
4	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва махбуни мақтуъи мусаббағ		1			1
5	Мужтаси мусаммани махбуни мақтуъ ва махбуни мақтуъи мусаббағ	1	2			3
6	Мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ ва махбуни мақсур			2		2
	Жами	11	17	15	15	58
7	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф, махбуни мақтуъ, махбуни мақтуъи мусаббағ	21	20	23	19	83
8	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф, махбуни мақсур, махбуни мақтуъ	9	8	5	10	32
9	Мужтасси мусаммани махбуни мақсур, махбуни мақтуъ, махбуни мақтуъи мусаббағ	6	4	6	2	18
10	Мужтасси мусаммани махбуни мақсур, махбуни маҳзуф, махбуни мақтуъи мусаббағ	1	1	2	1	5
	Жами	37	33	36	32	138
11	Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф, махбуни мақсур, махбуни мақтуъ, махбуни мақтуъи мусаббағ	29	23	17	22	91
	Жами	79	78	71	70	298

МУТАҚОРИБ БАҲРИ

Арузнинг туркий шеъриятда дастлаб қўлланган баҳрларидан бири мутақориб эканлиги адабиёт мухлисларига маълум. XI асрдаёқ Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг машҳур «Қутадғу билиг» достонини шу баҳрда яратган эди. Албатта, бу ўринда Фирдавсий «Шоҳнома»синиг таъсири катта бўлди. Низомий «Хамса»си, ҳусусан, ундаги «Искандарнома» достони ушбу баҳрнинг бундан кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, мутақориб баҳри эпик шеъриятда кенг қўлланган бўлса ҳам лирик шеъриятда, хусусан, ғазалиётда ундан кам фойдаланиб келинди. Қози Бурҳониддиннинг 1300 ғазалидан фақат 6 тасининг, Ҳофиз Хоразмий қаламига мансуб 1052 ғазалдан фақат 12 тасининггина шу баҳрда битилгани, Лутфий ғазалларидан биттасигина шу баҳрда бўлиб, Атоий, Саккокий, Гадоийлар ижодида бу баҳрнинг учрамаслиги ҳам фикримизнинг далили бўла олади. Навоий мутақориб баҳри вазнларининг лирик шеърият, жумладан, ғазалиётдаги ўрнига алоҳида аҳамият берди ва бу енгил, латиф баҳрда ўзининг 51 та ғазалини яратди. Мутақориби мусаммани солим (рукнлари: фаулун фаулун фаулун фаулун) Навоий мақбул кўрган вазнлардан бири саналади. Мутақориб баҳрининг бошқа ўлчовларига қараганда вазминроқ бўлган ушбу вазн шоирнинг 25 ғазалида қўлланди. Навоийнинг мазкур вазн асосида яратилган кўплаб ғазалларини кўздан кечирсак, уларда танланган ўлчов кўпроқ бахтсиз тақдирдан, маъшуқа жафосидан, ҳижрон изтиробидан шикоят мотивларини ифодалашга қўл келганини кўрамиз.

Яна сенсизин мунисим ғам бўлуптур,
Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлуптур.
Кўнгулни бағир қонидин лола қилдим,
Куюб доғ паркола-паркола қилдим.
Яна машқ аро зордурман, ҳазин ҳам,
Бориб ишқ торожиға ақлу дин ҳам

матлаълари билан бошланадиган ғазаллар каби кўплаб асарлар шундан далолат беради. Айни чоғда шоир вазн имкониятларидан моҳирона фойдаланиб, маъшуқа тасвирини санъаткорона чизилган қатор ғазаллар ҳам яратган.

Лабингким, ўлук тирилур жонму эркин,
Агар жон эмас оби ҳайвонму эркин.
Қад эрмаски, сарви хиромон эрур бу,
Лаб эрмаски гулбарги хандон эрур бу.
Юзунгда қиронинг эрур бас ажойиб,
Ки ой даврида халқа урмиш кавокиб.
Сочинг ранги анбармудур, мушки чинму,
Лабинг таъми шаккармудур анкабинму.

байтлари билан бошланадиган ғазаллар фикримизнинг далилидир.

Навоий юқоридаги вазндан бирозгина ўзгачароқ, яъни фақат мисралар охиридаги ҳижонинг ўта чўзиқ келиши фарқланувчи мутақориби мусаммани мусаббағ (рукнлари: фаулун фаулун фаулун фаулон) вазнида ҳам уч ғазал ёзган эди.

Матлаълари

Қилур қайғу кўнглимга ул нозанин жамъ,
Жароҳатқа андоғки бўлғай чибин жамъ.
Агар келмаса, интизорим қўяр доғ,
Валек изтироб ўртар ул ой келур чоғ.
Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,
Ки зотида мавжуд эмастур такаллуф.

тарзида бўлган бу ғазаллар ўзига хос оҳанг жилосига эга. Навоийнинг 13 ғазали мутақориби мусаммани маҳзуф (рукнлари:_фаулун фаулун фаулун фаал) вазнида битилди.

Туркий шеъриятда Юсуф Хос Ҳожиб достонидан бошланган ушбу вазндан шоир хилма-хил кечинмаларни енгил услуб билан ифодалаган.

Сенингдек буте йўқтурур Чин аро,
Бути Чин сенинг банданг ойин аро.
Агар ошиқ этса висол орзу,
Аён этмиш ўлғай муҳол орзу.
Лабинг фикри бағримни қон қилдило,
Чу қон қилди кўздин равон қилдило.

матлаъли ғазалларга ўхшаш жозибадор асарлар яратишда фойдаланди.

Юқоридаги вазндан охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқланувчи мутақориби мусаммани мақсур (рукнлари: фаулун фаулун фаулун фаул) ўлчовида шоирнинг ғазали ёзилган эди.

Баҳор элға айшу манга изтироб,
Кулуб ҳолима барқу йиғлаб саҳоб.
Кўруб оразинг йиғласам йўқ бадиъ,
Келур сайл бўлғонда фасли рабиъ.
Зиҳи шахди нўшунг бағоят малиҳ,
Мусалсал сўзунг бениҳоят малиҳ.

матлаъли ғазаллар мазкур вазннинг садоқат муҳаббат, туйғуларини ифодалаш учун мақбуллигидан далолат беради. Қизиғи шундаки, Навоий ўзининг риёкор руҳонийлар ҳажвига бағишланган

Мени ишқдин манъ этар сода шайх,
Дема сода шайх, айтким лода шайх.

ғазалини ёзишда ҳам ушбу вазндан фойдаланди. Навоий мутақориб баҳрида ҳам тажрибалар ўтказиб адабиётимизда қўлланмаган вазнларда ҳам шеърлар битди.

Шулардан бири рукнлари фаълу фаулун фаълу фаал тарзида бўлган мутақориби мусаммани асрами маҳзуф вазнидир. "Фавойид ул-кибар" девонида берилган

Базм аро гар йўқ май била дафъ,
Ҳам ёмон эрмас ун била каф.
Соқийи гулрух, бода кетур,
Ким манга ҳаддин ошди шааф.

байтлари билан бошланувчи ғазал шу вазн асосида ёзилган ягона асардир.

Навоий мутақориб баҳрининг яна бир ўлчови – мутақориби мусаммани аслам (рукнлари: фаълун фаулун фаълун фаулун) вазнини ҳам синовдан ўтказиб, унинг асосида ягона ғазал яратган эди. Бу вазн Атойи, Саккокий, Лутфий ва Гадоийлар ижодида учрамайди. Қози Бурҳониддин бу вазнни синаш мақсадида биргина ғазал битган. Ҳофиз Хоразмий ғазалларининг 3 таси шу вазнда,

Қилғоли кўнглум васлинг таманно,
Кўз чашмасидир ҳажрингда дарё.
То эшикингда йўл топдим, эй жон,
Кўнглум тиламас гулзору саҳро"[1].

Бўлди юзингдин олам мунаввар,
Қани санингтак руҳи мусаввар.
Савди бу жоним кўз бирла оғзинг,
Андоғки тўти бодому шаккар"[2].

[1] Ҳофиз Хоразмий. Девон, 1 китоб, Ўз КП мк нашриёти, Тошкент, 1981, 53-бет.
[2] Шу асар, I китоб, 230-бет.

Шунингдек,

Ул дамки кўрдум ул нозанинни,
Қилдим нисорин дунё-ю динни.
Кўрмадим онинг юзи бикин юз,
Нечаки кездим рўйи заминни[1]".

байтлари билан бошланадиган бу ғазалларда мазкур вазннинг жозиба-ю латофати анча тўлиқ акс этган эди. Халқ қўшиқларини эслатувчи бу ўйноқи вазннинг ўзбек дунёвий адабиётида эътибор қозонолмаганлиги шу даврда енгил вазнларга бўлган муносабат билан изоҳланса керак.

Алишер Навоий бу вазнда дастлаб форсий тилда ғазал ёзди, кейинчалик, эҳтимол, "Мезон ул-авзон"ни яратиш жараёнида унинг асосида ўзининг туркий тилдаги ғазалини ҳам яратди.

"Наводир ун-шабоб" девонидан ўрин олган бу ғазал

Қон айладинг кўнглумни ниҳони,
Кўргилики кўзумда нишони.
Тушти фиғонға кўнглум ул ойдин,
Тонг йўқ етишса кўкка фиғони.
Ҳажринг тунига тушколи кўнглум
Бўлмиш кўзига тийра жаҳони.
Ҳасрат гули ҳам ул дам очилғай,
Бағримни томса кўйида қони.
Ҳар кимсага не туҳмат этайким,
Иткан кўнгулни олди фалони.
Айларди ишқинг шарҳини таҳрир,
Сиғмас қалам тилига баёни.
Хисрав, Навоиё сени кўрса,
Шоҳ не дегай, малик шаҳи сони

байтларидан ташкил топганди.

"Хазойин ул-маоний" кўрсатгичларида бу ғазал асоссиз ҳолда музореъи мусаддаси мақфуфи мақсур вазнига нисбат бериб юборилган. Навоий қаламга олган бу латиф вазн кейинчалик ўзбек адабиётидан мустаҳкам ўрин олди. Машраб, Ҳувайдо, Муқимий каби етук шоирлар унинг асосида кўпгина жозибали ғазаллар битдилар. Форсий адабиётда мутақориб баҳрига мансуб кўп рукнли вазнларда ҳам шеър машқ қилинарди. Навоий бу хил вазнларни туркий шеъриятда ҳам синаб кўриш мақсадида айрим ғазалларни ёзди. 16 рукнли мутақориби мақбузи аслам шундай вазнлардан бўлиб, унинг рукнлари ҳар қайси мисрада фаулу фаълун фаулу фаълун фаулу фаълун фаулу фаълун тарзидадир. Яъни ҳар мисрада 8 тадан, бир байтда 16 рукн шу таркибда такрорланади. Шоир бу мураккаб вазнда ўзининг "Наводир уш-шабоб" девонидаги

Сипеҳр боғин нужум варди чу қилди ул навъиким ҳаварнақ,
Юзидин ул шамъ анжуман ичра солди юз минг сафою равнақ.

[1] Шу асар, II китоб.

матлаъли, шунингдек, “Фавоид ул-кибар” девонидаги

Не пок Мажнунки, бир пари чеҳра пок ҳуснига зор бўлғай,
Бу пок ишқ ичра пок жон тарки этса не ихтиёр бўлғай.

матлаъли ғазалларини битган эди.

Мутақориб баҳри вазнларининг Навоий шеъриятида қўлланиш кўламини қуйидагича ифодалаш мумкин:

№	Вазнлар	I	II	III	IV	Жами
1. Мухақориби мусаммани солим		3	8	5	9	25
2. Мутақориби мусаммани мусаббағ		1		1	1	2
3. Мутақориби мусаммани маҳзуф			4	4	4	13
4. Мутақориби мусаммани мақсур		1	5		2	7
5. Мутақориби мусаммани асрами маҳзуф						1
6. Мутақориби мусаммани аслам		1	1			1
7. 16 рукнли мутақориби асрами маҳзуф			1			2
Жами		5	19	10	17	51

САРИЪ БАҲРИ

Ўзининг рукнлар таркиби билан мунсариҳ баҳрига яқин турувчи сариъ баҳри шеъриятимизда каттагина тарихга эга. Низомий Ганжавийнинг машхур «Махзан ул-асрор»и таъсирида бу баҳр адабиётимизга «Юсуф ва Зулайҳо» достони билан кириб келди. Лирик шеъриятда ундан кенг фойдаланилмаган бўлса ҳам, Ҳофиз Хоразмий, Лутфийлар ғазалиётида мазкур баҳрнинг айрим вазнлари кўзга ташланади. Алишер Навоий ҳам лирик ижодида сариъ баҳрига кўп мурожаат қилмаган. «Хазойин ул-маоний» саҳифаларини варақласак, энг енгил ва ёқимли сариъи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилун) вазнида ёзилган икки ғазални учратамиз.

Ёр лаби акси тушуб жом аро,
Бодаға жом таъми берур ком аро.
Баски кўнгул оғзи хаёлидадур,
Ғунчадек ўлмишдурур андом аро.
Ҳажр аро кўргуз деса ул юзни, дер:
«Меҳр қачон жилва қилур шом аро
Дема недин кўнглунга оромдур
Муттасил ул зулфи дилором аро»...
Оҳки, ишқ айлади пайдо мени,
Солди жунун кўйига савдо мени.
Ишқ ила савдо бўлубон муттафиқ,
Айладилар даҳр аро расво мени.
Дашт аро Мажнун демайинким вуҳуш,
Келдилар айларға тамошо мени.
Кимники ишқ истади қатл этқали,
Ҳажр равон айлади пайдо мени.

байтлари дарж этилган бу ғазалларни ўқир эканмиз, уларнинг ҳақиқатан ҳам жозибадор оҳангга эга эканини кузатамиз.

МУТАДОРИК БАҲРИ

Мутадорик баҳри ўзбек арузида Навоийгача қўлланмаган шеърий ўлчов эди. Шоир бу баҳр хусусиятларини тадқиқ этиш мақсадида унинг икки вазнига мурожаат этиб, 3 та ғазалини яратди.

Мутадорики мусаммани солим (рукнлари: фоилун фоилун фоилун фоилун) вазнида шоирнинг

Эй санга муқтадолиқ ики кавн аро,
Анта ҳайрул башар, анта ҳайрул варо.
Жонға лаълинг майи жомидур мултамас,
Не Хизр суйи не жоми жамдур ҳавас

матлаъли ғазаллари ёзилган.

Мутадорики мусаммани мақтуъ (рукнлари: фаълун фаълун фаълун фаълун) вазни кетма-кет саккиз чўзиқ бўғиннинг такрорланишига асосланган туфайли бўғин, оғир оҳанг яратади. Навоий ана шу номатбуъ ўлчовнинг ҳам ритм-оҳанг имкониятларини синаб кўриш мақсадида

Борғил эй ҳамдам ҳар ёни,
Кўнглум итмиш топқил они

матлаъли ғазалини ёзган эди.

Шундай қилиб, Навоий мутадорик баҳрининг юқоридаги икки ўлчовигагина мурожаат қилди.

КОМИЛ БАҲРИ

Беш ҳижоли рукнлар такрорига асосланувчи комил баҳри ритм-оҳанг имкониятларининг чекланганлиги туфайли форсий адабиётда ҳам, туркий шеъриятда ҳам жуда кам қўлланган. Навоийгача бўлган давр ўзбек адабиётида ҳам бу баҳр вазнларини учратмаймиз. Шоир ана шу мураккаб баҳр хусусиятларини кашф этиш мақсадида унинг мусаммани солим (рукнлари: мутафоилун мутафоилун мутафоилун мутафоилун) вазнида ғазал ёзган эди.

Не хаёл эди янаким кўнгул қуши сайдини ҳавас айладинг,
Баданимға ҳар саридин ҳаданг отибон анга қафас айладинг
Кўнгул ичра шуълаи ишқким, етадур фалакка забонаси,
Таниму сўнгакларим ул ўтингни ёқарға хору хас айладинг

байтлари билан бошланадиган ушбу ғазал мазкур вазннинг ўзига хос оҳанги ҳақида тўла тасаввур бера олади.

ТАВИЛ БАҲРИ

Тавил азалдан араб адабиётига махсус баҳр саналиб келганлиги арузшуносларга маълум. Форсий шеъриятда ҳам, туркий адабиётда ҳам бу баҳр қўлланилмай келди. Навоий арузнинг мана шу баҳрида ҳам ўз қаламини синовдан ўтказиб уч ғазал яратди ва унинг айрим вазнларига хос ритм-оҳанг хусусиятларини кашф этди.

Шоир фойдаланган вазн тавили мусаммани солим бўлиб, унинг рукнлари фаулун мафоийлун фаулун мафоийлун тарзидадир.

Юзунгдек қамар йўқтур, қадингдек шажар йўқтур,
Шажар бўлса ҳам анда, лабингдек самар йўқтур.

Зиҳи нахли қаддингдин хижил сарв бўстони,
Хат ичра лабингдин мунфаил роҳи райхони.

Лабинг чашмаи ҳайвон, қадинг руҳи инсони,
Бу обу ҳаво бирла биринг йўқ имкони.

каби байтлар билан бошланувчи ушбу ғазаллар бу вазнларнинг туркий, жумладан, ўзбек шеъриятида ҳам бемалол қўллаш мумкинлигини кўрсатади. Зеро, у ўз хусусиятлари билан ҳазажи мусаммани ахраб, ҳазажи мусаммани аштар вазнларига жуда яқин туради.

Арузшунос аллома Содиқ Мирзаев “Ғаройиб ус-сиғар” девони иловаларида Навоийнинг мушокили мусаддаси солим (рукнлари: фоилотун мафоийлун мафоийлун) вазнида ҳам шеърлар битганини кўрсатади[1]. Хусусан, мазкур девондаги

Неча ким қуяр жон аро жон манго,
Эмас таркини қилмоқ имкон манго
Агар бўлса юз жон фидо қилғомен,
Насиб ўлғудек бўлса жонон манго.
Неча бўлса ағёр ҳам суҳбати,
Эрур базмини кўрмоқ имкон манго.

байтлари билан бошланадиган ғазални ана шу ўлчовга нисбат беради. Лекин диққат қилсак, рукнлари “фаулун фаулун фаулун фаал” тарзида бўлган бу ғазал мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида бўлиб, олим кўрсатган ўлчовга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги маълум бўлади.

Шунингдек, “Наводир уш-шабоб” девонидаги

Зиҳи эл ниҳони санга ошкоро,
Ниҳон дардима ошкоро эт мадоро.

матлаъли ғазал ҳам шу вазнга нисбат берилган. Мазкур асарнинг мутақориби мусаммани солим вазнида эканлиги кўриниб турибди.

[1] Қаранг. “Ғаройибус сиғар”, 1959, I илова, 70-бет, II илова, 741-бет.

Шундай қилиб, ўз ғазалиётида арузнинг 12 баҳрига мансуб бўлган жами 59 вазнидан фойдаланган Алишер Навоий:

– форс-тожик ғазалиётида қўлланган барча баҳр ҳамда вазнларнинг туркий ижодда қўлланиши имкониятларини назарий ва амалий жиҳатдан синовдан ўтказиб, уларнинг лирик кечинмалар ифодаси учун энг мақбулларини танлаб олди ва ана шу ўлчовлар асосида ўзининг нодир ва бетакрор ғазалларини яратди;

– ўзигача бўлган ўзбек адабиётида қўлланган баҳр ҳамда вазнлар доирасини бир қатор янги ўлчовлар билан бойитди, ўлчовларнинг баъзилари форс-тожик шеъриятидан олиб кирилган бўлса, айримлари Навоий кашф этган янги вазнлар эди;

– халқ оғзаки ижодида машҳур бўлган бир қатор вазнларни, хусусан, муҳаббатнома, қаландарий, орзуворий, туркий, чинга, қўшиқ каби куйларда қўлланувчи шеърий ўлчовларни ғазалиётга олиб кириб, кўплаб дилбар асарлар ижод қилди;

– Навоийгача бўлган ўзбек шеъриятида қўш ундошлар билан тугалланувчи қофия ва радифлар жуда кам қўлланган, Лутфий ғазалиётида эса мутлақо ишлатилмаган бўлса, шоир бундай қофия ва радифларга кенг мурожаат қилиб, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида ҳам уларнинг оҳанг имкониятларидан фойдаланиш мумкинлигини амалда исбот қилиб берди;

– ўзининг шеърий ўлчовлар соҳасидаги тажрибаларини салафлари ижодида ҳам кенг қўлланиши, аруз илми соҳасидаги кашфиётчиликнинг кейинги давр адабиётида ҳам изчил давом эттирилишига кучли таъсир кўрсатди.

РУБОИЙЛАРНИНГ ЎЛЧОВ МЕЪЁРЛАРИ

Рубоий жанрининг адабиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаши ва ривожланиб бориши бевосита Алишер Навоий ижоди билан боғлиқдир. X-XI асрлардан форс-тожик шеъриятида кенг шуҳрат қозонган ушбу жанр мўъжаз, лекин ранг-баранг лирик кайфиятлар, теран фалсафий мулоҳазаларни ғоят ихчам, айни вақтда ниҳоятда теран ва таъсирчан ифодалашга қулайлиги туфайли туркий шеърият мухлисларини ҳам ўзига мафтун этган эди. Лекин унинг ўлчов жиҳатидан анча мураккаблиги, 24 вазннинг эркин алмашиниб боришига асосланган оҳанг қонуниятлари рубоийнинг ўзбек адабиётига нисбатан кечроқ кириб келишига сабаб бўлди. Шеъриятимизда унга яқин бўлган туюқ жанрининг мавжудлиги ҳам бу кечикишнинг боисларидан бири эди. Алишер Навоий рубоийнинг туюққа нисбатан ифода имкониятлари кенглиги, саккиз рукнли мисраларда ижтимоий ва ишқий лирикага хос туйғулар оламини мужассамлантириш қулайлигини ҳисобга олган ҳолда бу жанрга эътибор билан қараб туркий тилда унинг энг яхши намуналарини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Навоий форс-тожик шоирларининг рубоийнавислик фаолиятини атрофлича ўрганган, айни вақтда унинг туркий адабиётлар, хусусан, ўзбек шеъриятидаги шаклланиш тарихидан ҳам яхши хабардор эди.

Маълумки, ўзбек адабиётида рубоий жанри, бинобарин вазнларининг қарор топишида XIV аср II ярми ва XV аср бошларида қалам тебратган Сайфи Саройи ижоди алоҳида аҳамиятга эга бўлди. У машҳур форс шоири Саъдий “Гулистон”ини таржима қилиш жараёнида 21 шеърий парчани рубоий шаклида ўзбек тилига ўгирди. Улардан 7 таси анъанавий а а б а тарзида, қолган 14 таси эса а б в б тарзида қофияланади. Шоир форсий рубоийларнинг

жанр хусусиятларини пухта ўрганиб чиққан, ўзи ҳам форсий ва туркий тилларда қатор оригинал рубоийлар яратган эдики, унинг “Шеърлар. Гулистон”[1] тўпламидан ўрин олган

Ким келди эса жаҳонға шак йўққи кетар,
Оқил келибон бу ерда кўп хайр этар.
Сен эйгулик эт дағи тенгизга солғил,
Ёзида сенга яқин бил: ул хайр етар[2].

туркий рубоийси ҳамда

Рўзам зи ғами фироқи ту шабгун аст,
Ва-з жаври замона ин дилам пурхун аст.
Бифрист хаёли хеш им шаб бар манн,
То шўх дамам ки бе ту ҳолам чун аст[3].

каби уч форсий рубоийси шундан далолат беради.

Сайфи Саройи ўзининг “Гулистон” таржимасига кирган рубоийларининг ҳаммасини ахраб шажарасининг иккинчи рукни мақбуз (мафоилун) бўлган вазнларида ёзганлиги диққатимизни ўзига тортади. Дарҳақиқат, шоир ўзининг туркий тилда ёзган асарлари учун рубоий вазнларининг фақат тўрттасини танлади.

Булар

1. Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар:
мафъулу мафоилун мафоийлун фаъ
– – V V – V – V – – – –
2. Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азали:
мафъулу мафоилун мафоийлун фоъ
– – V V – V – V – – – ~
3. Ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб:
мафуъулу мафоилун мафоийлу фаал
– – V V – V – V – – V V –
4. Ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи аҳтам:
мафъулу мафоилун мафоийлу фаул
– – V V – V – V – – V V ~

вазнлари эди. Ахраб шажарасининг бошқа вазнлари ҳам, ахрам шажараси вазнлари ҳам шоирнинг туркий рубоийларида қўлланмаган.

Сайфи Саройи туркий тилда яратган 22 рубоийнинг (оригинал рубоийни ҳам қўшганда) 10 таси бир вазнли, 8 таси икки вазнли ва 4 таси уч вазнли асарлардир, Бир вазнли рубоийларнинг 8 таси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазнида. Асарларни кузатсак, бу вазн шоирнинг рубоиётидаги энг севимли ўлчови эканига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, 22 рубоийнинг 88 мисрасидан 59 мисраси шу вазнда ёзилган.

Саҳро елитек умр бақоси кечти,
Ғам жаври дағи фараҳ сафоси кечти.

[1] Сайфи Саройи. Шеърлар. Гулистон. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1968.
[2] Шу асар, 34-бет.
[3] Шу асар, 36-бет.

Жофий сақинур жафо биза қилдим деб,
Қолди анга биздан ул жафоси кечти![1].
Ранжидаман ул ёмон мусоҳибданким,
Феълим тиканин гули хабон кўргузгай.
Қони бу кун ул туши муборак душман,
Айбимни келиб манга аён кўргузгай?[2]

каби жозибадор рубоийларда шоирнинг мазкур вазндан моҳирона фойдаланганлиги яққол кўзга ташланади.

Шоир ўзининг бир вазнли рубоийларининг биттасини ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл вазнида ёзганди. Тарона тарзида қофияланувчи.

Ўлтур букун ўлтура олурсан, эй ёр,
Оз ўт бийиса ёнар бу шаҳру бозор.
Ёқурмаға қўйма душманингни зинҳор,
Ким ўқ била йиқмаға букун фурсат бор![3]

рубоийсида танланган мазкур вазн ифодаланаётган ғояни таъсирчан мужассамлантиришга ниҳоятда қўл келган.

Сайфи Саройи форсий шеърият анъаналарини ўзбек рубоийнавислигида ҳам давом эттириб икки вазнли асарлар ҳам яратди. Улардан 5 таси «3 + 1» типидаги рубоийлар бўлиб, бундай асарларнинг уч мисраси бир хил, бир мисраси эса иккинчи хил вазн асосида битилади. Ҳар икки ўлчовнинг ҳам рубоий вазнларига мансублиги туфайли бу ҳолатда аруз қонунлари бузилмайди.

Шоирнинг мазкур рубоийларидан 4 тасида вазн алмашинуви учинчи мисрага тўғри келади. Бу хил вазн хусусиятларига эга бўлган рубоийларда кўпинча учинчи мисра оҳанги яққол ажралиб туради. Буни Сайфи Саройининг

Чу икки киши аро кириш ўтдур бил
Сўз чўплагичи ўтун ёқар мустаъжил.
Тонг бирла бўлур алар боёғи бики дўст,
Васвос бўлур ул ўртада хору хижил?[4]

рубоийси мисолида яққол кўриш мумкин, 1, 2, 4-мисраларда қўлланган ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнининг 3-мисрада ҳазажи мусаммани ахраби маҳбузи мақфуфи аҳтам вазни билан алмашинуви рубоийга айрича жозибадорлик бағишлаган.

Шоирнинг бир рубоийсида эса бу хил ўзгариш 2-мисрага тўғри келади. Икки вазнли рубоийлардан 3 таси «2 + 2» типидаги вазн хусусиятларига эса бўлиб, бундай асарларда икки мисра бир хил, яна икки мисра иккинчи хил вазн асосида яратилади. Бу эса яна ўзгача оҳанг ташувчи рубоийларнинг майдонга келишига сабаб бўлади. Шоирнинг икки рубоийсида икки хил вазн мисраларда кетма-кет алмашиниб туради. Чунончи,

[1] Ўша асар, 85-бет.
[2] Ўша асар, 169-бет
[3] Ўша асар, 223-бет
[4] Ўша асар, 233-бет

Ҳар ким ўзина савоб эшикин очти,
Ўлгунча ул эр ниёз ичинда бўлисар.
Ҳар ерда азиз эрур қаноат аҳли,
Миннат кўтуруб тирилган эр хор ўлисар.[1]
Эй лашкар ичинда белгили форис эр,
Душманни кўруб заиф, сен, қилма тараб.
Бир киччи киши кечиб равон жониндан,
Арслонни уруб чиқарса марзин, на ажаб[2]

рубоийлари шу хил вазн хусусиятларига эга бўлиб, уларнинг 1-ва 3-мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, 2- ва 4-мисралари эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб вазнида ёзилган. Бу хил вазн алмашинуви рубоийларга сержило оҳанг бағишлагани кўриниб турибди.

Шоирнинг

Йўқсулга тегар ҳамиша мунъим карами,
Қурбону закоту вақфу - турли неъмат.
Сен қайда алар йўлин юргайсанким,
Юз ғусса билан қилурсан икки ракаат.[3]

рубоийсида эса 1 ва 4-мисралар ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб вазнида бўлса, 2 ва 3-мисралар ҳазами мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнидадир.

Сайфи Саройи уч вазнли рубоийлар ёзишни ҳам тажрибадан ўтказиб, 4 асар битган эди. Уларнинг ҳар қайсисида биз юқорида кўрган вазнлардан 3 таси иштирок этади.

Доим зару сийм тош ичинда мавжуд,
Лекин қаму тош ичида йўқтур зару сийм.
Барчага тегар Суҳайл тоби, лекин,
Бир ерда бўлур жароб, бир ерда адим

рубоийси, шу хусусият кўзга ташланиб туради. Унинг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азал, 2- ва 4-мисралари хазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи аҳтам, 3-мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида яратилган.

Шундай қилиб, Сайфи Саройи рубоий вазнларини ўзбек шеъриятида биринчилардан бўлиб синовдан ўтказди ва ғоявий-бадиий жиҳатдан баркамол асарлар билан ўз замондошлари ва издошлари бўлган рубоийнависларга хизмат қилди.

Сайфи Саройининг замондоши бўлган Ҳофиз Хоразмий ҳам бир қанча рубоий ёзган бўлиб, улардан 9 таси шоирнинг 1981 йили нашр қилинган «Девон»идан ўрин олган. Улар билан танишганда, рубоийларнинг барчаси шу жанрга махсус вазнларда битилгани маълум бўлади. Шуниси қизиқарлики, шоир ўз рубоийларини яратар экан, Сайфи Саройига қараганда кўпроқ вазнларга мурожаат этиб уларнинг ритм-оҳанг имкониятларини синовдан ўтказди.

---
[1] Ўша асар, 261-бет
[2] Ўша асар, 237-бет
[3] Ўша асар, 219-бет

Ҳофиз Хоразмий яратган рубоийлардан биттаси бир вазнли, иккитаси икки вазнли ва 2 таси уч вазнли асарлардир. Бир вазнли рубоий худдин Сайфи Саройи ижодидаги каби ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида битилган. Мазкур рубоийнинг

Чун ишқи кўнгулнинг ичра бунёд айлар,
Ғам бирла ҳароб мулкин обод айлар.
Жон бирла анинг ғамита бўлсам банда,
Ул дамла мани гаминдин озод айлар![1]

мисраларида у вазннинг оҳанг хусусиятлари тўла акс этган. Икки вазнли рубоийларнинг барчаси "3 + 1" типидаги вазн хусусиятига эга бўлиб, улардан 3 тасида иккинчи вазн мисрага тўғри келади.

Жумладан:

Токи лаби лаъли шаккарафшон бўлди,
Олам сўзи бирла шаккаристон бўлди.
Гулзорга нечаким бўлур булбул зор,
Ошиқ юзина ҳазор чандон бўлди?[2]

рубоийсидаги 1, 2, 4-мисралар ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида бўлса, учинчи мисрада шоир ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл вазнига мурожаат қилган.

Икки вазнли рубоийлардан 2 тасида вазндаги ўзгариш биринчи мисрага тўғри келади. Лекин ўзгариш биринчи рукнда содир бўлиб, асосий вазндаги макфуф рукни (мафоийлу) мақбуз (мафоилун) билан алмашиши туфайли оҳангдаги ўзгариш сезилар-сезилмасдир.

Лутф ичра лабинга ўхшатур жон эрмас,
Қаддинг бики ҳам сарви хиромон эрмас.
Ул сунбули сероб била юзунгтек,
Гулзор аро ҳаргиз гули райҳон эрмас?[3]

рубоийси мисолида бу хусусиятни кўришимиз мумкин.

Ҳофиз Хоразмий рубоийлари вазнининг муҳим бир жиҳати икки вазнли рубоийларда ахрам шажараси вазнларининг ҳам қўлланишидир.

Бу хусусиятни Қози Бурҳониддин ижодида ҳам, Сайфи Саройи шеъриятида ҳам кўрмаган эдик. Форсий рубоиётнинг вазн хусусиятларини синчиклаб ўрганган шоир зарур ҳолларда ўрни билан ахрам шажараси ўлчовларидан ҳам фойдаланишга жазм қилади. Буни

Ишқ ичра қачонки бенишон бўлғаймен,
Қул ҳам бўлсам шоҳи замон бўлғаймен.
Хоки қаламингта бош қўюб ер ўлсам,
Оламнинг ичинда комрон бўлғаймен[4]

[1] Хофиз Хоразмий. Девон. II китоб, «Шарқ», 1981, 297-бет.
[2] Ўша асар, 298-бет
[3] Ўша асар, 298-бет
[4] Ўша асар, 297-бет

рубоийсида кузатишимиз мумкин. Унинг иккинчи мисраси ахрам шажараси вазнларига мансуб ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими абтар (рукнлари: мафъулун мафъулу мафоийлун фаъ) ўлчовидадир.

Шоирнинг 2 та уч вазнли рубоийсида ахраб шажарасига мансуб вазнлар иштирок этади. Жумладан, ижодкор

Парвона бўлур юзунг кўруб шамъи фалак,
Ҳам бандайи эҳсонинг эрур мулку малак.
Сўруб ўюнур эсам лаби лаълингни,
Тутсун мани, эй жони жаҳон, ҳаққи намак[1].

рубоийсида ҳазаж баҳрининг 8 рукнли ахраби мақбузи мақфуфи ажабб (1-мисра), ахраби мақфуфи ажабб (2,4-мисралар) ҳамда ахраби мақбузи солим абтар (3-мисра) вазнларидан фойдаланган.

Сайфи Саройи ва Ҳофиз Хоразмийларнинг замондоши Лутфий ҳам рубоий жанрида ўз қаламини синаб кўрган эди. Унинг шеърлари орасида иккита рубоийга дуч келамиз. Улардан бири икки вазнли

Гар сайр учун ул моҳи тобон чиқадур,
Қўл солиб, этак йиғиб хиромон чиқадур.
Чун жилва қилиб ногаҳон ул боқса қиё,
Ҳар бир боқишиға юз сучук жон чиқадур[2].

рубоийси бўлиб, 1 ва 3-мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи ажабб, 2 ва 4-мисралари эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб вазнида ёзилган эди. Иккинчи рубоий унинг тўртликларига нисбат берилган

Эй авжи малоҳат устида ой юзлук,
Гулзори латофат аро наргис кўзлук.
Қошингда агарчи эгрилик бор, вале,
Ул сарв каби қадингға бордур тузлук[3].

асаридир. Бу рубоий уч вазнда битилган бўлиб, биринчи ва тўртинчи мисралари ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, иккинчи мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи солими абтар, учинчи мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб вазнида яратилган.

Лутфийнинг рубоий жанрида яратган асарлари шулардангина иборат деб қараш тўғри бўлмасди. Бошқа вазнларда кўплаб латиф асарлар битган маликул калом шоир бизгача етиб келган намуналарга қараганда анча кўп рубоий ёзган деб тахмин қилишга барча асослар бор, деб ўйлаймиз.

Шундай қилиб, Навоийга қадар ўзбек шеъриятида Сайфи Саройи Ҳофиз Хоразмий, Лутфийлар илк бор туркий тилда рубоий вазнидаги асарлар яратиб, бу мураккаб жанрда ижод

[1] Шу асар, 297-бет.
[2] Лутфий. Сенсан севарим. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1987 йил, 334-335-бетлар.
[3] Шу асар, 337-бет.

қилиш мумкинлигини исботладилар. Лекин уларнинг шеъриятларида рубоийларга хос анъанавий вазнларнинг баъзиларигина синовдан ўтказилди. 10—20 рубоий яратиш билан бу жанрнинг ўзбек адабиётидан мустаҳкам ўрин олишига эришиш қийин эди, албатта. Рубоий жанрига махсус бўлган вазнларнинг барчасини қўллаб, юзлаб баркамол асарлар яратган ва унинг шеъриятимиздаги ўрнини узил-кесил белгилаб берган шоир Алишер Навоий бўлди.

Алишер Навоий форсий адабиётдаги рубоий жанри хусусиятларини ҳар жиҳатдан мукаммал ўрганиб чиққан, хусусан, унинг мураккаб вазнларини жуда чуқур ўзлаштирган эди. Буюк шоир ўз салафларининг рубоийнавислик фаолиятидан ҳам яхши хабардор бўлиб, улар қўллаган рубоий вазнлари билан таниш эди, албатта. Мутафаккир шоир рубоий жанрида қалам тебратар экан, аввало, унинг барча матбуъ вазнларида туркий тилда баркамол асарлар битиш вазифасини ўз олдига қўйди. Зеро, туркий шеъриятда рубоий жанридаги асарларнинг кам битилганини бу тилнинг ғариблиги ва хунуклиги деб талқин қилувчи форсигўй ижодкорларнинг таъналарини кўп эшитган эди у. Бинобарин, туркий тилда кўп ва хўб рубоийлар яратиш билан бу адабиётнинг мавқеини янада мустаҳкамлаш Навоийнинг олижаноб мақсади эди.

Шоирнинг форсий тилда 51 та, туркий тилда эса 388 рубоий ёзгани кўпчиликка маълум. Уларнинг ҳар қайсиси ўзида муҳим ва долзарб умумбашарий ғояларни бадиий жиҳатдан баркамол тарзда мужассамлантирган ноёб дурдонадир. Бу рубоийларда Навоийнинг ҳаёт мазмуни ва инсон тақдири, пок ахлоқ ва самимий муҳаббат, чинакам дўстлик ва ватанпарварлик ҳақидаги юксак гуманистик қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ижодкор ҳар қайси асарда ундаги ғоя, лирик қаҳрамон қиёфаси, унинг теран фикрлари ва сержило туйғулари ифодаси учун ниҳоятда мос бўлиб тушадиган вазн ва оҳанглар танлайди. Ҳа, Навоий рубоийларида вазн, оҳанг етакчи эмас, шеър ўлчовини белгиловчи асосий омил фикрлар ва сўзлардир.

Навоий ўз рубоийларини форсий адабиётнинг мазкур жанрдаги барча тажрибалари ва ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратди. Шунинг учун ҳам улар орасида 1, 2, 3, 4-вазнли рубоийларни ҳам, ахраб ва ахрам шажарасига мансуб матбуъ вазнларнинг барчасини ҳам кўрамиз. Шоир рубоийга махсус вазннинг ҳар бирини ўз тажрибасида синаб кўрди ва уларнинг энг ёқимли ва сержило турларида ўзининг ҳар икки тилдаги асарларини битди.

Навоийнинг икки тилдаги жами 439 рубоийсидан 95 таси, шу жумладан, туркий тилдаги 388 асаридан 85 таси ёхуд қарийб 22 фоизи бир вазнли рубоийлардир.

Диққатга сазовор томони шундаки, туркий тилдаги бир вазнли рубоийларнинг аксарияти, аниқроғи, 62 таси ахраб шажарасининг мақбуз гуруҳи (яъни иккинчи рукни мафоилун рукнига тенг бўлган) вазнларида ёзилган. Улардан 30 таси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоилун фаъ) вазнидадир. Бу вазннинг кўп қўлланишига сабаб унинг ритм-оҳанг жиҳатидан мақбуллигидир. Навоийнинг

Кимни тиласанг билай – мақолин англа,
Аслин десанг англайин – фиъолин англа.
Кирдорига боқиб асл ҳолин англа,
Аслига далил анинг ҳисолин англа[1].
Ким ақл йўлида тутса маъво охир,
Тонг йўқ эл ичинда бўлса доно охир.

[1] Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 15-том, Назм ул-жавоҳир. Ўзадабийнашр, Тошкент, 1988 йил, 25-бет (бундан сўнг ушбу нашр «15-том» деб кўрсатилади).

Рифқ айламак ҳар ишта авло охир,
Ким ақл далилидир мадоро охир?[1]

каби рубоийлари мисолида мазкур вазн хусусиятларини кўриш мумкин.

Шоир 28 рубоийсини шу гуруҳга мансуб ҳазажи мусаммани ахрабан мақбузи мақфуфи ажабб (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлу фаал) вазнида яратди. Олдинги вазндан унинг фарқи кейинги икки рукнда «мафоийлун фаъ» ўрнига «мафоийлу фаъ» фуруъларининг қўлланишидир. Шоирнинг

Кўзум учадур, магарки, ёрим келадур,
Эс ҳам дам озар, магар нигорим келадур,
Ё бодияйи фироқ сайрида қилиб
Юз марҳала қатъ шоҳсуворим келадур[2].

Эх қочса биравдин, эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон-ёмони бил они[3]

каби кўплаб рубоийларида мазкур вазнга хос ёқимли оҳанг ўз ифодасини топган.

Ҳазажи мусаммани акраби мақбузи солими азалл (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлун фоъ) вазнида шоир 2 тагина бир вазнли рубоий яратган эди. Уларда охирги рукн ўрнида келган «фоъ» фуруъи — ўта чўзиқ ҳижо рубоийларга вазмин, салобатли оҳанг бағишлайдики, буни

Ағёр ила жуфт бермаким, фардим бор,
Ким фурқати заъфида рухи зардим бор.
Гар дардидин оҳи ғусса парвардим бор,
Манъ айлама, эй рафиқ ким дардим бор[4].

Бердинг менга дайр аро иқомат, эй муғ,
Туттунг қадаҳи майи маломат, эй муғ.
Бу ишни худ, айладинг каромат, эй муғ,
Ё рабки, ҳамиша бўл саломат, эй муғ?[5]

мисраларида кўришимиз мумкин.

Шоир яна икки рубоийсини ҳазажи мусаммани ахрабн мақбузи мақфуфи аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлу фаул) вазнида ёзганди. Улардаги оҳанг юқоридаги вазнга нисбатан ҳам сокинроқдир.

---

[1] Ўша асар, 28-бет.
[2] Навоий. Хазойинул маоний. I том. «Ғаройибус сиғар», ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1959 йил, 749-бет (бундан сўнг ушбу нашр «Ғаройибус сиғар» деб кўрсатилади)
[3] 15-том, 32-бет.
[4] «Ғаройибус сигар», 750-бет.
[5] Ўша асар, 757-бет.

Ул дурри саминки, бор эди кўзума ёш,
Айларда ажал анга жафо расмини фош,
Ғам тирноғидин қилиб қароғимни ҳарош,
Ёшурғой эдим они кўзум уйида кош[1].
Соқий, мени хор-хордин айла халос,
Гул-гул юзунг оч, баҳордан айла халос,
Емай бер-у интизордин айла халос,
Ё ўлтурубон хумордин айла халос[2].

рубоийлари буни яққол кўрсатиб турибди.

Рубоий вазнларининг ахраб шажарасидаги макфуф гуруҳи, яъни иккинчи рукни «мафоийлу» фуруъига тенг вазнлар бу хил рубоийларда унча кенг қўлланмаган. Шоир рукнлари мафъулу мафоийлу мафоийлун фаъ кўринишида бўлган ҳазажи мусаммани ахраби солими абтар вазнида 13 рубоий яратган.

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзунг яхши, дудоғинг яхши,
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, боштин аёғтинг яхши[3]

рубоийси мисолида бу вазн хусусиятлари билан танишишимиз мумкин.

Навоийнинг 9 та бир вазнли рубоийси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаал) ўлчовида ёзилган.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,
Кўзларни олишмоққа чекиб тийғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйға-ю ўз кўзини ҳам[4]

рубоийси бу вазн имкониятларини ўзида яққол намойиш қилади.

Ниҳоят, бир вазнли биттагина рубоий ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийл фаул) вазнида ёзилган бўлиб, у ҳам бўлса, «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган

Чун ханжари ҳажринг манга қатъ этти ҳаёт,
Бори ғаму дарднинг ўқини тинмайин от,
Ким онга қовурсин пар ўлуб бутса қанот,
Тойир бўлубон етгамен охир санга бот[5]

асаридир.

Шундай қилиб, бир вазнли рубоийларда Навоий ахраб шажарасига мансуб етти вазндангина фойдаланди. Шуниси ҳам қизиқарлики, бир вазнли 88 рубоийдан 86 таси тарона шаклида, фақат 2 тасигина ва а а б а шаклида қофияданади.

---

[1] «Ғаройибус сиғар», 754-бет
[2] Ўша асар, 755-бет.
[3] Ўша асар, 772-бет.
[4] Ўша асар, 764-бет
[5] “Ғаройиб ус-сиғар”, 746-бет

Бир вазнлилик рубоий мисраларига бир хил маромдаги равон оҳанг бағишлайди.

Форсий ва туркий адабиётларда яратилган рубоийларнинг аксарияти қўшвазнли асарлар. Рубоийларни икки вазн асосида битишдан кўзланган мақсад, аввало, фалсафий фикрлар ифодасида шеърий ўлчов нуқтаи назаридан муайян эркинликка, зарур сўзларни керакли ўринларда қўллаш имкониятига эришиш бўлса, иккинчидан, уларда оҳанг ранг-баранглигини таъминлаш, тегишли мисрада асосий вазнни ўзгартириш билан ўқувчи диққатини ўша ўринда таъкидланаётган ғоя ёки тимсолга жалб қилишдир. Бу соҳада форсий шеъриятда жуда катта тажриба тўпланган эди.

Алишер Навоий Шарқ рубоийнавислигидаги энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда хилма-хил таркибиятдаги қўшвазнли асарлар яратиб, рубоий вазнлари ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Шоирнинг туркий тилдаги жами 388 рубоийсидан 231 тасининг қўл вазнли асарлар сифатида яратилганлигининг ўзидаёқ унинг рубоийнависликдаги мазкур услубга қизиқишидан далолат бериб турибди.

Маълумки, қўшвазнли рубоийлар битишининг икки усули мавжуд. Булардан бири ўзаро жуда яқин, оҳанг жиҳатидан кам фарқланадиган икки вазндан фойдаланиш бўлса, иккинчиси ритм-оҳанги сезиларли даражада ажралиб турадиган икки ўлчовга мурожаат қилишдир. Бир шажарага мансуб бўлиб, биринчи, учинчи, тўртинчи рукнлари айнан, фақат иккинчи рукнларигина айрича бўлган вазнлар бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, улар биргаликда қўлланганида, оҳангдаги ўзгариш сезилар-сезилмас даражада бўлади.

Охирги икки рукнида фарқланувчи бир шажарага мансуб вазнлар, шунингдек, икки шажарага мансуб вазнлар ритм-оҳанг жиҳатидан анча жиддий фарқланади, Навоийнинг қўшвазнли рубоийларини синчиклаб ўрганилганда, шоир бу хил асарларини битишда асосан ўзаро жуда яқин бўлган вазнларни қўллаганига ишонч ҳосил қиламиз. Аниқроғи, 231 қўшвазнли рубоийдан 206 таси шу асосда яратилган. Фақат 25 рубоийдагина икки вазн ўзаро кескин ажралиб туради. Навоийнинг қўшвазнли рубоийлари уларда қўлланган вазн алмашиниш хусусиятига кўра икки катта гуруҳга бўлиниб, бу гуруҳларни шартли равишда «3 + 1» ва «2 + 2» типлари сифатида ифодалаш мумкин. «3 + I» тарзидаги қўшвазнли рубоийларда уч мисра бир хил вазнда, бир мисрагина иккинчи хил вазнда ёзилади. Иккинчи вазн рубоийнинг исталган мисрасида қўлланиши мумкин. Чунончи, шу типдаги 143 рубоийда вазн ўзгариши 32 асарда биринчи мисрада, 33 асарда иккинчи, 43 асарда учинчи ва 35 асарда тўртинчи мисрада юз беради. Жумладан,

Зоҳид, сенга ҳур, манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.
Майҳона аро соқийи паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак[1]

рубоийсидаги 2, 3, 4-мисраларда қўлланган асосий вазн ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи ажабб бўлгани ҳолда, биринчи мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб вазнида ёзилган. Ҳар икки вазн иккинчи рукндагина фарқ қилиб, асосий вазндаги мафоийлу фуруъи мафоилун билан алмашган, холос. Бу икки фуруъ оҳанг жиҳатидан салгина фарқлангани учун рубоийнинг биринчи мисрасидаги вазн ўзгариши ҳам сезилар-сезилмасдир.

[1] «Ғаройибус сиғар», 760-бет.

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн киби қарорим йўқтур.
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

рубоийсида 1, 3, 4-мисралар ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида бўлса, 2-мисра ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар ўлчовида битилган. Мисралар оҳангидаги ўзгариш ҳам яққол билиниб турмайди. Шу хил ҳолатни асосий вазн учинчи мисрада алмашинадиган

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолиға саргаштаву ҳайрон мендек.
Ғам қўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники алохону аломон мендек.[1]

рубоийсида ҳам кўрамиз. 1, 2, 3-мисралардаги асосий ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазнининг ўрнини 3-мисрада ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазни эгаллаши деярли сезилмайди.

Кўксумни жафо тиғи ила ёра қилинг,
Кўнглумни чиқоринг, доғи юз пора қилинг.
Ҳар порасини бир сори овора қилинг,
Ишқим ўтиға бу навъ ила чора қилинг[2].

рубоийсида эса 1, 2, 3-мисраларда ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб вазнидан фойдаланилган бўлса, охирги мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб ўлчовида.

Оҳанг ўзгачалигини бу ўринда сезиб олиш осон эмас.

Бинобарин, шоир шу тарздаги вазн ўзгаришини мақбул кўради. Ваҳоланки, оҳангда жиддий акс этадиган вазн ўзгариши рубоийга айрича латофат, таъсирчанлик бағишлайди. Фикримизнинг далилини Навоийнинг машҳур

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш[3].

шунингдек,

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз[4].

[1] Ўша асар, 751-бет.
[2] Ўша асар, 760-бет.
[3] Ўша асар, 761-бет.
[4] Ўша асар, 772-бет.

каби рубоийлари мисолида кўра оламиз. Олдинги рубоийда 1, 2, 4-мисралардаги ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб вазни 3-мисрада ундан жиддий фарқ қилувчи ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар ўлчови билан алмашинган. Кейинги рубоийда 1, 2, 4-мисралар учун ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам вазни танланган бўлса, 3-мисрада ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар ўлчовига мурожаат қилишган. Қўлланган вазнлардаги кескин фарқ туфайли учинчи мисралардаги оҳангнинг ўзгачалиги ҳам яққол кўзга ташланади. Айниқса, вазннинг учинчи, кульминацион мисрада бу хил кескин ўзгариши рубоий оҳангига алоҳида жило бағишлаб, ўқувчи диққатини шу мисрадаги фикрга жалб қилиш вазифасини ўтайди.

Олам элида биров саодатсиз ўлур,
Ким фақр йўлида иститоатсиз ўлур,
Иззат топмас кимки қаноатсиз ўлур,
Ҳар кимса ҳасуд бўлса, роҳатсиз ўлур[1].

Бу рубоийнинг учинчи мисрасидаги вазн алмашинуви оҳанг ўзгачалигида яққол сезилади. Зеро, 1, 2, 4-мисралардаги ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб вазни ахрам шажарасига мансуб бўлган ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб вазни билан алмашинган.

Умуман, ахрам шажараси вазнлари Навоийнинг «3 + 1» типидаги 18 рубоийсида иштирок этади. Шу жумладан, улар 4 асарнинг иккинчи мисрасида, 9 асарнинг учинчи мисрасида, 5 асарнинг эса тўртинчи мисрасида асосий вазнни алмаштиради.

Навоийнинг қўшвазнли рубоийлари орасида бу хил ўзгаришлар кам учрайди. Турли мисраларда вазннинг бу хил жиддий ўзгариши «3 + 1» типидаги жами 21 рубоийда, шу жумладан, 3-мисрада ўлчовнинг шу тарзда алмашинуви фақатгина 11 рубоийда учрайди. Навоий салафлари ижодида баъзангина қўлланган ушбу услубни ўз асарлари билан ривожлантирган бўлса, унинг издошлари Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз Ўтарлар буни ўз рубоийларида кенг қўлладилар.

Қўшвазнли рубоийларнинг яна бир қисми 88 таси «2 + 2» тарзида яратилган, яъни бундай рубоийларнинг икки мисраси бир хил, яна икки мисраси иккинчи ҳих вазнда ёзилган. Навоий бу хил услубда битилган рубоийларда ҳам асосан оҳанг жиҳатидан ўзаро яқин бўлган вазнлардан фойдаланади. Чунончи, 43 рубоий ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб вазнлари, 37таси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар вазнлари алмашинуви асосида яратилган.

Бу вазнлар фақат иккинчи рукндагина бир оз фарқ қилгани туфайли рубоий мисралари оҳангидаги ўзгариш ҳам унча сезилмайди.

«2 + 2» тарзидаги рубоийлар 3 хил кўринишдаги таркибга эга бўлиб, биринчи хилида олдинги икки мисра биринчи хил, кейинги икки мисра эса иккинчи хил вазнда ёзилади. Чизма тарзида буни «I-I-II—II» сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан,

Ишқингда неча зор бўлай фурқат аро,
Етсам, хуш эрур базминга бир ишрат аро.

[1] Ўша асар, 15-том, 50-бет.

Кўз икки юзунгдин олмасам суҳбат аро,
Икки тобонингдин уйлаким хилват аро[1]

рубоийси шу тарзда битилган, унинг олдинги икки мисраси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб, кейинги икки мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб вазнлари асосида ёзилган. Жами 32 рубоий шу усулда битилган. Мазкур типга мансуб рубоийларнинг иккинчи турида икки вазн мисралараро бирин-кетин алмашиниб туради, яъни биринчи ва учинчи мисралар бир хил, иккинчи ва тўртинчи мисралар иккинчи хил вазнда ёзилади. Буни чизма тарзида «I-II-I-II» кўринишида ифодалаш мумкин. Жумладан:

Юз меҳнату ғам кўнглума етқурди фироқ,
Жонимға балову дард ўқин урди фироқ.
Жисмимни фано ўтиға куйдурди фироқ,
Чун куйди кулини кўкка совурди фироқ[2].

рубоийсида 1, 3-мисралар ҳазажи мусаммани аҳраби макфури аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаул), 2, 4-мисралар эса ҳазажи мусаммати ахраби мақбузи макфуфи аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлу фаул) вазнларида ёзилган. Жами 34 рубоий шу хил хусусиятга эга.

«2 + 2» типидаги рубоийларнинг учинчи хилида бир вазндаги икки мисра иккинчи вазндаги икки мисрани ўраб туради, яъни 1, 4-мисралар бир хил, 2, 3-мисралар иккинчи хил вазнда ёзилади. Чизма тарзида бу таркибни «I-II-II-I» кўринишида акс эттириш мумкин. Чунончи,

Дониш тила-ю ҳар сори гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб нетгайсен.
Саъй айлаки ҳифзи ганжиға етгайсең,
Йўқ улки, кутуб саъй ила ҳамъ этгайсен[3]

рубоийсининг 1- ва 4-мисралари ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи солими абтар, 2, 3-мисралари эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар вазнида. Бу усул билан жами 22 рубоий яратилган. «2 + 2» типидаги қўшвазнли рубоийлар орасида оз бўлса-да ўзаро жиддий фарқланувчи вазнларда битилганлари ҳам учрайди. Уларда мисралар оҳангидаги ўзгариш аниқ сезилиб туради.

Кўнглумни олибдур ух шаҳи сабз давож,
Ким ғамза била олур мамоликдин бож.
Боши уза мамлакат хирожи бир тож,
Тожи уза гавҳари мамоликка хирож.

рубоийсида бу хусусиятини яққол кўриш мумкин. Зеро, 1 ва 4-мисралардаги ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийлу фаал) вазни 2 ва 3-мисраларда қўлланган ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар ваз-

[1] Ўша асар, 743-бет.
[2] Ўша асар, 758-бет
[3] 15-том, 38-бет

нига қараганда кескин ажралиб турувчи оҳангга эга. Ахраб ва ахрам шажараси вазнлари иштирок этган рубоийларда эса бу хусусият янада аниқроқ кўринади. Масалан,

Гар кимсада зоҳир ўлса тамкини хирад,
Андоқ билгилки, топти тазйини хирад.
Андоқ қориким йўқ анда ойини хирад,
Ул ён ортуққи, топти талқини хирад?

рубоийсида мисралар оҳангидаги ўзгачаликни сезиб олиш осон. Чунки унинг 1- ва 3-мисралари ахраб шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб (рукнлари: мафъулу мафаилун мафоийлу фаал) вазнида ёзилган бўлса, 2 ва 4.-мисраларда ундан кескин фарқланувчи, ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани ахрами абтари макфуфи ажабб (рукнлари: мафъулун фойдун мафоийлу фаал) вазни қўлланган.

Ахрам шажараси вазнлари «2 + 2» таркибдаги 3 тагина рубоийда қўлланиб, бирида олдинги икки мисра, иккинчисида икки мисра ўртасида, учинчисида эса 2- ва 4-мисралар (юқорида келтирилган рубоий) ўрнида келади.

Алишер Навоий яратган туркий рубоийларнинг 58 таси 3 вазнли асарлардир. Вазнларнинг бу тарздаги хилма-хиллиги рубоий мисраларидаги оҳанг хилма-хиллиги, сўзларни керакли ўринда қўллаш имкониятини таъминлайди. Юқорида шоирнинг икки вазнли рубоийларида ўзаро яқин, оҳанг жиҳатидан кам фарқланадиган вазнларга мурожаат қилганини таъкидлаган эдик. Уч вазнли рубоийларда эса мисралардан бирортаси оҳанг жиҳатидан бошқа мисраларга қараганда алоҳида ажралиб туради. Шоир бунга икки хил йўл билан эришади.

Биринчи турдаги уч вазнли рубоийларга хос хусусият уларда иккита ўзаро яқин вазнга шу шажарага мансуб, оҳанг жиҳатидан жиддий ажралиб турувчи учинчи вазннинг қўшилишидир. Шу вазн шеърга алоҳида оҳангдорлик бағишлаб, унинг жозибадорлигини, таъсир кучини орттиради. Жумладан,

Номанг етибон топти кўнгул иззу шараф,
Ҳар лафзи бўлуб мурод дуррига садаф.
Ҳар сатри алам черикининг дафъи учун
Иқбол сипоҳидин чекибон бир саф

рубоийсида биринчи мисра ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб, 2, 3-мисралар унга оҳангдош ҳазажи мусаммани мақбузи макфуфи ажабб вазнида бўлса, охирги мисра улардан аниқ фарқланиб турган ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абтар ўлчовида ёзилган. 4-мисрадаги оҳанг ўзгачалиги бўртиб кўриниб турибди.

Учинчи вазн рубоийнинг 3-мисрасига тўғри келса, асарнинг оҳангдорлиги янада кучаяди.

Йўқ бодаи васл, обиҳайвон ул эмиш,
Аҳбоб мулоқоти дема, жон ул эмиш.
Гардун ғаму ранж суратин нақш этса,
Жон чеҳраси атрофига ҳижрон ул эмиш.

рубоийси шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Навоийнинг уч вазнли рубоийларидан 10 таси бир шажарага мансуб ўлчовлар асосида яратилган.

Шоир уч вазнли рубоийларининг иккинчи тури учинчи вазннинг бошқа шажарага мансублиги билан характерланади. Яъни уларда ахраб шажарасидаги икки ўзаро яқин вазнга ахрам шажарасига кирувчи, бинобарин, оҳанг жиҳатидан ўзгача бўлган учинчи вазн қатнашади. Бу эса рубоий вазнига сезиларли таъсир кўрсатмай қолмайди. Уч ўлчовли

Кўнглум сайди узуб улустин пайванд,
Саргашта сифатлик била эрди хурсанд.
Кулоби муҳаббатинг яна солди каманд,
Сайлики узуб эди, расан айлади банд.

рубоийсида ахрам шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими азалл (рукнлари: мафъулун фойлун мафоийлун фоъ) вазни биринчи мисрада келган. Шоир шундай рубоийлардан жами 12 та битган.

Турмай мени зору нотавон бирла кўнгул,
Улфат тутмиш ул остон бирла кўнгул.
Ёрики манга жон эди ҳам азм этти,
Мен мундаву хизматингда жон бирла кўнгул

рубоийсида ахрам аштари макфуфи ажабб (рукнлари: мафъулун фоилун мафоийлу фаал) иккинчи мисрада қўлланган. Навоийнинг бундай рубоийлари сони 12 та.

Умринг қуёшига бермасун чарх завол,
Жонинг қамарини қилмасун давр ҳилол.
Тун-кун бўлгил маҳравишу меҳрҳисол,
Даҳр аҳлиға нурбахшу фархунда жамол

рубоийсининг учинчи мисраси ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ахтам (рукнлари: мафъулун мафъулу мафоийлу фаул) вазнида. Шоирнинг 11 асари шу хил вазн хусусиятига эга.

Гар ошиқ эсанг меҳру вафо қилма ҳавас,
Дард иставу дафъиға даво қилма ҳавас.
Ҳижрону висол мутлақо қилма ҳавас,
Дилдорингдин ғайри ризо қилма ҳавас.

рубоийсида ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб (рукнлари мафъулун мафъулу мафоийлу фаал) вазни охирги мисрада келиб шеърга алоҳида оҳанг бахш этган. Навоийнинг II рубоийси шу хил усулда ёзилган.

Шоир яратган уч вазнли рубоийлардан бирида ахрам шажарасидаги иккита бир хил вазнга дуч келамиз. Улар ахраб шажарасидаги икки вазн билан биргаликда уч вазнли рубоийни ҳосил қилади. «Назм ул-жавоҳир» тўпламидаги

Ҳар шукрки, гар шоҳ ва гар сойил этар,
Ўз неъматин ортмоқ сори мойил этар.
Неъмат шукрига ким тилин қойил этар,
Ортар куфрони, лек они зойил этар

рубоийси шу хил хусусиятга эга. Унинг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи ажабб, иккинчиси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб вазнида бўлиб, учинчи ва тўртинчи мисралари ҳазажи мусаммани ахрами абтари макфуфи ажабб вазнида битилган. Вазн нуқтаи назаридан «Назм ул-жавоҳир»дан ўрин олган

Олам тарки кишига ҳиммatдин эрур,
Ким кўп шиддат ул сори рағбатдин эрур.
Нафсингға қаю аламки шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ ани мурувватдин эрур.

рубоийси характерлидир. Унинг таркибида ахрам шажарасидаги уч вазн қўлланган. Чунончи, 1 ва 4-мисралар ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб, иккинчи мисра ҳазажи мусаммани ахрами ахраби макфуфи ажабб вазнида бўлиб, учинчи мисрасигина ахраб шажарасига мансуб ҳазажи мусаммани мақбузи макфуфи ажабб вазнидадир.

Ниҳоят, шоир ижод қилган рубоийлардан 6 таси тўрт вазн асосида яратилган. Улардан биттасида ахраб шажараси вазнларигина қўлланган. Бу – «Ғаройиб ус-сиғар»дан ўрин олган

Олам бор эмиш, Навоиё, шўрангиз,
Олам доғи эл бошtин-аёғ рангомиз.
Ишқ истар эмин сени одам мисри сари,
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз!

рубоийсидир. Диққат қилинса, 1-мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл, 2-мисра хазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл, 3-мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб, 4-мисра эса ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам вазнида ёзилган. Вазн хусусиятларини чизмада янада яққолроқ кўриш мумкин:

– – V V – V – V – – – ~
– – V V – – V V – – – –
– – V V – V – V – – V V – –
– – V V – – V V – – V V ~

Тўрт вазнли рубоийлардан учтаси ахрам шажараси вазнлари иштирокида яратилган.

Садбаргу бинафша, йўқса наргиз, ё гул,
Ичмак булмас булар ҳавоси била мул.
То ҳажр елидин ўлди ошуфта димоғ,
Юз нохуна кўз ичраву юз пора кўнгул?

рубоийсида ахраб шажарасидаги уч вазн билан ахрам шажарасидаги бир вазн қўлла-

ган. Унинг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, иккинчиси ҳазажи мусаммани ахрами аштари макфуфи ажабб, учинчиси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам, тўртинчи мисра эса ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам вазнларида ёзилган. Уларнинг чизмаси эса

– – V V – V – V – – – –
– – – – V – V – – V V –
– – V V – V – V – –V V ~
– – V V – – V V – – V V –

«Назм ул-жавоҳир»дан ўрин олган иккита 4 вазнли рубоийни битишда шоир иккитадан ахрам шажарасидаги вазнлардан фойдаланди. Жумладан,

Ёш улғайса тоқи муқарнасдур дард,
Балким мамнуъ сипеҳри атласдур дард.
Қари кишига балки кам эрмасдур дард,
Юз сиҳҳати бўлса қарилик басдур дард

рубоийсидаги биринчи мисра ҳазажи мусаммани ахрами ахраби солими азалл, иккинчиси ҳазажи мусаммани ахрами аштари солими азал, учинчиси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл ва тўртинчиси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл вазнларида битилган. Чизмада рубоийга хос ана шу хусусият аниқ кўзга ташланади:

– – – – – V V – – – ~
– – – – V – V – – – ~
– – V V – – V V – – – ~
– – V V – V – V – – – ~

IV БОБ
ҚИТЪАЛАРНИНГ ОҲАНГ ЖИЛЛАРИ

Вазнларнинг сержилолиги жиҳатидан ғазаллардан кейин турадиган жанр қитъадир. Алишер Навоий ўзининг бу жанрдаги асарларини яратар экан, ўзбек арузининг 7 баҳрига мансуб 31 вазндан фойдаланди.

Ғазал жанридаги каби, Навоий қитъалари вазнини белгиловчи асосий жиҳат уларнинг ғоявий-тематик йўналиши, лирик қаҳрамон кечинмаларининг ҳарактеридир.

Қилибмен онча исёнким, агар дўзах аро кирсам,
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар тўлғай.
Худоё, афв осонроқдурур, йўқса ғазаб қилсанг,
Магарким, ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай

қитъасидаги исёнкорона руҳ, жиддий оҳангни бадиий ифодалаш учун ҳазажи мусаммани солим вазни қанчалик мос тушган бўлса,

Яхши хотунлар саройи зуҳдидин
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош.
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдир қуёш.

қитъасидаги юксак гуманистик фикрни таъсирчан акс эттиришда туркий шеъриятга хос анъанавий туюқ вазнлари рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнлари шунчалик мақбул танланган.

Таҳ-таҳ юраким қон эди бир-бир ситамидин,
Кўп-кўп келури чоғида келса эди оз-оз.
Кеч-кеч келури вақтида ҳам рози ўлибмен.
Бот-бот келурига қиладур анда доғи ноз.

қитъасидаги енгил услуб – жуфт сўзлар воситасида ошиқ кечинмаларини ҳазилнамо ифодалаш учун ўйноқи ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ҳамда ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазнлари шоирга ниҳоятда қўл келган бўлса,

Хўбким, йўқтур шамойил бирла ширин сўз анга,
Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо суврати.
Хилъатин зарбофт дебодин гар этсун, бил яқин.
Ким намудор ичрадур зарбофт дебо суврати

қитъасида ўз тажассумини топган теран мазмунни вазмин ва салобатли оҳанг билан жилолантиришда рамали мусаммани маҳзуф вазни ўринли ишлатилган. Бу каби мисолларни Навоий қитъаларидан кўплаб келтириш мумкин.

Санъаткор шоир ўзининг пурмаъно асарлари учун кўпроқ рамал баҳри вазнларига мурожаат қилган эди. Чунончи, унинг «Хазойин ул-маоний» лирик куллиётидан ўрин олган 210 қитъасидан 67 таси, яъни 31 фоизи ана шу баҳр вазнларида битилган.

Худди ғазал жанрида кўрганимиздек, қитъаларни битишда ҳам шоир рамалнинг энг сержило ўлчовлари бўлмиш рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур вазн-

ларига кўпроқ эътибор қилган. Бу икки вазнда жами 38 қитъа яратилган. Бунинг сабаби қитъаларда мужассамланган фикрлар ифодаси учун мазкур вазнларнинг қулайлигидир.

Рамали мусаммани маҳзуф Навоийнинг энг хуш кўрган вазни эканлигини юқорида кўрган эдик. Шоир мазкур жанрдаги асарларининг анчагина қисмини шу вазнда яратган. Унинг асосида битилган 27 қитъа ижодкор ғояларини назм силкига кўчириш учун бу вазнинг ҳар жиҳатдан маъқул эканлигидан далолат беради.

Нокасу ножинс авлодин одам бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами.
Ким кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёга ташбеҳ эттилар,
Ким ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур.
Гаҳ топар ғаввос бир соатда юз дурри самин,
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур

қитъалари, шунингдек,

Йўлдин озди ҳар мулозимдинки ғафлат айладинг,
Будур ойин гар гадолиғдур ишин, гар шоҳлиғ.

Жон басе қилдим фидо ул ҳусн миръоти учун,
Оҳ кўп чектим вафосида анинг шому саҳар

каби байтлар билан бошланувчи қатор қитъалар шундан далолат беради.

Навоий қитъаларига хос хусусиятлардан бири қўшвазнлиликдир, яъни шоир ўз шеърларини битишда ўзаро яқин икки вазнни қўллайберади. Бу ўз навбатида мисраларнинг оҳангдорлигини таъминлайди. Навоийнинг қатор қитъаларида рамали мусаммани маҳзуф вазни рамали мусаммани мақсур билан алмашиниб келаверади. Чунончи,

Кўрсанг, эй зоҳид, муқомирваш қаландарпешае,
Бўлма кўп машғулу дунё шуғлидин қил ижтиноб.
Дона ўйнаб важҳин исор этсанг, андин яхшиким,
Эвуруб тасбиҳу ёрмоқ судин этгайсен ҳисоб.

қитъасининг биринчи ва учинчи мисралари рамали мусаммани маҳзуф вазнида бўлса, жуфт мисраларда қўлланган рамали мусаммани мақсур вазни шоир фикрларини янада салобатлироқ ифодалашга хизмат қилган.

Навоийнинг 10 қитъаси шу тарздаги вазн хусусиятларига эга. Ўз хусусиятларига кўра юқоридагиларга яқин турувчи 6 рукнли рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнларида ҳам Навоийнинг анчагина қитъаси яратилган.

Бу ўринда ҳам диққатга сазовор нарса қўшвазнли қитъаларнинг рамали мусаддаси маҳзуф вазнидагига қараганда кўпроқ битилишидир. Жумладан,

Даҳр жўгиликларидин турфа иш
Чеҳра кўргузди бизинг шоҳ асрида.

Ким фусуну лаъб бирла тутти ер
Шоҳи жўги оҳи жўги қасрида

қитъаси рамали мусаддаси маҳзуф ўлчовида бўлса,

Эйки истарсен чоқин дафъиға яшм,
Ўзга текмакка бериб имконга йўл.
Бехабар мазлум оҳи барқидин,
Ким чоқиндин доғи сўзонроқдур ул.
Турфароқ буким, санга махсус эрур,
Гар сенга жонинг керак – огоҳ бўл

қитъасида ҳар икки вазн имкониятларидан усталик билан фойдаланилган.

Навоийнинг шу баҳрдаги қитъаларининг анча қисми рамали мусаммани махбуни маҳзуф, рамали мусаммани махбуни мақсур, рамали мусаммани махбуни мақтуъ ва рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида ёзилган эди.

Маълумки, бу вазнлар бир шеърда ҳам алмашиниб қўлланаверади, уларнинг охирги рукнлари ўрнида келадиган фаилун, фаилон, фаълун, фаълон фуруълари шеър ўлчови оҳангига сезиларли салбий таъсир кўрсатмайди. Оқибатда 2, 3, 4 вазнли лирик ёки этик асарлар майдонга келади. Навоий шу вазнлар асосида бир вазнли қитъаларни ҳам, 2, 3, 4 вазнли қитъаларни ҳам анчагина яратган. Жами 14 қитъа шу вазнлар асосида битилган. Чунончи, 5 қитъаси фақат рамали мусаммани махбун вазнида бўлса,

Паҳлавон эрди менинг ёриму бир шўх анисим,
Бири ўлди-ю бири итти, ишим бўлди таассуф.
Ровиё баҳрларидин манга йўқтур кеча уйқу,
Қиссаи Ҳамза дегил гоҳию, гоҳ қиссаи Юсуф

Қитъасини битишда рамали мусаммани махбун (1, 3-мисралар) ва рамали мусаммани махбуни мусаббағ (2, 4-мисралар) вазнларидан фойдаланилган.

Покдомон зуафодин неки зоянда бўлур,
Руҳпарвардуру жонбахш зиҳи хилқати пок.
Кўрки Маръямга ўгул Исои руҳуллоҳ эрур,
Эрса бу ҳолга нопок улус таън не бок

қитъасининг биринчи ва учинчи мисралари рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида ёзилган, иккинчи мисра рамали мусаммани махбуни мақсур, охирги мисра эса рамали мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида бўлиб, шеър уч вазнли асар тарзидадир.

Айни рифоқ айла гумон фақрни, онинг бирдур,
Ҳарф ҳам иккисига яхши гар этсанг таҳқиқ

деб бошланувчи 4 байтли қитъада эса Навоий юқоридаги тўрттала вазннинг барчасига мурожаат этган ҳолда сержило оҳангга эга бўлган теран маъноли асар яратган эди.

Навоий 6 рукнли рамали мусаддаси маҳзуф, рамали мусаддаси мақтуъ, рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларидан ҳам ўз қитъаларини яратишда анча кенг фойдаланган - бу вазнларда жами 7 асар битилган.

Яккавазнли

Ярақон бўлдиму деҳқони қазо,
Заъфарон экти ёшим орифға.
Ул пари қилди кўзум сари ватан,
Боқманг, аҳбоб, кўзум сариғига

қитъаси рамали мусаддаси махбуни маҳзуф вазнида,

Сиймни сочқучи мингдин бирдур,
Ўзгаларнинг иши келди термак.
Ул жиҳатдин будурур одатким,
Олмоқ осондуру мушкул бермак.

қитъаси рамали мусаддаси махбуни мақтуъ вазнида ёзилган бўлса,

Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила
Нукта ўрнифаки тортар ҳаррос.
Бир эшакдурки, тағофул юзидин
Қилғай изҳор паёпай аррос

қитъаси икки вазнли асар бўлиб, рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф (1, 3-мисралар) ва рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ (2, 4-мисралар) вазнлари унга асос хизматини бажарган.

Навоий яратган қитъаларнинг қарийб чорак қисми – 46 таси ҳазаж баҳрининг 6 вазнида. Улардан 29 таси б рукнли ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида битилган.

Ҳазаж баҳрини енгил ва ёқимли ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни кўпроқ шоирнинг ахлоқий қарашларни ифодаловчи қитъалари учун асос бўлиб хизмат қилганини кўрамиз.

Қуёшдек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкини бир дамда ёрутғай.
Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳам ул дам тийралик оламни тутғай.
Гадолиғ яхшироқ аҳли фанодин,
Ки олам ичра килсанг подшолик.
Жаҳон аҳлиға, кўрким, шаҳ не айлар,
Жаҳон таркини қилғондин гадолиғ

каби қитъалар шулар жумласидандир.

Мазкур вазн шоирнинг «Фалоний» туркумидаги қитъаларида ҳам муваффақиятли қўлланган.

Фалони мардак ар сотти саройин,
Демаким ул саройни яхши тузди.
Қилиб икки саройига ажаб иш,
Бу бирни сотти-ю ул бирни бузди

қитъаси у жиҳатдан аҳамиятидир.

Ахлоқ мавзусига бағишланган қитъаларнинг аксариятида ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазни ҳазажи мусаддаси мақсур вазни билан алмашиниб ҳам қўлланаверади.

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.
Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густох.
Унуттунгмуки, атфол ўйнагонда
Синар оз майл кўргандин қуруқ шох

каби қатор қитъалар шулар жумласидандур.

Ҳазаж баҳрининг Навоий қитъаларида нисбатан кўпроқ қўлланган вазнларидан яна бири ҳазажи мусаммани солимдир. Мазкур вазнда битилган 12 қитъани кўздан кечирсак, унга хос бўлган сокин оҳанг диний мавзудаги фалсафий мушоҳадалар, ҳаёт ҳақидаги теран фикрлар ифодаси учун қўл келганини кузатамиз.

Муҳаммадни яратти чунки Ҳаққ айни муҳаббатдин,
Киши вазнин мувофиқ чунки даъвий этса содиқдур.
Агар оқил эсанг узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас агар юз йил вафо қилсанг

байтлари билан бошланувчи қитъалар шу хил вазн хусусиятларига эга. Улардаги чуқур мазмун мазкур вазига хос салобатли ритм воситасида пурвиқор ифодаланганига ишонч ҳосил қиламиз.

Шуниси эътиборга лойиққи, шоир ўз ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қитъаларни ҳам асосан шу вазнда ёзган эди.

Чу Хайробод бандин ўзлукум бирла ясаб эрдим,
Мени андин халос этди иноят айлабон шоҳе.
Навоий шеъри тўққиз байту, ўн бир байт, ўн уч байт,
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнунин.
Менинг абнойи жинсимдин шикоят бу эди элга,
Ки номақдур олурлар, бу шикоят худ ажаб эрмас.
Навоий умрин ўтқарди машаққат бирла оламда,
Умиди улки, ул оламда топқай комронликлар

каби байтлар билан бошланувчи қатор қитъалар шулар жумласидан.

Навоийнинг 3 қитъаси ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф, 2 қитъаси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф, қитъаси ҳазажи мусаммани ахраб вазнларида битилган эди.

Мужтасс баҳрида Навоий қитъаларининг 34 таси яратилган. Маълумки, мужтасс баҳри бошқа баҳрларга қараганда ўзбек тили хусусиятларига мосроқ. Унинг ўзбек арузида қўлланган вазнлари хилма-хил туйғулар, ранго-ранг мавзуълар ифодаси учун ниҳоятда қулай. Мазкур баҳрга хос кўпвазнлилик хусусияти эса лирик шеъриятда оҳангларнинг турланиши, ритмнинг жилоланишига мақбул шароитни яратиб беради.

Мужтасс баҳрида битилган қитъалар орасида бир вазндагилари жуда оз учрайди. Шоир мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнида биргина

Чу душман ўлди қадимий, зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахш, жонга офат эрур.
Су бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидирки ул ўтқа офат эрур

қитъасини, мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнида эса

Синуқ сафолики, май дурдин ичгали топсанг,
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.
Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма
Нашот неъматининг миннатини Ҳотамдин

ва

Юзунгда чашмаи ҳайвон киби лабинг узра,
Солур чу соя сочинг, лаълинга етар воя.
Саҳоб соясидин ҳам қачон ибо қилгай,
Агарчи бўлса Масиҳо қуёшқа ҳамсоя

қитъаларини яратган.

Навоийнинг мужтасс баҳрида битилган қитъаларининг аксарияти қўшвазнли шеърлардир. Уларда мазкур баҳрга мансуб икки вазн кўпинча алмашиниб қўлланади.

Шоир битган 13 қитъада мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнлари биргаликда қўлланади. Бу ҳолатда охирги рукнлар ўрнида келувчи фаилун ва фаълун фуруъларининг алмашиниши оҳанг ўзгачалигини таъминловчи муҳим омил хизматини ўтайди. Чунончи,

Кийиб самур ила киш қилма асру раънолиқ,
Ипак либос ила тутма ғурур жоми тўло.
Тийиннинг ўз туки – ўқ бўлди жониға офат,
Фарисанинг паридин келди ўз бошиға бало

қитъаси мисраларида ана шу икки вазн ўзаро текис алмашиниши туфайли оҳанг ҳам ўзгариб, шеърга алоҳида жозиба бағишлайди.

Бийик мақомлиғ эл тифл эканда ҳам бўлмас,
Ки тийра қилғай они жаҳлу зулмат аҳли тили.
Қамар чароғи агар бўлса барча бир кечалик,
Не навъ ўчургай они шабпарак қаноти ели

қитъаси яна ўзгачароқ вазн хусусиятига эга. Унинг биринчи мисраси мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнида бўлса, кейинги уч мисрада мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнидан фойдаланилган.

Бийик мақомиға улким тилар сабот керак,
Ки эгриликни қўюб тузлук айласа қонун

деб бошланувчи 3 байтли қитъада юқоридаги икки вазннинг алмашиниши аҳамиятлидир. Ундаги 1, 3, 4, 6-мисралар мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнида битилган бўлса, 2- ва 5-мисралар мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнидадир. Икки вазннинг бу хил алмашиниши ўзига хос оҳанг жилосини яратади.

Анчагина қитъалар мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларининг алмашиниб келишига асосланган. Мисралар охирида чўзиқ ҳижонинг ўта чўзиқ ҳижо билан алмашинуви оҳангга нафосат бағишлайди. Жумладан,

Сафиҳ золим ила бўлма хон узра ҳамдаст,
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақлиққа.
Ўзунгга аблаҳи нодонни айлама ҳамроз,
Ки яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақлиққа

қитъаси шу хил оҳанг хусусиятига эга. Жами 4 шеър ана шу вазнлар асосида ёзилган.

Навоийнинг мазкур баҳрда яратилган қитъалари орасида ҳам уч вазнлилари учраб туради. Чунончи,

Замонда ҳусн элига жон фидо қилиб, не навъ,
Вафони мен киби бир бенаво тамаъ тутқай.
Замона аҳлида йўқтур вафо не еткай анга,
Ки кимса хубларидин вафо тамаъ тутқай

қитъаси уч вазнли бўлиб, унинг илк мисраси мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ, иккинчи ва тўртинчи мисралари мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ, учинчи мисраси эса мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнидадир. Шоир қитъаларининг 10 таси шу тарзда ёзилган.

Навоий қитъаларининг анчагина қисми, жами 27 таси хафиф баҳрида яратилган эди. Хафиф ўз номига муносиб ҳолда ниҳоятда енгил, ўйноқи вазнларни ўз ичига олган баҳр. Биринчи рукни доимо фоилотунга, иккинчиси мафоилунга тенг бўлиб, фақат охирги рукнларигина алмашинадиган мазкур вазнлар ўзига хос оҳанг жиҳтларига эга.

Навоий бу баҳрда ҳам бир вазнли қитъаларни кам ёзган фақат иккита шеър хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнида битилган бўлиб, улар машҳур

Тож кўп дардисар эрур бизга,
Зулмидур ақлу ҳуш торожи.
Бошимиздиң бу тожни кам қил,
Борча гар бўлса салтанат тожи

Ва

Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди.
Ул иморатни бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдға молик.

қитъаларидир. Эътибор қилинса, танланган вазн муҳим ва жиддий фалсафий мушоҳадаларни ихчам ва ёрқин ифодалашга имкон берганини, мисралар, охиридаги фаълун рукнлари ўрнида келган сўзларга диққатни жалб қилишда шоир юқоридаги вазннинг ритмик имкониятларидан унумли фойдаланганини кўриш қийин эмас.

Шу баҳрда битилган қитъалардан 13 таси кўпвазнли асарлардир. Уларнинг аксарияти 10 тасида хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф ва хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнлари алмашиниб келади. Мисралар охирида икки чўзиқ ҳижодан ташкил топган фаълун (мақтуъ) рукнининг икки қисқа ва бир чўзиқ ҳижоли фаилун (маҳзуф) рукни билан алмашиниши оҳангга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Улки ифлосдин аёғинда
Кафш йўл азм чоғи йўқтур онинг.
Шукр қилдук боқиб биров сори,
Ки юрурга аёни йўқтур онинг

қитъасида юқоридаги икки вазн ўзаро мутаносиб ҳолда алмашиниб келса,

Назмим ичра тариб маънилар
Ғурабо хайлидин нишонадурур.
Анда ҳар байт неча маъни ила,
Байт эмаским, ғарибхонадурур

қитъасида хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазни биринчи мисрада, хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф вазни эса кейинги учала мисрада қўлланган.

Илм дин касб қилки, суд эрмас
Чарх мушкулларини ҳал қилмоқ.
Лекин ул илм доғи нафъ эмас
Билибон бўлмаса амал қилмоқ

қитъасида эса 1, 3-мисралар мужтасси мусаддаси махбуни мақтуъ ва 2, 4-мисралар мужтасси мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида битилган.

Мазкур баҳр доирасида битилган қитъаларнинг бир қисми уч вазнли асарлар сифатида яратилган. Уларда тилга олинган вазнлар муайян мутаносибликда алмашиниб қўлланади. Жумладан,

Шоҳий Ғозий эрур карам тенгизи,
Поку софий замиру равшанрой.
Ҳарза кўп сўздин ўлмаса тийра,
Баҳр ел касратидин ўлмас лой

қитъаси шу хил вазн хусусиятларига эга бўлиб, 1-мисра хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф, 2- ва 4-мисралар хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ, учинчиси хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнидадир.

Навоийнинг жами 9 қитъаси шу тарзда уч вазнли асар сифатида яратилган.

Шоир мазкур баҳр асосида 4 вазнли қитъа ҳам ёзган. Унда юқоридаги тўртала вазнга мурожаат қилинганини кўрамиз.

Нукта асносида ҳабиби илоҳ,
Деди: «Ал-косибу ҳабибуллоҳ».
Маъни айтур бу сўзга бир комил,
Ки сўзи эрди ҳақ сори омил.
Ғараз эрмас бу касбдин дунё,
Бал эрур касбидин муроди фано

қитъаси шундай асар бўлиб, унда 3, 4, 5-мисралар хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ, биринчиси хафифи мусаддаси махбуни мақсур, иккинчиси хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ, охиргиси хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф вазнларида битилган.

Навоийнинг ўз қитъаларини яратишда танлаган баҳрларидан яна бири мутақориб бўлиб, унинг хилма-хил вазнлари заминида жами 18 асар битилган. Шоир мазкур баҳрнинг туркий шеъриятда қадимдан, Юсуф Хос Ҳожиб ижодидан бошлаб қўлланиб келган мутақориби мусаммани солим вазнидан фойдаланиб ўзининг 7 қитъасини ёзган эди. Уларни ўқир эканмиз, мана шу вазнга хос вазмин оҳанг фалсафий мушоҳадалар ифодаси учун ҳам, «Фалоний» туркумидаги ҳажвий шеърлар учун ҳам қўл келганини кузатамиз.

Ажал чун муқаррардурур, бас тамаъдин,
Недур юз ғам ўтига куйдирмак ўзни.
Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас, на яъни
Ўлардин бурун ҳар дам ўлдурмак ўзни

қитъасида пурмазмун фалсафий тафаккур балқиб турса,

Фалонга ажаб ҳол эрурким халойиқ
Не қилса, алар бирладур можароси.
Сола олмас эл ошига бир нухуд, гар
Тузилмас анинг бирла ул эл ароси.
Қазон йўққи ул анда кафлиз эмастур,
Ки бўлсун юзига қазонлар қароси

қитъасида ҳар нарсага аралашаверадиган жанжалкашнинг ҳажвий қиёфаси таъсирли акс эттирилган. Вазн, хусусан, охирги мисрадаги ҳукм ифодасига ниҳоятда қўл келган. Бош-

қа вазн қўлланганда, ушбу мисрадаги фикрнинг шу қадар хитобли баёнига эришиш мушкил эди.

Шоир мутақориб баҳрининг мусаммани маҳзуф вазнида ҳам 7 қитъа битган. Уларнинг ҳар қайсиси билан танишганда, танланган вазннинг ифодаланаётган ғояга мувофиқлиги қайта-қайта кўзга ташланади. Жумладан,

Навоий, тамаъ тухмини сочма кўп,
Риё ашкидин анга сув очма кўп.
Амал мазраъин эккали берма ер,
Ҳавову ҳавас хирмонин елга бер

қитъаси шундан далолат бериб турибди.

Навоий бу вазнда ҳам «Фалоний» туркумидаги айрим қитъаларини яратган эди. Чунончи,

Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин они қўпормоқ керак.
Юзин номасидек қаро айлабон,
Қаламдек бошин доғи ёрмоқ керак.
Қародин қароға берибон улоқ,
Қаламравдин они чиқормоқ керак

қитъаси шу тарзда ёзилгандир.

Бошқа баҳрларда кузатганимиздек, мутақориб баҳрида битилган қитъалар орасида ҳам қўшвазнли асарлар оз бўлса-да учрайди.

Шоир ўзининг 3 қитъасида мазкур баҳрнинг мусаммани маҳзуф ва мусаммани мақсур вазнларини биргаликда қўллаганди.

Маълумки, кейинги вазн мисралар охиридаги ҳижонинг ўта чўзиқлиги туфайли салобатли оҳангга эга. Ҳар икки вазн алмашиниб ишлатилганда ритмик монотонлилик ўрнини оҳанг жилоси эгаллайди. Фикримизнинг исботини шоирнинг

Навоий, тилинг асрагил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус.
Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун
Қилур тожварлар била дастбўс.
Неча тожвардур кесарлар бошин
Чу ҳангомсиз нағма тортар хўрус.

қитъаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Унинг 1, 2, 4, 6-мисралари мутақориби мусаммани мақсур, 3, 5-мисралари эса мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган.

Музориъ баҳри мумтоз шеъриятимизда қўлланиб келган мураккаб вазнлардан бўлиб, оҳангининг ўта салобатлилиги билан ажралиб туради. Хусусан, унинг мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ва ахраби макфуфи мақсур вазнлари шу жиҳатдан ҳарактерли. Бу вазнларда битилган ғазалларнинг асосан «Шашмақом»нинг «Сегоҳ», «Чоргоҳ», каби сокин куйлари билан айтилгани ҳам шундан далолат беради.

Навоий ўз қитъаларининг 12 тасини мана шу баҳр вазнлари асосида битган эди. Шулардан 6 таси музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида. Жумладан,

Не раҳравики, тожи Ҳидоят бошидадур,
Йўқ бок авга ҳаводиси афлок тошидин.
Ҳудҳудки, қўйдилар азалий тож бошига,
Тушайму жола ёққон ила тожи бошидин?

қитъаси мазкур вазнда битилган. Шоир қитъасини битишда юқоридаги вазнларнинг ҳар иккисидан фойдаланган эди.

Мундоқ муқаттаотким, мен йиғмишам, эрур
Ҳар бир ҳадиқаи хирад айлар учун фароғ.
Мажмуъин ўйла кишвари, англаки сатҳини
Ҳикмат суйидин айламишман қитъа-қитъа боғ

қитъасининг тоқ мисралари музориъи мусаммани ахраби макфуфи махзуф вазнида бўлса, жуфт, қофиядош мисралари музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазнидадир. Ҳар икки вазннинг алмашинуви оҳанг турланишига хизмат қилаётганини кўриш қийин эмас.

Ниҳоят, Навоий қитъаларида қўлланган ноёб баҳр ражаздир. Шоир ражази мусаммани солим вазни асосида

Шаҳ лутфи гарчи бўлса кўб қобил, топар нашъу намо,
Беважҳдур, бу нуктага ҳар кимсаким диққат тутар,
Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдур,
Саҳрода қумғоғу тикан, гулшанда сарву гул бутар

қитъасини ёзган эди. Кўринадики, хассос ижодкор мазкур баҳр ғоявий-бадиий баркамол қитъалар битиш учун мақбул эмас, деб билган.

Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий «Арбаин» и таъсирида ёзилган ва шу ном билан аталган тўпламидаги 40 та шеър ҳам қитъа тарзида битилган эди. Уларнинг ҳар қайсиси 4 мисрадан иборат бўлиб, бава шаклида қофияланади. Мазкур қитъаларнинг барчаси хафиф баҳри вазнлари

асосида ёзилган бўлиб, вазн тузилмаси жиҳатидан маълум даражада рубоийларга ўхшаб кетади.

«Арбаин» қитъаларидан 7 таси бир вазнли бўлиб, уларнинг барча мисралари хафифи мусаддаси мақтуъ (рукнлари: фоилотун мафоилун фаълун, чизмаси: – V – – V – V – – –) вазнида. Охирги рукн таркибидаги икки чўзиқ ҳижо бу қитъаларга жиддий, сокин оҳанг бағишлаган.

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,
Билгил ул сўз санга амонатдур.
Гар ани ўзга ерда нақл этсанг,
Ул амонатга бу хиёнатдур.

Ҳирсдин кечгил, ул ғинодурким,
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо.
Тут қаноатки, ул эрур моле,
Ки, ниҳоят эмас анга пайдо

каби қитъаларда бу хусусият яққол кўзга ташланиб туради.

Шоир ўзининг тўпламдаги 23 шеърини икки вазнли асарлар тарзида яратган. Уларда хафиф баҳрига мансуб вазнлар маълум тартибда алмашиниб қўлланади. Қитъаларда ҳам икки вазнли шеърлар «3 + 1» ёки «2 + 2» шаклидаги вазн хусусиятларига эга. Лекин уларнинг ички тузилиши рубоийларникига нисбатан анча содда. Зеро, вазн алмашиниши охирги рукнларнинг ўзгариши кўринишидагина юз беради.

«3 +1» типидаги қитъаларнинг 7 тасида асосий вазн фақат учинчи мисрада иккинчи вазн билан алмашинади.

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?
Эшитиб айла шубҳа рахъ андин,
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпрок улусқа нафъ андин.

ёки

Эмас ул Паҳлавонки ўз қадрин
Бош узра элтибон нигун қилғай.
Паҳлавон они билки етса ғазаб,
Нафси амморани забун қилкай

каби қитъаларда 1, 2, 4-мисраларда келган хафифи мусаддаси мақтуъ вазни 3-мисрада хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун мафоилун фаилун) вазни билан алмашади.

Дўстлашинглар ҳадиялар беришиб,
Баҳра топқон хирад атиясидин.
Худ жаҳонда атияе борму
Яхшироқ дўстлик ҳадиясидин

қитъасида бунинг аксини кузатамиз.

Бир-бирин дустлар агар гаҳ-гаҳ
Кўрсалар дўстлуқ ўлур ғолиб.
Шавқдин ихтилот ўлур матлуб,
Васл учун орзу ўлур толиб,
Эйки, бир ишда ҳожатинг бўлса,
Яхши юзлукдин иста бахшойиш.
Токи бахшойишидин аввалроқ
Кўрмагидин етугай осойиши

қитъаларида эса 1, 2, 4-мисралардаги ҳафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазни 3-мисрадаги хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фоилотун мафоилун фаълон) билан алмашинади.

«3 + 1» типидаги қитъаларнинг 8 тасида вазн алмашиниши биринчи мисрага тўғри келади.

Кимки ҳар кимга ваъдае қилди.
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.
Ваъдаким қилдинг, уйладурким дағи
Фарздур қарзни адо қилмоқ

қитъасида 2, 3, 4-мисралардаги хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ вазни биринчи байтда хафифи мусадди махбуни мақтуъ вазни билан алмашинаётган бўлса,

Раҳмат озодағаки ул илмос
Даҳр динору дирҳамин ғамға.
Лек лаънат ангаки, қул бўлғай
Хоҳ динору хоҳ дирҳамға

қитъасида бунинг акси юз берган.

Навоий «Арбаин»идаги 8 қитъа «2 + 2» типидаги вазн хусусиятига эга бўлиб, уларнинг 7 тасида икки вазн «I—II-I-Ї» тарзида, биттасида эса «1 — I—II—II» тарзида алмашиниб келади. Жумладан,

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг
Бўл онинг аёғи туфроғи

қитъасида 1 ва 3-мисралар хафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф вазнида бўлса, 2- ва 4-мисралар хафифи мусаддаси маҳбуни мақтуъ вазнида келади.

«Арбаин»даги қитъаларнинг қолган 10таси уч вазнли асарлар бўлиб, икки мисра бир хил, бир мисра иккинчи хил, яна мисра учинчи хил вазнда битилади. Бу вазнлардан иккитаси бир-бирига жуда яқин бўлиб, охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билангина фарқ қилади холос. Учинчи вазн эса улардан маълум даражада фарқланади, хусусан, сўнгги ҳижодан аввалги чўзиқ ҳижо икки қисқа ҳижо билан алмашинади, бу эса оҳангда яққол сезилади. Чунончи,

Кимки мўминдурур қачон чидағай,
Ким ўзи тўқу, қўшни бўлғай оч.
Анга дағи керак етурса насиб,
Хонида агар қулочу хоҳи умоч.

қитъасининг вазиш хусусиятларини кўздан кечирсак, биринчи мисрадаги хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун мафондун фаилун) вазни учинчи ва тўртинчи мисралардаги хафифи мусаддаси махбуни мақсур (рукнлари: фоилотун мафоилун файлон) вазнидан фақат охирги ҳижонинг ўта чўзиқлиги билан фарқланиши, иккинчи мисрадаги

хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фойлотун мафоилун фаълон) вазни эса муайян даражада улардан оҳанг ўзгачалиги билан фарқданиб туришини кўрамиз.

Шундай қилиб, Алишер Навоий қитъалари вазнларининг сержилолиги билан алоҳида ажралиб туради. Диққат билан танланган вазнлар қитъаларда ифодаланган юксак гуманистик ғояларни турли оҳанглар воситасида ўқувчи онги ва қалбига етказишнинг муҳим омилларидан бўлиб хизмат қилади.

МУСТАЗОД

Мустазодни ўзбек шеъриятида илк бор Ҳофиз Хоразмий яратган. Унинг 1981 йил нашр қилинган девонида икки мустазод берилган:

Эй кўзлари бодому сочи дому юзи ол,
Кел, тарки жадо қил.
Солма бу ҳаводорни кўздин, сўзини ол,
Ошиққа вафо қил!

ҳамда

Жононаким, онинг сўзи жонимга ёқодур,
Ширин даҳани бор.
Дин йўлида кофир кўзи ҳам айни балодур,
Кўп макру фани бор[1]

матлаълари билан бошланувчи бу асарлар анъанавий мустазод вазнларида битилган эди.

Навоий ўзининг «Мезон ул-авзон» ида мустазодни халқ орасида кенг тарқалган жанр сифатида тилга олиб «Ва яна бу халқ (гап турк улуси халқи ҳақида кетяпти. А.Ҳ.) орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида, анга байт бошлаб битиб, анинг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки рукни била адо қилиб, суруд наноматига рост келтурурлар эрмиш ва ани мустазод дерлар эмиш» деб таъкидлар экан, ўзининг бир мустазоди матлаъсини келтирган эди.

«Мезон ул-авзон»да ҳазаж баҳри вазнларини санаб ўтар экан, шоир мустазод вазнига негадир тўхталмайди, балки уни халқ оғзаки ижодигагина мансуб деб ҳисоблагандир. Шунга қарамай, Навоий мустазод вазнларида 4 асар яратиб, уларни «Хазойин ул-маоний» девонларига биттадан тақсимлаб жойлаштирган эди. Уларнинг вазн хусусиятларини кўздан кечирсак, барчаси мустазодларга махсус икки вазнда ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод вазнларида ёзилганига ишонч ҳосил қиламиз. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган

Эй, ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли,
Мазҳар сенга ашё,
Сен лутф била кавну макон ичида мавли,
Олам сенга мавло!

деб бошланувчи асар ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод вазнида бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада:

[1] Ҳофиз Хоразмий. Девон. «Шарқ», Тошкент, 1981, 263-бет.

мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун
– – V V – – V V – – V V – – V
мафъулу фаулун
– – V V – –

тарзидадир. «Наводир уш-шабоб» девонидаги

Дин офати бир муғбачаи моҳ лиқодур,
Майхораву бебок,
Ким ишқиддин онинг ватаним дайри фанодур,
Сармасту ёқам чок?

матлаъли мустазод эса ундан фарқли ўлароқ, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мақсури мустазод вазнида ёзилган бўлиб, рукнлари ва чизмаси бир мисрада:

мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун,
– – V V – – V V – – V V – – V
мафъулу мафоийл
– – V V – ~

тарзида, яъни асосий мисранинг сўнгги рукни маҳзуф (фауълун), орттирма рукнларнинг кейингиси эса мақсур (мафоийл) фуруъига тенгдир. «Бадоеъ ул-васат» девонига мансуб

Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой,
Не ғамзаи жоду,
Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой,
Хуршид анга кўзгу!

матлаъли мустазодда эса юқоридаги вазннинг аксини, яъни асосий мисра мақсур (мафоийлга, орттирма рукннинг кейингиси эса маҳзуф (фаулун) фуруъига тенглигини кўрамиз. «Фавойид ул-кибар» девонига кирувчи

Бордим бу саҳар дайри фано сори уруб гом,
Махмури шабона,
Тортар эди ҳар лаҳза сабуҳ аҳли ичиб жом,
Нокуси муғона?

деб бошланувчи мустазод ҳам юқоридагича хусусиятга эга бўлган вазн асосида яратилган. Кўринадики, бу тўрт мустазод Навоийнинг мазкур вазнларнинг хилма-хил таркибларини синовдан ўтказиш ва энг мақбулларини танлаб олиш соҳасидаги тажриба натижалари ҳам эди. Шоир энг кейинги хил вазнни маъқул кўрди. Чиндан ҳам унинг асосида яратилган мустазодларда матлаъ ва қофияланувчи мисралар жарангдор ва таъсирчан оҳангга эга: асосий мисранинг мақсур рукн билан тугалланиши унга салобатли ва жозибали, орттирма рукнлардаги сокин оҳанг байтга алоҳида ёқимлилик бағишлайди.

НАВОИЙ МУСАММАТЛАЪРИДА ВАЗН РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Мусамматлаър ўзларининг жанр хусусиятларига кўра ғазалиётдан кескин фарқланиб туради. Гап шундаки, уларнинг 5, 6, 7, 8 ва ҳоказо мисрали бандлардан ташкил топиши, ғазалларга нисбатан анча каттароқ ҳажми исталган вазнда ёзиш имконини бермайди. Бу асарлар энг халқчил, энг мақбул, ёқимли вазнларда битилсагина, уларнинг эл орасида кенг тарқалиши, тезда куйга тушиб қўшиқлар тарзида шуҳрат тутишига эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётидаги мусамматлаър чекланган вазнлар асосидагина яратилган.

Навоий 9 мухаммасининг барчасини биргина рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзди. Бу вазнга хос ёқимли оҳанг шоир мухаммасларидаги юксак умумбашарий ғояларни таъсирчан ва жозибали тарзда ифодалашга имкон берганини «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган

Оҳким, тарки муҳаббат қилди жонон оқибат,
Бўлдум ушбу ғуссадин расвои даврон оқибат.
Қолмади махфий ғамим эл ичра пинҳон оқибат,
Ёшурун дардимни зоҳир қилди афғон оқибат,
Асрагон сирримни ёйди сели мужгон оқибат

ҳамда

Ишқ ўтидин жисми зори нотавоним ўртадинг,
Қайси жисми зорким, руҳи равоним ўртадинг,
Парда ораздин қолиб, жону жаҳоним ўртадинг,
Ваҳки ўтлуғ чеҳра очиб, хонумоним ўртадинг,
Оташин лаълингдин айтиб нукта, жоним ўртадинг

бандлари билан бошланувчи мухаммаслар мисолида кўришимиз мумкин. Шоирнинг «Наводир уш-шабоб» девонига мансуб

Оҳким, Вола мен ул сарви хиромондин жудо,
Кўзларим гирёндур ул гул барги хандондин жудо,
Бенаводур жон дағи ул ҳури ризвондин жудо,
Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум аккаристондин жудо,

Шунингдек,

Бўлмағай эрди жамолинг мунча зебо, кошки,
Бўлса ҳам қилғай эдинг кўзлардин ихфо, кошки,
Қилмағай эрдинг улус қатлин таманно, кошки,
Очмағай эрдинг жамоли оламоро, кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо, кошки

мисралари билан бошланадиган асарлар унинг ўз ғазалларига битган тахмислари бўлгани учун ҳам шу вазнлар асосида яратилди. Ғазалда танланган вазн мухаммасларда ошиқнинг ички олами, теран кечинмаларини янада тўлароқ бадиий ифодалашга, лирик қаҳрамон қиёфасини янада жонлироқ, таъсирчанроқ акс эттиришга қўл келгани кўриниб турибди.

«Бадоеъ ул-васат» девонидаги

Неча, эй ой, менден айру айлагай даврон сени,
Бўлмағай йилларда кўрмак бир нафас имкон сени,
Жон тилар кўнглум уйида айлагай меҳмон сени,
Кел-кел, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени,
Чеҳра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени

банди билан бошланадиган тахмиси ҳам шу хил вазн хусусиятлари билан ажралиб туради. Ғоя ва лирик қаҳрамон туйғуларини ифодалашда рамали мусаммани маҳзуф вазнининг аҳамиятини шоир яратган бошқа мусамматлаърда ҳам яққол кузатишимиз мумкин. Навоий қаламига мансуб 5 мусаддасдан 3 таси ҳам шу вазн асосида яратилган. «Бадоеъ ул-васат» девонидан ўрин олган

Ишқ зор этти халойиқ ибтилосидин мени,
Ҳар замон бир таънагар муҳлик адосидин мени,
Ҳажр худ куйдурди дарди бедавосидин мени,
Ҳам ўлум қилғай халос онинг жафосидин мени,
Эй ажал, озод қил ҳижрон балосидин мени,
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидан мени

банди билан бошланувчи мусаддас мисолида мазкур вазннинг муҳим умумбашарий ғояларни кенг қамровда лирик тасвирдан учун мақбуллигини кўришимиз мумкин.

Шоирнинг икки мусаддаси учун танланган рамали мусаммани мақсур вазни лирик кечинмаларнинг янада салобатлироқ оҳанг воситасида ифодалаш имконини берган. Буни «Наводир уш-шабоб» девонига мансуб

Даҳр аро чун қайғусиз йўқ ҳеч ишрат, эй рафиқ,
Айш субҳин истамон бешоми офат, эй рафиқ,
Ким эмас бир-бирдин айру нуру зулмат, эй рафиқ,
Шуълаи ишрат қани бедуди меҳнат, эй рафиқ,
Кимки васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ,
Кўз тут ул шамъ ўтидин - ўқ доғи фурқат, эй рафиқ

банди билан бошланувчи мусаддас мисолида яққол кузатишимиз мумкин.

Навоий ўзининг ягона мусаммани учун ҳам рамали мусаммани маҳзуф вазнини танлади. Ушбу вазннинг мусаммандек кенг кўламли лирик жанрда инсоннинг хилма-хил кечинмалар олами тасвирини чизиш учун ҳам мақбуллигини шоирнинг

Ҳар тараф азм айлаб ул шўхи ситамгор, эй кўнгул,
Тийри ҳажридин неча бўлғайму афгор, эй кўнгул,
Чун сафар айлар эди бир қатла дилдор, эй кўнгул,
Дарди: ҳажрига бўлуб эрдик гирифтор, эй кўнгул,
Буйлаким таъриф этиб ғурбатни бисёр, эй кўнгул,
Шаҳру кишвардин малолат айлаб изҳор, эй кўнгул,

Англадинг ё йўқмуким айлар сафар ёр, эй кўнгул,
Ваҳки, бўлдук ёна ҳажри илгидин зор, эй кўнгул

каби мисралари яққол намойиш қилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керкки, шоир мусамматлаъринининг барчаси ҳам таъкидланган икки вазн асосида яратилган қўшвазнли асарлардир. Зеро, биринчи банд вазни рамали мусаммани маҳзуф бўлса, кейинги бандларнинг биринчи банд билан қофияланмайдиган мисралари рамали мусаммани мақсур вазнида келаверади ёхуд, аксинча, биринчи байтдаги рамали мусаммани мақсур вазни ўрнини кейинги бандларнинг қофияланмайдиган мисраларида рамали мусаммани маҳзуф вазни эгаллай олади. Шу тарзда ижодкор ўз мусамматлаърида юқоридаги икки вазннинг муайян тарздаги такрорига асосланган оҳанглар жилосига эришади. Мусамматлаърда вазнларнинг бу хил алмашинуви, оҳанглар ранг-баранглиги асар бадииятини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади. Чунки монотонлик, ягона оҳанг катта ҳажмдаги ушбу жанрлар учун номақбулдир.

ТАРЖИЪБАНД, ТАРКИББАНД, СОҚИЙНОМА ВА МАСНАВИЙЛАР

Таржиъбанд ва таркиббандлар лирик шеъриятнинг энг йирик шакллари эканлиги кўпчиликка маълум. Ҳар бири ғазалга тенг келувчи бир неча банддан ташкил топган ва фақат ўқинг учун мўлжалланган бу хил асарларда кўпинча ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим ва долзарб муаммолари чуқур фалсафий мушоҳадалар воситасида ифода қилинган, ҳаёт ва инсон ҳақидаги ўйлар лирик қаҳрамоннинг кечинмалари, мураккаб туйғулари билан уйғун ҳолда мужассамлантирилган. Ана шундай теран мазмун ифодаси ўзига муносиб вазнларни талаб қилади, албатта. Кўпинча енгил олти рукнли вазнлар ёхуд мутақориб баҳрининг хилма-хил ўлчовлари ўзбек шеъриятидаги таркиббанд ва таржиъбандларни яратишда муваффақият билан қўлланиб келган.

Навоий ўзининг таржиъбандларини ҳазаж ва рамал баҳрларида ёзди. У, ўзининг «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган

Жаҳон қасригадур сув узра бунёд,
Чу йўқ бунёди андин бўлмагил шод

мисралари билан бошланувчи таржиъбандини ҳазаж баҳрининг олти рукнли хазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида битди. 1, 3, 5, 8-бандларининг матлаъ ва қофиядош мисралари ҳазажи мусаддаси мақсур, 2, 4, 6, 7-бандларининг матлаъ ва қофиядош мисралари ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида яратилган. Уларнинг қофияланмайдиган мисраларида эса ҳар икки вазн қўлланаверади.

Фикримизнинг исботи учун учинчи банд мисраларига мурожаат қилайлик:

Жаҳонким зоҳир айлар лолау боғ,
Эрур ул боғ – зиндон, лоласи – доғ.
Арусидур фусунсоз ул дил ошуб,
Иши кўргузмак элга лобау лоғ.
Кишиким сайд доми бўлди бордур,

Онинг оллида минг булбулча бир зоғ.
Ёқибон оташин гул жониға ўт
Қуяр ёмғирдин ул ўт устига ёғ.
Кўруб наргисни савсан ғунчасидин
Чекар онинг кўзи қасдиға бормоғ
Хазон бедодидин ел саъйи бирла
Сочар шамшоду гул бошиға туфроғ.

Ҳаёт мазмуни ҳақидаги бу хил тимсолларга бой фалсафий мулоҳазалар ифодаси учун юқоридаги вазнларнинг қўл келгани парчадан яққол кўриниб турибди.

Муҳаббат мавзусига бағишланган

Эй кирпиги нешу кўзи хунхор,
Жонимни неча қилурсен афгор

матлаъли банд билан бошланадиган таржеъбанд учун шоир ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур вазнларини танлаган. Бу асарни ёзишда ҳам юқоридаги каби услуб қўлланган: таржеъбандларнинг 1,3,4,6-бандларидаги матлаъ ва қофияланувчи мисралар ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи мақсур (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийл), 2,5,7-бандларнинг матлаъ ва қофияланувчи мисралари ҳазажи мусаддаси маҳзуф (рукнлари: мафъулу мафоилун фаулун) вазнларида бўлиб, барча бандларнинг қолган мисраларида ҳар икки вазндан фойдаланилаверган.

Билмонки, юзунг паридек, эй жон,
Невчун яна кўздин ўлди пинҳон.
То бўлди юзунг ниҳон кўзумдин,
Ашк ўрниға тинмайин оқар қон.
Лутфунг била бир кун этмадинг ёд,
То тушти манга балои ҳижрон.
Вах, қони бурунғи меҳру пайванд,
Гўё унутилди аҳду паймон.
Бахтим киби душман ўлдунг охир,
Бу дардға юз нафиру афғон.
Сендин манга чун ғараз сен – ўқсен.
Бас бўлди фироқу васл яксон
Таққиқ чу англадимки, эмди
Васлингға етарға йўқтур имкон.
Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кўнгулга мунис.

бандида асар вазнига хос бу хусусиятлар кўзга яққол ташланиб туради.

Навоийнинг яна бир таржеъбанди мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнлари асосида яратилган эди.

Кетур соқий, ул майки субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст.

матлаъи билан бошланадиган ушбу таржеъбандда ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар соқийнома услуби билан баён қилинади. Асардаги аксарият бандлар матлаъи ва қофияланувчи мисралари мутақориби мусаммани маҳзуф (рукнлари: фаулун фаулун фаулун фаал) вазнида. Фақат биринчи ва тўққизинчи бандлардаги бир хил байт ва мисралар мутақориби мусаммани мақсур (рукнлари: фаулун фаулун фаулун фаул) вазнида ёзилган. Таржеъбандларнинг қуйидаги 10-банди мисралари асар вазни ҳақида тасаввур бера олади, деб ўйлаймиз:

Нечук май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар ғаму меҳнатим.
...Не келмак аён бўлди не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим.
Не касби улум этти ҳал мушкулим,
Не тутти илик тақвийи тоатим.
Не қилди бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.
Менинг бошима бас қотиқ тушти иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.
Ҳаробот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарға илгимда синғон сафол.

Шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган маснавийси ҳам худди шу хил вазн хусусиятларига эгадир.

Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидан ўрин олган таржеъбанди ўзининг вазн хусусиятларига кўра юқоридаги уч асардан фарқланиб туради. Гап шундаки, бу таржеъбанд рамал баҳрининг олти рукнли тўрт вазни асосида яратилган. Унинг ҳар қайси бандида матлаъда ҳам, улардан кейинги байтларда ҳам рамали мусаддаси махбуни маҳзуф (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилун), рамали мусаддаси махбуни мақсур (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилон), рамали мусаддаси махбуни мақтуъ (рукнлари: фоилотун фаилотун фаълун) ҳамда рамали мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ (рукнлари: фоилотун фаилотун фаълон) вазнлари алмашиниб келаверади. Бу эса шоирнинг сўз танлаши учун кенг имконият яратади ва асардаги мисралар оҳангининг ранг-баранглигини таъминлайди. Жумладан,

Эй бути сарв қади гулрухсор,
Ғунчанг айтур чоғи ширин гуфтор.
Майи гулгун юзунга шуъла солиб,
Ул гулунгни бу гул айлаб гулнор.
Оразинг кўнглума очти юз гул,
Кирпекинг бағрима тикти минг хор.
...Тоби зулфунгда каманд ичра шикаст,
Холи хаттингда тун ичра айёр,
Ул не тарсоки, Масиҳоға эрур
Оллида дам ура олмоқ душвор.

каби мисраларда шу хил вазнлар жилосини кўрамиз. Матлаъ ва қофияланувчи мисралар

рамали мусаддаси ахраби мақтуъи мусаббағ, 2 -ва 9-мисралари махбуни маҳзуф, 5-мисра махбуни мақтуъ, 7-мисра махбуни мақсур вазнларида ёзилган.

Навоийнинг шу девондан ўрин олган "Соқийнома"си ҳам худди шу хил вазн хусусиятларига эгадир. 32 қисмдан ташкил топган бу катта ҳажмли лирик асарда шоир ўз ҳаётининг муҳим лавҳаларини ёдга олиб, дўстларини мадҳ этган эди. Юқоридаги тўрт вазн бу хил кечинмалар ифодаси учун ҳам мос бўлиб тушган.

Навоий ўзининг ягона таркиббандини яратар экан, рамал баҳрининг 8 рукнли 4 ўлчовини – рамали мусаммани маҳзуф, махбуни мақсур, махбуни мақтуъ ҳамда махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларини танлади. Буни мазкур асарнинг мазмуни тақозо этади. Шоир асарни ўз дўсти Паҳлавон Муҳаммад вафотига бағишлаб марсия тарзида битган эди. Шунинг учун ҳам сокин ва вазмин оҳангга эга бўлган бу вазнлар ўз дўстидан жудо бўлган шоирнинг маҳзун кайфияти, ички изтироблари, беҳад дарду алами ифодаси учун мос бўлиб тушди.

Ижодкор асарнинг 7 бандида ана шу тўрт вазнни эркинлик билан қўллайди, бандларнинг мисралари мазкур вазнлар ғоя, фикр, тимсол талабига мувофиқ алмашиниб қўллаверади. Фикримиз далилини ушбу бандда яққол кўришимиз мумкин:

Манга зулм ўлди фалакдинки чу бўлдунг бемор,
Керак эрдики мен ўлсам бошинг узра ғамхор.
Шарбатинг эзсам эди шираи жоним қўшубон,
Ичурурга қилибон жаҳд неким мумкин бор.
Ҳам ғизо мен керак эрдики тутуб оллингда,
Рағбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.
Гаҳ бошингни тузатиб, гоҳ аёғингни ёпиб
Эврулуб бошинга фарзандлиғ айлаб изҳор.
Гар қазо етса қилиб мўй ила оламни аро,
Ёқа йиртиб этибон тош ила кўксумни фигор.
...Чора йўқтурки бу навъ эрмас экандур тақдир,
Мумкин эрмас киши тақдириға бермак тағйир.

Бандга диққат қилсак, шоир тўрт вазндан баравар фойдаланиб, мунгли кечинмалар, лирик қаҳрамоннинг аламли фарёдини ўта таъсирчан ифодалаганини кўрамиз.

ФАРД ВА МУАММОЛАР

Навоий қаламига мансуб фардлар энг кичик лирик шакл бўлса ҳам вазнлар ранг-баранглиги билан диққатни ўзига жалб қилади. Шоир уларни 8 баҳрга мансуб 25 вазнда битган. Фардларнинг ҳар бирида ҳам вазн ундаги ғоя ва мўъжаз лирик тимсол хусусиятига муайян даражада мувофиқ келишини кузатамиз.

Навоий фардларидан 23 таси ҳазаж баҳри вазнлари асосида ёзилган. Булар орасида бошқа вазнлар, хусусан, рубоийларда кўриб ўтганимиздек, ҳазажи мусаммани солим ўлчови алоҳида ажралиб туради: жами 12 фард шу вазнда яратилган.

Киши айбинг деса, дам урмағилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму.

Кишиким, ёрини ҳар кун кўрарга ўрганур эрмиш,
Чу бир кун кўрмас эрмиш, бениҳоят эмганур эрмиш.

Нетай элнинг баҳоринким, манга ошуби ҳижрондур,
Кўзумда сарв ўқдур, кўнглум ичра ғунча пайкондур.

каби қатор фардлар уларда танланган вазн мавзу ва ғояга мос эканлигинидан далолат беради.

Шоир мазкур баҳрнинг халқчил, енгил вазни бўлмиш ҳазажи мусаддаси маҳзуф ўлчовидан ҳам кенгроқ фойдаланиб, унинг асосида 5 та фардни битган эди.

Лабингни сўзга то гўё қилибсен,
Масиҳо мўъжизин эҳё қилибсен.

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

Қотиқ кўнглунгдин оқти халқ ёши,
Ки ёмғур боисидур ёда тоши.

сингари фардлар бу вазннинг аҳамиятини таъкидлаб турибди. Навоий ушбу баҳрнинг ҳазажи мусаммани мусаббағ, ҳазажи мусаммани ахраб, ҳазажи мусаддаси мақсур, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнларида ҳам биттадан фард битган эди.

Бошқа жанрларда бўлганидек, Навоий фардларининг ҳам аксарияти рамал баҳри вазнларида яратилган. Шоир ўзининг энг мақбул кўрган рамали мусаммани маҳзуф вазнида 25 та фардни ёзган эди. Мазкур вазн ана шу фардларга ҳам ёқимли оҳанг бағишлаганини

Бўлмасанг оллимда, ё кўнглумда бўл, ё жонда бўл,
Манзилингдур бори, кўнглунг қанда истар – анда бўл.

Бордингу келгум дединг, эй шўхи раъно, келмадинг,
Англадингким, келмасанг – ўлгумдур, аммо келмадинг.

Ёр васлин топтиму меҳр ошкоро қилмади,
Ўйлаким, ҳижрони ўртар чоғда парво қилмади.

каби асарлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Ўз хусусиятларига кўра унга яқин турувчи рамали мусаммани мақсур вазнида ҳам шоирнинг 13 фарди битилган.

Ранжкаш бўлким, чу тортар чуғз вайрон ичра ранж,
Аждаҳодин бийми йўқ, аммо эрур уммеди ганж.

Мен синуқ, кўнглум синуқ, сабрим уйи худ ерга паст,
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган мунча шикаст.

Элга бўлмиш руҳпарвар боғу, руҳафзо баҳор,
Ёр ҳажридин менга, билмон, ҳазондур ё баҳор.

каби латиф байтлар ана шу вазн асосида яратилган эди.

Мазкур баҳрга мансуб рамали мусаммани махбуни маҳзуф вазнида шоирнинг 2 та фарди, рамали мусаддаси махбуни мақсур вазнида яна 1 фарди ёзилган эди.

Навоий ўзининг шу жанрдаги асарларини битишда музореъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнига мурожаат қилиб, унинг асосида 4 байтини битган.

Андоқ кўрунди сабза аросинда лолалар,
Ким сабз хатлар илгида олтун пиёлалар.

Кўнглум ҳарими ичра қилур жилва ул пари,
Андоққи, каъба ичра ҳарамнинг кабутари.

каби фардларда бу вазн хусусиятлари ўз аксини топган. Унга яқин бўлган музореъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазнида ҳам Навоийнинг битта фарди ёзилган эди.

Кўнглум аро фалакдин юз ханжари навоиб,
Ҳолим билиб сўрарсен, сендин доғи ажойиб.

фарди эса музореъи мусаммани ахраб вазнида ёзилган эди.

Мужтасс баҳридан ҳам фардлар битишда фойдаланган Навоий кўпроқ унинг энг ёқимли вазни бўлмиш мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ ўлчовидан фойдаландики, буни

Букун насими фироқи менинг сори эсти,
Ки жонни елга бериб, васл риштасин кести,
Қизин тўнунг била юз хаста жонға офатсен,
Ҳадиси мухтасар айлай, қизил қиёматсен.
Дединг соқиндим, эрур ашқдин юзунг гулгун,
Бегим, узун яша, соқинғанинг сориғ олтун

байтлари тасдиқлаб турибди. Айни вақтда шоир мужтасси мусаммани махбун, мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф, мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида ҳам биттадан фард битган.

Шоир фардлари орасида хафиф баҳрида яратилган 5 асарни учратамиз. Улардан 3 таси хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнида.

Элни хор айлаган тамаъ, билгил,
Доимо «азза ман қанаъ» билгил.
Тамаъ этма кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин хақ хазинасин холи

каби фардлар шулар жумласидан. Мазкур баҳрга мансуб хафифи мусаддаси махбуни мақсур, хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф вазнларида ҳам биттадан фард ёзилган.

Шунингдек, шоир мутақориби мусаммани солим, мутақориби мусаммани маҳзуф, мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур вазнларида ҳам ўз қаламини биттадан фард битиши билан синаб кўрган эди.

Навоий ўз фардларини яратишда вазнларни эркин танлаган бўлса, муаммо жанридаги байтларни битишда ҳар қайси асарда яширинган сўз билан алоқадор ҳолда муайян ўлчовга мурожаат қилиши лозим эди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир муаммо вазнини унда яширинган сўзни топиш усули ва ишора қилинадиган, калид вазифасини бажарувчи сўзлар белгиларди. Жумладан, «Муҳсин» номига ёзилган машҳур муаммо вазнини унда қўлланган мажлис, камъ, ауқл, ҳавз сўзлари, синдирмоқ, ташламоқ феъллари белгилаганди. Уларни муайян мутаносибликда қўллаш йўлидан борган шоир

Мажлисда шайх бу кеча кўп шайн бошлади,
Синдирди шамъу нуқлни ҳавз ичра ташлади

муаммосини яратиш учун музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнини мақбул кўрган. Тўғрироғи, шоирнинг мусаммони ечиш учун қўллаган усули ва танлаган сўзлари шу вазнни тақозо этарди.

Навоий ўз муаммоларини ёзишда ҳам кўпроқ рамал баҳри вазнларидан фойдаланди. 52 муаммодан 19 таси шу баҳр вазнлари асосида битилган эди. Улардан 8 таси рамали мусаммани мақсур вазнида. «Тақий» номига ёзилган

Мустақим эрди кўнгул ишқингда, эй оромижон,
Ўртанур ул мустақимим эмди ғамдин ҳар замон;

«Зоҳид» номига ёзилган

Ой юзинда холини кўргач, ул ой топди жамол,
Охир ул юздинки ёти, ваҳки пинҳон бўлди хол;

«Фаррух» номига ёзилган

Гар юзунгдин ҳусн эли юзинда бир хол этса фош,
Ул арода бесарупо заррадек кирган қуёш

каби қатор муаммолар шулар жумласидандур.

Шоир рамали мусаммани маҳзуф вазнида ҳам 6 муаммо битиб, мазкур ўлчов ушбу жанрдаги асарларни яратиш учун ҳам қулай эканлигини исботлаб бердики, буни «Тож» номига ёзилган

Юз кўнгул сайдин ажал домидин озод айлади,
То жамолинг таблиғ зулфини барбод айлади;

«Холид» номига битилган

Нуқтаи мушкинки ул юз узра бўлмиш жилвагар,
То ҳисобин англасун эл, юз ёшур, эй сиймбар

каби байтлар мисолида кузатишимиз мумкин. Шоирнинг икки муаммоси рамали мусаммани махбуни мақтуъ вазнида битилди.

Рамали мусаммани махбуни мақсур, рамали мусаммани махбуни маҳзуф, рамали мусаддаси маҳзуф вазнларида ҳам биттадан муаммо ёзилган.

Навоий ўз муаммоларини битишда ҳазаж баҳри вазнларидан ҳам анча кенг фойдаланган: бу ўлчовлар асосида жами 15 асар ёзилган. Шоир хусусан мазкур баҳрнинг енгил, олти рукнли ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида учтадан муаммо яратган. «Шукруллоҳ» номига битилган

Қаро эрди кўзум ҳажрингдин, эй моҳ,
Яна кўрдум юзунгни шукрилиллоҳ;

«Ҳамза» номига ёзилган

Ёшун, эй гулки, ул гулрух жамоли,
Эрур ҳам содан ҳам тоза холи

каби қатор муаммолар шу асосда ёзилган эди.

Шоир ўз муаммоларини яратишда рубоий вазнларига ҳам мурожаат қилганлиги аҳамиятлидир. Бу хил вазнлар асосида Навоий ўзининг 7 рубоийсини битган эди.

“Довуд” сўзига ёзилган

Ўт тушти (фироқ) дуди аро фурқатидин
То куйдию ўртанди кўнгул хирқатидин

муаммоси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб вазнида,
“Шоҳ” сўзига ёзилган

Жон қуши чу бўлди донаи холиға зор,
Шод ўлдию халқа айлади зулфин ёр.

муаммоси биргина ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам вазнида ёзилган бўлса, “Боқий” ва “Боқир” номларига битилган

Жаннат гулу насринига бўлсанг муштоқ,
Гоҳ ёр юзига, гоҳ кафи пойига боқ.

муаммосининг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл вазнида бўлса, иккинчиси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам вазнидадир.

“Коко" сўзига битилган

Жон қилғай икки юзунг гули сори шитоб,
Гар бўлмаса икки сунбулингдин куллоб.

муаммосида ҳам мазкур икки вазндан фойдаланилган. “Юсуф” номига битилган

Сайр ичра қачонким юзунга етти қуёш,
Тер оқиб анинг чеҳрасидин борди ёш.

муаммоси эса ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи аҳтам ва ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими азалл вазнлари асосида ёзилган эди.

Навоий ўзининг икки муаммосини рубоий шаклида яратган.

"Зоҳир" сўзига ёзилган

Халқ ичра зуҳури ҳусн ул сийминбар,
Кўргузди ва ё бўлди қиёмат яксар.
Ким жилвагар эрди гар кичик ёхуд улуғ,
Бир-бир ҳаракотин айлади зеру забар.

муаммо рубоийси уч ўлчовда битилган бўлиб, унинг биринчи мисраси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар, иккинчиси ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи солими абтар, кейинги икки мисраси эса ҳазажи мусаммани ахрабби мақбузи макфуфи ажабб вазнларидадир.

Яна бир муаммо-рубоий «Қосим» номига ёзилган

Рухсораси узра, эй кўнгул, хол недур,
Зулфи аёғи остида помол недур.
Қони они кўрган сени кўрса, мени ҳам,
Ким оҳдин айру элга аҳвол недур

асари бўлиб, икки вазн хазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи ажабб (1 ва 4-мисралар) ҳамда ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб (2—3-мисралар) ўлчовлари асосида яратилган эди.

Навоий булардан тушқари ҳазаж баҳрининг мусаммани солим, мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнларида ҳам биттадан муаммо яратган.

Шоир ўз муаммоларини битар экан, музориъ баҳри вазнларига ҳам тез-тез мурожаат қилиб туради. Хусусан, мазкур баҳрнинг ўзаро яқин бўлган икки вазни музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф ва музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур ўлчовларида унинг 6 муаммоси ёзилган эди.

«Гайбий» номига ёзилган

Сўзга эвурди ики лабингни такаллуминг,
Ё барги гулни ики айирди табассуминг;

«Жаъфар» номига битилган

Жонондин айру топти кўнгул, умрдин малол,
Ўздин кечибтур эмдию айлар вафо хаёл

каби муаммолар шу хил вазнларга асосланади.

Шоир муаммолари орасида мужтасс баҳри вазнларидан фойдаланиб яратилган 6 му-

аммони учратамиз. Улар бир-биридан фақат охирги ҳижосининг чўзиқ ёки ўта чўзиқлиги билангина фарқланувчи мужтасси мусаммани махбуни мақсур ва мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф вазнларида. «Саъд» номига битилган:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от;

«Толиб» номига ёзилган

Оғиз лабига чу қўйдум, яна талаб қилайин,
Ки ғайри нақшиким ўлгой, яна тараб қилайин

каби муаммолар шулар жумласидандир.

Навоий хафиф баҳрининг 6 рукнли мусаддаси махбуни маҳзуф, махбуни мақтуъ, махбуни мақтуъи мусаббағ вазнларида ҳам ўзининг биттадан муаммосини яратган эди. Шоир асарлари орасида ражази мусаммани солим, мунсариҳи мусаммани матвийи манҳур, мутақориби мусаммани солим вазнларида ёзилган муаммоларни ҳам учратамиз.

Шундай қилиб, Навоий ўз муаммоларини яратар экан, ўзбек арузининг хилма-хил баҳр ва вазнларига мурожаат қилди. Унинг бу жанрга мансуб 52 асари 8 баҳрнинг 23 вазнида ёзилганлиги фикримизнинг далилидир. Ана шу шеърий ўлчовларнинг оҳанг имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланган шоир мазкур жажжи жанрда ҳам муҳим умумбашарий ғояларни ифодаловчи бадиий юксак асарлар битди.

ЧИСТОНЛАР

Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган 10 чистондан 8 таси қитъа шаклида битилган бўлиб, уларда ҳазаж, рамал ва мужтасс баҳрларига мансуб бўлган вазнлардан фойдаланилган.

Шубҳасиз, шоир мазкур асарларни яратишда уларнинг ҳар қайсисида ифодаланаётган мазмун у ёки бу буюмларнинг муҳим белгиларини Шарқ мумтоз бадиий услублари асосида ёрқин образли тарзда намоён қилиш мақсадини назарда тутган.

Чунончи, рамали мусаммани маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур вазнлари асосида ёзилган

Қайси айёр эркин улким, нақб урар санъатда бор,
Бир синон янглиғ аёғдин, бош қотиқликдин тани.
Нозанинларнинг либоси нечаким сангин эрур,
Тору пуди кўзларидин ичкари кирмак фани

мисралари билан бошланувчи «Игна» шеърида оҳанг яширилган буюм хусусиятларини хилма-хил рамзлар воситасида жозибадор қилиб акс эттиришга имкон берган.

Муаллиф айрим чистонларни бир вазнли, айримларини қўшвазнли, баъзиларини ҳатто кўпвазнли асарлар сифатида ёзган эди. Жумладан,

Не мужмардур, тўла ахтар, вале ул мужмар андоми,
Эрур сунъ илгидан гоҳе мусаддас, гаҳ мусамман ҳам.
Чиқар равзандин ахтар дуди-ю, бу турфаким онинг
Ўтина дуд йўқтур, мужмарина балки равзан ҳам

байтлари билан бошланадиган «Анор» шеъри фақат ҳазажи мусаммани солим вазнида,

Не пайкардурки айлар ножиҳин тез,
Ўзи бирла дурур, лекин масофий

матлаъли "Поки" шеъри ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнидагина битилган бўлса,

Не лўлидурки, чун ҳангома тутса,
Қадам бошдин қилиб тортар навозир.
Бошин кескандин ортиб анга таҳрик,
Тилин ёрғондин ўлуб анга таҳрир.

байтлари билан бошланадиган "Қалам" шеъри ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнларида ёзилган.

Не кушдурурки, учар уч қанот била, лекин
Агар кўнар ҳам очиқдур қанотлари бори
Не навъ пайкари конидур ул узун тиллик
Ки оғзинға қоқилур бир узун ёғоч маҳкам

матлаъли "Йўқ" ва "Бел" чистонлари мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф ва мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнлари асосида яратилган.

Шоир баъзи чистонларни мужтасс баҳрининг 4 вазнидан фойдаланиб яратган. Чунончи, "Танга" ва "Миқроз" шеърлари шу тарзда битилган.

Не шўх эрурки, улус кўнгли ичра савдоси,
Анинг юзидаги хатлар киби муҳаррардур
Кумушдурур танию қиймати анинг лекин
Ўн икки ўз танидек важҳ ила муқаррардур

мисралари билан бошланувчи "Танга" шеърида кўпвазнлилик яширинган ашё белгиларини оҳанг воситасида ҳам таъкидлашга хизмат қилган.

Навоий чистонларига хос ҳарактерли бир хусусият икки асарнинг рубоий тарзида яратилганидир. Шоирнинг бу икки рубоий – чистони рубоий вазнларида, икки ва уч ўлчовли асарлар сифатида битилган. Жумладан, "Юмурта" чистонидаги

Ул ҳаққаи ожким қилурлар гулфом,
Ким жавфи паниру маскадин тўлди тамом.
Ким они уруштирмоғидин истар ком,
Ноком ушатғусидур они ноком.

Биринчи мисра ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими азалл, Иккинчиси ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи аҳтам, кейинги икки мисра эса ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи азалл вазнлари асосида ёзилган эди.

Ул қушки, таашшуқдурур андиша анга,
Бир нахлдаким, шомдурур беша анга.
Шохи учидин аён бўлуб реша анга,
Гул очмоқ ўшул решасидин пеша анга.

рубоий - чистони (“Парвона”) икки вазнли асар сифатида яратилган бўлиб, унинг 1,2,4-мисралари ҳазати мусаммани ахраби макфуфи ажабб, 3-мисра эса ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи макфуфи ажабб вазнидадир. Навоий ўз чистонларини ёзишда юқорида таъкидлаганимиз уч баҳрга мансуб жами 14 вазндан фойдаланган.

ТУЮҚЛАР

Туркий шеъриятнинг қадимий жанри бўлмиш туюқ ўзига махсус икки вазндагина битилиши мумкин. Озарбайжон ва турк адабиётларида бўлганидек, ўзбек шеъриятида ҳам бу анъана ҳозирга қадар сақланиб келади. Қози Бурхониддин, Насимий ва Лутфийлар қаламига мансуб юзлаб туюқлар шу анъанага мувофиқ рамали мусаддаси маҳзуф ва рамали мусаддаси мақсур вазнларидагина битилган эди. Алишер Навоий ҳам мазкур анъанага содиқ бўлиб қолди ва ўзининг жами 13 туюғини ана шу вазнлар асосида яратди.

Бизга қадар Қози Бурҳониддиннинг 117 та, Насимийнинг 330 та, Лутфийнинг 70 та туюғи етиб келган. Навоийнинг бу жанрда кам асар яратиши XV аср ўрталаридан туюқ жанрида фақат тажнисли қофияга эга бўлган асарлар яратишга кўчиш, тажниссиз туюқлар ўрнини эса рубоий эса рубоий жанрининг билан изоҳланади, албатта.

Навоийнинг 13 туюғидан 12 таси рамали мусаддаси маҳзуф вазнида битилди.

Лаълидин жонимға ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо билмонки қилмас ё қилур.

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур,
Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак отқали
Ғамза ўқин қошиға ёлабдурур

каби ғоят баркамол туюқлар шулар жумласидандур.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ўз асарлари вазнини ҳар қайси жанрнинг ритм-оҳанг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилади, рубоий, туюқ, мустазодларни анъанавий ўлчовда яратган бўлса, кичик ҳажмли ғазал, қитъа, тарих, чистон, фард, муаммоларни улардаги ғоявий-бадиий ниятдан келиб чиқиб хилма-хил вазнларда битди, мусамматлаърда эса ўрта ҳажмдаги асарларга хос вазмин, салобатли ўлчовларга мурожаат қилди. Шу туфайли ҳар қайси асарнинг оҳанг жилолари мусиқий латофатига эришилди.

VI БОБ.
НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИ

Навоий достонлари вазнини тадқиқ этиш шоир бадиий маҳоратини ўрганишнинг муҳим бир қиррасини ташкил этади. Зеро, йирик лиро-эпик асарда вазн ва ритм образ яратишнинг асосий воситаларидандир. Пейзаж ва портрет чизишда ҳам, шиддаткор ёки сокин ҳаракатлар, воқеалар тасвирида ҳам, персонажларнинг ички монологлари ва ўзаро диалогларини баён этишда ҳам вазн ва ритм алоҳида аҳамиятга эга.

Маълумки, «Хамса» достонларининг вазн хусусиятлари ҳақида гап борганда адабиётшуносларимиз ҳар қайси асарнинг вазнини таъкидлаш билангина чекланадилар. Навоий арузини анча чуқур тадқиқ этган марҳум Содиқ Мирзаев «Ҳайрат ул-аброр» сариъи мусаддаси матвии мавқуф (ёки макшуф), «Фарҳод ва Ширин» ҳазажи мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур), «Садди Искандарий» мутақориби мусаммани маҳзуф (баъзан мақсур) вазнларида эканини таъкидлайди. «Лайли ва Мажнун» ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (ёки мақсур) вазнида ёзилганини айтиб, бу вазнда баъзан бир узун ҳижо икки қисқа ҳижо ўрнида келади», тарзида эслатма беради. Худди шунингдек, «Сабъаи сайёра»нинг хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнида ёзилгани ҳақида тўхтаб, «бу вазннинг кейинги рукни фаълун мақтуъ бўлганда, фаулун, махбуни маҳзуф билан, фаълон мақтуи мусаббағ бўлганда фаилон махбуни мақсур билан алмашиниб келиши, яъни икки мисрада икки хил бўлиб келиши мумкин», деб эслатади.

Бу маълумотлар ҳам «Хамса» достонлари вазнининг асосий хусусиятларини етарли даражада аниқлаб беролмайди. Маълумки, Навоий «Хамса»си яратилгунга қадар ўзбек достончилигида икки вазн ҳазажи мусаддаси маҳзуф (Хоразмий «Муҳаббатнома»си, «Гул ва Наврўз», Қутбнинг «Хусрав ва Ширин»и) ва сариъи мусаддаси матвийи макшуф (Юсуф ва Зулайҳо», Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзан ул-асрор» асарлари) вазнларигина қўлланган эди.

Агар «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари вазнини ҳам назарда тутсак, уч вазн йирик эпик асарлар яратиш учун асос бўлганини таъкидлашимиз мумкин.

Алишер Навоий «Хамса»га қўл урар экан, ўзбек адабий тилининг бойлиги ва гўзаллигини хамсанависликдаги анъанавий вазнлар мисолида яна бир бор исботлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бунинг уддасидан чиқа олди.

Навоий «Хамса»сидаги уч достон: «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий»лар, кўриб ўтганимиздек, адабиётимизда қўлланилган соддароқ вазнларда битилган эди. Икки достон - «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Сабъаи сайёра» эса кўп вазнли достонлар сифатида яратилди.

Навоий ўзининг «Ҳайрат ул-аброр» достонини хамсанависликдаги анъанага мувофиқ сариъи мусаддаси матвийи макшуф (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилун) ва сариъи мусаддаси матвийи мавқуф (рукнлари: муфтаилун муфтаилун фоилон) вазнлари асосида яратди. Мазкур вазнларнинг форсий тилдаги йирик достонлар, хусусан, Низомийнинг «Махзан ул-асрор», Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ ул-анвор» асарларидаги теран фалсафий мушоҳадаларни юксак бадиият билан ифодалашга ниҳоятда қўл келгани маълум. Алишер Навоий олдида XV асрнинг долзарб фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий муаммолари ҳақидаги ўз қарашларини шу вазнлар воситасида туркий (эски ўзбек тилида мужассамлантиришдек мураккаб вазифа турарди.

Шоир бу вазифанинг уддасидан чиқа олди ва мазкур вазнларни қўллаган ҳолда Шарқ шеъриятининг нодир бир дурдонасини яратди. Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги ҳаёт ва инсоннинг ундаги ўрни, ҳукмдор ва халқ муносабатлари, юксак инсоний фазилатларнинг инсон маънавий камолотидаги аҳамияти, тарбия ва унинг баркамол инсонни камол топтиришдаги роли сингари умумбашарий ғоялар, ҳаётий ҳикояларни бадиий ифодалашда бу вазнларнинг оҳанг имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланди.

Бу икки вазндан шоҳлар таърифига бағишланган

Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғаву сенга тийра хок

каби байтларда ҳам, тарбия борасидаги

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.
... Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баданд.
...Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун кунунга айлагали нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш

каби фикрлар ифодасида ҳам,

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.
...Бодаға кўргузса киши хиралиқ,
Ақл чароғига берур тийралик

каби ҳикматомуз мисраларда ҳам катта санъаткорлик билан ишлатилганини кўриш қийин эмас. Бу хил фалсафий мушоҳадаларни мужассамлантиришга юқоридаги вазнлар шу қадар мос бўлиб тушганки, биз уларнинг бошқача ифодасини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Улар фақат шу тарздагина, худди шундай оҳанглар воситасидагина ифодаланиши мумкинлигига шубҳа қилмаймиз. Ана шу икки вазн таркибидаги қисқа ҳижоларнинг кўплиги (уларда 6 тадан чўзиқ ва 5 тадан қисқа ҳижо келади) кўпроқ шу хил ҳижолар қўлланувчи ўзбек тили учун ниҳоятда қулайлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Навоий ўз достонида фақат шу вазнлар билангина чегараланиб қолмай, аруз қонунлари имкониятидан фойдаланган ҳолда баъзан шу баҳрга мансуб бошқа вазнларга ҳам мурожаат қилади. Тўғри, бу хил ҳолатлар достонда кўп учрамайди. Лекин улар шоирнинг аруз соҳасидаги билимдонлигидан, керак сўзларни қўллашда асосий вазн доирасидан чиқиш билан ифодаланадиган кашшофлигидан далолат беради.

Навоий бир қатор байтларда ўз ғоявий ниятини рўёбга чиқариш мақсадида рукнлари мафъулун муфтаилун фоилун тарзида бўлган сариъи мусаддаси мақтуъи матвийи макшуф

ва рукнлари мафъулун муфтаилун фоилон тарзида бўлган сариъи мусаддаси мақтуъи матвийи мавқуф вазнларини қўллайди. Достондаги

Субҳоноллох, бу не нафси лаим,
Нафсни қўйғил, не азоби алим.

...Оллоҳ-Оллоҳ, бу не афсонадур,
Ким бу фасона деса девонадур.

...Дема ҳариф, аблаҳу нодон дегил,
Нодон йўқ, эгни биёбон дегил.

...Анжумдек гумбади даввор уза,
Хайли гугуфа дема ажор уза.

...Оллоҳ-Оллоҳ, не Ҳири бу Ҳири.
Бир-биридин турфа анинг ҳар бири.

...Ошиқлар кўнгли уйидек йиқуғ,
Тирлари ҳар тарафидин чиқу.

...Рои эсанг тут бу нафас яхши пос,
Ҳар қўйни ўз аёки бирла ос.

Жаҳд этким, урмасун ўлгач набард,
Оҳ ели кўзунга ногоҳ гард.

...Соқий, олиб кел қадаҳи бодае,
Шаҳ тутсун ё ани шаҳзодае.

Ё Раб, агар бўлди каломим узун,
Мундин ҳам журм қилибмен фузун

каби байтлар шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу хил вазнларни достонда қўллаш аруз илмидаги ихтиро эди. Зеро, Бобур ҳам «Мухтасар» да бу усулни тилга олмайди. Бинобарин, Навоий бу билан аруз илмига янгилик киритган ҳолда сариъ баҳри вазнларида биринчи бўлиб матвий билан мақтуъ рукнларини «жамъ қилган», яъни биргаликда қўллаган. Навоий достоннинг айрим байтларида ҳашвдаги муфтаилун рукнини ҳам мафъулун рукни билан (яъни сариъи мусаддаси матвийи мавқуф вазнини сариъи мусаддаси матвийи мақтуъи мавқуф вазни билан) алмаштириб қўллаган. Чунончи:

Буки баён айладинг эрмас йироқ,
Ким де олурсен мундин яхшироқ

байтида бу ҳолатни кузатамиз. Бу ҳам аруз илмида олдин кўрилмаган эди. Муфтаилун ва мафъулун рукнларини бу хилда алмаштиришда Навоий таянган асос аруз илмига кўра рукнлардаги икки қисқа ҳижони бир чўзиқ ҳижо (сабаби сақийлни сабаби хафиф) билан алмаштириш мумкинлиги ҳақидаги ёзилмаган қоида эди, албатта. Демак, шоир қўллаган бу усул аруз илми қонунларига зид келмайди. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ўзбек шеъриятида тажрибадан ўтган, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Саид Аҳмаднинг «Таашшуқнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Қутбнинг «Хусрав ва Ширин», шунингдек, «Гул ва Наврўз» қаби қатор достонларда қўлланган енгил ва жозибадор ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур вазнлари асосида битилди.

Шоир бу икки вазннинг оҳанг яратиш имкониятларидан баракали фойдаланган ҳолда асар қаҳрамонларининг рангоранг кечинмалари, ижодий меҳнат ва жанг манзаралари, пейзаж ва портретлар тасвирининг юксак бадиий ифодасига эришди.

Навоийнинг «Лайли ва Мажун» достони асосан ўзбек шеъриятида жуда кам қўлланган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (рукнлари: мафъулу мафоилун фаулун) ҳамда ҳазажи мусаддаси ахраби мақбуз мақсур (рукнлари: мафъулу мафоилун мафоийл) вазнлари заминида яратилди. Бу ўлчовлар мусиқий ва жозибадор бўлишига қарамай, Навоийгача бўлган давр адабиётимизда кам учрайди. Жумладан, бу вазнларда Саккокий ва Гадоийлар фақат биттадан, Атоий 2 та, Ҳофиз Хоразмий 5 та, Лутфий жами 9 та лирик шеър битган эди. Навоийнинг ўзи ҳам лирикада бу вазнларга кам мурожаат қилган. Унинг 3 тагина ғазали ана шу икки вазн асосида ёзилган.

Шоир бу ноёб вазнларда йирик асарини битар экан, унинг оҳанг яратиш имкониятларини атрофлича ўрганиб чиқди ҳамда улар ишқий-фожиавий достон учун ниҳоятда мақбул эканини аниқлади. Достонни ўқир эканмиз, мазкур ўлчовлар инсоннинг маҳзун кечинмаларини, фожиавий эпизодлар, теран мазмунли ички монологларнигина эмас, жанг манзаралари, табиат тасвири учун ҳам мақбул эканига ишонч ҳосил қиламиз. Баҳор тасвирига бағишланган

Меҳр истади чун ҳамал фароғи,
Дашт узра бутар қўзи, қулоғи
Гул шамъи ҳавойи гулшан айлар,
Гулшанни фуруғи равшан айлар.
...Сориғ гул уза сабуҳи ёмғур,
Олтун табақ ичра кўргузур дур.
...Тоғ бағрида сел йўққи ҳар тош,
Фарҳод фироқидин тўкар ёш.
Наргис олур ўлса бодадин ком,
Норанж терисидин ясар жом.
...Шудрун тўкулуб чаман қилур фош,
Хашхош гули юзинда хашхош

каби латиф байтлар, Лайли билан Қайснинг биринчи учрашуви, қизнинг йигитга саволини ўзида акс эттирган

...К-эй турфа йигит, не ҳолатинг бор,
Не навъ ғаму малолатинг бор?

Ким шодлигинг йўқ ўзгалардек,
Ободлигинг йўқ ўзгалардек.
Асҳобға майли боғу гулзор,
Ҳам тан санга решу ҳам кўнгул зор.
Сен нола қилиб ғамин недин сен,
Ашкинг оқизиб ҳазин недин сен?

каби дилрабо мисралар, Кайснинг ички туғёнларини ифодаловчи

Гаҳ сабзаға суртубон узорин,
Кўкка чекибон фиғону зорин.
Ким: «Гулшан аро хиром чоғи,
Тегмиш санга гулрухим аёғи».
Наргис кўзи айлаб они волиҳ,
Ёри кўзидек кўруб биайниҳ.
Йиғлаб кўруб онча ранжу темор,
Ким заъф қилиб нечукки бемор

каби таъсирчан парчалар бу вазнларнинг достонда тутган ўрни, асарнинг ғоявий-бадиий нафосатини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Навоий ўз достонида фақат шу икки ўлчов билан чегараланиб қолмай, уларга яқин турувчи, ҳазаж баҳрига мансуб бўлган ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф (рукнлари: мафъулун фоилун фаулун) ва ҳазажи мусаддаси ахрами аштари мақсур (рукнлари: мафъулун фоилун мафоийл) вазнларидан ҳам анча кенг фойдаланди. Бу икки вазн дастлабки икки рукн таркибида кетма-кет тўрт чўзиқ ҳижонинг келиши туфайли асосий вазнларга нисбатан сокинроқ, вазминроқ оҳангга эга. Шу туфайли уларни қўллаш, бир томондан, зарур ўринларда ритмни секинлаштириш, оҳангга салобат бағишлаш имконини берса, иккинчи томондан, достон оҳангида ранг-баранглиқни таъминлаб, монотонлилик (якка оҳанглилик)дан қочишга, асарни ўқишлироқ қилишга замин яратади. Ундан ташқари, шоирнинг бу усул воситасида достондаги қатор байтларда ўз ғоявий ниятидан келиб чиқиб, зарур сўзларни қўллашига йўл очади. Фикримиз далолатини асардан танланган

Эл деб чу етишса ул жигархун;
«Келди Мажнуну келди Мажнун».

...«Лайли», «Лайли дебон чекиб ун,
Эл деб Мажнундур ушбу Мажнун».

...Бу навъ эди неча вақт ҳоли,
Лаҳза-лаҳза ошиб малоли.

...Дуррум анга зеби торак ўлғай,
Иншооллоҳ, муборак ўлғай.

...Жоним бўлсун танинг нисори,
Бағрим бўлсун тишини фигори.

...Дедики: «Недин мисол экин бу?
Субҳололлоҳ, не ҳол экин бу?»

каби кўплаб мисралар мисолида кўришимиз мумкин.

Мазкур ёрдамчи вазнлар достоннинг муҳим ўринларида турли хил санъатларни маҳорат билан қўллаб, дурдона байтлар яратишга имкон берган.

Баским тани равзан ичра равзан,
Равзан-равзан бўлуб анга тан.

...Оқшомдин тонға жони маҳзун,
Тонгдин оқшомға ашки гулгун

каби байтлардаги тарду акс санъати шулар жумласидан. Навоий достонидаги жами 230 мисрада юқоридаги икки вазнга мурожаат қилди.

«Сабъаи сайёра» достони анъанага кўра хафиф баҳри вазнларида битилди. Мазкур вазн ҳам Навоийгача бўлган ўзбек шеъриятида жуда кам қўлланган ўлчов ҳисобланади. Атоий, Саккокий, Гадоийларнинг бизгача етиб келган асарлари орасида бу вазндаги шеърлар учрамайди. Лутфий ғазалларидан тўрттаси ва битта фардгина шу баҳр асосида ёзилган. Хафиф баҳрида яратилган асарлар Ҳофиз Хоразмий девонида анчагина учрайди, лекин Навоий бу асарлардан хабардор эмас эди.

Демоқчимизки, «Сабъаи сайёра» достонини шоир адабиётимизда кам қўлланган вазнлар заминида ёзиб тугатди.

Хафиф – кўпвазнлиликка асосланган баҳр. Яъни бу баҳрда шеърий асар яратилар экан, шоир унга мансуб саккизтагача вазндан фойдаланиши мумкин. Бу ижодкор учун қулай имкониятни вужудга келтиради. Зеро, у оҳанг ранг-баранглигини таъминлаш, зарур ҳолларда керакли сўзларни ўзи хоҳлаган байтларда қўллаш имконига эга бўлади.

Навоий ўз достонида хафиф баҳрига мансуб саккиз вазндан фойдаланди. Улар қуйидагилар эди:

1. Хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф.
Рукнлари ва чизма:
Фоилотун мафоилун фаилун
– V – – V – V – V V –
2. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақсур:
Фоилотун мафоилун фаилон
– V – – V – V – V V ~
3. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ:
Фоилотун мафоилун фаълун
– V – – V – V – – –
4. Хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъи мусаббағ:
Фоилотун мафоилун фаълон
– V – – V – V – – ~

5. Хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф:
фаилотун мафоилун фаилун
V V – – V – V – V V –
6. Хафифи мусаддаси махбуни мақсур:
фаилотун мафоилун фаилон
V V – – V – V – V V ~
7. Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ:
Фаилотун мафоилун фаълун
V V – – V – V – – –
8. Хафифи мусаддаси махбуни мақтуъи мусаббағ
фаилотун мафоилун фаълон
V V – – V – V – – ~

Ана шу саккиз вазндан юқоридаги 4 таси фаолроқ, кейинги 4 таси нисбатан камроқ қўлланади. Бу саккиз вазнни қуйидаги 4 байтли парчада намойиш қилиш мумкин:

Тун ярмиға тегру бу эди иш, *(1)*
Узар эрди уруб тани уза тиш. *(5)*
...Ҳукамо айлаб амри бўси канор *(6)*
Ўзга ишдин буюрмиш эрди канор. *(2)*
Муни маҳваш дағи билур эрди, *(7)*
Ўзни шаҳдин фироқ қилур эрди. *(3)*
Лаби сўз дерда элдин олиб жон, *(8)*
Лабларин чун кўруб уёлиб жон. *(4)*

Кўринадики, кейинги тўрт вазнни инкор этиш садр ва ибтидоъ рукнлари ўрнида келган кўплаб сўзларни нотўғри талаффуз қилишга, юзлаб мисраларни сакталаштиришга олиб келур эди. Зеро, юқоридаги мисралар бошида қўлланган “узар эрди”, “ҳукамо”, “муни”, “лаби” сўзларидаги биринчи очиқ ҳижоларни чўзиқ талаффуз қилиб кўрсак, фикримизнинг асосли эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Вазнларнинг ўзгачалиги биринчи рукнлардаги фоилотун ва фаилотун фуруъларининг, охирги аруз ва зарб рукнларида эса фаилун, фаилон, фаълун ва фаълон фуруъларининг алмашинуви асосида рўй беради.

Бу вазнларнинг ритм-оҳанг имкониятлари ҳам турлича. Охирги рукни икки чўзиқ ҳижо билан тугалланувчи хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ ва хафифи мусаддаси мақтуъ вазнлари вазмин, сокин оҳангга эга бўлса, аруз ва зарб рукнлари фаилунга тенг хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф ва хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф вазнлари унга қараганда енгилроқ, ўйноқироқ ритм яратиш имконига эга. Шунингдек, охирги рукни фаилонга тенг ўлчовлар фаълон рукни билан тугалланувчи икки вазнга қараганда шўхчан оҳанг ҳосил қилади. Шоир ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ўз достонида ҳар қайси вазндан ўз ўрнида моҳирона фойдаланади.

Навоий достонини вазн жиҳатидан чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, унда охири фаилун ва фаълун рукнлари билан тугалланувчи тўрт вазндан бошқаларига нисбатан анча кенг фойдаланилганини кузатамиз. Шоир ўз қаҳрамонлари қалбидаги туғёнли кечинмаларни, махзун кайфиятларни кўпроқ шу хил вазнлар воситасида ифодалайди. Масалан, шоир Баҳромнинг ўз севгилиси Дилоромнинг Хитойдан олиб келинишини кутиш чоғларидаги туйғуларини

Шаҳки ҳижрондин оҳ тортар эди,
Нолаи умркоҳ тортар эди.
Заъф этиб эрди жисмини қилча,
Ҳар кун эрди кўзига бир йилча.
Тун-кун афғони зор чекмак ила,
Меҳнати интизор чекмак ила.
Кўнгулдин сабр чун канора қилиб,
Ёна сурат сори назора қилиб,
Кўрубон чун ҳабиб суратини,
Рафъ этиб ҳажрнинг кудуратини,
Уйда бир соат ўлтура олмай,
Қаср ё боғ аро тура олмай.
Қаср уза базм ошкора этиб,
Ўлтуруб йўл сори назора этиб.
Кўруниб гард ё қаро кўзига,
Бир нафас келмай эл аро ўзига

каби байтларда ифодалайди. Парчага диққат қилинса, унда қаҳрамоннинг ҳолати ниҳоятда ҳаётий ва таъсирчан акс эттирилганини аниқлаш қийин эмас. Юқорида таъкидланган вазнларнинг бу тасвирдаги ўрни ҳам яққол сезилиб турибди. Шоир кўпроқ хафифи мусаддаси солими махбуни маҳзуф ва хафифи мусаддаси махбуни маҳзуф ўлчовларидан фойдаланиб, Баҳром қалбидаги кечинмалар, унинг безовта хатти-ҳаракатларини ҳаётий гавдалантира олган.

Кейинроқ ўз Дилоромидан жудо бўлган Баҳромнинг маҳзун ҳолати, ўз мулозимларига мурожаати эпизодида сокин оҳанг воситасида ифодаланар экан, Навоий хафифи мусаддаси солими махбуни мақтуъ ва хафифи мусаддаси махбуни мақтуъ вазнларига мурожаат этади:

Қиличингиз ушолдиму охир!
Илгингиз тошқа қолдиму охир!
Мени юз минг бало аро кўрманг,
Ҳар замон ўлмагим раво кўрманг.
Тийғ ила кўкрагимни чок айланг,
Бир-ики зарб ила ҳалок айланг.
Қутқоринг жони нотавонимни,
Биҳил эттим бориға қонимни.
Демайинким, биҳилдурур қоним,
Музд бергаймен ўлса юз жоним.
Ёрлиқ қайда кетди, ёронлар,
Йўқ мусулмонлиқ, эй мусулмонлар!
Ўлтуруб ғаврима етинг охир,
Минг ўлумдин халос этинг охир!

Бу мисраларнинг бари юқоридаги икки вазн асосида битилган бўлиб, сўнгги рукн барча мисраларда фаълун фуруъи билан тугалланади.

Шу туфайли юзага келган сокин оҳанг умидларини тарк этиб, фақат ўлиминигина кутаётган қаҳрамон қалбидаги кечинмаларни ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Шоир жанг манзараларини тасвирлар экан, вазнларнинг барчасини бир вақтда қўллаб, уларни тез-тез алмаштириш орқали ҳаракатларнинг оҳангдаги ифодасини таъминлайди. Бу жиҳатдан, масалан, бешинчи ҳикоядаги Жобир ва Суҳайл жанги эпизоди аҳамиятлидир.

Дийдабон ул тараф боқиб ногоҳ,
Яна Жобирни айлади огоҳ.
Ул кириб заврақига айлади азм,
Бўлуб ул кема аҳли қатлиға жазм.
Чун етиб қилди эл ҳалокига майл,
Разму кин ичра чобук эрди Суҳайл.
Қила бошлаб анинг била пархош,
Ишлари кема ичра бўлди савош.
Жобир ар зарб урар эди беҳад,
Барча зарбин Суҳайл этар эди рад.
Қилса ул доғи зарб изҳори,
Мунга ҳам тушмас эрди ул кори.
Иккиси чунки эрдилар чолок,
Бир-биридин аларға йўқ эди бок.
Кўрди Жобирни қойим ўлди иши,
Олида номулойим ўлди иш.
...Илгига ҳийла шевасин олди,
Яланғочлаб ўзин суға солди.

Жанг манзараси тасвири шу тарзда давом этади. Юқоридаги парчанинг ўзида биз кўриб ўтган 8 вазндан 7 таси иштирок этган. Бунинг натижасида эса жанг тасвири оҳангда ҳам ўз аксини топа олган.

Шоирнинг достонда вазнлар жилосидан моҳирона фойдаланиши мисолларини яна кўплаб келтириш мумкин. Шундай қилиб, хафиф баҳрида яратилган «Сабъаи сайёра» достони Алишер Навоийнинг вазн устида ишлашдаги юксак санъаткорлигини намойиш қилувчи энг муҳим асар сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Навоий «Хамса»сидаги бешинчи достон «Садди Искандарий» вазни Низомийнинг «Искандарнома», Хусрав Деҳлавийнинг «Оинаи Искандарий» достонлари вазни билан белгиланган бўлса ҳам, уларда қўллаган мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур вазнлари туркий шеъриятга олдиндан – XI асрдан таниш бўлиб, ундан илк бор Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» достонини яратишда фойдаланган эди. Кейинчалик бу вазнлар асосида Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» достони битилди. Тўғри, туркий тилдаги бу икки асар вазн нуқтаи назаридан туркона усул билан ёзилган, яъни анчагина ўринда аруз қоидаларидан чекиниш ҳам, қисқа ҳижоларни сунъийлаштириб, чўзиб талаффуз қилиш ҳам уларнинг вазнида яққол кўзга ташланиб туради.

Навоий достонида ҳар икки вазн юксак маҳорат билан қўлланди. Достоннинг бирон ўрнида ҳам сакталикка йўл қўйилмади. Шоир бу вазнлар асосида табиатнинг гўзал манзараларини ҳам, ҳайратомуз денгиз саёҳатларини ҳам, даҳшатли жанг тасвирини ҳам, қаҳрамонларнинг нозик туйғулари, олимларнинг фалсафий мушоҳадаларини ҳам моҳирлик

билан ифодалайди. Шу вазнларнинг ритм имкониятларидан, товушлар жилосидан қофиянинг хилма-хил турлари ва санъатлари: зулқофиятайн, зулқавофиъ, тарсиъ, тажнисдорлик кабилардан санъаткорлик билан фойдаланган муаллиф достонда оҳанглар ранг-барангли-гига эришади.

Достонда

Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ.
Бори тортибон қатл учун тийғи тез,
Қилиб тийғ тез ўлтурурга ситез
...Тутуб фитна гарди халойиқ кўзин,
Ким ул гард аро халқ топмай ўзин.
Солиб элга мундоқ набарди бало,
Гаҳи қатли торожу гоҳи жало.
... Яқин билки, ул кундур офат куни,
Не офат куниким, қиёмат куни

каби халқлар ўртасида низоларни, ҳалокатли урушларни қораловчи байтлардаги теран фалсафий мушоҳадалар,

Ҳамул бешаким, дер эдилар Нигор,
Ичида анинг бениҳоят шикор.
Не беша, Эрам боғининг ғайрати,
Хирад нутқини лол этиб ҳайрати.
Келиб бешадин атри анбар насим,
Қилиб тийра туфроғин абҳар шамим.
Шажар ҳар бири еткуруб кўкка бош,
Бўлуб барглар ичра пинҳон қуёш.
...Ери сабза бирла зумуррад нишон,
Анга чархи майно забаржад фишон

каби табиатнинг гўзал манзарасини ҳаётий акс эттирган бадиий лавҳалар ҳам,

Ики тор аросида массоҳи чуст,
Яқинроқ ерин айлади боз жуст.
Таноб ончаким чектилар ҳар сари,
Яқинроқ ери эрди ўн минг қари.
Нужум аҳли соат қилиб ихтиёр,
Кезиб маркаб узра шаҳи бахтиёр.
Буюрдики, тўктилар ул ерга ранг,
Тушуб қўйди соат била хора санг

каби садд қурилишини гавдалантирувчи ҳаққоний тасвирлар ҳам мазкур вазнлар замини-да, ниҳоятда жозибадор оҳанглар воситасида ўз тажассумини топган.

Шоирнинг машҳур «Лисон ут-тайр» достони анъанага мувофиқ «Мантиқ ут-тайр» асари ўлчовлари рамали мусаддаси маҳзуф (рукнлари: фоилотун фоилотун фоилун) ва рамали мусаддаси мақсур (рукнлари: фоилотун фоилотун фоилон) вазнларида яратилди. Мазкур вазнларда лирик шеърлар Лутфий ва Навоий ижодида анчагина ёзилган бўлса ҳам, лекин улар асосида йирик лиро-эпик асарлар яратиш анъанаси туркий адабиётларда, жумладан, ўзбек шеъриятида ҳали мавжуд эмас эди.

Бинобарин, Алишер Навоий бу анъанага ҳам асос солди ва илк бор мазкур икки вазн заминида йирик фалсафий достон битди.

Рамал баҳрининг бу икки енгил ва ёқимли вазнидан моҳирлик билан фойдаланган шоир улар воситасида асардаги етмишдан ортиқ ҳикояни, тасаввуф фалсафасининг ўта мураккаб назарий асослари тўғрисидаги мушоҳадаларни таъсирчан ифодалаб бера олди.

Симурғни излаб узоқ йўлга отланган қушларнинг аҳволини тасвирлаган

Туштилар йўлға нишоту ноз ила,
Васл умидиға итик парвоз ила,
Чун неча кун бўйла тайрон қилдилар,
Саъй ила қатъи биёбон қилдилар.
Меҳнату ранжу алам юзланди кўб,
Шиддату ошубу нам юзланди кўб.
Бўйла чун қатъи масофат қўйди юз,
Нотавонларга кўп офат қўйди юз.
Нозпарвард эрдилар бўстон аро,
Соялиғ ашжори тобистон аро.
Бўлдилар йўл ранжидин фарсуда ҳол,
Ҳар бирига қўйди юз беҳад малол[1]

каби байтлар, Шайх Санъон, эшагини худога омонат топширган девона, сувга чўкиб ўлган хасис ҳақидаги ҳикоялар каби ўнлаб манзумалар,

...Одам ўлгон зебу зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар одам эмас.

...Эр кирар эр сонига ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлагон зийнат била.

Эрга хулқу феъл эрур зебу жамол,
Янги заркаш хулласидур эски шол.

Ноқис улдурким ўзин комил дегай,
Коми ўлким, нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолиддин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қийлу ҳол.
Ким ўзин комил кўрар ноқисдур ул,
Нуқс бермайдур камоли сори йўл

[1] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Ўн беш томлик, Ўзадабийнар, Тошкент, 1966.

сингари теран фалсафий мушоҳадаларни юксак бадиият билан ифодалашда зикр этилган вазнлар муҳим роль ўйнади. Шоир ўзининг бу асарида ҳам қатор-қатор байтларни зулқофиятайн, зулқавофиъ ва тарсиъ санъатлари асосида битиб, уларнинг ёқимли ва таъсирчан оҳангини таъминлади.

Борсен сен борлиғ зебандаси,
Бирлику жабборлиг арзакаси;

Ҳам бошинг този раёсат маскани,
Ҳам танинг нақли латофат маскани

Ҳайъатинг матбу, яконг дилша зир.
Суратинг мавугу куткунг беназир.

Меҳнату ранжу алам юзланди кўп,
Шиддату ошубу ғам юзланди кўп.

К-эй сенинг зотинг риёсат гавҳари,
Бошига лойиқ ҳидоят афсари

каби зулқофиятан байтлар,

Ҳам учарда ҳаминолиғ айлайин,
Ҳам кўнарда посбонлиғ айлайин

Ҳам чаман аҳлиға сен маҳбубсен.
Ҳам даман хайлиға сен марғубсен.

Не саодатдин йироқ тушконларин.
Не ҳидоятдин қироқ тушконларин

Суратим гулшанға оройиш дурур.
Хайъатим кўрганга осойиш дурур
сингари тарсиъли мисралар,

Ҳар бирига зот эди оти киби,
Ул сифатким от эди зоти каби

байтидагига ўхшаш тарду акслар шулар жумласидандир.

Хуллас, Алишер Навоий достонларида жами 22 вазнни қўллаб, оҳангдор ва сержило асарлар битишда бу ўлчовларнинг кенг имкониятларга эга эканини атрофлича далиллаб берди.

Шундай қилиб, Алишер Навоий шеърияти вазнини белгилашда аввало ўзбек тилининг ғоятда бой ва гўзаллигини, унинг ҳар қандай шакл ва жанрлардаги асарлар яратишда форс-тожик тилидан қолишмаслигини, ўзбек арузида ҳам исталган баҳр ҳамда вазнда энг гўзал ва баркамол бадиий асар яратиш мумкин эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан

узил-кесил исботлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шоир ўзбек арузи имкониятларини кашф этиш, унинг энг мақбул вазнлар доирасини аниқлаш учун форс-тожик шеъриятидаги барча ўлчовларни туркий тилдаги асарлари билан синовдан ўтказди, айни чоғда, Шарқ адабиётида умуман қўлланмаган вазнларнинг ритм-оҳанг имкониятларини тажрибадан ўтказди, шеъриятимизга кўплаб янги вазнларни олиб кирди.

Навоий ғазал, қитъа, рубоий, фард шакллари асосида 120 дан ортиқ ўлчовда шеърий асарлар яратиш мумкинлигини тасдиқлади. Ўз достонларини Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари вазнида яратиб, улардаги ўлчовларнинг ўзбек арузи учун ҳам мақбуллигини исботлади. Шоир ўзбек арузининг кўпвазнли ва кўпрукнли шеърий асарлар битиш учун қулайлигини бир талай намуналар мисолида ҳал қилиб берди.

Навоий ўз шеъриятида арузнинг ҳалига қадар очилмаган бир қатор янги имкониятларини кашф этиб, оҳанг яратишда товушлар жилоси, қофия ва радиф воситаларидан кенг фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлади. Буюк мутафаккир шоир ижоди туфайли ўзбек арузининг шаклланиш жараёни тугалланиб, унинг камолот даври бошланди. Алишер Навоийнинг мазкур соҳадаги фаолияти XV—XX асрлар давомидаги ўзбек арузининг ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Алишер Навоий:

1. Ўзигача бўлган туркий ва форсий вазн хусусиятларини атрофлича ва чуқур ўрганиб чиқиб, қўлланган ўлчовларнинг оҳанг имкониятларини, тил бойликлари нафосатини акс эттиришдаги ўрнини, лирик ва эпик тимсоллар яратишдаги аҳамиятини назардан кечирди.

2. Аруз тизимининг назарий масалаларини ҳар томонлама тадқиқ этиб, унинг ўзига хос фазилатлари: инсоннинг маънавий қиёфаси, нозик ва хилма-хил туйғулар оламини бадиий жилолантириш имкониятларини теран кашф этди.

3. Навоий халқ оғзаки ижоди вазнлари билан аруз ўлчовларини қиёслаган ҳолда уларнинг ҳамоҳанглик жиҳатларини белгилади, оғзаки шеърият вазнларидан ёзма адабиётда фойдаланиш имкониятларини синовдан ўтказди.

4. Аруз шеърий ўлчов тизимининг араб, форс-тожик ва туркий шеъриятлардаги мавқеъини, назарий ва амалий муаммоларини атрофлича ўрганиб чиқиб, ўзбек арузининг назарий асосларини яратиб берди.

5. Шоир ўзининг хилма-хил шеър шакллари ва жанрлардаги баркамол лирик ва эпик асарлари билан ўзбек тилининг Шарқнинг илғор адабиётлари, хусусан, форс-тожик шеъриятидаги каби ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак, безавол ва нафис асарлар яратиш имкониятини вазн нуқтаи назаридан ҳам исботлаб берди, 100 дан ортиқ вазндаги шеърий обидалари ва ўлмас достонлари билан замондош издошлари ва келажакдаги салафлари учун ибрат бўлиб хизмат қилди.

6. Навоий ҳар қайси асардаги шеърий ўлчов энг аввало ғоя, мазмун, лирик ва эпик тимсоллар қиёфасига мувофиқ танланиши, шоир фикрлари, бадиий ниятини рўёбга чиқаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши зарурлиги, айни вақтда асар нафосату назокати, жилоси ва жозибасини, мусиқийлигини таъминлашдаги аҳамиятини денгиздек бепоён шеърияти билан исботлаб берди.

7. Мутафаккир ижодкор аруз шеърий ўлчов тизимининг ички имкониятлари ғоят кенг эканлиги, кўпвазнлилик, кўпрукнлиликнинг оҳанглар хилма-хиллигини таъминлаб, ички туйғулар ифодасида ҳам, эпик тасвирларда ҳам шоирга қўл келишини юзлаб асарлар мисолида далиллади.

8. Навоий асарлар мусиқийлигини рўёбга чиқаришда қофия, радиф, вазн муносабатлари муҳимлигини, ўринли танланган қофия ва радифлар лирик ва эпик асарларнинг оҳанг жилоларини кучайтиришга хизмат қилишини амалда кўрсатиб берди.

9. Шоир ўзигача қўлланган лирик ва эпик жанрларнинг вазн имкониятлари янада кенглигини далиллади. Шеъриятимизга қатор янги жанрларни олиб кириб, уларнинг ўлчов хусусиятларини белгилаб берди.

10. Форс-тожик тилидаги лирик асарлари билан форсий арузни назарий ва амалий жиҳатдан камол топтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

11. Алишер Навоийнинг арузчилик мактаби XV—XX асрлар давомида шеъриятимиз ривожига кучли таъсир кўрсатди ва барча замондаги шоирларимиз учун маҳорат мезони бўлиб хизмат қилди. Бу мактаб ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмай келаётир.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА НАВОИЙ АРУЗИ АНЪАНАЛАРИ
(хотима ўрнида)

Алишер Навоийнинг ўзбек арузи ривожига қўшган ҳиссаси хилма-хил баҳр ва вазнларнинг шоир ижодида қўлланиши, қатор янги баҳр ҳамда вазнларнинг шеъриятимизга татбиқ этилиши, кўплаб ўлчовларнинг ички имкониятларини кашф этиш асосида оҳанглар сержилолигини таъминлаш, кўпвазнлилик ҳодисасидан моҳирона фойдаланиш, ўзбек арузининг назарий асосларини ишлаб чиқишнинг ўзи билангина чекланмайди, албатта. Шоир ўз замондошлари ва издошларига арузни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти билан намуна бўлиб хизмат қилди.

Навоий мазкур соҳадаги фаолияти билан ўзбек арузи назарий масалаларининг янада чуқурроқ ишлаб чиқилишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди, хусусан, унинг «Мезон ул-авзон» асари адабиётшунослигимизда аруз назариясига бағишланган бир қатор илмий асарларнинг яратилишида илҳом манбаи бўлди. Буни, аввало, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар» асари мисолида яққол кўриш мумкин.

Бобур рисоласининг бевосита Навоий асари таъсирида яратилганлигини инкор қилиш нотўғри бўлур эди. «Мезон ул-авзон» билан танишиб, арузнинг назарий масалаларига қизиқиб қолган, араб ва форс-тожик тилида арузшуносликка доир асарларни синчиклаб ўрганиб, ўзбек арузи муаммолари устида чуқур мулоҳаза юритган Бобур ўз асарини битиш билан Навоий анъанасини давом эттирди ва ўзбек арузи назарияси ривожига муҳим ҳисса қўшди.

Бобур "Мухтасар"и аруз назарияси асосларини жуда мукаммал баён қилиши билан фақат туркий тилдагина эмас, балки форс-тожик адабиётшунослигида яратилган асарлардан ҳам устун туради десак хато бўлмас. Бизнингча, арузнинг бирон-бир муаммоси йўққи, унда ўз аксини топмаган бўлсин.

Бобур, аввало, аруз асоси бўлган жузвлар масаласини аниқ ҳал қилиб берди: фосилани алоҳида жузв ҳисоблаш шарт эмаслигини таъкидлаш билан чекланмай, сабаб ҳам ватад жузвларининг кўпчилик рисолаларда, ҳатто Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ» асарида ҳам акс этмаган, лекин арузда амалий жиҳатдан қўлланиб келган сабаби мутавассит ва ватади касрат турлари мавжудлигини алоҳида таъкидлади. Афойилу тафойил сонини 10 та деб кўрсатган Бобур улар асосида аруз баҳрлари сонини 21 тага етказди. Навоий ўз асарини қисқача рисола, яъни мухтасар усулида яратгани учунми ёхуд фақат ўзбек арузини назарда тутгани туфайлими, зиҳофлар бўлимида фақат бештагина аслга хос ўзгаринлар ва улар натижасида ҳосил бўладиган фуруъларнигина санаб ўтган бўлса, Бобур ўзи келтирган 10 та аслнинг ҳаммасига хос зиҳофлар ва фуруъларни бирма-бир келтиради. 21 баҳрни ўз ичига олган 9 доира ҳам Бобур рисоласининг мукаммаллигини тасдиқлайди.

Бобур 21 баҳр вазнларини келтирар экан, фақат ўша давр шеъриятида фаол қўлланган ўлчовларни таърифлаш билан чекланмай, аруз имкониятлари тасаввур қилинганига қараганда ниҳоятда кенглигини исботлаш мақсадида улардан ҳар қайсиси учун махсус бўлган мухтараъ, яъни ўзи томонидан ихтиро қилинган кўплаб янги вазнларни ҳам туркий тилдаги ўз байтлари мисолида санаб ўтади. Агар Навоий ўзининг «Мезон ул-авзон» асарида жами 162 вазнни келтирган бўлса, Бобур 21 баҳрга мансуб бўлмиш 537 вазн ҳақида маълумот беради. Бинобарин, Бобур ўзбек арузининг ана шу миқдордаги ўлчовлар доирасидан бемалол фойдаланиш мумкинлигини ўзининг юзлаб байтлари билан исботлаб берди.

Навоий кўпвазнлилик ҳодисасини, рукнларнинг ўзаро алмашиниб қўлланиши имкониятини назарда тутмаган бўлса, Бобур жуда кўп рукнларнинг муайян ўринларда алмашиниши мумкин эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Навоий «Мезон ул-авзон» да мутаттаввал кўпрукнли вазнларнинг икки кўриниши, мутақориб ва рамал баҳрларига мансуб кўпрукнли ўлчовларни эслатиб ўтган бўлса, Бобур ўз «Мухтасар»ида бундай вазнлар сирасини ҳазаж ва ражаз баҳрларига мансуб 16, 24, 30 рукнли ўлчовлар билан тўлдириб, ўзбек арузининг бу жиҳатдан ҳам катта имкониятларга эга эканини тасдиқлайди.

Навоий ўз замондошлари ва издошлари учун ўзбек арузининг энг ёқимли, жозибадор ўлчовларини минглаб лирик шеърлари ва достонлари билан аниқлаб берган эди. Шунинг учун ҳам улар ўз асарлари учун ўлчовлар танлашда аввало Навоий шеъриятига мурожаат қилдилар ҳамда унинг лирик ҳамда эпик меросида қўлланган энг фаол баҳр ва вазнлардан кенг фойдаландилар.

Ҳазаж, ражаз, рамал, музориъ, мунсариҳ, мужтасс, хафиф, сариъ, мутақориб баҳрларининг адабиётимиздан асрлар давомида мустаҳкам ўрин эгаллаб келишида Навоий арузи муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги шубҳасиз. Масалан, Огаҳий ўз лирик шеърларини Навоий қўллаган 10 баҳрнинг 65 вазнида яратган экан, бунда улуғ шоир таъсирини кузатиш қийин эмас. Нодира шеъриятидан 8 баҳрга мансуб 45 вазн ўрин олган экан, шоира, аввало, Навоий арузидан илҳомланган эди.

Навоий издошлари улуғ шоир ўзбек арузига олиб кирган шеърий ўлчовларни ўз ижодларида кенг қўллаб, уларнинг адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун курашдилар. Рубоий вазнларини шеъриятимизда Навоий илк бор кенг кўламда қўллагани, туркий, хусусан, ўзбек тили бу мураккаб ўлчовларда ҳам ғоявий ва бадиий юксак асарлар яратишга имкон беришини ҳар томонлама исботлаган эди. Унинг кичик замондоши Заҳириддин Муҳаммад Бобур ана шу ўлчовлардан 14 таси асосида ўзининг 195 рубоийсини яратиб, Навоий анъанасини мустаҳкамлади. 10 та рубоий вазнида 73 рубоий битган Огаҳий XIX асрда ҳам мазкур жанр адабиёт мухлислари диққат марказида эканини тасдиқлади. Мунис, Комил Хоразмий, Аваз Ўтарлар рубоийнавислик анъанасини XX аср бошларига қадар давом эттирдилар:

Ўзбек адабиётида, Ҳофиз Хоразмий ижодини мустасно қилганда, мустазод жанри ва унга хос бўлган икки вазн илк бор Навоий ижодида қўлланган эди. Халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган бу ўйноқи ўлчовлардаги 7 мустазод шоир ҳаётлигидаёқ халқимизнинг севимли асарлари қаторидан ўрин олди. Навоийдан сўнг бу дилбар ўлчовда шеър битиш анъанаси кенг ёйилди.

Навоий анъанасини давом эттирган Бобораҳим Машрабнинг фалсафий мазмундаги мустазодлари шеъриятимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Унинг

Бу хаста вужудимни мени ўртади буткул
Ул зулфи паришон,
Ул гул юзини ишқида мен – волаю булбул,
Ул – ғунчаи хандон...
Эй моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади расво,
Девона бўлубман,
Ишқинг ўти сийнам узадур, сенга на парво,
Парвона бўлубман

матлаъли мустазодлари каби жозибадор асарлар кейинги давр ижодкорлари эътиборини ўзига қаратган эди.

Огаҳий, Ғозий, Комил Хоразмий каби қатор ижодкорлар бу ўлчовларда ўзларининг сержило мустазодларини яратиб, унинг адабиётимиздан муносиб ўрин олишини таъминладилар. Ҳабибий эса ўзининг

Озод Ватаним бўлди оқ олтин била донгдор,
Ҳурматга сазовор,
Ҳар ишга маҳоратли, дадил, сергаку тайёр,
Жангларда зафардор

матлаъли асарлари каби қатор мустазодлар ёзиб, бу ўлчовнинг XX аср ўзбек шеърияти учун ҳам қулайлигини тасдиқлади.

Навоий ўз шеъриятида енгил ва ўйноқи мутақориби мусаммани аслам (рукнлари: фаълун фаулун фаълун фаулун) вазнини биринчи бўлиб қўллаганини юқорида таъкидлаган эдик. Кўп ўтмай, XVII асрга келиб бу ўлчов шеъриятимизнинг энг ёқимли вазнларидан бирига айланди. Машраб ва Ҳувайдо ушбу вазн асосида ўзларининг ниҳоятда халқчил, қувноқ оҳангга эга бўлган ғазалларини яратдилар. Машрабнинг

Кўнглумни бердим бир бевафога,
Қуйди юрогим жабру жафога.
Кўрсат жамолинг мастоналарга,
Ишқинда куйган парвоналарга.

Кўрдим юзингни – девона бўлдум,
Ақлу ҳушимдин бегона бўлдум.

Ҳувайдонинг

Арзимни айдим боди сабоға,
Еткурса ҳолим ул дилрабоға.

Раҳм айласанг-чи девоналарға,
Ишқингда бўлғон афсоналарға

матлаъли ғазаллар каби қатор-қатор асарлар туфайли бу ўлчов шу давр шеъриятидан мустаҳкам ўрин эгаллаганди.

Навоий арузи туфайли ўзбек шеъриятидан ўрин олган комил баҳри, хусусан, комили мусаммани солим вазни ҳам шоирларимиз эътиборини қозониб, йирик сўз усталари лирика-сида муваффақият билан қўлланиб келди. Огаҳийнинг

Не жафоки йиғласам олида мани хаста арзи ниёз этиб,
Ситам устига қиладур ситам неча қатла ноз уза ноз этиб.

Не ажаб, шикаста кўнгул иши туну кун фиғон ила ноладур,
Ки не ғам тошики, фалак отар анга лаҳза-лаҳза ҳаволадур.

матлаъли ғазаллари билан мазкур ўлчови мақбуллигини таъкидлаган бўлса, демократ шоир Муқимий

Хирадимни ғоратин айлаган юзи ою сочлари ҳоладур,
Бу чаман аро на санавбару ва суман била гули лоладур.
Келиб аввало юзини очиб, олибон кўнгул, кетибон қочиб
Бориб ўзгага қошини отиб учурурга мандин уёладур.

байтлари билан бошланадиган ғазалида ушбу ўлчов ички қофиядан фойдаланиш учун ҳам имкон беришини исботлади. Ҳажвгўй ижодкор ўзининг шу вазнда битилган

Қарилиқ юки тушубон манга қади, қоматим букулиб кетиб,
Соқолим оқи – ўлум элчиси яна хотирим чўкулиб кетиб,
Муни устига лақабим ёмон, қутулаймукин кўмулиб кетиб,
Уда қолайин тирик ўлгуча, ҳама жунларим тўкулиб кетиб,
Тожик аҳлини чориғи каби жигарим чоки сўкулиб кетиб

банди билан бошланадиган асарида бу ўлчов заминида ҳажвий мухаммаслар ҳам битиш мумкинлигини тасдиқлади. Кекса ғазалнавис шоир Ҳабибий эса ўзининг

Нахуш ўргилай, караминг била қарасанг кулиб, назар айласанг,
Юрагингдаги ғаразингни ҳам билайин, надур, хабар айласанг

матлаъли ғазали билан мазкур вазндан XX аср ўзбек шоирлари ҳам фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатиб берди. Кўрамизки, Навоий анъаналари туфайли бу янги ва мураккаб вазн адабиётимизда ўрнашиб қолди. Бунда Огаҳий, Муқимий, Ҳабибий каби сўз санъаткорларининг хизмати ҳам муҳим бўлди.

Навоийгача бўлган ўзбек арузида майдонга келиб, шоир фаолияти туфайли яхши анъанага айланган кўпвазнлилик ҳам XV-XX асрлар шеъриятида изчил давом эттирилди. Мужтасс баҳри асосида 3-4 вазнли, рамал ва хафиф баҳрларига мансуб ўлчовлар заминида 2-8 вазнли лирик ва лиро-эпик шеърлар яратиш соҳасида Мунис, Огаҳий, Нодира, Махмур, Комил Хоразмий, Фурқат каби қатор шоирлар баракали ижод қилдилар. Хусусан, бу ижодкорларнинг кўплаб ҳажвий асарлари кўпвазнли шеърлар тарзида яратилди. Бу эса шоирларга ўз ғоявий-бадиий ниятига мувофиқ сўзлар танлаш, оҳанг жилосидан ҳажвий тимсоллар қиёфасини ёрқин, жонли гавдалантириш, халқ ҳаёти манзараларини ҳаққонийроқ, таъсирчан тасвирлашда ниҳоятда қўл келди. Масалан, Мунис ўзининг машҳур «ІШуаро» шеърини хафиф баҳри вазнлари асосида 4 вазнли, «Бу замон ичра» ҳажвий ғазалини эса рамал баҳри вазнлари асосида 6 вазнли асар қилиб ёзган эди. Махмурнинг машҳур «Ҳапалак» ҳажвияси ҳам рамал баҳрига мансуб ўлчовлардан фойдаланиб, 5 вазнли асар сифатида битилганди.

Бу анъана инқилобдан кейин XX аср ўзбек адабиётидан ҳам маълум ўрин эгаллади. Айниқса, аруз назариясидан яхши хабардор бўлган, Навоий арузини атрофлича ўрганиб чиққан Ҳабибий шу анъанани давом эттириб мазкур баҳрлар заминида 2-4 вазни лирик шеърлар яратди. Жумладан, унинг «Сўз» сарлавҳали ғазали 4 вазнда ёзилган эди. Шеърдаги:

Эл ичра босмагай иш олға бўлмаса то сўз,
Кўнгулга баҳра берур, берса яхши маъно сўз.

Жаҳонда сўз тўла, аммо бари баробар эмас,
Тафовут айлади қийматда пасту боло сўз.
Биравда бўлса ширин сўз, тамом нафъу ҳузур,
Бўлур биравда қуруқ мағзи йўқ тамошо сўз.
Тасаддуқи бўлайин баъзи-баъзи сўзларнинг,
Юрак мадори бўлур турфа ғайратафзо сўз

байтларини кўздан кечиришнинг ўзиёқ фикримиз тасдиқи учун етарлидир. Қофиядош мисралар мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ, 3-мисра мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф, 5-мисра мужтасси мусаммани махбуни мақсур, 7-мисра эса мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ ўлчовларида ёзилганини аниқлаш қийин эмас.

Навоийнинг ўзидан кейинги ўзбек арузи ривожига кўрсатган кучли таъсири унинг аруз соҳасидаги кашшофлиги бўлди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, у ўз шеъриятида адабиётимизда қўлланмаган, лекин форс-тожик ва араб арузидан мустаҳкам ўрин эгаллаган қатор шеърий ўлчовларни далиллик билан татбиқ этди, мавжуд вазнларнинг ритм-оҳанг имкониятларини кенгайтиришнинг хилма-хил усулларини кашф этди, бинобарин, уларни ўз издошларига мерос қилиб қолдирди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз устозидан илҳом олиб, ўзбек арузини бир қатор янги вазнлар билан бойитди. Жумладан, у шеъриятимизга мутақориби мусаммани асрами мусаббағ (рукнлари: фаълу фаулун фаълу фаулон) вазнини олиб кириб, бу ўлчовнинг ғоятда ўйноқи ва мусиқийлигини ўзининг

Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсен жонима бедод.
Сен каби пуркор, шеваси бисёр,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.
Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, ғамзада устод

байтлари билан бошланувчи ғазали мисолида тасдиқлабгина қолмасдан, унинг мусажжаъ асарлар яратиш учун мақбуллигини исботлаб берган эди.

Навоий издошлари устоз анъаналарини давом эттириб, адабиётимизни янгидан янги вазнлар билан бойитдилар. XVII асрдаёқ шеъриятимиздан Навоий ижодида қўлланмаган ҳазажи мусаммани амтар (рукнлари: фоилун мафоийлун фоилун мафоийлун) вазни ўрин олди. Машраб ўзининг

Кокилинг дурур анбар, жон ичида жонон қиз,
Кўзларинг дурур ахтар, юзи моҳи тобон қиз.
Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,
Барча сенгаким қулдек, хизматингга қурбон қиз

байтлари билан бошланган ғазали мисолида бу янги ўлчов ички қофия қўллашга ҳам қулайлигини намойиш этган эди. Кейинчалик бу ёқимли вазн барча шоирлар ижодида фойдаланилиб келинди.

Ҳазаж баҳрига мансуб бўлган мустазод вазнининг тобора такомиллашиб боришида ҳам Навоий бошлаган кашфиётчилик анъанасининг самараларини кузатиш мумкин эди. Бу соҳада Хусусан, Хоразм шоирларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Таниқли шоир Мунис мустазод усулини рамал баҳрида қўллаб ўзбек арузида янгилик яратди. Унинг

Ой юзунг ҳажрида ҳар тун қилиб оҳим тарори,
авжи гардуна сууд,

Ёқадур анжуму ой шамъини онинг асари,
тархни бил анга дуд

матлаъли ғазали шу усулда ёзилганди. Диққат қилинса, асар анъанавий мустазод вазнида эмас, балки рамали мусаммани махбуни маҳзуфи мустазод ўлчовида (рукнлари: фоилотун фаилотун фаилотун файлун, фоилотун файлун) битилганини аниқлаш мумкин. Унинг замондоши бўлган Огаҳий эса анъанавий мустазод вазнига янгилик киритиб, унинг орттирмасини иккилантирди ҳамда уч қофияли асар яратиш анъанасига асос солди.

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул,
бир ошиқи ҳайрон,
дийдоринга шайдо,
Бир шефтадур кокули мушкинингга сунбул
ҳам ҳоли паришон,
ҳам бошида шайдо

матлаъли ғазалда мазкур ўлчов хусусиятлари яққол кўзга ташланиб туради.

Навоий кашфиётчилик фаолиятининг ўзбек арузи ривожига таъсири мусамматлаър вазнининг такомиллашувида ҳам кўзга ташланиб туради. Маълумки, Навоий ўз мусамматлаъри мухаммаслари ва мусаддасларини рамал баҳрига мансуб иккитагина ёқимли вазн: рамали мусаммаи маҳзуф ва рамали мусаммани мақсур ўлчовларидагина битган эди. Шоирнинг издошлари ўз мусамматлаърини яратишда ана шу икки вазн билан чекланиб қолмай, ўзбек арузининг хилма-хил ўлчовларига мурожаат қила бошладилар. Машрабнинг 35 мусамматини 5 баҳрга мансуб 9 вазнда битгани, Огаҳийнинг ўз қаламига мансуб 82 мусамматни ёзишда 6 баҳрга тегишли 19 вазнга мурожаат қилгани, Ҳабибийнинг 62 мусамматини 5 баҳрдаги 11 вазнда яратганлиги каби кўплаб мисоллар ана шундан далолат беради.

Навоий ўз ижоди билан мутатаввал, яъни кўпрукнли шеърий асарлар битиш анъанасини бошлаб берган эди. Шоирнинг издошлари уни давом эттириб, устоз биринчи бўлиб қўллаган 16 рукнли мутақориби мусаммани мақбузи аслам ўлчовидагина эмас, балки янги вазнларда ана шундай асарларни битдилар. Огаҳий ўз қаламини аввало Навоий қўллаган ўлчовдаги

Бу гулшан ичра жунун элидек не важҳ ила чок этар яко гул,
Агар жамолинг гулига вола эмас эса, эй парилиқо гул

матлаъли ғазали билан синаб кўрган бўлса, кейинчалик янги 16 рукнли мутадорики

махбун (рукнлари: 1 мисрада - файлун фаилун файлун файлун файлун файлун файлун файлун) вазнида

Туну кун караминг ўқини отасан ҳама олам элини
нишона қилиб,
Вале навбат агар манга етса, хато қиласан неча навъ
баҳона қилиб

матлаъли ғазалини яратди. Навоий ва Огаҳийлардан илҳомланган Фурқат эса адабиётимизнинг севимли ўлчовларидан бири бўлиб қолган мутақориби мусасаммани аслам вазни рукнларини ҳар мисрада иккилантириш йўли билан 16 рукнли мутақориби аслам (рукнлари бир мисрада: фаълун фаълун фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун) ўлчовини кашф этиб, унинг заминида ўзининг

Ақлимни олди, ҳайратга солди, бир турфа жонон, султони хўбон,
Ул бир табассум, айлаб такаллум, чун моҳи тобон бўлди намоён.
Соқиё эрмиш, жонимға кирмиш, қонимни термиш пайкони тири
Мадди нигоҳи, жавшан сиёҳи, икки сипоҳи тан этти вайрон.

байтлари билан бошланувчи ажойиб ғазалини ёзиб, бу ўлчов асосида ички қофияли ғазаллар яратиш ҳам мумкинлигини исботлаб берди...

Анъанавий вазнларнинг рукнлар тартибини ўзгартириш билан уларни замонавийлаштириш анъанаси ҳам шу йиллар шеъриятига хос. Уйғуннинг 1928 йили ёзилган "Май" шеъридаги

Нур сочиб,
Гуллар очиб,
Шодлик-ла ўйнаб келди май.
Тилга қувват,
Кўзга нур,
Кўнгилга илҳом солди май.
...Май кулар,
Май эркалар,
Қутлайди меҳнат бахтини,
Парчалар,
Ўртар,
Ёқар май
Зулму ваҳшат тахтини

каби бандларни кўздан кечирсак, давр руҳига мос бу асарнинг аслида адабиётимиздаги энг фаол ўлчов рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганини аниқлаймиз.

Кейинчалик, ўз ижодини фақат аруз билан боғлаган Ҳабибий, Чустий каби шоирларимиз янги ўлчовлар кашфиётини давом эттирдилар. Бу жиҳатдан айниқса Ҳабибий шеърияти ўзига хосдир. Шоир мавжуд вазнлар имкониятини кенгайтириш устида тажрибалар олиб борар экан, рубоийга махсус вазнларда ғазал ёзиш мумкинлигини исботлади. Зеро, унинг

Жононим учун садқаю қурбон бўламан,
Кўзлардан узоқ бўлса, паришон бўламан.

Кўрганда гўзал ҳусну жамолин, ажабо,
Ҳайратда қолиб сурати бежон бўламан

байтлари билан бошланадиган ғазали рубоий ўлчови ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи ажабб (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлу фаал) вазнида битилган бўлса,

Ҳар ким ўзининг ёри била ёр бўлсин,
Яйраб яшасин, эрк ўзида бор бўлсин.
Ёрим, ажабо, менга яқин ёр бўлди,
Иқболи буюк, бахти мададкор бўлсин

деб бошланадиган ғазали ҳазажи мусаммани ахрабн макфуфи солими абтар (рукнлари: мафъулу мафоийлу мафоийлун фаъ) ўлчовига асосланган эди.

Навоий ражаз баҳрининг ражази мусаммани матвий вазнини адабиётимизда илк бор қўллаганини юқорида айтиб ўтган эдик. Ҳабибий мазкур баҳрнинг яна бир янги ўлчовини кашф этиб, унинг заминида

Юзинг висолидии саҳар севинч олиб сабо келур,
Нахуш димоғ учун яна ширин-шакар ҳаво келур

матлаъли ғазалини битди. Диққат қилсак, рукнлари мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун макроилун тарзида бўлган ушбу ўлчов ражази мусаммани махбун эканлигини кўрамиз.

Навоий ўз арузи билан лирик ва эпик шеъриятда қофия ва радифлардан моҳирона фойдаланишнинг оҳанглар жилоси ва таъсирчанлигини таъминлашдаги аҳамиятини атрофлича кўрсатиб берган эди. Шоир фаолиятининг яна шу жиҳатидан илҳом олган ўзбек ижодкорлари бу анъанани ривожлантира бориб, қофия ва радифлар қўллашнинг янги-янги санъатларини намойиш қилдилар. Бу жараёнда, айниқса, йирик сўз соҳиблари ташаббускор бўлдилар.

Хоразм адабиётининг атоқли вакили Огаҳийнинг Навоий анъаналарини такомиллаштиришдаги хизматлаъри эътиборга сазовор. Шоир ўзининг

Ваҳки, манга кўргузуб ул бути танноз ноз,
Жонима ўт солғали айлади оғоз ноз.
Таҳсин замонки раҳм этибон бермас об аб,
Гар ёлғуз ўғлининг танидин олса тоб таб.
Дайр аро то тушти соқийи фараҳ фаржом жом,
Бўлди бетоқат кўнгулга беҳжату ором ром.
Қачонким ул пари кўздин ниҳон ўлди, ниҳон ўлди,
Ишим Мажнун киби оҳу фиғон ўлди, фиғон ўлди

матлаъли ғазаллари каби кўплаб асарларида қофия ва радифнинг усталик билан танланиши оҳанг жозибасини белгиловчи муҳим омиллардан бири эканини исботлаб берган бўлса, Зокиржон Фурқат

Анбарин хаттики қилдинг ошкор, эй сарвиноз,
Кўрдиму чиқти кўнгуллардан ғубор, эй сарвиноз.

Кўз учидин қил нигоҳ, эй шўхи танноз, озгина,
Ҳусн шоҳисен, гадони эт сарафроз озгина

каби матлаъли ғазаллари билан қофия ва радиф ҳамоҳанглигининг янги имкониятларини намойиш қилган эди. Халқчил ижодкор Муқимий ғазалиётига хос қофия ва радиф ҳамоҳанглигининг вазнга таъсирини унинг

Меҳри рухсоринг кўрарга зордурмиз соғиниб,
Ҳосили дилхастаи афгордурмиз соғиниб.

Назардин кеттинг, эй Хуршид узор, оҳиста-оҳиста,
Начук бас тийра бўлмас рўзгор оҳиста-оҳиста

каби матлаъли ғазаллари мисолида яққол кўриниб туради.

Мумтоз шеъриятимиз изидан борган Ҳабибий ҳам XX аср ўзбек ғазалчилигида қофия ҳамда вазннинг дилбар асарлар яратишда муҳим роль ўйнашини ўз ижоди билан исботлаб берди. Жумладан,

Бормукин оламда сендек дилкашу ҳушёр ёр,
Риштаи жон зулфинг ичра бўлгани хуштор тор.
Сайр этиб кирсанг дамодам раста-раста гулларин,
Йўл уза баргин поёндоз этгали гулзор зор.

Элга қилиб лутфини инъом ом,
Айлади кўп дилни дилором ром.
Дона бўлур холи кўнгил мурғига,
Қора сочин қилса гуландом дом

байтлари билан бошланадиган ғазалларида тажниси мукаррар санъати туфайли қўшқофиянинг асарлар оҳангига жило бағишлашдаги аҳамиятини таъкидлаган бўлса, биз юқорироқда тилга ошган мустазодларда зулқофиятайнликда ҳар икки қофиянинг ўзаро ҳамоҳанглиги оҳангга алоҳида латофат беришини исботлади.

Ҳабибий байтлардаги товушлар ҳамоҳанглигини таъминлаш мақсадида анъанавий тарду акс санъатига ҳам мурожаат қилди. Унинг

Жону жаҳоним ўзинг, ному нишоним ўзинг,
Ному нишоним ўзинг, жону жаҳоним ўзинг

матлаъли ғазали бу жиҳатдан аҳамиятлидир. Бу – адабиётимиздаги ўзига хос кашфиёт эди.

Алишер Навоийнинг вазн имкониятларини ички қофияларни маҳорат билан қўллаш воситасида кенгайтириш, оҳангга мусиқийлик, жарангдорлик бағишлаш соҳасида бошлаб берган анъанаси унинг издошлари эътиборини тез орада жалб қилди: Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан бошлаб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийгача, қолаверса Ҳабибийгача ушбу усулни ўз ғазалиётларида қўллабгина қолмай, ушбу анъанани янада ривожлантирдилар ва Навоий мусажжаъ асарлар ёзишда фойдаланмаган кўпгина вазнларни шу усул доирасига олиб кирдилар.

Арузнинг етук назариётчиларидан бўлган Бобур машҳур «Мухтасар» Ида Навоийнинг мусажжаъ ғазаллар яратишдаги фаолиятидан мисоллар келтириб, унинг бу соҳадаги ихтирочилигини алоҳида қайд этган, айни чоғда бу усулни янада такомиллаштириб, матлаъъда ҳам ички қофиялар қўллаш мумкинлигини таъкидлаган ва ўз ғазалиётидан мисол келтириб, бу фикрни исботлаб берганди. Бобур бу билангина чекланмай, мусажжаъ ғазалларни Навоийнинг шу усулда шеър битиш учун фойдаланган вазнларидан бошқа ўлчовларда ҳам яратиш мумкинлигини ўз асарлари билан тасдиқлади. Жумладан,

Хаттинг аро узоринг сабза ичида лола,
Ул чашми пурхуморинг лоладаги ғазола.
Барча парилар, эй жон, гирдингда зору ҳайрон,
Гўё эрур намоён ой теграсинда ҳола

байтлари билан бошланувчи ғазали музореъи мусаммани ахраб вазнида ёзилганди. Шоир бу билан ушбу вазннинг мусажжаъ ғазаллар яратиш учун ғоят мақбуллигига замондош ижодкорлар ва салафлари диққатини жалб этди. Бобур энг енгил вазнлардан ҳам мусажжаъ ғазаллар ёзишда фойдаланиш мумкинлигини ўзининг

Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсен жонима бедод.
Сен киби пуркор, меваси бисёр,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.
Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, ғамзада устод.
Ер ғамидин, ҳажр аламидии,
Сабр камидин нолаву фарёд.
Бобури бедил, эй бути қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга муътод

асари билан исботлаганди. Диққат қилинса, шеърнинг энг енгил ва ўйноқи мутақориби мусаммани асрами маҳзуф (рукнлари: фаълу фаулун фаълу фаулун) вазнида битилганини аниқлаш қийин эмас.

Халқчил ижод соҳиби Бобораҳим Машраб ҳам бу анъанани давом эттириб, Навоий ва Бобурлар фойдаланган вазнларда мусажжаъ ғазаллар яратди, айни вақтда бу усул ривожига ўз ҳиссасини қўшиб, ички қофия ишлатиладиган ўлчовлар доирасини ҳазажи мусаммани ахраб (рукнлари: мафъулу мафоийлун мафъулу мафоийлун) вазни ҳисобига кенгайтирди. Унинг

Минг шўру фиғон бирла, ҳай-ҳай, не бало келди,
Жон қичқирадур қўй деб, ханжарни оло келди.
Қўлига олиб пўлод, қоимга келур жаллод,
Қилди мени бебунёд, тиғи гузаро келди.
Кетсам бу алам бирдан, юз коҳиши ғам бирлан,
Ғавғои санам бирдан, хуш даври сафо келди

байтлари билан бошланадиган ғазали ана шу вазнда битилган эди.

Мусажжаъ ғазаллар битиш усули Муқимий ижоди билан яна бир поғона кўтарилди. Шоир ўз устозлари анъанасини давом эттириш билан бирга, бу усулни янги жиҳатлар, янги вазнлар билан бойитди. Шоир, Бобур изидан бориб, барча мусажжаъ ғазаллари матлаъларида ҳам ички қофияларни қўллади ҳамда бу соҳада янгилик кашф этиб, матлаъъда тўла мусажжаъ яратиш мумкинлигини амалан тасдиқлади. Буни «Кулбам аро» деб номланган ғазалда кузатиш мумкин:

Кулбам аро қўйди бу дам, юз шукр, ул барно қалам,
Масканларим айлаб карам, қилди гулистони эрам.
Жаллод кўзлар қоп-қаро, мужгонларидур сурмасо,
Қайрилма қошлар гуйиё хунрез шамшири дудам.
Жоно дедиким, соддарў, кўпдур гўзаллар тундхў,
Суҳбатда ширин гуфтугў, олифта сандек шўх кам.

Ғазал шу тарзда охиригача давом этади.

Муқимий икки вазнни шу усул доирасига киритди. Улардан бири Бобур фойдаланган вазнга яқин мутақораби мусаммани аслам (рукнлари фаълун фаулун фаълун фаулун) ўлчови. Бу

Арзимни айтай боди сабоға,
Шояд гапургай ул гулқабоға.
Албатта келсун, ҳолимни сўрсун,
Андиша қилсун рўзи жазоға.
Неча замондур, кўзга ниҳондур,
Ҳар ким ёмондур, солдим худоға

байтлари билан бошланадиган ғазал бўлиб, ундаги ички қофиялар ушбу енгил вазнни янада латифроқ оҳанг билан бойитгани юқоридаги мисралар мисолида кўзга ташланиб турибди.

Зокиржон Фурқат ўз ғазалиётида бу усулга кам мурожаат этган бўлса-да, унинг ривожига ҳиссасини қўша олди: у шеъриятимизда ишлатилмаган 16 рукнли мутақориби аслам (рукнлари: бир мисрада фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун фаълун фаулун) вазнида мусажжаъ асар яратди.

Ақлимни олди, ҳайратга солди бир турфа жонон, султони хўбон,
Ул бир табассум айлаб такаллум, чун моҳи тобон, бўлди намоён.

Соҳибе эрмиш, жонимга кирмиш, қонимни термиш пайкони тийри,
Мадди нигоҳи, жавшан сиёҳи, икки сипоҳи тан этти вайрон.
Монандаи гул, чун шохи сунбул, айлаб тазалзул келди нигорим,
Очиб юзини, ташлаб ўзини, қошу кўзини жавлон берибон

байтлари билан бошланадиган бу ғазалда мураккаб вазн ички қофиялар туфайли қанчалик ўйноқилик касб этгани сезилиб турибди.

Алишер Навоийнинг ушбу анъанаси XX аср ўзбек шеъриятида ҳам давом эттирилгани эътиборга лойиқдур. Бу соҳада Ҳабибийнинг хизмати сезиларли бўлди. Шоир бу соҳадаги қадимий анъанани давом эттириб, қатор вазнларда мусажжаъ ғазаллар битди. Энг муҳими, шу услуб воситасида жамиятимиз ҳаёти, замондошларимизнинг қалб кечинмалари, ранг-баранг туйғуларини юксак бадиият билан ифодалай олди. Буни Ҳабибийнинг

Ёр ўзга пардоз айлади, соз олди-ю, соз айлади.
Жўр айлаб овоз айлади, «Гулёр»у «Шаҳноз» айлади.
Жонон ажаб ҳушёр экан, таннозу шўх дилдор экан,
Кўнглида меҳри бор экан, ишқ аҳлин эъзоз айлади,

шунингдек,

Ўзбек элим ўз эркида, ишлар оқ олтин конида,
Яъни тугалмас бойлиги кенг пахтазор майдонида.
Меҳнатни севган бахтиёр, халқимда бор номусу ор,
Бўлай вафоси ошкор ҳар аҳд ила паймонида,

Яна

Устозим, эй Навоий, бахти бақо муборак,
Беш юз йил охирига кўрдинг вафо, муборак.
Фарзонаи замона, ўз меҳридан пинҳона
Кўрсатди туй баҳона, чин ошно муборак!

байтлари билан бошланадиган мусажжаъ ғазаллари мисолида кўришимиз мумкин. Шуниси аҳамиятлики, шоир бу қадимий усул ривожига ҳисса қўшиб, ишари мусажжа, ғазаллар ёзиш учун қўлланмаган, умуман, шеъриятимизда фойдаланилмаган мутадорики мусаммани солим вазнида асар яратди.

Яшнади ҳур диёр, бағри кенг пахтазор,
Соф ҳаво беғубор, халқимиз бахтиёр.
Ёш ўғил ҳам қизим, юзлари қирмизим,
Порлаган юлдузим, илм эрур ихтиёр.
Бахт эрур меҳнати, меҳнати давлати,
Давлати ҳурмати тоабад барқарор?

байтлари билан бошланадиган бу ғазал Ҳабибийнинг аруз назарияси ва амалиётини пухта эгаллаганидан далолат беради.

Мусажжаъ ғазаллар битиш усули кейинги авлод вакиллари ижодидан ҳам ўрин олганлиги қувонарлидир. Таниқли шоир Эркин Воҳидов ўзининг «Ёшлик девони»даги айрим ғазалларни ички қофияли қилиб ёзган эди. Унинг «Қўллар» номли қасидасини кўздан кечирсак, шоирнинг мумтоз шеъриятимизга хос ярим мусажжаъ ғазаллар яратиш анъанасидан яхши хабардорлигига ҳамда буни ўз шеъриятида синовдан ўтказганига ишонч ҳосил қиламиз.

Танингда камтарин аъзо
Бу қўллардир, бу қўллардир,
Мудом меҳнат учун пайдо
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Жаҳонда токи бунёдсен,
Ки номи одамизодсен,
Юракдек тинмаган асло
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Ҳаёт деб ердан узсанг ҳам,
Нажот деб кўкка чўзсанг ҳам,
Икки дунё сенга ошно
Бу қўллардир, бу қўллардир:

байтлари билан бошланадиган бу асарнинг қофияланмайдиган мисраларида қўлланган сажълар ундаги бадиятга ҳам, оҳанг жозибасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

Дейман: саҳар тафақдан
Учқунми, лоласанму,
Пподлик майига тўлган
Гулгун пиёласанму?
Дейди: қизиқ саволинг,
Қайда, ажаб, хаёлинг,
Еллар кўриб бу ҳолинг
Кулмоқда, боласанму?
– Сўзимни қаттиқ олма,
Бошингни қуйи солма,
Бунча қизарма, лола,
Мендан уёласанму?і

байтлари билан бошланадиган «Лола» ғазалида ички қофиялар ёқимли оҳангни янада кучайтирган бўлса,

Собиту сайёрада
Инсон ўзинг, инсон ўзинг,
Мулки олам ичра бир
Хоқон ўзинг, султон ўзинг.
Собит ўз маъносида,
Сайёр фазо дунёсида,
Коинот саҳросида

Карвон ўзинг, сарбон ўзинг.
Шамс - дил тафтингдадур,
Сайёралар кафтингдадур,
Кенг жаҳон забтингдадур,
Боғбон ўзинг, посбон ўзинг?

байтлари билан бошланадиган «Инсон» қасидаси умуман адабиётимиз учун янги ҳодиса-дир. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, азалдан мусажжаъ ғазаллар фақат симметрик вазнлардагина битилиб келган эди. Эркин Воҳидов эса биринчи бор бу услубни носимметрик рамзли мусаммани маҳзуф (рукнлари: фоилотун фоилотун фоилотун фойлун) вазнига муваффақият билан татбиқ этди ва бу соҳада кашфиётчилик намунасини кўрсатди.

Шундай қилиб, Алишер Навоий бошлаб берган анъана унинг издошлари томонидан изчил давом эттирилди ва ўзбек арузи ҳамда қофия илми ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умуман, аруз ривожини, хусусан, ўзбек арузи инкишофини халқ оғзаки ижоди таъсири-сиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Халқ оммаси асрлар давомида яратган, ранг-баранг оҳанг жилосига эга бўлган кўшиқлар ёзма адабиёт вазнларини белгилашга сезиларли таъсир кўрсатди. Бир қатор халқ қўшиқлари вазнлари адабиётимизга ҳеч ўзгаришсиз кириб кел-ган бўлса, бошқалари такомиллашган ҳолда шеъриятимиздан ўрин олди. Халқ оғзаки ижо-дини эъзозлаб, ундан имкони борича кўпроқ баҳраманд бўлган шоирларнинг ижодигина кенг халқ оммасининг эътиборини қозонди, асарлари унинг бебаҳо хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Навоий арузига хос муҳим бир фазилат ҳам шоирнинг ўз асарлари учун вазнлар тан-лашда халқ оғзаки ижодидан баракали фойдаланиш бўлган эди. Кенг меҳнаткашлар ом-маси орасида яшаб, уларнинг моддий ва маънавий ҳаётини кузатиш, халқ мусиқа санъати ва оғзаки бадиий ижодини ўрганиш жараёнида шоир элга манзур бўлган куйлар, қўшиқлар, уларга асос бўлган шеърий асарлар мазмуни, бадийяти билан бир қаторда вазн хусусият-ларини ҳам атрофлича тадқиқ этиб, энг ёқимли, жозибадор ўлчовларни ўз шеърияти учун ҳам асос қилиб олганини юқорида кўриб ўтган эдик. Унинг ана шу фаолияти ҳам XV-XX аср шоирлари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Бобур, Машраб, Махмур, Огаҳий, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар ўғли каби етук санъаткор сўз соҳиблари Навоий изидан бориб, халқ ижо-дини эъзозладилар ва ундан баҳраманд бўлдилар.

Ғоят халқчил ижодкор бўлган Машраб шеърларининг аксарияти халқ қўшиқларига ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан ҳамоҳанг. Унинг

Арзимни айтай боди сабга,
Биздин дуо денг ул бевафога.
Кўзлари чўлпон, сарви хиромон,
Зулфи паришон қоши қарога.
Кўрдум юзингни девона бўлдум,
Ақли ҳушумдин бегона бўлдум.
Тортиб жафони ўлсам куйингда,
Қайтмасман ҳаргиз мардона бўлдум

байтлари билан бошланадиган ғазаллари каби кўплаб асарлари халқ қўшиқлари вазни би-лан яқин бўлган ўлчовларда битилгани сезилиб туради.

Муқимий каби демократ шоирлар ўз асарларини кенг халқ оммаси учун яратар эканлар, аввало, элга манзур бўлган, халқ қўшиқлари вазнларига монанд ўлчовларга мурожаат қилдилар.

Унинг

Суратда раъносан ўзинг, мен мубтало қайда борай,
Ҳам суҳбат оросан ўзинг, мен мубтало қайда борай?
Лаъли лабинг қанду асал, қилди таманноси касал,
Ком олмаганда филмасал, мен мубтало қайда борай?

байтлари билан бошланадиган ғазали каби қатор асарлар вазни халқ қўшиқлари билан ҳамоҳанглиги устига, уларга хос ички қофиялар бу хусусиятни янада кучайтириб, машҳур қўшиқларга яқинликни вужудга келтирган эди. Муқимийнинг

Эй яхшилар, келайлик, бир жойга йиғилайлик,
Ўйнайлиг-у кулайлик, эсон-омон бўлайлик

матлаъли ғазали эса айнан халқ қўшиқларига ўхшатма қилиб ёзилган эди, ҳар қайси байтнинг иккинчи мисрасида «Ўйнайлиг-у кулайлик, эсон-омон бўлайлик» сўзларининг айнан такрорланиши ҳам шундан далолат беради.

Навоийнинг ўз асарларида адабиётимиз учун номаълум бўлган ўлчовларни далиллик билан қўллаши, халқ ижодига мансуб бўлган содда ва енгил вазнларни ҳам ўз шеъриятига ҳеч ҳадиксиз олиб кириш Муқимий ва унинг издошларини эл орасига чуқур сингиб кетган қадимий туркий шеърий ўлчов тизими асосида ижод этиш, энг ўйноқи, халқ асарларини, қўшиқларни эслатувчи мураббаларини аруздан фарқланиб турувчи жўшқин вазнларда битишлари учун йўл очиб берди.

Хулласи калом:

– Алишер Навоийнинг ўзбек арузини шакллантириш ва камол топтириш соҳасидаги баракали фаолияти XV-XX асрлар шеъриятининг вазн жиҳатидан ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шоирларимиз Навоий томонидан синовдан ўтказилган ўлчовларга ишонч билан қараб, уларни ўз асарларида фаол қўлладилар ва ғоявий-бадиий баркамол бадиий обидалар яратишга эришдилар;

– улар буюк устоз изидан бориб халқ оғзаки ижоди вазнларига ҳам ўз асарларида кенг мурожаат қилиб, ёрқин лирик ва эпик тимсоллар билан адабиётимизни бойитдилар;

– ўзбек арузига хос кўп вазнлилик ва кўпрукнлиликдан, мусажжаъ усулидан, зуллисонайнликдан баракали фойдаландилар:

– тилимизнинг бой ва гўзал хазинасидан баҳраманд бўлиб, шеъриятимизни камол топтирдилар:

– Навоийнинг аруз камоли соҳасидаги маҳорати ҳозирги даврда ҳам шоирларимиз учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда:

– улуғ мутафаккир шоирнинг ўзбек арузи ривожидаги хизматлаъри моҳияти ва аҳамиятини янада мукаммалроқ ўрганиш адабиётшунослигимизнинг энг долзарб вазифаларидан саналади.

ОМОНУЛЛА МАДАЕВ

НАВОИЙ СУҲБАТЛАРИ

СЎЗ БОШИ

2017 йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишга имзо қўйилди. Бу фармойиш моҳиятан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган турли миллат вакилларининг маънавий жиҳатдан аждодларимиз қадриятларига садоқат руҳида тарбиялашга қаратилиб, юртимиздаги энг муҳим муаммолардан бирининг ечимини топиш йўлида қўйилган қадам бўлди.

Тўғрисини айтсак, фармойишда ҳар бир муассаса, ташкилот, нашриётлар, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, халқ таълими мактабларининг китобга, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилишга бўлган муносабатини ижобий томонга кескин ўзгартириш зарурати етилгани қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам китобдан, хусусан, бадиий адабиётдан узоқлашиш миллатни маънан қашшоқлаштиради, инсонда моддий бойликка ҳирс қўйишга, боқимандалик кайфиятларини авж олдиришга, шахсий манфаат йўлида ҳар қандай разолат, жоҳилликдан қайтмасликка ўргатади. Кейинги пайтларда китоб ўқимаслик билан мақтанадиган инсон қиёфасидаги кимсалар ҳам пайдо бўлаётган эди. Ваҳоланки, бу ёруғ дунёга келган одам аввало ўзини ер юзидаги энг нодир мўъжиза эканини, ер юзидаги жамики ҳайвонот, наботот оламига шоҳ эканини ҳис қилмоғи лозим. Инсон ақлий фаолиятининг буюк кашфиёти ҳисобланмиш китоб билан дўст бўлмаган одам маънавий қашшоқлик билан қандай қилиб Яратган томонидан унинг зиммасига юклатилган шоҳликни уддалайди. Ҳар бир ўқилган китоб ана шу шоҳлик тожига етказувчи зина бўйлаб кўтарилиш эканини унутмаслик керак. Ўтмишда китоб олами билан танишиш ҳар бир ўзбекнинг орзу-ҳавасларидан бири эди. Ҳатто бизнинг ёшлигимизда –XX асрнинг 50-йилларида - маҳалладаги китоб ўқишни биладиганлар атрофида “Алпомиш”, “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Юсуф ва Аҳмад” достонлари; Алишер Навоий, Фузулий, Машраб ғазаллари, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и мароқ билан тингланган. Мутахассисларнинг хабар беришларича, “Ўткан кунлар” тақиқланган замонларда китобсиз ўтириб романни ёд олган одамлардан фойдаланишган, бобма боб эшитишган. Мумтоз шеърият намуналари гурунгларда, гап-гаштакларда, оддий йиғинларда байтма-байт таҳлил қилинган. Шунинг учун ҳам катта авлод вакиллари ўртасида меҳр, оқибат, андиша, сўз қадрига етиш фазилатлари сақланган. Собиқ тузумнинг емирилиш даврига келиб ҳамма қадриятлар сиёсат қурбонига айланди. Охир-оқибатда миллатимиз китоб ўқишга лоқайд қарай бошлади. Аммо шукрлар бўлсинки, ҳали ҳам қадриятларимизга, хусусан, китобхонликка меҳр қўйган юртдошларимиз бор. Шояд, шу инсонлар дуоси билан юртимизда тинчлик, мустақиллик шабадаси эсиб турибди.

Шубҳасиз, ўзбек миллатининг маънавий дунёси сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижоди билан узвий боғлиқдир. Президентимиз имзо чеккан фармойиш улуғ адиб асарларини ўқишга, тарғиб қилишга бевосита алоқадор. Халқимизнинг келажаги ёшлар қўлида экан, бу ёшлар Ҳазрат Навоийнинг ижодини билмай туриб порлоқ келажак сари қадам қўйиши мумкинми? Бинобарин, Ватанимиз тақдири бефарқ бўлмаган ҳар бир йигит-қиз ўзининг ватанпарварлигини сўзда эмас, амалда исботламоқ учун юртбошимиз фармойишини ҳаётга татбиқ этиши, китоб билан дўстлашишини Ҳазрат Навоий асарларини мутолаа қилишдан бошлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кўпчилик юртдошларимиз Амир Навоий асарларини ўқиш қийин эканини айтишади. Устоз олимларимиз шунинг учун шоир ғазалларининг шарҳларини, достонларининг насрий баёнларини нашрдан чиқаришган. Биз ҳам шу савобли ҳаракатга имкониятимиз даражасида камтаргина ҳисса қўшиш мақсадида кенг китобхонлар оммаси учун “Навоий суҳбатлари” ни тайёрладик. Муштоқлик билан ҳукмингизни кутамиз. “Навоий суҳбатлари”га марҳамат қилинг. Суҳбатларда айрим зарурий ўринлар такрорланиши мумкин: Сизнинг ёдингизда яхшироқ қолишини назарда тутганмиз

Муаллиф

ҲАЗРАТ НАВОИЙГА МУНОСИБ АВЛОД

Биринчи суҳбат

Азиз ўқувчим, жоним – фарзандим. Сизнинг келажагингиз бизникидан файзли, бизникидан порлоқ бўлади. Чунки сиз эркин, ўз тақдирини ўзи яратаётган юртда яшамоқдасиз. Чунки сиз айрим тенгдошларингиздан фарқли равишда қирғинбарот отишмаларнинг, бегуноҳ қирилаётган инсонларнинг фожиасига гувоҳ эмассиз. Чунки сизнинг ҳаётингиз тинчликда, осойишталикда ўтмоқда, қўлингизга китоб олишга ҳафсала қилмоқдасиз. Яна бир бор муҳим жиҳат шундаки, ҳозирги ўқишга ҳавас қилган китобингиз ўзбек миллатининг дунё танийдиган вакили Амир Низомиддин Алишербек Навоийни сизга яқинроқ танитишга бағишланган.

Аслини олганда, мен ҳам кечагина сизга ўхшаб бironта шўхлик қилиб қўйсам, отам урушмасмиканлар, ўқитувчим қандай савол берар эканлар, жавобимга қандай баҳо қўяр эканлар деган ҳадик билан яшаётган бола эдим. Буни қарангки, кўз очиб юмгунимча умр ўтиб кетибди. Атрофимда ўғил-қизларим, набираларим, ҳатто абираларим гирди капалак бўлиб, гапларимни эшитишга муштоқлар. Ҳар қадамда шогирдларим – машҳур олимлар, шоирлар, ёзувчилар, ўқитувчилар, телевидение ва радио ходимлари, бошқа соҳаларда жон куйдириб ишлаётган журналистлар. Оқибатда шундай қарорга келдим: бир куннинг сонияси, дақиқаси, соати ўтиши қийин, аммо йилнинг, айниқса, йилларнинг ўтиши осон кечар экан. Ўзингиздан қиёс қилинг. Кечагина болалар боғчасига йиғлаб, қайсарлик қилиб борар эдингиз. Бугун мактабнинг қайсидир синфида ўқияпсиз. Умид қиламан, аминман, эртага академик лицейда ёки касб ҳунар коллежида ўқийсиз. Агар ҳозир ана шундай ажойиб илм масканида таълим олаётган бўлсангиз, эртага олий ўқув юртига ҳужжат топшириш, қабул имтиҳонларига тайёрланиш тараддудини бошлайсиз.

Миллатимизнинг шуҳрати оламга таралмоқда. Турли илм соҳаларидаги конкурс ва танловларда нуфузли ўринлар, олимпиадаларда олтин, кумуш, бронза медаллари, олий даражадаги дипломлар, сертификатлар сизники. Яна кўплаб мукофотлар сизни кутиб турибди. Аммо бу муваффақиятларнинг ҳаммаси жам бўлганда ҳам юртдошларимизнинг маданият даражаси замон талабига жавоб бермаса, ютуқларимизни баҳор ёмғиридаги сув қуббаларига ўхшатаверинг. Яқинда бир дўстимнинг набираси ном чиқарган чет эллардан бирига сафарга бориб, прокат шартномаси билан автомашина олибди. Бор-йўғи бир-икки кун ундан фойдаланиб, бир-икки юз доллар иқтисод қилган бўлиб, машинани эгасига топширган экан, олти юз доллар миқдорида жарима тўлаш қоғозини унга тутқазишибди. Маълум бўлишича, дўстимнинг набираси машинани ҳайдаш гувоҳномаси бўлса ҳам, автоуловдан ўз юртидагидек фойдаланган экан. Ҳар бир чорраҳадаги назорат қурилмаси машина рақамларини тасдиқлаган ҳолда жаримани расмийлаштириб прокатга берувчи корхонага юбораверган. Оқибатда каттагина жарима ундирилган. Тўғри, бу тасодифий ҳодисани сизга аталган китобга киритмаслик ҳам мумкин эди. Лекин мазкур ҳаётий лавҳа бизнинг жаҳон замонавий муносабатларга қанчалик тайёр эканлигимизни кўрсатувчи мисол бўлгани учун сизни хабардор қилай дедим. Агар бизнинг серҳашам, янгидан-янги тоифали кўчаларга, иморатларга бой шаҳарларимизда автоулов ҳайдаш қоидаларига риоя қилиш ҳам замон талабига жавоб берса, юқорида қайд этилган жаримани тўлашга ҳожат қолармиди?!

Кўчада кетаётганингизда энг қимматбаҳо чет эл машинасининг ён ойнаси аста пастга туширилади-ю, қандайдир қўл ташқарига чиқиб бармоқлари сиқимидаги майда қоғоз пар-

чаларини соча бошлайди. Машина тезлигида ҳосил бўлган шамол бу қоғоз парчаларини топ-тоза кўчани янги пайдо бўла бошлаган ахлатхонага айлантиради. Оқибатда кўча супурувчи оналаримиз, опаларимиз, акаларимизнинг меҳнати совурилганига гувоҳ бўламиз. Кўча бўйлаб писта чақиб кетаётган, еб бўлинган музқаймоқнинг, конфетнинг қоғозларини шу жойнинг ўзида оёқ остига ташлаётган тенгдошларимизни-ку қўяверинг. Қўшнисининг чиройли очилиб турган атиргули гулбаргларини юлиб кўчага сочаётганларга нима дейсиз. Менимча, бу иллатларнинг илдиз отишида сигарета чекиб, қолдиғини шундоқ ёнига ташлаётган, машинада кетаётган йўловчининг ичиб бўшатган пиво шиша идишини, бўшаган сигарета қутисини ташқарига улоқтирган олифта акаларингизнинг таъсири бўлса керак.

Инсоннинг инсонлиги кундалик оддий хатти-ҳаракатдан бошланади. Ҳар биримиз бу дунёга инсон бўлиб келганимиздан фахрланишимиз, бу буюк номга муносиблик мақомини юқори тутишимиз лозим. Айтингчи, юқори сатрларда тилга олинган нохуш ҳолатларга сабаб бўлган одамлар ўзларини инсон деб аташлари мумкинми? Энди каттароқ бир савол кўндаланг туради. Хўш, дастлаб кўчада писта чақиб бизнинг кўчамизни ифлос қилган бола; машинаси ойнасидан бўшаган сувдонни отган олифта; йўл қоидасини ҳар қадамда бузиб қарғишларга қолаётган ҳайдовчи; давлат - халқ мулки эвазига бойлик орттираётган фирибгар; яқинларидан қарз олиб қайтаришни ўйламаётган ноинсоф; меҳнаткаш юртдошларимизни қон қақшатаётган ўғри; юртдошини чет элга сотаётган виждонсиз; чет элга кетиб бутун дунё тинчлигини бузаётган сотқин; ва ҳоказо ва ҳоказо кимсалар қандай пайдо бўладилар. Улар ҳам кечагина боғчага боришган, мактабда ўқишган, академик лицейларни, касб-ҳунар коллежларини тугатишган. Қўлларига етуклик ҳужжатларини олганда севинишган. Хўш, гап нимада? Менимча, ҳамма гап маънавий қашшоқликда. Унда маънавий қашшоқликнинг ўзи нима?

Маънавий қашшоқлик инсоннинг инсонлик бурчига хиёнат қилиши. Ёдингизда бўлсин, биз инсон бўлиб дунёга келдик. Ваҳоланки, қурт-қумурсқалар, ҳайвонлар, ўсимликлар ҳам бу дунёда яратганнинг иноятн билан пайдо бўлган. Айнан шунинг учун ҳам сиз инсон эканлигингизни унутманг. Ота-онани умримиз борича ҳурмат қилиш; Ватанни, халқимизни чин дилдан севиш; ночор ва эҳтиёжманд одамларга яхшиликда бўлиш; илм, фан, касб эгаллаш; китоб билан дўстлашиш каби фазилатлар шахс маънавий қиёфасини шаклантиради. Асрлар давомида ўзбеклар ана шу фазилатлар билан яшаб келганлар. Амир Алишер Навоий яқин олтмиш йиллик ҳаёти давомида ёзган асарлари билан ана шундай фазилатлар гулдастасини тарғиб қилди.

Узоқ юртларда хизмат вазифасини ўтаган табаррук инсон Самиъжон домла ҳикоя қилади: Ўтган асрнинг 80-йилларида Афғонистондаги Шибирғон қишлоғида машина бузилиб қолади. Яқин атрофдаги одамлар мусофирларга ёрдам бериб автоуловни йўлга солишади. Қизиғи шундаки, улар ўзаро ўзбекча гаплашишар эди. Меҳмон билан улар ўртасида самимий суҳбат бошланди. Маҳаллий аҳоли нотаниш ўзбекларни бир пиёла чойга таклиф қилишади. Ўртада самимий савол-жавоб бошланади. Йиғилганларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ҳақида ҳар бир хабарни чанқоқлик билан эшитишади. Бир обрўли мўйсафиднинг ҳикоя қилишича, бу қишлоқ одамлари асли ўзбекистонлик бўлиб, ўтган асрдаги мудҳиш тўнтаришлардан қочиб, Афғонистонга келиб қолишган экан. Собиқ тузум тазйиқи билан ўз юртларига – Ўзбекистонга қайтиша олмаган. Меҳмонлар кетадиган пайтда мўйсафид улардан Она Ватанни эслатувчи бирон белги кўрсатишни илтимос қилади. Самиъжон домла ёнидаги халтадан пахта гулли пиёлани олиб беради. Отахон бир ёш йигитни ҳузурига чақириб қулоғига нимадир дейди. Кўп ўтмай йигитча бир челак сув олиб келади. Даврадагилар ичларида қандайдир ниятлар қилиб пахта гулли пиёлада ҳалиги сувдан ичиб қониқишади.

Ҳар бир давра қатнашчисининг юзида илиқлик, мамнуният пайдо бўлади. Шундан сўнг отахон меҳмондан пиёлани катта пулга сотишни илтимос қилади. Самиъжон домла "ўзбекона белги" уларга совға эканлини маълум қилганларида, отахон яна халиги йигитни ҳузурига имо қилиб яна нимадир дейди. Йигитча чиқиб кетади ва бир оздан сўнг хонага бир киши қўлида қандайдир асбоблар билан кириб келади. У киши салом-аликдан сўнг асбобларини ўртага қўйиб пиёлани кичик бўлакларга синдира бошлайди. Бўлаётган воқеадан ҳайрон бўлган Самиъжон ака отадан ҳодисага изоҳ беришни сўрайди. Шунда ёши улуғ отахон пиёлани синдираётган ҳамқишлоғи моҳир заргар эканини айтади. Заргар пиёлани даврадаги суҳбат қатнашчилари сонига қараб парчалаши керак экан. Ҳар бир давра қатнашчиси пиёлани махсус духобадан тайёрланган халтачага солиб уйининг тўрига, ватанидан нишона сифатида осиб қўяжагини билдиради. Ҳайратга тушган Самиъжон ака мезбонларга ташаккурлар айтиб йўлга тушади (Шогирдим Абдумурод Тилавов маълумотига суяниб келтирдим).

Бу воқеа турли адабий учрашувларда айтилган бўлса-да, мен ҳар сафар унинг якунини кўзларимда ёш билан эшитаман. Билинг! Юртимизда яшаб туриб ўзга мамлакатлардаги сайрни ҳавас қилиш мумкин. Аммо ўзга шаҳарларда яшаган одамлар ўз Ватанини, Ўзбекистонини ўйлаганида фақат алам, ўкинч, изтироб уларга йўлдош бўлади. Ахир мумтоз шоиримиз Зокиржон Фурқат Ватанидан айрилиб юрган пайтларда она юрти Қўқонни эслаб бежиз:

"Ғамингда кеча тонг отқунча йиғлар,
Тонг отқоч доғи кун ботқунча йиғлар",

– демаган эди.

Алишер Навоий асарлари бизни она диёримизга садоқат руҳида тарбиялайди.

Ҳа, қишлоғингиздаги лойқа сувда чўмилиш, дарахтга чиқиб қуш инидаги полопонларнинг чийиллашини эшитиш, қўй-эчки боқиб далада кураш тушиш, мактабдан қайтиб: "Ойижон, мен келдим. Овқатингиз борми?"– дейиш гаштини марказий шаҳарлардан бирида ётоқда битта ўзингиз билан ўзингиз қолганда биласиз. Ёшингиз каттароқ бўлганида дўстларингиз билан аъло баҳо олиб чиққанингиздаги таассуротингиз ёки йигит бўлиб чойхонада чиройли суҳбатларда бўлганингиз лаззатини чет элларда ўзбекча гапингизни эшитадиган одам топа олмаганингизда ҳис қиласиз. Айтмоқчи, айнан ана шундай дамлардаги ўкинишларни дилдан ўтказиш ҳам маънавий комиллик белгиси ҳисобланади. Ўзга юртларда сафар қилаётган юртдошининг тасодифан ўзбекча гаплашаётганларнинг овозидан, тўсатдан Маъмуржон Узоқов ёки Таваккал Қодировнинг хонишидан ҳайратга тушиб тўхтаб қолиши ҳам унинг маънавиятидан нишонадир.

Яқинда ҳуқуқшунос шогирдим Карим Саидов Америка сафаридан қайтди. Осмонўпар бинолар таассуротларини сўзлаб туриб бирдан ранги ўзгарди. Қалбида қандайдир мамнуният туйғуси жўш урди. Овозида ёқимли пардалар пайдо бўлди. Сафар давомида уларнинг гуруҳи икки-уч кунга Мексикага ўтишибди. Хиёбонлардан бирида сайр қилиб юришган экан, уларнинг ёнига ёши улғайган эр-хотин қариялар табассум билан яқинлашишибди. Соф ўзбек тилида салом беришгач сафардагиларнинг юрти, Ўзбекистон, қовун-тарвуз, ўрик, олма, узум ҳақида яна ўзбек тилида меҳмонларни саволга тутишибди. Каримжон ранги-рўйи мутлақо ўзбекка ўхшамаган суҳбатдошларидан ўзбек тилини бу қадар мукам-

мал билишлари сабабини сўраган экан, отахон унга Алишер Навоийнинг рубоийсини ўқиб берибди:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,

рубоийнинг тўртинчи мисрасини ўқишга Каримжон ҳам қўшилибди:

Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Ўртада шодон кулги кўтарилибди. Суҳбат янада жонли давом этибди. Маълум бўлишича, икки қария асли Россиянинг Горький шаҳрида туғилишган экан. Иккинчи жаҳон уруши пайтида уларни Ўзбекистонга эвакуация қилишибди. Тақдир тақозоси билан бола ҳам, қиз ҳам Самарқанддаги беш-олтита фарзанди бор бир аёлнинг хонадонига тушишган. Янги болалар пайдо бўлган оилада янгича тартиб ўрнатилибди. Озиқ-овқат жуда камлиги сабаб, биринчи насиба оиладаги рус болаларига берилар экан. Онанинг биронта боласи бир неча йиллар давомида бирон марта бу қоидага эътироз билдирмаган экан. Россия болалари Самарқанддаги ўзбекча мактабда ўқишибди. Уруш ғалаба билан тугаганидан сўнг ўғил боланинг отаси – катта мартабали ҳарбий қўмондон – ўғлини қидириб Самарқандга келибди. Мезбон оилага миннатдорчилик билдириб, совға-саломлар қилиб ўғлини олиб кетиш истагида эканини айтибди. Россиядан бўлгани учун қизни ҳам қўшиб олиб кетмоқчи бўлибди. Шунда она ярим соат мухлат сўрабди. Икки болани бағрига босиб ярим соат жим ўтирибди. Кўзидан ёш тўкилибди. Бу ҳодисага гувоҳ бўлган ота дод солиб йиғлабди. Кўкрагидаги ҳарбий унвон белгилари ҳўл бўлиб кетибди. Охири болаларни олиб юртига қайтибди. Бола ва қиз улғайгач, бир-бирига кўнгил қўйишибди, оила қуришибди. Яна тақдир тақозоси билан Америкага кўчишибди. Қариянинг айтишича, ўзлари россиялик бўлгани билан ўзларини ўзбек деб билишар экан. “Биз эсимизни Ўзбекистонда танидик. Ўзбеклар бизга оталик, оналик қилишди. Шунинг учун биз ўзбекмиз. Ҳатто болаларимиз ҳам ўзбекча гаплашишади”, – дебди отахон сўзи якунида. Навоийнинг рубоийсини эса у Самарқанддаги мактабда ёдлаган экан.

Азиз фарзандим, мана сиз қандай миллат вакилисиз. Мен Каримжон шогирдимдан бу воқеани эшитар эканман, Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли онахонимиз Суйима Ғаниеванинг гаплари хотирамга келди. Суйима Ғаниева суҳбатларининг бирида: “Уруш пайти эвакуация қилинганларга биз ҳовлимизни бўшатиб берганмиз. Ўзимиз подволда яшаганмиз. Қоғозга ўралган шакарни дадам олиб келганларида йиғлаганмиз. Замон бир оз яхшиланганда, қора нонни устига оқ нонни қўйиб сарёққа ўхшатиб еганмиз”, – деган эдилар. Биз ана шундай миллат фарзандларимиз. Оғир ва мусибатли кунларда ўзи емай миллати, дини мутлақо бегона одамларни боқиб ўлимдан асраб қолган халқ вакилимиз. Ваҳоланки, ўша пайтларда ҳар куни қўшни хонадонлар ўғли, отаси, акаси, укаси урушда ҳалок бўлгани ҳақида “қора хат” олаётган эди (урушда ҳалок бўлган аскарлар ҳақидаги хатларни “қора хат” дейиш одат бўлган). Мана шундай бағри кенг миллатнинг ғурури қандай бўлиши кераклигини ўзингиз ўйланг. Билингки, ўзбекнинг маънавий дунёсини бой қилувчи адабий мерос ҳам дунёда кам учрайди. Юқорида мен сизга ҳикоя қилган гўзал воқеалар асосини “Алпомиш”, “Равшан”, “Кунтуғмиш” каби халқ достонлари, Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби адибларнинг ижодлари ташкил қилади.

Бир икки йил аввал янги йил кутган кечамиз – тунда эшигимнинг қўнғироғи жиринглади. Шу пайтда ким келди экан, дея хавотирлик билан эшикни очдим. Қаршимда нотаниш бир йигит турар эди. Уни янги йил билан табриклаб саломлашдим.

– Устоз, мен Темурман. Мени танимадингиз. Бевақт безовта қилсам ҳам сизни кўргани келдим,"– деди у.

Йигитни кутубхонамга таклиф қилдим. Дастурхон ёзишга йўл қўймади. Ҳаракатларидан жуда шошиб тургани сезиларди. "Хўш, гапиринг," – дегандек қараб турган эдим. Йигит гап бошлади:

" Мен Темурман. Мени Ислом университети қошидаги Академик лицейда ўқитгансиз. Ҳозир Америкада яшайман. Дастлаб у ерга борганимда "Сен – кимсан?"- дейишди. Мен: " Ўзбекман,"– дедим. Улар: " Ниманг бор?" – дейишди. Мен: "Навоийим, "Ўткан кунлар"им, "Алпомиш"им бор,"– дедим. Улар: "Гапир, " – дейишди. Мен Навоийнинг ғазалларидан ўқиб, байтма-байт шарҳлаб бердим. "Алпомиш"нинг мазмунини, "Қуёнчиқ" қасамигача, сичқон мучалигача, Хакимбек ясаган чанқовузгача гапириб бердим. "Ўткан кунлар" даги Кумушни, Отабекни, Ҳомиднинг разиллигини, Юсуфбек ҳожининг: "Марғилонда шундай келинимиз бор экан-ку, билмаган эканмиз"деганини; қовоқ девонани, уста Алимнинг Саодатини айтиб бердим. Ишонасизми, мусофир бўлганимдан буён бу гапларни ўн марталаб қайтардим. Ҳар сафар биринчи марта эшитгандек тинглашади. Орасида Навоийни, "Алпомиш" ни, "Ўткан кунлар"ни бир неча марта ўқидим. Адабиётимиз катта мерос эканини англадим. Энди бошқа ёзувчиларимизга ўтяпман. Бемаҳал келганим учун узр сўрайман. Аммо Америкада атрофимдаги одамлар ўртасида яхши обрў топишимнинг сабабчиси сизсиз. Сиз мажбур қилиб ўқитгансиз ўша асарларни. У ерларда бизникидака адабиёт йўқ. Менинг суҳбатларимни чанқоқлик билан кутишади. Тахминан уч соатдан кейин Вашингтонга учаман. Сиздан миннатдор эканимни айтмай кетсам, ўзимни ўзим койиб юрар эдим. Шунинг учун янги йил кечаси бўлса ҳам ҳузурингизга келдим".

Суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Аммо бу қисқагина суҳбат менинг ўзимга жуда таъсир қилди. Шундай йигитларимиз борлигидан юрагим фахрга тўлди. Умид қиламан, сиз ҳам кўп ўтмай Темурга ўхшаб адабиётимиз шаънини ўзга мамлакатларда, асосан, ўзимизда довруғ қилиб юрасиз. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатингизда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди алоҳида ўрин тутади. Чунки қўлингиздаги китоб сизни сўз мулкининг султони хазинасига сафарга чорлайди.

Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида отаси ва онасидан ўрганган туркий тилни (бугун биз бу тилни ўзбек тили деймиз) ҳимоя қилди. Бу ҳақда сабр билан ўқийдиган мазкур китобингиздан кўп маълумотлар оласиз. Ҳозир эса тилимизнинг бебаҳо хазинаси юзасидан озгина тўхтаб ўтмоқчиман. Билингки, дунёда уч мингга яқин тил бўлса, уларнинг ҳар бири миллат вакилларининг аждодлардан қолган қадрияти – маданий мероси ҳисобланади. Бу жиҳатдан қараганда, бирон тилда сўзлашажак инсонларнинг сони у қадр аҳамиятга эга эмас. Миллионлаб одамлар сўзлашадиган тил ҳам, бир неча минг аҳоли сўзлашадиган тил ҳам инсоният тарихидаги қадри жиҳатдан бир хил баҳоланади. Хусусан, инглиз, рус тили билан бир неча ўн минг киши гаплашадиган Расул Ҳамзатовнинг овар тили аждодлар мероси сифатида бир хил қадрланади. Дунёда шундай миллатлар ҳам борки, улар миллий она тилига эга эмаслар. Масалан, Америкада яшайдиган америкаликлар, Швецарияда яшайдиган швецарияликларнинг она тилиси миллат номи билан аталмайди. Чунки америкаликлар инглиз тилида, швецарияликлар олмон-немис тилида сўзлашадилар. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳолатни ўз ватанида яшаса-да, ижарада турадиган одамларга қиёслаш мумкин. Сизнинг Ўзбекистон деган ватанингиз, ўзбек тили деган она тилингиз бор. Сўз мулкининг

султони Алишер Навоий ҳам тарихий жиҳатдан фарқи бўлса ҳам сиз сўзлашган тилда фикр билдирган, достонлар ёзган, ғазаллар битган. Бизнинг ўзбек тилимиз эса ифода имкониятига кўра дунёдаги энг бой луғат хазинасига эга мерослардан ҳисобланади. Устоз шоиримиз Эркин Воҳидов “Сўз латофати”[1] китобининг 15–16-бетларида оддийгина “чақ” сўзига таъриф берганлар. Қадим-қадимда аждодларимиз тошни тошга урган ва чиққан овозга тақлид қилиб “чақ” деган. Кейин чақмоқ, чақин, чақмоқтош сўзлари пайдо бўлган. Тошнинг тагига урилишидан ҳосил бўлган ўйилган жой “чақа” дейилган. Тош майдаси чақа дейилдими, пулнинг ҳам майдаси “чақа” га айланган. Майда боласини бола-чақа деган. Энг майдаси чақалоқ бўлган.

Эътибор беринг, гапни гапга уласак, гап кўпаяверади. Охири “чақчақлашиб” олганимизни ҳам билмай қоламиз. Китобни топиб ўқисангиз, “кўз”, “узум”, “кўк”, “эл”, “эзгу” каби ўнлаб она сўзларимизнинг юзлаб жилолари билан танишиб оласиз.

Она тилимиз минг йиллик тарихда жуда кўп довонларни босиб ўтди. Олтой тилларига мансуб туркий тилда сўзлашган халқлар эрадан аввал ҳам яшаганлар. Туркий тилдаги дастлабки намуналар Ўрхун – Энасой ёдгорликларида ёзиб қолдирилган. Тўнюқуқ, Култегин, Билга хоқон битикларида аждодларимизнинг ватанимизни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш тарихи ҳикоя қилинади. Хусусан, 712-716 йилларда ёзилган Тўнюқуқ битик тоши шундай бошланади: “Билка Тўнюқуқ бан ўзум, Табғач элинга қилиндим”. Агар бир оз ҳафсала билан ўқисангиз, ёзилганларни ўзингиз ҳеч қандай изоҳсиз тушунишингиз мумкин. “Билга” – билувчи, билимдон, яъни доно; “Тўнюқуқ”- исм; “бан”- мен; “ўзум”- ўзим; “Табғоч”- юрт (туркий халқлар яшаган Ватан номи); “элинга” – элида, юртида, Ватанида; “қилиндим” – элга қўшилдим, тарбияландим. Шундай қилиб, тошдаги биринчи жумлани шундай тушуниш мумкин: “Ақлли Тўнюқуқ – мен ўзимман. Табғоч менинг Ватаним. Мен шу ватанда ўсдим, улғайдим”. Кўриниб турибдики, бир минг уч юз йил олдин ўйилган тошларош ёзганларини бугун биз тушунишимиз мумкин экан.

Туркий – ўзбек тили узоқ тарихда араб, форс тиллари билан ёнма-ён яшаб келди. X-XI асрда илмий асарларни араб тилида ёзиш одат бўлган. Кейинчалик форс тилида бадиий асарларни ёзишга эътибор кучайган. Табиийки, бу ҳолат она тилимиз ривожига ҳам кўп жиҳатдан таъсир кўрсатган. Алишер Навоий бутун ижоди давомида она тилимиз равнақи учун курашди ва бу мушкул вазифани адо эта олди.

Юртимиз собиқ совет тузуми даврида яшар экан, она тилимизга бўлган ҳужум авж олди. Идора, ташкилот, муассасаларда ўтказиладиган мажлислар рус тилида олиб борилди. Ёшлар кўча-кўйда ўзаро русча сўзлашишни одат қилдилар. Расмий ҳужжатлар рус тилида ёзилди. Охир-оқибатда она тилимиз тор доирадаги оила тилига айланиб қолай деди. Мана шундай бир мураккаб вазиятда шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Минг йилларким” сўзлари билан бошланувчи “Она тилимга” шеъри эълон қилинди. Гувоҳман, бу шеърни ёд олмаган мактаб ўқувчиси, поэзия мухлислари қолмаган ўша пайтда:

Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

[1] Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.

Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Шоиримиз замон руҳидан келиб чиқиб бутун халққа – ўзбекларга она тилимизни асраб қолиш ҳақида жар солишга журъат этди. Ўзбекларни тўти бўлиб қолмасликка чақирди. Она тилимизнинг йўқолиши аждодларимиз тарихини, ота-боболаримиз васиятини йўқотиш билан тенг эканлигини (шеърнинг биринчи мисрасига эътибор қилинг) уқтирди. Шоирнинг "Ўзбекистон", устоз шоиримиз Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" шеърлари эълон қилингандан кейин бу инсонлар бошида не-не калтаклар синмади, улар не-не маломатлаърга қолмадилар. Собиқ тузум сиёсати ана шундай адолатсиз эди. Аммо халқ, айниқса, ёш зиёлилар ўзбек тилимизни ҳимоя қилиб намойишларга чиқишди. Ҳаётларини таҳликага қўйиб оммавий митинглар ўтказишди. Бу ҳаракатлар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан маъқулланди ва 1989 йил 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

Кўриб турибсиз, ўттиз йилга яқин муддат давомида ҳар бир илм маскани, илм муассасасида тилимизнинг ғалаба қилган куни кенг нишонланмоқда. Бундай муваффақиятга эришиш яхши. Келгуси фарзандларимиз олдида юзимиз ёруғ. Аммо қўлга киритилган ютуқни асраб қолиш керак, деган фикрга қандай қарайсиз? Тилимизни ташқи ҳужумдан ҳимоя қилдик. Аммо тазйиқ қилиши жиҳатдан заиф бўлмаган ички ҳужумни қандай бартараф қилиш мумкин. Мен "ички ҳужум" деганда, ўзбек миллатимизга тегишли айрим юртдошларимизни назарда тутаман.

Имкониятим даражасида сизнинг эсингизда қолишига умид қилиб айрим мисолларни айтиб ўтмоқчиман. Масалан, оддий тўйларимизда ошга келган меҳмонлар қатори тугагандан сўнг тўйни бошқараётган отахонимиздан кимдир ҳурмат тариқасида ташқарида турган мезбонларга мурожаат қилиб: " Қани, энди, ҳассакашлар, ошга марҳамат қилинглар," – дейди. Бу жумладаги "ҳассакаш" сўзига эътибор қилинг. Гап шундаки, ўтган асрнинг 50-60-йилларига қадар оиладаги бирон аъзо вафот қилса, тобут кўтарган яқин танишлар олдида беш-олтита одам (майитга энг яқин бўлган қариндошлар: майитнинг турмуш ўртоғи, фарзандлари, тоға ва амакилари, ака-укалари) тол навдасидан қирқилган ҳассага таяниб, бир қатор бўлиб юрганлар. Ҳасса рамзий жиҳатдан уларга мадад берувчи восита вазифасини ўтаган. Бундай одамларни халқимиз "ҳассакаш", - деб аташга одатланган. Энди тўй вазиятига кўчайлик. Тўйда ҳамма хурсанд бўлса, "ҳассакаш" бу ерда нима қилади. Яна бир оддий ҳаёт лавҳасига мурожаат қилайлик. Энди аза муносабати билан бирон жойга вафот этган одамга ҳурмат билдириб келганлар Қуръони Каримдан оят ўқишади. Шу маросимдан кейин баъзан кимдир : "Ғариби раҳмат, шойистаи жаннат", - деб фотиҳа қилади. Бу жумладаги "Ғариби раҳмат" сўзига эътибор қилинг. "Ғариб" луғатларда "ёт, бегона, ўзга, нотаниш, қариндош уруғи йўқ, кимсасиз" маъносини берувчи сўз деб изоҳланган. Мантиқан фикр юритсак, "ғариб" - яқинларидан айрилган ночор кимса маъносини англатади. Энди мисолимизга қайтайлик. "Ғариби раҳмат" сўз бирикмаси нима дегани ўзи. Агар "ғариб"нинг маъноси билан ўлчасак, "ғариби раҳмат" деган одам нима демоқчи? Вафот этган одам Аллоҳнинг раҳматидан ажралсин, демоқчими? Аслини олганда, бу ўринда "ғариқи раҳмат" сўз бирикмасини қўллаш керак. "Ғариқ" луғатларда "ғарқ бўлган" маъноси билан келади. Демак, "Ғариқи раҳмат" дейилганда, Аллоҳнинг раҳматига ғарқ бўлиш нияти билдирилади. Бу ният эса, вафот этган кимсанинг – майитнинг абадий оламдаги жойи жаннат бўлишига умид қилишга тенглашади. Маълум бўладики, оддий ҳаёт лавҳаларида ҳам ҳар

бир ўзбек талаффуз қилаётган ҳар бир сўзига эътибор бериши, ҳар бир сўзнинг маъносини билиб туриши, ҳар бир товушни тўғри айтиши лозим экан. Акс ҳолда, “қош қўяман деб, кўз чиқариш” мумкин бўлиб қолади.

Баъзан айрим юртдошларимизнинг тилимиздаги сўзларга ҳаддан ташқари лоқайдлигига ҳайрон қоламиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида таниқли олимларимиз – академик, филология фанлари доктори Алибек Рустамов, профессор Ҳисомиддин Ғуломовлар (охиратлари обод бўлсин), мазкур сатрлар муаллифи, ўнлаб тилшуносларнинг тўйларга ёзиладиган таклифномалардаги “лутфан таклиф қиламиз” сўз бирикмалари таклиф қилинаётган меҳмонни ҳақорат қилиш билан тенг эканлигини тушунтириб келамиз. Лутфан таклиф қилиш лутф қилиш маъносини беришлигини айтамиз. Бу сўзда олижаноблик маъноси бор. Натижада, “лутфан таклиф қиламиз”ни олижаноблик қилиб тўйга чақираман, деб тушуниш керак. Демак тўй эгаси Сизга “сен тўйга таклиф қилишга лойиқ эмассан, аммо мен лутф билдириб, олижаноблик қилиб ошга чақиряпман”, – демоқчи. Бу фикр радио ва телевидениенинг деярли ҳамма каналларида, бир қатор газеталарда билдирилди. Афсус, яқиндагина олинган тўй таклифномаларида юқоридаги ҳақорат яна такрорланиб турибди. Ҳатто бундай тўйга боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай қоласан. Таклифнома чиқарувчилар ҳам, тўй эгалари ҳам, тўйга чақирилган юртдошларимиз ҳам бу нохуш ҳолатга эътибор бермаяптилар. Ваҳоланки, биз дунё танийдиган олимларимиз, адибларимиз борлиги билан мақтанса арзигулик халқмиз, миллатмиз.

Эътиборингизни жалб қилиш мақсадида юртдошларимизнинг, радио ва телевидениеда эшиттириш, кўрсатув олиб бораётган ходимларнинг нутқида; матбуот саҳифаларида тилимизга лоқайд муносабатда бўлиш оқибатидаги нуқсонларни қайд қилиб ўтмоқчиман.

“Олийгоҳ” сўзини асосан институт, университет маъносида қўллайдилар. Бу сўз икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси “олий” – юқори мартабадаги ёки юқори даражадаги тушунчани англатади. “Гоҳ” – ўрин, жойни билдиради. Демак “Олийгоҳ”- юқори мартабали жойни англатади. Ўз- ўзидан савол туғилади: “юқори мартабали жой” нинг ўқув даргоҳига қандай алоқаси бор? Маълум бўладики, олийгоҳ ўрнида институт, университет (бу сўзлар луғатимиз таркибидан жой олиб бўлган), жуда бўлмаганда “олий илмгоҳ” деб қўллаш маъқул бўлади.

Пойафзал сўзи – луғавий жиҳатдан “оёқ яхшироқ” маъносини ифодалайди. Бинобарин, туфли, шиппак, ботинка, этикка алоқаси йўқ. Аслида “афзал” эмас, “абзал” бўлиши керак. “Пойабзал” оёқнинг қуроли маъносини англатади. Яъни “оёқ кийими”, демакдир. Қолаверса, “оёқ кийими” турганида нега “пойабзал”ни қўллаш керак. Шунинг учун аввало оёқ кийими, жуда бўлмаса, “пойабзал” дейиш маъқул.

“Тунаб кетди”, “тунаб кетишди” каби сўз бирикмалари телесериалларда кўп қўлланмоқда. Айтилган бирикмалар кимнингдир уйида ётиб қолиш, тунни ўтказиш маъноларини беради. Телесериалларда эса ўғирлик содир бўлгани маълум қилинади. Бу ўринда “тунаш”, “тунамоқ” эмас “тўнаш” сўзини қўллаш лозим. Она тилимиздаги “тўнамоқ” сўзи тунда кимнингдир йўлини тўсиб, босиб ечинтириш, талаш, яъни ўғирлик қилиш маъносини англатади.

Ёдингизда бўлсин, оғзаки нутқ давомида сўзлаётган одам “юқорида айтдик”, – дейиши тўғри эмас. “Юқорида айтдик” ёзма нутққа хос бўлиб, уни ўқиётган одам зарур фикрни ўқилаётган саҳифанинг юқориғидан топиши мумкин. Сўзлашаётган одам эса курсининг устига чиқиб, яъни юқорига чиқиб гапирмайди-ку. Шунинг учун бу ўринда “аввал айтганимиздек” сўз бирикмасидан фойдаланиш керак. Шунингдек, аксари ҳолларда “кулги” – “кулгу”; “сана – (кун, вақт маъносида)” – “санъа”, “масъулият” – “маъсулият”, “оҳанрабо”-

“оҳанграбо”, “бежиз” – “бежизга” тарзда қўлланганига гувоҳ бўламиз. Бундай талаффуз нуқсонларига ҳам йўл қўймасликни ўрганишимиз лозим.

Энди нутқимиздаги урғуларга ҳам тўхтаб ўтайлик. Гап шундаки, тилшуносликда алоҳида қайд қилинадиган урғу ифодаланаётган фикрнинг таъсир кучига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Атоқли драматург Шекспир “Отелло”да Отелло нутқи билан “Мен қораманми?” ўрнига “Қораманми мен?!” деганида катта мақсадни назарда тутган. Биринчи кўринишда оддий хабар назарда тутилса, иккинчисида алам, эҳтимол ғурур алоҳида таъкидланади ва тингловчи ёдида қолади. Урғуга тегишли яна бир гўзал мисол Афанди латифаларимизда учрайди. Афандининг “Сиз аҳмоқ одам” деган гапидан ғазабга тўлган бой уни қозига олиб боради. Вазият билан танишган қози Афандига бойга қараб: “Сиз аҳмоқ одам эмассиз”,- дейишини талаб қилади. Шунда афандимиз бойга қараб: “Сиз аҳмоқ, одам эмассиз”, - дейди. Аҳмоқ сўзига урғу бериш орқали энди бойни Афандимиз ҳам “аҳмоқ”, - деди, ҳам “одам эмас”га чиқариб қўйди. Она тили грамматикасида “ҳозир” – яқин фурсатда, “ҳозир” – тайёр; “олма” – бирон нарсани олмаслик, “олма”- мева; “ўсма” – ўсмаслик, катта бўлмаслик, “ўсма” – қизларимиз қошларига қўйиладиган ўсимлик маъно ифодалари ҳақида айтилган. Аммо биз нутқимиз давомида бундай нозик жиҳатларга эътибор бермаймиз. Оқибатда методик адабиёт - методик адабиёт, академик театр – академик театр; классик адабиёт - классик адабиёт; физик жараён – физик жараён тарзда қўлланилади. Ваҳоланки, одам физик бўлиши мумкин, аммо тенглама ҳақида гап кетганида “физик”- деб урғуни иккинчи “и” га бериш керак. “Телевидение” деганда эса урғу “е” га эмас, биринчи “и” товушига тушади. Бундай нозик жиҳатларга диққат қилиш инсоннинг маданий, маънавий даражасини белгилайди. Хусусан, бирон журналист ёки зиёли одам “телевидение” дедими, демак унда комиллик, савод маданияти заиф эканини билиб оламиз.

Алишер Навоий достонларидан бирида шундай деганлар:

Чунки топтим ул калом ичра камол,
Турк алфози била сурдум мақол.
Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Аввало, буюк адибимизнинг шеъридаги “турк” сўзини “ўзбек” деб қабул қилиш керак. кейинги саҳифаларда ҳам энди Навоий қўллаган бу сўзни ўзбек маъносида тушунаверамиз. Чунки шоир яшаган замонда “ўзбек” ҳозиргидек миллат тушунчасини англатмаган. “Ўзбек” сўзининг миллатимиз номи сифатида оммалашиши анча кейинги замонларга тўғри келади. Аммо Алишер Навоий яратган минглаб мисра шеърларнинг, насрий адабиётнинг бугунги кундаги “ўзбек” деб аталган тилга мансублиги олимларимиз томондан исботлаб бўлинган. Қайд қилинган тўртликка қайтайлик: “ул калом” дейилганда ўзбек тили луғат бойлиги назарда тутилган бўлиб, шоир “бу тилнинг, она тилимнинг сўзларидан асарларимда фойдаланиб камолга эришдим, яъни шуҳрат топган шоир даражасига етдим, демоқчи. Иккинчи мисрада “алфоз” сўзи қўлланган. “Алфоз” – “лафз”нинг, яъни “сўз”нинг кўплиги. Шоир ўзбек тилидаги сўзларни қўллаб қаламимни сурдим-қаламда ёздим, – демоқчи. Кейинги мисрада эса, ҳамон ўзбек тилида шеъримни ёзар эканман, мен яшайдиган мамлакатни, юрт аҳолисини бир хил сўзлашишига эришдим (тўртинчи мисра), демоқчи. Бу тўртликда Алишер Навоийнинг умр бўйи ёзган ўзбек тилидаги ижоди бутун Хуросон давлатида яшовчи аҳолининг она тилимизда сўзлашишга одатлантиргани акс этган. Ҳақиқатан ҳам, Ҳусайн Бойқаро ўзининг “Рисола” асарида ёзганидек: “Мир Алишер ...турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрди”, – деганида рост гапни айтган эди. Фикрнинг да-

вомида туркона сўзлар билан ҳарир ипакдан либос кийгани, сўз гулистонида жонга роҳат бағишловчи гуллар очгани, шеърият дарёсига булутдан руҳпарвар дурлар сочгани таъкидланган. Чунки шоир яшаган пайтларда ҳам она тилимизга турли тарафлардан ҳужумлар уюштирилган эди. Форс тили тарафдорлари имкони борича турк-ўзбек тилини камситиш чораларини ахтараётган эдилар. Буюк Алишер Навоийдек беназир даҳо она тили ҳурматини тиклаш учун бутун умрини бағишлаган экан, нима учун биз ўз тилимизнинг дунёдаги бой ва бетакрорлигини била туриб унинг ҳурматини бажо келтирмаслигимиз керак. Шундай қилиб, ҳар бир ўзбек асрлар давомида мураккаб қийинчиликларни бошидан кечириб бизнинг замонимизгача етиб келган ўзбек тилимизни эъзозлашимиз, унинг софлиги учун жон куйдиришимиз лозим. Бу бизнинг Ватанимиз, халқимиз, миллатимиз, қолаверса, келгуси авлодларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ХАҚИДАГИ РИВОЯТЛАР[1]

Иккинчи суҳбат

Тарихимизда дунё илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимларимиз, жаҳон бадиий адабиёти оламида шуҳрат топган адабиётларимиз кўп. Аммо уларнинг айримларигина халқ оғзаки ижодигача афсона ривоят, эртак, достонларнинг қаҳрамонлари даражасига эришганлар. Хусусан, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур, Машраб каби миллатимиз фарзандлари ўнлаб афсоналар ва ривоятларга ҳайратомуз воқеалар иштирокчиси сифатида ёдимизда қолади. XX аср адибларидан эса фақат Ғафур Ғулом ҳақида ибратли ривоятлар бор. Халқ оғзаки ижоди асарларида яшаш учун аввало у тарихий шахс алоҳида ҳаётий фазилатларга эга бўлиш лозим. Менимча, бу фазилатларнинг асосийси бевосита халқ билан бирга ҳамнафас яшаш бўлса керак. Айни чоғда атрофдаги юртдошлар қалбида фавқулодда меҳр уйғотиш, ҳар нафас халқ, юрт мушкулини осон қилишга тайёр туриш, шу билан бирга, ҳозиржавоблик, энг мураккаб ҳаёт ташвишларининг ечимини топиш маҳоратига эгалик охир пировардида шахс ҳақида турли ривоятларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунинг учун ижод намунаси яратилаётган миллатдошимизнинг ҳаёти алоҳида ёрқин, ибратли воқеаларга бойлиги билан ажралиб туриши керак. Алишер Навоий ҳаётидан битта мисолга мурожаат қилайлик. Маълумки, шоиримиз мадраса, масжид, шифохона, мусофирхона, кўприк қуришда, канал ва ариқлар қазишда алоҳида шуҳрат топганлар. Уларнинг сони жамланганда, юздан ортиқ келади. Устига устак замондошларининг хотирлашларича, ҳар бир қурилишга ҳар ҳафта усталарнинг ишини кузатишга бориб, уларга кийим-кечак, пул ва бошқа совғалар топширар эканлар. Зарур бўлган пайтда ҳукумат томонидан бутун юртга солинган солиқни ўзлари тўлаган пайтлар бўлар экан. Аммо ана шундай ҳисобсиз бойликка эга бўлган одам бирон марта закот тўламаган эканлар. Одатда закот бир йил эгаси қўлида ҳаракатсиз ётган муайян бойликдан тўланади. Алишер Навоий эса қўл остидаги ҳисобсиз бойликни тўхтатмай харажат қилар эканлар. Оқибатда закот тўлашга етадиган озгина бойлик ҳам бўлмас экан. Яъни бир йил давомида ҳаракатсиз ётган маблағлари йўқ экан. Яна бир мисол. Ҳазрат бир неча марта ҳаж сафарига отланадилар, лекин бирон марта бу ниятлари амалга ошмайди (булар ҳақида кейинги саҳифаларда батафсилроқ тўхтаймиз). Ҳатто ҳамма тараддудлар кўрилиб, сафар куни тайинланган пайт ҳам бўлади. Бироқ юрт уламолари улардан халқни мушкул вазиятга қолдириб кетмасликни илтимос қилишганида, Навоий бу таснифни қайтаришга ҳам йўл қўймайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Мана шундай олижаноб инсонни оғзаки ижод асарларида мақтамай бўладими. Қизиғи шундаки, айнан Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар бошқа тарихий шахслардан фарқли равишда сон ва сифат жиҳатдан кўплиги билан ажралиб туради. Яна бир муҳим томонга эътибор берсангиз, уларнинг кўпчилиги бадиий тўқимадан кўра кўпроқ бевосита ҳазратнинг ҳаётларида рўй берган воқеаларга асосланиши билан ҳам фарқ қилади. Хуллас, марҳамат, Алишер Навоий ҳақидаги ривоятларнинг айримлари билан танишинг.

---

[1] Сизга ўқиш учун тавсия қилаётган ривоятлар “Эл деса Навоийни”- Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар. “Чўлпон” нашриёти. Тошкент 1991 китобидан олинди. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Маматқул Жўраев

ҲАДДИНГДАН ОШСАНГ МОЗОРГА БОР!

Мавлоно Алишер Навоий яшаган замонда авом халқ бевош бўлиб, ўғрилар, жоҳилу қўполлар кўп экан. Улар шариат қонунларидан қўрқмас эканлар, Алишер Навоий вазир бўлгандан сўнг жамики сайру томошалар мозор бошида ўтказилсин, деган фармони олий чиқарибди. Зеро, бундан мақсад, халойиқ мозор бошига боргач, ўтган ота-она, қавму қариндошларининг қабрларини кўради, атрофларини супуради, тозалайди, обод қилади, гул ва кўчатлар экади. Ана шу юмушларни қилаётганда, инчунун, охири бизларнинг ҳам келар еримиз шу жой бўларкан-да, деб ўйлайди ва шу тариқа инсофга киради. Ушбу фармон Алишер Навоий ўйлагандай мева бера бошлабди. Қабристонларга одамлар бораверіб, у ерларни обод қилибди.

Энди гапни буёқдан эшитинг. Ҳирот шаҳрида учта қароқчи бор эди. Энг катта ўғриборши Қали Ҳожи дегани икки йил бурун қазо қилган эди. Эрта «Қизил гул» сайили деган кечаси ўша учала ўғри бир бойнинг ҳовлисини босишни маслаҳат қилибдилар. Улардан бири бундоқ дебди:

Оғайнилар, фармонга мувофиқ эртанги сайил мозор бошида ўтади. Сайилга боришлик, томоша қилайлик ишни сўнгги кечага қолдирсак ҳам бўлади.

Бу маслаҳат шерикларига маъқул тушибди. Эрталаб учала ўғри оломонга қўшилиб мозорга борибдилар. Эҳ-ҳа, одамлар азондан келиб ҳар бири ўз қавму қариндошларининг қабрларини зиёрат қилиб, супуриб-сидириб, гул кўчатлар экиб юрибдилар. Ҳалиги ўғрилар бир-бирига қараб, тўғри Қали Ҳожининг қабри устига борибдилар, Қарабдиларки, гўр чўкиб, ундан шўра, камиш ўсиб ётибди. Бир вақтлар бирга нонтуз еганмиз, деб гўрнинг атрофини тозалаб, шўра-қамишларни ўриб ташлаб, у ёқ бу ёғини тузатибдилар, сўнг аввал маслаҳат берган каттароқ ўғри хўрсиниб дебди:

– Эй оғайнилар, мана ўғрилик билан ном чиқарган Қали Ҳожининг охир-оқибати, эрта биз билан сиз ҳам ўлармиз-у, бундан беш баттар бўламиз. Одамлар бу лаънатилар молу мулкимизни талаган эдилар, деб гўримизни тепкилаб ўтдилар. Келинг, энди ўғирликни ташлаб қолган умримизни ҳалол ишлаб ўтказайлик, тавба қилайлик, шояд бизларнинг гуноҳимизни кечиришса. Шу бўлибди-ю, ўғрилар ўзларини меҳнатга урибдилар. Ана ўшандан бошлаб халқ орасида «Ҳаддингдан ошсанг, мозорга бор», деган нақл қолган экан.

АЛИШЕР НАВОИЙ БИЛАН ЯМОҚЧИНИНГ ЎҒЛИ

Ўтган замонда бир ямоқчининг ўғли бўлиб, у мактабга қатнар экан. Бир куни мактабга кетаётиб, йигит бир болахонада ўтирган чиройли қизни кўрибди-да, унга ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Орадан бир неча кун ўтгач, қиз кўринмай қолибди. Йигит севганини кўришга зор бўлиб, кўп азобланибди. Бир куни кечқурун мактабдан қайтиб келаётганида беихтиёр бойнинг дарвозасидан кириб, тўғри ичкари ҳовлига қараб юрибди. Қизни кўргач, юраги ўйнаб кетибди. Эс-ҳушини йиғиб: «Нима қилиб қўйдим ўзи?» –деб орқасига қайтибди. Аммо худди шу пайт ташқаридан бойнинг товуши эшитилиб қолибди. Йигит нима қиларини билмай, ўзини меҳмонхонага урибди. Бойнинг шу ёққа бурилганини кўрган йигит тезлик билан меҳмонхонадаги гиламни йиғиштира бошлабди. Бой ҳовлиқиб жаҳл билан йигитга:

– Сен кимсан, нима қиляпсан?–дебди.

– Мен ўғриман, гилам ўғирлаш учун келдим.

Ғазабланган бой йигитнинг икки қўлини маҳкам боғлаб қозихонага олиб борибди. Қозининг ёнида Алишер Навоий суҳбатлашиб ўтирган экан.

Бой қозига аввал салом бериб, кейин:

– Тақсир, сизнинг олдингизга ўғри тутиб келдим. Меҳмонхонага кирсам, бу йигит гиламни йиғиштириб олиб чиқиб кетаётган экан. Ушлаб ҳузурингизга келтирдим. Жазосини берсангиз,–дебди.

– Эй, йигит, нимага ўғирлик қилдинг, айт!– деб сўрабди қози.

– Мен гилам ўғирлаш учун кириб, энди кўтариб кетай деб турганимда бой бува келиб қолдилар. Қўлга тушиб қолдим дебди йигит.

Қози йигитнинг қўлини кесишга буюрибди. Алишер Навоий сўроқ–жавобни эшитиб, разм солиб турган экан. Тикилиб қараса, йигит таниш кўринибди. Маҳалласидаги Нормат ямоқчининг ўғли. Бунинг қўлидан ўғирлик келмайди. Алишер Навоий, йигитнинг бу ишида сабаб бор, деб ўйлабди–да, қозига:

Тақсир, ижозат берсангиз, йигитдан бир оғиз гап сўрасам. Сизлар чиқиб турсангизлар,–дебди.

Қози билан бой ташқарига чиқиб кетгач:

– Ўғлим, сени яхши танийман, отанг ямоқчи, қўлингдан ўғирлик келмайдиган одамсан. Тўғрисини айт, нима бўлди, балки сенга ёрдам қиларман, – дебди Алишер Навоий.

Йигит аввал уялиб, айтмабди. Шоир қистай бергач, айтишга мажбур бўлибди.

– Эй ота, мен бойнинг қизига ошиқман. Бундан бой ҳам, қизи ҳам хабарсиз. Бир неча кун қизни кўра олмай қийналдим. Бугун бехосдан бойнинг уйига кириб қолибман. Қизни кўргач, ўзимга келиб, қайтиб кетаётганимда, бойнинг товушини эшитиб қолдим. Меҳмонхонага югурдиму гиламни йиғиштира бошладим. Ўзимни ўғри деб танитдим. Тақсир, менинг бундан бошқа иложим йўқ эди. Аслида, ўзингиз билган Нормат ямоқчининг ўғлиман. Бой минг сўраганимиз билан қизини бермайди. Нима қилай, ахир, ота!–деб йиғлабди.

– Бўлди, ўғлим, йиғлама, отанг ўрнига ота бўлиб бойнинг қизини олиб берганим бўлсин!–дебди Алишер Навоий ҳазратлари ва қози билан бойни чақирибди. Тақсирлар, йигитни ва отасини мен яхши биламан. Бу йигитнинг қўлидан ўғирлик келмайди. У сизнинг қизингизга ошиқ бўлиб қолган экан, бой. Сиз ҳозир уйингизга бориб тўй ҳаракатини қила беринг. Мен ўз номимдан қизингизга совчилар юбораман. Бу жума ўтиб, келаси жума тўй бўлади. Бу бола менинг фарзандим. Сиз билан биз қуда бўлдик, бой, – дебди.

Бой ҳам, қози ҳам ҳайрон бўлиб, турган жойларида қотиб қолишибди.

Шундай қилиб, Навоий ямоқчининг ўғлига бойнинг қизини олиб берибди. Ямоқчининг ўғли бойнинг қизига уйланиб, муроду мақсадига етибди.

ДУНЁДА НИМА ЛАЗЗАТЛИ?

Ҳусайн мирзонинг қирқ вазири бор экан. Қирқинчиси Алишер Навоий экан. Бир кам қирқ вазир уни подшога кўп ёмонлабдилар. Ниҳоят, Алишер вазирликдан бўшатилибди.

Бир куни Ҳусайн мирзо бир кам қирқ вазиридан:

– Дунёда нима лаззатли?– деб сўрабди.

Вазирлар билган ва хаёлларига келган ҳамма гапни айтибдилар.

– Йўқ, тополмадингиз! Эрталабгача топиб бермасангиз, жонларингиздан умидингизни узинглар!– дебди Ҳусайн мирзо.

Вазирлар ўзаро маслаҳат қилишибди.

– Буни Алишер билади,– дебди вазирлардан бири.

Уни Алишер Навоийга юборибдилар. Вазир унинг ҳузурига бориб:

– Ҳусайн мирзо бизга: «Дунёда нима лаззатли? Шуни топинглар», деб буюрди, биз топа олмадик. Айтиб бермасангиз бўлмайди,– дебди.

– Қайси овқатни оч қолиб есангиз, ўша лаззатли, денг,– дебди Навоий.

Ҳусайн мирзо эртаси куни эрталаб ўз саволларига жавоб сўраганида, улар шундай деб жавоб берибдилар.

– Буни сиз топмагансиз, тўғрисини айтинг, ким топди?

– Тақсир, ўзимиз топдик!

Ҳусайн мирзо ҳаммаларини уйга қамаб:

– Тўғрисини айтмасангиз, шу уйдан бирма– бир чақириб, бошингизни олавераман!– дебди.

– Биз Алишердан сўраб билдик, – дебди вазирлар ниҳоят.

– Ўзингиз уни менга ёмонлаб ҳайдатиб юбориб, тағин нега ундан маслаҳат сўрайсизлар? Демак, усиз кунларинг ўтмас экан– да! – дебди подшо ва Алишер Навоийни чақиртириб, яна вазирликка тайинлабди.

АЛИШЕР БИЛАН ДЕҲҚОН

Алишер Навоий бир қишлоқдан ўтиб бораётса, бир деҳқон унинг ғазалини айтиб қўш сураётган эмиш. Шоир дурустроқ эшитиб кўрса, деҳқон унинг машҳур ғазалларидан бирини жуда бузиб айтаётган экан. Шунда у ҳам отдан туша солиб, деҳқоннинг отизига[1] кирибди– да, сурилган ернинг ағдар– тўнтарини чиқараверибди.

– Ҳой, мусулмон, нега менинг сурилган ерларимни бузиб ташлаётирсиз?– дебди ҳайрон бўлган деҳқон.

– Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ, деган машойихлар. Сен ғазалимни қанчалик бузиб айтаётган бўлсанг, мен ҳам шунча қилаётирман,– деб жавоб берган экан ҳазрати Алишер Навоий.

ТАНДИР ҚУРОЛМАГАН УЙ ҚУРОЛАРМИДИ?

Алишер Навоийнинг Мамат ака деган қўшниси бўлар экан. Мамат ака умр бўйи ишлаб, биргина уй қура олган экан, холос. Бор бисоти ҳам шу бино экан. Унинг Худойберди деган ўғли бўлиб, ҳеч қаерда ишламас, туну кун тараллабедоддан бўшамас экан. Кунлардан бир куни Мамат ака шоирнинг ҳузурига келибди– да:

– Ҳазрат, ўзингизга аёнки, мен анча– мунча ёшга бориб қолдим. Бугун бўлмаса эртага омонатни топширадиганга ўхшайман. Сизга бир илтимосим бор, хўп десангиз айтай,– дебди.

– Бажону дил, бажарурмен,– дебди Алишер Навоий.

– Илтимосим шулки,– сўзини давом эттирибди Мамат ака, – мен бу дунёдан кўз юмган кунимоқ, боласи тушмагур Худойберди кулбани сотадиган кўринади. Нима қилиб бўлса ҳам уни бу йўлдан қайтарсангиз. Ахир «Ватан гадоси – кафан гадоси», деб бекор айтишмаган. Мендан кейин Худойбердининг бундай уйни тиклаб олишига ҳеч ишонмайман. Кулбасиз кўчаларда қолиб хор бўлади,– дебди Мамат ака кўзига жиққа ёш олиб.

---

[1] отиз – марза емиш, эгат. Чопилган ерда ариқ чегарасини олиш.

– Айтганингиздек бўлади, менга ишонаверинг,– деб уни юпатибди Алишер Навоий.

Мамат ака уйига келиб ўғлини олдига чақирибди– да:

– Болам,– дебди унга қараб,– мабодо куним битиб қазо қилсам, уйни асло сота кўрма, кейин тиклай олмай ҳалок бўласан... Борди– ю, жудаям сотгинг келса, Алишер Навоий ҳазратларининг олдиларидан бир ўтиб кейин бу ишга қўл ур. Ишончим комилки, у киши сенга тўғри йўлни кўрсатиб берадилар.

Мамат ака оламдан ўтибди. Худойберди уйни сотиш тараддудига тушиб қолибди. «Отам уйни сотадиган бўлсанг, Алишер Навоийнинг олдидан бир ўт», деган эди, ҳазрат қандай йўл кўрсатаркан», дебди– да, шоирнинг ҳузурига бориб мақсадини айтибди. Шунда Алишер Навоий: Яхши, аммо тандирларинг бир оз эскироқ кўринади. Бузиб янгисини қур. Уйнинг нархи икки баравар ортади,– дебди.

Худойберди уйга келиб, тандирга қараса, ҳақиқатан ҳам жуда эски, бир томони нураган эмиш. «Ҳазрат тўғри айтди, буни бузиб янгисини қурсам, уйнинг нархи икки баравар ошади», дебди-да, тандирни бузибди. Сўнг қўшни қишлоқдаги тандирчиникига жўнабди. Ўндан тандир сотиб олибди– да, орқага қайтибди. Йўлда ниҳоятда чарчабди. «Бир оз нафасимни ростлаб олай», деб бир дўнгликка ўлтирмоқчи бўлган экан, тандир ерга қаттиқроқ тегиб кетиб, синиб қолибди! Худойберди орқага қайтиб, ҳалиги устадан яна битта тандир сотиб олибди. Уйга етай деганда, уни ҳам синдириб қўйибди. Учинчи тандирни бир иложини қилиб уйига олиб келибди-да, эскисининг ўрнига қура бошлабди. Устига кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб ўрнидан туриб қараса, тандир тушиб ётган эмиш. Худойбердининг жаҳли чиқиб: «Алишер Навоий нега мени бунчалик оворагарчиликка солиб қўйди!»– дебди-да, унинг олдига чиқибди.

Алишер Навоий супада ўтириб шеър битиш билан банд экан.

– Ҳазрат,– дебди Худойберди унга қараб,– тандирни қуролмадим. Майли, арзонроққа кетса ҳам уйни тандирсиз сота бераман.

– Ҳовлиқмай сўзимни эшит,– дебди Алишер Навоий, – кўрдингми, биргина тандирни ҳам эплаб қуролмадинг, аммо уйни сотмоқчи бўласан. «Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр», деб бекорга айтишмаган. Уйни сотиб, янгисини тиклай олмай, кўчаларда қолиб кетишни ўйламадингми?! Бор, ишла! Уй ҳам ёнга қолади, тирикчилигинг ҳам ўтади. Балки яхши яшаб кетарсан.

Алишер Навоийнинг ақлли тадбир ва доно сўзларига тан берган Худойберди уйни сотмай, ишлаб яхши кун кечира бошлабди.

ЮРТ ҚОРОВУЛИ

Бир замонлар Ҳирот шаҳрига Мирзо Ҳусайн деган киши подшо эди. Ҳусайн Мирзонинг шаҳар четида катта бир боғи бўлиб, унда Сотиболди деган киши қоровуллик қилар эди. Мирзо Ҳусайн кундузи юртни сўрар, кеч тушди дегунча, уст-бошини ўзгартириб, ҳеч кимга билдирмай, Сотиболдининг олдига борар экан. Улар икковлашиб улфатчилик қилишар экан.

– Сотиболди, сен боққа қоровулсан,– деркан Мирзо Ҳусайн ошнасига қараб, – мен бўлсам юртга. Сен боғни қўриқласанг, мен юртни. Мана ҳозир иккимиз бир кишимиз. Улфатчилик қилиб, отамлашиб ўтирибмиз. Мен билан бундай улфатчилик қилишингни ҳеч ким бил-

маслиги керак. Оғзингни бўш қўйиб бирон кимсага айтиб қўйсанг, сени ҳам, айтган кишингни ҳам ўлдиртириб юбораман.

Сотиболди ўла-ўлгунча ҳеч кимга айтмасликка сўз берибди.

Ҳусайн Мирзонинг доно вазири Алишер Навоий булар ўртасидаги дўстликни билар, лекин ҳеч кимга айтмас экан.

Кунлардан бир куни Карим бобо деган ўтинчи даладан ўтин териб, сотгани бозорга кетаётган экан, подшонинг одамлари кўриб қолиб, ўғри деб ушлашибди–да, оёғини ерга тегизмай саройга олиб келибдилар. Мирзо Ҳусайн сўрамай–нетмай Каримбобони ўлимга ҳукм этиб юборибди. Шу пайт қаёқдандир Алишер Навоий келиб қолибди. «Бу ўтинчи Каримбобога ўхшайди-ку?»–дебди шоир. Бобога яқинроқ бориб қараса, ҳақиқатан ҳам ўша киши. Сўнг:

–Ҳа, бобо, бу ерда нима қилиб юрибсиз?–деб сўраган экан, бобо:

–Эй шоир, сабабсиз саройга келармидим. Ўғри деб ушлаб келишди. Шаҳаншоҳи бокарам ўлимга ҳукм қилдилар. Ўлимимни кутиб турибман. Кошки, умримда бирон марта ўғирлик қилсам ҳам майли эди,–деб кўзига ёш олибди.

«Бобо гуноҳсиз, бечоранинг гуноҳини сўраб олиш керак. Аммо қандай қилиб? Бу ишга мен уннай десам, Ҳусайн Мирзо йўқ дейиши турган гап. Чунки куни кеча икки кишининг гуноҳини тилаб олган эдим,– дебди ўзига ўзи вазир,– яхшиси Сотиболдининг олдига бораман. Зора у бирон чора топса», деб ўйлабди–да, боққа қараб жўнабди. Шоирни кўрган Сотиболди хурсанд бўлиб кетибди.

–Сотиболди ака,–дебди Алишер Навоий,–сизнинг олдингизга зарур иш билан келдим. Тез бўлинг. Бир гуноҳсиз бечорани ўлимдан сақлаб қолиш керак.

–Қандай қилиб?–дебди ҳайрон бўлиб у.

–Ҳайрон бўлманг. Бу иш сизнинг қўлингиздан келишини билиб, атайин келдим. Гап бундай,–деб сўзини давом эттирибди шоир,– Мирзо Ҳусайннинг олдига Каримбобо деган ўтинчини ўғри деб олиб келишибди. У киши умрида ўғирлик нималигини билмаган одам.

–Қандай қилиб бир боғ қоровули Мирзо Ҳусайндек султоннинг олдига бора олади. Сиздек шоирнинг қўлидан келмаган ишни мендек ношуд қоровул бажара олармиди? –дебди Сотиболди.

–Бу иш сизнинг қўлингиздан келади. Менга келсак, куни кеча икки бегуноҳнинг гуноҳини сўраб Мирзодан илтимос қилган эдим. Бугун ҳам илтимос қилсам, Султоннинг йўқ дейиши турган гап. Бунинг устига, бугун Мирзонинг феъллари андек жойида эмас. Сиздан бу ишни илтимос қилишимнинг боиси бор: ўзларининг Ҳусайн Мирзо билан тунлари улфатчилик қилиб юришларидан бирмунча хабардорман.

Алишер Навоийни алдаб бўлмаслигини билган Сотиболди:

Оббо, шоир–ей! Зийраклигингизга ҳамма вақт қойил қоламан,— дебди. Кейин: «Ҳусайн Мирзо билан-менинг ўртамдаги хуфиёна улфатчиликдан қачон хабар топгансиз?»–деб сўраб қолибди.

– Бунга анча вақт бўлди.

–Ҳеч кимга айтмадингизми?

– Йўқ.

– Сир сақлашингизга қойил, –Сотиболди шундай дебди–да, бирга бориб подшодан Каримбобонинг ўлимини сўраб олишга рози бўлибди,

– Бир шартим бор, дебди у,– саройга мени ўғри деб ҳайдаб борасизлар. У ёғини ўзимга қўйиб қўясиз.

Навоий дарров икки сарбозни чақириб келибди–да, Сотиболдини ўғри деб саройга ҳайдаб борибди. Подшо боғ қоровулини танимаганга олибди.

Ҳусайн Мирзони кўрган Сотиболди унга қараб шундай дебди:

– Султони бокарам, мен боғ қоровули Сотиболдиман. Ўғри деб ушлаб бу ерга олиб келишди. Умримда бир марта ўғрилик қилган бўлсам, худо урсин. Бундан пича олдин шеригимни ҳам бу ерга олиб келишган экан. Мени ҳам ўлимга ҳукм қилишингиздан олдин бир илтимосим бор, шунга йўқ демасангиз. Кейин майли ўғри бўлмасам ҳам, ўғри деб ҳукмингизни чиқара беринг.

–Айт илтимосингни,–дебди подшо.

– Шу орада ўзини юрт қоровули, деб юрган бир ошнамиз бор. Шу ошнам билан учрашиб бир нафас суҳбатлашишга рухсат берсангиз.

Бу сўзни эшитиб, Ҳусайн Мирзо нима дейишини билмай, ўйланиб қолибди. «Юрт қоровули менман», – деб айтай деса, атрофидаги бутун вазирлар, уламолар ўлтиришибди. Ўлимга ҳукм қилинган гуноҳкорнинг охирги илтимосини бажармаслик ҳам мумкин эмас. Нима қиларини билмай қолибди. Охири:

–Сен–ку гуноҳкор эмас экансан. Майли, сенинг гуноҳингни кечсам кечай. Сендан олдин бу ерга келтирилган ўғрига нима алоқанг бор?–дебди.

Юрт қоровули, мен ва ана шу келтирилган бобо–учовлон улфатчилик қилар эдик. Каримбобо овқат пишириш билан банд бўлиб, бизга кўринмас эди. Борди-ю, гапимга ишонмасангиз Каримбобо билан юрт қоровулини чақиртиринг.

Ҳусайн Мирзо ўйланиб–ўйланиб:

–Бор, икковингнинг ҳам гуноҳингдан ўтдим, деб юборибди. Каримбобо билан Сотиболди саройдан шошиб-пишиб чиқиб кетишибди. Алишер Навоий Сотиболдининг донолигига қойил қолибди.

ҲОЗИРЖАВОБ ШОИР

Кунлардан бир куни Ҳусайн Бойқаро вазиру уламолар, алломалару фузало шоирлар билан шаҳар айланибди. Бир вақт йўли оҳангар-темирчиларнинг устахонаси ёнидан чиқиб қолибди. Подшо усталар билан салом-алик қилиб ўтиб кетаётган экан, бир темирчининг болға уришидан учқун сачрабди-да, султоннинг зарбоф тўни этагига ёпишиб, уни хиёл куйдирибди. Буни кўрган вазиру уламолар: «Ҳозир олий ҳазрат темирчининг бу беодоблиги учун жазолайди», деб ўйлашибди.

Темирчини Уста Каримбобо дейишарди. У киши ҳам: «Оббо, ёмон бўлди-да... Ё ҳазрати Довуд, ўзинг қўлламасанг подшодан жабр кўрадиган бўлдим», - деб ваҳимага тушибди. Шунда Ҳусайн Бойқаро ҳеч нарсага эътибор бермай, қўлига қалам билан қоғоз олибди-да: «Тушди дил доманига бир шарари шўрангез», - деб ёзибди, сўнг «Давом эттир!»-деб ёнидаги шоирга узатибди, У шоир жавоб ёза олмай бошқасига узатибди. Хуллас, қоғоз шоирдан-шоирга ўтибди-ю, аммо ҳеч ким султон бошлаган мисрани ниҳоясига етказиб, жавоб ёза олмабди. Шунда Ҳусайн Бойқаро:

– Садқайи шоир кетинглар, буни дўстим Алишерга олиб боринглар, қани у қандай жавоб қиларкин? Шарт шуки, мен битган мисра қаерда, қачон ва қандай шароитда, нима муносабат билан айтилганини унга билдирманглар,-дебди.

Шоирлар Алишер Навоийнинг ҳузурига бориб, унга подшо берган қоғозни узатибдилар ва индамай қўл қовуштириб турибдилар. Хатни очиб, ундаги мисрага кўз югуртириб чиққан Алишер Навоий дарров қўлига қалам олиб ёзилган мисра тагига қуйидагиларни битибди: «Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди».

–Алишерга офарин!- деб дўстининг ҳозиржавоб шоирлигига яна бир карра таҳсинлар айтибди.

ДИЛОРОМ БИЛАН КИТОБИЙ МУОМАЛА

Бир куни Ҳусайн Бойқарога чақимчилар келиб:

–Тақсир, сиз Алишер Навоийни бир сўзли, тўғри одам деб ўзингизга яқин тутиб юрасиз. Ҳолбуки, бузуқлигини билмайсиз, нимага десангиз, у ҳужрасининг орқасида бир тўда аёлларнинг туришига йўл қўйган, буниси озлик қилгандай, ўша қизу жувонлар ҳовлиси томонга ҳужрасидан дарча очиб, ҳар куни базму айш қилиб юрибди. Агар ишонмасангиз, ўзингиз бориб текшириб кўринг, –дебдилар.

Алишер Навоийнинг ҳужраси Кўшк дарвозасининг тагида экан. Кечаси алламаҳалда Ҳусайн Бойқаро дўстини синаб кўрмоқ учун посбон кийимини кийиб, унинг ҳужрасига яширинча бориб, эшиги шанглоғидан қарабди. Ҳақиқатда ҳам, шоир ҳужрасининг нариги томонида чинакам дарича бор эмиш. Ундан бир манзара кўриниб, у ерда бир сулув париваш ўтирган эмиш. Бу ёқда Алишер Навоий китоб ёзаётган эмиш. Бир палла шоир хатдан бошини кўтариб, ўша париваш кўриниб турган дарчага қараб тикилиб туриб, шу сўзни айтибди:

Мен Ҳири шаҳрида кирдим бир жонон манзари,
Манзар ичра ўлтурубдур ҳур янглиқ бир пари.

Кейин ўша ёққа қўлини узатиб хаёл суриб айтибди:
Турдиму эндим ёнига, бўйнига солдим қўлим,

Ишваю ноз карашма бирла айтур: – Кет нари.
Париваш шоирга қараб айтар эмиш:

Дастлари чоқли бўлғонлар етолмайлар менга,
Сен кими жононидирсан ёки занги коргари.

Шунда Алишер Навоий бир тугунчак пулни ул паривашга кўрсатиб, шундай дер эмиш:

Минг туманга арзиюрму бир кишининг қиммати.

Ул париваш жавоб айтар эмиш:

Сенда зар бўлса олиб кетгил, йигит сен ё қари.

Алишер Навоий айтар эмиш:

Ким Ҳири шаҳрига борса, ул дирамсиз бормасун.
Бедирамга бермаслар йўл ул Ҳирининг хўблари.
Эй Навоий, сен ғанимат бил Хуросон хўбларин,
Қадри зар заргар билур, қадри жавҳар жавҳари.

Бу ҳангомаларни эшитиб, Ҳусайн Бойқаро ётоқ жойига қайтиб кетибди. Эртаси ясовулларига шоирни келтиришни буюрибди, ясовуллар ҳадемай Алишер Навоийни олиб келибдилар. Шунда Ҳусайн Бойқаро унга қараб:

– Сиз аввалларидан ҳаммамизга тозасиниб насиҳат қилар эдингиз, энди бўлса ўзингиз қўлга тушдингиз, нимага деганда, мен шу кеча сизни бир номаҳрам билан ҳазлу мутойиба билан сўзлашиб турганингизни кўрдим,–дебди.

Шунда шоир:

– Мен бу вақтларда шоҳ Баҳром билан Дилоромни ёзиб юрибман. Дилоромни кўрмасдан мақтаб қоғозга кўчирсам, ғалат бўлмасин, деб руҳини кўшки билан деворга келтириб қўяман. Сизнинг кўзингизга кўринган ўша Дилором билан менинг китобий муомалам,–деб жавоб берибди.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга таҳсин–офарин айтиб, гуноҳкор қиламан деганига уялиб қолибди.

ДОНО АЛИШЕР

Бир қишлоқда Раҳмонқул деган йигит яшар экан. Унинг отаси ёшлигида ўлиб кетган бўлиб, кекса онаси билан қолган экан. Уларнинг бисотида биргина сигирлари бор экан. Раҳмонқул қирдан шувоқ териб, уни бозорга олиб бориб сотар экан. Онаси сигирга қарар экан. Шу алфозда она-бола зўрға тирикчилик ўтказиб юраверибдилар.

Нима бўлибди-ю, Раҳмонқул шоирликни ҳавас қилиб қолибди. Кунлардан бир куни шеър ёзибди-да, уни ҳамқишлоқларига ўқиб берибди. Шунда ўтирганлардан бири айтибди:

– Э, Раҳмонқул, катта шоир бўладиганга ўхшайсан. Аммо бундай юришингда сенга шоирлик йўл бўлсин. Яхшиси, топган-тутганларингни ол-да, Ҳирот деган шаҳарга бор. У ерда ҳазрати Алишер Навоий деган шоирларнинг пири бор эмиш. У киши билан учрашасан– да, шеър ёзишни ўрганасан қўясан.

Бу гап Раҳмонқулга маъқул тушиб, у ҳазрати Алишер Навоийнинг олдига борадиган бўлибди– ю: «Пулни қаёқдан оламан?» – деб ўйланиб қолибди. Топган-тутган пули тирикчиликка зўрға етар, орттирган бир сўми ҳам йўқ экан-да. Ўйлаб-ўйлаб соғин сигирини сотадиган бўлибди ва фикрини онасига айтибдн.

– Молдан айрилдинг – жондан айрилдинг, деган гап бор, – деб ҳеч кўнмабди онаси. Шунда:

– Мен шоир бўлиб қайтганимдан кейин сизга бунақа молдан бир эмас, беш-олтитасини олиб бераман,– дебди Раҳмонқул онасига қараб.

Онаси ноилож рози бўлибди. Раҳмонқул молни сотиб, Ҳирот шаҳри қайдасан, деб йўлга равона бўлибдн. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, сўраб-сўраб охири Ҳирот шаҳрини топибди. Одамлардан суриштириб, шоирларнинг шоири шу шаҳарда яшашини билиб олибди. Бу пайт Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро билан сафарда экан. Раҳмонқул: «Келиб қолар», дебди-да, шаҳарни томоша қилиб юраверибди. Орадан ўн кечаю ўн кундуз

ўтибди. Сигирнинг пули адо бўлибди, Раҳмонқул сомсапазга ўтқалар бўлибди, кабобпазга шогирд тушибди-ю, аммо бирортасиниям эплай олмабди. Охири кўча-кўйда тентираб юриб, тиланчилик қилишга мажбур бўлибди.

Бир куни катта кўчанинг бўйида тиланчилик қилиб ўтирса, рўпарадан икки киши ўтиб қолибди. Улардан бири, кексароғига ўтган-кетганлар қуюқ салом беришар, орқасидан ҳам таъзим қилишар экан. Ҳалиги киши ҳам йўловчиларнинг саломига алик олар. Айримларини тўхтатиб ҳол-аҳвол сўрарди, Раҳмонқул: «Ҳамма билан сўрашиб ўтаётган ким экан?»– деб ҳайрон бўлиб турган экан, бирдан қулоғига «Ҳазратим!»– деган сўз эшитилиб қолибди. Шунда у: «Ҳазрати Алишер Навоий шу киши бўлса керак», дебди– да, унинг орқасидан қорама– қора кетаверибди. Шоир шаҳардан четроқдаги бир боғда турар экан. Раҳмонқул эргашиб бораверибди, боққа кириб қолибди. Ён атроф жуда ҳам сўлим: турли хил гуллар очилган, булбул, тўтилар сайраб турибди.

Ҳар жой– ҳар жойда ёш– ёш муллаваччалар китоб ўқишиб ўлтиришган экан. Алишер Навоийни кўриб қолган муллаваччалар «гурр» этиб ўринларидан туриб кетишибди, Ҳазрат улар билан сўрашибди ва шу чоғ кўзи Раҳмонқулга тушиб қолибди. Раҳмонқул ҳам шоша–пиша салом берибди– да:

– Шоирларнинг пири ҳазрати Алишер Навоий сизмисиз?– деб сўрабди. Унинг саломига алик олган шоир:

– Ҳа, мен Алишер Навоийман, аммо шоирларнинг пири эмасман,– дебди, кейин, – Хўш, йигит, менда бирор юмушингиз бор кўринади, тортинмай айтаверинг, – дебди.

– Дилимдагини топдингиз,– дебди у, муҳим бир юмуш билан келдим. Мени шоирликка шогирд қилиб олсангиз.

Раҳмонқулнинг бу сўзини эшитган муллаваччалар кулиб юборибдилар. Алишер Навоий уларга қараган экан, ҳамма муллаваччалар дарров жой– жойларига боришиб, китоб ўқишга тушиб кетишибди. Шоир йигитни сўрига таклиф қилибди. Нон– чой келтирибди. Раҳмонқул тушмагур нондан тўйиб еб, чойни мириқиб ичиб олгандан кейингина:

– Қишлоғимизда ўтинчилик қилардим, – деб гап бошлабди ва ўзи, онаси ҳақида сўзлаб берибди.

Алишер Навоий Раҳмонқулнинг гапини диққат билан эшитибди. Кейин қалам билан қоғоз олиб унга берибди– да:

– Қани, мана шунга бирор шеър ёзинг-чи?– дебди.

Раҳмонқул ўйлабди-ўйлабди, миясига ҳеч шеър келмабди.

– Шеър ёзолмадим, илҳом келмади,– дебди охири.

– Бўлмаса,– дебди Алишер Навоий,– ўқиган шоирларингиз шеърларидан бир– иккитасини айтинг– чи?

Раҳмонқул ўйлабди-ўйлабди, миясига ҳеч шоирнинг шеъри келмабди. Ўзи ҳам шоирлардан ҳеч қайсисининг шеърини ўқимаган экан-да!

– Ҳазрат,– дебди Алишер Навоийга қараб,– миямга ҳеч қайси шоирнинг шеъри келмаяпти. Ўзингиз ўқиб бера қолинг.

Раҳмонқулнинг бу сўзига шоир кулимсираб қўя қолибди. Кейин ўйланиб туриб:

– Бўлмаса бирор ашула айтинг,– дебди.

– Ҳа, майли, ашула айтсам, айта қолай,– дебди.

Раҳмонқул Алишер Навоийнинг қўлидан танбурни олаётиб. Кейин танбурнинг у қулоғини бурабди, бу кулоғини бурабди, ҳеч тобига келтира олмабди. Шунда шоир ундан танбурни сўраб олибди– да, бир нафасда созлаб, қайтариб берибди. Шунда ҳам Раҳмонқул қанчалик уринмасин, созни чалолмабди. Йигитни, диққат билан кузатиб турган Алишер Навоий унга қараб шундай дебди:

– Шоир бўлиш учун камида уч нарсадан бохабар бўлмоқ зарур. Биринчиси – кўп ўқимоқ лозим. Жамики яхши шоирларнинг шеърларини ёддан билмоқ керак.

– Сиз жамики шоирларнинг шеърларини ёддан биласизми?– деб сўраб қолибди Раҳмонқул тушмагур.

– Жамики шоирларники бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда хотирамда унча-мунча шеър сақлайман,– деб жавоб берибди Ҳазрат. Кейин сўзини давом эттирибди:

– Шоир бўлмоқнинг иккинчи шарти – астойдил меҳнат қилмоқликдир. Қайта-қайта машқ қилмоқ шартдир. Киши она қорнидан шоир бўлиб туғилмайди. Меҳнат билан машқ орқасидангина шоир бўлади. Шеърга бўлган ҳавасни куну тун демай, машқ қилиш орқалигина вояга етказмоқ мумкин.

– Сиз ҳам, – дебди Навоийга қараб, кечасию кундузи машқ қиласизми?– деб сўрабди Раҳмонқул ҳам бўш келмай.

– Ҳа,– дебди ҳазрат. Кейин сўзини давом эттирибди:

– Шоир бўлмоқнинг учинчи шарти шулким, қўшиқ айтмоқ билан соз чалмоқни билмоқ зарур. Қўшиқ айтолмаган, соз чалолмаган, шеърни оҳангга сололмайди.

Алишер Навоий шундай дебди-да, хаёлга чўмибди. Кейин ўзига келиб, сўзини давом эттирибди:

– Ҳали «қирдан шувоқ териб бозорда сотар эдим», дедингиз. Шу юмушингиз билан бева бечораларнинг мушкулини осон этасиз. Қани энди бўлар бўлмасга шеър битиб, ўзларини шоир санаб юрганлар ўтин йиғиб бир ғарибнинг уйини иситсалар эди. Ҳа, йигит, бемаза шеър битиб, кишиларни ранжитгандан кўра, қирдан шувоқ териб, кун кечирмоқ минг карра аъло. Мана буни олинг-да, қишлоғингизга қайтинг. Сигир сотиб олиб, онангизни хурсанд қилинг. Ўзингиз эса меҳнатдан юз ўгирманг.

Алишер Навоийнинг донолигига қойил қолган Раҳмонқул унга раҳмат айтибди-да, шоирликни йиғиштириб, ўз қишлоғига қайтибди.

БИРНИ КЕССАНГ, ЎННИ ЭК

Алишер Навоий Астробод вилоятида ҳокимлик қилган кезларида шаҳар ташқарисидаги баланд бир тепаликда осмон билан ўпишган кекса терак бор экан. Алишер Навоий кечқурунлари ўзига яқин мулозимлари билан шу терак тагига келаркан. Улуғ шоир теракнинг майин шаббодада шивирлаб куйлашини тинглашни хуш кўраркан. Терак гўё мунгли қўшиқни куйга солган созандадек бир маромда тебраниб шивирлар экан.

Баҳор кунларининг бирида Алишер Навоий ҳар галгидек ўз мулозимлари билан бирга ғазалхон теракни қўмсаб шаҳар ташқарисига чиқибди. Бориб кўрсаки, ғазалхон теракни кимдир «ўлдириб» кетибди. Алишер Навоий оғир хўрсиниб, «қотил»ни тезда топиб **келишни** мулозимларига буюрибди.

Мулозимлар тезда афти-ангори совуқ, барзангидай бир кишини от олдига солиб ҳайдаб келибдилар. Алишер Навоий қаттиқ ғазабланганидан:

-Эй, қотил, нега шундай азим теракни нобуд қилдинг? Ё бу билан мендан ўч олмоқчи бўлдингми? -дебди. Кейин мулозимларига бу ярамасни кирқ дарра уринглар, деб буюрибди-да, ҳар дарра урганда, «бирига ўн» деган ҳикматни такрорлатиб туришни ҳам тайинлабди.

Бир-икки йил ичида тераклар кўкка бўй чўзиб, гуркираб қолибди. Алишер Навоий ўз мулозимлари билан яна ўша тепаликка келиб қараса, ёш тераклар баҳор шабадасининг енгил эпкинида сокин шивирлаб куйлаётган экан.

Шу терак баҳона бўлибдию, Астрободда боғу роғлар кўпая бошлабди. Элу юртга файз кирибди.

Мана, иккинчи суҳбатни якунладик. Энди ўқиган ривоятлардан олган таассуротларингизни "Навоий халқ ривоятларида" мавзусида иншо ёзиб, хотирангизга муҳрлаб қўйинг. Иншода айрим ривоятлардаги лавҳаларни табиат манзаралари билан бойитинг. Ёзганларингизни адабиёт муаллими назоратидан ўтказиб қўйсангиз, яна яхши. Китобда қайд этилмаган яна қандай ривоятларни биласиз? Уларда шоирнинг қайси фазилатлари ифодаланган? Иншода булар ҳақида ҳам тўхтаб ўтинг.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Учинчи суҳбат

Халқимизда “Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман”, “Дўст кулфатда билинар, мард – курашда” каби ўнлаб мақоллар бор. Мен атайин юқорида мисол сифатида келтирган иккита мақолни ажратиб олдим. Чунки инсон ҳаёти давомида юзлаб тенгдошлар билан учрашади, сўзлашади, муомала қилади. Аммо умр давомида бир неча синовдан ўтган инсонгина сенга ўзининг дўст сифатидаги садоқатини кўрсатган ҳисобланади. Учрашган одамларни биз синфдош, курсдош, ҳамкасб, таниш, ўртоқ каби гуруҳларга ажратамиз. Дўст, дўстлик мақоми улардан тамомила фарқ қилади. Бирон кимсани дўст деб аташ учун ҳаёт сўқмоқларини бирга, ҳамнафас босиб ўтиш керак. Жисмоний, маънавий, иқтисодий жиҳатдан имтиҳонларда сенга хиёнат қилмаган одамни дўст деб аташ мумкин. Дўст кези келганда ака-укадан, қариндошдан сенга яқинроқ, фидойироқ бўлиши мумкин экан. Ёшлик пайтимизда бизга ўртоқларимиз, дўстларимиз кўпдек кўринади. Лекин вақт ўтгани сари улар ўз-ўзидан камайиб бораверади. Ниҳоят, етуклик даражасига етганимизда, ёнимизда қолса, битта, йўқса, иккита дўстимиз қолади. Ҳатто, улар учтага етса, демак, сиз ўзингизни бахтли деб ҳисоблайверинг. Шу билан бирга бу қарорга келишга ошиқманг, чунки ўша учта дўстингиз муайян синовдан ўтмай қолиши мумкин. Айни чоғда, дўстингиздан садоқатни талаб қиляпсизми, ўзингиз ҳам синовга тайёр туришингиз лозим. Чунки “қарс икки қўлдан чиқади”,- деганларидек, сиз ҳам назарда тутилган кимсага чин дилдан содиқ эканингизни кўрсатишингиз талаб қилинади. Шу ўринда севикли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг энг яқин дўстлари Раҳматилла Иноғомов вафот этганларида ёзган бир тўртлик шеърлари ёдимга тушди. Уни сизга ҳам илиндим:

Ота-онанг ўлса, йиғларсан бир йил,
Фалак билмас аза бошимга солди.
Мен дўстдан айрилдим, йиғла, эй кўнгил,
Сенга то қиёмат йиғламоқ қолди.

Орадан йиллар ўтди. Эркин ака билан неча бор суҳбатлашган бўлсам, албатта Раҳматилла деган дўстларини хотирлаганликларига гувоҳ бўлганман. Энди 2016 йилнинг 30 май куни оғир бетобликдан сўнг Эркин Воҳидов вафот этди. У инсон билан хайрлашув маросимида унинг дўсти Иброҳим Ғафуров ўз нутқида чуқур алам билан: “Эркин Воҳидовнинг вафоти бизни мусибат уммонига ғарқ қилди”, – деди. Ҳа, Эркин Воҳидов, Раҳматилла Иноғомов, Иброҳим Ғафуровнинг дўстлигига бугунги кунда ҳар бир замондошимиз ҳавас қилиши арзийдиган, муболағасиз ҳар бир ҳарфи олтин ҳарфлар билан ёзилган ДЎСТЛИК эди, дейиш мумкин.

Дўст Амир Низомиддин Алишербек Навоий ҳазрат замонида ҳам ҳозиргидек, эҳтимол, ҳозиргидан ҳам улуғроқ эъзозланар эди. Ҳазрат ҳаётлари билан яқинроқ танишсак, бу зот билан яқин дўстлик муносабатида бўлган атиги бир иккита тарихий шахслар номи намоён бўлади. Машҳур тарихчи Ғиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” китобида Ҳазратнинг Мирзо Аҳмад исмли замондоши билан алоқадор ғаройиб воқеани келтирган. Муаррихнинг айтишича, Навоий Султон Саъид ҳукмига кўра Самарқанд шаҳрида таҳсил олиб юрган кунлардан бирида туш кўради. Тушни мулозимларидан бири – Мавлоно Пир Аҳмадга айтиб беради:

Кеча тушимда Мирзо Аҳмад Хоразмшоҳ билан бирга бир тоққа чиққан эканмиз. Шу орада йўл ўртасида катта бир тош ётган бир жойга етиб боribмиз. Олдин Мирзо Аҳмад ўша тошга чиқибди, сўнгра қўлимдан тортиб, мени ҳам унинг устига чиқариб олибди. Буни қарангки, тасодифан Ҳазрат ўша куни дўстини учратади. Суҳбат орасида Мирзо туш кўрганини айтади ва Алишер кўрган тушни қайта ҳикоя қила бошлайди. Шунда Алишер мулозимини чақириб Мирзо Аҳмадга эрталабки мен айтган тушимни сўзланг, деб мурожаат қилади. Пир Аҳмад шоирнинг суҳбатдошига унинг ўзи кўрган тушини айнан қайтариб айтади. У ерда турганлар бу тасодифдан ҳайратга тушадилар[1].

Аслини олганда, бундай ҳодисалар жуда кам ҳолатлардагина рўй беради. Бунинг учун, бизнингча, икки дўстнинг руҳий, маънавий қиёфасида мутлақ тенглик аломати муҳим ўринга эга бўлади.

Бадиий адабиётда таворуд деб аталадиган ҳодиса-ҳолат бор. Бу ҳолат икки қалам аҳлининг бир-биридан бехабар вазиятда айнан бир хил ижод намунасини яратишдан вужудга келади. Ғиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да шундай ҳикоя қиладилар. Амир Низомиддин Шайх Аҳмад Сухайлий бир қасида ёзиб Ҳазрат Алишерга фикр билдириш учун тақдим этади. Ҳазрат қасида билан танишиб:

-Мадҳ этилаётган кишининг исми билан зийнатланган байтдан кейин, гап бир-бирига боғланиши учун, яна бир байт ёзилмоғи керак,-дейдилар. Қасида муаллифи ўзи ҳам шундай байт етишмаётгани ҳақида ўйлаганини айтади ва икки мисрани тузиб беришни Алишердан сўрайди. Ҳазрат бунга рози бўлади. Фақат муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб кўришини таклиф қилади. Хуллас, икки шоир қарама-қарши ўтирган ҳолда ўйлашга тушишади. Бирдан иккаласи ёза бошлайдилар. Мисралар тугаганида, бир-бирларига шеър ёзилган қоғозни узатишади. Тасодифан икки шоирнинг ёзганлари сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф бир хил бўлиб чиқади.

Ёшлик боғининг баҳори, адолат гулшанининг ниҳоли,
Саховат боғининг гули, улуғворлик арғи бўйидаги сарв.

Натижада, бадиий ижод сохасида ниҳоятда кам учрайдиган таворуд юз беради. Бундай тасодифнинг рўй бериши учун ҳам икки шахснинг руҳий, маънавий дунёсида ўта даражадаги яқинлик талаб қилинади. Фараз қилишингиз мумкинки, туш ҳолати, таворуд ҳолати фақат ҳақиқий дўстлар ҳаётидагина учраши мумкин.

Инсон ҳаётида баъзан дўст учун ўзимизни гаровга қўйишдек мушкул вазиятлар ҳам бўлиб туради. Аввало, суҳбатимизда ўқиганингиз “Алишер Навоий билан ямоқчининг ўғли” ривоятини эсланг. Бойнинг қизини кўргани бой хонадонига кириб қолган йигит суюклисининг шаънини оёқ ости қилмаслик учун асл мақсадини яшириб ўзини ўғриликка кирган қилиб кўрсатади. Бу айби учун қўли кесилишини билади. Аммо қизнинг ориятини сақлаш учун оғир жазога дучор бўлишдан қайтмайди. Навоий замондошларининг ёзишларича, Ҳазрат ҳаётида юқоридагидан ҳам мушкулроқ воқеа рўй берган экан. Хусусан, Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” китобида шундай ҳикоя қилади.

Алишер Навоийнинг энг яқин дўсти Паҳлавон Муҳаммад подшо Султон Ҳусайн Мирзо саройидаги базмда ўтириб шамоллаб келиш учун ташқарига чиқади. Боғда у шоҳнинг пайки (шоҳнинг кўнглини ёзувчи, масхарабозлик қилувчи одам) Тайфурни учратиб қолади. Пайк уни ўз мажлисига таклиф қилади. Паҳлавон Муҳаммад анчагина муддат шу мажлисда

[1] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Тошкент; Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. Б-135

қолиб кетади. Унинг ўрни бўш эканини кўрган Султон Ҳусайн мулозимларидан паҳлавонни суриштиради. Кимдир подшоҳга паҳлавоннинг Тайфур суҳбатида эканини етказади. Паҳлавоннинг бир пайк суҳбатини шоҳ суҳбатидан афзал билгани учун Султон Ҳусайннинг ғазаби қўзғайди. Бошқа бир пайк кийимини ечинтириб, турли қўнғироқ тақинчоқлари билан бўғчага боғлаб, хизматкорига: "буни кўтар-да, обориб Паҳлавоннинг олдига қўй ва буни Мирзо сиз учун бериб юборди, деб айт," – дейди. Паҳлавон ўз олдига қўйилган тугунни кўриб қўрқиб кетади. Чунки подшоҳ унга пайк қиёфасида ҳузурига келишни буюрган эди-да. Одатда пайкнинг соқоли ва мўйлови олинган бўларди. Паҳлавон ҳам шоҳ амрига бўйсиниб соқол мўйловини олиши, атрофига қирқта қўнғироқ тақилган камарни тақиши, пайкона кийим либосни кийиши амр қилинган эди. Бу ҳолат Паҳлавон Муҳаммад учун ўлим жазосига тенг ҳисобланарди. Паҳлавон Муҳаммад мажлис аҳлидан бир қайчи топиб беришларини сўради. Соқолини таги билан қиртишлади. Пайк кийимини кийди. Белига тирбанд ва қўнғироқларни тақиб олди. Шу аҳволда саройдаги базмда ўтирган Султон ҳузурига кириб борди. Бутун сарой аҳли бу мудҳиш вазиятда даҳшатга тушган эди. Агар Паҳлавон Муҳаммаднинг феъли ва иродасини назарда тутсак, у ўзига ўзи ўлим ҳукмини ҳам чиқариб бўлганди. Чунки у замонларда соқолни тагидан олиш эркак киши учун ювиб бўлмас иснод, ҳақорат ҳисобланган. Қаршисидаги ажабтовур пайкни кўрган мирзо деди: "Азизлар, фалак пайки ўзининг қуёш тожини бошига қўйиб, унга бир даста шуълалар хумойи паридан зийнат бериб, юлдузларнинг заррин қўнғироқчаларини камари атрофига тақкан ва нилгун хитой атласидан тақилган қантарасини кийгандан буён бирор подшоҳнинг бу каби пайки бўлмаган! Энди шу нарсанинг ўрники, мен ўзимни ва бу пайкимни олам аҳлига кўрсатмоғим лозим!" шоҳнинг гаплари тугагани заҳоти Ҳирот шаҳрига чопарлар кетиб ҳамма ёқда машъалалар ёқиш бошланганди. Чунки Ҳусайн Бойқаро янги пайки – Паҳлавон Муҳаммадни шу аҳволда халққа кўрсатмоқчи эди. Шоҳнинг нияти паҳлавоннинг ўз ўлимига чиқарган ҳукмини янада тезлаштирарди. Содир бўлаётган мусибатли фожиага гувох бўлиб турган бир ақлли, заковатли киши зудлик билан бу гапни Амир Алишерга етказади. Мир ўша заҳоти отга миниб базмгоҳга етиб келди. Мирзо отга миниб боғи шамол дарвозасида турганди. Паҳлавон билан Тайфур унинг оти жиловидан тутган эдилар. Алишер отдан сакраб тушиб: "Шоҳим, биз Паҳлавон билан ҳар ишга бирга бўлмоққа, ажралмасликка қасам ичганмиз. Паҳлавон қандай йўлни ихтиёр қилган бўлса, камина ҳам шунга қўшиламан. Бу саодат фақат Паҳлавонга тегишли бўлмасин. Ҳукм этинг, мен учун ҳам пайклар кийимини келтиришсин. Паҳлавон иккаламиз бир либосда бўлайлик," – дейди.

Амир Навоийнинг бу гапларини эшитиб ,Ҳусайн Бойқаро ўз хатосини тушунди ва буюрди: "Иноят қилиб, Паҳлавонга узрхоҳлик қилинглар. Устидан бу либосни ечиб олинглар."

Алишер дўсти Паҳлавон олдига келиб, шоҳнинг қарорини унга айтади. Айтишларича ,Мирзо, подшоҳзодалар, Мир Алишер ва аркони давлат бўлиб, Паҳлавонга юз минг танга сийлов бердилар.[1]

Энди Зайниддин Восифий ўз замондоши Алишер Навоий ва унинг дўсти Паҳлавон Муҳаммад иштирок этган кўнгилсиз воқеани қисқача таҳлил қилайлик. Гап шундаки, аввалроқ ёзганимиздек, Паҳлавон Муҳаммад шоҳ амри билан пайк қиёфасида унинг ҳузурида туришга мажбур бўлгани учун ўзига ўзи ўлим ҳукмини чиқарган эди. Ўша замонда ҳар бир эркак киши ор-номуси хақоратланса, ҳаётдан ўлимни афзал билган. Мантиқан фикр юритсак, Алишер Навоий ҳам шоҳ амри билан пайк кийимини кийиб соқолини қиртишлаб олса, ҳаёти якун топарди. Ёдингизда бўлсинки, Ҳусайн Бойқаро подшоҳ эди. Устига-устак яқинда базмда ўтирган эди. Бинобарин, "Сизнинг илтимосингизни бажариш биз учун

[1] Зайниддин Восифий. Бадоеъул вақоеъ. –Тошкент; Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. Б-121-124

фарз”, – деб юбориши ҳам мумкин эди. Охир-оқибат икки дўстнинг фожиасига сабаб бўлувчи вазият вужудга келарди. Алишер Навоий бундай фожиани бўйнига олган эди. Аммо шоҳ ўзининг яқин дўсти, тахтининг доно маслаҳатчиси олдида ғазабидан тушди. Ҳазрат ҳурмати туфайли Паҳлавон Муҳаммаддан узр сўради. Олампаноҳнинг узр сўраши эса Паҳлавон Муҳаммадни ҳақорат ботқоғидан ҳаёт майдонига қайтарди.

Айни чоғда Ҳусайн Бойқаронинг шаҳдидан қайтишига ҳам баҳо бериш адолатдан бўлади. Ҳусайн Бойқаро ёшликдан бирга ўсган, унинг шоҳ бўлишида Ёдгор Мирзонинг тахтга тўсиқ эканини бартараф қилган, уни деб Самарқандга Абусаид Мирзо томонидан сургун қилинган дўсти Алишер Навоий олдида ўзини жуда ноқулай ҳис қилди. Бир неча дақиқада ҳаво олиш учун боққа чиққан ва тасодифан Тайфур билан ҳамсуҳбат бўлгани учун эл орасида шоир, олим, куштигир (курашчи полвон) Паҳлавон Муҳаммадни пайк даражасига тушириб қўйгани учун хижолат бўлди. Ўзини дўсти Алишер олдида оқлаш учун паҳлавондан узр ҳам сўради. Оқибатда ақл билан амалга оширилган амаллар эвазига учта бир бирига яқин дўст орасидаги муносабат аввалгидек қолди.

Энди Паҳлавон Муҳаммаднинг ажойиб гўзал дўст эканини тасдиқловчи бир воқеани эслаб ўтсак. Алишер Навоий Машҳад шаҳрига борганларида бўғинларнинг зирқираб оғриши билан бетоб бўладилар. Тасодифан Паҳлавон Муҳаммад ҳам шу шаҳарда хизмат сафарида экан. Паҳлавон ҳар куни дўстидан хабар олиб туради. Бир неча вақт ўтганидан сўнг Алишер Навоий соғаядилар. Замонасининг машҳур билимдон табиби Мавлоно Абдуссалом Шерозий Алишерга хасталикни батамом мағлуб қилиш учун уқалаш, ходим қилиш давосини буюради. Паҳлавон ҳар куни келиб шоирни уқалайди. Бир куни Алишер қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазал ёзади:

Ҳар қаён боқсам, юзимга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.

Мазмуни: мен қаёққа қарамай, ул қуёшдин, яъни маъшуқадан нур таралиб туради. Қайси тарафга назар ташламай, ул ой менга маъқул ҳолатда кўринади.

Етти байтли ғазални ёзиб бўлиб қоғозни буклаб киссасига солиб қўяди. Паҳлавон Муҳаммад ҳар галгидек келади ва шоирни уқалай бошлайди. Муолажа тугаганидан сўнг шеърият ҳақида суҳбат қуришади. Паҳлавон дўстидан туркий тилда шеър битган шоирларнинг қай бири маъқул эканини сўрайди. Шоиримиз ҳаммани маъқуллайди. Аммо Паҳлавонга бу жавоб ёқмайди. У алоҳида бир шоирнинг номини айтишни талаб қилади. Шунда Алишер устоз Лутфийни тилга олади. Паҳлавон бўлса қатъият билан: “Нечун Саййид Насимийни демадинг?”-дейди. Чунки Насимий туркий ғазал битишда шуҳрат топган шоирлардан бўлиб 1417 йилда даҳрийлик (худосизлик)да айбланиб қатл қилинган. Алишер дўстига Насимий эсига келмаганини, алоҳида шуҳрат топган шоирлардек шеър ёзмаганини айтади. Дўсти бўлса қатъият билан Насимийни ҳимоя қилади ва Алишер эрталаб ёзган “Ҳар қаён боқсам ” – деб бошланадиган матлаъ (ғазалнинг биринчи байти)ли ғазални ёддан ўқиб беради. Фақат охирги байт – мақтаъидаги Навоий тахаллусини Насимий деб ўзгартиради. Алишер Навоийга ўзи ёзган ғазалга Насимий номининг қўлланилиши жуда ғалати туюлади. Шоиримизнинг ҳайрати, таажжубланиши ортиб кетади. Чунки қаршисида ўтирган паҳлавон Алишер эрталаб тузган ва қиссасида букланиб турган ғазални ўта шиддат ва маҳорат билан тутилмай ўқиган эди. Алишер дўстидан: “Бу шеърни қачон ёд қилиб тутиб эрдинг?” – деб сўради. Паҳлавон унга: “ўн икки йил бўлғайки, Бобур (сиз бу исмли шоҳни Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан адаштирманг. Гап Амир Темурнинг абираси Абул Қосим Мирзо Бобур (1422-1457) ҳақида кетяпти) мирзонинг мажлисида бу шеър ўтар эрди,

менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттим," – деб жавоб беради. Суҳбат тугаб, Паҳлавон манзилига кетади. Эртаси кун яна келади. Яна кечаси ғазал муҳокамаси бошланади. Шоиримиз дўстидан ғазалнинг келиб чиқишини қайтадан суриштиради. Паҳлавон кечаги гапида туради. У билан уч-тўртта куштигирлар ҳам келишган эди. Паҳлавон уларга мурожаат қилиб: "Ўқинг, андоққи менинг била ўрганиб эрдингиз," – дейди. Улар ҳам тутилмай, галма-гал ғазални ўқиб кетишади. Алишер ғазални Насимий ёзганига тўлиқ ишонади.

Охир-оқибатда шу нарса маълум бўладики, Паҳлавон дўстини уқалаб турганида, кўзига шоир киссасидаги қоғоз кўринади. Алишерга билдирмай қоғозни аста очса, унга ғазал битилган экан. Қоғозни очиб ёнига қўяди, обдон ғазални ёдлайди ва яна ўз ўрнига оҳиста жойлайди. Шундан сўнг муолажадан кейин суҳбатда атайлаб Насимийни эслайди. Ҳозиргина ёдлаган шеърини эгасига чиройли ўқиб бериб Алишерни ҳайрон қилади. Оқшом ўз хонасига бориб куштигирларни чақириб, уларга Навоий эрталаб ёзган ғазални яхшилаб ёдлатади. Эртасига шоир ҳузурига ўртоқлари билан бориб шундай томоша кўрсатадики, Алишер Навоий дўстининг нозик ҳазилидан ёқа ушлаш даражасида ҳайрат ва таажжубга тушади[1]. Менимча, хақиқий дўстона ҳазил мутойиба ана шундай бегидир бўлиб, ўзининг нафис ва гўзал якунига етиши керак. Яна бир нарсани қайд этиб ўтмоқчиман. Алишер Навоий "Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад" асарини дўсти вафотидан кейин ёзади. Унинг хотира иншосида дўсти хақида ибратли маълумотлар кўп. Аммо Ҳусайн Бойқаро билан бўлиб ўтган пайк воқеасини тилга олмайди. Хақиқий дўст ана шундай бўлади.

Мумтоз адабиёт тарихида икки буюк қобилият эгаларининг ҳамкорликлари самараси жуда кўп марта тасдиқланган. Аммо буюкларнинг буюги ҳам бўлганидек, Ҳазрат Абдураҳмон Жомий ва Амир Алишербек Навоий ўртасидаги муносабат асрлар давомида олий таҳсинга сазорвор бўлиб келмоқда. Маълумки, Абдураҳмон Жомий 1414 йилда таваллуд топганлар. Алишер Навоий 1441 йилда туғилганлар. Рақамларнинг ўрин алмашуви билан ҳосил бўлган ўртадаги фарқ йигирма етти йилни ташкил этади. Холис баҳо берадиган бўлсак, ёшдаги яқин ўттиз йиллик фарқ икки инсон ўртасидаги муаомалада жуда аниқ сезилиши табиий. Яъни биз назарда тутган ёш фарқи билан фақат устоз ва шогирд мақомида алоқа қилиш мумкин. Лекин Жомий ва Навоий ўртасида устоз ва шогирдликдан кўра яқинроқ-ҳақиқий маънодаги дўстлик, биродарлик, хамкорлик муносабатлари шаклланди. Бу муносабатларни кейинчалик адабиётшунос олимлар ислом оламидаги шиа ва сунний мазҳаблари, тожик ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик алоқалари даражасида баҳоладилар. Форс-тожик адабиётида Абдураҳмон Жомийни фақат Абдураҳмон Жомийга ўхшатиш мумкин. Ўзбек адабиётида Алишер Навоийни фақат шоирлар султони Алишер Навоийга ўхшатиш мумкин. Бошқа қиёс йўқ. Бу икки буюк даҳонинг дунёқараши, фалсафий қарашлари, ижтимоий ҳаётга берган баҳолари, моддий бойликка муносабатлари бир хил бўлган. Бири бирини такрорлаган. Бундан ташқари уларнинг табиати ҳам, маънавияти ҳам бири бирига мос эди. Таниқли олим, Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Шоислом Шомуҳамедов "Форс-тожик адабиёти классиклари"[2] китобида икки шоир ҳаётидан қизиқ бир лавҳани келтирадилар. Устознинг мисоллари Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг "Бадоеъ ул-вақоеъ" ("Ажойиб воқеалар") китобида ёзиб қолдирилган:

...Хуросоннинг машҳур шоирларидан Мавлоно Наҳвий Ҳиротий Нимруз яъни Сийистоннинг одамлари ва обу ҳавосини ҳажв қилиб эрдилар, у қасиданинг баъзи байтлари қуйидагича:

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн бешинчи том. Ҳолоти Паҳлавон Маҳмуд. Т. "Фан" нашриёти. 1999. Б-114-117

[2] Шоислом Шомуҳамедов. Форс-тожик адабиёти классиклари.ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. –Тошкент; 1963.

Юлдузданам Саргаштароқ қилди мени фалак,
Мадад бермас толе менга, бахтим доғи пучак.
Вайрона бир ўлка уза тушди менинг йўлим-
Шамол самуми оташу тупроғи шўр-намак.
Қаён борма пистирмада туну кун ўғрилар
Безак каби жонинг олиб, қилғувси бедарак.

Сийистон қозисининг сўзамол ва хушилҳом бир ўғли бор эди. У Мавлоно Наҳвийнинг юқоридаги қасидасига жавоб айтган эди. Унинг жавоб қасидасидан бир байт.

Бу пок замин Сийистонни ҳар кимки хўрлагай
Дарё ҳаром бўлурмиди теккан билан кўппак.

Бу қасида Алишерга етгач: – Сийистон қозисининг ўғли камоли фозил киши экан, ажабким, у ҳануз биз билан танишмоқ йўлини қидирмабди, – дедилар.

Мирнинг бу меҳрибонлигини Қозизоданинг баъзи дўстлари унга етказдилар. У ҳам Мир Алишернинг ҳузурига етмоқ ниятида Сийистондан Ҳиротга келди.

Қозизода Мир Алишер суҳбатига етишганида, ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, Мир унга деди:

– Сиз Мавлоно Наҳвий қасидасига жавоб айтибсиз, ўзингиз айтинг-чи, сиз яхшироқ айтганмисиз, ё Мавлономи?

– Мен яхшироқ айтганман,– деб жавоб берди Қозизода.

Мир Алишер бу жавобни эшитиб, ўйланиб қолди, чунки бу маврид камсуқумлик ва хокисорлик пайти эди, у "Мавлоно Наҳвий яхшироқ айтганлар," –дейиши лозим эди. Хуштабиат ва илм толиби сифатида машҳур бўлган Қозизоданинг бундай ўзини мақташи ва худписандлик қилиши таажжуб эди. Мир шундай мулоҳазаларга бориб, яна сўради:

– Сизнинг қасидангиз яхшилигига қандай далилингиз бор?

– Мавлоно Наҳвий, – деб жавоб берди Қозизода, – Сийистон ва сийистонликлар ҳақида нимаики айтган бўлсалар, ҳаммаси ҳақиқат, мен ул ўлкани мақтаб нима деган бўлсам, ҳаммаси ёлғон. Қадимгилар: Шеър қанчалик ёлғон бўлса, шунчалик яхши" деганлар-ку, менинг шеъримда ёлғон кўпроқ бўлгани учун уникидан яхшироқ".[1]

Қозизоданинг бу жавоби Мирга жуда ёқди ва у Қозизоданинг хуштабиат ва ҳозиржавоблигидан мамнун бўлиб, ҳаддан зиёда инъомлар берди ва илтифотлар кўрсатди"[2].

Иқтибосимиз – кўчирмамиз ҳажми кенгайиб кетгани учун воқеанинг давомини қисқартириб баён қиламиз: Ҳазрат Алишер Навоий бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида Абдураҳмон Жомийга айтганларида устоз ҳам Қозизода билан учрашиш истагини билдирадилар. Бу ҳақда йигитга хабар беришади. У Жомий ҳузурларига боради. Йигитни устознинг ўзлари кутиб оладилар. Аммо ниҳоятда содда кийимда юришни одат қилганликлари учун йигит Абдураҳмон Жомийни хизматкор деб ўйлайди ва устоз Абдураҳмон Жомийни чақириб беришни буюради. Махдум ҳазрат унинг қаршисида ўтирадилар. Шунда хизматкорнинг буйруққа итоат қилмаётганидан ранжиган меҳмон унга дўқ ура бошлайди:

– Эй, гўлу гаранг! Ичкарига кириб Махдум жанобларига Сийистон қозисининг ўғли келди, хизматингизни орзу қилади, деб арз қилсанг бўлмайдими? – дейди заҳархандалик билан.

---

[1] Қадим шеърларда муболағанинг жуда кучли бўлиши талаб этилган. Шунинг учун арабча калима "Аҳсануҳо- акзабуҳо" энг яхши шеър-энгёлғон шеър-дейилган. Бунда Қозизода шундай чиройли жавоб бериши билан, ўзини ёлғончи, Наҳвийни эса ҳақиқатчи қилиб, унинг иззатин ҳам жойига келтирган.

[2] Шоислом Шомуҳамедов китобида. Б-161-162

Жомий бу топшириқни эшитиб, ўзини тутолмай кулиб юборди.
Қозизода қовоғини солиб, ўтдек ёниб деди:

Не бало, сизнинг бу кулгингиз мунча чиройли!

Шу пайт Ҳирот катталари ва олимлари меҳмон бўлиб келиб қолишади.
Ҳаммалари Жомийга таъзим қилишади. Уни хизматкор ҳисоблаётган йигит яна тааҗжубланади. Йигит ўйлайди: “Субҳоноллоҳ, шаҳар катталари махдумнинг шу бир оддий хизматкорига шундай арзи эҳтиром қилишса, Махдум ҳазратларининг ўзлари қандай улуғвор эканлар?!”
Ҳамма меҳмонхонага киради. Жомий одати бўйича пастда, даҳлиз эшиги ёнига ўтиради. Қозизода эса Амир Атоуллоҳ ёнида бўлади. Уни оҳиста туртиб: “Нима учун Махдум ҳазратга хабар беришмаяпти?” деб сўрайди. Амир Атоуллоҳ: “Сиз бу шаҳардан эмассиз шекилли. Кавш ечадиган жойда ўтирган киши ҳазрати Махдум бўладилар”. –дейди.
Қозизода бу гапни эшитади-ю, шиддат билан ўрнидан туриб қочиб кетади. Жомий буйруқлари билан уни тутиб келтиришади. Йигит мени жазолайдилар, деб ўйлаб кечирим сўрайди.
Жомий унга таъзим қилиб, кўп меҳрибончиликлар кўрсатди ва деди:
"Мен умримда ҳеч ким билан учрашиб, сиз билан учрашганимдек хурсанд бўлган эмасдим”[1].
Юқоридаги мисолдан биз Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий табиати ҳақида жуда катта маълумот оламиз ва уларнинг феъллари жиҳатдан дўст эканликларига ишонч келтирамиз.
Жомий ўз замонасининг буюк олимларидан бўлган. У ҳатто машҳур Қозизода Румий маърузаларини эшитган, устознинг математика ва алгебра фанларидан берган саволларига ўша заҳоти жавоб бериб имтиҳонидан ўтган. Жомий Алишер Навоий билан тахминан 1460 йилда танишган. Юқоридаги Қозизода воқеасидан маълум бўлишича, бу дўстлик биринчи навбатда икки буюк инсоннинг табиати, феъл-атвори, ўзига хос самимий муносабатни хуш кўришлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, Алишер Навоий ҳам Самарқандда математика, кимё, физика, астрономия фанларини эгаллашда ўз даврида олий мартабага эришган. Учинчидан, бадиий адабиётга муҳаббат, сўз санъати сирларини мукаммал ўзлаштириш, фавқулодда ижод маҳоратига эгалик қилиш, яъни ижод кўламининг чегара билмаслиги уларни аввало устоз ва шогирдлик муносабати билан, кейинчалик дўстлик, ҳамкорлик иплари билан умрбод боғлади. Алишер Навоий қандай йирик асар ёзмасин, давлат арбоби сифатида қайси амалда ишламасин, подишоҳ ва халқ ўртасидаги муаммоларни ҳал қилмасин, албатта Абдураҳмон Жомий билан маслаҳатлашган, унинг ҳаёт тажрибасидан, фикрий донолигидан фойдаланган. Шоир муттасил равишда Шарқ олами тан олган устозларни эслар экан, Жомийнинг номини улар қаторида тилга олади:

Йўлласа бу йўлда Низомий йўлим,
Қўлласа Хусрав ила Жомий қўлим.

Абдураҳмон Жомий “Хирадномаи Искандар” достонининг хотимасида Алишер Навоийнинг “Хамса”си ҳақида шундай дейди:

[1] Ўша жойда. Б– 162– 164.

...Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа,
Хуш хабарлар келтурганнинг юрти Ганжа.
Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.
Осмондин мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдан келди гўзал сўз оламга.
Кечирсинлар форсий тилда дур терганлар,
Дари тилда назм инжусин келтирганлар.
Агар ул ҳам назмин ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда...
Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.
Сенинг ақлу фикринг била сафо топди,
Эй Навоий, лутфинг билан наво топди.

(Ғафур Ғулом таржимаси)

Юқоридаги мисраларни яна бир марта ўқиб чиқсангиз, Жомий Ҳазратнинг ўз шогирди, дўсти Алишер Навоийга қанчалар ҳурмат назари билан қарашига амин бўласиз. Аслида Жомийнинг ўзи фахрли буюк шоир эди. Энди ана шундай ижод соҳиби Алишер Навоий унинг шогирди, дўсти эканидан фахрланаётганига гувоҳ бўлдингиз. Дўстлик мартабасининг бундай улуғ мақомда намоён бўлиши асрнинг давомидаги тарихда жуда кам учраса керак. Агар мутлақо учрамаса ҳам ажабланишга ҳожат йўқ. Чунки бу дўстлик Жомий ва Навоий ўртасидаги ипак толаси билан тортилган жон иплари эди.

Алишер Навоий ва Мирзо Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги дўстлик ҳам алоҳида таҳсинга сазовор. Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) буюк Амир Темурнинг абираси Ғиёсиддин Мансур Мирзо (1413-1445)нинг ўғли эди. Алишер сарой хизматчиси Ғиёсиддин Кичкинанинг ўғли бўлгани учун саройдаги шаҳзодалар билан яқин дўст бўлган. Хусайн Бойқаро ҳарбий илмларни жуда яхши эгаллаган, жисмонан бақувват, айниқса шоирлик иқтидори бор шаҳзода эди. Шунинг учун Алишер ва Хусайннинг мактабда дарс олиши бирга кечган. Кейинчалик, Абулқосим Бобур вафот этганидан сўнг Ҳусайн тахт учун асосий даъвогар сифатида ўқишни ташлаб лашкарбошилик фаолиятини бошлаб юборган. Алишер билан Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўстлиги Мовароуннаҳр подшоси Абусаид Мирзога маълум эди. Шунинг учун шоҳ Алишерни Ҳиротдан узоқлаштириб Самарқандга жўнатиб юборади. Унинг отасидан қолган мол-мулкни мусодара қилади. Ҳусайн Мирзо 1469 йилда мамлакат тахтига ўтиргани заҳоти Алишерни Самарқанддан Ҳиротга қайтаради ва унга муҳрдорлик вазифасини топширади. Ҳусайн Бойқаро жуда ақлли тадбиркор шахс эди. Унинг учун Алишердек доно ва эл ҳурматидаги инсоннинг саройда хизмат қилиши ҳам сиёсий, ҳам амалий аҳамият касб этишига эришган.

Тарихчи Ғиёсиддин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” китобида ёзишича, 1470 йилда Ёдгор Мирзо туркман ёрдами билан Хуросонни ўз қарамоғига олиш режасини тузади. Соҳибқирон Султон Ҳусайн Бойқаро унга қарши қўшин тайёрлайди. Машҳад шаҳридан ўтгандан сўнг Ёдгор Мирзонинг яқин масофада экани ҳақида хабар келади. Ҳусайн Бойқаро унга қарши ҳужум қилишнинг фойда-зарари тўғрисида мунажжимлар ҳукмини кутади. Шунда ҳазрат Алишер айни пайтда мунажжимларга эмас, вазиятга қараб иш тутишни маслаҳат беради. Дўсти унинг фикрига қўшилиб ҳужум бошлайди ва ғалаба қилади. Алишернинг тадбири муҳим жангда Ҳусайн Бойқарога мадад бўлади. Кейинроқ Ҳусайн Бойқаронинг сафарда эканидан фойдаланган Ёдгор Мирзо Ҳиротни эгаллаб тахтга ўтиради ва халққа

зулм қилишни бошлаб юборади. Ҳусайн Бойқаро дўсти Алишердан маслаҳат сўраб шундай дейди: “Эшитишимча, туркманлар салтанат пойтахти Ҳиротда жабр-зулм байроғини тикибдилар. Мирзо Ёдгор Муҳаммад эса ўта роҳат-фароғат ва ғафлатда айш-ишрат чироғини ёққанмиш. Шунга кўра кўнглимдан шу нарса ўтмоқдаки, агар сизнинг фикрингиз тақозо қилса, у томонга юрсак.” Ҳазрат Алишер бу қарорни маъқуллайди. Фақат дўстига ўз ҳаракатини ниҳоятда сир тутиш лозимлигини уқтиради. Соҳибқирон бу уқтириш сабабини сўраганида, Алишер ҳар куни неча-неча лашкарлар Ёдгор Мирзо тарафига ўтиб кетаётганини далил қилиб кўрсатади ва эҳтиёт бўлиш лозимлигини яна таъкидлайди. Агар Ёдгор Мирзо ҳужумдан хабар топса, ғалаба шубҳа остида қолишини айтади. Хуллас, Ҳиротга сирли равишда яқинлашилади. Энди бевосита ҳужум вақтини тайинлаш керак эди. Лашкарбошилар пешинни маъқул кўришади. Алишер эса тунни таклиф қилади. Ҳусайн Бойқаро дўсти фикрига амал қилади. Ёдгор Мирзо қўлга олинади ва охират оламига равона қилинади.[1]

Кўриниб турибдики, Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллашда Алишер Навоий ёрдамидан яхшигина фойда кўрган. Шу билан бирга унинг ўзи тахтга ўтирганидан кейин Алишер Навоийни давлатни бошқаришга жалб қилади. Унга муҳрдорлик лавозимини беради, Амирлик унвонига сазовор қилди. Юртнинг тинчлигини таъминлашда дўстига суянади. Аммо сарой муҳити муттасил равишда икки дўст ўртасида низо пайдо қилишга тиш-тирноғи билан уринди. Ниҳоят, 1487 йилда шоирни Ҳусайн Бойқаро Астробод шаҳрига ҳоким қилиб тайинлаш баҳонаси билан Ҳиротдан четга чиқариб юборади. Навоийга қарши уюштирилган суйқасднинг фош бўлишигина унинг Ҳиротга қайтишига асослик вазифасини бажаради. Аммо Алишер Навоий ўзининг асарларида Ҳусайн Бойқаро ҳақида салбий фикр билдирмайди. Ҳар ҳолда дўстининг юрт тақдирига масъул шахс эканини назарда тутган бўлса керак. Мамлакатни якқалам қилишдек олий вазифани бажарган Алишер Навоий асарларида ўрни келганда, Ҳусайн Бойқаронинг бадиий асарларни ҳис қилишда ўзидан кўра нозикроқ туйғуларга эга эканини тан олишдан чўчимайди. Шоҳнинг бу хислати кўп жиҳатдан шоиримизнинг яхшироқ ижод қилишида қўл келади. Чунки Алишер Навоийнинг биринчи ўқувчиси Ҳусайн Бойқаро эди. Оқибатда шоир ижод қилар экан, битилаётган янги назм намунаси ҳақида дўсти қандай фикр билдириши мумкинлигини тасаввур қилиб туришга мажбур эди. Ҳусайн Мирзога эса ўртамиёна асарларни маъқул қилиш мумкин бўлмаган. Фикримизни далиллаш учун бир мисол келтирамиз. Алишер Навоий ҳикоя қилишларича, ёшлик пайтларида бир куни ёмғир ёғаётган чоғи мавлоно Лутфийни учратиб қоладилар. Ёмғир ёғаётгани учун Мавлоно ёш суҳбатдошларига Мир Хусравнинг бир байти мазмунини айтиб берадилар. Унда тасвирланишича, гўзал бир инсон баҳор айёмида йўлда бораётган экан. Ёғин жиҳатдан ер балчиқ бўлиб, унинг оёғи балчиқдан тойиб йиқиладиган пайтида жуда нозиклигидан ёғаётган ёмғир ипини ушлаб ўзини тутиб қолган экан. Мир Хусравнинг гўзал ифодасига офаринлар ўқишибди. Кунлардан бир кун Алишер бу ҳодисани эслаб мажлис аҳлига маълум қилибди. Ҳамма тасвирга қойил қолибди. Аммо Ҳусайн Бойқаро дўсти Алишер айтган ҳодисага кўп илтифот кўрсатмайди. Кейинроқ шоиримиз дўстидан лоқайд муносабат сабабини сўраганида, Ҳусайн Мирзо: “...ул ёғин юқоридан қуйи иниб келадур, муқаррардурким, риштасиға дағи ҳамул ҳолдур... анинг мадади била йиқиладурғон ўзин асрамоғи маҳолдур.” Яъни ёмғир осмондан пастга ёғади. Демак, йиқилаётган одам пастга томон ёғаётган ёмғир томчиларини мадад қилиб йиқилмай қолиши мумкин эмас. Шундан сўнг Алишер Навоий ўз камчиликларини тан оладилар ва :”Қулоқ тутиб ўз нуқси табъимға муътариф бўлдим”, - деб ёзадилар. Яъни Ҳусайн Бойқаронинг мантиқий мулоҳазаларига қулоқ тутиб ўзимнинг нотўғри фикрда эканимни тан олишга мажбур бўл-

[1] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. 2015. Б-23-27.

дим,-дейилмоқчи. Алишер Навоий ўз баёнини давом эттириб Ҳусайн Бойқаро суҳбатининг сўнгида Мир Хусрав шеърида қайд қилинган тасвирдан кўра мана бу байт маънилироқ эканини айтади:

Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам, айлар мадад,
Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворға.[1]

Мазмуни: хасталикдан, касал бўлганимдан ётган хонамда туришни истасам, шу қадар озиб кетганманки, ўргимчак деворга тўр осган бўлса, шу тўр мен учун мадад бўлади. Унинг тўрларини ушлаб туриб кетаман.

Ҳақиқатдан ҳам, шоҳ-шоир мисолида мантиқ бор эди. Чунки ўргимчак тўрида мантиқан ниманидир кўтара олиш қуввати бор.

Алишер Навоий дўсти Мирзонинг шеъриятни ҳис қилиш туйғуси кучли эканини тасдиқлаш учун ёш шоир Қобулийнинг бир шеъридаги байтни ўзгартириб берганини ёзади. Буни қарангки, Қобулий ўз ғазалини шоҳ ҳузурида ўқиганида, Ҳусайн айни ўша байтга эътироз билдириб, бу икки мисрани ёзган, Қобулий иқтидоридан юқори даражадаги шоир эканини айтган экан. Ҳатто уни Алишер Навоий ёзганини ҳам тахмин қилган экан.[2] Юқорида келтирилган мисоллар Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан дўстлиги улардаги қобилият, зеҳн, заковат фазилатлари жуда яқинлигига асосланишини далиллайди. Шундай қилиб, суҳбатларидан баҳраманд бўлаётган Алишер Навоий ҳаётлари давомида яқин замондошлари билан дўстлик муносабатларида яшаганлар. Муҳими, бу инсон фақат ўзигагина садоқат кўрсатиш қоидасидан узоқ бўлганлар. Уларнинг ўзлари ҳам дўстларига фидойи инсон эканликлари билан ҳурмат қозонганлар.

* **

Алишер Навоийнинг лирик меросида дўст кишига оид бир қатор намуналар бор. Аввало қайд этиш лозимки, Алишер Навоий "дўст" сўзи билан синоним маъно билдирувчи "ҳабиб", "маҳбуб", "анис" каби сўзларни қўллайди. Уларнинг ҳаммаси моҳиятан дўст, ўртоқ, биродар, суҳбатдош тушунчаларига эга. Шубҳасиз, буюк аллома ва мутафаккир сифатида шоирнинг дўстга қўядиган талаби унинг ҳаёт тажрибасидан ҳосил бўлган хулосаларга, фалсафий мушоҳадаларига таянади. Эхтимол, шунинг учун ҳам Алишер Навоий замондошларига, қолаверса, келажак авлодга дўст танлаш хақидаги маслаҳатларни берар экан, биринчи навбатда ҳар кимнинг инсон бўлиши лозимлигини таъкидлайди:

Қилғай инсоният ар кўз мардумиға тутса унс,
Эй Навоий, яхшидур инсонға инсондек анис.[3]

Мазмуни: агар ҳар бир инсон ўзига яқин тутишни хоҳлаган кимсага кўз ташламоқчи бўлса, ёки ҳар бир инсон яқин одамни ўзига дўст тутмоқни истаса, эй, Навоий, ҳар бир инсонга ҳақиқий инсон дўст бўлсин.

Байтда "инсон" ўзакли сўз уч марта такрорланган. Бу йўл билан шоир байтнинг мазмун-моҳияти ана шу сўз билан изоҳ топишга ишора қилмоқда. Агар чуқурроқ фикр юритадиган бўлсак, адиб ИНСОН деб аталувчи буюк зотга мансуб кишиларни инсон деб аталишга

[1] Алишер Навоий.Мукаммал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. –Тошкент; Фан, 1997. Б-206-208
[2] Алишер Навоий.Мукаммал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. –Тошкент; Фан, 1997. Б-208-209
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. –Тошкент; Фан. 1999. Б-170

лойиқ бўлишга чақирмоқда. Инсон бу дунёга одам бўлиб келдими, аввало Аллоҳнинг шу марҳамати учун шукр қилмоғи лозим. Бандаликни бажо келтириб нариги дунёга сафар қилганида, ундан инсонга қўйиладиган талаблар, бу талабга қай даражада жавоб бера олиши сўралади. Яъни инсон бўлиб дунёга келдинг, ҳаётнинг давомида бу номга содиқ ҳаракатда бўлдингми?- деган савол берилади. Савол заминида ота-онага, қариндошга, Ватанга, халққа, меҳнатга муносабат масаласи ётади. Бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган, атрофидаги одамларга қўпол муомалада бўладиган, илм олишни, ҳунар ўрганишни, борингки, китоб ўқишни одат қилмаган инсон инсон бўладими?! Бундайларни инсон қиёфасида нафас олиб, овқат истеъмол қилувчи жонзот деб аташ мумкин холос. Навоий эса ўз ижоди мисолида бизни маънавий ҳуқуқи бор устоз сифатида имтиҳондан ўтишга чорламоқда. Айни пайтда устозимиз бизга ўзларининг яхши эзгу ниятларини ҳам "яхшидур инсонға инсондек анис",-деб билдириб қўймоқдалар. Яъни инсоннинг дўсти инсон бўлиши лозимлигини таъкидламоқдалар. Алишер Навоий шунга ўхшаган фикрни тескари маънода ҳам билдирган. Хусусан, бир ғазалда "Бўлса савдо аҳли, тонг йўқ, аҳли савдо бирла дўст" – дейилади. "Савдо" сўзи мумтоз адабиётда тентаклик, ақлдан озиш маъносини ҳам ифодалайди. Демак шоир бу мисрада ақлдан озган одамлар ақлдан озган одамлар билан дўст бўлса, ажабланманг, – демоқчи.

Алишер Навоийнинг дўст ҳақида ички туйғулари ифодаланган лирик ғазалларида энг яқин кишилардан хасрат қилиш мазмунидаги намуналар ҳам бор. Уларда шоир асосан хиёнат қилган, аҳдида турмаган, дўстликка лоқайд қараган кимсалардан шикоят қилади. Бир байтда аламдан шундай нола чеккани, бу ноланинг ғамли оҳангидан душманлар ҳам ухлай олмагани, аммо лоқайд дўстининг бедор бўлмагани айтилса, иккинчисида дўстининг аҳдидан воз кечгани ва шоирнинг иккинчи бундайлар билан дўст тутинмаслиги изҳор қилинади. Ниҳоят, шоирнинг аҳволига дўстининг раҳми келгани, дўстдан эса жабр кўрганидан хасрат қилиб, кўп дўстларнинг шоир ўлганидан кейингина қадрига етиши таъкидланади. Айтмоқчимизки, шоир лирик асарларида ҳам дўстлик муносабатларига ўта жиддий ва масъулият билан ёндашганига гувоҳ бўламиз.

Ҳаётдаги ҳар бир шахснинг дўст деб аталган кимса ёки нарсага нисбатан ўз ўлчови, мезони бўлади. Ижодий фазилатга эга инсон ўзига ўхшаган хусусиятли одамни дўст деб билса, салбий табиатли нопок одамлар разил, мунофиқ кимсаларни "дўстим" деб атайдилар. "Дўст" сўзига ўзбек тилининг изоҳли луғатида шундай таъриф берилган. "Дўст" – форсий сўз бўлиб, шафқатли ўртоқ, ёр, ошна, маҳбуб(а) қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки ундан ортиқ кишининг ҳар бири[1]. Эътибор берсангиз, бу таърифда "Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман" мақоли тўлиқ ифодасини топган.

Ҳазрат Навоийнинг "дўст" тушунчаси билан боғлиқ мулоҳазаларини ўрганар эканмиз, бу сўзнинг маъно чегарасини билиб қўйинг,– деб луғатга мурожаат қилдим. Чунки айрим тенгдошларингиз дўст деганда, асосан, икки ўғил бола ёки икки қиз бола ўртасидаги яқинликни тушунади. Ваҳоланки, дўст деганда бир томондан "Алпомиш" достонидаги Ҳакимбек ва Қоражоннинг ўзаро садоқати, иккинчи томондан Ҳакимбек ва Қоражоннинг бир-бирига яқинлиги, учинчи томондан Ҳакимбек ва Бойчиборнинг хамжиҳатлиги назарда тутилади. Шунинг учун Алишер Навоий достонларини дўст тушунчасисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Албатта, бу мавзуни ҳар томонлама мукаммал талқин қилиши мумкин ҳам эмас. Би-

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти. Биринчи жилд.2006. –Б. 677.

нобарин, айрим зарур нуқталарга аниқлик киритишни назарда тутиб иш олиб борганимиз маъқулга ўхшайди.

Алишер Навоий беш достондан иборат “Хамса”да, “Лисонут тайр” достонида бошқа илмий ва бадиий ижод намуналарида қайта-қайта дўст тушунчасини ифодаловчи лавҳаларга мурожаат қилади. “Ҳайрат ул-аброр” достонининг ўн иккинчи мақолатида қаламни зулм қуролига айлантирган амалдорлар ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг ўзаро дўстлиги халқнинг азоблари мақсадида тузилган шартномани эслатади. Шоир улар келган уйга бало келди, бало эмас вабо келади дейди. Дўстлигини эса:

Бир-бири бирла бўлишиб ўйла дўст
Ким кишиким кўрса дегай мағзу пўст, –

деб таърифлайди.

Сиз “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги Шер билан Дуррож ҳикоясини биласиз.

Уларнинг дўстлигини ҳақиқий маънодаги дўстлик деб бўлмайди. Айниқса, Дуррожнинг Шерни синовдан ўтказиши, охир оқибатда ўзи учун фожиа билан якунланади. Шоир бундай дўстликни қоралайди. Аммо саккизинчи мақолатдаги икки вафодор ёр ўртасидаги иноқликни шоиримиз дўстлик мамлакатидаги мадҳия даражасида таърифлаган. Бадиий адабиётда адиб илгари сурган ғоясини ўқувчига сингдириш учун баъзан шартли вазиятларни ўйлаб топишга эришади. Темур Кўрагоний душманларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказиш фармонини берди. Бир аскар иккита бечора севишган ёшларга дуч келади. Фармон билан бирига қилич урмоқчи бўлса, иккинчиси дод солиб аввал ўзини ўлдиришни сўрайди. Унга қилич солмоқчи бўлса, аввалгиси дод солади. Севишганлар бир-бирини шу қадар эъзозлар эдиларки маҳбубасининг ўлимини кўриш йигит учун ўлимдан оғирроқ эди. Шунинг учун улар тиғ талашар эдилар. Бу икки вафодор ёрнинг бир-бирига кўрсатган садоқатидан таъсирланган шоҳ уларнинг иккаласига ҳам, ҳаёт қолган одамларга ҳам омонлик эълон қилиб юборади. Оқибатда ҳақиқий маънодаги дўстлик булоғидан сув ичган муҳаббат аҳллари бутун хамқишлоқларининг ҳам ҳаётларини сақлаб қолишади. Алишер Навоий ана шундай дўстлик тарафдори.

Алишер Навоий ижодида эпик достонлар алоҳида ўринга эга. У яратган олтита достоннинг ҳар бири ўзбек мумтоз адабиётида қимматбаҳо, аслини айтганда, бебаҳо мўъжизалар ҳисобланади. “Фарҳод ва Ширин” достони эса улар орасидаги алоҳида қадрга эга ноёб дурдона. Шоир бу асарни алоҳида меҳр, алоҳида кайфият билан яратган. Ҳозир олиб бораётган суҳбатимиз мавзуси – дўстлик ҳақида ҳам достондан ўта эътиборли фикрлар оламиз. Ҳазрат Навоий катта ҳаёт тажрибасига эга мутафаккир сифатида бу асар заминига дўст ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларини сингдириб юборди. ”Дўст кулфатда синалар” деганларидек, Фарҳод тимсолини Шопур билан бойитди. Асосан ҳозиргина эсга олинган ҳикматли сўздан англашиладиган қоидага амал қилди. Фарҳод денгиз сафаридан кейин савдогарлар кемасига дуч келди. Кемага қароқчилар ҳужум қилди. Кемада Шопур ҳам бор эди. Демак, Фарҳод хам дўстлик алоқаси боғланмай туриб Шопурни кемадаги ҳамма йўловчи қатори қароқчилар ҳужумидан қутқарди. Шу жасорати билан Шопур қаршисида кулфатда синалди. Энди навбат Шопурнинг синалишига келди. Агар достоннинг мазмуни билан яқинроқ танишсак, қизиқ бир ҳақиқатга дуч келамиз: Шопур дўсти Фарҳоднинг кейинги ҳаёти давомида деярли ҳар сафар мушкул пайтларда тилга олинади. Муаммоли вазиятларда дўстининг ҳамроҳи сифатида унга ёрдам беради. Бошқа вазиятларда биз Шопурнинг борлигини билиб турамиз, аммо шоир унинг исмини тилга олмаётганини сезмаймиз. Келинг, икки ажойиб инсоннинг дўсти бўлиш тарихини, дўстлигини батафсилроқ эслайлик.

Аввало Шопурнинг достондаги ўрнига баҳо берайлик. Шопур Низомийнинг достонида Хусравнинг қиссахони қилиб тасвирланган. У Хусравга Ширин билан муносабатларида ёрдам беради. Хусрав Деҳлавийда Шопур Хусравнинг доимий ҳамроҳи эди. Ширинниng суратини кўрсатиб, у билан Арманияга боради. Алишер Навоий эса Фарҳод билан Шопурнинг тасодифан учраб дўст бўлганини маъқул кўради. Шопур ўзининг рассомлиги билан шуҳрат қозонган эди. Шаҳзода Фарҳодга атаб тўрт қаср қурилишида Чин мамлакатидаги машҳур рассом Моний иштирок этган эди. Кейинчалик Моний Фарҳодга ўз ҳунарини ўргатганди. Ана шу Моний Шопур Чин мамлакатида сафарда юрганида ундан рассомликка ёрлиқ сўрайди. Аммо Шопур Монийнинг рассомлик даражасини маъқулламай унга ёрлиқни раво кўрмайди. Эътибор беринг. Навоий тасвирлаётган воқеаларига жуда мукаммал тузилган режа билан ёндашади. Моний ўз юртида номи чиққан рассом. У Фарҳодга ҳунар ўргатган устоз. Шопур Монийдан ҳам моҳир рассом бўлиб чиқади. Энди шундай олий даражадаги инсон ўзининг хизматини, дўстлигини Фарҳодга таклиф қиляпти. Бу усул биз-ўқувчилар олдида Фарҳоднинг қанчалар олий даражадаги инсон эканлигини тасдиқлашга ёрдам берганига гувоҳ бўламиз. “Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман”, – деган ҳикматли сўзларни эсланг. Ана шундай ажойиб фазилатлар эгаси Шопур нимадандур қаттиқ азоб чекаётган Фарҳоднинг кўнглини кўтарай, унинг дардига малҳам бўлай деб уриняпти. Аммо Фарҳод унинг уринишларига лоқайд. Шопур ҳам анойиларидан эмас. У етук руҳшунос сифатида Фарҳод кўнглига йўл топиш ҳаракатини қилади. Мавзу севги соҳасига келганида, Фарҳодда ўзгариш рўй беради. Шопур севги ҳақида ғаройиб воқеаларни ҳикоя қила бошлайди. Шунда Фарҳод йиғидан ўзини тута олмайди. Охири шу даражага етадики, энди Фарҳод Шопурни кўрмаса чидамайди. Шопур оқибатда Фарҳоддан ғамгинлик сабабини билиб олди. Фақат Фарҳод дўстига ўзининг ҳаётда кўрганларини, сеҳрли ойнада Ширин ҳуснига шайдо бўлганларини тушида кургандек ҳикоя қилади. Шоир бу саҳифаларда суюкли қаҳрамонининг руҳий ҳолати нақадар аянчли эканига бизни ишонтиради. Айнан шу пайтда дўстнинг ёрдами зарур эканига ҳам амин бўламиз. Кўп ўтмай бу ёрдам етиб келди. Яъни Шопур Фарҳоднинг ҳикоясидан Ширин ўзини кўрсатган маскан Арманистон эканини билади. Ахир у дунёнинг ҳамма юртларини кезиб чиққан эди-да. Арманистондаги Фарҳод кўрган табиат манзарасини чизиб беради. Фарҳод Шопур маҳоратига қойил қолиб, бир неча марта ҳушидан кетади. Дўсти уни бағрига босиб, Арманистон сари йўл бошлайди. Чўлу саҳролардан ўтиб, Арман ўлкасига етиб келишади. Аммо бу ерда машаққат билан тоғ қазиётган одамларни кўриб, Фарҳоднинг уларга раҳми келади. Қорандан ўрганган тошторошлик ҳунарини ишга солиб азоб чекаётган одамларнинг мушкулини осон қилади. Нотаниш одамларга раҳм қилдими, Аллоҳ уни мукофатлаши керак. Фарҳод учун Ширинни кўришдан ҳам олий мукофот бормиди? Фарҳоднинг жасоратини эшитган Ширинниng ўзи Фарҳодни кўришга келади. У ғаройиб ҳунар кўрсатган йигитга миннатдорчилик билдиради.Фарҳод эса Ширинга унинг жон ато этган нафасидан ўлганини, умр қийинчилигидан ҳам қутулганини айтади-ю ҳушидан кетади. Ана шундай мусибатли бир дамда яна Шопур пайдо бўлади. Фарҳодни бағрига босиб дод солади. Алишер Навоий тасвирида ҳамиша Фарҳод энг оғир вазиятда қолгани заҳоти ёрдамга Шопур етиб келади. Бу анъана достоннинг якунигача давом этади. Хусусан, Хусрав юборган биринчи сеҳргар Фарҳодга ўзини гўё маъшуқасидан айрилган ошиқдек кўрсатади. Унинг ҳийласидан таъсирланган Фарҳод беҳуш йиқилади. Шунда разил сеҳргар унга ҳушига келтирадиган дори ўрнига беҳуш қиладиган дори сепилган гулни ҳидлатади. Бу вазиятга Шопур қаршилик қилолмайди. Аммо сеҳргарга баланддан туриб шундай тош отадики, сеҳргар тил тортмай ўлади. Фарҳод Хусрав томонидан ҳибсга олингандан кейин Ширин ёзган мактубни ҳам Шопур эгасига топширади. Алишер Навоий тузган мукаммал режа асосида Фарҳод хиёнат қурбонига

айланиши лозим эди. Чунки шоир тасаввурида кундан-кун авж олаётган қонли урушлар замонида, ошганидан ошиб бораётган солиқлар, ҳар сонияда куч кўрсатаётган фитналар замонида Фарҳоддек пок кўнгилли, имонли инсон яшаб қолиши мушкул эди. Фарҳоднинг ўлими тасвирланган саҳифаларни шунчаки кўз югуртириб ўқиш мумкин эмас. Унинг ўлимидан бутун табиат, халқ мотамга тушади. Ҳатто, Хусравнинг ўзи ҳам маълум муддат азоб чекади. Ана шундай бир вазиятда Шопур дўстига мадад кўрсатолмайди. Чунки уни Хусрав занжирлаб қўйган эди. Эътибор берсак, адибнинг тасвирдаги бу қарори ҳам бежиз эмасдек туюлади. Шопурни Шеруя Ширин илтимосига кўра занжирдан бўшатади. Аммо Фарҳод ҳаётдан кўз юмган эди. Бу мусибатдан хабар топган Шопур дод фарёд қилади, баданини узиб парча-парча қилади.

Ўзингиз гувоҳ бўлдингизки, Алишер Навоий дўст деб аталган тушунчага жуда жиддий муносабатда бўлган экан. Чунки Ҳазратнинг ўзи дўсти учун жонини фидо қилишга тайёр инсон эдилар. Дўстнинг инсон хаётидаги ўрнини юқори савияда баҳолар эдилар. Ҳар бир инсонга инсондек дўст кераклигини таъкидладилар. Бинобарин, сиз ҳам дўст тутишда, дўст бўлишда бобомиз Алишер Навоий маслаҳатларига амал қиласиз, деган умид билан суҳбатимизни якунлаймиз.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ВАТАН

Тўртинчи суҳбат

Ватанни севиш инсон қалбида илоҳий қудрат билан пайдо бўлган туғма фазилат. Аждодларимизнинг ҳикматларида бола гўдаклигида бошқа бир юртга тақдир тақозоси билан олиб кетилган бўлса-ю, улғайганидан кейин туғилган жойига қайтиб келса, унинг руҳида кескин бир ажиб ўзгариш рўй беришлиги қайд этилган. Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида шундай дейди: "Биз – туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар арабистонларини қумлик, иссиқ чўлларини, эскимулар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди"[1].

Ўзбекистон – бизнинг ватанимиз. Мен ўтган асрдаги тала-тўпларда отаси чет элларга кетишга мажбур бўлган бир одамнинг ўғлидан: "Мен Ватандамасман – Ватан мендадир" деган ҳайратомуз бир гапини эшитганман. Ваҳоланки, бу гапни айтган инсон чет элда туғилган, чет элда ўсган, иқтисодий жиҳатдан тўкинликда яшаётган ватандошимиз эди. Биз бу ўринда дастлабки суҳбатларимизда ватан ҳақида айтилган мулоҳазаларимизни эсласангиз маъқул бўлади. Биз Ҳазрат Алишер Навоийни ҳеч иккиланмай ватандошимиз, дейишимиз мумкин. Чунки тарихий нуқтаи назардан XV асрда бугунги кундаги давлатлараро чегара жорий бўлмаган. Миллатлар орасидаги тафовут ҳам ҳозиргидай чекланмаган. Бу анъана ҳалигача миллатлар ўртасида маълум даражада давом этади. Олимларнинг хабар беришларича, ҳозир ҳам Афғонистонда уч миллиондан ортиқ ўзбек истиқомат қилади. Аслини олганда, Алишер Навоийнинг ижодидаги Ватан мавзусини таҳлил қилишда, шоиримиз ҳаёти давомида Ватан деган улуғ тушунчага садоқат билдиришларида юқорироқда қайд этган мулоҳазаларимиз алоҳида муҳим аҳамият касб этмайди ҳам. Чунки биз суҳбатимизни Ватан мавзусида давом эттирмоқчимиз.

Алишер Навоий ҳаёти билан танишар эканмиз, уларнинг умр бўйи асосан Ҳиротда яшаганларини биламиз. Аммо ёшлик пайтларида Ғиёсиддин кичкина оиласи Ироққа кўчади ва улар Тафт шаҳрида яшайдилар.Кейинчалик шоиримиз Машҳадда ўқишни давом эттиради. Тақдир тақозоси билан Алишер Навоий Самарқанд, Марв, Астробод шаҳарларида ҳам яшаган. Лекин шоир учун она юрти асосан Ҳирот шаҳри тимсолида Ватан ҳисобланган. Бошқа шаҳарларда яшашни шоир мусофирлик, ғариблик билан тенг кўради.

Мир Алишер Навоийнинг машҳур рубоийсини боғча болалари ҳам тушуниб-тушунмай ёддан билишади.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Келинг, Навоий ижодида Ватан мавзусининг ифодасини шу рубоийнинг мазмунини англашдан бошлайлик. Биринчидан, рубоийни тўғри тушуниш ни тўғри ўқишдан бошланишини билишимиз керак. Уни тўғри ўқиш эса аруз вазнининг баҳрини билишга боғлиқ.

[1] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент. Ўқитувчи, 1992. – Б. 28.

Рубоийнинг 1, 2, 4 – мисралари *ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи мақфуфи ажабб*, 3 – мисраси *ҳазажи мусаммани ахраби мақбузи солими абтар* баҳрида ёзилган. Агар сиз умумтаълим мактабида ўқиётган бўлсангиз баҳр номини билишингиз, ёдингизда сақлашингиз шарт эмас. Агар юқори босқичдаги билим маскани талабаси бўлсангиз, аруз вазни назарияси билан маълум даражада таниш бўлсангиз бошқа гап. Аммо қайси синфда ўқишингиздан қатъи назар, рубоий ёзилган баҳрнинг ўқилиш қоидасига риоя қилишингиз кераклигини унутманг. Рубоийнинг 1, 2, 4 – мисраларини тўғри ўқиш учун аввал *мафъулу мафоилун мафоийлу фаал* дейишни ўрганинг. Бу сўзларни бир неча марта такрорлаганингиздан кейин рубоийнинг 1, 2, 4 – мисраларини ўша сўзлар оҳангида ўқинг. Шунда қуйидагича талаффуз қилиш оҳанги ҳосил бўлади:

Ғур-бат-да ға-ри-б-шо д-мон-бўл-ма сэ-миш,
Эл-анг-а ша-фи-қ-меҳ ри-бон-бўл-ма сэ-миш,
Бул-бул-га ти-кан-де-ко ши-ён-бўл-ма сэ-миш.

Рубоийнинг учинчи мисрасини қуйидагича ўқишга ўрганинг:

Ол-тун-қа фа-сич-ра-гар қи-зил-гул-бут са

Шунда биз рубоийни мана бундай ўқишни ўрганамиз:

Ғурбатда ғариби шодимон бўлма сэмиш,
Эл анга шафиқи меҳрибон бўлма сэмиш.
Олтин қафасич рагар қизил гул бутса,
Булбулга тикан декошиён бўлма сэмиш.

Бундай ўқиш тизимини қайта-қайта машқ қилсангиз, кўп ўтмай, ҳам рубоийнинг сўзларини бир-биридан ажратишга, ҳам қоидали ўқишга ўрганиб оласиз. Ана шунда сиз Алишер Навоий ҳавас қилган фарзандлар қаторидан ўрин олсангиз, ажаб эмас.

Энди рубоийнинг мазмунини тушунишга ўтайлик. Биринчи мисрада “Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш” дейилган. “Ғурбат” сўзи луғатларда ғариблик, кимсасизлик, ўз ватанидан узоқда яшаш маъноларини англатади. Баъзан “мусофирлик” ҳам дейилади.Тўғри, одатда ўз юртидан айрилган ҳолда азоб чекиб яшамоқлик ғурбатда ҳаёт кечиришга тенг ҳисобланади. Айниқса, мусофирликнинг муддати узайиб кетса, юртга интилиш азоби кишини руҳий жиҳатдан анча қийнаб қўяди. Шу билан бирга “мусофирлик” дейилганда, муайян муддатдан кейин Ватанга қайтиш умиди ҳам сезилади. Ана шу умид одамга далда беради. Ҳақиқий маънодаги “ғурбат” ватанга қайтиш ишончини чеклайди. Инсонда она диёрни қайта кўриш, қавм-қариндошлар билан учрашиш, дўстлар билан она тилида суҳбатлашиш қувончини сўндиради. Алишер Навоий рубоийсидаги “ғурбат” кўпроқ ана шу маънода қайд этилган. Иккинчи сўз “ғариб” дир. Бу сўз мусофир, бошқа жойдан келган, кимсасиз тушунчаларини беради. “Мусофир” сўзида сафар қилган одам маъноси ҳам бор. Демак, сафарда бўлиш маълум вақтдан сўнг сафарни якунлаш билан боғланади. Сафарни якунлаш илинжида яшаётган одамда эса умид бўлади. Ватанига қайтиш умиди бўлади. Алишер Навоий бу ўринда ҳам масалага жиддий ёндашадилар ва “ғариб” сўзини қўллаганларида кўпроқ умидсиз шахс ҳақида фикр юритадилар. Бу ўринда мисрадаги кейинги сўзларга эътибор қилсак, масала ойдинлашади: “шодмон бўлмас эмиш”. Яъни ғурбатда – Ватанидан узоқда яшаган кимсасиз одам ғамгинлик денгизида ғарқ бўлади, демоқчилар. Чунки мутлақ Ва-

танни тарк этиб, ғарибликда яшаган ўзбек ҳамиша ота-она билан нонушта қилишни, тўйларда, хос суҳбатларда аския эшитишни, қишлоғидаги гурунгларда қатнашишни, чойхоналарда ош қилишни, пешонани қийиқча билан танғиб кетмон чопишни, боғ-далаларда яйрашни, боғидаги мевали дарахтларни парвариш қилишни, райҳон ҳидини ҳамиша қўмсайди. Бинобарин, у ҳар қандай қувончли дамларда ҳам Ватанининг бағрида тўйиб нафас олиш ғамида бўлади.

Рубоийнинг иккинчи мисрасида “Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш” дейилган. Бу мисрада ғарибликда яшалаётган юртнинг одамлари назарда тутилади. Одамнинг ҳаётида баъзан ёрдамга муҳтожлик вазиятлари бўлиб туради. Соғлик жиҳатдан, атроф-муҳитдаги вазият, кўчадаги тасодифий ҳодиса жиҳатдан ҳар бир кимса четдагилар кўмагига муҳтож бўлиши мумкин. Ана шундай фавқулодда ҳолатларда нотаниш элнинг ғарибга ёрдам қўлини чўзиши мушкуллашади. Айниқса, Алишер Навоий яшаган пайтда бегона одамнинг ташқи қиёфасидан унинг ўзга юртдан экани аниқроқ сезилган бўлса керак. Шунинг учун шоир бегоналарга маҳаллий одамларнинг шафиқлиги, яъни шафқат қилиши қийин эканлигини таъкидламоқда.

Энди шоир сўз санъаткори сифатида бадиий қиёслаш усулига мурожаат қилади. У Ватандан айрилган шахсни булбулга, ғарибликдаги ҳаётни булбулнинг яйраб сайрай олмайдиган қафасда очилган гулига ўхшатади. Агар гул очилган бўлса-ю, олтин қафас ичида ўсаётган бўлса, қафас булбул учун озодликдан маҳрум бўлиш белгисига айланади. Устига устак булбулнинг ўзи ҳам шу қафасда тутқунликда яшаса, у ватанидан ажралган ғарибга, ҳаёти эса ғурбатга қиёсланади. Бир неча йиллар аввал дунё бўйича қуш ишқибозларининг турли мамлакатлардаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган Қаҳҳор ака (фамилияларини сўрамаганман) деган ажойиб бир қушчи билан суҳбатлашганман. Бу инсон менга қизиқ маълумот берган эди. Уларнинг айтишларича, дунё бўйича қуш ишқибозларининг танловида қатнашиш шартларидан бири парвариш қилинаётган қушлар орасида булбулнинг ҳам бўлиши экан. Уч йил бўлибдики, иккита булбулни қафасда сақлар эканлар. Аммо булбул қафасда сайрамас, кўпаймас экан. Буни қаранг. Не-не қушлар қафасда йиллаб яшайди, сайрайди, кўпаяди. Булбул эса тутқунликка кўникмайдиган қуш экан. Алишер Навоий табиатнинг бу синоатини билган. Ва атайин ғурбатда яшайдиган одамни булбулга қиёслаган. Булбул билан одамни қиёслаш қанчалар гўзал. Одамни булбулга таққослаш билан Ватандаги эркин ҳаётни боғлаш ундан-да гўзал. Рубоийнинг тўртинчи мисрасидаги “тикандек ошиён” сўз бирикмаси яна бир қизиқ ҳолатни маълум қилади. “Тикандек” сўзидаги “дек” қўшимчасини икки маънода тушуниш мумкин. Мутахассис Қаҳҳор аканинг маълумот беришича, булбул кўпинча назардан ташқари жойларга, хусусан, тиканзорларга ин қуяр экан. Инига яқин жойда тухумини фош бўлишидан чўчиб мутлақо сайрамас экан. Ини атрофида сайраса, бегона қушлар унинг уясига зарар етказиши мумкин-да. Энди Алишер Навоийнинг ҳаёт тажрибасига баҳо беринг. Бизнингча, шоиримиз булбул табиатидаги бу хусусиятни билганлари ҳолда бу хусусиятни “тикандек”сўзидаги “дек” қўшимчасида юкламали иккита маъно ифодалаганлар. Агар биз булбулнинг сайраш фазилатини назарда тутсак, олтин қафас билан тиканзор ўртасида тенглик аломати пайдо бўлади. Айтмоқчимизки, булбул олтиндан бўлса ҳам қафасда мутлақо сайрамайди. Агар биз булбулнинг яшаш масканини назарда тутсак, тиконзорда яшайди, олтин қафас ичида яшай олмайди. Яъни булбул тиканзорда яшаганидек, қафас ичида яшамайди. Оқибатда, “Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш” дейилганда, булбул учун тикан-тиканзор яшаш жойи бўлади, у ерга булбул ин қўяди, лекин олтин қафас тиканзор каби яшаш жойи бўлолмайди фикри устуворлик қилади. Фикри ожизимизча, бобомиз Алишер Навоий рубоийда айнан ана шу ҳақиқатни таъкидлаган бўлсалар ажаб эмас.

Юқоридаги мулоҳазаларимизга хулоса ясайлик. Маълум бўладики, Ҳазрат Алишер Навоий бор йўғи тўрт мисрадан иборат мазкур рубоийда инсон ҳаётида Ватан тушунчасининг не қадар улуғ эканини фалсафий мушоҳада юритиш воситасида аввало юртдошларига, қолаверса, авлодларига – бизга тушунтирмоқчи бўлганлар. Бугунги глобаллашув замонида, фан-техника ривожланган, ижтимоий ҳаёт шиддат билан ривожланаётган бир даврда юртимиздан чет элга бориб ўқиш, тажриба орттириш, турли соҳаларни ўрганиш, мутахассислик бўйича малака ошириш имкониятлари беқиёс даражада кенгайди. Халқимизда "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан", деган ҳикмат бор. Чет элда ўқиш ўрганишнинг қийинчиликлари бўлиши табиий. Аммо ёдимизда бўлсинки, бу мураккаблик мусофирлик билан боғлансин. Шунда маълум вақтдан кейин юртимизга қайтиш умиди бизга мадад беради.

1487 йилда Ҳиротдаги подишоҳ саройида фитна, иғво авж олади. Сарой амалдорлари орасидаги разил ва мунофиқ кимсалар ҳар қадамда халқ манфаатини кўзловчи, оқибатда эл орасида чегарасиз ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлиб бораётган Алишер Навоийни турли баҳоналар билан Ҳусайн Бойқарога ёмон кўрсатиш ҳаракатида бўлдилар. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро яқин дўст бўлишига қарамай Алишер Навоийни Астрободга ҳоким қилиш баҳонаси билан саройдан четлатди. Ана энди Ҳазрат Навоий ҳаётида ғурбатда ғариблик бошланди. Ўз эрки ўз қўлида бўлмаган шоир она юртидан узоқда – мусофирликда айриликда яшаш тақдирини бошидан кечиришга мажбур бўлди. Бу ерда ҳаётнинг ўта машаққатли кечиши халқ яратган ривоятларда қайд этилганидек, бир куни бир йиллик азоб билан ўлчанди. Ҳазрат баъзи пайтларда руҳий изтироб исканжасида дунё кўзига қоронғу туюлган дақиқаларни бошидан кечирди. Бизнингча, ана шундай дақиқалардаги ички кечинмалардаги бадиий ифодаси ўлароқ яратилган қуйидаги ғазал суҳбатимиз мавзуини хийла ёритишга имкон беради. Аввалига ғазалнинг матнини келтирамиз.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлагай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлагай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлагай.

Шайхдин зуҳди риёйи касб ўлур, ё раб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.

Одам авлодида камдур одамилиқ шеваси,
Одам эрмас, улки майли одамизод айлагай.

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй парий,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.[1]

Мумтоз адабиётимизда кенг тарқалган ғазал жанрига қисқа назарий тушунча бериб ўтайлик. "Ғазал" ўзакли сўз араб тилига хос бўлиб, аёлларнинг кўнглини олиш, эркалаш, тонгги қуёш, кийик маъноларини англатади. Устозларимиз булардан кўпроқ "кийик" ка диққат қилишган. Кийикнинг мўъжизавий ҳайвон экани, кўзининг чиройлилиги, ҳаракатчанлиги, чиройли югуриши, ҳуркқан пайтдаги жозибаси ғазалга қиёсланар эди. Нима бўлган тақдирда ҳам "ғазал" сўзи ижобий маънога эгалиги билан қадрли. Ғазал бадиий адабиётдаги лирика, эпик асарлар, драма деб аталмиш уч турдан лирикага мансуб ҳисобланади. Ғазалнинг биринчи байти *матлаъ* ёки *мабдаъ;* охирги байти *мақтаъ* деб юритилади. Унинг *матлаъси* ўзаро қофияланади. Кейинги байтларидаги тоқ мисралар қофияланмайди. Жуфт мисралар қофияланади. Мумтоз адабиётда икки мисрадан иборат шеър ёки шеър парчаси байт дейилади. "Байт" араб тилида уй маъносини англатади. Одатда ғазал уч-тўрт байтдан 12-13 байтгача, баъзан ундан ҳам кўпроқ байтдан иборат бўлади. Ғазал аруз вазнида ёзилади. Мақтаъда ғазал ёзган шоир ўзининг тахаллусини қайд этиб ўтади. Аммо бу одатга ҳамиша амал қилиш шарт эмас. Байт охирида такрорланадиган сўз ёки сўз бирикмаси радиф (мисра ва байтларда қофиядан сўнг такрорланадиган сўз) дейилади. Ғазал ҳақида ўрганганларингизни Навоийнинг "Айлагай" радифли ғазали мисолида текшириб олинг. Анъанамизга кўра аввал уни ўқишни ўрганамиз. Бу ғазал *рамали мусаммани маҳзуф* баҳрида ёзилган. Унинг рукнлар (ташкил қилувчи асосий таркиб қисмлари) тизими *фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун*дан иборат. Биринчи навбатда рукнларни аниқ ўқишни ўрганинг. Ундан кейин байт мисраларини ўша оҳангда ўқинг. Шунда:

Кимки бир кўнг-ли бузуғнинг-хотирин шод–айлагай,

ҳосил бўлади. Шу тартибда иккинчи мисрани ўқиймиз:

Онча борки- Каъба вайрон-бўлса, обод- айлагай,

ҳоли вужудга келади. Ана шу оҳангда тўққизта байтни аруз оҳангида ўқишни одат қиламиз ва уни ёдлаймиз. Шундан кейин мазмунни ўзлаштирамиз. Энди ғазалга қайтамиз.

Қуръони Каримда инсон ер юзидаги ҳамма жонзотлардан азиз ва улуғ экани таъкидланган. Хусусан, "Бани Исроил" сурасида инсоннинг қуруқликда, денгизда Аллоҳ томондан кўтарилганлиги, барча яратилган нарсалардан улуғ қилиб яратилганлиги айтилган.Алишер Навоий ғазал матлаъсида Қуръони каримдаги ана шу ҳукмга суянади:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Инсоннинг турмуш ташвишлари кўп. Ҳаётдаги мушкул вазиятларда баъзан одам туш-

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. –Тошкент: Фан, 1990, Б-431.

кунликка тушади, вазиятнинг ечимини топишга уринади. Ана шундай ҳолатда атрофидаги яқинлари ёрдамига ҳам муҳтожлик сезади. Шоир одамдаги руҳий тушкунликни Каъбанинг вайрон бўлишига қиёслаяпти. Қийинчиликка учраган юртдошига ёрдам берган кимсани вайрон бўлган Каъбани қайта обод қилган инсонга тенглаштиряпти. Одамнинг хафа ҳолатидан рўшноликка чиқиши улуғланяпти. Муҳими инсон кўнгли ислом динимизда зиёрат маркази ҳисобланган Каъба мартабаси билан белгиланяпти.

Ана шу ўринда Сиз – азиз фарзандларим, савол беришингиз мумкин:“Биз ёш бўлсак. Ҳаёт тажрибамиз деярли бўлмаса. У ҳолда биз Каъбани обод қилишимиз учун нима қилишимиз керак?”. Саволингизни жуда ўринли ва муҳим, деб ҳисоблайман. Алишер Навоий талабига жавоб берувчи фарзанд бўлмоқни истасангиз, Каъбани вайрон қилмасликка уринг. Яъни яқинларингизни, ота-онангизни, ака-укаларингизни, дўстларингизу, дугоналарингизни, устозларингизни хафа қилманг. Шунинг ўзи билан сиз ёшингизга яраша равишда Каъбани обод қилган бўласиз. Маҳаллада, кўчада, жамоа жойларида катталарга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, атрофдан чиққан чақириққа “лаббай”, деб жавоб бериш ҳам Каъбани тиклаш савобига тенг хайрли иш ҳисобланади.

Агар ғазални тўлиқ ўқиб, унинг мазмунига етсак, матлаъъда қайд қилинган “кўнгли бузуқ” шахс Навоий эканига ишонч ҳосил қиламиз. Хўш, Навоийнинг кўнгли нимадан бузилди? Нима учун шоир қаршимизда ниҳоятда хомуш ҳолатда гавдаланяпти? Ҳамма гап адибнинг айриликда яшаши билан изоҳланади. Кейинги байтларни шарҳлаш фикримизнинг аниқ ва тўғри эканини далиллайди, деган умиддамиз:

Гарчи халқ озодасимен ёр агар бандам деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлагай.

Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётида фикрни рамзда ифодалаш одати кенг оммалашган. Масалан, шоирлар ёр, маҳбуба, ҳабиб, гул, май ва ҳоказо сўзларни асарларида қўллаганларида кўпинча Яратган Аллоҳни назарда тутадилар. Баъзан мавҳум равишда “сен” деб ҳам юборишади. Тўғри, бу ҳолатларда ҳамиша Аллоҳни тасаввур қилиш мумкин эмас. Асарнинг мазмунига, шоирнинг фикрлаш йўналишига ҳам эътибор қилиш лозим. Шу билан бирга баъзан бу сўзлар рамзий жиҳатдан бошқа маънода келиши ҳам мумкин. Жумладан, ғазалимизнинг мақтаъидан маълум бўладики, шоиримиз ўз асарининг бошидан охиригача ватанни қўмсаш ғоясини ифодалашга уринмоқда. Шунинг учун Ватан тушунчаси шеърда рамзий равишда “ёр” билан ифодаланиши табиий бир ҳолдир. Байтнинг биринчи мисрасида шоир ўзини озод, эркин инсон эканлигини, айниқса, қул эмаслигини алоҳида таъкидлаган. Лекин ёрнинг бу ўринда Ватаннинг шоирга нисбатан “бандам” яъни қулим дейиши бир қулни озод қилишга тенг экани эътироф этилмоқда. Шоир агар Ватаним (ёрим) мени “бандам деса”, демак мен унинг хизматини қилишим керак бўлади. Бинобарин, у мени Астроболдан ўз бағрига чақириб олади. Менинг Астроболдан Ҳиротга кетишим эса бир қулни бандиликдан озод бўлишига тенгдир, демоқчи.

Кейинги байтларда эса адиб ана шу фикрни босқичма-босқич ёритиб, изоҳлаб боради, мазмунан чуқурлаштиришга эришади.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган фарзанд ҳамиша юртида рўй бераётган янгиликларга қизиқиб боради. Агар у ватандан узоқда яшаётган бўлса, унинг қизиқиш даражаси янада

юқорилашади. Масалан 1989 йил 21 октябрь ойида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, кейинчалик Наврўзни байрам қилиш қарори, 1991 йил 31 августни Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши, қолаверса, Бразилиядаги "Рио-2016" олимпиадасида ёшларимизнинг олтин, кумуш, бронза медаллар шодасига эга бўлиши, паралимпиадада ўттиз икки ватандошларимиз қатнашиб ўттиз битта медаль билан қайтиши биз учун қанчалар қувонарли бўлса, чет элдаги ватандошларимиз тасаввурида бошда дўппи билан ғоз юриш учун далил даражасига етганди. Байтда шоир ана шундай ватанпарварлик туйғусини ифодаламоқда. Яъни бирорта одам ёрим-Ватаним ҳақидаги янгиликдан хабар берса, унинг гаплари тугамасдан аввал ўша хабарни бошқатдан бошлашни истагида эканини англатмоқда. Навоий учун Астроболддаги ҳокимлиги пайтида Ҳирот (баъзи адабиётларда бу шаҳарни номини эркалаб Ҳири деб ҳам аташади) даги ҳар бир ўзгариш, дўстлари, шогирдлари эришаётган ютуқлар, халқнинг ҳаёти ҳамиша энг муҳим, энг долзарб маълумот бўлган. Байтни ўқиганингизда, эътибор берсангиз, юрти ҳақидаги хабарни эшитишга шоирнинг ичи қизиб кетаётганини ҳис қилиш қийин эмас. "Туганмасдин бурун, ёна бунёд айлагай" сўз бирикмалари ана шундай хулосага келиш асосини яратади, деб ўйлаймиз. Натижада шоир мусофирликда яшаса ҳам юртига бўлган меҳр янги-янги тўлқинларда жило бераётганига ишонч ҳосил қиламиз. Кейинги байтларда бу туйғунинг ҳақиқат экани ўз исботини топади.

Ёр ҳижронидан ўлгумдир, бу навъ эрмиш сазо,
Ул кишигаким, бировга ўзни мўътод айлагай.

Байтнинг қисқача мазмуни шундай: ёр, яъни Ватан ҳажрида ўлдим. Мен бу вазиятда ўзимни айбдор деб ҳисоблайман. Чунки бировга ўзининг ихтиёрини топширишга одатланган одам, яъни мен шундай жазога лойиқман. Гап шундаки, ҳар бир одам ўзининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, бажариш вазифасига кўра лавозим жиҳатдан юқори турган шахс буйруғини адо этишга масъул ва мажбур бўлади. Баъзан эса раҳбарлар ўз ходимларига уларнинг истагига, хоҳишига қарши ишни бажариш масъулиятини юклайдилар. Биз назарда тутган байтда, фикри ожизимизча, ана шундай вазият ҳақида фикр юритилмоқда. Айтмоқчимизки, Алишер Навоий расман мустақил ва озод одам бўлса ҳам юрт шоҳи Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти эканига қарамай унинг буйруғини бажариши шарт эди. Ҳусайн Бойқаро эса саройидаги фитначилар талаби билан уни Астробод шаҳрига ҳоким қилиб тайинлайди ва шоир ўлимга тенг Ватандан айриликда яшашга мажбурлигини ана шу вазият билан изоҳлайди. Яъни кимнингдир, бу ўринда подишоҳнинг, майлига бўйсуниш одатига амал қилиш билан ватан ҳижронида ўлимга маҳкум бўлганини ўқувчисига маълум қилади.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглиму бир оҳ ила,
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлагай.

Шоир кўнглидаги дард алами шу қадар кўпки, неча-неча варақлар ғам изҳори билан тўлган. Ватанни қўмсаш руҳида ёзилган сонсиз-саноқсиз саҳифаларни ички ҳис туйғулар эгаллаган. Аммо бутун вужудини қамраган соғинчдан иборат ишқнинг кучли шамоли бир оҳ чекиш зарбидан бир нафасда ҳижрон изҳори битилган варақларни барбод қилди, ҳар тарафга учириб юборди. Дард акс этган саҳифаларнинг турли томонларга тарқаб учиб кетиши шоир руҳий ҳолатини янада ёмонлаштирди.

Шайхдин зуҳди риёйи касб ўлур, ё раб қани,
Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.

Бу байтда шоир шайх – сўфийлар етакчиси, зуҳд – дунёдан воз кечиш, риёйи – ўзини ёмонликлардан сақланган қилиб кўрсатиш, касб ўлур – ҳосил бўлмоқ, ё раб – яратувчи, дайр пири-майхона бошлиғи, фано расми-илоҳиётга сингиш, иршод – тўғри йўлга тушиш сўзларини қўллаган. Унда Навоий тасаввуф таълимоти бўйича майнинг яратганга нисбатан муҳаббат рамзи эканини эслатади. Айрим кимсалардек риёкорлик қилиб ўзини дунёдан воз кечган кимсадек қилиб кўрсатишни ўзига эп билмайди. Фақат тангрига ҳақиқий маънода интилиш тўғри йўлга бошлаши мумкинлигига умид бағишлайди. Бизнингча, шоир оғир вазиятдан қутулиши фақат ва фақат тангри ихтиёрида эканини ўзига ўзи уқтирмоқда. Тарихий маълумотлар, хотиралар кўп ўтмай Навоий илтижоларининг Аллоҳга етиб борганини тасдиқлайди. Сарой фитначилари томонидан уюштирилган суиқасд фош бўлади ва шоир Ҳусайн Бойқаро розилиги бўлмаса ҳам Ҳиротга қайтади. Подишоҳ унга эътироз билдиролмайди. Буюк адибимиз Ойбекнинг “Навоий” романида, Иззат Султон ва Уйғуннинг “Алишер Навоий” драмасида бу воқеа жуда таъсирли ҳолатда ўзининг бадиий ифодасини топган. Романни ўқисангиз, спектаклни кўрсангиз Навоий руҳини шод қиласиз.

Одам авлодида камдир одамийлик шеваси,
Одам эрмас, улки майли одамизод айлагай.

Алишер Навоий ғазаллари унгача бўлган ўзбек мумтоз адабиётидаги бу жанр намуналаридан кўп хусусиятлари билан фарқ қилади. Хусусан, Навоий ёзган ғазалларда аввалги шоирларимиздан фарқли равишда биз турли ҳаётий мавзулар: инсон қадри, илм, Ватан, аёллар, ижтимоий адолатсизлик кабилар акс этганини кўрамиз. Шунингдек, шоир ғазалларида матлаъдаги мавзу байтдан байтга такомиллаштирилганига гувоҳ бўламиз. Ана шундай фазилатлардан яна бири Навоий ғазалларида илгари сурилган ғоя билан боғлиқ ҳолда ижтимоий – ҳаётий, фалсафий мазмундаги байтнинг ўрин олишидир. Юқоридаги байтни фикримизга далил бўладиган мисол сифатида қабул қилиш мумкин. Шоир Ватан ҳақида фикр юрита туриб бирдан ўз замонидаги одамларга баҳо бера бошлайди. Унинг фикрича, одамлар орасида бу улуғ мартабага ҳақиқий маънода лойиқлар жуда кам. Ва агар ҳар бир шахс ўзини ўша одамлар қаторида эканини тан олса, унинг ўзи ҳам одам эмасдир. Бизнингча, байтда адиб алами Ҳусайн Бойқаро саройидаги муҳитни ташкил қилувчи одамларга қаратилган. Айнан шу муҳит Навоийни Астрободга сургун қилишга эришди. Шоир улар атрофидаги одамларни ҳам ғазабга дучор қилмоқда. Бир қарашда бу байт Ватанга меҳр руҳидаги ғазалга алоқаси йўқдек кўринади. Аммо чуқурроқ мулоҳаза юритсак, байт айнан шоиримиз қисматидаги юртдан узоқда яшашга мажбур қилган одамларни қоралаш воситаси ёрдамида умумий мазмун билан уйғунлашиб кетади.

Не балодурки, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимга бедод айлагай.

Шоир аввалги байтдаги фикрни ривожлантирмоқда. Унинг фикрича, фалак ер юзидаги одамларга сон-саноқсиз душманлик ўқларини отади. Аммо ҳайратланадиган жойи шундаки, отилаётган ўқларнинг ҳаммаси мўлжалдан адашиб нуқул шоирга тегади. Яъни Алишер Навоий муносабатда бўлган кимсалар фалак ўқига ҳам чап беришади, шоир эса одамийлик шевасидаги вакил бўлгани учун жабрга нишон бўлаверади.

Мана энди аввалги саккиз байтдаги мазмун ўзининг якунига етиб келди. Унда шоирнинг асл мақсади аён бўлади. “Кўнгли бузуғ”ким, нима учун кўнгилга таскин бериш Каъбани обод қилишга тенг, “Ёр” сўзининг маъноси нима, нима учун ёр бандам деса, бир қулни озод қилади каби кўплаб саволларнинг жавобини ғазал мақтаъидан топишимиз мумкин бўлади. Бу байт мазмунини ер қаъридан отилиб чиққан вулқонга ўхшатиш мумкин. Вулқоннинг отилиш зарбини эса Алишер Навоийнинг Ватанни қўмсаш натижасида йиғилган фарёди ташкил этади.

Беша ичра девлар мақтули ўлсин эй парий,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Маълум бўладики, ҳамма гап Астробод шаҳрига қадам қўйишдан бошланган экан. Шунинг учун қаҳрамонимиз агар яна бир марта Астрободга қадам қўйсам, тўқай, ўрмон, чангалзор, чакалакзорда девлар мени қатл қилсинлар, танам парча-парча бўлсин, деб қасам ичмоқда. Айнан бу байт ғазалнинг ёзилишига сабаб бўлмаганмикан, деган фикрга боради ўқувчи. Ўрни келганда биз айнан мана шундай байтлар мазмунига асосланиб Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида ўта мушкул ва мусибатли кунларни бошдан кечиргани ҳақида маълумот оламиз.

Агар матнга эътибор қилсак, “ёр”, “озод”, “банда”, “одам”, “ёна”(яна), “ким” сўзларидан шоир бир неча мартадан фойдаланган. Ғазалда одам, киши, кимдаким, кўнгли бузуғ, банда, улки каби маъно жиҳатдан яқин синонимлар нур аланнур бўлиб хизмат қилган. Аммо, қизиғи шундаки, ғазални ўқиган мухлис мазкур такрорларни мутлақо сезмайди. Чунки улар ҳар сафар янги маъно, янги жило беради ва адиб маҳоратини намойиш қилувчи фазилатга айланиб кетади. Эҳтимол, Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзлари қалбдаги сабр косасининг тўлиб тошиши оқибатида бутун мақсадни ички кечинмалар изҳорига қаратганлар ва сўз такрорларига эътибор бермаганлар. Фикр-мулоҳазаларнинг қуйилиб келиши ҳам эътибор беришга йўл қўймаган. Юксак, беназир иқтидор эса ўзбек тили сўз бойлигидан фойдаланишни, гўзал ва мазмунли воқеабанд ғазалнинг вужудга келишини таъминлаган.

Шу ўринда XX аср ўзбек шеъриятининг валийси Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китобидаги бир гўзал фикр ёдимга тушди: “...Қамиш мумтоз адабиётимизда садоқат рамзи ҳисобланади. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг машҳур байти ўзбекчада ана шундай:

Тингла найдин, не ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардин шикоятлар қилур.

Яъни, най аслида қамиш эди. Ботқоқ тўқайда ўсган эди. Уни кесиб най қилдилар, саройга келтирдилар, бахмалларга ўраб олтин нақшли ғилофга солдилар. Эъзозлаб, суйиб лабга босдилар. У эса нола қилди, фарёд кўтарди. Ўзи ўсиб унган тўқайзорини соғинди. Ҳашаматли саройларни, топган иззат-икромини асл макони бўлган ташландиқ қамишзорга алмаштиролмади. Шу боис найдан ҳамиша нола оҳанги чиқади.

Ватанга садоқат, юрт соғинчи ҳақида айтилган абадиятга даҳлдор байт! Ҳазрат Навоий айтганларидек, “ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш”.

Бир байтга шунча мазмун сиғдиролган, биргина қамишдан шунча фалсафий хулосалар чиқарган мавлонодек буюк аждодларимизни ўрганиш ўрнига ёшлигимизнинг олтин дамларида “Шумел камыш”ни айтиб юрдик. Мана буни ёниб кетган фурсат, кўмирга айланган умр деса бўлади...”[1].

[1] Воҳидов Э. Сўз латофати. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. Б-24-25.

Сиз ўқиган иқтибосда учта ажойиб мулоҳазалари билан минглаб китобхонларни ўзига мафтун этган шоирларнинг ватан ҳақидаги дил сўзлари ифодасини топган. Шоирларнинг ўз дунёси, ҳаёт воқеа-ҳодисаларини баҳолаш мезонлари бўлади. Улар сиз билан биз эътибор бермаган нозик лавҳалардан ҳайратомуз хулосалар чиқаришади. Бу хулосалар бизнинг дунёқарашимизни, атрофимиздаги кўзга илинмас нарсаларга бўлган муносабатимизни, ўзимизга қандай назар билан қарашимизни бошқаради. Оқибатда феълимизда аста-секин ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Кўнглимиз ёруғлашади, фикр кўламимиз кенгаяди, қалбимизда пайдо бўлган доғлар ювилиб вужудимиз поклашади. Инсон деб аталган буюк мақом чўққисини эгаллашга эриша бошлаймиз. Онгимиз маърифат нури билан ёришганини сезмай қоламиз.

Шубҳасиз, Алишер Навоий она Ватаннинг муқаддаслигини Астрободга ҳоким қилиб тайинлангандан кейингина мусофирлик азобини бошидан кечириб англаб етмаган. Ёшлик ва ўсмирлик давридаги сафарларида ҳам киндик қони тўкилган Ҳиротнинг қадрига етиб бўлган эди. Унинг устига темурийзодаларнинг тожу тахт илинжида олиб борган қонли урушлари диёри кўркига қанчалар зиён келтиргани ва келтираётганини ўз кўзи билан кўрган эди. Босқинчилик нияти билан келган душманлар томонидан тинч аҳоли осойишталигининг бузилиши, шаҳарларнинг вайрон бўлиши, дала боғларнинг чўлга айланишини бутун фожиаси билан тасаввур қиларди. Шунинг учун ҳам "Хамса"таркибидаги достонларда Ватан тушунчасининг азизлигини ўқувчига тушунтиришга уринади. Хусусан, "Садди Искандарий" достонида Искандар қўшинларининг чегара бўйлаб саф торта бошлаганини билган Хитой подшоси бўлажак душманни инсофга келтириш мақсадида элчи юборади. Элчига Искандар ҳузурига бориб Хитой лашкарлари сон жиҳатдан ҳам, куч жиҳатдан ҳам уникидан қолишмаслигини тушунтириш вазифасини қўяди. Унинг мактубида шундай гап бор эди:

Аёлу ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар то имкони бор[1].

Бу байт маъно жиҳатдан жуда кенг кўламли фикрни ўзида ифодалаган. Унда шоир ҳар бир ҳимояланаётган тараф ўз аёлини, Ватанини жони борича уруш қилиб душмандан асрашга имкон ахтариши айтилади. Ватан учун жанг қилиш, уни душман қўлига топширмаслик миллат фарзандининг бурчи экани таъкидланади. Бу билан Хитой подшоси мактуби воситасида адиб достон ўқувчисига ҳам Ватан туйғусини сингдиришга уринади. "Ватанни севмоқ имондандир" дейилар экан, севишнинг энг олий даражаси уни ташқи душмандан ҳимоя қилиш, ўз юртдошларига ғаразлик туйғуси билан заҳарланган кимсалар қўлига топширмаслик масаласи кўндаланг турганини англаш лозим бўлади.

Навоийнинг "Ғурбатда ғариб" рубоийси, "Айлагай" радифли ғазали маъно моҳияти жиҳатдан инсон ва она Ватан тушунчаси уйғун, яъни бир бутун эканини тасдиқлайди. Ҳар биримиз нима учун юртимизга, дала ва қирларимизга бу қадар сингиб кетганимизни сўзлар билан тушунтириш мушкул. Сиз эрта баҳор фасли водийлардаги ўнлаб гектарли боғларда ўрик гулларини томоша қилганмисиз. Оқдан пуштигача, пуштидан оққача рангга бурканган ўрик шохларига алоҳида зеҳн билан суқланиб тикилганмисиз. Бўйингиз етадиган новдаларни ўзингизга тортиб нозик ҳидни қалбингизга туйганмисиз. Қийғос гуллаган ўрик дарахти тагида енгил кўрпачани тўшаб дўстингиз билан суҳбат қурганмисиз.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. –Тошкент: Фан, 1993. Б-331.

Бу суҳбат пайтида шилдираб оқаётган сув ёқасидан уч қулоқ бўлган ялпизни узиб у нафис бўйдан маст бўлганмисиз. Эҳтимол юқорида келтирган лаззат онлари бизни она юрт бағрида юришга мажбур этар. Эҳтимол ёз фаслидаги анҳор оҳанрабоси руҳимизга таъсир этар. Эҳтимол, қовун полизларидаги шарбатга тўла етилиб пишган ананас, кўкча қовунларининг тарсиллаб ёрилишларига мафтундирмиз. Эҳтимол, Яратганнинг илоҳий кучи вужудимизга она диёр меҳрини сингдириб қўйгандир. Ҳар ҳолда дастлабки қўйилган саволга бир жумла билан жавоб бериш мушкул. Шунинг учун бизга ота-боболаримиз оила ўчоғидан ажралмагин, ажралсанг айиққа, бўлинсанг бўрига ем бўласан, деб уқтиришган. Ватандан узоқда яшашнинг оғир оқибатларини Алишер Навоий ҳам асарлари воситасида англатишни ўз бурчи деб ҳисоблаган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, шоир “Хамса” даги “Садди Искандарий” достонининг олтмиш тўққизинчи бобини айнан Ватанни тарк этиш масаласига бағишлайди. Бобнинг марказий мазмунини қуйидаги байт ташкил этади:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама[1].

Анъанамизга кўра байтни ўқиш машқини тавсия қиламиз. “Садди Искандарий” достони аруз вазнининг *мутақориби мусаммани маҳзуф баҳрида* ёзилган. Достонни тўғри талаффуз билан ўқиш учун “фаулун, фаулун, фаулун, фаал” сўзларини муттасил такрорлаймиз. Шундан сўнг мисрадаги сўзларни шу қолипга солиб ўқиймиз:

“Ватан тар - кини бир - нафас ай – лама”

Қайта-қайта машқ қилсак, мисрани ўқиш қоидасига амал қилган ҳолда сўзларнинг маъносини бузмасликка эришамиз.

Энди байт мазмунига ўтайлик. Унда шоир ўқувчига мурожаат қилиб, маслаҳат оҳангида байтдан олган хулосани буйруқ тарзда ифодаламоқда. Шу заҳоти ўқувчини огоҳлантиришга журъат қилиб, ранж-машаққат, азоб чекиш, айриликда алам билан яшашни ҳавас қилмасликка ундамоқда. Чунки шоир тасаввурида “Ватан тарки” – Ватанни тарк этиш ва “ранжи ғурбат”- айрилиқ машаққат ўртасида тенглик аломати бор. Бу икки тушунча бир-бири билан уйғунликка эга. Бири рўй бергани заҳоти иккинчиси вужудга келаверади.Адиб инсон руҳиятида Ватан тутган ўринни яна такрорлайди:

Ватандин чун охирдир оворалиқ,
Недур они истаб ситамкоралиқ[2].

Ватандан ажралишнинг оқибати сарсонлик-саргардонликка сабаб бўлади. Шунинг учун ўз хоҳиши билан ўзига азоб қилиш, зулм кўрсатиш ақлданми. Ва агар сен ҳаддан ташқари сафар ишқида нафас олаётган бўлсанг, Ватанингни тарк этмай мусофир бўл:

Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.[3]

---

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. –Тошкент: Фан, 1993. Б-468.
[2] Ўша жой, Б-471.
[3] Ўша жой, Б-471.

Байтда Навоий ўзига маънавий йўналишдаги устоз деб билган аллома Баҳоуддин Нақшбанд ҳикматлаъринининг мазмунини акс эттирган. Чунки тасаввуф фалсафасининг таниқли вакили “Сафар дар Ватан, хилват дар анжуман” дейиш билан инсонни руҳий мукаммалликка ундаган эди. Қайд қилинган ҳикматлаърда шахс руҳий олами қанчалар мураккаб эканига ишора бор. Яъни Ватанни тарк этмай мусофирлик туйғуларини бошдак кечириш, суҳбатдошлар гурингида қатнаша туриб ўзини хилватда – яккаликда ҳис қилиш ҳолати тарғиб этилмоқда. Бу мулоҳаза ҳам мукаммал тузилган режа билан айтиляпти. Шоир кўп куттирмайди. Кейинги байтдаёқ ўз мақсади билан бизни таништиради.

Сафар азми дўзахга сонийдур,
Ватан хубби иймон нишонасидур[1].

Сафарга чиқиш дўзах билан тенгдир. Ватанни севиш эса имонли бўлишнинг белгисидир. Мана сизга хулоса. Адибимиз ўз фикрларини Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида қайд этилган “Ватанни севмоқ имондандир” ҳикматлаъри билан хулосаламоқдалар. “Имон” сўзи худога ишониш маъносини англатади. Демак имонли бўлиш ўзини покликда сақлаш, ор-номусга эга бўлиш, тамасизликда яшаш, инсонга насиб этилган ақл, диёнат, инсоф, адолат туйғуларига шукр қилишдек олий даражадаги фазилатлар эгасига муносибликни англатади. Ватанни севиш эса бу фазилатларни ўзида жамлаш билан белгиланади. Маълум бўладики, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида бир бобни Ватанни мадҳ этишга бағишланиши бежиз эмас экан.

“Садди Искандарий” достонида Ватанни тарк этиб ўзингни ғурбатда яшашга маҳкум этмагин, -деб ўгит берганидан сўнг кейинги бобда кабутар ҳикоясини келтиради. Подишоҳ ҳузурида қимматбаҳо тошлар билан безатилган қафасдан қутулган кабутар озодликка чиққани заҳоти ўзининг она юртига учиб боришга ҳаракат қилади. У ҳавога парвоз қилгани заҳоти кўкка – осмонга сингиб кетади. Неча-неча кунлик йўлни бир зумда учиб ўтиб ўзининг диёри сари интилади. Аммо ўз юртига етганида, уйини топа олмайди. Учишини тўхтатмайди, қанотини ёпмайди, ўзининг томини излаб қанот қоқади. Охири бузуқ вайрона устига келиб қўнади. Бу вайрона кабутарнинг бузилган уйи эди. Вайрона бўлса ҳам қуш айнан шу ерда қўним топади ва бундан ўзини бахтиёр ҳис қилади:

Эрур қушқа хушроқ чу боқсанг аён,
Мурассаъ қафасдин тикан ошён[2].

Яъни агар ақл билан фикр юритсангиз, биласизки, қимматбаҳо тошлар билан безатилган қафасдан кўра қушга тиканли ошён –вайронага айланган уйи яхшироқдир. Бундай мисолларни ўқувчига тақдим этилишидан фақат битта хулосага келишимиз мумкин: шоиримиз бутун вужуди билан бизга ўзимиз улғайган юртни ташлаб кетмаслигимиз, ўзимизни ўзимиз руҳий азобга қўймаслигимиз учун жон куйдирганлар.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам шоиримиз ижодида она юрт манзараларини тасвирлашга алоҳида аҳамият берилганига гувоҳ бўламиз. “Хамса” таркибидаги “Фарҳод ва Ширин” достонининг ўн еттинчи бобида Навоий асар қаҳрамонлари Хоқон ва Фарҳод Фарҳод учун қурилган ва йил фаслларига мосланган қасрлар томошасига боришар экан, ҳаддан ташқари

[1] Ўша жой. Б-471.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. –Тошкент: Фан, 1993.Б-473.

гўзал табиат манзаралари билан уйғунлашиб кетган бино иншоотларни кўрадилар. Томоша қилиш нуқтаси Наврўз айёмидан бошланади:

Қилур тун бирла зулфу кун била энг
Этар лекин бўйи бирла сочин тенг.[1]

Анъанамизга кўра матнни ўқишни ўрганамиз. "Фарҳод ва Ширин" достони аруз вазнининг *ҳазажи мусаддаси маҳзуф* баҳрида ёзилган. Достон байтларини ўқишда "Мафоийлун, мафоийлун, фаувлун" афоилидан (рукнларнинг ўқилишидан) фойдаланамиз. Шунда қуйидаги тарзда талаффуз билан ўқиш амалга ошади. "Қилур тун бир-ла зулфу- кун била энг". Кўп марта такрорлайверсак, оҳанг сақланган ҳолда бўлинган сўзлар ўз ўрнини топиб олади.

Матнда Қуёш муайян маконга келганида, олам келинчагининг сочини – тунни, хуш қомат бўйи-кундуз билан тенг қилиб қўйгани тасвирланган. Шоир олам келинчаги деганда, Фарҳоднинг Ватанини назарда тутмоқда. Аммо Фарҳод шоиримиз ижоди маҳсули эмасми. Демак қаҳрамонининг Ватани ҳақида ёзар экан, ўзининг она диёрини таърифлаши табиийдир.

XV асрда Хуросон деб аталган ҳудуд ўз ичига ҳозирги Ўрта Осиёни, Афғонистонни қамраган эди. Бу чегарада яшаган шоирлар баҳор фаслидаги табиат ўзгаришини таърифлар эканлар булбул тароналари ҳақида назм ёзмаслиги мумкин бўлмаган. Булбул она табиатимизнинг сеҳрини ифодаловчи мўъжизавий қуш тимсолига айланган. "Фарҳод ва Ширин"-да ҳам жаннатмакон табиат гўзаллиги бирма бир баён этилар экан, булбулнинг қалбларга қувонч бағишлаши алоҳида қайд этилади:

Чекар боғ ичра булбул онча афғон,
Ки афғони қилур гул бағрини қон[2].

Демак, булбул ўзининг ишқ дардини изҳор қилиб фиғон чекар экан, унинг хонишини эшитган гуллар бағри қонга тўлади, яъни очилади. Бу ўринда шоир булбулнинг афғон чекиши орқали жонлантириш санъатига мурожаат қилган бўлса, гул бағрининг қонга тўлиши – булбул ифода этган аламга чидамаган гулнинг очилишини тасвирлаш орқали ҳусни таълил санъати намунасини яратди. Ҳусни таълил арабча "чиройли далиллаш" маъносини англатади. Бу санъатда рўй бераётган ҳодиса шоир томонидан чиройли далиллаш билан асосланади. Масалан, байтда баҳор фаслида гулларнинг очилишига булбулнинг фиғон чекиши сабаб қилиб кўрсатилган. Агар биз шоир яратган тасвирни тўлиқ равишда тасаввур қилсак, баҳор фаслидаги боғларнинг ажиб манзараси қаршимизда намоён бўлади: Қуёш чарақлаб чиққан, қир-адирлар кўм-кўк майсаларга бурканган, чаманзорда гуллар очилган, мевали дарахтлар гуллаган, булбуллар сайраб атрофга файзли бир кўриниш ато этган. Шабада янги унган майсаларни, гулга ўралган мевали дарахтлар шохларини эркалайди. Ҳамма ёқ, атроф латиф фазилат билан шуъла бериб ёнаётганга ўхшайди.

Бу ўт ёнида булбул маскан айлар,
Қанот урмоқ елидин равшан айлар[3].

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Тошкент. Фан, 1991. Б-97.
[2] Ўша жой. Б-98.
[3] Ўша жой. Б-98.

Бу манзарага маст бўлган булбул мўъжизага тўла табиатни ўзига маскан, яъни яшаш учун манзил қилди. Шохдан шохга учиб қанот қоққанидан шабода эсди, натижада атроф гўзаллиги янада равшанлашди. Кўриб турибмизки, шоир бу бобда ўз таассуротларини ўқувчига маълум қилмоқда.

Навоий она табиати гўзаллигини фақат баҳор фасли билан чеклаб қолмайди. Фарҳодга атаб қурилган тўрт фасл баҳонасида ёз, куз, қиш хислатларини ҳам шоирона маҳорат билан тасвирлайди. Ёзда баҳор нафосатининг маълум чегарага етиши, кузда осмонни булутлар қоплаб ёмғир ёғиши, булутдан ёққан сув қишда совуқдан инжуга айланиб ер юзини қоплашигача ифодаланган.

Менга бу бобдаги бир байт алоҳида таъсир қилди. Шоир ёзади:

Кафин оғзи била муфлис дам айлаб,
Ики тиз кўкси ичра маҳкам айлаб.[1]

Муфлис - камбағал бечоралар кафтларини оғзиларига қўйиб, нафаслари билан қўлларини иситишга уринадилар. Улар икки тиззаларини кўксиларига ёпиштириб, қўлларини қўлтиқлари остига яшириб совуқдан қутулишга уринадилар. Байтни ўқир эканман, кези келганда ўзимизнинг кафтларимизга совуқ кучайганда дам уришимиз, ўтирганимизда тиззаларимизни қучоқлашларимиз кўз олдимга келди. Ўйлайманки, бу тасвирлар билан Алишер Навоий юртимизда тўрт фаслнинг ҳар бири ўзининг сахийлиги, гўзаллиги, фазилати, ўрни келганда, қаҳри билан тўлиқ намоён бўлишини кўрсатишга ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, Ҳазрат Алишер Навоийнинг Ватан мавзусига бағишланган суҳбатлардан маълум бўладики, инсон ҳаётида у туғилган Ватан билан узвий боғлиқликда яшайди. Ўзга юртдаги ҳаёт иқтисодий шароитдан қатъи назар ғурбат ҳисобланади. Ғурбатда яшаган ғариб, мусофир эса ҳеч қачон шодмон бўлолмайди. Ватанини ҳаддан ташқари севган киши она юртидаги турмушини қуллик азобида ўтказса ҳам бу қуллик бошқа юртлардаги пошшоликдан афзал ҳисобланади.

Шоир ўз Ватанига содиқ одамни имонли инсон даражасида ҳурмат қилади. Чунки Ватанга меҳрли бўлиш ундаги имон белгисидир. Бу билан Навоий ўз ўқувчисини, қолаверса, бизларни – кейинги авлодларни юрт севгиси билан яшашга даъват этади. Бизнинг юртимиз эса гўзал табиатга, такрорланмас манзараларга бойлиги билан ажралиб туради. “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” достонларида шоирнинг Ватанга бўлган ҳурмати, эҳтироми алоҳида аниқ намоён бўлган. Маҳорат билан яратилган тасвирлар бизни Ватанга меҳр билдиришда Навоий Ҳазратларига муносиб авлод бўлишга ундайди.

[1] Ўша жой. Б-105.

НАВОИЙ ДАВЛАТ АРБОБИ. ХАЛҚ ҲИМОЯЧИСИ.

5 – суҳбат

Аввалги суҳбатлар мазмунига суянган ҳолда ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Алишер Навоий бутун ҳаётини, ижодини, фалсафий фикрларини Аллоҳнинг иноятн билан миллатининг, халқининг келажаги учун хизмат қилишга бағишлади. Агар Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Ал Фарғоний ўзбекнинг довруғини кўпроқ илм соҳасида дунёга машҳур қилган бўлсалар, Алишер Навоий жаҳон халқларининг маданий, маънавий, адабий меросига муносиб ҳисса қўшиш билан ўз бурчини бажаришга мушарраф бўлди. У яратган сўз санъати хазинаси миллатимизнинг бебаҳо улуши сифатида эътироф этилмоқда. Аммо шу билан бирга Алишер Навоий ўз замондошларини ҳам унутмади. Буюк давлат арбоби сифатида халқнинг мушкулларини осон қилиш чораларини излади, юрт тинчлигини асраб авайлади.

Қадимги тушунчаларга кўра подишоҳ ҳузурида халқнинг дардини айта оладиган давлат арбоби бўлса, юрт тинчлиги кафолатланади, осойишталик сақланади, эл равнақи учун имкон туғилади. Разолат йўли беркитилади, адолат йўли очилади. Бундай вазиятнинг ёрқин намунасини Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек ҳожи, “Меҳробдан чаён” романида Анвар Мирзо тимсолларида ифодалаган. Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида ҳам Қосимбек тимсолини яратишдан адиб шу мақсадни назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Алишер Навоий ҳаётлиги пайтида Ҳусайн Бойқаро у билан ҳар бир тадбирни маслаҳатлашишга ўрганган ва Ҳазратнинг йўл-йўриқлари билан иш кўрган эди. Бу анъана бузилгани заҳоти Маждиддин, Низомулмулк таъсири кучайиб мамлакатда адолатсизликлар бошланган. Аммо Алишер Навоий имкони борича шоҳ ҳузурида халқ ҳомийси, ҳимоячиси сифатида фаол ҳаракатда бўлган. Айрим ҳаётий лавҳаларга мурожаат қилайлик: Ғиёсиддин Хондамирнинг маълумот беришича, Султон Ҳусайн Бойқаронинг кўнглига Хоразм вилоятини обод қилиш фикри келиб Хуросондан уч минг хонадонни у ерга кўчириш ҳақида фармон чиқаради. Фармоннинг мазмун-моҳияти яхши бўлса ҳам уни бажариш уч минг оилани ватанидан ажратарди. Уч минг хонадон аъзолари, кўчлари, бор-йўқлари билан минглаб чақирим йўлни азобда босиб ўтишга мажбур эдилар. Тоғликлар, сувликлар, чўллар ва саҳроларда кўч-кулон, бола-чақа, қариялар, беморлар билан йўл босишни тасаввур қилиш қийин. Бечораларга раҳми келган Амир фармонини бекор қилдириш умиди билан Ҳусайн Бойқаро ҳузурига келиб шоҳга далиллар келтириб халқ номидан илтимос қилади. Аммо Султон илтимосга қулоқ солмайди. Алишер Навоий шоҳ ҳузурида шу илтимос билан ўн марта мурожаат қилади. Шоҳ бу сафар ҳам дўстининг илтижоларига эътибор қилмайди. Шунда ҳазрат ўн биринчи марта шоҳга мурожаат қилиб шундай дейдилар: (Аъло Ҳазрат чиқарган) муборак фармонга мувофиқ камина ҳар бир муҳим масала борасидаги ўз вақтида билдириладиган фикримни тўққиз мартагача (қайта-қайта) айтишга ҳақли бўлганлигимдан келиб чиққан ҳолда, халқни Хоразмга кўчириш масаласи тўғрисидаги фикримни тўққиз марта маълум қилдим, бироқ натижа бермади. Ҳатто ундан ошириб ўнинчи марта ҳам бу ишнинг олдини олиш учун сизга бош оғриғи бўлдим, лекин илтимосимнинг бажарилишига эриша олмадим. Энди илтимосимни яна бир марта такрорлайман ва умид қиламанки, бу гал бу илтимосни бажо келтирасиз[1].

[1] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. –Тошкент: 2015, Б-95-96.

Ҳусайн Бойқаро халқ ҳомийси илтимосини қисман бажаришга мажбуран рози бўлди. Хоразмга уч минг эмас мингта хонадон кўчирилади. Бу воқеага бугунги кунда муносабат билдириш осондир. Аммо ҳодиса рўй бераётган замон нуқтаи назаридан ёндашсак, даҳшатга тушишимиз аниқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, биз бугун Алишер Навоийнинг жаҳон миқёсидаги обрў эътиборига қараб баҳо берамиз, қадрлаймиз. Энди XV асрдаги Хуросон миқёсида улкан мамлакатни бошқараётган подишоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳузурига унга маъқул бўлмаган илтимос билан ўн бир марта киришга журъат этган Алишерни кўз олдимизга келтирайлик. Ўн марта мурожаат қилаётган шоирнинг тақдири, ҳаёти қанчалар таҳдид остида эканини ҳисобга олайлик. Исталган бир сафарда шоҳ жаҳл йўлида ҳаддан ташқари кескин қарорга келиши мумкин эди-ку. Алишер Навоий ақлли, саройдаги вазиятлар тажрибасига эга инсон сифатида қилаётган ҳаракатининг оқибатини билмаслиги мумкин эмас эди. Аммо фожиага йўлиқтирилаётган уч минг оила тақдири ўзининг ҳаётидан устун эканлиги шоиримизга тинчлик бермаган. Ўз жонини гаровга қўйиб юртдошлари ҳимоясига отланишга мажбур қилган. Мана шундай вазиятда шоир ўрнига ўзимизни қўйсак, Алишер Навоий жасоратига қойил қолмаслик мумкин бўлмайди.

“Шундай ҳолатлар ҳам кўплаб юз берганки, Соҳибқирон Султон саройи амалдорлари айрим зарурий харажатлар учун катта миқдордаги пулни (солиқлар сифатида тўлаш учун) халқ зиммасига юклашмоқчи бўлишганида, қалби денгиздай кенг бўлган бу Амир халқ қийналиб қолмаслиги ва бу нарса салтанат қасри пойдеворининг ларзага келишига сабаб бўлмаслиги учун ўша пулни ўз хазиналаридан тўлаб юборардилар” [1]. Хондамир юқорида айтган фикрининг бир далили сифатида 1500 йил июль-август ойларида рўй берган бир воқеани келтиради. Амалдорлар зарур харажатлар учун юз минг динор миқдорида пул ундириш зарурлигини маълум қилишганида, эллик минг динори Ҳирот атрофидаги бойлардан ва яна эллик минг динори Ҳирот аҳолисидан тўплашга қарор қилинади. Буни қарангки, халқдан тўпланадиган солиқни йиғиш амали бажарилишидан аввал Алишер Навоий билан маслаҳат қилиш одат тусига кирган экан. Ноиблар Ҳазрат ҳузурига бориб, маслаҳат сўрашганида, бу сафар ҳам шоир:

“Шу пайтда халққа ўринсиз солиқ солинишини олий манзилатли Соҳибқирон салтанати учун муносиб иш деб билмайман, - дедилар-да, ўша пулни ўз ёнларидан тўлаб юбордилар[2].

Адабий манбалардан маълумки, Алишер Навоий умрлари давомида бир неча марта Ҳаж сафарига отланганлар. Аммо ҳар сафар мамлакатдаги нотинчлик, шоҳ хазинасидаги камайган маблағни тўлдириш, шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги муомала муросага келтириш каби ҳолатлар сабаб бўлиб Ҳажга бориш амалга ошмаган. Буларнинг ҳаммасида буюк давлат арбобининг халқи, юрти, ватани олдидаги бурчни ҳис қилиш туйғуси ғолиб келган. Мана табаррук Ҳаж сафарига кетишнинг охиргиси қандай натижа билан тугаганига ўзингиз гувоҳ бўлинг. Ҳазрат 906йил (ҳижрий қамарий) – 1500 йил 26 августида Муқаддас Машҳадга етиб олиш ва у орқали муқаддас водийга етиб бориш учун йўлга тушдилар. 1500 йилнинг 3 сентябрида ушбу сафарни режалаштириб, муборак уйларига қайтдилар. Бироқ шу ойнинг иккинчисида жума намози ўқилганидан сўнг Шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний бошлиқ замоннинг энг мўътабар зотларидан 12 киши, атроф жойларидан зодагонлар, аъёнлар, раҳбарлар Ҳазрат ҳузурига келиб арз қилдилар:

Сизнинг баракалар ёғилиб турган шахсингиз Хуросон мамлакати вилоятларидаги тинчлик ҳамда аҳолининг турли табақа ва гуруҳларига мансуб кишилар ўртасидаги осойишталикка сабаб бўлиб турибди. Ҳозир бу диёр Соҳибқирон Султоннинг саховати вужудидан

[1] Ўша жойда. Б - 117
[2] Ўша жойда. Б - 117

холи бўлиб, агар сизнинг ўзидан нурлар сочгувчи вужудингиз қуёшидан ҳам холи қолса, фитналар юз бериши, уларни бостириш эса имконият доирасидан ташқарида бўлиб қолиши мумкин...

Илтимос қилиб келган юртдошларига жавобан Ҳазрат Ҳаж сафарига тайёргарлик кўриш амаллари бажариб бўлинганини маълум қилади. Султон Ҳусайндан сафарга жавоб олиш осон бўлмаганини айтади. Аммо юртнинг тинчлиги ҳар қандай савобли амалдан афзаллигини ҳам тилга олиб, ўз фикрини шундай якунлайди: "... ҳозир ўзимизнинг истагимизни сизнинг илтимосингиздан устун кўришнинг ўрни эмас. Қолаверса, "Мўминлар қалбига хурсандчилик киритиш бутун одамлар ва жинларнинг қилган ибодатидан яхшироқдир"(Ҳадис), деган ҳадисга асосланиб, сизнинг илтимосингизни ижобат этишга лойиқ деб топдик ва бандаларнинг манфаатини кўзлаб, бу сафар ҳам ушбу истагимиздан қайтдик"[1].

Халқ вакилларининг илтимосларини, Ҳазратнинг жавобларини ўқир эканмиз, ўзбек миллати қадриятларидаги улуғ инсонларни ҳурмат қилиш одатига офаринлар ўқисак, арзийди. Гап шундаки, Алишер Навоийнинг Ҳиротда, бинобарин, Хуросон юртида бўлиши бутун мамлакатда тинчликнинг бардавомлигига гаров сифатида баҳоланмоқда. Муҳими шундаки, Ҳазрат Амир Низомиддин Алишербек Навоийнинг номи ҳамиша ҳамма ҳудудларда топиладиган нияти бузуқ ғаламисларга ҳам ўз разил ниятларини амалга оширишга йўл қўймаган. Шоир ўз юрти ва халқи орасида адолат, эзгулик, тинчлик, нажот рамзига айланган. Бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Алишер Навоий тожу тахт эгаси бўлмагани ҳолда давлат арбоби сифатида олиб борган фаолияти Хуросон мамлакатида адолат ҳукми мавқеига; халқ ҳаётининг тинчлигига; илм, маданият, санъат, ҳунар аҳлининг юрт фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатди. Ўндан ортиқ хонақоҳ ва масжидлар, эллик тўртта работ, ўн тўққизта ҳовуз, ўн олтита кўприк, тўққизта ҳаммом ва бошқа иншоотлар; етимлар, иқтисодий қийналган ночор аҳоли учун ҳар куни тайёрланадиган эҳсон таомлар; муттасил инъом қилинадиган кийим-кечаклар; алоҳида иқтидорли одамларга ҳомийлик; тожу тахт учун қонли жангларни тўхтатиш; қарама-қарши кучларни муросага келтириш; подишоҳ фармонларини назорат қилиш, кези келганда вазиятга аралашиш, шубҳасиз, бутун юртдаги сиёсий, иқтисодий, маиший, маданий ҳаётда ижобий оқибатларга олиб келди. Ғиёсиддин Хондамирнинг хабар беришича, қурилишлар тугалланиши олдида Ҳазрат ташриф буюрар, кўпинча этагини қайириб бошқалар қатори ишларди. Бир неча кунлар орасида меъморлар, усталар, ҳунармандларни қимматбаҳо кийимлар билан мукофотлаган. Иши баракали муҳандислар, қўли гул кошинкорлар, наққош санъаткорлар, сангтарош усталар доимий равишда рағбатлантириб турилган. Натижада баъзан беш йиллик режа билан бошланган қурилишлар бир йил ичида битказилган[2].

Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да шундай деган: "Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекка мураббий ва муқаввий (мадад бергувчи – Муал.) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай"[3]. Яъни зиёли олим санъаткор аҳлига Алишер Навоийча эътибор берган ва қўллаб қувватлаган инсон маълум эмас, бундан кейин ҳам маълум бўлмайди. Бобур фикри давомида устоз Қулмуҳаммад, Шайхи Нойи, Ҳусайн Удий каби созандаларнинг Амир ҳомийлигида шуҳрат топганларини ёзади. Шунингдек, Бекзод ва Шоҳ Музаффар каби мусаввирлар ҳам эсга олинган. Якунда: "Мунча бинойи хайр ким, ул қилди, кам киши шундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай", - дейилади. Ҳақикатан ҳам ўз замонасида Али-

1 Ўша жойда. Б – 90-91.

[2] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ.. –Тошкент; Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2015. Б-73.

[3] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент; Фан, 1960. Б – 233.

шер Навоийчалик ўз маблағини халққа бағишлаган одам бўлмаган. Ғиёсиддин Хондамирнинг ўзи "Макорим ул-ахлоқ"нинг бошидан охиригача ҳазратдан миннатдор эканини эсга солиб туради. Ҳатто жуда қизиқ маълумотни ҳам фахр билан қайд этади. Хусусан, Алишер Навоийдек буюк зот бирон марта ўз маблағлари ҳисобидан закот тўламаган эканлар. Маълумки, ислом дини қоидаси бўйича бир йил давомида ҳаракатда бўлмаган маблағ, жамғармадан закот тўлаш талаб қилинган. Алишер Навоийда эса бир йил давомида ҳаракатсиз ётган маблағнинг ўзи бўлмаган. Демак, бир томондан хазинага даромад келиб тушган ва шу заҳоти харажат қилинган. Оқибатда закот тўлашга ҳожат қолмаган. Аслини олганда кундалик кирим ва чиқим бир-бирини қопламаган ҳолатлар кўп кузатилган. Хондамир "Макорим ул-ахлоқ" да Амирга бағишланган йигирмадан ортиқ китоб ва рисолалар номини келтиради. Бутун бошлиқ бир тадқиқот якка бир шахсга бағишланиши бежиз бўлмайди.

Алишер Навоий ўзларининг самимий хайрихоҳликлари билан ҳар бир замондошлари қалбида ўта камтарлик рамзини ҳосил қилган эдилар. Нозик ҳаётий вазиятларда ҳар бир юртдош бу саховат пешаси ҳузурига нажот истаб бориши ва, албатта, мушкулининг осон бўлишига умид қилиши одат тусига кирган эди. Кунлардан бир кун Амир дўстлари Мавлоно Фасиҳиддин Соҳий билан шахмат ўйнаб ўтирганда, ҳурматли одамлардан бири Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ кириб келади. Ҳазрат у кишидан ҳол аҳвол сўрайди. Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ "Ихлосия" мадрасаси яқинидан бир ҳовли сотиб олмоқчи эканини, ҳатто ҳовлини топганини, нархини келишганини айтади. Аммо орага бир киши аралашиб олди-сотди шарти бузилаётганини билдириб Амирдан ёрдам сўрайди. Амир унинг гапларига жавоб бермай ўйинини давоб эттираверадилар. Илтимос қилувчи ноқулай аҳволга тушиб қолади. Амирга илтимоси оғир ботганини ўйлаб андишага боради. Шахмат ўйини тугагач, Амир ҳузурига келган кишига шундай дейдилар:

– Фақирлардан бири майдоннинг кенглиги ва хоналарнинг кўплиги, ҳавосининг мусаффолиги ва сувининг ширинлиги билан ажралиб турадиган, бунинг устига мадрасага яқин бўлган бир ҳовлини сизга тортиқ қилгани яхшими ёки (ўзингиз айтган) ўша ҳовлини сизга олиб беришга ҳаракат қилингани маъқулми? Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ бу сўзларни эшитиб ниҳоятда хурсанд бўлганларини билдирдилар[1]. Бундай воқеа ҳодисаларнинг сони ҳам, саноғи ҳам бўлмаган. Амир ҳамиша ҳар бир имкониятдан одамларга яхшилик қилишда фойдаланган эканлар. Ва деярли ҳар сафар келажакка умид билан қараганлар. Одамларга яхшилик қилиш, миллат келажагига хизмат қилиш, инсоният мушкулини осон қилишга уриниш билан Яратганнинг эътиборини қозонишга, охиратининг обод бўлишига умид билдирганлар.

Буюк инсоннинг бу фазилати Ойбекнинг "Навоий" романида алоҳида эътибор билан тасвирланади. Алишер Навоий асар қаҳрамонлари Дилдор ва Арслонқулга ҳақиқий маънода оталик қилади. Арслонқул қурилишда ишлаган кезлари шоир билан танишади. Бу учрашув йигит тақдирида ўзини таниш, ўзига ишонч, келажакка умид туйғуларини уйғотди. Ҳатто Дилдор ҳарамдан қочиб ўлим жазосига ҳукм қилинган пайтда Арслонқул зудлик билан Марвга – Алишер Навоий ҳузурига от чоптиради. Навоий Дилдорни озод қилиш ҳақидаги ҳужжатни расмийлаштириб жон ҳолатда безовталанаётган Арслонқулга беради. Оқибатда сарой разолати адолат олдида мағлуб бўлади. Тўғонбек ҳам ғафлатда қолиб Дилдорнинг озод этилишини кузатишга мажбурлигини тан олади. Ойбекнинг "Навоий" романини ўқисангиз буюк адиб Навоийнинг халқ ҳомийси сифатидаги ҳаракатларига гувоҳ бўласиз.

---

[1] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Тошкент; Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2015. Б-114-116.

АЛИШЕР НАВОИЙ – РУҲШУНОС

6 - суҳбат

Бадиий адабиёт санъатнинг энг мураккаб ва энг гўзал турларидан биридир. Унинг асосий қуроли сўз бўлгани сабабли бадиий адабиётни сўз санъати деб атайдилар. Хўш, санъатнинг ўзи нима? “Санъат” сўзи қандай мано англатади? “Санъат” араб тилидан олинган сўз бўлиб, иш, меҳнат, маҳорат, касб-ҳунар маъноларини ифодалайди. Агар маъно ифодаловчи сўзлардан муайян мақсадни кўзлаган ҳолда гап тузсак, “санъат” нинг моҳиятини англатувчи жумла ҳосил бўлади: бирор касб-ҳунарга оид маҳорат билан амалга оширилган меҳнат намунаси, санъат асари бўлади. Жумладаги энг муҳим сўз сифатида “маҳорат” ни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бизнинг тасаввуримизда ҳар қандай иш ёки меҳнат қайси бир касб-ҳунар билан боғланмасин санъат намунаси бўлолмайди. Масалан, бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” даги болаларнинг, нарса-предметларнинг расмлари санъат намунаси эмас. Чунки улар танлаб олинган мавзу бўйича тасаввур ҳосил қилиш учунгина чизилган бўлиб, маҳорат белгисидан холи равишда ишланган. Шунингдек, дўконлардаги расмлар, рекламалар ҳам санъат асари ҳисобланмайди.

Сиз адабиёт дарсларида ўқийдиган халқ оғзаки ижоди асарлари, ҳикоя, шеър, достон ва романлардан олинган парчалар эса бадиий адабиёт намунасидир. Бинобарин, уларни сўз санъати деб айтишга ҳаққимиз бор. Энди бадиий адабиёт сўз бирикмасига эътибор беринг. Луғатларда бу сўзнинг маъносини гўзал, ажойиб деб кўрсатишади. Маълум бўладики, бадиий адабиёт деганда гўзал, ажойиб даражадаги адабиёт назарда тутилар экан. Савол туғилади: адабиётнинг ўзи нима? Бу сўзнинг ўзагида “адаб” бор. Адаб эса яхши тарбия, маъқул ҳаракат демакдир. Демак, адабиёт яхши тарбия, одоб, чиройли хулқ, маъқул ҳаракат юзасидан маълумот беради. Бадиий (гўзал) адабиёт эса яхши билан ёмонни, гўзаллик билан хунукликни, эзгулик билан ёвузликни фарқлашга ўргатади. Уларнинг хар бирини сўз билан ифодалайди. Инсон руҳиятига, онгига таъсир қилиб эзгулик, гўзаллик, яхшилик ғояларини қалбимизга сингдиради. Ўқувчи, китобхон бадиий асарларни ўқиш орқали ҳаёт хақида янги тушунчаларга эга бўлади. Дунё бўйлаб замондошларнинг, аввал яшаган одамларнинг қандай хаёт кечирганликларини билиб олади. Турли вазиятларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўрганади. Шунинг учун устозлар бизга бадиий китобларни кўпроқ кераклигини уқтиришади.

Ёдингизда бўлсин, китоб ўқишни севадиган, китоб ўқимай қўйса, қандайдир яхши кўрган нарсасини йўқотгандек ҳис қиладиган фарзанд билан китоб яқинига йўламайдиган одамнинг хатти-ҳаракатларида, гап сўзларида, феълида ҳатто, қиёфасида ер билан осмонча фарқ бўлади. Чунки Яратган кимнидир ҳақиқий маънода инсон қилиб яратса, кимдир маънан қашшоқлиги билан инсон қиёфасидаги мавжудотга айланиб қолади. Афсусланадиган жойи шундаки, бу мавжудот ўзини инсон деб ўйлайди. У инсон бўлиш, маънавий жихатдан инсонга қўйиладиган талабларга жавоб бериш ҳақида бош қотирмайди. Тўғрисини айтсак, ундай кимсаларнинг бу ҳақда бош қотириши керак ҳам эмас. Ундайлар ҳаётни фақат қорин тўйғазишда, қайси йўл билан бўлмасин яхши яшашда, деб биладилар. Бу эса шахс фожиасини вужудга келтиради.

Алишер Навоий ўзларининг эллик йилдан зиёд яратган ижод намуналарини айнан Сизга, инсон деган номга муносиб авлодларига яратганлар. Ўз ўгит ва маслаҳатлари билан Сизнинг гўзал хулққа эга бўлишингиз учун жон куйдирганлар. Шу сабабдан ҳам Сиз

ўзингизни Алишер Навоий ҳавас қилган фарзанд эканлигингиз билан фахрлансангиз арзийди. Сиз қатнашаётган суҳбатимизда шоиримизнинг руҳшунослик соҳасидаги ажойиб кашфиётлари билан танишамиз.

Маълумки, инсон турмуш тақозоси билан турли мураккаб вазиятлар иштирокчисига айланади. Руҳий тушкунлик ҳолатини бошидан кечиради. Муаммонинг ечимини топишга уринади. Ҳатто, ўзига ёқмаган кўнгилсиз ва кескин ҳаракат қилишни хаёлига келтиради. Шоир ана шундай шароитда бизга ёрдамга келади. "Садди Искандарий" достонининг олтмиш тўққизинчи бобини шундай байт билан бошлайди:

Чу охир бўлур биз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ![1]

Айтиладики, ҳар бир одамнинг туғилиши бор. Айни чоғда ёруғ дунёдаги инсон ҳаёти абадий эмас. Инсон борки, бандаликни бажо келтиришга, яъни вафоти қонун эканлигини тан олишга мажбурдир. Шундай экан, ҳаётлик пайтидаги ҳар бир дамни ғанимат билиши керак. Ҳар бир дамдан унумли фойдаланиш керак. Кейинги байтда:

Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,
Тараб жомидин айлагил ўзни маст,[2] -

дейилади.

Бу дам шундай дамки, у сенга мамнунлик, қувонч қўлини берди. Шунинг учун хурсандлик, шодлик жомидан ўзингни маст қилишга ўрган. Ҳар қандай ғамни, аламни орқага ташла. Агар ҳаётда эканингга шукр қилсанг, вақт, сабр сени ташвишларингдан холи этади. Яшаётганингдан мамнун бўлсанг, шодлик жоми сенга сабр берса, ёмонликлар чекинади. Боб давомида замондош одамларнинг бир-бирига меҳмон эканлиги айтилади. Йигитлик, ёшлик йилларини ҳаётдан қониқиш билан ўтказиш керак. Ҳар қандай фожиали фурсатларда ҳам ўзингизни йўқотиб қўйманг. Кўнгил очиш имкони йўқ бўлса, ғам еманг. Оғир ва мусибатли кунларда ўзингизни овунтиринг, пешонангизга ғам чекиш қисмати ёзилган тақдирда ҳам уни бартараф қилишга, муаммонинг ечимини топишга уринг. Бошига ғам келганда аламига чидамайдиган, оқибатда ўзини ўзи қийнаб ғам устига ғам орттирадиган одамлардан бўлманг. Ёдингизда бўлсинки, бу дунё ортиқча алам чекишга арзимайди-ю, ҳаёт жуда мўрт. Ундан бир сонияда ажраб қолиш мумкин. Шундай экан, нима учун арзимаган мушкулотдан умидсизликка тушасиз?

Алам ичра дам урмағил, эй кўнгил,
Не ғам етса, қайғурмагил, эй кўнгил.

Эй кўнгил, ҳой инсон, ҳеч қачон алам ичида яшамагин. Тушкунликка тушмагин. Ҳар қандай муносабат денгизига ғарқ бўлсанг ҳам қайғуга берилма. Ҳаётдан умидингни узма. Энг муҳими, қалби пок, имонли одам бўл:

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. Тошкент. Фан, 1993. Б-468

[2] Ўша жойда. Б-468.

Чу зотингда имондин ўлди нишон,
Гулистони жаннатда бўл гулфишон.[1]

Чунки агар сенинг вужудингда имон деган улуғ фазилат нишони бўлса, ишончинг мустаҳкам бўлсин, жаннат чаманзорида гулдек очилиб туриш шарафига муяссар бўласан. Бундай шарафга эга бўлиш эса инсон зоти учун энг олий даражадаги ҳавасдир.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, руҳиятимизни бундан ҳам кўтариши мумкин бўлган овутиш, далда бериш гапларини ўйлаб топиш имкони борми? Ҳазрат ўгитлари иродамизни чиниқтиради. Ҳамиша келажакка умид билан яшашга ўргатади. Фақатгина келажакка умидвор бўлиб яшашнинг ўзи етарли эмас. Орзуларга етиш учун иродани, идрокни ишга солиш керак. Муттасил меҳнат қилиш, ҳар бир сониядан унумли фойдаланиш лозим.

Алишер Навоий ўзининг ҳаёт тарозисидан ўтган ҳикматлаъри билан фақат ўзбек маънавий оламини эмас, бутун жаҳон ҳалқлари маънавиятини бойитишга муносиб ҳисса қўшади. У ёзади:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлуғ иш.[2]

Бу шоҳбайтда ифодаланаётган фикрнинг моҳиятини одамнинг улуғланиши ташкил қилади. Шоир учун дунёда инсондан улуғ мавжудот йўқ. Инсон дунёга яратувчилик вазифасини бажариш учун келади. Ақли, заковати, жисмоний кучи, маънавий имкониятини фақат илм-фан тараққиётига, мадрасалар қуришга, даладан мўл ҳосил олишга, замондошларга ҳузур бағишловчи боғлар яратишга ишлатиши керак. Шундай экан, яратилган моддий ва маънавий бойликларни йўқ қилувчи урушларнинг нима кераги бор. Жанг талафотсиз бўлмайди. Устига устак талафот асосан инсон ҳаётининг уволи билан боғланади. Ваҳоланки, ахир инсон инсонга ёрдам бериш, унинг оғриғини енгил қилиш учун яратилган-ку. Агар фалсафий ва ғоявий жиҳатдан мулоҳаза юритсак, юқоридаги байт таҳлили бир неча саҳифани эгаллаши мумкин. Энг муҳими шоир байтда адоват, рақобат инсон зотига муносиб эмаслигини, ҳақиқий савоб берувчи ҳаракат аҳилликда эканини таъкидламоқда. Бугунги кунда араб мамлакатларидаги урушлар, ер куррасидаги турли ҳудудлардаги портлашлар, нотаниш одамларга нисбатан уюштирилаётган суиқасдлар, ўзини-ўзи портлатиш ҳоллари, кўча-кўйларда, ўзингизнинг атрофингизда рўй бераётган уришишлар - буларнинг ҳаммаси ИНСОН деган улуғ номга ношукрчилик белгилари эмасми? Яратган инъом қилган умрни бандаси олиши мумкинми? Жаҳондаги хунрезликларнинг заминини ҳирсу ҳавас эгаллайди. Бу иллат шахсни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган разолатга элтади.

Шоир ўзининг “Арбаъин” асаридаги 17-ҳадисда Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в) айтган “Қаноат битмас-туганмас молдир” гапларининг маъносини шеърга солади:

Ҳирсдан кечкил, ул ғамдурким,
Ҳадду ғоят анга эмас пайдо.
Тут қаноатким, ул эрур моле,
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.[3]

---

[1] Ўша жойда. Б-472.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Тошкент. Фан, 1988. Б-216.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн олтинчи том. –Тошкент; Фан, 2000, Б-265

Бу тўртликда ҳирс (бирор нарсага қаттиқ берилиш, интилиш; тама, очкўзлик) билан қаноат (мамнунлик, борига шукр қилишлик, камсуқумлик) бир бирига қарама-қарши қўйилмоқда. Шоиримиз таъкидлашларича, ҳирс инсонга ғам келтиради, уни нотўғри йўлга бошлайди. Охир-оқибат инсонлик фазилатларидан маҳрум қилади, уни йиртқичлик сари етаклайди, Ватандан жудо қилади. Қаноат эса уни имконияти даражасида ноз-неъматга эга қилади, имон сари етаклайди. Тавсия қилинаётган бу руҳий ҳолат шоирнинг ҳаёт шиоридан иборат эди. Уларнинг шахсий муҳрларида "Дунёда ғарибдек ёки бир йўловчидек бўлгин! "Фақир Алишер" деб ёзилган эди. Навоийшунос олима Суйима Ғаниева топган муҳрдаги матн буюк адибнинг умр бўйи амал қилган фалсафий йўналиши ҳақида маълумот беради. Халқимизда "оч қорним-тинч қулоғим", деган гап бор-ку. Қулоқнинг тинч бўлиши хотиржамлик белгисидир. Руҳий сокинлик инсон қалбидаги тинчлик аломати бўлиб, шахс учун энг қимматбаҳо бойлик ҳисобланади, бу намуналарнинг ҳаммаси инсон руҳий оламини бошқаради. Онгда пайдо бўлиши мумкин ҳисобланган иллатдан холи қилади.

Мумтоз адабиёт таҳлили билан шуғулланадиган олимлар бир овоздан Алишер Навоийнинг шахс ички кечинмаларини бадиий ифодалашда тенги йўқ ижодкор деб биладилар. Бу жиҳатдан шоир руҳий вазият ифодасида беназир иқтидор эгаси сифатида шуҳрат топган. Унинг қаламига мансуб шеърларда шахс руҳий ҳолати тасвири ҳамиша ўзининг энг олий даражадаги ифодаси ўлчовига муяссар бўлади.

Шоир ёзади:

Қатра қонларким томар кўксумга урған тошдин,
Захмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимға тош.[1]

Ўқишингиз осон бўлиши учун рукнлар тартибини келтирамиз: *фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун.* Байтнинг биринчи мисрасида шоир кўксига урган тошдан қон томаётганини маълум қилмоқда. Аммо сен қон тош етказган жароҳатдан томяпти деб ўйлама.Чунки аслида кўксимга урилган тош қалбимдаги дард-алам, ғам билан танишди. Вужудимдаги ҳаёт етказаётган фожиалар билан танишган тош қон йиғламоқда. Яъни сен тасаввур қилаётган жароҳатдан томаётган қон аслида қалбимдаги ғам билан тасодифан танишган тошнинг кўз ёшларидир (2-мисра). Халқимизда "фалончи қон йиғлади" деган тушунча бор. Қарияларимиздан қолган ҳаётий ҳикояларда одам ҳаддан ташқари оғир мусибатга учраганида кўзидан қизғиш рангли ёш оқиши айтилган. Кўздан оққан ёш тиниқ бўлмай қизғишлиги туфайли "қон йиғлаш" тушунчаси ифодаланган. Аммо бундай вазият ва ҳолатни кўриш инсон умри давомида деярли учрамайди. Демак, инсоннинг қон йиғлаши умуман тарихда бўлган, лекин ҳаётда камдан-кам вазиятларда рўй берар экан. Шоиримиз биз келтирган байтда ана шундай мусибатли дақиқаларни бошидан кечираётганига ишора қилади. Аммо бу ишора шоирнинг ўзини у қадар қониқтирмайди. Унинг фикрича, кўздан қонли ёш келиши ҳам ифодаланаётган мусибатли вазиятни тўла баҳолашга қодир эмас. Чунки у тортаётган ғам-алам шу қадар оғирки, кўз эмас, жонсиз тош ҳам қон йиғлаб юбориши керак. Натижада ўқувчи руҳий ҳолатни моҳирона тасвирланган ифодасига гувоҳ бўлади.

Алишер Навоий ғазаллари билан танишар эканмиз, шоирни ўз ишқига садоқатли ошиқ тимсолида кўрамиз. Бинобарин, ошиқликка хос руҳий ҳолатларнинг ранг-баранг лавҳалари бизни ўзига жалб этади. Моҳир сўз санъаткори сифатида бундай кайфиятлар акс этган байтларда ўзига хос гўзал ниятлар, тилаклар ифодасини яратишга муваффақ бўлинган:

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. Тошкент. Фан, 1988. Б-205.

Кўнглим ўртансур агар ғайрингга парво айласа,
Ҳар кўнгил ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.[1]
Ўқилиши-фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун.

Байтда шоир машуқа қаршисида ўзига ўзи талаб қўймоқда. У қўйган талаб жуда оғир: агар сендан бошқа бир маъшуқага парво қилсам, кўнглим руҳий алам-изтиробга дуч келсин, куйиб кетсин. Яъни ҳаётдан кўз юмай. Аммо билки, бошқа бир кўнгил сени ҳавас қилса, у ҳам ўртаниб кетсин. Яъни куйиб кул бўлсин. Кейинги байтларда адиб ўқувчига билдираётган фикр таъсирини ошириш мақсадида айтилган мулоҳазасига аниқлик киритади:

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсин кўзим,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.[2]

Яъни, мен фақат сенга ошиқман. Сендан ўзгага кўнгил қўйсам, бутун вужудим билан куйиб кетай. Шу билан бирга, ҳатто сендан ўзга машуқага кўз ташламасликка ваъда бераман. Агар ваъдамни бажармасам-у бошқанинг ҳуснини томоша қилсам, уни томоша қилган кўзим чиқсин - кўзимдан айрилай. Аммо айни чоғда, сенга бировнинг кўзи тушишини ҳам хоҳламайман. Шунга қарамай, мабодо, ҳуснингни бошқа кўз томоша қилса, у кўз ҳам чиқсин - деб дуои бад қиламан – қарғайман. Натижада, кўз ўнгимизда ўз сўзидан қайтмайдиган, машуқасига вафодор, рашкчи ошиқ намоён бўлмоқда. Унинг руҳий ҳолати ниҳоятда кескин. У ўз ниятини аниқ, мантиққа асосланган ҳолда ифода эта олиш идрокига эга эканлиги билан ёдимизда қолади.

Дарвоқе , мантиқий фикр юритишда, мураккаб ҳаётий вазиятда ўзини йўқотмасликда, севикли машуқасига вафодорликда бизни ўзига мафтун қиладиган, кишида ҳавас уйғотадиган қаҳрамонни Алишер Навоий ўзининг “Хамса” сидаги “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам яратади. Хусусан, Фарҳод ана шундай ажойиб инсон рамзи сифатида гавдаланган. Шу ўринда бир оз изоҳ беришга мажбурмиз. Достонни Ҳазрат Навоийнинг ўзлари “Меҳнатнома” деб атаганлар. “Меҳнат” сўзи мумтоз адабиётда сиз ўйлагандек бирон иш билан шуғулланиш маъносини бермайди. Уни шоирлар асосан ғам чекиш, машаққат, азоб-уқубат тушунчасини беришда қўллайдилар. Маълум бўладики “Фарҳод ва Ширин” достони шоир назарда тутган мақсадга биноан “меҳнатнома”, яъни азоб, ғам, алам, ҳақидаги асар экан. Достонда биз Фарҳод дуч келган кўплаб мураккаб вазиятларга гувоҳ бўламиз. Аммо қаҳрамонимиз уларнинг ҳаммасини мардлик, жасорат билан енгиб ўтади. Чунки унинг ҳаётини шоир мукаммал тузилган режа асосида уч даврга бўлиб тасвирлайди. Биринчи давр - бу Фарҳоднинг ёшлигидир. Фарҳод исми фар-нур, ёғду; ҳиммат; иқбол (араб ёзувида иқбол “алиф” ҳарфидан бошланади ва исмдаги “о” га мос тушади); давлат сўзлари бирикувидан ҳосил бўлган эди. Унинг ёшлик-ўсмирлик даврида ана шу сўзлар фазилати тўла намоён бўлади. Фарҳод ҳарбий санъатни тўла эгаллайди. Жисмонан бақувват, жанг олиб бориш сирларидан хабардор, чидамли ва иродали йигитга айланади. Бу билан Алишер Навоий фарзандининг соғлом тарбияланишига урғу берган. Фақат соғлом инсонгина ҳаёт мушкулотларини енгиб ўтиши мумкин деган ғояни илгари сурган. Иккинчидан, қаҳрамонимиз ўз замонасининг ҳамма фанларини эришилган ютуқлари билан эгаллайди. Тиббиёт, математика, мантиқ фанларини шундай ўргандики, охир пировардида устозлари унга шогирд бўлишни ҳавас қилдилар. Фарҳоддаги бу фазилатлар ҳам шоир фикрича, ҳар бир

[1] Ўша жойда. Б-43
[2] Ўша жойда.

фарзанд тарбиясида муҳим эди. Учинчидан, Фарҳод унга атаб қурилган қасрлар баҳонасида ҳунарлар соҳибига айланди. Тош йўниш, меъморлик, наққошлик касб-ҳунарларидан кўникма олди. Қайд қилиб ўтилган учта йўналиш шоир нуқтаи назарида ҳар бир комил ўсмир учун зарур эди. Шундан сўнг Фарҳод ҳаётидаги иккинчи даврга ўтилади. Алишер Навоий назарда тутган иккинчи давр вазифасини Фарҳоднинг Юнонистонга қилган сафари бажарди. Қаҳрамон сафарда эканида ёшликда қўлга киритган кўникмаларини синовдан ўтказади. Сафар ҳам муваффақиятли тугади. У билан Юнонга берган одамлар катта бойликлар билан қайтдилар. Энг муҳими, Ширинни кўриш имконини берадиган кўзгу сири очилади. Ана энди Алишер Навоий қаҳрамони Фарҳодни ҳақиқий ҳаётга тайёр эканига ишонч ҳосил қилди. Фарҳод тимсоли учинчи давр-балоғатга етган комил инсон даражасига етди. Бу босқич Фарҳод исмидаги яна бир изоҳ билан асар бошида шарҳланган эди. Изоҳ эса “фироқ” (“Ф”),”рашк”(“р”) (араб алифбоси билан “Фарҳод” исми ёзилганда “а” унлиси қайд этилмайди), “ҳажр”(“ҳ”), “оҳ”(“О”), “дард” (“д”) сўзларидан иборат эди. Ўқувчи исмнинг изоҳи нақадар аниқ эканини денгиз ичидаги оролга сафар қилинганда, тўфонга учраган пайтдан бошланганини сезиши қийин эмас. Хуллас, тақдир Фарҳодни охири Хусрав билан рўбарў қилади. Аввалги саҳифаларда айтганимиздек, маккорлик билан асир олинган Фарҳод ва ўзини ғолиб деб билган Хусрав ўртасида руҳий жанг лавҳаси яратилади. Бу лавҳада Навоийнинг яна бир маҳорат қирраси намоён бўлади. Фарҳод билан Хусрав мунозарасида ақлий, жисмоний, руҳий қувватга эга Фарҳод ва ўз мавқеига ҳаддан ташқари ишонган, ҳаётдаги ҳамма нарсани ҳирс мезони билан ўлчайдиган Хусрав тўқнашади. Шоиримизинг маҳорати шундаки, Фарҳодга сўз берилганда, Навоий руҳан ижобий қаҳрамони тарафида туриб қалам тебратади. Мунозарада Хусрав гапирганида, шоир энди мустабид – ҳамма нарсани ўзича ҳал қилувчи, золим, разил шоҳ нуқтаи назаридан келиб чиқиб ижод қилади. Айтмоқчимизки, мунозарада Фарҳод гапирганида, шоир Фарҳод бўлиб, Хусрав гапирганида эса Хусрав бўлиб байтлар ёзади. Эътибор беринг:

Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумраҳ?
Деди : мажнун ватандин қайда огаҳ?[1]

Байтнинг ўқилишини эсланг:

мафоийлун, мафоийлун, фаувлун.

Келтирган мисолимизнинг биринчи байтида Хусрав ўзининг ғалабасини (бу ғалабага у хиёнат билан эришган бўлса ҳам) намойиш қилмоқда. Қаршисидаги рақибни ҳақорат қилиб, ўзини кўкларга кўтариб савол бермоқда. Фарҳодни у мажнун – девона, эсдан адашган жинни деб атамоқда. Унинг қайси юртдан эканига қизиқмоқда. Фарҳод жавоб берар экан, аввало, ўзининг руҳий тетиклигини йўқотмайди. Руҳий жиҳатдан ўзини Хусравдан устун эканлигини билдирмоқда. Фикрлаш даражаси тиниқ. Саволда шоҳ томонидан йўл қўйилган мантиқий хатодан фойдаланиб, жавобида савол берувчининг ўзи телба эканига ишора қилмоқда. Хусусан, “сен мени телба дея туриб, мендан ватанимни сўраяпсан. Агар сен телба, жинни бўлмасанг, мажнундан ватанни сўраш аҳмоқлик эканлигини билар эдинг. Мажнуннинг ватани бўлади. Аммо у мажнун бўлгани учун ватанини билмайди-ку. Саволинг қанчалар мантиқсиз эканига ўзинг баҳо бер”- демоқчи. Хусрав рақибининг жавобидан даҳшатга тушади. Фарҳоднинг фақат жисмонан эмас, ақлан ҳам ўзидан афзал эканини ҳис қилади.

[1] Ўша жойда. Саккизинчи том. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Б-323

Аммо ҳукмдорлик мавқеи бу ҳақиқатни тан олишга йўл қўймайди. Савол беришда давом этар экан, борган сари кетма кет хатога йўл қўяверди. Чунки у руҳий жиҳатдан Фарҳодга таслим бўлган эди. Шоиримиз бу вазиятни ҳушёр ўқувчисига босқичма босқич англатиб боради.

Дедиким: куймагингни айла маълум!
Деди: андин эрур шоҳ аҳли маҳрум![1]

Хусрав рақибидан ишқ ўтида куйган экансан, куйиш қандай бўлишини айтиб беришини сўради. Фарҳод ҳеч иккиланмай ишқ ўтида куйиш подишоҳ учун тушуниб бўлмайдиган вазият эканини айтади. Бу ўринда "шоҳ" сўзига эътибор қилинг. Бу сўз бир томондан "жаҳл"-га ҳам жуда яқин бўлиб нодонлик маъносини билдиради. Демак, Фарҳод Хусравни бир томондан жоҳ-шоҳ деса, иккинчи томондан нодон эканини ҳам таъкидламоқчи, бизнингча. Фарҳод билан Хусрав мунозарасини ўқисангиз, руҳий жиҳатдан бақувват одамнинг энг мушкул аҳволда ҳам ўзини йўқотиб қўймаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Хусрав ундан қайси пайтдан ишқ дардига дучор бўлганини сўраганида, Фарҳод туғилмасдан олдин бу дард уни банд этганини айтади. Маълумки, Хусрав ҳам Ширинга севги изҳор қилган эди. Бинобарин, у ҳам ошиқ эканини билдирган эди. Агар Фарҳод туғилган пайтдан кейинги бирор муддатни кўрсатганида, Хусрав ўзининг ундан олдинроқ ошиқ бўлганини пеш қиларди. Фарҳод шунинг учун шундай бир муддатни қайд этдики, ундан олдинги муддатни айтиш мумкин бўлмай қолди. Айни пайтда Фарҳод яна бир марта ўзининг мантиқан асосли фикр юритишини исботлади. Хусрав унга Шириндан катта бойлик эвазига воз кечишни таклиф қилди. Фарҳод эса Хусрав таклиф қилаётган хазина унинг ишқи олдида тупроқ билан тенг эканини айтади. Унинг ишқи шу қадар ноёб бир бебаҳо мўъжизаки, ҳар қанча мол-дунёни унга нисбатан тупроқ дейиш мумкин. Сезиб турибмиз, мунозарада қаҳрамонимизнинг руҳий қуввати Хусравдаги баландпарвоз рағбатни ер билан яксон қилди. Ундаги эҳтиросни янчиб ташлади. Маълум бўладики, Алишер Навоий ўз қаҳрамонини жисмонан, ақлан, руҳан комил инсонлигини китобхон кўз олдида мукаммал тасвирлаш учун алоҳида ўйлаган ва қатъий режа асосида иш тутган. "Фарҳод ва Ширин" достони "Хамса" таркибидаги ғоявий, бадиий жиҳатдан гўзал яратилганлардан экани бежиз таъкидланмайди. Бу сифат достонда ўқувчини ўзига жалб қилувчи руҳий эмоционал тасвирга ҳам тегишлидир. Унда ҳар бир қаҳрамон билан боғлиқ лавҳада шоирнинг маҳорат кўлами аниқ сезилиб туради. Юқоридаги мисолда Фарҳод қуввати, Хусрав саросимаси қанчалар нафис тасвирланган бўлса, Ширинниг Фарҳодга ёзган мактуби нозик табъ, беқиёс ички туйғу ифодаси сифатида қимматлидир. Муҳими, Навоий уни битган пайтида қирқ уч ёшда эди. Уйланмаган, ҳаёти давомида балоғатга етган-етмаган қизлар билан муомалада бўлмаган инсоннинг Ширин мактубини ёзиши ўта мураккаб кечганини фақат фикран тасаввур қилишимиз мумкин холос. Шоиримиз Ширин мактубини Ширин, "Лайли ва Мажнун" достонидаги Лайли мактубини Лайли руҳий кечинмаларини қалбидан ўтказиб ёзиши керак эди. Бу пайтда Навоий қаҳрамонларининг туйғулари билан нафас олиши, маъшуқаларга хос изтиробда яшаши лозим эди. Умуман, мактубларни, хусусан, Ширин мактубини ўқиган китобхон шоир шахсини мутлақ эсидан чиқаради. Мактубни фақат Ширин даражасидаги руҳий азобга тушган қизгина ёзиши мумкинлигига имон келтиради:

[1] Ўша жойда.

Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим.

Чекарда ғам тоғин ҳолин нечукдур,
Бу юкдин жисми чун нолинг нечукдур.

Қатиқ ғурбат аро ҳолинг не эркин,
Ачиқ фурқатда аҳволинг не эркин.

Не бўлғай эрди чархи зулми пеша,
Мени сендин жудо қилмай ҳамиша.

Хироминг чоғи йўлдош эрсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.

Тикон кирса, кафингға кийнасидин,
Чиқорсам эрди киприк игнасидин.

Кўруб хору хас ўрнингда ниҳоний
Сочим бирла супурсам эрди они

Чу билсам гарддин кўнглинда қайғу
Ер узра ашкдин сепсам эди сув.

Юзунгни олмасам эрди энгимдин,
Аритсам эрди ашкингни енгимдан.

Сув истаб тушса ўтлуғ кўнглунгга жўш,
Лабимдин тутсам эрди чашмаи нўш.

Демон мендин сенинг дарднг эрур кам,
Сенинг ҳам кўптурур дарднг менинг ҳам[1].

Ширин Фарҳодга мурожаат қилиб, мендан айрилган ҳолда нафас олаётган ғарибим, мени кўриш давлатидан бенасиб ёрим, аҳволинг қандай ҳолда кечмоқда, деб сўрайди. Мени соғинишдек ғам тоғи юкини кўтариш азобида қолган азизим, оғир юк азобидан тортаётган ноланг қандай ҳолатга етди? Ғарибликда ғурбат дардини тортишдан қандай мусибатларга қолган экансан? Аччиқ фурқат – жудолик мусибатларидан қийналиб кетмадингми, деб сўрайди. Шундан сўнг унинг ўзи дунёнинг инсонга етказадиган зулми чегарасиз эканидан шикоят қилади. Тақдир одатига кўра мени сендан жудо қилмаса, нима бўлар эди. Ахир сен билан бирга жуфт ҳолда кўнгилга хуш ёқувчи сайр пайти йўлдошлик, ҳамроҳлик қилсам бўлмасмиди. Жим қолган пайтларингда дўст бўлсам, сени қўллаб қувватлаб турсам бўлмасмиди. Тақдир тақозоси билан кафтингга тикан кирса, ўша тиканни киприкларим билан чиқарсам бўлмасмиди. Атрофингдаги кўринмас майда тиканларни сочларим билан супурсам, кўнглингда ғашлик пайдо қилган чангларга кўз ёшларим билан сув сепсам бўлмасмиди. Қани энди юзингни юзимдан олмасам. Кўз ёшларингни енгинам билан артиб

1 Ўша жойда. Б-369-375.

қўйсам. Чанқоқликдан ўтли кўнглинг қайнаса, лабимни ичишинг учун булоқ қилиб тутсам бўлмасмиди. Менинг дардимни ўзингникидан кам деб ўйлама. Менинг дардим ҳам, сенинг дардинг ҳам ҳаддан ташқари кўп, оғирдир.

Юқоридаги шарҳ билан танишган ўқувчи Ширинниng мактубидаги дил изҳорини қирқ уч ёшли эркак инсон ёзганига мутлақо ишонмайди. Лекин далил далиллигича қолади. Ва ҳар қандай гумондор одам ҳам мактуб айнан Алишер Навоий қалами маҳсули эканини тан олишга мажбур. Мактубни Фарҳод ўқиганидан сўнг ўзини Ширин яшайдиган манзил кўчаларидаги итга, унинг хизматини қилишга тайёр турган хизматкорга, тупроққа ўхшатади. Айни пайтда ўзининг Ватанини, элини эслаб аламини изҳор қилади.

Эътибор беринг, агар биз Ширин мактубидаги қалб сўзларини диққат билан ўқисак, қалби пок қизнинг ўз севгилисига билдирган муҳаббати қанчалар самимий эканига гувоҳ бўламиз. Шоир армонининг ички изтиробларини рўёбга чиқариш учун сон-саноқсиз бадиий кашфиётлар яратишга муваффақ бўлган. Руҳий кечинмаларни ўқувчи қалбига етиб борадиган тарзда ифодалашга эришган.

Биз иштирок этган суҳбатдан маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди давомида тажрибали руҳшунос олим эканини ҳам китобхонига етказиш чораларини белгилаб олган экан. Аввало шоир ўз ўқувчисига инсон бўлиб дунёга келишдан ҳамиша фахр қилиш туйғусини сингдиришга уринади. Уни ҳаётдаги турли ташвишларга ортиқча баҳо бермасликка чақиради. Инсон икки эшик орасида яшайди. Биридан ёруғ дунёга кирса, иккинчисидан чиқиб кетади. Ҳамон, шундай экан, майда-чуйда муаммоларга берилиш шартмикан. Сабр, қаноат билан умр ўтказиш ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қиладиган даводир. Тўғри, биз Навоий лирикаси билан танишар эканмиз, шоирнинг ўз тақдиридан ўрни келганда шикоят қилганини кўрамиз. Унинг дарди-алами билан танишган тош қон йиғлаб юборадиган ҳолатга гувоҳ бўламиз. Аммо “Садди Искандарий” достонидаги руҳшунослик йўналишидаги фикрлари бу вазиятларнинг ўткинчи эканини далиллайди. Лирик асар инсон қалбидаги изтиробларни ўқувчига етказади. Муайян вазият ифодасини ўзида акс эттиради. Айнан шу фазилатлар учун ҳам Навоий ғазаллари минг-минглаб мухлислар қалбини эгаллаб келмоқда. Ҳофизлар репертуаридан муқим ўрин олиб мусиқа шайдоларига ҳузур бағишламоқда.

Алишер Навоий достонларини ҳеч иккиланмай руҳшунослик сирларини ўзида мужассам этган бадиий асарлар қаторига қўшишимиз мумкин. Шоир ҳаёти давомида юртдошларига, келажак авлодга яхшилик тилади. Унинг фикрича, соғ танда соғ фикр, мантиқий мушоҳада, инсоний ғурур яшайди. Ўзига ишонган одам ҳар қандай мусибатни енгишга қодир. Хавфли вазиятларда ўзини йўқотмайди. Ориятини ҳимоя қилади. Бу йўлда у эгаллаган билим кўникмаларига ишонади. Инсонни қадри бойлик, амал билан эмас, илм, ақл-идрок, имон билан ўлчанади. Севги Оллоҳ томондан инсонга берилган бебаҳо фазилат. Муҳаббатни ҳимоя қилиш, севикли инсонга садоқат билдириш, тақдир тақозо қилган синовлардан ўтиш ҳақиқий ошиқ ва машуқага хос хислат бўлиб, бу синовларда ҳамма ҳам муваффақият қозонавермайди. Навоий амал қилган қатъий режада ИНСОН деган улуғ номга руҳан пок, имонли одамгина муносибдир.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ АСОСЧИСИ

Еттинчи суҳбат

Она тилимизда “қадр” деган сўз бор. Асли бу сўз араб тилидан ўзлаштирилган. Аммо бу кунда ўзбек миллатининг ҳар бир вакили уни ўзиники деб ҳисоблайди. Чунки асрлар давомида “қадр” тилимизга сингиб кетган. Унинг маъноси обрў-эътиборига, қадр-қимматига яраша иззат-ҳурмат қилмоқ; аҳамияти нақадар азиз эканлигига қараб эъзозламоқ тушунчаларини беради. “Қадрият” мана шу сўз ўзагидан ҳосил бўлган. У эса қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; халқ бойлиги маъноларини ифодалайди. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган эркинлик, мустақиллик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик. Моддий ва маънавий бойликлар қадрият ҳисобланади. Агар сиз беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги бу сўзни топсангиз, яна кўп қимматли маълумотларни оласиз. Энди юқоридаги жумлада келган “моддий ва маънавий бойликлар” га диққат қилинг. Ота-боболаримиз минг-минг йиллар давомида яратиб бизга мерос қилиб қолдирган Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Шаҳрисабздаги тарихий меъморлик обидалари; Форобий, Беруний, Ибн Синоларнинг турли фанлар соҳасидаги кашфиётлари битилган китоблар; халқимиз вакиллари куйлаб, айтиб келган достонлар, эртаклар, қўшиқлардан тортиб тез айтиш, мақолларгача; тўй, маъракалардаги урф-одатларимиз; ҳатто қир-адирларга бой Ватанимиз, минг-минглаб сўзларга бой она тилимиз - ҳаммаси қадрият ҳисобланади. Қадрият миллатнинг ташриф белгисидир. Миллатнинг жаҳон халқлари қаторида тутган ўрни, обрўйи ҳам унинг қадриятлари даражаси билан белгиланади.

Ҳуқуқшунос шогирдим Каримжон Саидов туристик сафар билан Франциянинг пойтахти Парижга боришибди. Эрталабки сайрда бир катта супермаркет дўкони уларнинг эътиборини тортибди. Унинг очилишига бир неча дақиқалар қолган экан, харидорлар қаторига бориб қўшилишибди. Шу пайт хушбичим кийинган, келишган одам уларга қайси юртдан келганликларини сўраб мурожаат қилибди. Меҳмонларнинг Ўзбекистондан эканликларини билгач, кутиб турганларга қараб баланд овоз билан Ўзбекистонни таърифлаб кетибди. Форобийдан тортиб Ибн Синогача, Алишер Навоийдан тортиб Бобургача гапирибди. Гапининг охирида дўкон Ўзбекистонликлар учун очиқ эканини айтибди. Эшиклар очилибди. Юртдошларимиз ичкарига киришса, ўнг тарафда йигирмата, чап тарафда йигирмата хизматчи, сотувчилар уларга қуллуқ қилиб туришганмиш. Шогирдимга учраган одам шу супермаркетнинг хўжайини экан. Ўзбекистонликларга билдирилган ҳурматдан юртдошларимизнинг боши осмонга етибди. Мезбонлар ўзларининг савдо марказлари билан меҳмонларни таништиришибди. Ўзбекистонимиз ҳақида кўп маълумотлар олишибди. Ўзларининг билганлари билан ўртоқлашибди. Совға-саломлар беришибди. Хуллас, сафардаликларга уларнинг қандай мўътабар юрт фарзандлари эканликларини яна бир бор эслатишибди. Ҳамиша ёдингизда бўлсинки, Сиз ҳам Ўзбекистоннинг фарзандисиз. Сиз ҳам ўзбек деб аталмиш миллат вакилисиз. Франциядаги бир савдо мутахассиси Алишер Навоийни билса-ю, сиз бобокалонимиз ҳақида етук маълумотга эга бўлмасангиз, ўзингизни “мен ўзбек ўғлониман” дейишга ҳаққингиз борми? Ҳа, яшанг, қўлингиздаги китобимизни ўқиб ана шундай дейишга ҳақли эканингизни исботлайсиз, деган умиддаман.

Қадрият тушунчасига қайтайлик. Ҳозирги суҳбатимизда фикр юритишга чоғланиб турган мавзуимиз она тилимиз ҳақида экан, она тилимиз ҳам ўзбек миллати қадриятининг ажралмас қисмидир. Дунёда кейинги маълумотларга қараганда, олти мингдан ортиқ тил бор экан. Уларнинг кўпчилиги истеъмолдан чиқиб йўқолиб боряпти. Аммо ўзбек тили бун-

дай хавотирдан жуда йироқ. Тилимиз кундан кунга ривожланмоқда. Бир қатор чет элларда махсус ўрганилмоқда. Япония, Хитой, Германия, Америкадан кўплаб ётлар ўзбек тилини ўрганиш мақсадида юртимизга таҳсил олгани келмоқдалар. Агар бир неча йиллар аввал ўзбек адибларининг асарлари чет тилларга асосан рус тили орқали таржима қилинган бўлса, ҳозирги пайтда ўзимизнинг тилимиздан ўгирилмоқда. Айни чоғда чет эл адибларининг асарлари ҳам манба тилдан ўзбекчага ўгирилмоқда.

Ўзбек тили туркий тиллар таркибида шаклланган. Туркий тиллар эса япон, қурия тиллари ҳам мансуб бўлган Олтой бобо тилининг ажралмас қисми бўлган. Бугунги кунда туркий тил заминида сўзлашаётган миллатлар сони йигирмадан ортиқ. Аввалги замонларда қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, уйғур, қорақалпоқ тиллари алоҳида-алоҳида миллатлар номи билан аталмаган. Бу тилда сўзлашаётган аҳоли ҳам, тил ҳам турк-туркий деб юритилган. Кейинчалик давлатлараро чегаралар кескинлашгандан кейин миллатлар ҳам, юртлар ҳам ажралган. Хусусан, ўзбек тилимиз ҳатто Алишер Навоий яшаган даврда туркий деб юритилган. Йигирманчи асрда Ўзбекистон деган давлат пайдо бўлгандан сўнг олимларимиз Алишер Навоий ижодига оид асарлар ўзбек тилида ёзилганини исботлашди. Бу қарорга келишда шоирнинг туркийда кўп асарлар ёзгани ҳолда сўзларни қўллаши; жумла тузишда муайян услубга амал қилиши; “қаро кўзим”, “аввалгиларга ўхшамас” каби сўз бирикмаларидан фойдаланиши айнан ўзбек тилида амал қилинадиган қоидалар билан узвий боғлиқ экани муҳим аҳамият касб этди. Алишер Навоийнинг бевосита ўзбек тилида ижод қилганини унинг замондоши Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” асарида қайд қилган. Хусусан, Бобур ўз она шаҳри Андижон ҳақида ёзар экан, аҳолисини таърифлаб: “Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур.

Ани учунки, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топубтур, бу тил биладур,”[1]- дейди. Келтирилган маълумотда Андижон шаҳри ва бозорида туркий тилда сўзлашни билмайдиган киши йўқ экани кўрсатилмоқда. Гап ҳамон Андижон ҳақида борар экан, Фарғона водийсида яшаган халқнинг ўша пайтда “Турки”, ҳозир эса “ўзбек” тилида сўзлашиши ўз-ўзидан ҳақиқатдир. Бобур бу ҳақда фикр юритар экан, шу заҳоти Алишер Навоийни эсга олади. Навоий ёзган асарлари Ҳирида (Ҳиротда демоқчи) шуҳрат топганини айтиш билан бирга Андижон халқи фойдаланадиган тилни ҳам “бу тил биладур” –деб таъкидлайди. Демак Алишер Навоий асарлари айнан Андижон шевасига мос ёзилганини ҳисобга олиб ҳеч иккиланмай шоиримиз бизнинг она тилимизда, яъни ўзбек тилида ижод қилган деб хулоса чиқаришимиз мумкин бўлади. Шоир “Муҳокамат ул -луғатайн” асарининг дастлабки саҳифаларида ўзининг шеърият гулистонининг булбулига қиёслаб, Яратгандан гуноҳларини кечиришни сўрайди ва сўзни дурга тенглаштиради, унинг дарёси кўнгил эканини айтади. Демак, инсон нутқининг бош манбаи унинг кўнглидир. Кўнгил хазинасидаги бойлик инсоннинг нутқида, тилида намоён бўлади. Одамлар гавҳарни қимматбаҳо тош сифатида қадрлайдилар. Аммо сўз гавҳарининг баҳоси ундан олийроқдир, мартабаси бағоят улуғроқдир. Шу қадар улуғки, унинг шарҳини айтишга сўз ожизлик қилади. Ҳар бир сўз ўз маъносига эга бўлиб, унинг моҳиятини ана шу маъно белгилайди. Уни талаффуз қилиш шарафига эса фақат инсон мушарраф бўлган холос. Муаллифимиз бу таърифлар билан инсонни улуғламоқда. Ёруғ дунёда Яратган Аллоҳ фақат инсонга сўзлаш, фикр қилиш ва фикрини баён қилиш фазилатини инъон этди. Ҳамон шундай экан, ҳар бир инсон аввало инсон бўлиб туғилганига, дунёдаги бирор жонзодда бўлмаган хусусиятга – ўз мулоҳазаларини сўз билан ифодалаш хислатига эгалигига шукр қилиши лозимдир. Ҳар бир хатти-ҳаракатида, қарорида, сўз айтишида инсон деган улуғ номга муносиб даражада

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома, Тошкент. Фан, 1960. Б-60.

амал қилиши лозимдир. Шоир шахс ва нутқ муносабатлари юзасидан ибратли фикрларни изҳор қилганидан сўнг миллий тил таърифига ўтади. Унинг таъкидлашича равшан ва равонлиги, услубнинг чиройлилиги жиҳатдан араб тили ниҳоятда зийнатлангандир. Бу тилда Аллоҳнинг Қуръони Карими ва Муҳаммад пайғамбаримиз(с.а.в.) нинг Ҳадиси Шарифлари яратилган.

Араб тилидан сўнг учта тил асл ва мўътабардир. Улар туркий, форсий, ҳиндий бўлиб, Нуҳ пайғамбарнинг уч ўғли Ёфас(турк), Сом(форс), Ҳом(ҳинд) номлари билан боғланади. Бу учта тилдан ҳинд эгаси Ҳом отаси Нўҳ алайҳиссаломга беадаблик қилгани учун бу тилга қарғиш теккан экан. Турк тилидан фойдаланадиганларнинг форс(шоир бу ўринда "сорт" атамасини қўллаган) дан тез фаҳмроқ, баланд идрокроқ, яратилиши софроқ ва покроқлиги таъкидланади. Бизда табиий савол туғилади. Нима учун шоир алоҳида эътибор билан она тили таърифига бунчалар таъриф бермоқда? Гап шундаки, шоир яшаган замонда Шарқ адабиёти форсигўй адиблар ва аксари зиёлилар ўртасида туркий тил мавқеини, мартабасини камситиш одат тусига кирган эди. Уларнинг фикрича, турк – ўзбек тилидан фақат оддий халқ фойдаланади. Ўзини зиёли, яъни маърифатли, илмли ҳисоблаган одам форс тилини билиши лозим ҳисобланган. Бундай мулоҳазанинг шаклланишига эса маълум даражада Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Рудакийнинг ижоди, Низомий Ганжавийнинг "Хамса"си, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шеърозийлар мероси шу тилда яратилгани ҳам аҳамият касб этган. Шахс ички кечинмалари ифодаланадиган лирик асарлар, айниқса, ғазаллар, рубоийлар; йирик достонларнинг асосан форс тилида ёзилиши турк тилининг имконияти чекланганлигидан деб ҳисобланган. Шунинг учун Алишер Навоий ўзини она тилимизнинг забардаст ҳимоячиси сифатида иқтидорини айнан турк, яъни ўзбек тилида шоҳ асарлар яратишга бағишлади. Олимлар адиб яратган йигирма икки номдаги асарларни санар эканлар, улардан йигирматаси туркийда ва фақат иккитаси форсийда битилганини қайта-қайта таъкидлайдилар. Заҳириддин Бобур "Бобурнома" да: "Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас", [1]- дейди. Аммо Навоийнинг турк-ўзбек тили ҳимоясида қилган хизматига Ҳусайн Бойқародек баҳо берган кимсани топиш мушкул. Ҳусайн Бойқаро ўзининг "Рисола" асарида шундай дейди: "Мир Алишер турк тилининг ўлғон жасадига Масиҳ анфоси била руҳ кийурди"[2]. Эътибор беринг, муаллиф Навоийни она тилимизга Исо пайғамбар нафаси билан жон ато қилган деб баҳоламоқда. Фикрнинг давомида шоирона ифодаланган мулоҳазаларни учратамизки, шоҳ ва олим Ҳусайн Бойқаронинг бадиий адабиёт соҳасида ҳам не қадар мукаммал иқтидор эгаси эканига қойил қолмаслик мумкин бўлмайди. Хусусан, кейинги жумлада муаллиф Навоийнинг туркий сўзлар арқоқидан, яъни газламанинг ўриши билан кўндалангига кесилувчи иплардан тўқилган ипакдан нафис либос кийгизганини, сўз гулистонида навбаҳор табиатидан жонга роҳат бағишловчи ёмғирлар ёғдириб турли туман гуллар очдирганини, шеърият дарёсига булутлардан фикр қилишга ундовчи ранг баранг дурлар сочганини мақтаб унинг шеъриятини баҳолашда тил мажолсиз ва баҳолашга ожиз эканини айтади. Агар Ҳусайн Бойқаро таърифини яна бир-икки марта зеҳн билан ўқисангиз, Алишер Навоийнинг бу қадар нозик табиатли ўқувчисига ўз асарларини маъқул қилиши қанчалар мушкул келганига гувоҳ бўласиз. Хуллас, юқорида қайд қилганларимиздан Навоий ўзбек тили мақомини кўтаришга бутун ҳаётини бағишлаган садоқатли фарзанд эканига шубҳа қолмайди.

Алишер Навоий ҳар бир ишни жуда мукаммал тузилган режа асосида амалга оширишга одатланган эди. Она тилини ҳимоя қилишда ҳам ўзи одат қилган анъанага суянди. Форс тилини туркийдан афзал кўрганлар ўз даъволарини ғазал, рубоий, достон(маснавий) ёзиш

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома, Тошкент. "Фан" нашриёти, 1960. Б-233.
[2] Ҳусайн Байқаро. Рисола. Тошкент. "Шарқ" нашриёти, 1993. Б-13.

билан исботлашга ўргангандилар. Ундан ташқари жуда кўп илмий асарлар ҳам, тарихий хотиралар баёни ҳам форсийда битилар эди. Шунинг учун шоиримиз туркий-ўзбек тили имкониятларини бадиий ва илмий адабиётнинг айнан ана шу соҳаларида кўрсатишга аҳд қилди.

Ғазал завқи.

Ғазал Шарқ мумтоз адабиётида лириканинг энг кенг тарқалган жанри эди. Саъдий Шерозий форс тилида ғазал жанрининг шаклланиши ва ривож топишида алоҳида хизмат кўрсатган шоир бўлган. Ундан кейин Ҳофиз Шерозий ғазаллари Шарқда шуҳрат топди. Ғазалларнинг форс тилида ёзилиши ўз ўзидан форсийнинг шеърият мухлислари томонидан кенг оммалашувига асос яратди. Аксари ҳолларда бу натижа турк-ўзбек тилининг камситилишига ҳам сабаб бўла бошлаган эди. Эҳтимол шунинг учун ҳам Алишер Навоий асосий эътиборни ғазалга қаратиш лозимлигини ҳис қилди. У ўзидан аввал ғазал ёзган шоирлар тажрибаларини ҳар томонлама мукаммал ўзлаштириши, Жомий ва Биноий каби замондошлари ижодини ўрганиши билан бир қаторда Лутфий, Саккокий, Атойи яратган намуналардаги фазилатларни таҳлил қилиши ва айни пайтда форсигўйларга ўзининг иқтидорини кўрсатиши лозим эди. Шубҳасиз, бу ўринда ёзилажак ғазалларнинг сони алоҳида аҳамиятга эга эмасди. Масаланинг моҳиятини ёзилажак назм намуналарининг бадиий янгилиги ва фикрий беназирлиги белгилар эди. Навоийгача ёзилган асарлар мавзусини аксари ҳолларда ишқ-муҳаббат, Аллоҳга мурожаат қилиш, Аллоҳга содиқлик ташкил қилган. Лутфий, Саккокий ғазалларида адолат, замон ҳақида ғазал ёзиш анъанаси бошланган. Ижоддаги ана шу муаммолар юзасидан фикр юритган шоиримиз туркий-ўзбек тилидаги ғазал мавқеини янада кўтариш чораларини излади. Бунинг учун жанр намуналарида мазмунни чуқурлаштирди, мавзу кўламини кенгайтирди, янги-янги ҳаётий муаммоларга мурожаат қилди. Унинг ғазалларида ижтимоий ҳаёт, инсонлар ўртасидаги муносабатлар шарҳи, инсон, адолат, Ватан каби тушунчалар акс этди. Илгари сурилган мавзуларни мукаммал ёритишга уруниш оқибатида воқеабанд ғазаллар вужудга келди. Агар аввалги асарлардаги байтлар мазмуни кўпинча алоҳида-алоҳида лавҳалардан иборат бўлса, энди ички туйғулар ифодаси биринчи байтдан кейингилари сари босқичма-босқич ривожланиб борди. Бундай асарларни олимлар воқеабанд ғазал деб номладилар. Шоир асарларида фикр фавқулодда аниқ акс этиши билан бирга ўқувчи уларни ўқиб ўзини қийнаб юрган ҳаётий вазиятлар ечимини топа бошлади.

Мана бир мисол:

Шаҳ ёнин фарзин кеби кажлар мақом этмиш, не тонг.
Ростравлар арсадин гар тутсалар руҳдек қироқ[1].

Ўқилиши:

фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун.

Байтда шоир яшаётган муҳитдаги одат тусига кириб қолган энг муҳим нуқсонлардан бири кўрсатилган. Шахмат тахтасида сипоҳ доналарининг терилиши мисолида ижтимоий жамиятдаги подишоҳ ва унинг атрофидаги вазир, амалдорлар, хизматчилар ўртасидаги муносабат вазияти очиб берилган. Маълумки, шахмат тахтаси мисолида Қирол-шоҳ (доналар оқ бўлса, шоҳ қора катакда; доналар қора бўлса шоҳ оқ катакда жойлашади), унинг чап

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. –Тошкент: Фан, 1988. Б-258.

тарафидан фарзин–вазир ўрин олади. Фарзин тахтанинг вертикал, горизонтал ва диагонал катаклари бўйлаб ҳаракат қилади. Шоир бу ҳаракатнинг тахтадаги ҳамма катаклари орасида амалга ошишини ҳисобга олиб, хиёнат йўлини ҳам назарда тутяпти. Яъни фарзин тўғрига, ўнгга, чапга юриши мумкин бўлгани учун хиёнат қилишга ҳам етиб боради, демоқчи. Тахтада фарзин ёнида фил, ундан кейин от ўрин олади. Ва, ниҳоят, тўра(рух) сипоҳига гал келади. Фақат бу сипоҳ тахтада вертикал ва горизонтал катаклар бўйлаб ҳаракат қилади. Шунинг учун Навоий байтда рухнинг фақат тўғрига, ва фақат тўғрига юришига урғу беради. Унинг хиёнат қилишдан, яъни эгри йўлга киришдан узоқда эканини таъкидламоқда. Айнан шунинг учун ҳам шоҳ бу сипоҳни энг чеккага чиқариб қўйган, деб афсусланади. Байтнинг мазмунини энди тушунишимиз мумкин: Шоҳнинг ёнида турли эгри йўлларга-хиёнат йўлига киришни одат қилган вазирнинг туришидан нега ажабланай, ахир тўғри юрувчи имонли рухни шоҳ четда сақлайди-ку. Тахмин қилиб айтишимиз мумкинки, бу байтнинг пайдо бўлишига ҳам шоирнинг 1487 йилда Астрободга ҳоким қилиб юборилиши сабаб бўлган. Маждиддинга ўхшаган шахслар ўз манфаатлари учун ҳаракат қиладилар ва шоҳ ёнида турадилар. Навоий эса имонли, тўғри сўз бўлгани учун уни подишоҳ ўзидан узоқда сақлашни афзал кўради. Тўғрисини айтсак, байт мазмунидан келиб чиқадиган хулоса бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ғийбат билан кун кўрадиган, ўз манфаатини ўйлаб лаганбардорликни одат қилган кимсалар яхшигина лавозимларда ҳозир ҳам ишлаб юрибди. Тўғрисўз мутахассисларни корхона ва ташкилотлар раҳбарлари узоқроқ масофада сақлашлари учраб туради. Навоийнинг буюклиги шундаки, оддий шахмат ўйинидаги қоидадан келиб чиқиб виждонли, ҳақиқатпарвар одамларни ҳаётда ҳар қадамда мушкул муаммолар кутиб туриши мумкинлиги ҳақидаги фикрни ифодалашга муяссар бўлган. Сарой фитначиларини фарзинга, ўзини эса ҳамиша азобда кун кўрувчи рухга қиёсламоқда.

Лирик ғазалда Алишер Навоий новатор шоир сифатида тилдан фойдаланиш маҳоратини кўз-кўз қилиш шарафига муяссар бўлди. Бу байт 2600та ғазал яратилган тилнинг мадҳ этилиши билан изоҳланади:

Навоий назм аро тиғи забонин ўйла сурдиким
Пичоқ топмас уятдин ўзни ўлтурмакка Саккокий[1].

Ўқилиши: *мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун, мафоийлун.*

Аслини олганда, Навоий бутун назм меросини турк-ўзбек тилида яратганини яна бир бор қайд этмоқда. “Мажолис ун-нафоис” китобида Саккокийга алоҳида ўрин ажратилган. Навоий машҳур шоир Саккокийнинг Мовароуннаҳрдан экани, Самарқанд аҳли унга эътиқод қилиши ва ғоятда ҳурмат билан қараши ҳақида маълумот берган. Саккокий ўз даврида Лутфий, Атоий каби машҳур адиблар қаторида турган ва туркий назмда етакчилардан ҳисобланган. Навоий юқоридаги байтда Саккокийнинг пичоқ ясовчи уста эканига (Саккокий тахаллуси шундан келиб чиққан) ишора қила туриб ўзининг тил қиличини моҳирлик билан ишга солганини таърифлаб Саккокий уятдан ўзини ўлдиришга пичоқ тополмай қолганини муболаға қилмоқда ва айни пайтда ғазал мавзу кўламига тил имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланишни асар мазмунига сингдириб яна бир янгилик яратди.

Алишер Навоийнинг ўзбек миллати вакиллари орасида машҳур эканлиги сабабларидан бири бу беназир инсоннинг ҳамиша халқ ташвиши билан яшаши эди. Унинг ўзи ёшлик ва ўсмирлик йилларини иқтисодий тангликда, маънавий қийинчиликда ўтказгани учун, умуман, меҳнаткаш халқ ҳаётини, айниқса, халқнинг ночор қатлами шароитини жуда яхши

[1] Ўша жойда. Наводир уш-шабоб. Б-423.

билган, ҳис қилган. Бу ҳақда биз кейинги саҳифа ва суҳбатларда кенгроқ тўхташни режалаштирганмиз. Ҳозир эса шоир ғазалларида халқ мавзуси ҳам ўрин олганини айтиб ўтмоқчимиз. Муҳими шундаки, бу мавзу Навоийгача бўлган бадиий адабиётда деярли учрамайди. Шоирлар ўз тақдири, оғир қисмати ҳақида дил изҳорини баён этганлар. Аммо кенг халқ оммасининг мушкуллари юзасидан алоҳида мулоҳаза юритмаганлар. Навоийда эса бу мавзу ўта долзарб йўсинда акс эттирилади.

Улусқа ўт солур эрсанг мени бурин ўрта,
Недирки ўтни тутоштурғали керак хошок[1].

Ўқилиши: *мафоилун, фаилотун мафоилун фаълун,*
мафоилун, фаилотун мафоилун фаълон.

Шоир бу байтда ўзи билан халқ ўртасида энг олий даражадаги боғланиш борлигини исботлайди. Бу боғланиш шу қадар кучлики, шоир халқнинг ёнишини кўриши ўзининг ёнишидан кўра оғирроқ эканини уқтирмоқда. Шафқатсиз золим амалдорга халқни ёқмоқчи бўлсанг, аввал менга ўт қўй, чунки халқни ёқиш учун тутантириқ керак бўлади-ку, демоқчи. Мен хашак, тараша вазифасини бажариб ёнсам, халқимнинг ёнишини кўрмайман ва чидай олмайдиган азобимдан қутулган бўламан, демоқчи. Энг муҳими шундаки, шоир бу фикрни ўзини кўрсатиш учун, халққа яқин эканини билдириш учунгина айтаётгани йўқ. Байт мазмун моҳияти жиҳатидан том маънода Навоийнинг бутун вужудидан, қалбидан қуйилиб келмоқда. Сиз кейинги суҳбатларимизда бунинг ҳаётий далили билан танишишга муяссар бўласиз.

Навоий ғазалларида халқ ва ўт мавзуси шунчаки ўткинчи эмас. “Хазойин ул-маоний”-ни ташкил этувчи тўрт девон таркибидаги ғазалларда адолат, зулм, халқ, шоҳга мурожаат қилиш ифодаланган намуналарни қайта-қайта учратиш мумкин. Уларда шоир ҳақиқий инсонпарварлигини тўлиқ кўрсатишга эришган. Агар бир ўринда шоҳдан адолат қилиш илтижо билан сўралса, иккинчисида маслаҳат тариқасида ифодаланади, учинчисида эса биз тўғридан тўғри огоҳлантириш оҳангини эшитамиз:

Зулм ила эл жониға ўт ёқма, эйким, шоҳсен,
Гар десанг дўзах ўтиға жонни маҳрур этмайин[2].

Ўқилиши: *фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун.*

Агар аввалги байтда гап халқни ёқиш ҳақида кетаётган бўлса, энди шоир халқни ёқувчи золим шоҳ бўлиши мумкинлигини эсга солмоқда. Айни пайтда шоҳга мурожаат қилиб, унинг ўзи ҳам инсон эканлигини таъкидлар экан, унинг ўзи зулм қилиши оқибатида дўзах ўтида ёниш учун номзод бўлиши мумкинлигини унга уқтирмоқчи. Яъни сен шоҳ экансан, зулм қилиб эл жонига ўт ёқма ва агар менинг огоҳлантиришимга эътибор қилмасанг, дўзах ўтида ўзинг куйишинг мумкин.

Алишер Навоий ғазалларидаги мавзулар лирик ғазаллар мухлисларини шу пайтгача учрамаган, лирик асарларда мурожаат этилмаган янги-янги мавзулари билан ўзига жалб қилди. Бу ҳолат форс тилида ҳам деярли қайд этилмаганлиги билан ажралиб турар эди. Натижада, бу фазилатлар шоир маҳоратини намойиш қилиш билан бирга ўзбек тилининг

[1] Ўша жойда. Тўртинчи том. Наводир уш-шабоб. Б-241.
[2] Ўша жойда. Бешинчи том. Бадоеъ ул-васат. Б-353.

беқиёс бой имкониятлари заҳирасига эга эканлигини далилловчи исбот вазифасини ўтай бошлади. Бу билан Навоий энг аввало гап ўзбек тилининг камчилигида эмас, ундан кенг ва тўлиқ маънода фойдалана олмаётган шоир шахсида эканини кўрсатишга урунди. Охир оқибатда, "Хазойин ул-маоний" таркибидаги 2600 та ғазал она тилимизда яратилган бебаҳо маънавий меросимиз хазинасидан муносиб ўрин олди.

Энди суҳбатимиз фақат Алишер Навоий ғазалларидаги айрим байтлар таҳлилидан иборат бўлиб қолмаслиги учун жуда бўлмаса битта ғазални тўлиқ матни бўйича шарҳлашга уриниб кўрайлик. Аввало фикр юритишга журъат қилиб танланган ғазалимиз ҳақида деярли ҳамма олим уламолар, устозлар мулоҳазаларидан баҳраманд бўлганимизни билдирмоқчимиз. Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Иззат Султон, Алибек Рустамов, Муҳаммад-Нодир Саидов, Эркин Воҳидов каби (ҳаммаларининг охиратлари обод бўлсин) мумтоз адабиётимизнинг билағонлари ғазалхонликларда, учрашувларда, мақолаларда аксари ана шу асар юзасидан фикр юритганлар. Қолаверса, Суйима Ғаниева, Анвар Ҳожиаҳмедов, Ёқубжон Исҳоқов, Ваҳоб Раҳмон, Бегали Қосимов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Бойбўта Дўстқораев, Нусратулла Жумаев, Асрор Самад, Урфон Отажон каби Алишер Навоий мухлислари мазкур ғазал ҳақида мақолалар ёзганлар, радио ва телевидение орқали суҳбатлар ўтказганлар. Муҳими шундаки, бу ғазал юзасидан ким фикр билдирмасин, байтлардаги қайсидир сўз, сўз бирикмасини ўзича таҳлил қилишга урунган. Аксари пайтларда муқобил таҳлиллар шу қадар кескинлашар эдики, давра қатнашчилари бир-бирлари билан тортишиб кетар эдилар. Аммо ҳамма суҳбатлар якунида Алишер Навоийнинг ўзбек тили сўз бойлигидан фойдаланиш маҳоратига, сўз санъатининг мураккаблигига, шоиримизнинг шеърият султони эканлигига таҳсинлар ўқиларди. Хуллас, ўзингиз ҳам сезиб турган бўлсангиз ажаб эмас, "Қаро кўзим" сўзлари билан бошланувчи "қилғил" радифли ғазалга эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Таҳлилни устозларимиздан олган маълумотлар заминида имкониятимиз даражасида амалга оширмоқчимиз. Аввало ғазалнинг тўлиқ матнини келтирамиз.

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Юзунг висолиға етсун, десанг, кўнгулларни,
Сочингни бошдин-аёғ чин ила шикан қилғил.
Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас мониъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил[1].

Ғазал ўтган асрнинг бошларида машҳур Ҳофиз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов томонидан, кейинчалик Юнус Ражабий, Муҳаммаджон Каримов, Ҳасан Ражабий, Маҳмуджон Тожибоев томонларидан "Ушшоқ" куйи билан маромига етказиб ижро қилинган.

Ғазал аруз вазнининг мужтасси мусаммани махбуни мақтуъи мусаббағ баҳрида ёзилган. Ўқилиши мафоилун, фаилотун, мафоилун, фаълун; еттинчи мисра-мафоилун, фаилотун, мафоилун, фаълон тарзида амалга оширилади.

1-байт:

Қаро кўзум келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Матлаъда шоир "қаро кўзим" сўз бирикмасини қўллаяпти. Халқимизда энг қадрли, қимматли, яқин одамни "қаро кўзим" деб аташ одати бор. Кўпинча ота-она ўз фарзандини "қаро кўзим" деб атайди. Икки биродар узоқ вақт кўришмаган бўлса-ю, бирдан улар кўришиб қолишса, "қора кўзлар" нечта бўлганини, яъни фарзандлар сонини сўраб-суриштиришади. Шунингдек, ошиқ маъшуқасига ҳам "қора кўзим", деб мурожаат қилиши мумкин. Шундай қилиб, шоир ўзининг энг яқин кўрган кишисига, эҳтимол хаёлида гавдаланган маъшуқасига, "қаро кўзим" деб мурожаат қилмоқда.

Хаёлида маъшуқа паризод қиёфасида намоён бўлган. Шунинг учун шеъриятдаги амр санъатидан яъни буйруқ бериш, илтимос қилиш йўлидан фойдаланиб, маъшуқани "мардумлиғ"-инсонга айланишини одат қилишга чақирмоқда. Матлаъънинг иккинчи мисраси тарду акс санъатини қўллашдан бошланади. Яъни "қаро кўзим" энди "кўзим қароси" га айланади. Бу ерда "Кўзим қаросида мардум каби ватан қилғил"-дейилмоқда. Гап шундаки, паризод инсон қиёфасини одат қилса-ю, шоир қаршисига ўтирса, шоир кўз қорачиғида унинг акси пайдо бўлади ва маъшуқа шоир кўз қорачиғида ватан топади. Иккинчидан, кўз қорачиғи шоирнинг кўзида жойлашган, яъни ватан топган. "Мардум" сўзи шеърий санъатдаги ийҳомга биноан икки маънони: кўз қорачиғи ва киши маъноларини ифодаламоқда. Демак, шоир маъшуқасига мурожаат қилиб, ундан кўз қорачиғига айланиб кўзда кўзи қароси каби ватан топишни илтимос қилмоқда. Шундай қилиб, шоиримиз маъшуқасига "қаро кўзим" деб мурожаат қилиш воситасида машуқани ҳам қора кўзим деб атамоқда, ҳам қора кўзининг қорачиғида ватан топишни-кўз қорачиғига айланишини-ҳамиша ўзи билан бирга бўлишини сўрамоқда. Оқибатда ажойиб бадиий тасвир вужудга келмоқда.

2-байт:

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолиға жон гулшанин чаман қилғил.

Байтда гул, равза(боғ), гулшан сўзлари воситасида таносуб(маъно жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчаларни англатувчи сўзлар воситасида образли лавҳалар яратиш усули) санъатини қўллаб амр қилишни давом эттирмоқда. Шоир ёрнинг юзини гулга қиёслайди ва кўнгли боғидан гулшан ясаб ёр гулга ўхшаган юзи билан бу боққа файз киритишни илтимос қилади. Ёрнинг қадди қомати эса ниҳол каби жон гулшани ўртасига жойлашади ва жон гулшанини чаман қилади. Бу мисрада китобот (араб ҳарфларининг шакли ва ёзи-

[1] Ўша жойда. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. Б-298.

лиши асосида бадиий тимсол яратиш) санъатининг жуда гўзал намунасига дуч келамиз. Маълумки, жон сўзи уч ҳарфдан иборат бўлиб, ўртада “о” жойлашган. Араб алифбесида ўртадаги “о” ёзилишига кўра тўғри чизиқдан иборат бўлиб, ниҳолни эсга солади. Байтнинг иккинчи мисрасида ана шу ҳолатга ишора қилинмоқда. Яъни бир тарафдаги “ж”, иккинчи тарафдаги “н” жоннинг гулшани деб фараз қилинса, ўртадаги ниҳолга ўхшаган чизиқча “о” унинг ўртасига жойлашади ва гулшанни чаманга айлантиради. Айни пайтда жон (....)сўзи ҳам вужудга келади.

3-байт:

Таковарингға бағир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Қадимда қизларимиз баъзан от минганлар. Сафарларда заруратдан, сайр пайтлари кўнгил очиш учун от минилган. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи асосида 1969 йилда Йўлдош Аъзамов томонидан олинган “Ўткан кунлар” бадиий фильмида Отабек ва Кумушнинг от сайрига чиқишганини эсланг. Бу байтда ҳам машуқанинг от миниш лавҳаси берилган. Таковар (йўрға от) миниб сайрга чиққанингда отинг туёқлари чиройли кўриниши учун бағрим қонидан хина қўйгин. Ахир қизлар ҳайит кунлари қўлларига, оёқларига хина қўядилар-ку. Мен бағир қонимни сенинг оёқларингда хина бўлишига умид қилолмайман. Илтимос, жуда бўлмаса сенга ҳузур бағишлаётган отинг оёғига жонимни қурбон қилиб чирой берай. Шунда мен ўз орзуимга етаман. Ҳойна ҳой от минибсан, овга кетаётган бўлсанг керак. Итингни ип билан етаклагансан. Қонимни отингга хина қилсангу, итингни боғлаган боғич ўрнига ғамга тўлган жоним ипидан – арқонидан фойдалансанг, бошим осмонга етар эди. Чунки жоним арқони сенинг қўлингда бўлади. Бу эса мен учун орзу қилиб бўлмайдиган даражадаги бахтдир.

4-байт:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўҳкан қилғил.

Мумтоз адабиётда севгисига эриша олмаган ошиқ ва машуқаларнинг охир оқибатдаги манзили фироқ тоғида бўлади, деган тасаввур бор. Бу тоғ ўта афсонавий тоғ бўлиб, севишганлар унда руҳан топишар экан. Шоир бу байтда ана шу афсонага ишора қилмоқда. У бу дунёда ўз маъшуқасига ета олмаган ошиқнинг биттаси менман, ҳамон ўз севгисига етишмаган ошиқ эканман, қадимги афсоналар бўйича менинг хоким ҳам фироқ тоғида бўлади. Ва агар туфроғим шу тоғдан топилса, уни нима қилишим керак, деб бошингни қотириб ўтирмагин, - демоқчи. Чунки мен бутун вужудим билан ишқ одамиман. Агар менга яна ҳаёт бағишланса, ўзимнинг аввалги шаҳдимдан қайтмайман ва ишқ йўлида қурбон бўлишга тайёр тураман. Шунинг учун топилган туфроғимдан хамир ясагин-у, ўша тоғнинг ўзида тоғ кесувчи Фарҳодга айлантириб қўяқол. Бу ўринда шоир Аллоҳ томондан биринчи одамнинг туфроқдан ясалганини эсга олаётган бўлиши эҳтимоли бор. Айни чоқда Навоий жисми, вужуди билан ҳаётини олий даражадаги ишққа бағишлаганини ҳам эълон қиляпти.

5-байт:

Юзинг висолиға етсун десанг кўнгулларни
Сочингни боштин – аёғ чин ила шикан қилғил.

Мабода ошиқ кўнгилларга мурувват қилиб уларга ўзингни кўриш шарафига муяссар бўлмоқчи бўлсанг, шубҳасиз улар орасида биринчиси мен бўламан, узун сочингни бошдан охиригача яхшилаб ўриб чиққин. Шунда ҳар бир ўримдан кўтарилган кўнгил висолинг сари интилиб орзусига етиш имкони пайдо бўлади. Айни пайтда мумтоз адабиёт вакилларининг зулф-сочни ишқ занжирига қиёслаш одатларини ҳам эслашимиз мумкин. Фурқатнинг "Кашмирда" ғазалини олайлик:

Айдим: "Эй жон офати, зулфингга бўлмишман асир".
Айди: "Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда".

Бу ўринда Алишер Навоий сочни бошдан охиригача буралиш (шикан)дан иборат қилишни сўрар экан, ҳар бир бўғим ёки ўрам ошиқ кўнгиллар учун тузоқ вазифасини ўтайди, демоқчидир. Қушга ўхшаган кўнглининг тузоққа илиниши эса ошиққа роҳат бағишлайди. Чунки бу тузоқ у орзу қилган машуқага тегишлидир. Унга ошиқнинг дучор бўлиши, яъни занжирбанд бўлиши ишқ аҳли учун роҳат, жозиба бағишлайди.

6-байт:

Хазон сипоҳиға, эй боғбон эмас монеъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Бу байт Навоий асарларидаги ўзига хос бир хусусиятни кўрсатувчи мисол, десак, хато бўлмайди. Гап шундаки, Алишер Навоий ғазалларининг аксариятида байтлардан ифодаланаётган умумий мазмунга алоқаси йўқдек кўринган икки мисрани қистириб кетади. Айрим мутахассислар бундай байтни бегона деб аташади. Бу ҳақда аввалги саҳифаларда ҳам қисман тўхтаб ўтганмиз. Аммо, бизнингча, мазкур мисралар чуқурроқ таҳлил қилинса, уларни бегона эмаслигини исботлаш мумкин. Хусусан, юқоридаги байтда қадимги ўзбек одатларига кўра боғ атрофидаги деворларга янтоқ-тиконлардан тўсиқ қилиш куз фаслида боғ ичидаги мевали дарахтлар баргининг сарғайиб хазонга айланишидан, охир оқибатда уларнинг тўкилишдан асраб қолмаслиги айтилмоқда. Аслини олганда, бу ҳаёт ҳақиқати бевосита инсон тақдири билан боғланяпти. Яъни ҳар бир одамнинг туғилиши, ёшлик дамларини бошидан кечириши, ўсмирлиги, балоғатга етиши, ўрта ёшлик пайтлари, улғайиши, кексайиши ва охири вафот этиши ҳақидаги ҳақиқат рўй-рост тан олинмоқда. Кексаликдан қочиб қутулиш банданинг қўлидан келмаслиги айтилмоқда. Инсонки бор у яшайди ва вафот этади. Хўш, "Қаро кўзим" деб аталган шахсга бағишланган ғазалда одам тақдирига хос аччиқ ҳақиқатни қайд этишдан мақсад нима бўлиши мумкин? Фикри ожизимизча, шоиримиз ғазал давомида жўшқин эҳтирос, жозибали туйғулар ифодасини яратар экан, бу гўзал ички кечинмалар лирик қаҳрамон – яъни уларни яратаётган сўз санъаткори учун абадий эмаслигини уқтириш, тан олиш мақсадини назарда тутган. Бинобарин, бизга ҳам ҳаётимиз муайян чегара доирасидагина давом этиши мумкинлиги таъкидланяпти. Бу таъкид ғазал мазмуни билан уйғунлашиб китобхон – шеърият мухлисига дам ғаниматдур, ёшлик ғаниматдур, ҳар бир ҳаракат ўз вақтида, хусусан, ишқ эҳтироси ёшлик фазилати эканини изҳор қилмоқда. Маълум бўладики, айрим мутахассислар қайд қилганидек, ғазал мақтаъидан бир, икки, баъзан уч байт олдин келган мисралардаги фалсафий, ҳаётий фикрларни ҳамиша ҳам бегона байт атамаси билан белгилаш тўғри бўлавермас экан.

7-байт:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени,
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Шеърият мухлисларининг энг кўп тортишувларига сабаб бўладиган бу байтда ҳам шоирнинг ўз аҳдига садоқати, ҳам ўз қадр-қимматига адолати акс этган. Байтдаги “тер” сўзини баъзан шабнам, баъзан кўз ёши маъноларини ифодалаши ҳақида ҳам мулоҳазалар бўлган. Қизиғи шундаки, ҳаб бир шарҳловчи ўз тасаввуридаги ифодани исботлашга уринган, исботлаган ва суҳбатга ажойиб файз ато этган. Уларнинг айримларини алоҳида келтириб ўтишни маъқул кўрдик. Зеро Алишер Навоий иқтидори даражасини ана шундай таҳлиллар воситасида баҳолаш зарурати ҳам сезилади. Ундан олдин “гулоб”сўзига изоҳ бериб ўтиш лозим. Мазмунан гулнинг суви маъносини беради. Гулоб атиргулнинг махсус тури гулбаргидан алоҳида усул билан олинадиган қимматбаҳо сув. Гулобнинг хушбўй ҳиди бўлиб, инсон тана аъзоларига ором бағишлайди. Тиббиёт ходимлари уни шифобахш сув сифатида беморларга тавсия қилишади.

“Ёр юзида терни, яъни вафо аломати (инсонга розилик нишонаси) ҳамда покиза қалб сафосини кўриб, шу қувонч ҳаяжони ичра жон берсам, эй дўст, мени ёрнинг гул юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак сув – гулоб билан ювгин-да, ўшал гўзал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб қўйгин”[1].

Қора кўзим оғир хаста эди. Оғир хаста одамнинг юзида вақти келиб тер пайдо бўлади. Бу тернинг икки хусусияти бор бўлиб, биттаси хастанинг вафот этишидан дарак берса, иккинчиси унинг даво топгани белгисидир. Яқин кишимнинг юзидаги тер даво тери бўлсин. Мен шу вазиятни кўрсам, ўлимимга розиман. Фақат мен табиатан ошиқ мақомига эга шоир бўлганим учун танамни оддий сувда эмас, гулобда ювгин. Кафаним ҳам оддий бўз бўлмасин, гул баргидан кафан қилғил.

Ёримнинг гул юзида тер – кўз ёшини кўриш мен учун ўлимдир. Унинг мусибатли, хомуш пайтига гувоҳ бўлганимдан, ўлганим яхши. Эй рафиқ, ана шундай ҳол рўё берса-ю, мен ўлсам, жуда бўлмаганда ҳурмат, иззатимни бажо келтириб кўмишингни сўрайман. Бунинг учун танамни гулоб билан ювиш ва гул баргидан кафан қилиб кўмиш менга кифоя.

Ёримнинг юзи гул. Гулга шабнам қўнганини кўриш олий бахт. Бу бахт шодлигидан руҳланиб ўлишим табиий. Шунда мени бахтдан маҳрум қилма, эй рафиқ. Шабнамга юзини ўптирган гулдаги шаффоф томчиларни йиғиб гулоб қил. Жондан айрилган танамни ана шу гулоб билан ювгин. Гул баргидан эса кафан қилиб мени ерга қўйсанг, олий ниятимга етаман.

Юқоридаги шарҳлардан маълум бўляптики, мазкур байт ҳали яна кўп мунозараларга сабаб бўлиши мумкин экан. Эътибор берсангиз, уларнинг ҳар бирида ўзига хос ёндашиш нуқтаи назари сезилиб турибди. Ва ҳар бирида ўзига хос фикрий мантиқ кўзга аниқ ташланади. Ана шу мулоҳазалардан қай бирини маъқул топиш эса ўзингизга ҳавола. Эҳтимол, сизда улардан ҳам фарқли, улардан ҳам мароқли фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Аммо ёдингизда бўлсинки, биз қанчалар уринмайлик, бевосита шоирнинг ўзи байтларда қандай қалб изҳорини назарда тутган бўлиши мумкинлигини аниқ тасаввур қилишимиз мушкуллигича қолаверади. Навоий асарларининг гўзаллиги ҳам, серқирралиги ҳам ана шунда.

8-байт:

Навоий анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Мана энди ғазалнинг мақтаъига етиб келдик. Эътибор берган бўлсангиз, Навоийнинг биринчи байтда айтган фикри байтдан байтга ривожланиб борди. Адабиётшуносликда бундай ғазаллар якпора ғазал деб юритилади. Бу хусусият ҳам Навоийнинг аввалги шо-

[1] Комилов Н. Навоий ғазаллари (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар) I китоб. –Тошкент: Баёз нашриёти, 2015, Б- 199.

ирлардан фарқ қилувчи янгиликларидан бири ҳисобланади. Байтнинг марказини “шавқ жон” сўз бирикмаси ташкил қилади. Бирикмадаги “шавқ” зўр ҳавас, орзу-умид, интилиш маъноларини англатган ҳолда “жон” сўзига боғланган. Демак, бу бирикмада шоир қалбида жўш уриб тинчлик бермаётган орзу-ҳавас йўлидаги анжуманни-йиғинни ўқувчисига маълум қилмоқда. Фақат бу йиғин руҳий қониқиш туйғуси билан уйғунлашган. Яъни бутун вужудинг билан орзу ҳавас йиғинини тузмоқчи бўлсанг, қора кўзнинг кипригиг –бошоғлиғ ўқи-ана шу анжуман шамъи бўлиб ёруғлик берсин, демоқчи.

Хуллас, мазкур ғазал мавжуд ҳаётдаги ошиқнинг ҳис-туйғуларини тасвирлашда ҳам, тасаввуф фалсафасига оид дунёқарашни ифодалашда ҳам шеърият мухлисларининг талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражада ёзилган. Унда ўз машуқасига бутун вужуди билан интилувчи, ёрининг ҳар бир илтифотидан ўзини бахтиёр ҳис қилувчи лирик қаҳрамон тимсоли яратилган. Айни пайтда шеърий санъатлардан фойдаланилиши жиҳатдан ҳам ғазал шоир иқтидорининг энг гўзал намунаси сифатида қадрга эга. Ғазалнинг машҳур ҳофизларимиз томонидан “Ушшоқ”(“Ошиқлар”) куйи билан ижро этилиши унинг ўзбек халқи томонидан янада қадрланишини таъминлади. Охир оқибатда ўзбек тилининг бой имкониятларга эга эканини яна бир бор исботловчи намуна бўлиб хизмат қилди. Агар ғазал мазмуни билан мукаммалроқ танишиш ниятида бўлсангиз аввалги саҳифадаги қайд этилган Нажмиддин Комилов мақоласини топиб ўқишни тавсия қиламиз.

2. РУБОИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Шарқда форс тили шуҳратини беқиёс даражада кўкларга кўтарган шеъриятнинг яна бир жанри рубоий эди. Рубоий араб тилидаги тўрт рақамни англатувчи “арбаъун” сўзи ўзагидан ҳосил бўлиб, тўртлик маъносини, яъни тўрт мисрадан иборат шеър ёзиш тушунчасини англатган. Шоир аввало шу тўрттагина мисрадан иборат шеърда ўқувчи қалбини ларзага солувчи фавқулодда ҳолатдаги шахс ички кечинмаларини ифодаловчи санъат намунасини яратиши лозим бўлган. Ўз-ўзидан маълум бўладики, ана шундай чуқур ва ҳиссиётли мазмун ихчам, содда ва равон тарзда ёзилиши талаб қилинган. Унинг қофияланиши биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисраларни ташкил этса, хос рубоий; ҳамма мисраларни ташкил этса, таронаи рубоий деб аталган. Қўшимча қоидаларидан яна бири рубоийнинг аруз вазнидаги ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам тармоғида ёзилиши билан белгиланган. Бу жиҳат алоҳида эътиборни талаб қилувчи мураккабликдан иборат бўлгани сабаб биз бу ҳақда фикр юритишни лозим топмадик.

Рубоийнинг мумтоз намуналарини Умар Хайём яратган. У математика, астрономия фанлари соҳасида оламшумул рисолалар ёзган бўлса-да, кўпроқ рубоийлари билан олам аҳлига танилди. Кейинроқ эса буюк шоир Ҳофиз Шерозий девонидан ҳам рубоий жанри намуналари ўрин олди. Ўзбек шоири Паҳловон Маҳмуд ҳам шеърият мухлислари ўртасида айнан рубоий ёзувчи санъаткор даражасида ҳурмат қозонди. Сизда рубоийнинг олий шеърият намунаси экани ҳақида қисман бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилиш учун айрим намуналарни мисол қилиб келтирамиз:

Умар Хайём:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз.
Ақл кўзин қораси-жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

Паҳлавон Маҳмуд:

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,
Йўлингга дон сочиб қўяди тузоқ,
Ёйни эгри кўриб, тўғрилигидан
Ўқ ундан қанчалик қочганига боқ.

Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермак фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан яхшироқ.

Таниқли олим ва шоирларимиз Муинзода, Омониллохон Валихонов, Шоислом Шомуҳамедовларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек ўқувчиси форсийда ёзилган рубоийларни она тилида ўқиш имконига эга бўлди.

Алишер Навоий рубоий жанрида ижод қилар эканлар, бир томондан “Хазойин ул-маоний”нинг таркибидаги “Ғаройиб ус-сиғар” девонига бир юз ўттиздан ортиқ рубоийни

киритдилар. Иккинчидан, бу жанрнинг ўта ихчам шаклидан унумли фойдаланган ҳолда “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”, “Назм-ул жавоҳир” каби бир қатор асарларида ахлоқ, одоб билан боғлиқ фикрларга зеб бериш мақсадида рубоийларга мурожаат қилдилар. Шоиримиз ўз рубоийларида турли мавзуларни ифодалашга муваффақ бўлган. Улар орасида Ватан, вафо, адолат, ишқий мазмундаги асарларни учратиш мумкин. Хусусан, “Ғурбатда ғариб” сўз бирикмаси билан бошланадиган рубоийни Ватан ҳақидаги суҳбатимизда мисол қилиб келтирган эдик. Тўғри, Навоий рубоийларида ошиқ, ўз муҳаббатини изҳор қилишга уринган инсон туйғулари анчайин кўпроқ сонда учрайди. Аммо шу билан бирга шоир ҳаёт муаммоларини унутмайди, улар ҳақида баъзан ўта кескин тарзда ҳукмини эълон қилади:

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То нафси ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас[1].

Шоир рубоийда то очкўзлик, ортиқча баландпарвозлик, кибр ва чегара билмайдиган ҳавас хирмони барбод бўлмас экан, то элга, юртга каратилган зулм ва ситам деб аталувчи адолатсизликнинг ўзи қаршиликка учраб янчилмас экан, эл, халқ эркин ва шод бўлмайди, мамлакат обод бўлмайди, деб бонг урмоқда.

Агар рубоийдаги ҳар мисра устида фикр юритиб, унинг моҳиятини англашга ҳаракат қилсак, унда бевосита шоир яшаган замонгина эмас, айнан биз яшаётган ҳаёт ҳам ўз ифодасини топганига амин бўламиз. Давлатимиз мустақил диёримизда иложи борича ортиқча ҳирсга берилмай ҳаёт кечиришга ундамоқда. Ҳалоллик, имон билан кун кўришга даъват этмоқда. Юртимиздаги ҳар бир одам ўзини бир бутун халқнинг вакили эканини ҳис қилиши лозим. Шоир айрим амалдорларга, айрим шифокорларга, ўқув муассасаларида хизмат қилаётган айрим ходимларга мурожаат этиб, уларни инсофга чақирмоқда. Якка шахс ўз манфаатини излаб қонунга хилоф ҳаракат қилар экан, “кўза кунда эмас, кунида синади” деганларидек, албатта жазога дучор бўлади.Аслини олганда, у ҳам шу юртда нафас олаётган бир инсонку. Бинобарин, у шахс айбига яраша жазога дучор бўлса ҳам тўла маънода эл шод бўлмайди, мамлакат обод бўлмайди. Айбсиз, имонли, ҳалол одамларни-ку асти қўяверинг. Юртда адолат йўқ экан у юртнинг халқи ҳам, ўзи ҳам бахтсизликка дучор бўлади. Дунёдаги ўнлаб мамлакатларда рўй бераётган қирғинбарот урушлар, халқ олдидаги ўз бурчларига хиёнат қилаётган, бажараётган вазифаларини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар мамлакатларидаги очлик, бедодликлар шоир ҳукми қанчалар ҳақ эканлигига далилдир.

Алишер Навоий жамиятдаги одамларни турли тоифаларга, касб-ҳунар, амал, ақл-идрок, иқтисодий таъминланганлик жиҳатлардан қатламларга бўлмайди. Унинг учун ҳар бир одам бу дунёга одам бўлиб келдими, у ҳаёт эгасидир. Шундай экан, у шахс Яратган томонидан унга берилган имконият ва талаб олдида бир хил мавқеъга эга:

То даҳрдурур, даҳр уза султон бўлғил,
То олам эрур, олам уза хон бўлғил.
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил[2].

[1] Ўша жойда. Ўн тўртинчи том. Вақфия. Б-253.
[2] Ўша жойда. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. Б-581.

Дунё, давр, замонда яшаётган экансан, бу неъматлаърнинг султони бўл. Токи тирик экансан, ўз ҳаётингга, тақдирингга хонлик қил. Сен ўз халқинг, элинг жисмида жон бўлғил, яъни ўзингни миллатингнинг зарраси деб бил. Ҳамда эл мушкулини осон қилувчи дармон-кучнинг манбаига айлан. Маълум бўладики, шоир ўзи яшаган жамиятдаги одамларга қанчалик яхшилик қилаётган бўлса, ҳар бир замондошини ана шундай ҳаракат қилишга чорламоқда.

Рубоий шоирга ҳаёт тажрибаларидан олган кўникмаларини ихчам тарзда баён қилиш имконини берди. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" ("Кўнгилларнинг севгани") асарини 1500 йилда ёзиб тугатди. Асар ёзилган пайтда адиб олтмиш ёшни қоралаб қолган эди. Ҳаёт давомида бир неча марта қувғинга учради, отасидан қолган мерос мусодара қилинди, оқибатда, иқтисодий тангликда кун кўришга мажбур бўлди. Катта мартабаларга эришди, аммо хиёнатларни ҳам кўрди. Ҳаётининг сўнгги босқичига етиб келганда, фақат Хиротда эмас, бутун мамлакатда ундан обрўли, ундан азиз ва мўтабар одам йўқ эди. Юртнинг тинчлиги, элнинг турмуш тақдири бевосита Навоий билан боғланган эди. Унга хиёнат қилганлар, ҳалоллик ва адолат мезонини бузганларни тақдирнинг ўзи жазолаган эди. Буларнинг ҳаммаси вақти келиб бир рубоийнинг мазмунига асос бўлди:

Ҳар кимки, қоноат тарафи нисбати бор,
Борча эл аро тавозеу иззати бор.
Улким тамау ҳирс била улфати бор,
Яхши-яхши ичра зиллату макбати бор[1].

Рубоийда феълида қаноат фазилати бор одам эл-юртдошлари ўртасида камтарлиги билан топган иззатга эга бўлади дейилмоқда. Аммо кимки тамага яқин бўлса, тамагирлик билан улфат тутинган бўлса, хорлик машаққатини тортишга ҳукм қилинади. Шоир бу ўринда ҳам ўзининг ҳаёт фалсафасига содиқ қолмоқда. Имон билан яшаган одамда қаноат деган хислат шаклланиши, юртдошлари ва маҳалладошлари уни камтарлиги учун иззат қилишларини таъкидлайди. Айни пайтда ҳирсга берилиши, инсонни бахтсизлик сари етаклашини эсга солмоқда. Навоий ҳирс сўзини уч йўналишда қўллаган. Биринчидан мол-дунёга ҳирс қилиш – моддий очкўзлик; иккинчидан, нафс балосига йўлиқиш; учинчидан ахлоқий жиҳатдан нопоклик. Шоир фикрича, бу нуқсонларнинг ҳар бири инсондаги инсоний фазилатларнинг ашаддий душманидир.

Алишер Навоий табиатан эҳтиросли, завқ-шавқ билан яшашни хуш кўрадиган одам бўлганлар. Ҳаётдаги шодлик бахш этадиган воқеаларга имкон даражасида зудлик билан муносабат билдирганлар. Натижада бундай кайфият битилган мисралар жўшқинлиги жиҳатдан бошқалардан шаклан ва мазмунан ажралиб турган. Бундай асарлар она тилимизга ҳаддан ташқари яқинлиги, тиниқлиги, соддалиги билан ҳам ажралиб турган.

Мана бир мисол:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Сондин сени кўп севармен эй умри азиз.
Ҳар неники севмак андин ортуқ бўлмас,
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз[2].

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. Маҳбуб ул- қулуб. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1988, Б-55.

[2] Ўша жойда. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. Б-572.

Халқимиз “умри азиз” сўз бирикмасини кўп қўллайди. Унинг маънолари ҳам кўп. Хусусан ўзбек миллатига тегишли ёши улуғ одам фарзандларига нисбатан “умри азиз” деб мурожаат қилади. Шу билан бирга ҳаётдаги қувончли, шодли дамларни ҳам “умри азиз” деб атаймиз. Ҳатто ҳар бир ўзбек ўзининг ҳаётини ҳам умри азиз дейиши мумкин. Энди рубоийдаги “умри азиз” сўз бирикмаси маъносига ўзингиз баҳо беринг. Шоиримиз қандай фазилатли воқеа гувоҳига айланганки, айнан ўша воқеа иштирокчисини “умри азиз” деб улуғлаган. Ва ўша улуғланган воқеа, воқеа иштирокчиси, воқеа содир бўлган қувончли фурсатларни жондан ҳам, жонга ўхшаш азиз нарсадан ҳам, ва яна ортуқдан ортиқ нарсадан ҳам севаман демоқчи. Эҳтироснинг кучлилигига, завқнинг тўлқинланишига, шоирнинг қувончдан ўзига сиғмай кетаётганига баҳо беринг. Шубҳасиз, Алишер Навоий қайси мавзу ёки мазмунни қаламга олмасин тасвирнинг энг олий даражадаги ифодаланишига эришганлар. Она тилимиздаги сўзлардан шу қадар маҳорат билан фойдаланганларки, мисра ва сатрдаги ҳар бир сўз алоҳида жило бериб нур таратган.

Навоийни умр бўйи ташвишга солган муаммо мамлакатда адолат байроғини ўрнатиш бўлган. Подишоҳ Абу Саид Мирзо Алишер ёшлигида отасидан мерос бўлиб қолган бутун моддий бойликларни мусодара қилди. Ҳусайн Бойқаро тахт учун кураш олиб борган кезлари Навоий унинг дўсти бўлгани учун Ҳиротдан Самарқандга жўнатиб юборди. Алишер ақлан етук ёшга етганида юртидаги илм аҳлининг ночор аҳволда яшаётганига, имондан узоқда бўлган бадавлат одамларнинг мутлақ маишат билан банд эканига гувоҳ бўлди. Темурийзодаларнинг тахт учун қонли урушлари тугамади. Эвазига оддий халқ яшаётган экинзорлар, боғлар, қишлоқлар ва шаҳарлар барбод бўлди. Ёш йигитларнинг икки шаҳзода жангларида қурбон бўлаётганлари, юзлаб-минглаб оилалар боқувчисиз қолаётганини айтмаса ҳам етарли эди. Бу хунрезликларнинг ҳаммасига сабаб, шоир фикрича, мамлакатда, умуман, ҳаётда адолатнинг йўқлиги эди. Унинг фикрича, турмуш яхшиланиши, одамлар эмин-эркинлиги адолат ҳукмига бевосита алоқадордир. Мана шундай муҳим ва долзарб муаммо рубоий мавзу кўламига кирса, нур устига нур бўларди. Шунинг учун ҳам шоир ёзади:

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк ила адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл ила мулк саботи бўлмиш[1].

Агар рубоийни ҳаётий, ижтимоий, моддий, ахлоқий маъноларини шарҳласак, шахс, оила, ҳуқуқ, мамлакат тақдирига оид фалсафий хулосаларга эга бўламиз. Аввало шоир халқни адолат билан бошқариш, ундан адолат билан солиқ ундириш, халқ билан боғлиқ ҳар бир муаммони адолат билан ҳал қилиш тарафдори сифатида, халқ ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Биринчи навбатда юрт ҳаётини бошқараётган подишоҳга мурожаат қилиб, унга халқ ҳаётини, эл розилигини ташкил этувчи бош масала адолат эканини таъкидлайди ва ундан адолатли бўлишни сўрайди. Табиатида адолат бор одам, яъни адолатли киши яхши инсонлар қаторида туришини эслатади. Мулк билан адолат ҳамиша уйғун бўлиши лозим. Шундагина мулк, моддий бойлик ўзини эркин ҳис қилади, ўзининг мавжудлигини намойиш қилади. Айни чоғда адолат мулкнинг барқарорлигини таъминлайди. Мулк эгаси уни адолат билан ишлатиши керак. Шоир бу ўринда мулкдорни саховатли бўлишга, ортиқча исрофгарчиликдан сақланишга, ночор одамларга ёрдам қилишга чақирмоқда. Навоий рубоийда кундалик ҳаётдан олган хулосаларини ўқувчига етказишни мақсад қилиб қўя-

[1] Ўша жойда. Ўн бешинчи том. Назм ул-жавоҳир. Б-142.

ди. Шу билан бирга оддий одамлар ҳам адолат қоидаларига риоя қилишлари лозимлигини тасдиқлайди.

Алишер Навоий ўзининг олий ҳурматига сўз воситасида эришди. Унинг ижоди бадиий, илмий адабиётлардан иборат экан, бу асарлар жисмига сўз жон бағишлади. Замондошлари, кейинги авлод шоирни ғазал мулкининг, сўз мулкининг султони деб атадилар. Шубҳасиз, адибнинг ўзи ҳам асрлар оша фикр юритувчи инсонлар қалбида ҳурмат қозонишга мутлақ ишонган эди. Ва бу шарафга етиш ҳам бевосита у яратган сўз санъати ёрдамида амалга ошишини билди. Шунинг учун ҳам ғазалларида, достонларида сўзга таъриф беришни одат қилди. Она тили луғат бойлигидан унумли фойдаланиш намунасини кўрсатди. Бу одатни рубоийларида ҳам тарк этмади.

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин.
Сўздурки берур жонға хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин.
Билким гуҳаре шарифроқ йўқ андин[1].

Сўз – инсоннинг тирик эканидан нишон. Фақат ўлмаган тирик одамгина сўзлаш имконига эга бўлади. Инсон инсон экан, унда ишқ белгиси мавжуддир. Ошиққа эса машуқа сўз воситасида хабар беради ва ошиқ жонига ҳузур бағишлайди, руҳий ҳолатини маълум қилади. “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларидаги мактубларни эсга олайлик. 3-мисрада ёруғ дунёда яшаётган одамнинг олий мақоми тилга олинмоқда. Чунки Аллоҳ яратган ер юзида ўзининг фикр-мулоҳазаларини, ҳис туйғуларини сўз билан фақат инсон баён қилиш имконига эга. *Тўғри, муайян вазият ҳақида фил, делфин, қарға ва бошқа ҳайвонлар ҳам бир-бирларига овоз ва ҳаракатлар билан хабар бериши мумкин, аммо бу белгилар мутлақо сўз ўрнини боса олмайди.* Шоир шунинг учун ҳам сўздан қиммат баҳо, сўздан мақоми улуғ, яъни шарифроқ гавҳар йўқлигини таъкидлайди. “Гапни гапир уққанга” деганларидек, биз бу ўринда сўзни қадрлаш, унинг қимматини тўғри баҳолаш лозимлигига ҳам эътибор қиламиз. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, сўз қадрини энг олий даражадаги маънавият эгасигина тўғри баҳолай олиши таъкидланади. Агар гавҳардан кўра сўз инсон учун азиз бўлса, демак, ҳақиқий инсонгина ундан олий мавжудот сифатида фойдалана олади.

Энди инсон ҳирс ҳавасга берилди - эл шод ўлмади, мамлакат обод бўлмади. Дунёда ўзини султон билди, аммо элига, юртига дармон бўлмади, халқининг оғирини енгил қилмади. У қаноат деган фазилатдан узоқда турди, тама иллатига берилди. Адолатга яқинлашмади, зулм билан бойлик йиғди, эл орасида ёмонлиги билан шуҳрат топди. Табиийий-ки, бундай одамдан қариндош уруғлар юз ўгиради. Унда ёру биродар, дўст, ўртоқ деган тушунча ҳам, уларнинг ўзи ҳам бўлмайди. Алишер Навоий айнан ана шундай кимсалар ҳақида шундай дейди:

Эл қочса бировдин эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они,
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элини ямон ямони бил они[2].

[2] Ўша жойда. Ўн бешинчи том. Назм ул-жавоҳир. Б-125.
[2] Ўша жойда. Ўн бешинчи том. Назм ул-жавоҳир. Б-157.

Яъни агар жамоа, халқ бировдан қочса, демак, у яхши одам эмас экан. Унинг аҳволида, тақдирида бахтсизлик, омадсизлик нишони сезилиб туради. Ўзининг ёмон хулқи билан атрофдагиларни бездирган, жонига теккан. Шунинг учун у инсон деган номга муносиб эмас. Ундай одамларни сен энг разил ва мунофиқ деб ҳисобла. Бинобарин, ўзинг ушандай кимсаларга ўхшамаслик учун ҳаракат қил. Дўстларинг қаторида, маҳалладошлар орасида яхшилигинг билан ҳурматга эга бўлишга урин.

Маълум бўладики, рубоий жанрида ижод қилиш осон эмас экан. Бор йўғи йигирма-йигирма беш сўздан фойдаланиб ижтимоий, маиший ҳаётдаги жуда муҳим бир масала бўйича аниқ бир хулосали фикрни айтишга эришиш лозим бўлар экан.

Рубоий шоирдан ўша масъулият билан фикр юритишни талаб қилган. Аввало рубоий ёзадиган ижодкор ҳаётни ўта синчковлик билан кузатиши керак. Оддий одам эътибор бермайдиган ҳодисаларни моҳият жиҳатдан баҳолаши, ундан муҳим хулосалар чиқариши, бошқа кўрган воқеаларга таққослаши ва ўқувчи тасаввури билан боғлаши, унинг диққатини жалб қила олиши керак. Рубоийда қўлланган ҳар бир сўз нишонга аниқ тегиши талаб қилинади. Бошқа вазиятларда саҳифа-саҳифа тафсилотлар ортиқча кўринмаслиги мумкин. Бир ҳолат турли нуқтаи назардан озгина ўзгариши билан ифодаланиши мумкин. Аммо рубоий жанри ҳажм жиҳатдан чекланганлиги, фикрий, мантиқий вазнга эгалиги билан бундай сўз маҳоратини кўтармайди. Ҳар бир сўз, ҳар бир такрор муайян мақсадга, ижодий режага бўйсунади. Шу сабабли рубоийни шеърият тожининг олмос безаги, десак хатога йўл қўймаймиз. Шубҳасиз, Алишер Навоий рубоий имкониятлари ва аҳамиятини биздан бир неча бор ортиқроқ тушунган, муҳими, ҳис қилган. Форсий шоирлар ният ва мақсадларини ҳам жуду яхши билган. Рубоий жанри ўзи ёзилаётган тил даражасини қанчалар кўтаришига ҳам эътибор берган. Шунинг учун ҳам юзлаб рубоийларни яратар экан, айнан она тилидан фойдаланиш намунасини кўрсатган. Атайин форсийда бемалол ёзиши мумкин бўлган фикр мулоҳазаларини, ҳаёт хулосаларини, кескин ҳукмларини ўзбек тилида ифодалаш чораларини излаган. Бу билан ҳам она тилини ҳимоя қилган, ҳам ўзбек адабий тили мақомига эга бўлиши учун пойдевор тайёрлаган. Оқибатда, шоир она тилимизда рубоийнинг шу қадар мазмун ва бадиият жиҳатдан олий намуналарини яратдики, унинг ижодидан фақат рубоийларнинг ўзини ажратиб олсак ҳам Алишер Навоий деган буюк сўз санъаткорига эга бўлаверамиз.

3. “ХАМСА” ЁЗИШ МАШАҚҚАТЛАРИ

“Хамса” араб тилидаги “Хамсун”- беш рақамини билдирувчи сўз ўзагидан вужудга келган. Ислом динида беш рақамининг алоҳида ўрни бор.1-имон келтириш; 2-намоз ўқиш; 3-рўза тутиш; 4-моддий маблағи белгиланган меъёрдан ошса, закот бериш; 5-моддий, жисмоний, руҳий, маънавий имконияти йўл қўйса, ҳаж сафарини амалга ошириш ислом динини қабул қилган одамларнинг бажариши шарт вазифалари ҳисобланади. Шунингдек, мусулмонлар кунига беш вақт намоз амалини (1-бомдод; 2-пешин; 3-аср; 4-шом; 5-хуфтон;) бажарадилар. Мутахассислар Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141-1209) томонидан биринчи марта XII асрда ёзилган “Хамса”нинг айнан беш достондан иборат бўлиши сабабларидан бири сифатида ана шу маълумотни келтирадилар. Бу достон буюк адиб томонидан форс тилида ёзилган эди. Ундан кейин асли Шаҳрисабз шаҳрида туғилган Хусрав Деҳлавий (1253-1325) ҳам Низомий Ганжавийга эргашиб “Хамса” ёзди. Унинг достонлари ҳам форсийда яратилди. Абдураҳмон Жомий (1414-1492) ҳам форсийда хамсачилик анъанасини давом эттирди. Айрим ўқувчилар бир номдаги асарни бошқа-бошқа адиблар томонидан ёзилишини тасаввур қилолмайдилар. Гап шундаки, “Хамса” таркибидаги 5 та достоннинг номлари бир ҳил бўлиши мумкин. Достондаги асосий йўналиш ҳам ўхшаши мумкин. Аммо ҳар бир муаллиф ҳар бир мавзуни ёритишда бошқа-бошқа лавҳаларга мурожаат этади, асарни ёзишдан назарда тутилган мақсадга ўзича ёндашади, қаҳрамонлар таъриф ва тавсифларини ифодалашда аввалги устозлардан ўзгача йўл тутишади. Оқибатда асар номи бир хил бўлгани билан моҳиятан, бадиий жиҳатдан, бошқа асар яратилади. Биринчи марта Низомий Ганжавий “Махзан ул-асрор”, “Лайли ва Мажнун”, “Хусрав ва Ширин”, “Ҳафт пайкар”, “Искандарнома” достонларидан иборат “Хамса”ни яратди. Хусрав Деҳлавийдан кейин “Хамса” ёзиш анъанага айланди. Бу анъанага Жомий ҳам қўшилди. Яна жуда кўп шоирлар хамсачиликка риоя қилиб алоҳида-алоҳида достонлар ёздилар. Аммо улар юқоридаги уч устоз каби шуҳрат топмадилар. Шу билан бирга форсий тил мартабаси борган сари кўтарилиб бораверди. Бу шуҳратнинг заминини Абулқосим Фирдавсий (тахм 940-1020/1030) нинг форс тилида ёзган “Шоҳнома” асари ташкил қилган эди. Шоҳнома устида буюк санъаткор 35 йил меҳнат қилганди. Унда Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг тўрт минг йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилинган. Қаюмарс, Хушанг, Жамшид, Кова, Фаридун, Рустам, Суҳраб, Исфандиёр, Баҳром каби ўнлаб образлар яратилган. Унинг ҳажми эллик минг байтдан ортиқ эди. Солиштириш учун эслатиб ўтамиз: Навоийнинг “Хамса”си 25615 байтдан иборат. Маълум бўладики, Фирдавсий бежиз 35 йил битта асар устида жон олиб, жон бериб тер тўкмаган экан. Мана шундай улкан ҳажмдаги достон форс тили бой луғавий таркибидаги сўзлардан иборат эди. Унинг устига айнан шу тилда ўша давр ўлчовига биноан улкан бир юртнинг тўрт минг йиллик тарихи бадиий ифодасини топганди. Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бир томонда юз минг мисрадан ортиқ “Шоҳнома”, иккинчи томонда ўнлаб шоирлар ижод қилган “Хамса”лар, хамсачилик таркибидаги алоҳида достонлар ёзилиши билан форсий тил шуҳрати қанчалар Ер курраси Шарқида донг таратганини. Агар Ҳиротда истиқомат қилган аҳоли ўртасида сартарошдан тортиб косибгача, кулолдан тортиб деҳқон-боғбонгача шоир бўлгани ҳақидаги тарихий хақиқатни ҳисобга олсак, форсигўйлар мавқеи тасаввур қилиб бўлмас даражада ортиб кетади.

Навоий ана шундай мураккаб бир вазиятда ўзбек тили мавқеини ҳимоя қилишга бел боғлади. Тўғри, “Мажолис ун-нафоис” да қайд этилган 458 шоир аҳли орасида ҳам туркигўйлар бор эди. Аммо уларнинг биронтаси Низомий Ганжавийдек шертабиат, ижодкор “панжа (“Хамса”) сига панжа урмоқ” қа тайёр Алишер Навоий даражасидаги иқтидорга эга

эмасди. Шоиримиз Алишер Навоий эса ўзининг истеъдоди устоз Низомий Ганжавийникидан қолишмаслигини руҳан ҳис қилди. Она тилимиз бойлиги ҳам, имконияти чегараси ҳам форсийдан кам эмаслигига ишонди. Устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий билан бўлган суҳбатлар, ижодий баҳслар ундаги ишончни ривожлантирди. Жомий унга далда берди. Ва 1483 йилда кўплаб илмий, бадиий асарларни ўқиб руҳий тайёргарлик жараёнига якун ясаган Алишер Навоий "Хамса" ни ҳам ҳеч ким ёзмаган тилда – Туркий (ўзбек) тилида ёзишга аҳд қилди ва машаққатли, аммо шарафли бурчни бажаришга киришиб кетди.

Алишер Навоийнинг бу ўта мушкул ва муҳим вазифани бажаришга жуда жиддий ва масъулият билан ёндашганини исботлаш учун кўплаб далиллар келтириш мумкин. Аввало, у ўзигача форс тилида ёзилган "Хамса"ларни алоҳида қунт билан ўрганиб чиқди. Устоз шоирларнинг ижодларига хос хусусиятларни синчиклаб таҳлил қилди. Асар қаҳрамонлари ҳақидаги тарихий маълумотлар билан танишди. Фирдавсий "Шоҳнома"сидан "Хамса" га ўтган шахслар тарихи билан алоҳида шуғулланди. Хамсачилар эришган ютуқлар ва йўл қўйган камчиликлар устида бош қотирди. Уларни бадиий адабиёт тараққиётидаги хизматлаърини ҳурмат билан баҳолаб чиқди. Айрим достонлар туркийда ёзилганига ҳам эътибор берди. Туркигўйлар эришган ютуқлар ва айни пайтда йўл қўйган камчиликлар ҳам назардан четда қолмади. Яна бир муҳим масалани ёдимизда тутишимиз лозим. Гап шундаки, Алишер Навоий "Хамса" достонларини ёзишга киришар экан, форсигўйлар томонидан бироната даъвога йўл қўймасликларини ҳам хаёлдан қочирмади. Бунинг учун "Хамса" таркибидаги ҳар бир достон ҳар жиҳатдан Низомий Ганжавийникидан кам бўлмаслиги шарт эди. Асарнинг номланишидан тортиб ёзилиш ўлчовигача устоз адиб режаси билан тортиша оладиган бўлиши талаб қилинар эди. Хусусан, биринчи достон номи Низомийда "Махзанул ул-асрор" ("Сирлар хазинаси") деб аталган бўлса, Навоий биринчи достонни "Ҳайрат ул-аброр (Яхши кишиларнинг ҳайратланиши)" деб номлади. Форсийдаги биринчи достон аруз вазнининг *сариъи мусаддаси матвийи макшуф мавқуф* баҳрида ёзилганди. Навоий ҳам ўз достонига айнан шу баҳрни танлади. Низомий асари фалсафий-дидактик (ахлоқий) масалаларни ёритиб 20 мақола, 20 ҳикоядан тузилганди. Навоий ҳам айнан юқоридаги тартибга риоя қилади. Аммо шоиримиз ўз асарида ўзи яшаётган давр ижтимоий муаммоларини кўтариб чиқди. Ахлоқ қонун қоидаларини ўзича таҳлил қилди, янги нуқтаи назардан ёндашди. Бу билан Навоий достони анча замонавийлашди. Низомий "Хамса"даги иккинчи достонни "Хусрав ва Ширин" деб атади. Навоий эса Хусрав номини Фарҳод билан алмаштирди ва бунинг сабабини достонда мантиқан исботлаб берди (Биз бу ҳақда кейинроқ тўхтаймиз). "Хусрав ва Ширин" достони арузнинг *ҳазажи мусаддаси маҳфуз (мақсур)* баҳрида ёзилди. Навоий "Фарҳод ва Ширин"да устози танлаган вазнни ўзгартирмади. Шоиримиз бу тартибга содиқ қолди: "Лайли ва Мажнун" *(ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф) (мақсур)*; "Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал")-"Сабъаи сайёр" ("Етти сайёра") *ҳафифи мусаддаси махбуни маҳзуф (мақсур);* "Искандарнома"- "Садди Искандарий" ("Искандар девори") *мутақориби мусаммани маҳзуф (мақсур)* баҳрларида ёзилди. Фикри ожизимча, айтиш мумкинки, шогирд Алишер Навоий ўзига хос яхши маънодаги ўжарлик билан "Хамса"ни атайлаб ўзбек тилида ёзишга журъат қилар экан, имкони борича Низомий анъаналарига мутлақ амал қилиш чораларини излади, муаммоларнинг ечимини топди ва ориятини сақлаш режаси бўйича машаққатни зиммасига олиб она тилида ижод қилишни бошлади. Филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов хамсачилик қоидалари юзасидан фикр билдирар экан, қуйидагиларни кўрсатади. "Хамса":

Беш достондан ташкил топмоғи.

Биринчи достон, албатта, панд-насиҳат руҳидаги таълимий-ахлоқий, фалсафий бўлмоғи.
Иккинчи достон Хусрав ва Ширин можароларига бағишланмоғи.
Учинчи достон Лайли ва Мажнун муҳаббатини мавзу қилиб олмоғи.
Тўртинчи Баҳром, бешинчи достон Искандар ҳақида ёзилмоғи шарт эди.

Алишер Навоий бу жиҳатдан ҳам Низомий Ганжавий анъанасига амал қилди. Натижада у ёзган бешта достон алоҳида олинса ҳар бири мустақил равишда баҳоланишга лойиқ асарни, шу билан ҳаммаси бирлаштирилса, яҳлит "Хамса" деб аталувчи йирик бир мажмуани ҳосил қилди. Энг муҳими Навоийнинг "Хамса"си туркий-ўзбек тилида ёзилган бўлиб, ундан туркийзабон китобхон баҳра олиши учун имкон яратилди. Агар Низомий Ганжавий форс тилидаги "Хамса"ни ҳаёт тақозоси билан 27 йилда (1174-1201) ёзган бўлса, Навоий ўзбек тилидаги "Хамса"ни икки йилдан ортиқроқ (1483-1485) муддатда тугатишга эришди.

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

Сиз ўқувчилар, Алишер Навоий "Хамса"сини тўлиқ ўқиб чиқишга қийналасиз. Биринчидан, асар ҳажми жиҳатдан жуда катта. Иккинчидан, шоир асарни XV асрдаги ўзбек тилида ёзган бўлиб, бугунги кунда уни тушуниш анча мураккаб. Шунинг учун бевосита сизга мўлжаллаб тайёрланган анча қисқартирилган ва соддалаштирилган нусхасини тавсия қиламиз. Филология фанлари доктори, профессор Анвар Ҳожиаҳмедов сиз – ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослаб Алишер Навоийнинг "Хамса" асарини нашрга тайёрлаган. Асар 2010 йилда Тошкентда "Yangi asr avlodi" нашриётида чоп этилган. Бу китоб сизнинг "Хамса"га бўлган эҳтиёжингизни тўла қондиради, деб ўйлаймиз.

"Ҳайрат ул аброр" ҳозирги ўзбек тилида "Яхши кишиларнинг ҳайратланиши" маъносини англатади. Достон 64 бобдан иборат бўлиб, 3988 байтдан ташкил топган. 22-бобдан биринчи мақолат бошланади ва 64-бобгача 20 та мақолат давом этади. Мақолатларда шоир имон, ислом, адолат, ҳиммат, илм, тама, ростгўйлик, ишқ каби инсон ҳаёти билан боғлиқ масалалар ҳақида ўз тажрибаси ва дунёқарашидан келиб чиқиб тарбиявий мулоҳазаларини билдиради. Алишер Навоий фикрича, инсон табиатини имон бошқаради. Жамиятни ташкил қилувчи одамлар асосан икки турга бўлинадилар: имонли, имонсиз. Инсон бўлиб дунёга келганидан шукр қилувчи, бу номга муносиблар имонли одамлардир. Одам қиёфасида туғилгану ўзгалар меҳнатини ўзлаштирувчи, мунофиқлар имонсиздир. Биринчи навбатда юртни бошқараётган подишоҳлар, давлат кишилари имонли бўлиши лозим. Достонда саройидаги пардаларнинг ипини халқ жонидан, хазинасидаги қимматбаҳо тошларнинг рангини улус қонидан олган шоҳлар танқид қилинади. Уларга намуна сифатида шоҳ Ғозийнинг подишоҳлик учун олиб борган жангларида ҳалок бўлган йигит онасининг ўғли хунини талаб қилиб келганидаги шоҳ қарори келтирилади. Шоҳ Ғозий бўйнини рўмол билан ўради, бир томонга тилла тўла ҳамён қўйди ва:

Деди: " Қасос айласанг олингда бош.
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.
Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг менга не ихтиёр".[1]

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Еттинчи том. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1991, Б-131.

Ўқилиши:

муфтаилун, муфтаилун, фоилун.

Шоҳ кампирга қасос олиши учун бўйнини тутди. Йигитни қатл қилишда беихтиёр эканини айтди. Шоҳни ўлдириш ҳам, хун учун ҳамённи олиш ҳам они ихтиёрида эканини билдирди. Кампир шоҳ адолатига қойил қолди ва ҳамённи танлади.

Саккизинчи мақолатда Амир Темур буйруғи билан қатл қилинаётган қишлоқ аҳолиси воқеаси берилган. Икки бечора ёр қотилларга дуч келади. Битта сипоҳ улардан биринг калласини олмоқчи бўлганида иккинчиси дод солиб, аввал уни қатл қилишларини сўрайди. Ёрининг ўлимини кўриш ўз ўлимидан оғирроқ эди. Сипоҳ ёлворган ёрга қилич кўтарса, энди буниси дод солади. Ҳолат такрорланаверади. Икки дўст бир-бирлари учун жондан кечишга тайёр эканларидан хабар топган шоҳ бутун қишлоқ қонидан кечишга фармон беради. Бу воқеа билан шоир Амир Темурнинг икки вафодор ёр олдида адолат билан бош эгишга мажбур бўлганини англатмоқда.

Навоий ўн тўққизинчи мақолатда шоҳ Баҳром ҳикоясини келтиради. Маишат, базм, май ичиш билан халқни эсидан чиқарган Баҳром ов қилиб юриб бир одам хонадонига бориб қолади. У одам Баҳромнинг шоҳ эканини билмайди, унинг олдига қўядиган бошқа нарсаси йўқлигидан бир қуруқ нон билан сув келтиради. Бу аҳволни кўрган шоҳ уй эгасидан ҳақиқатни айтишни сўрайди. Шунда деҳқон:

Деди: бурин яхши эди ҳолимиз,
Зулм хароб айлади аҳволимиз.
Шоҳ улус ҳолидан огоҳ эмас,
Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.
Хайли очибон тамаъ оғзини кенг,
Айладилар мулкин ер билан тенг.[1]

Мезбон шоҳни танимаган ҳолда унга шикоят қилди. Шоҳ одамларининг тамагирлиги оқибатида юрт хароб бўлганини, шоҳ эса маишат билан банд эканини айтади. Илгари ер остидан ўтказилган сув йўли – кориздан икки тегирмон сув келар эди. Шу сувдан деҳқончилик қилинарди. Шоҳ зулми авжга чиққанида, сув ҳам тўхтади. Муҳтожликда кун кўриш давом этмоқда, -деб эл ҳолидан шоҳни огоҳ қилди. Бу гапларни эшитган Баҳромнинг ўзига нисбатан қаҳри келди. Элга зулм қилганини тан олди. Кўнглида ёмон одатларини ташлашга қарор қилди. Қалбида адолат япроғи ниш урди. Шу пайт хонадон эгасига кориздан сув келгани хабарини етказишди. Эътибор беринг, ҳали шоҳ элга яхшилик қилиш учун бирон-та эзгу ишга қўл ургани йўқ. Фақат унинг қалбида эзгулик нияти уйғонган холос. Аммо шоиримиз инсон хатти-ҳаракатини имон бошқариши қонунига асосланган учун шу заҳоти ерга сув келганини изоҳламоқда. Демак, бу билан инсонга аввало ният яхши бўлиши лозимлигини уқтирмоқда.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг охирги 20-мақолати Ҳусайн Бойқаронинг валиаҳди султон Бадиуззамонга бағишланди. 1483 йилда Бадиуззамон кучга тўлган йигирма беш ёшда эди. Бу даврда тож-тахт илинжида кураш бошлаш ёшига етган эди. Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли бўлгани сабаб юртнинг тинчлиги кўп жиҳатдан шаҳзода хатти-ҳаракатларига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро вориси сифатида унга подишоҳлик вазифаларини тушунтириш йўлида насиҳатлар қилишни лозим топади. Авва-

[1] Ўша жойда. Б-315

лига шаҳзодани зоти тоза шахс сифатида мақтайди. Кейинчалик унга панд-насиҳат қилади. Уни мағрур бўлмасликка чақиради. Адолат давлат бошқариш калити эканини таъкидлайди. Агар шоҳ ҳар бир ишни адолат билан бунёд этса, адолат бузилган мулкни обод қилажагини уқтиради. "Адл" сўзида уч ҳарф бор-дейди адиб. Аммо ҳар бирининг олам-олам маъноси ҳам бор. Хусусан, "айн" қуёш бўлиб, зулмнинг қора шомини пок-ёруғ қилади. "Дол" ҳарфи давлат ва дин тожига рамздир. "Лом"ни ҳурларнинг сочи деб бил. Шунда уни иззат ва шараф қушларига тузоқ қиласан. Бу каби насиҳатлар, шубҳасиз, илм ва маърифатда яхшигина ҳурмат топаётган Бадиуззамонга ижодий таъсир кўрсатган. Унинг устига замоннинг энг буюк адиби Навоий томонидан машҳур бўладиган "Хамса"даги "Ҳайрат ул-аброр" достонидан махсус боб ажратилиши ҳам катта умид ва ишонч белгиларидан бири бўлиб қолди.

Шоир бу бобга тегишли ҳикояни ҳам жуда маҳорат ва усталик билан танлади. "Ҳайрат ул-аброр" достонининг охирги бобида шоҳнинг бошига иссиқ ош тўкиб юборган қул хақида ҳикоя берилади. Базм аҳли шу заҳоти қулни қатл қилиш фармонини эшитиш тараддудида бўлади. Қул қилиб қўйган ножўя ишдан пушаймон бўлиб хижолатга ботган эди. Шунда:

Шоҳ боқиб кўрди чу ношод ани,
Лутф этибон айлади озод ани.[1]

Яъни шоҳ қулнинг жуда ҳам хижолат бўлиб азобланаётганини кўриб лутф қилди-кечирди ва жазодан озод қилди. Шунда вазир шоҳдан мурувват сабабини сўраганида, шоҳ унга бечора қулни хижолат-азобининг ўзи ҳалок қилганини айтади. Ўлган ўликни ўлдириш адолатдан эмаслигини англатади. Бу ҳикоя ҳам Бадиуззамонга аталган мақолатдан ўрин олиши бежиз эмас. Шоир шаҳзодага ана шундай бағри кенг инсон бўлиш лозимлигини тушунтиряпти, десак хато бўлмайди. Маълум бўладики, "Ҳайрат ул-аброр" достонида турли тоифадаги подишоҳлар иштирок этган ҳикоя-воқеаларга кўп ўринлар ажратилган. Аммо уларнинг ҳаммаси "Адолат" деган буюк фазилат билан уйғун ифодаланган. Бу билан айтиш мумкинки, шоир халқ орасидаги ҳурматидан, Ҳусайн билан дўстлигидан фойдаланиб мамлакатни бошқариш дастурини яратишга уринган бўлишса ажаб эмас.

"Ҳайрат ул-аброр" достонида шоир лутф, мурувват, сахийлик тўғрисида қалам тебратар экан, ҳар қандай саховатнинг ҳам чегараси борлигига эътиборини қаратади. Чегарадан чиққан сахийлик исрофгарчиликка, кераксиз ортиқча харажатга сабаб эканини таъкидлайди. Аввало, қилинаётган яхшиликка тама аралашмаслиги лозим. Бешинчи мақолатда саховат ҳақидаги фикрларни далиллаш учун Ҳотами Тойи ҳикояти келтирилади. Бир кўнгли тоза одам Ҳотами Тойидан "ўзинг каби саховатли одамни кўрганмисан", -деб сўради. Ҳотами Тойи: "бир куни юзта туя, сон-саноқсиз қўй-қўзиларни қурбон қилиб ночор одамларга эҳсон тарқатган эдим. Сайр пайти елкасига бир қучоқ тикан юклаб кетаётган одамни кўрдим. Юк унинг қаддини буккан эди. Ҳассаси унга устунлик қилиб йўлида зўрға кетарди. Ҳар қадамда тўхтаб дам оларди. Уни кўриб раҳмим келди ва: "Эй меҳнат юки эзиб қўйган бечора, Ҳотам уйида ёмон-яхшини йиғиб меҳмон қилаётганини эшитмадингми? Тиканларингни ташла. Машаққат азобидан озод бўл. Бориб кўп қатори иззат топгин," –деган эдим, у кимса бош кўтариб келди-ю: "Сенинг оёғингга ҳирс – тама – обрўга интилиш тузоқ қўйибди. Сен ғайрат водийсига қадам қўймабсан. Ҳиммат чегарасидаги аламни тортмабсан. Сен елкамдаги тикан азобидан баҳраманд бўл, шунда Ҳотами Той миннатидан озод бўласан. Қўл меҳнати билан топган танганг биров берган хазинадан яхшироқдир", – деб жавоб берди. Ана шу кимсанинг сўзлари меникидан яхшироқ, ҳиммати-саховати зиёдароқ эди", – деб айтади.

[1] Ўша жойда. Б-343

Кўпчилик ўқувчилар Ҳотам Тойи жавобини яхши тушуниб етмайдилар. Жумладан, нима учун Ҳотами Тойи деярли ҳар куни ночор одамларга дастурхон ёзиб, уларнинг қорнини тўйғизса, юзталаб туя сўйиб овқат берса-ю, битта ўтинчи бечора чолни ўзидан ҳимматли ҳисоблайди?-деб сўрашади. Гап шундаки, биринчидан чол ҳассага таянса ҳам даштда қуриган тиканларни йиғишга, елкасига орқалаб бозорга олиб бориш сотишга қурби етгани учун биров берадиган текин овқатдан воз кечади. Ўзининг меҳнати билан кун кўришни эҳсонли таомдан афзал билади. Иккинчидан, Ҳотами Тойи ҳаддан ташқари катта бойликка эга бўлгани учун саховат кўрсатиб эҳсон бермоқда. Эҳсоннинг бош манбаи бойликдан пайдо бўладиган фойдалар ҳисоби билан белгиланади. Демак, Ҳотами Тойи берилаётган эҳсон учун бевосита жисмоний меҳнат қилаётгани йўқ. Ўтинчи чол эса ўзининг ҳаракати эвазига кун кечирмоқда. Бу ўринда ҳам ҳиммат нисбати ночор ва заҳматкаш одам тарафига оғади.

Учинчидан, Ҳотами Тойи чолни ўзи бераётган дастурхонга Ҳотамникига боришни эшитмадингми?-деб чақиряпти, ўзи саховат билан тарқатаётган ошга таклиф қиляпти. “Тама” тушунчаси шу қадар нозик маънога эгаки, Ҳотам Тойи бегона одам қиёфасида ўзининг эҳсонига боришни айтгани заҳоти беихтиёр тамагир инсонга айланди.

“Мен ош беряпман. Бормайсанми?”-дегандек бўлиб қолди. Унинг хабарида тама аломати сезила бошлади. Чол эса айнан ана шу тамадан хазар қилаётган эди. Нозик табиатга эга бўлган Ҳотами Тойи шунинг учун ҳам елкасига тикан ортган, ҳассага таяниб зўрға қадам ташлаётган ночор бир чолни ўзидан ҳимматлироқ инсон эканини тан олишга мажбур бўлди.

Мақолатнинг назарий маълумот берувчи аввалги қисмида шоир айрим одамларга хос обрў-мартабага интилиш иллатлари ана шундай кўзга кўринмас даражадаги тамагирликдан бошланишини қайд қилади. Тамагирлик мақтанчоқлик, ҳирс, шуҳрат сари интилиш эҳтиёжини туғдиради. Бу эҳтиёж эса иллатга айланади. Натижада совун пуфагига ўхшаб бехос ёрилиб кетадиган сохта ном чиқариш учун ҳаракат бошланади. Ана шу пайт у одамга ёрдам бериш учун шайтон етиб келади ва исрофгарчиликка берилиш хасталиги авж олади. Алишер Навоий бу ҳақда шундай дейди:

Ёр анга супраки ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.[1]

Яъни оч эмас одамга овқат тайёрлайди, эхтиёжи йўқ одамга тўн кийдиради, ваҳоланки бу нарсаларга у муҳтож эмас. Ўзини саховатли қилиб кўрсатишга уринаётган шахс эса мутлақо кераксиз вазиятда ортиқча ҳаракат билан банд бўлмоқдаки, қилинаётган харажатни қабул қилишга муҳтож одамлар атрофда оз эмасди. Бу тасвирда биз бугунги кунларда ном чиқариш учун баландпарвоз тўйлар қилаётган, маҳалладошлари олдида обрў учун исрофгарчиликка йўл қўяётган, бадавлат эканини пеш қилишга уринаётган айрим юртдошларимизни кўрамиз. Шоир уларни қақраб ётган сувталаб боғларга, экинзор далаларга ёмғирини қўймай кераксиз тоғларга сув тўкадиган булутга ўхшатади:

Ўйла, булутдекки қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтиб, сувни тўкар тоғ уза.[2]

Алишер Навоийнинг ўзи ҳаёти давомида жуда кўп қийинчиликларни кўргани сабабли ҳар бир дақиқадан амалий фойдаланишга одатланган эди. Бу инсон учун ҳатто бефойда ёмғирини ёғдирган булут ҳам бойлигини совураётган бойларга ўхшар эди.

[1] Ўша жойда. Б-146
[2] Ўша жойда. Б-147

Тама шоир тажрибасига кўра замондошларини икки қарама-қарши тарафга ажратувчи тўсиқ вазифасини бажарган. Кимга ким қандай иш қилмасин, тамагирлик иллати билан хасталанган бўлса, халқининг келажагини ўғирлаётган шахсга айланар эди. Амал, обрў, моддий манфаат кўзланган иш миллат фожиаси ҳисобланишини шоир қайта-қайта таъкидлайди. Бу йўлда мен фойда кўрсам, халқимга қандай зарар етказишим мумкин деб фикрловчи одамлар айнан шу фикрлари билан халқни зулматга дучор қилаётгандек бўлади шоирга. Чунки бу кимсанинг қалбидан ўрин олган шайтон энди бошқа одам устидан ҳакам бўлишга уринади. Бу жараён такрорланаверади. Оқибатда кишилар ўртасидаги меҳр, оқибат, андиша каби фазилатлар ўрнини очкўзлик, амалпарастлик, виждонсизлик эгаллайди ва халқ, миллат, юрт мусибатини тезлаштиради:

Жоҳил агар улдуру олим будур
Олим эмас, ўзига золим будур
Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил.[1]

Илми бор, аммо нияти бузуқ одамни олим дейиш мумкин эмас. Чунки унинг мақсади илмга сидқидилдан хизмат қилиш эмас. У ҳар бир ҳаракатидан ўзига манфаат қидиради. Билиб қўйки, бундай табиатга эга олимнинг келажаги бўлмайди. Ундай олимнинг ҳаёти ўзига золимлик қилиш билан тугайди. Бу эса унинг аслида нодон эканидан дарак беради.

Кимдаким илмни жоҳга, яъни амалга, обрўга, бойликка, ёвузликка, жаҳолатга восита қилса, ўзини ҳам, халқни ҳам йўлдан адаштиради. Чунки ҳақиқий илм йўли тамасиз бўлсагина яхши келажакка етаклайди.

Агар олим ёмон ниятни, тамани, виждонсизликни, фақат обрў-мартабани ўзига мақсад қилиб, илмли бўлишга киришган экан, у олган илм фақат унинг ёвуз одамлигига далил бўлади холос. Эл, юрт, халқ манфаатига хизмат қилмаган, ҳар бир янгиликдан ўзи учун манфаат изловчи олимнинг кашфиёти унинг ёвузлигини исботловчи далил бўлаверади.

Шоир ўз фикрини давом эттириб агар олим ўзининг билимига қатъий амал қилса, илмига муносиб маъқул ниятга эга бўлса, уни улуғлик гавҳарининг кони деб бил, гавҳарнинг кони нима бўлибди, ҳар қанча улуғликни тасаввур қилсанг, ўша улуғликка эга инсон деб билавер деган таъкидни қайд қилади.

Маълум бўладики, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонининг марказида ИНСОН деган буюк зот туради. ИНСОН-ёруғ дунёнинг мўъжизаси. Уни Яратган бутун дунёдаги ер юзидаги ҳайвонларга, ўсимликларга, ер усти ва ер ости бойликларига эга қилиб яратди. Йигирма мақолат, 64 бобда инсонни улуғлаш, ундаги имон туйғусини поклаш, турли иллатлардан холи қилиш мақсади амалга оширилган. Адолат, ростгўйлик, ҳиммат, андиша, вафо, илм, ҳунар, яхшилик, ватанни севиш, халқ хизматига тайёр туриш, меҳнатни улуғлаш, тамадан узоқда бўлиш, дўстга ҳамдардлик каби фазилатларни жисмига сингдирган одам шоир фалсафасига кўра ўзини “Мен инсонман” дейишга ҳақлидир. Қайд этилган фикрлардан қадимги файласуфлардан бири айтган ҳикмат рўёбга чиқади:

“Яратган ўз бандасидан на узоқдур, на яқин,
У узоқдан кўп узоқ, аммо яқинларга яқин.”

[1] Ўша жойда. Б-220

Алишер Навоий ўз замондошларини, ўқувчиларини, қўйингки, кейинги авлод вакилларини инсон бўлиб дунёга келганликларига муносиб бўлишга, жаҳолатга берилиб одам қиёфасидаги ҳайвонга айланиб қолмасликка чақиради. Унинг фикрича, ёмонлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Вақтинча жоҳил одам жоҳилликни қилиши мумкин. Аммо "кўза кунда эма, кунида синади" деганларидек, охири бир куни разолат жазоланажакдир. У пайтда " Мен қилмишимдан пушаймонман". –деб кечирим сўрашнинг фойдаси бўлмайди. Шундай экан, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳавас қилган ИНСОН қаторида бўлишга шошилайлик.

"ФАРҲОД ВА ШИРИН"

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "достон" сўзига жуда кўп шарҳ берилган. Хусусан, достон форс тилидан олинган сўз бўлиб, қисса, ҳикоя, тарих маъноларини англатади. Адабиётда назм (шеър) билан ёзилган улкан ҳикоя, қисса, халқ қаҳрамонлари ҳақида назм ва насрда айтилган эпик асарлар жанри-тури, тушунчасини беради. "Достон бўлмоқ" – эл орасида гапирилмоқ, куйланмоқ, оғизга тушмоқ. Маълум бўладики, бу сўз бир томондан ёзилган асарнинг турини, иккинчи томондан машҳур бўлишни англатар экан. Аммо мумтоз адабиётда достон жанрига мансуб асарлар "маснавий" деб ҳам юритилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида ёзади: Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким анча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши "Хамса" жавобида, яна бир "Мантиқут-тайр" вазнида "Лисо-нут-тайр" отлиқ"[1]. Бобурнинг айтганларида бизга тегишли икки нуқта бор. Бири, туркий (ўзбек) тилида Алишер Навоийчалик кўп ва яхши ёзган адиб бўлмагани, иккинчиси, олти маснавий китоб назм" қилгани, яъни ҳозирги тушунчамиз бўйича олтита достон ёзгани. "Маснавий" атамаси араб тилидаги "иснайни"-икки сўзи ўзагидан ҳосил бўлиб, иккилик маъносини беради. Эътибор берган бўлсангиз, Юсуф хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Сайфи Саройининг "Сухайл ва Гулдурсун", Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" асарларидан мисралар аа, бб, вв, гг тарзида қофияланган. Яъни икки мисра ўзаро қофияланади. Кейингиси яна икки мисра ҳолида қофияланади. Шунинг учун бу тарзда қофияланган йирик ва катта мазмундаги эпик асарлар маснавий деб аталади.

"Фарҳод ва Ширин" достони мазмунан "Қутадғу билиг", "Ҳайрат ул-аброр"дан анча фарқ қилади. "Қутадғу билиг" асосан Кунтуғди, Ойтўлди, Ўздилмиш, Ўзғурмушнинг ўзаро суҳбатидан, "Ҳайрат ул-аброр" эса йигирма мақолатдан иборат. Бу асарларда бир қахрамоннинг ҳаётида бошидан ўтган воқеа-ҳодисалар ҳар томонлама мукаммал ифодасини топмайди. "Фарход ва Ширин" достонида Алишер Навоий Фарходнинг туғилиши, унга исм қўйишдан тортиб вафотигача ва ҳатто, ундан кейин Ширинниг ўлими, Шопур тақдири, Шеруянинг жазоланишигача бўлиб ўтган воқеалар тафсилотини эринмасдан лавҳама-лавҳа тасвирлаган. Натижада, ўзбек адабиёти тарихида биринчи марта бир қаҳрамон ҳаёти, саргузаштлари, ишқ-муҳаббати, қисмати, вафоти ҳар томонлама тўлиқ акс этган йирик шеърий ва айни пайтда эпик асар яратилган. Шунинг учун кўп мутахассислар "Фарҳод ва Ширин" достонини шеърий роман деб аташни маъқул кўрадилар.

Низомий Ганжавий "Хусрав ва Ширин" достонини аруз вазнининг *ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мафоийлун, мафоийлун, фаувлун)* баҳрида ёзгани учун Алишер Навоий ўзбек тилида унга жавоб қайтариб айнан шу баҳрни танлади. Аммо достоннинг номини "Хусрав

[1] Заҳириддин Мухаммад Бобир. Бобирнома. Т. "Фан ". 1960.Б-233

ва Ширин” эмас “Фарҳод ва Ширин” деб атади. Достон номининг ўзгариши билан Алишер Навоийгача амалда бўлган анъаналарнинг моҳияти тамомила янгича тус олди. Шоиримиз Низомий Ганжавийга ҳамиша буюк, атоқли устоз мақомида муносабатда эди. Унинг чегарасиз истеъдодига доимо юқори баҳо берган. Уни ижод майдонидаги шер билан тенг кўрган. Ўзини жуда бўлмаганда йўлбарс даражасида курашга отланишини ҳавас қилган. Эҳтимол, айнан асар номидаги янгилик шоирга буюк хамсанавис билан тенглашиши учун замин яратгандир. Чунки Алишер Навоий ҳамиша янгиликка интилувчи, ўзгаларни ҳурмат қилгани ҳолда уларга тақлид қилишни ўхшамасликни афзал билувчи ижодкор эди. Достоннинг бошланишида:

Ҳануз этмай қаламни ёзмоқ одат,
Эшикдин кирди иқболу саодат.[1] *– дейди.*

Ўқилиши.

Мафоийлун мафоийлун фаувлун.

Мен ҳали достонни ёзишга киришмасимдан олдин эшикдан иқбол ва саодат деган илҳом париси кириб келди. Бу бахт элчиси менга “Тангри нима истасанг, олдингга келтурсин,”-деди. Шундан кейин мен гул ҳам, чаман ҳам кўп достон саҳнида, яъни ижод майдонида ички сезгиларим билан ўзимгача қалам сурган устозлар тажрибаларини ўргандим. Устозлар кўп инжу-дурларни олган эканлар, аммо олий даражадаги қадрли дурлар қолган экан. Ана шу дурлардан мен ишқ-муҳаббат аҳли ҳақида достон битдим, -дейди шоиримиз камтарлик билан. Шундан сўнг шоир Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий ишқ бобида беқарор Хусравни ҳаддан ташқари мақтаганликларини, унинг нутқи андоқ, сипоҳи шундоқ деб мадҳоҳлик (мадҳ этувчи, мақтовчи) қилганликларини афсусланиб тилга олади. Тош кесувчи Фарҳод Ширинни севиб қолади. Уни деб Чин мамлакатидан чиқиб кетди. Хусрав Фарҳодни ўлдирди. Шундай экан, ҳақиқий ошиқ Фарҳод эмасми?! Ҳақиқий мақтовга Фарҳод муносиб эмасми?!-деб ўзининг ниятини ўқувчига маълум қилади. Алишер Навоий фикрича, фақат Фарҳоднинг ҳунармандлиги, донолиги, мардлиги, ишқига садоқати мақтов ва таърифга лойиқдир. Шунинг учун достон “Фарҳод ва Ширин” деб аталди. Достоннинг бош фазилати унда Алишер Навоий ҳавас қилган инсон қиёфаси яратилиши билан белгиланади. Чин ҳукмдори Хоқон жуда кўп мамлакатларга эгалик қилди. Унинг хазинаси ҳаддан ташқари қимматбаҳо бойликлар билан тўлди. Аммо унинг фарзанди йўқ эди. У адолат билан юртни бошқарар, ҳамиша эҳсонлар қилар ва яратгандан унга фарзанд ато этишини тиларди, сўрарди. Яратган эса раҳмдилдир. У ўзига сидқидил билан ишлаган ва яхшилик қилишни одатга айлантирган одамдан мурувватини аямайди. Шундай қилиб, ниҳоят, Хоқон ўғил кўрди. Қадимги ривоят, эртак ва достонларда узоқ йиллар давомида қилинган тилаклардан сўнг туғилган фарзанд ҳамма қатори оддий фарзанд бўлмайди. У албатта балоғатга етганидан сўнг ҳаётда қандайдир ўзгартириш ясайди. “Алпомиш” достонидаги Ҳакимбекни, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонидаги Ғарибжонни эсланг. Чин мамлакатининг ҳукмдори оиласида туғилган ўғилга отаси “Фарҳод” деб исм қўйди. Исмдаги “фар” порлоқлик, шукуҳ, нур маъноларидан олинди. “ҳ” – ҳиммат сўзининг биринчи ҳарфи эди. “о” эса араб алифбоси билан ёзиладиган иқбол сўзининг биринчи ҳарфидир. Ва, ниҳоят, “д” ҳарфи давлатнинг рамзи бўлди. Шундай қилиб, Хоқон ўз ўғлига қўйган исм нур, ҳиммат иқбол, давлат сўзларидан ҳосил бўлган рамзий маънони ифодалади. Аммо, юқорида айтганимиздек,

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Б-42

Фарҳод оддий болалардан эмасди. Унинг ҳаётда бажариши лозим бўлган вазифаси бор эди. Бу вазифа Фарҳоднинг ишқ-мухаббатда содиқ ошиқ экани билан белгиланган. Шунинг учун ишқ боланинг покиза зотини кўриб унинг тақдирини ўзи белгилади ва “Фарҳод” деб исм қўйди. Фақат ишқ қўйган исм бошқача изоҳини топди. Бу изоҳда “ф”–фироқдан, “р”-рашкдан, “ҳ”-ҳажрдан, “о”-оҳдан, “д”-дарддан олинган эди. Араб алифбоси билан “Фарҳод” исми ёзилганида “ф”дан кейинги “а” тушиб қолади ва “ф” тўғридан-тўғри “о”-га уланиб кетади. Шунинг учун ишқ қўйган исмда фироқдан кейин рашкка уланган. Энди Фарҳод исми ишқ савдосига ўзини қурбон қилувчи ошиқнинг рамзий ифодасини англатди. Нима бўлса ҳам Хоқоннинг қувончи чегарасиз эди. Шу заҳоти уч йиллик солиқлар бекор қилинди. Чин мамлакатида қанча девор бўлса, ҳаммаси нозик ва нафис нақшлар солиб тўқилган қора ипак мато билан ёзиб безатилсин, деган буйруқ берилди. Бу ўринда қора рангга эътибор беринг. Гап шундаки, қадимги замонларда қора ранг улуғлик, дабдабалилик, узоқ умрлилик маъноларини англатган. Шунинг учун шоҳлар қора либосни маъқул кўрганлар. Аждодларимиз фарзандларига ўғил бўлса, Қоравой, Қоражон, Қоработир, қиз бўлса Қоражон, Қорахон деб исм қўйганлар. Халқ оғзаки ижодига қора тоғ, қора сув, қора боғ тушунчаларидан кўп фойдаланилган. Бу ўринда Аллоҳнинг Макка шаҳридаги рамзий уйи – Каъбанинг устига қора бахмалдан ёпинчиқ қилинганини ҳам эсласак, маъқул бўлади. Шундай қилиб, мамлакатнинг деворлари байрамона безатилди. Халойиқ нима иш қилса ҳам тергалмасин, ёмон иш қилдинг деб жазолаш ман қилинсин деган фармойиш берилди. Хуллас, хоқон уйида туғилган фарзанд бутун мамлакатга шодиёналик келтирди.

Алишер Навоий ўзи кашф қилган қаҳрамонини алоҳида меҳр билан таърифлайди. Унинг табиатидаги ҳар бир ўзгаришни, ҳар бир янгиликни мамнуният билан ўқувчисига маълум қилади ва берган хабаридан ўзи қувонади, қалбидаги ширин лаззатни биз билан баҳам кўради. Биз биламиз, шоирнинг оиласи йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак, Фарҳодни ўз фарзандидай эъзозлайди. Фарҳод Хоқоннинг ўғли бўлишига қарамай гўдаклигидан қизиқувчан, ҳаракатчанлиги билан атрофидагиларни ҳайратга солди.

Ўғлидаги интилишни кўрган Хоқон энг билимли ва тажрибали устозларни йиғиб унга илм ўргатди. Устозлар берган сабоқларни Фарҳод шу заҳоти ўзлаштирди:

Агар бир қатла кўрди ҳар сабоқни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.[1]

Ҳа, ўзингиз байт мазмунини тўғри англадингиз. У ўқиладиган сабоқни бир марта кўрса, сабоқ ёзилган варақни иккинчи марта очишга эҳтиёж сезмасди. Чунки бутун хаёлини билиб ўқигани учун варақда ёзилганлар хаёлига муҳрдек жойлашар эди.

Шу билан бирга Фарҳод ниҳоятда кўнгилчан бола эди. Аввало, у Хоқоннинг ўғлиман деб, отасининг давлатига ишониб қолмади. Ўзининг шаҳзода эканини пеш қилиб, дўстларига зулм қилмади. Биронта одамга озор бермади. Ўзининг ҳақиқий маънодаги ИНСОН эканлигини ёдидан чиқармади. Иккинчидан, ўзгалар дардига лоқайд бўлмади. Кимдаким ўзининг дардини унга билдирса, билдирилган алам шу заҳоти Фарҳодга ўтар эди:

Ким этса дарддан оз-оз ривоят,
Қилиб ул дард анга кўп-кўп сироят.[2]

[1] Ўша жойда. Б-70
[2] Ўша жойда. Б-70

Кимки унга ўз дардини оз-оз баён қилса, бу дард унга кўп-кўп юқарди, таъсир қиларди. Яъни Фарҳод илмига, билимдон ва ниҳоятда паҳлавон бола бўлишига қарамай, ўзининг дардкашлигини йўқотмаган эди. Унинг кўнгли ўзи каби пок ва беғубор эди. Бу тасвирлар билан Навоий ёш фарзандларни бир-бирига меҳрибон бўлишини, яхшилик қилиш уларнинг фазилатига айланишини ҳавас қилмоқда. Келажак авлод ўзбек фарзандлари ҳам бир оила бўлиб меҳрибонликда ҳаёт кечиришларини васият қилмоқда.

Шундай қилиб, Фарҳод балоғат ёшига етгунича қадар ўз замонасининг исмларини тўлиқ эгаллади. Ва охири:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм[1]*. –*

даражасига етди.

Яъни у эгалламаган илм сирлари қолмади. Бу пайтда у бор йўғи ўн ёшда эди. Аммо унинг жуссаси йигирма ёшдаги йигит қоматини эслатарди. Жисмоний машқлар натижасида у шу даражада бақувват бўлдики, Элбрус тоғига бир зарба урса, тоғ гард-гард бўлиб осмонга сочилиб кетарди. Эътибор берсак, Алишер Навоий қаҳрамонининг ёшлигини тасвирлар экан, унинг уч муҳим фазилатга эга бўлишини жуда хоҳлаганини англаймиз. Биринчидан, ёш фарзанд бир қатор билимлар (математика, тиббиёт, мантиқ ва бошқалар) асосини эгаллаши, уларнинг моҳиятига баҳо бера олиш даражасига етиши керак. Иккинчидан, бола кейинги ҳаётга тайёр туриши учун жисмонан чиниққан бўлиши: Элбурс тоғини урса, талқон қилиши, оёқ кийими тубидаги мих билан балиқни санчиши, панжасининг учи билан арслон бўйнини узишга қодир бўлиши лозим. Учинчидан, ҳеч қачон ён атрофидагилар кўнглини ранжитмаслиги, аксинча, ўзгалар дардига малҳам бўлиши, тенгдошларини меҳрибонлиги билан қониқтириши шарт.

Аввалги саҳифаларда Алишер Навоий ўз фарзандидек суйган Фарҳод ҳаётини уч босқичда: илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш, ўрганган кўникмаларини синовдан ўтказиш, Юнонистон сафарини амалга ошириш, ниҳоят, қўлга киритган билимини, эгаллаган ҳунарларини, ошиқлигини амалга татбиқ этиш режаси билан кўрсатганини айтиб ўтган эдик. Бу жиҳатдан Фарҳод ёшлигининг ўзи икки тарафлама тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Биринчиси – фарзандда илмий маълумотлар мажмуасини ҳосил қилиш. Илм-фан асосларини ўзлаштириш, келгусида зарур бўладиган назарий тушунчаларни хотирага сингдириш. Иккинчиси – ҳар бир ўғил болага фарз ҳисобланган бironта касб-ҳунар эгаси даражасига етиш. Аммо шоир фикрича, Фарҳод шаҳзода бўлгани сабаб аввало ҳарбий санъат сирларини билиши, отаси ўрнида юртни ҳимоя қила олишга тайёр турмоғи лозим эди. Шунинг учун у энди бутун диққатини ҳарбий машқларга қаратди: қиличбозлик, найза тушиш, ўқ отиш, курашиш маҳоратига эга бўлди. Унинг сўзлари (тўқмоқ шаклидаги уруш қуроли, қирралари бўртган гурзи)дан етти кўкда даҳшатли қўрқув пайдо бўларди, ханжари зарбасидан сув ичида балиқ яраланарди. Панжасининг учи билан арслонга шикаст етказар, ҳар қандай арслон, йўлбарс ҳам унинг кучи олдида ожиз, нотавон, бечорага айланар эди. Лекин Фарҳод шунчалар билимга, кучга имкониятга эга бўлса хам ниҳоятда камтар бола эди. Самимийлиги билан атрофидагиларни ҳайрон қолдирарди. Не-не шоҳлар эшигининг гадойи эдилар ва лекин Фарҳод ўзини гадолар оёғи остидаги тупроқдек тутар эди.

Табиий, Фарҳод юқорида айтилган фазилатлари билан биз ҳавас қиладиган ўспирин бўлди. Фақат унда бевосита турмуш эҳтиёжини қондирадиган, тинч ҳаёт учун хизмат қиладиган ҳунар етишмас эди. Шоир режаси бўйича Фарҳоддек гўзал йигит тинчлик ободонлик

[1] Ўша жойда. Б-71

учун ярайдиган ҳунарсиз юриши мумкин эмасди. Устига устак Хусрав Деҳлавийда бу қаҳрамон тош кесиб тоғдан сув очувчи моҳир ҳунарманд бўлган. Алишер Навоий қаҳрамонини эндигина ана шундай ҳунар ўрганишга тайёр хисоблайди. Натижада Фарҳодни кундан кунга соғлиги ёмонлашаётган қилиб тасвирлайди. Отаси ва вазир Мулкоро ташаббуси билан уни турли хаёллардан холи қилиш мақсадида йилнинг тўрт фаслига мослаштирилган қасрлар қурилиши бошланиб кетди. Қасрлар қурилишини томоша қилгани келган шаҳзода бутун вужуди билан тош кесиш, қаср қуриш, нақш чизиш сирларини билишга қизиқиб қолади ва Қорандан тош кесишни, Бонийдан бино қуришни, Монийдан наққошликни ўрганади. Ёдингизда бўлсин, Навоий ҳар бир ишнинг, амалнинг масъулиятини эътибордан қочирмайди. Ҳамиша мукаммал тузилган режага суянади. Бу билан ўқувчисига, яъни бизга хам айнан ана шу тадбирни бажариш кераклигини уқтиради. У ҳеч қачон Фарҳоднинг шаҳзода эканини унутмайди. Шунинг учун қаҳрамонининг ҳунар ўрганишига ҳам алоҳида жиддий муносабатда бўлади. Фарҳоднинг тош йўнишни ўрганиши махсус режа асосида амалга оширилади. У Қораннинг тош кесишини кўриб, аввало бу ҳунарга қизиқади. Қоран бўлажак шогирдининг шаҳзодалигини инобатга олиб таълимни асбоб ясашдан бошлайди. Ҳаммадан сир тутилган асбобга махсус усулда сув бериш усулини шогирдга айтади ва амалда кўрсатиб беради. Фарҳод ҳунарни шу қадар мукаммал ўргандики, юзта Қоран унинг олдида шогирд бўлиб қолди. Аммо шундай юқори даражага етса ҳам Фарҳод ўзининг айрим ноқулай ҳаракатларидан андиша қилиб, одамлар унинг уқувсизлигидан кулишлари мумкинлигини ўйлаб, тош йўнадиган тешани яширинча қўлига олар ва билмаганларини ўрганишга уринарди:

Гоҳи элдин қилиб андиша пинҳон
Олур эрди қўлиға теша пинҳон.[1]

Мана шу йўсинда шаҳзодамиз қолган ҳунарларни ҳам усталик даражасида эгаллаб олади. Оқибатда унинг учун қурилган тўртта қаср аслида Фарҳоднинг ҳунар ўрганишига бағишлангандек бўлиб қолади. Қурилган қасрларнинг гўзаллигига сўз йўқ эди. Чунки уларнинг бу даражада мақтовга сазовор бўлишида шаҳзода Фарҳоднинг ҳам бевосита хизмати бор эди. Бу билан Алишер Навоий ўз навбатида бизга вақтнинг қадрига етиш, ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланиш, айни пайтда, ҳунарни иложи борича кўпроқ ўрганиш кераклигини васият қилгандек бўлади. Фарҳод томонидан тош йўниш, бино қуриш, нақш чизиш ҳунарларини яхши ўзлаштириши билан унинг ёшлигига хулоса ясалади. У энди илм, ҳарбий санъат, ҳунар заҳирасига эга эди. Ишқ қўйган “Фарҳод” исмининг ҳақ эканлигини исботлашга тайёр эди. Шунинг учун шоир ўз ўқувчисига Хоқоннинг Фарҳодга тахтни таклиф қилиш, хазинадаги сирли сандиқ воқеаси билан таништириш режасини амалга оширишга киришади.

Ҳозирги замон ўқувчиси Хоқоннинг ўз ўғлига юртни бошқариш ҳуқуқини таклиф қилишига оддий воқеадек муносабатда бўлади. Навоий яшаган замонда бундай таклиф, содда қилиб айтсак, ноодатий ҳодиса ҳисобланган. Шоиримиз достонгача бу лавҳани ҳам подишоҳ оталарга, ҳам шаҳзодаларга намуна сифатида киритган. Шубҳасиз, шоир кўпроқ шаҳзодаларни назарда тутган. Чунки айнан шаҳзодалар ўртасидаги тож-тахт учун тинимсиз олиб борилаётган қонли урушлар юртнинг тинчлигини бузаётган, халқ норозилигига сабаб бўлаётган эди. Фарҳод тахтни қабул қилишдан бош тортади. Отасига шунча билими, кўникмалари борлигига қарамай ўзининг подшоликка тайёр эмаслигини айтиб узр сўрай-

[1] Ўша жойда. Б-90

ди. Бу билан шоир ўзининг жуда муҳим фикрини, юртни бошқариш обрў эмаслигини, халқ ҳаёти ҳақида жон куйдириш, мамлакат тақдири олдидаги масъулият мушкулроқ эканини таъкидлайди. Эҳтимол, шоиримиз тузган режа бўйича Фарҳоднинг тахтдан воз кечиш воқеаси шаҳзода ҳаёти тасвирланган достонда иккинчи босқич-синов босқичининг дебочаси вазифасини ўтагандир. Ҳар ҳолда шу лавҳадан сўнг марказда сирли сандиқдаги кўзгу намоён бўлади, Юнонистон сафари бошланади ва Фарҳод синовлардан муваффақиятли ўтади.

Фарҳод ҳаётининг биз назарда тутган учинчи босқичи денгиз сафаридан бошланган. Денгизда рўй берган тўфон қаҳрамонимизни отасидан ажратди. Фарҳод бир тахта парчасининг устида денгиз тўлқинлари ҳукмига бўйсунишга мажбур эди. Кишининг танаси жонга жой бўлганидек, Фарҳодга ўша тахта парчаси маскан бўлди. Аммо унда жонидан асар, бирон белги йўқ эди. Ана шундай бир вазиятда Яман юртига кетаётган савдогарлар кемасига дуч келди. Кемадагилар йигитни сувдан кўтариб чиқардилар. Тирик экан. Ҳамма хурсанд бўлди. Бу тасодифий ҳодиса ҳам аслида бежиз рўй бермаган эди. Кемада Фарҳод тақдири унинг вафотигача боғланган шахс Шопур бор эди. Фарҳод халоскор кемани ҳарбий санъати ёрдамида қароқчилардан қутқарганидан сўнг, Шопур у билан дўст тутинади ва ҳамиша унга ҳамроҳлик қилади. Фарҳод ҳаётининг шоир тасвиридаги учинчи босқичида ёшликда ўрганилган ҳамма илм, ҳунар амалга татбиқ этилади. Агар тош йўниш, бино қуриш, наққошлик Ширин қалбида ўзига нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотишда ёрдам берган бўлса, ҳарбий маҳорат Хусрав қўшинларига қарши туришда иш берди. Агар чуқурроқ фикр юритсак, маълум бўладики, Алишер Навоий ўз ўқувчисига ҳамиша бировнинг мушкулини осон қилиш ўзингнинг мушкулинг осон бўлишига олиб келишини уқтирганига гувоҳ бўламиз. Тоғда азоб чекаётган одамларнинг ночор аҳволи қаҳрамонимизда чуқур изтироб уйғотади. Изтироб исканжасида қолган Фарҳод:

Ки вайронлиғларида юз халалдур,
Агар қилсам мадад воқеъ маҳалдур.
Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?![1] –

деб юборади.

Чунки қаҳрамонимиз азоб чекиб тош йўнаётган одамларнинг кўнгли самарасиз меҳнатдан вайрон бўлганини кўриб, уларга мадад бўлиш вақти эканини қалбига туйди ва ўз ҳунарини ишга солишга аҳд қилди. Шубҳасиз, бу пайтда Фарҳод ўзининг Ширинни топиш мақсадида юрганини эсидан чиқаради. Бутун вужуди билан азобда қолган одамларга ёрдам беришни ўйлайди. Айнан мана шу қарор охир оқибатда уни Ширин билан учрашишга муяссар қилади. Фақат учрашиш эмас, севгилисининг кўнглини эгаллашига сабаб бўлади. Алишер Навоий Фарҳоднинг Арманистондаги ҳаракатларини тасвирлар экан, унинг ёшлигида эгаллаган билимларини ҳам эсидан чиқармайди. Фарҳод жасорати ва ҳунари эвазига барпо бўлган ариққа “Наҳрул-ҳаёт” (“Ҳаёт дарёси”), ҳовузга “Баҳрун-нажот” (“Нажот денгизи”) деб ном берганларидан сўнг Меҳинбону қўлга киритилган ғалаба шарафига саройда базм уюштирди. Базмда Ширинниng хизматчи қизлари ҳам қатнашадилар. Уларнинг бири шоира, бири мантиқ илми эгаси, бири тарихшунос, бири ҳикмат-физика фанида мутахассис, бири математик, қўйингки, ҳамма илм ва сохалар эгаси эдилар. Меҳинбону билимдонлигини намойиш қилиб, уларга саволлар беради. Қизлар ҳам саволларга яраша жавоб қи-

[1] Ўша жойда. Б- 230.

лишади. Ана шу пайтда Фарҳод аввал олган таълимлари эсига тушиб қизларни саволга тутади: ҳар бир қиздан ўз фанига оид масалани сўрайди. Аммо қизлар жавоб топишга ожиз қолдилар. Шунда Фарҳоднинг ўзи қизларга саволларининг жавобини чиройли сўзлар билан изҳор этди. Бу ҳолатни кўрган Меҳинбону даҳшатга тушади. Йигит нутқидаги илоҳий жозиба Маликани лол қолдирди. Меҳинбону кўрдики, қаршисида фақат тош йўнувчи, бино қурувчи, наққош уста эмас, гавҳар тақилган тожга лойиқ инсон ўтирган экан. Малика ўрнидан туриб тахтини Фарҳодга бўшатиб беради. Аммо Фарҳод бу таклифни рад этади. Алишер Навоийнинг маҳоратига баҳо беринг. У Ширинниng аммасига Фарҳодни зинама-зина таништиряпти. Ёшликда олинган илм ўзининг самарасини кўрсатди. Оҳир оқибатда Меҳинбону жияни Ширинни Фарҳоддек жасур, ҳунарманд, илмли, камтарликни ўзига касб қилган йигитга ҳеч иккиланмай топшириш мумкинлигини англайди ва унга бўлган меҳри янада ортади. Фарҳод эса ўқувчи кўз олдида комил инсон сифатида намоён бўлар экан, уни ўзи кетидан эргашишга ундайди.

Алишер Навоий достонда ўзи орзу қилган, ҳаётда кўришни истаган Фарҳодини яратди. Фарҳоднинг ғалабаларидан кўнгли шодликка тўлди. Ўзини қаҳрамони Фарҳод билан ёнмаён ҳис қилди. Айни чоқда шоиримиз ўйлаган ҳаваслари ҳаётда рўй бериши мумкинлигини ҳам тан олди. Шунинг учун достон якунида фожиали воқеалар тизимига эрк берди. Унинг хаёлидаги Фарҳод, Ширин, Хоқон, Мулкоро, Меҳинбону, Шопур каби инсонлар ўқувчилар қалбидан ўрин олди. Достоннинг ўзбек тилида яратилиши ҳам ўқувчиларнинг она тилимиз имкониятларини тасаввур қилишида муҳим бўлди.

АФСОНА АНГА ЛИБОСИ МАВЗУН

Адабиётшунос олимларнинг хабар беришича, Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сидан “Лайли ва Мажнун” достони ўрин олганидан сўнг, ҳақиқий ишқ қурбонлари фожиаси аввал Шарқ кейин Ғарб оламига машҳур бўлди. Аслида VII аср охирларида араб қабилалари ўртасида ишқий шеърлар кенг тарқалган экан. Ишқ дардига йўлиққан изтиробли йигитнинг дард-армонлари бу шеърларда ифодасини топган экан. Баъзилар бу ошиқ йигит Бани Омир қабиласидан Қайснинг севгилиси Лайлига бағишлаб ёзган шеърлари эканини айтадилар. Бора-бора бу бағишловлар шуҳрат топиб Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсоналарга айланган. 1188 йилда шоир Низомий Ганжавий оташин ва покиза муҳаббатни “Лайли ва Мажнун” достонида тараннум этди. 1298-99 йилларда Хусрав Деҳлавий ҳам шу ном билан яна форс тилида гўзал достон ёзишга эришди.[1] Шундан сўнг бу мавзуда юздан ортиқ назиралар-устозларга эргашиб ёзилган асарлар пайдо бўлди. Суҳбатимизнинг сарлавҳасига эътибор беринг. Алишер Навоий устозлари анъанасига содиқ қолиб “Лайли ва Мажнун” достонини улар ёзган вазн - *ҳазож мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (мақсур)-мафъувлу мафоилун фаувлун (мафоийл)* да яратди. Шоир достон якунида шундай дейди:

Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмунға бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.

[1] Бу ҳақда ўқинг: Анвар Ҳожиаҳмедовнинг. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008 йилда чоп этилган Алишер Навоий, Лайли ва Мажнун, Достоннинг ихчам насрий баёнига ўзган муқаддимасида.

Лекин чун рақамға келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.[1]

Ўқилиши: 1 ва 2-байт *мафъулу мафоилун фаувлун.*
3-байт мафъулу мафоилун мафоийл.

Бу байтларда шоир Шарқда машҳур бўлган Лайли ва Мажнун ишқи тарихини ёзишдан мақсади ўқувчиларга афсонани баён қилиш эмаслигини, аммо унинг мазмунига мўъжизавий руҳ қўшилиб қолгани учун афсонага айланганини, модомики, шундай экан, афсона баён қилинган ҳақиқатга яхши бичилган либос бўлганини айтади. Маълум бўладики, 3622 байтдан иборат "Лайли ва Мажнун" достонини шоиримиз ўқувчисига ҳаётдаги ошиқ ва машуқа қисматида доимий равишда такрорланиб турувчи тарих, ҳақиқат сифатида тақдим қилмоқчи эди.

Ҳаёт жуда мураккаб. Унда пок муҳаббатга эга йигит ва унга ўз севгиси билан жавоб берган қиз изтироблари қайта-қайта такрорланиб туради. Аммо жамиятда йигит ва қиз оиласи тутган мавқеъдаги фарқ, аждодлар ўртасида қачонлардир рўй берган келишмовчилик, ўртага кимларнингдир намунавий аралашуви ёшлар фожиасига сабаб бўлади. Шубҳасиз, турмуш ташвишларини кўп кўрган, тақдирида оилали бўлиш шарафига эришмаган Алишер Навоий ўз замонаси мисолида ҳам сон-саноқсиз Лайли ва Мажнун каби ишқ қурбонларини билган. Шунинг учун бўлса керак, "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳодни ўз фарзандидек севишни кўрсатса, "Лайли ва Мажнун"да пок ва оташин муҳаббат эгаларига бутун борлиғи билан хайриҳоҳлик билдиради. Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг иккинчи қисмидаги "Ишқ зикрида" деб аталувчи ўнинчи бобда уч тоифадаги ишқ ҳақида фикр юритди. Биринчи тоифани авом (оддий одамлар) ишқи, иккинчи тоифани ҳавас (улуғ зотлар) ишқи, учинчи тоифани Сиддиқлар (Исломда – инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги, уни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот, тасаввуфда – сўзлари ва ишлари, ахлоқи тўғри бўлган кишилар) ишқи деб атайди. Авом ишқида оддий одамларнинг бир-бирига бўлган инсоний қоидаларга бўйсинувчи ишқ назарда тутилади. Шаръий никоҳ асосида оила қуриш, оиладаги ўзаро ҳурматга риоя қилиш авом ишқи чегараси билан белгиланади. Иккинчи тоифага сўзи поку, кўзи пок инсонлар мансуб эдилар. Шоир ҳаётда яшаган Шайх Ироқий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийларни улуғ зотлар ишқига муносиб деб ҳисоблайди. Улар ҳар шеър била ишқ ўтини ёқиб, ҳар байт била дард аҳли кўнгил оламини куйдирдилар. Табиий, бу ўринда шоир ишқ ҳақида, яъни Аллоҳга бўлган ошиқлик ҳақида фикр юритади. Аммо бундай ошиқлик мақомига эришиш учун инсон ўзининг инсонга-яқин кишиларга: қариндош уруғларига, ота-онасига, устозига, дўстига, севикли ёрига, атрофидагиларига меҳрини бериши керак. Инсон инсонни севмагунича, ҳурмат қилмагунича, Яратганга ҳабиб-севикли дўст бўлолмайди. Аллоҳга ошиқлик эса ИНСОН мақомига – даражасига эришган одамнинг олий фазилатидир. Бу фикрларнинг исботи учун келтирилган ҳикоятга Мажнуннинг бетоблиги, Лайли мактуби таъсирида ошиқнинг беморлиги чекингани баён қилинади. Демак, "Лайли ва Мажнун" достонида шоир ишқ ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларини бадиий мукаммалликда ифодаламоқчи бўлган.

Араб мамлакатидаги жуда кўп қабилаларнинг ҳукмдори жуда бой ва бадавлат эди. У одамлар орасида сахий ва мурувватлилиги билан шуҳрат топди. Аммо унинг фарзанди йўқ эди. Ҳукмдор Аллоҳдан фарзанд тилаб илтижолар қилди ва элига кўпроқ мурувват кўрсатди. Яратган унга ажойиб ўғил ато этди. Боланинг отаси унга ўз отасининг исмини берди ва

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Тўққизинчи том. Хамса. Лайли ва Мажнун. –Тошкент: Фан, 1992. Б-310

Қайс деб атади. Қайс унинг ёшига етганида қўшни қабилалар хўжайини даргоҳида номи чиққан устоз борлиги учун ўша ерда ўқита бошлади. Қўшни ҳукмдор бу мактабни қизи Лайлига атаб яратган бўлиб, Қайс ўқишга борган пайтида Лайли бетоб эди. Қайс мактабда саводини чиқарди. Илмга чанқоқлиги ва қолиб кетган дарсларини яхши ўзлаштириши билан ном қозонди. Атрофидагилар унга ҳурмат билан қарадилар. Шу пайт Лайли тузалди ва ўқишга келди. Қайс уни кўрди-ю, ўзини бошқача ҳис қила бошлади. У қизни кўргани заҳоти севиб қолган эди. Лайли ҳам Қайсни яхши кўриб қолди. Ўртадаги бу муносабат кундан-кунга авж олди. Охири Қайс севгилисини кўрмаса бетоб бўладиган, кўрса ҳушидан кетадиган бўлиб қолди. Охир оқибатда эс-ҳушини йўқота бошлагани учун уни Мажнун – эсини йўқотган, савдойи, жинни деб атай бошладилар.

Аввалларида ҳам кўп марта айтганимиздек, Алишер Навоий достонидаги ҳар бир лавҳага масъулият билан қараган. Бу достонда ҳам шоир Мажнуннинг Лайлига бўлган севгисига Лайли отасининг муносабатини беришда маҳорат кўрсатади. Лайлининг отасига Омир қабиласидаги Қайс деган ақлли йигит бир қизга ошиқ бўлиб эс-ҳушини йўқотганини айтишади. Лайлининг отаси ҳам Қайсни эшитган эди. Шунинг учун у ҳам Қайсга ачинади:

Таърифига кўп ўтар эди сўз,
Гўёки анга тегурдилар кўз.
Бас қобул эди-ю дилписанд ул,
Озодавашу ниёзманд ул.
Ақли комилу каломи маъқул,
Бор эрди манга ғам асру мақбул.[1]

Эътибор беринг. Ҳай қабиласининг бошлиғи - Лайлининг отаси Қайсни мақтаяпти. Унинг таърифини эшитгани, бу болага кўз теккан бўлиши мумкинлиги, унинг одобли, покиза экани, ақли бутун, сўзлари маъқуллигини айтади ва Қайс унга ҳам маъқул бола эканлигини билдиради. Навоийнинг маҳорати шундаки Лайлининг отаси қайси қизни яхши кўриб қолганини ҳали билгани йўқ. Қачонки мажнун даражасига етгани Лайли туфайли эканини англагани заҳоти отада кескин ўзгариш рўй берди. Шоиримиз бу ерда тажрибали руҳшунос эканини кўрсатади. Қайснинг кўнгли Лайлида эканини фаҳмлаган ота сония ўтмай ўзининг мавқеи билан Қайс отасиникини солиштиради:

Билмангму шукуҳу савлатимни,
Аъроб аро молу шавкатимни.

Ҳам ўғлунга, ҳам сенга билурмен,
Ким, ҳарне қилай десам, қилурмен[2].

Ўқувчи ҳайратга тушади. Ҳозиргина Қайснинг ақлини, одобини маъқуллаб турган одам айтилган хабарнинг ўзига тегишли эканини билганидан сўнг зудлик билан “тепа тўнини тескари кияди”. Давлатини, обрўйини, молу шавкатини пеш қилади ва қўлидан ҳамма ёмонлик келишини айтиб зўравонликка ўтади. Навоий замонида, кези келса ҳозир ҳам, севишганлар ўртасига бойлик, давлат енгиб бўлмас довонга айланади. Покиза ишқнинг фожиаси бошланади.

[1] Ўша жойда. Б-112
[2] Ўша жойда. Б-114.

Алишер Навоий ижодида табиат ва инсон муносабати ҳамиша уйғун бирликда ифодаланган. Ер юзи бир бутунликда яратилган бўлиб инсон табиатини наботот – ўсимлик ва ҳайвонот оламисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳар бир одам туғилгани заҳоти наботот ва ҳайвонот оламининг ажралмас қисмига айланади. Аммо замонлар ўтиши билан астасекин инсоният жамияти ўсимлик ва ҳайвонотдан ажрала бошлади. Одамзот бир турдаги ҳайвонларни қўлга ўргатди, ўзиники қилди. Бошқа турдагиларни овлай бошлади. Ов инсоннинг ўз замондошларига қарши чиқишини, нафс балосининг авж олишини кўрсатадиган далил. Мажнун ўзининг покиза ишқи таъсирида бошқа одамларга ўхшаб жамият иллатлари билан зарарланмаган. У нафс балосидан, ғийбатдан мунофиқликдан мутлақо озод шахс. Шунинг учун ҳам замондошлари, жамият ундан юз ўгирди. Уни мажнун деб эълон қилди. Она табиат эса уни ўз бағрига олди. Қайс саҳрода, тоғда, кимсасиз адирларда ўзини эркин ҳис қилади. Она табиат қўйнига интилади. Одамлардан ҳуркиб қочадиган кийиклар, жайронлар Қайснинг манглайини, пешонасини ўпадилар, орқаларини силайдилар. Бўрилар нафс итлигидан воз кечиб уларни қўриқлагандек, ҳаммасига чўпондек атрофида юрадилар. Ҳатто Арабистонда ўзининг жасорати, мардлиги, одамларга яхшилик қилиши билан шуҳрат топган Навфал исмли бир бадавлат одам лашкарлари билан овга чиққанида ҳар тарафдаги ҳайвонлар нажот сўрагандек бўлиб Қайс атрофига йиғиладилар. Шоиримиз жамият ва табиат ўртасида ўзига хос ҳарбий ҳолатни вужудга келтиради: бир томонда овга шай лашкар, иккинчи томонда ожиз Мажнун атрофидаги ҳайвонлар. Вазиятни кўрган Навфал кўрганларига ишонмайди, ҳайрон қолади, даҳшатга тушади. Унга Мажнун тарихини айтиб беришганидан сўнг эса овни тўхтатиш, бironта кийикка зарар етказмаслик фармонини беради. Ўзи Мажнун олдига келиб, у билан яқинроқ бўлишга ҳаракат қилади. Навоий тузган режага кўра табиат жамият устидан ғалаба қозонади. Айни пайтда шоир замон, тузум, жамият ҳар қанча разолат остида қолмасин, бу дунёда Навфалга ўхшаган олий даражадаги ИНСОН мақомига муносиб одамлар бўлишлиги хақидаги фалсафий мулоҳазасини ўз ўқувчисига маълум қилади. Навфал ва Қайс ўртасида ота ва бола муносабатлари пайдо бўлади. Навфал Лайли отасига қарши уруш эълон қилади. Бу урушни Мажнун тўхтатади. Кейин Навфал Мажнунга ўзининг қизини бермоқчи бўлади. Мажнун бу вазиятда ҳам Лайлига содиқ қолади. Юқорироқда ифодаланган лавҳаларни Алишер Навоий шу қадар жўшиб, юқори кайфиятда, лаззат билан, роҳат билан ёзадики, ўқувчи байт мисралари ўзидан ўзи илҳом париси иштирокида қуйилиб келганини очиқ ҳис қилиб туради.

Алишер Навоий достонни ёзиш жараёнида муайян лавҳаларни ором олиб баён қилган бўлса-да, Лайли ва Мажнун тарихи уни бошланишидан руҳий изтиробга солган эди:

Ўтган кечаким сипеҳри пурфан,
Нур устига бўлди зулмат афган.

Даҳр узра эсиб насими шабгир,
Кўк жавфи аро сочар эди қир[1].

Ўтган кеча найрангбоз, жафокор фалак нур устига зулмат кўланкасини ёйди. Замон узра ҳамла қилиб тунни бедор ўтказишга мажбур этувчи шамол эсди. Кўк осмон бағрини Қоранғулик билан қоплади. Бу байтдан қир сўзи “Қоранғулик” ва “ўлим” маъноларини англатади. Бинобарин ийҳом (шубҳага солиш, бир сўзни икки маънода қўллаш) санъатини

[1] Ўша жойда. Б-49.

эсга олсак, осмон бўшлиғида ўлим – хатар хабарини сочар эди, деган маъно ҳам англашилади. Мана шундай оғир дамлар кечиб турган бир пайтда шоир Низомий, Хусрав номи билан машҳур бўлган андуҳ билан ҳам ҳукм сурган Лайли ва Мажнун қиссасини ёзишни бошлаганини айтади. Чунки устозлар унга ўзларининг қиссаларини маълум қилганликларини билдириб, энди навбат уники эканига ундайдилар, қўлга қалам олишни буюрадилар:

Чун қиссани англадинг равон бўл,
Сунғил варақу қалам сори қўл[1].

Айни пайда устозлар шоирнинг ёзадиганлари уларникидан дард ва ўртанишлари ортиқроқ, дил изтироблари ёқимлироқ, кўз ёшларини дона-дона оқизиши кучлироқ бўлишини сўрайдилар. Холис тан оладиган бўлсак, Алишер Навоий устозларини руҳий талабларига содиқ қолди. Достоннинг бошидан охиригача Мажнун қалбида Лайлига нисбатан уйғонган ишқ азоби шоир хаёлини тарк этмади. Тунларни бедор ўтказишлар, энаганинг ҳушсиз қолган Лайлини саҳро аро елкасида кўтариб уйига олиб келишлар, Омир қабиласидан келган совчиларнинг ҳақоратланиши, Мажнуннинг занжирбанд этилиши, калтакланиши, Ҳаж сафаридаги мушкилотлар, достон охирлаб қолганида Мажнуннинг ота-онаси дафн этилган мозористондаги очиқ гўрда ётишлари – ҳамма-ҳаммасини мусибат устига мусибат тасвирини талаб қиларди. Навоий замонида фарзанд вафот этса, она бўйнига қора кигиз осиши одат бўлган. Тарихчиларнинг маълумотига кўра Мўмин Мирзо қатл қилинганида онаси бўйнига қора кигиз осган экан. Шоир бу одатни “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг ўлими, “Садди Искандарий”да Искандарнинг вафоти муносабати билан ҳам тилга олади. “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнуннинг онаси фарзанд дардига чидай олмай жон таслим қилган эди. Мотам кигизи одати нима бўлади. Шоир бу ўринда ҳам шоирлигини қилди. Чор атроф икки ошиқ ва маъшуқанинг фожиали умрига мотам маросимини бошлади. Япроқ юзи сариқ оғриғига йўлиққандек сап-сариғ бўлди. Хар бир барг дарахтга ўлим мактуби бўлди. Гул сўнганидан, ўлганидан боғ мотам тутди. Шамолнинг ҳам дод-фарёди оламга етди. Булбул ҳам ўзини азали деб билди ва қора кигизни бўйнига илди. Бу тасвирларнинг ҳаммасини Мажнун вафоти мансуб бўлган табиат маросими деб қабул қиламиз. Айниқса, булбулнинг қора кигизни бўйнига илгани алоҳида рамзий маънога эга.

Айрилиқ азобидан чорасиз қолган Лайли жон таслим қилиш олдидан онасига васият қилади. Мен ўлганимдан сўнг менинг ғариби зорим қулоғига мотам хабари етиб боради. Умрим қуёшидек бошимга келар. Шунда ёнимдан ўрин бергайсан. Фарзандинг каби уни ҳурмат қил. Руҳ-руҳ билан пайванд бўлсин. Икки фарзандни бир тобутга ётқиз,- дейди. Ҳақиқатдан ҳам, Мажнун бу пайтда очиқ мозор ичида ётган эди. Шу пайт қулоғига қаттиқ қичқириқ эшитилди. Овоз Лайли вафотидан хабар берди ва ошиқни унинг ҳузурига чорлади:

Булбуллуғунг ўлса айла парвоз,
Парвоналиғингни қилғил оғоз.[2]

Мажнун кучсизланиб ётган бўлса ҳам қоплон каби ётган жойидан сакраб турди. Қабила сари югуриб кетди. Яшиндек Лайли эшигига ўзини урди. Ҳеч ким унга қаршилик қилмади. Лайли ҳузурига етишгач у ҳам жон таслим қилди:

---
[1] Ўша жойда.Б-56
[2] Ўша жойда.Б-289

Бир наъшқа солдилар иковни,
Жонсиз келину, ўлик куёвни.[1]

Шоир шу ўринда фавқулодда гўзал бир ўхшатиш кашф қилади. У бир тобутга солинган ошиқ ва маъшуқани қўш мағизли бодомга қиёслайди. Қўш мағизли бодом ичида алоҳида-алоҳида пўсти билан икки мағиз жойлашганидек, бир тобут ичида алоҳида-алоҳида кафанли икки бадан жой олди:

Бир наъш ила ул ики дилором,
Андоқ эдиким ду дона бодом.

Йўқ, йўқ, дема она икки дона,
Ул дона эмас эди дугона.

Дугонағаким икки бадандур,
Ҳар бириға бошқа бир кафандур[2].

Шундай қилиб ҳаётини бир-бирига бағишлаган ошиқ ва маъшуқа – Мажнун ва Лайлининг ишқ қасидаси поёнига етади. Якуний 38 бобда шоир оғир дард тўла достонни ёзиб ўз ўқувчисини ички руҳий азобда қолдиргани учун узр сўрагандек бўлади ва унинг ўзига ҳам мусибат тўла асарни ёзиш осон кечмаганини билдиради:

Сўгин нечаким узаттим охир,
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир.[3]

Мотам билан икки ҳақиқий ишқ эгаларини сўнги сафарга кузатдим. Ишқ қасидамни йиғлай-йиғлай охири тугатдим.

Энг охирги саҳифада эса бу суҳбатимизнинг бошланишида билдирган мулоҳазаларимизга қайтгандек бўламиз. Бу ўринда шоиримиз аввалги адибларнинг “Лайли ва Мажнун” достонини форс тилида ёзганларини, у достонлардан турк-ўзбек халқи жуда оз завқ топганини қайд этади. Шунинг учун Навоий ўзбек тилида ёзди ва бу билан ўз халқини Шарқда шуҳрат топган энг гўзал, аммо изтиробли ишқ тарихидан баҳраманд қилди. Шу билан бирга шоиримиз Лайли ва Мажнун тарихи ўзбек тилида ҳам жаҳонга машҳур бўлишидан, турк-ўзбек эли вакиллари ҳам ундан лаззат топишларидан умидвор бўлади. Чунки бугунги кунда турклар-ўзбеклар орасида нозик табиатли, пок тушунчали инсонлар кўпайиб қолди, - дейди адиб.

Чун форси эрди нуқта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи.

Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким, форси англар ўлди, маҳзуз.

[1] Ўша жойда.Б-291
[2] Ўша жойда.Б-292.
[3] Ўша жойда.Б-307.

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.

Ким, шуҳрати чун жаҳонға тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.

Нечунки бу кун жаҳонда атрок.
Кўптур хуштабъу софи идрок.

Ва, ниҳоят, Алишер Навоий ўзидан кейинги авлодларга, яъни бизга васият қилиб, туркий-ўзбек тилида мусиқа тузганини, битган достонини одамлар ўқишини, ўқиган ўқувчи шоирни эслашини, шунда унинг руҳи шод бўлишини, Аллоҳ раҳмати уйида гуноҳлари тўкилиб охирати обод бўлишини орзу қилади.

“САБЪАИ САЙЁР” ЎГИТЛАРИ

Одатда шоир ва ёзувчиларнинг ижод қилишига даъват этувчи ният асарнинг ёзилишига бўлган халқ эҳтиёжи ҳисобланади. Ҳар бир сўз санъаткори аввал ўзи ёзган шеър, достон, ҳикоя, романларини аввало кенг китобхонлар оммаси томонидан ўқилишини ҳавас қилади. Демак, адиб ижод қилар экан, биринчи навбатда ўқувчининг муносабатини тасаввур қилишга уринади. Китобхон эса халқ вакили, халқ фарзандидир. Шунинг учун асарда халқни қизиқтирувчи мавзу халқ тили имкониятида ифодасини топиши керак. Натижада шоир, ёзувчи ёзилаётган асар воситасида ўзининг халқ фарзанди, миллати вакили эканини билдириб туришга мажбур. Бу мушкул вазифани бажариш йўлларидан бири халқ оғзаки ижодига: афсона, ривоят, ҳикматлаърга мурожаат қилиш билан белгиланади. Фирдавсий, Рудакий, кейинчалик, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Рабғузий каби адибларнинг афсона, ривоят, эртак, халқ мақолларидан унумли фойдаланишларининг сабабларидан бири сифатида халқ билан узвий алоқада бўлиш мақсадини кўрсатишимиз мумкин.

Алишер Навоий бутун ҳаётини она тили мавқеини кўтаришга, унинг форс тилидан ҳар жиҳатдан кам эмаслигини ижоди билан исботлашга бағишлаган экан, халқ оғзаки ижодини четлаб ўтиши мумкин эмас эди. “Ҳайрат ул-аброр” даги йигирма мақолот таркибига киритилган ҳикоятлар, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонлари мазмунини ташкил этувчи воқеалардан тортиб тасвирдаги муболағалар, сифатлашлар, талмиҳ (қадимги афсона, ривоятлар каҳрамонларини эслаш)лар кўпинча оғзаки ижод намуналаридан фойдаланиш маҳсулидир. Бу жиҳатдан “Хамса” нинг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр” шоир ижодида алоҳида ўринга эга. Биринчидан, достон Баҳром Гўр ҳақида шарқда машҳур бўлган афсона, ривоятлар мазмуни асосида ёзилган. Иккинчидан, Баҳром ва Дилором тарихини баён қилиш ўртасидаги дарвешлар айтган ҳикоялар заминида ҳам қадимги халқ афсона, ривоятлари ётади. Учинчидан, қурилишида халқ оғзаки ижодидаги қолиплаш усули қўлланган. Бу усулда эртакчи битта воқеани ҳикоя қилиш давомида орага бошқа воқеаларни қўшиб юборади. Асар охирида эса баён қилинаётган тарих дастлабки воқеа билан боғланган ҳолда якунланади. “Сабъаи сайёр”да Баҳром ва Дилором тарихи қолипловчи ҳикоя ҳисобланади. Достон давомида Баҳром Дилоромдан ажралади. Ўртада олтита афсона, ривоят

ҳикоя қилинади. Еттинчи воқеа баёнида Баҳром Дилоромни топади. Ана шу усул илмда қолиплаш атамаси билан юритилади. Халқ оғзаки ижодидаги аксари эртакларда қолиплаш етакчилик қилади. Алишер Навоий "Хамса" нинг тўртинчи достонини ҳам қолиплаш усулида режалаштирди. Эҳтимол, шоиримиз бу усулни қўллаш билан турк-ўзбек тилининг ифода имкониятлари анчайин мураккаб тузилган бадиий асарларни ҳам яратишга етишлигини кўрсатмоқчи бўлгандир.

Қадимги замонларда Варахан V деган подишоҳ бўлган экан. У қулон (ўзбек тилининг имло луғатида бу ҳайвон ҳақида: "Отдан кичикроқ, эшакдан каттароқ, отдан кўра кўпроқ эшакка ўхшаб кетадиган ёввойи ҳайвон", - дейилган) овига жуда ўч бўлганидан Баҳром Гўр номи билан машҳур экан. Баҳром Гўр ҳақида афсоналар тўқилибди. Фирдавсий ўзининг "Шоҳнома"сида у ҳақда достон ҳам яратибди. Низомий Ганжавийнинг "Ҳафт пайкар" ("Етти гўзал") достонида Баҳром билан Фитна ҳақида ишқий тарих берилган. Кейинроқ, Хусрав Деҳлавий Баҳром Гўрни "Ҳашт беҳишт" ("Саккиз жаннат") достонига бош қаҳрамон қилиб олди. Шундай қилиб Баҳром Гўрнинг "Хамса" таркибидаги достонлардан бирида қаҳрамон бўлиши анъанага айланди. Алишер Навоий ўзбек тилида Низомий "Хамса"сига жавоб беришни ният қилиб, "Сабъаи сайёр" ("Етти сайёра") достонини 1484 йилда ёзишга киришади. Ва шу йилнинг ўзида тугатишга улгурди.

Маълумки, Алишер Навоий ҳар бир достонида адолатли подишоҳ ҳақида ҳикоя қилиш билан ўз замонасидаги подишоҳ Ҳусайн Бойқаро ва темурий шаҳзодаларга ўгит (насиҳат) берган. Бу жиҳатдан "Сабъаи сайёр" бир оз фарқ қилади. Шоир подишоҳнинг адолатли эканини тасвирлаш билан бирга халқнинг ҳам бундай замонда яхши яшашини кўрсатади. Аммо ўртага маишат, дабдабавозлик, ошиқлик аралашдими, вазият ўзгаради. Баҳром бу ўринда шоирга намуна бўлиб хизмат қилди. У Моний исмли рассомдан Дилоромнинг суратини олади ва ишқ дардига мубтало бўлади. Чин-Хитой мамлакатидан бу юртдан оладиган бир йиллик хирожи нархида Дилоромни сотиб олади. Шу пайтдан Баҳром ҳар куни базм қуришга, маишатга, овга берилиб, юртни, элни ёдидан чиқаради. Қаҳрамонидаги бу ўзгариш:

Мулк чун шоҳ адлидин қолди,
Қилди ҳар ким неким қила олди[1].

Ўқилиши: *Фоилотун мафоилун фаълун.*

Яъни шоҳ адолати йўқолди. Мулк, эл, халқ шоҳ адолатидан ажралиб қолди. Натижада ёмон, бузғунчи, золим, ўғри, қароқчи кимсалар хоҳлаган иши билан шуғулланди. Шоир қайси юртда бошқарувчи бевосита ўзига юклатилган вазифа билан, яъни мамлакатни адолатли бошқариш билан шуғулланмаса, шахсий қизиқишларига берилиб кетса, ундай юртда ёмонлик ҳукм суради, эл қисмати оғирлашади демоқчи. Бу фикрга Баҳром ҳаракати мисол бўла олади, демоқчи. Ўз ўгитини давом эттирар экан, шундай байт беради:

Ишқ ила шоҳлиғ мувофиқ эмас,
Ишқ лофида шоҳ содиқ эмас[2].

Юртга подишоҳлик қилиш билан ошиқлик бир-бирини инкор қилади. Ҳақиқий шоҳ ҳеч қачон ўзининг шахсий ҳаёти бўлмиш ишққа содиқ бўлолмайди. Чунки унинг зиммасида юрт ташвиши билан яшаш қисмати бор. Ва агар кимда ким ҳам шоҳ бўламан ҳам ошиқ

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўнинчи том. Хамса. Сабъаи сайёр. –Тошкент; 1992. Б-105
[2] Ўша манба, 106-бет.

бўламан деб икки бир-бирига мос келмайдиган вазифани бажаришга киришса, муз парчасидан шамъ ясашга уринган бўлади. Шоир ўзининг ўгит тарзидаги мулоҳазалари билан Ватан ҳаётида масъул ишларга жавоб берадиган шахсларни огоҳлантирмоқчи бўлди. Баҳром ошиқ бўлиб Дилоромни севди. Аммо шоҳлик қилиб севгилисининг арзимаган айби учун уни жазога ҳукм қилди. Демак, Баҳром ошиқликни ҳам чин ошиқ даражасида эплай олмади. Овга чиққан пайтида кийикка ўқ отиш маҳоратини кўрсатган Баҳром Дилоромдан мақтов эшитмоқчи бўлди. Ахир шоҳлар ҳамиша мақтов эшитишни хоҳлайдилар-ку. Дилором бўлса: бу маҳорат машқнинг натижаси холос, – деб кўя қолди ва шоҳ ғазабини қўзғади. Ўзини йўқотиш даражасида дарғазаб бўлган шоҳнинг шоҳлиги тутиб, Дилоромни кимсасиз биёбонга ташлаб келишни буюради. Ана шу лавҳадан бошлаб Баҳром Дилоромдан ажралди. Навоий шоҳнинг ишқий айриликдан касал бўлганини, унга табиблар шифо топишга ҳаракат қилишганини, охири етти кунга атаб етти қаср қурилганини изтироб билан баён қилади. Баҳром етти рангдаги қасрлар қуриб битирилгандан сўнг шанбадан бошлаб ҳафтанинг ҳар бир кунида алоҳида қасрда кун ўтказади. Ҳар куни қаср ёнидан ўтаётган сўзга уста бир дарвешнинг ҳикоясини эшитишга одат қилади. Шанба – қора қасрда Фаррух ва Ахий; якшанба – сариқ қасрда Зайд; душанба – яшил қасрда Саъд; сешанба – қизил қасрда Масъуд ва шоҳ Жуъна; чоршанба – мовий осмон (нилуфар) қасрда Меҳр ва Суҳайл; пайшанба – сандал (яшил ва пушти аралашган) рангдаги қасрда Муқбил ва Мудбир; жума – оқ рангдаги қасрда хоразмлик машшоқ ҳикояларини эшитади. Албатта, етти ҳикоянинг ҳар бирида адолат, ростгўйлик, сабр, ирода каби фазилатлар билан боғлиқ жуда кўп ўгит-насиҳатлар баён қилинган. Уларнинг ҳар бири алоҳида ўқишга лойиқ. Аммо биз кўп йиллик мактаб тажрибамизга суянган ҳолда улардан пайшанба – сандал рангли қасрдаги дарвеш ҳикояси устида батафсилроқ тўхташни маъқул топдик.

Катта ижодий тажрибага эга шоир достонлари қаҳрамонларининг исмларини танлашга ҳам эътибор берган. “Сабъаи сайёр”нинг ўзида Баҳромни Гўр лақаби билан беради. Бу лақаб аввалига қулон ови билан шуғулланувчи овчига муносиб эди.

Аммо достон якунида бу сўз бош қаҳрамоннинг ботқоққа ботиб гўрини топгани билан далилланади (бу ҳақда кейинроқ тўхтаймиз). Шунингдек, Саъд – яхшилик, Масъуд –саодатли, Добир – душманлик, Меҳр – муҳаббатли, Суҳайл – ёруғ юлдуз каби исмлар ҳам қаҳрамоннинг феъли, табиати, қолаверса, тақдиридан хабар берувчи белгилар ҳисобланади. Олтинчи иқлим қаҳрамонлари Муқбил ва Мудбирдир. Муқбил – иқболли, бахтли маъносини англатса, Мудбир – иши орқага кетган, бахтсиз дегани бўлади. Мана шу икки қарама-қарши маъно англатувчи исмли кимсалар Бохтар деган жойдан Ховирга йул оладилар. Уларнинг иши туну кун давомида йўл босиш бўлди. Йўлда тиканли, ҳавоси бузуқ водийдан ўтишга тўғри келди. Водийни қайноқ, иссиқ водий деб аташарди. Шунинг учун одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам бу ерга оёқ босмаганлар.Икки ҳамроҳ шу ердан ўтишга мажбур бўлдилар. Ҳаво жазирама иссиқ, унинг устига қандайдир ҳид қўшилиб нафас олишни қийинлаштирди. Иродасиз, чидами йўқ Мудбир ҳушини йўқотиб рўй бераётган ҳолатдан шикоят қила бошлади. Шикоят қилганда ҳам Худога қараб уни айблашга тушди. “Бу не ҳаво бўлғай”, – деди. “Сув яратмоқ магар эрур душвор”, – деди. Яъни Худони айблаб сув яратиш шунчалар қийинми деган сўзлар билан арз қилди. Ҳатто Муқбилга қараб:

“Сени кўрмак не шум кун эрди
Ки ёмон мунча хосият берди”[1], – деди.

[1] Ўша манба. Б-309

Бу билан Мудбир Муқбил билан учрашган кунини қоралади. Унинг айтишича, шундай кўнгилсиз бехосият вазиятга тушишининг сабабчиси Муқбил экан.

Муқбил рўй бераётган йўл азобини Аллоҳ юбораётган синов деб тушунди. Сабр ва ирода билан бу синовга чидаш учун қалбига Аллоҳ ёдини сингдиришга уринди:

Муқбил эрди Худой ила машғул,
Зикру тасбеҳи тангрига мақбул[1].

Мудбирни ҳам сабр қилишга ундади. Аммо ҳамроҳи борган сари бадтарроқ дод солаберди. Ўртада айрилиқ бўлур деган гаплар ҳам бўлиб ўтди. Чунки Муқбил Мудбирнинг арз-шикоятларидан тўйиб кетган эди. Мудбир шу заҳоти тавбасига таяниб ялинишга мажбур эди. Ёмон одатларини ташлашга ваъда берди. Муқбил унга ишонди. Охири офат водийси тугаб бир денгиз қирғоғига етиб келишди. Бир кемачи уларга қайиқ берди. Қайиқни катта кемага боғлаб сафарга кетдилар. Аммо кема шу қадар шиддат билан кетар эдики, қайиқдагилар танг аҳволда қолишди. Мудбир яна ўз қилиғини бошлади. Аллоҳни инсофсизликда айблади. Ўз бандаларига зулм қилиш билан банд эканини айта бошлади. Унинг гаплари Яратгангача маълум бўлдими, катта тўфон бошланиб қайиқ кемадан узилиб кетди. Кемадагиларнинг кўпчилиги ғарқ бўлди. Қолганлари ҳар тарафга ёйилиб кетди. Қайиқ ичидаги Мудбирнинг аҳволи яна хароблашди. Муқбил бўлса, яна Худога ялинди. Умид билан Яратгандан шафқат кутди. Ниҳоят унинг дуолари мустажоб бўлиб денгиз тинчиди.

Қийинчилик дарди ариган Муқбил ўша заҳоти Аллоҳга шукр қилди ва ўз паноҳида асрашини Яратгандан сўраб дуолар ўқиди. Қайиқ тинчгина сузиб борар экан узоқда бир қора нарса кўринди. У ердан одамга роҳат бағишловчи хушбўй сандал ҳиди кела бошлади. Икки ҳамроҳ қайиқни ўша тарафга ҳайдадилар. Охири манзилга етиб келишганида қора нарса улкан бир сандал дарахти бўлиб чиқди. Дарахт атрофдаги бор қуруқликни эгаллаган эди. Дарахтнинг ғовагидан бир булоқ сув оқиб денгизга қўшиларди. Ҳамроҳлар қайиқни бир илдизга боғлаб, чанқоқни қондириш ҳаракатига тушдилар ўша ерда бир ўйилган ёзувлари бор тош ҳам турган экан. Ёзувда: “Бу дарахт “Сандали силиё” (“Сеҳрли сандал”) деб аталади. Чашма сувидан содиқ – рост, тўғри, садоқатли одам ҳам, козиб – ёлғончи ҳам ичиб чанқоғини қондириши мумкин. Аммо тўғри ичгандан кейин бир ойгача ер-ичарга ҳожатманд талабгор бўлмаса, козиб ичса уч кун ўтгач, суву таом тилагайдир ва чашмадан чанқоқ қондирган одам кейин ёлғон гапирса, шу заҳоти қорни чок бўлғусидир (қорни ёрилади). Ки ҳамул дам ҳалок бўлғусидир деб айтилган экан. Яна “юқоридагилар ичишга тегишли, ичига киришнинг ўзга хосияти бор: ёлғончи кирса, дам ўтмай куяди. Ростгўй кирса унга ҳеч қандай зарар тегмайди. Чўмилиш учун кўзини юмади. Қулоғу бурнини беркитиб шўнғийди. Бошини сувдан чиқарса, шундай ажойиботларни кўрадики, уларни айтишга сўз ожиз. Лекин бир чўмилган кимса яна чўмила олмайди. Хоҳиш билдириб шўнғимоқчи бўлса, сув пасайиб кетади”, – дейилган эди. Ниҳоятда чанқаган Мудбир “ёлғон демакни тарк эттим” деди-ю сувдан ичди. Садоқатли Муқбил эса, Роббига шукр қилиб, шундан сўнг сувдан ичди. Мудбир “суға кирмак” истаган эди, суягигача куйиб кетди. Дарҳол ўзини сувдан олди. Муқбил лунги боғлаб сувга тушди, кейин шўнғиди. Бийини чиқарган эди тоза зилол сувли ҳовузга кўзи тушди. Атроф эрам боғидек гўзал эди. Ҳовуздан чиқмоқчи эди кумуштан қизлар унга ёрдам бердилар:

[1] Ўша манба. Б-309

Чиққоли ҳавуздин чу қўйди оёқ,
Кўрдиким неча сарви сиймин соқ[1].

Унинг танасини юмшоқ сочиқлар артиб қуритдилар. Ҳашамли кийимлар кийдиришди. Чор атрофда сандал ҳиди уфуриб турар эди. Бошига кийдирилган ажойиб салладан ҳам сандал ҳиди келарди. Қизлар назокат билан унинг қўлидан ушлаб сандал қасрига йўл олишди. Муқбил сандал қасрига қадам қўйганида эс-ҳушини йўқотди. Қасрнинг шипи, равоқи, эшиги, оёқ-ости ерлари – ҳаммаси сандал ҳиди эди. Тўрида сандалдан ясалган тахт, тахтда юзи қуёшдек ёруғ, олам мулкига шоҳлик қилишга арзийдиган фариштасифат гўзал қиз ўтирарди. Муқбил унга кўзи тушди-ю, қони қуриб "ранги сарғайди". Зарб билан ерга йиқилди. Шунда:

"Сарви гулрух келиб бошиға анинг,
Лутф ила ўлтуруб қошиға анинг"[2]
...Маҳваш илгин тутуб қўнарди ани,
Олибон тахти узра борди ани[3].

Муқбил париваш қиз унинг олдига келиб ширин сўзлар айтганида бир неча марта беҳуш бўларди ва яна ўзига келарди. Охири қиз уни сандал тахтга таклиф қилди. Аммо Муқбил тахтга ўтиришни ўзига лойиқ топмай таклифни рад этди. Қиз билан йигит ўртасида ширин суҳбат бўлди. Охири Муқбил уйқуга кетди. Эрталаб кечаги воқеаларни эслар экан, у ҳовуз сувига бир неча марта шўнғиди. Аммо аввалги сарой, ҳашаматли қабулларни бошқа кўрмади. Мудбирга бошидан ўтганларни айтмади. Булоқ бошидаги тошга қараган эди, яна қандайдир ёзувларга кўзи тушди. Тошда:

Ки: "биравким бу симиё кўрди,
Кирибон сувга юз бало кўрди.
Чиққач-ўқ тутмамоқ керак ором,
Айламаклик керак сув узра хиром." –

деб ёзилган эди.

Ёзувда кимки ҳовуз сувига кириб ғаройиб воқеаларни кўрган бўлса, чиққани заҳоти ўзини четга олиши, денгиз суви узра сафарга чиқиши лозим, деган қайд битилгани учун бу ерда қолишни хатарли ҳисоблаб зудлик билан қайиқни ечди ва Мудбир билан йўлга тушди. Аммо кайфияти борган сари ёмонлашди. Мудбир ундан бўлиб ўтган воқеаларни сўради. Муқбил жавоб бера олмади. Шунда Мудбир ҳамроҳига булоқ бўйида деву парилар таъсир қилган бўлса керак, деб уйлади. Унинг устига денгизда бир катта кема кўринди. Ғаройиб шамол қўзғалди-ю, қайиқ кема тарафга сузиб кетди. Кўп ўтмай кемага урилиб тўхтади. Шамол хавфидан тезроқ қутулиш учун икки йигит кемага чикишди. Таажжуб, кемада биронта тирик зот йўқ эди. Ҳаммаёқ – сандал ёғочи билан тўла эди.

Шоир ўз ўқувчисини кема тарихи билан таништиради. Ховар юрти – подишоҳининг парига ўхшаган бир қизи бор экан. Шоҳ уни жуда яхши кўрар экан. Аммо қиз бечора бош оғриғи дардига дучор бўлибди. Бу дардга фақат сандал дарахтининг хушбўй ҳиди даволик

[1] Ўша манба. 316-бет.
[2] Ўша манба. 318-бет.
[3] Ўша манба. 318-бет.

қилар экан. Шунинг учун шоҳ қизига атаб сандал дарахтидан қаср қуришни буюрибди. Сандалдан ясалган қасрда қизим яшаб дардидан халос бўлсин, дебди шоҳ. Буйруқни бажариш учун Ҳинд мулкидан бир кема сандал дарахти олиб келишаётганда, кема гирдобга учрабди. Кўп вақт кемадагилар гирдобдан қутулиша олмабди. Овқат заҳиралари тугаб ҳамма ҳалок бўлибди. Бу маҳал денгиз узра шамол туриб кема гирдобдан қутулибди. Муқбил билан Мудбир ана шу ҳодисадан кейин кемага дуч келишган экан. Кемадаги майит (вафот этган одамларнинг жасади) ларни кўрган Муқбил нолаю оҳ чекади. Бутун вужуди билан фиғон чекиб, денгиз ичида ўзини якка ҳис қилади. Мудбир бўлса, майитларни сувга ота бошлади. Унинг кунглида сандал дарахтларига, ҳатто кемага эга бўлиш нияти авж олди. Кема шамолнинг ихтиёри билан бир соҳилга яқинлашди. Бу соҳил Ховар юрти эди. Юртнинг подишоҳи ўша куни томоша қилишга майл этиб дарё қирғоғига келган эди. Кўзи кемага тушди:

Кўргач ул кемани деди: “Юрунгуз,
Элидин бир кишини келтурингиз[1].

Хизматкорлар кемага чиқишган эди икки одамни кўрдилар. Уларнинг бири шод, бири ғамгин эди. Подишоҳнинг хоҳишини айтишганди, Мудбир шаҳдам юриб шоҳ ҳузурига етиб келди. Ва шундай деди:

Деди: “Тожирмену тижорат ишим,
Қолмади бу сафарда ҳеч кишим.
... Эмдиким бўлди манзилим соҳил,
Мен мену бир қулум оти Муқбул”[2].

Кўриб турибсизки, Мудбир яна ўзи одат қилган ишини давом эттирди. У Ховар юрти шоҳига ўзини Тожир – савдогар қилиб таништирди. Савдогарлик билан шуғулланишини айтиб, кемасидаги одамлар нобуд бўлганини, соҳилга бир амаллаб етиб келганини, фақат Муқбил исмли қули қолганини маълум қиляпти. Эсингизда бўлса, сирли булоқ бошида ёлғон гапирмасликка сўз берган эди. Булоқ ёнидаги тош ёзувида булоқдан сув ичган одам кейин ёлғон гапирса, қорни ёрилиб ўлиши айтилган эди. Мудбир ўз одатини тарк қилмади. Ёлғон гапирди. Ҳатто ҳамроҳи Муқбилни ўзини ягона қолган қули деб таништирди. Шу ёлғонлари билан ўзини ўзи ўлим жазосига ҳукм қилганини билмай қолди. Бу лавҳа билан Алишер Навоий айб қилган одамни бир кечириш, икки кечириш мумкин. Лекин, “кўза кунда эмас, кунида синади” деганларидек, одамлар жазоламаса Аллоҳнинг ўзи уни жазолайди демоқчи. Ҳақиқатан ҳам, Мудбир гапини тугатмасидан тани шиша бошлади:

Варамидин либоси чок ўлди,
Кўкси ҳам чок ўлиб ҳалок ўлди[3]

Яъни шишидан кийимлари ёрилиб кетди. Кўкси ҳам ёрилди ва ўлди.

Подишоҳ умри бино бўлиб бундай ўлим кўрмаган эди. Шундан кейин шоҳ кемадаги нотавон Муқбилни олиб келишни буюрди. Мудбир жасадини яшириб қўйишди. Йигит келганидан сўнг шоҳ батафсил сўроқ бошлади. Кема кимники, сандал дарахтлари кимники: бирма бир жавоб бериш талаб қилинди. Аммо Муқбил бу саволларга жавоб беролмади. Бо-

1 Ўша манба. Б-329
2 Ўша манба. Б-329
3 Ўша манба. Б-329

шидан кечирганларини шоҳга рўй-рост маълум қилди. Унинг гаплари шоҳга маъқул бўлиб нима тилаги борлигини сўради. Шунда Муқбил самимият билан шоҳга умри давомида шоҳлик қилишни, бахтли бўлишни тилади ва сўзи якунида бандасини – ўзини озод қилишини сўради. Бу ниятлардан кейин подишоҳ йигитга ўз фарзандидек меҳр қўйди. Унга мамлакатига вазир бўлишни таклиф қилди. Муқбил рози бўлди. Аммо бу билан йигит келажаги тўхтамади. Уни шоҳ ўзининг ягона қизига уйлантирди. Сандал қасрлар қуриб битказилди. Қисқаси, сирли ҳовузда кўрган кечирганлари бошидан такрорланди. Яна парига ўхшаган қиз. Яна сандал тахт. Яна ҳушдан кетишу ҳушга келишлар қайтадан жонланди. Гўзал қиз Муқбилга ҳовузда кўрганлари нақшлардан – хаёлий тасаввурлардан иборат эканини, йигитнинг ростгўйлиги, сабри, иродаси бу тасаввурни Аллоҳ хоҳиши билан ростга айлантирганини тушунтирди.

Шу билан Муқбил ўзининг бахтини топди, мушкуллари осон бўлди. Ҳикоянинг заминини Алишер Навоий билдирмоқчи бўлган энг асосий ўгит – имонли бўлиш ўгити ташкил этган. Шоир фикрича, инсон имон билан инсондир. Имон эса сабр ва ростлик бирлигидан иборат. Одамлар мусибатидан азият чекиш (Муқбилнинг кемасидаги майитларни кўрганидан кейин оҳу нола чекканини эсланг), ҳеч қандай гувоҳсиз ҳақ сўзга амал қилиш, ҳаёт мушкулотларини ирода билан кутиб олиш, сабрли бўлиш ва, табиий, илм олиш (Муқбилнинг муомаласига диққат қилинг, тош ёзувларини ўқишига, уларга амал қилишига эътибор беринг) каби фазилатлар инсондаги имонни чиниқтиради. Бу ўгитларнинг ҳаммаси аввало достон ўқувчисига, қолаверса, Ҳусайн Бойқаро, Бадиуззамонга қаратилган эди. Бу ҳикоянинг достон якунига келиб Баҳром ва Дилором воқеасини белгиловчи қолипловчи ҳикоядан олдин берилиши ҳам бежиз эмас. Олтинчи дарвеш айтиб берган тарихда шоир энг оддий одамларни асарига қаҳрамон қилиб киритган. Бу билан Яратган олдида шоҳ ҳам, оддий банда ҳам тенг эканига урғу берилган. Фақат келажакка умид билан қараш, яхши кунларни орзу қилиш, бировнинг фожиасига бефарқ бўлмаслик фазилатлари бахтга элтишини, ёмонлик эса жазосиз қолмаслигини таъкидлаш шоиримизнинг асосий мақсади эди, десак, хатога йўл қўймаймиз.Еттинчи – жума куни Баҳром оқ қасрда меҳмон бўлади. Оқшом тушганида хоразмлик машшоқ дарвешлик қилиб қаср ёнидан ўтаётган бўлади. Уни шоҳ ҳузурига таклиф қиладилар. Дарвеш ўз бошидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилар экан, Хоразмда унинг санъатини йўққа чиқарган каниз Дилором билан учрашганини, Дилором мамлакатдан чиқиб кетиш шарти билан ўз ҳаётини батафсил айтиб берганини маълум қилади. Баҳром суюклиси Дилором ҳақида хабар олгани заҳоти Хоразмшоҳга мактуб ёзиб, Дилоромни ҳузурига жўнатишни буюрди. Хоразмшоҳ ҳам канизакнинг хожаси ҳам буйруқни зудлик билан бажаришга киришдилар. Карвон йўлини пойлаб Баҳром бир манзил ёрини кутиб олишга чиқди ва чинор тагида Дилором билан учрашди. Мана шу воқеа ҳодисалар билан асар бошларида ажралган икки қаҳрамон яна бирга бўлишади. Қолиплаш усулида баён қилинган ҳикоялар достонда ўз вазифаларини тўла бажарадилар. Баҳром ўзининг Дилоромини топгач, аввалги базмлар яна бошланиб кетди. Эл-юрт ташвиши тамом унутилди. Ҳар куни қасрдан-қасрга ўтиб майхўрлик билан шуғулланди. Фақат у аввалгидек кучсиз ва ҳолсиз эмас эди. Дилором билан топишиш уни кайтадан бақувват қилган эди. У энди овга чиқишни ният қилди. Минг-минг аскари билан овга отланди. Бечора ҳайвонлар қочиш учун жой топа олмадилар. Чунки аскарлар қатор-қатор бўлиб, бир-бирлари томон бостириб келишарди. Ҳаммаёқ қон билан қопланди. Қон ариқ бўлиб оқа бошлади. Аммо қонга тўймас овчилар ўз хунрезликларини тўхтатмадилар. Қон тўкиш авж олди. Овчиларнинг кийимларигача қип қизил бўлиб кетди. Баҳром ов қилаётган ер аслида ботқоқлик эди. Нам

устини тупроқ босиб ўт-гиёҳлар кўкарган эди. Кейинчалик ботқоқлик устида дарахтлар ҳам ўсган эди. Отилган ҳайвонларнинг қони ботқоқлик устини ивитиб тупроқ остидаги намлик ер юзига кўтарилди. Ариқ-ариқ қон ер юзини лойлатиб балчиққа айлантирди. Отларнинг югуриши, юриши оқибатида туёқларининг ости ботқоққа етиб борди. Охири бутун аскарларни, шоҳни, канизакни бир зумда ер ютди. Баҳром Гўр имонни йўқотган кимсадек гўрга кирди:

Гўрдир борча олам аҳлиға қисм,
Анга Баҳроми Гўр эди худ исм[1]

Алишер Навоий буюк олим, файласуф сифатида ҳар бир байти мазмунига тарбиявий ўгит булоғини сингдиришга уринади. Баҳром воқеасини тугатар экан достон таассуроти билан банд бўлган бир пайтда туш кўрганини, тушида шоҳ ва каниз уни тахтига ўтқазиш ҳаракатида бўлганларини, шоирни ижод қилишда мақтаганларини ёзади. Унинг тушдаги суҳбатдошлари шундай дейдилар:

Эмди шоҳингга де саломимни,
Сўнгра мундоқ етур паёмимни.

Ки: жаҳон кимсага вафо қилмас,
Шоҳлик таркига киро қилмас[2]*.*

Бу байтлар билан Алишер Навоий ўз замонидаги шоҳ ва шаҳзодаларга, бадавлат одамларга инсоннинг ер юзидаги ҳаёти вақтинчалигини, чекланганлигини эслатмоқчи. Ҳамон шундай экан, ҳар бир инсон ўзидан яхши от қолдиришга уруниши лозимлигини таъкидламоқчи. Баҳромни нима учун ер ютди. Чунки Баҳром тақдир томонидан унга берилган масъулиятни писанд қилмади. Ҳаётини бефойда ишларга бағишлаб қўйди. “Саёқ юрган таёқ ер” деганларидек, қилмишига яраша жазосини олди. Суҳбатимизнинг бош мавзуси Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилини шакллантириш ва ривожлантириш йўлидаги хизматлаърини далили ашёлар билан кўрсатиб бериш эди. Ёдингизда бўлса, “Хамса” таркибидаги достонларни ўзбек тилида ёзган шоир ўзининг тил соҳасида назарда тутган мақсадини ўрни-ўрни билан қайд этиб туришини таъкидлаган эдик. “Сабъаи сайёр” достони ҳам бу жиҳатдан фикримизга далил бўлади.

Хусусан, достон якунида шоир форс тилида ижод қилган устозларини эслайди ва ўзининг туркийда ижод қилишга майл билдирганини алоҳида таъкидлайди:

Яна буким алар қилурда рақам,
Форсийни магарки эрди қалам.

... Форсий билган айлади идрок,
Лек маҳрум қилдилар атрок.

Сен чу назмингни турктоз эттинг,
Форсий тилдан эҳтироз эттинг.[3]

[1] Ўша манба. Б-380
[2] Ўша манба. Б-400
[3] Ўша манба. Б-394.

Байтларда яна бир марта аввалги устоз шоирларнинг форсийда қалам тебратганлари кўрсатилган. Форс тилида яратилган бойликдан атрок-туркий халқ маҳрум қолгани айтилган. Бу гаплар гўё Навоийнинг тушида Хусрав ва Баҳромшоҳларнинг сўзларидан берилган. Шоир суҳбатдошлари унга "сен" деб мурожаат қиладилар. Уларнинг фикрича, шоир ўз назмини – шеърий ижодини турктоз этибди.Бу мисрадаги турктоз сўзини, бизнингча, икки маънода қабул қилиш керак. Биринчи маъноси "от қўйиб" бўлиб, назмингни от қўйиб – тез, равон, шиддат билан ёздинг дейилганидир. Иккинчи маъноси "турктоз" сўзида "турк"нинг борлиги. Яъни ҳам от қўйиб шиддат билан ёздинг, ҳам туркийда – ўзбекчада ёздинг маънолари англашилади. Бу фикримизни "Форсий тилдин эҳтироз этгинг" яъни форс тилидан сақландинг дейилгани ҳам тасдиқлайди.

Шундай қилиб, ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, Алишер Навоий буюк ижоди давомида достонлар, ғазаллар ёзаверган. Аммо фикр ёди турк-ўзбек тили мақомини кўтариш, шуҳратини форсий қаршисида достон қилиб улуғлаш билан банд бўлган. "Сабъаи сайёр" достони бу жиҳатдан ҳам бебаҳо намунадир.

"САДДИ ИСКАНДАРИЙ" ШАРОФАТИ

Ўзбек тилимизнинг адабий тил мақомида шаклланишидаги Алишер Навоий хизматларини далилловчи суҳбатимизни давом эттирамиз. Шундай қилиб, "Хамса"нинг ўзбек тилидаги намунаси якунига етиши учун бешинчи – сўнгги достонни ёзиш вазифасини бажариш қолган эди, холос. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Ашраф, Абдураҳмон Жомийнинг "Хамса"лари ўз замони учун ўзига хос қомус даражасида кутиб олинган. Қомус сўзининг маънолари кўп бўлиб, улардан бири сифатида ижтимоий ҳаёт масалалари тўлиқ акс этган, муайян давр, замон ҳаёти ҳақида атрофлича маълумот берувчи асар тушунчасини кўрсатишимиз мумкин. Алишер Навоий ҳам ўз "Хамса"сини устозлариникидан қолишмаслиги учун ҳаракат қилди. Қўшимча равишда айтиш мумкинки, шоиримизнинг беш хазинаси ўзининг яратилиши жиҳатдан кейинги асрга тегишлилиги, айниқса, ўзбек тилида ёзилганлиги билан аввалгилардан азизроқ бўлиши лозим эди. Чунки Мовароуннаҳрда турк-ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли форсийлардан кўра кўпроқ қисмни ташкил қилар эди. Шубҳасиз, Навоий ҳазратлари ҳам устозларини канчалар эъзозлаб мақтамасинлар, ўзбек тилидаги бешликнинг шуҳрати кенгроқ ҳудудни қамраб, кўпроқ мамлакатларни ўз қаламлари билан эгаллашни ҳавас қилганлар. Бу ўринда "Сабъаи сайёр"даги бир неча байтни эслаш кифоя.

Ҳар кишиким, ўқурда бу нома,
Табъиға чарм бўлса ҳангома.

Неки мен қилмишам назар этса,
Юзидин гар бирисига етса,

Табъи гар софу зеҳни пок ўлғай,
Шак эмастурки завқнок ўлғай.

Анда шоядки айлабон таҳсин,
Анга қилғай дуони доғи қарин.

Ё раб, андоғ кишиға раҳмат қил!
Охир орамгоҳи жаннат қил.[1]

Юқоридаги байтларни сўзма-сўз шарҳлаш шарт эмас. Бугунги ўзбек ўқувчиси 5-синфда таҳсил олаётган бўлса ҳам асосий фикрни англаб етишга қийналмайди. Унда шоир ўзининг ёзганлари ўқиган одам кўнглида илиқлик уйғотса, айтмоқчи бўлган гапларининг юздан бирини англаса, мақсадга етишишни изҳор қилмоқда. Ва умид қиладики, шунда ўқувчининг табиати соф, қалби пок бўлади, шубҳасиз,лаззат топади. Шоядки, у ўқувчим мени дуо қилса, ёзганларим билан яқинлашса, дўст бўлса. Шундан сўнг шоир олдиндан ўз ўқувчисига Аллоҳнинг раҳматини тилайди. Ундай инсон вафот этганидан кейин оромгоҳи – охирати жаннат бўлишини Яратгандан сўрайди. Бу олижаноб ният, ташаккурнома 500 йилдан ортиқ вақт давомида Навоий мухлисларига аталиб келмоқда. Билиб қўйингки, бу тилак ва Аллоҳга мурожаат бизга ҳам, сизга ҳам (чунки сиз Навоий асарлари билан танишяпсиз), келгуси шоиримиз мухлисларига ҳам билдирилган, тайёрланган олий мукофотдир.

"Садди Искандарий" Алишер Навоийнинг қирқ тўрт йиллик ҳаёт тажрибасига, ўзбек тилида йирик достонлар яратиш мумкинлигини исботлашига, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавийдек форсий адиблар билан ижодий рақобатига ўзига хос якун ясовчи хулосавий асар эди. Достон XV аср ижтимоий, сиёсий, маиший, маданий ҳаёти ҳақидаги мукаммал қомуснинг ҳам сўнгги саҳифаларини ташкил этарди. Бинобарин, шоир ўз асарида замонни белгиловчи, халқ ҳаётидаги тинчлик, дориламон кунларни таъминловчи, юрт ободонлигини рўёбга чиқарувчи асосий куч мамлакатни бошқарувчи подишоҳ эканини таъкидлашга қарор қилгани бежиз эмас. Агар шоир "Хамса" таркибидаги аввалги достонларда Шоҳ Ғозий, Фарҳоднинг отаси Хоқон, Фаррух, Жуна, Меҳр каби шоҳ ва шаҳзодалар тимсолида юртни адолат билан бошқарувчи инсонлар ҳақида ўз ўқувчиларига маълумот берган бўлса, энди у туғилганидан то вафотига қадар бир идеал подишоҳ образини яратиш режасини амалга ошириб, бу соҳадаги ўзининг ғоя, фикр, мулоҳазаларини мукаммал ифодаламоқчи бўлди. Айнан шу ниятни амалга оширишда шоир нуқтаи назарида энг муносиб номзод Искандар бўлиб чиқди.Биринчидан, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий "Хамса"ларининг бешинчи достони "Искандарнома", "Ойинаи Искандарий" (Хусрав Деҳлавий "Хамса"сидаги Искандар ҳақидаги достон "Ҳашт беҳишт" ("Саккиз жаннат") дан кейинги ёзганини тасдиқловчи маълумот ҳам бор) анъанавий хамсачиликда қайд этилган бўлиб, охирги достонни Искандарга бағишлаш шарт ҳисобланган.

Иккинчидан, Александр Македонский (356-323 эрадан аввалги йиллар) тарихий шахс бўлиб, дунёдаги машҳур саркарда ва давлат арбоби сифатида шуҳрат топганди. У Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида, ундан ташқари Шарқ халқлари оғзаки ижодида ном қозонди. Учинчидан, Навоий тасаввурида Искандарни дунёни эгаллаган адолатли подишоҳ этиб тасвирлашда ортиқча монелик-қаршилик кўрсатувчи омиллар ҳам йуқ эди. Хуллас, Искандар шоиримиз Алишер Навоийнинг "Хамса"сидан муносиб ўрин олди ва "Садди Искандарий" ("Искандар девори") достонининг бош қаҳрамонига айланди. Аввалги анъанага содиқ қолган шоир достонни Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий ижод қилган вазнда – мутақориби мусаммани маҳзуф (фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаал) да ёзди.

"Фарҳод ва Ширин" достони ҳақида ёзганимиздек, бу ерда ҳам фарзандсизлик мотиви асар воқеаларининг бошланишидан ўрин олади. Файлиқус кўп йиллар подишоҳлик қилди, аммо фарзанд кўрмади. Бир куни овдан қайтишида унинг оти тасодифан бир вайрона томон йўрғалайди. Подишоҳ вайрона ичида йиғлаётган боланинг овозини эшитиб қола-

1 Ўша манба. Б-407.

ди. Хабар олса, вайрона ичида бир она ўлиб ётибди. Унинг ёнида янги туғилган чақалоқ онаси ўлимига аза тутаётгандек чинқираб йиғлаяпти. Шоҳ мулозимларини чақириб аёлни дафн қилишни буюради. Болани ўзи билан саройга олиб кетади. Мана шу бола Файлақусга Тангри юборган фарзанд бўлиб қолади. Унга Искандар деб исм қўйишади. Аслида боланинг отаси шоҳ экани ҳақида ҳам қисқа тўхтаб ўтади. Шоҳ қариган чоғида фарзандлик бўлганига шукрлар қилиб уни тарбиялайди. Замоннинг энг доно, етук олимлари унга дарс беришади. Нақумоҳис ҳаким Искандарнинг оддий бола эмаслигини, унинг кадами кутлуғлигини, адолатли шоҳ бўлишини олдиндан билган экан. Искандар ҳам устоз берган дарсларга чанқоқлиги билан умидларни оқлай бошлабди. Ёши каттароқ бўлганида ҳарбий санъат сирларини ҳам ўрганди. Ҳам ақлан, ҳам жисмонан комил йигит бўлиб етишди. Отаси умри тугаётганини ҳис қилиб тахтни ўғлига топширди. Искандарнинг ўзида юртга подишоҳлик қилиш ҳаваси йўқ эди. Аммо отасининг васиятини уйлаб бу шарафли, айни пайтда ўта мушкул ишни бўйнига олишга мажбур бўлди. Алишер Навоий ана шу лавҳадан бошлаб Искандар тимсолида кўришни хоҳлаган орзу ҳавасларини аста-аста ифодалай бошлайди. Собиқ совет тузуми даврида соҳибқирон Амир Темур номини тилга олиш гуноҳ ҳисобланган. Амир Темур бобомиз давлат сиёсатдонлари томонидан босқинчи деб эълон қилинган эди. Таниқли устозимиз академик Иззат Султонов тор доирадаги суҳбатлардан бирида қадим замонларда подишоҳ ҳақиқий маънода подишоҳ бўлиш учун атрофидаги давлатларни ўз мамлакатига қўшиб олиши шарт эканини айтган эдилар. Бу билан подишоҳ ўзининг мамлакати ҳудудини ҳимоя қилиш чорасини амалга оширар экан. Ўша замонларда подишоҳнинг подишоҳлиги бошқа юртларни босиб олиш билан белгиланар экан. Устозимиз Амир Темурнинг ана шу қоидага амал қилганини тушунтирган эдилар. Навоий, шубҳасиз, бу анъанани билган ва Искандарнинг тахтга чиқишида ана шу қоидани эсида тутган. Достонда Искандар подишоҳ бўлгани заҳоти бошқа мамлакатларни бўйсундириш ҳаракатини бошлайди. Унинг урушларида ҳам адолат мантиқини сезиш мумкин. У юборган мактуб шартларини қабул қилган қўшни мамлакат шоҳи ўз юртида шоҳлигини давом эттираверади. Имкониятидан келиб чиқиб хирож тўлайди. Эътибор беринг, хирож миқдорини Искандар белгиламайди. Тобе давлат бошлиғининг ўзи инсоф билан хирож тўлайди. Бу шартга кўнмаган подишоҳ эса урушга тайёрланади. Навоий одат бўйича Искандар ҳукмига кўнмаган подишоҳни адолатсиз қилиб тасвирлайди. Натижада, Искандар ўша мамлакатда тинчлик, адолат ўрнатувчи халоскорга айланади. Мана шундай вазиятлардан бирида Искандар мағлуб бўлган юртда адолат ўрнатгач, ўша ернинг ўзидаги аҳолидан подишоҳ топишни буюради. Шундай одам топилади ҳам. У одам:

Боши тож таркин этиб ихтиёр,
Бўлиб тарк тожи билан бахтиёр
... Яланг эрди бошу, аёғи яланг,
Яқо чокидин кўкси доғи яланг[1].

Ўқилиши:

фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаал.

Яъни унинг ўзи подишоҳ бўлишдан воз кечган экан. Тожни тарк этиб, ўзини бахтиёр қилган экан. У яланг оёқ одам бўлиб чиқади. Шу ҳаётини бахт деб билади. Бу ўринда шои-

[1] Ўша манба. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. – Тошкент: 1993. Б-101

римизнинг ҳаёт фалсафаси акс этган. Инсон бу дунё ташвишларидан қанчалар озод бўлса, Яратганга шунчалар яқин туради.

Искандар тож-тахтни топширмоқчи бўлган одам қўлида икки калла суяк билан келади. Искандарнинг: "Бу суякларни нима учун кўтариб юрибсан",- деган саволига у: "Бу суякларнинг қайси бири шоҳники, қайси бири гадоники эканини билиб бўлмайди. Шундай экан тирик пайтида нимага низо қилишади",- деб жавоб беради. Жавоб Искандарга маъқул бўлди. Таклиф қилинган тахтдан воз кечиб, тўрт шартини баён қилди. Биринчиси, абадий ҳаёт; иккинчиси, қарилик билмайдиган йигитчилик; учинчиси, камбағаллик кўрмайдиган бойлик; тўртинчиси, ғамсиз шодлик. Искандар қаршисида турган яланғоч одамга қойил қолди. Бу фикрлар Алишер Навоий фалсафаси ифодаси эди. Унда адолат моҳияти ифодаланган. Маълум бўладики, шоиримиз ҳар бир лавҳада подшо ва катта лавозимдаги амалдорларга ҳаёт қоидаларини тушунтиришга ҳаракат қилмоқда.

Достонда Арасту Искандарнинг устози бўлиб, шоҳ уларнинг охиригача у билан бирга бўлди. Искандар истаган мушкул вазиятда устозидан маслаҳат сўраши мумкин эди. Эҳтимол, бу билан шоир ўзи билан Ҳусайн Бойқаро муносабатига ишора қилгандир. Эҳтимол, ҳар бир шоҳ давлатни бошқаришда ақлли, доно, ҳаёт тажрибасига эга бўлган ва ҳаётни яхши билган маслаҳатчига суяниши лозимлиги кўрсатилгандир. Ҳар ҳолда Искандар достон давомида Арастуга қайта-қайта савол берганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, "Мақсадга (ҳаёт мақсади назарда тутилмоқда) қайси манзил яқинроқ? У манзил сари кандай бориш мумкин?" Уруш ва низони ҳал қилишда ҳаммага маъқул йўл топиш мумкинми? Шоҳликнинг тартиб қоидалари. Қиш совуқ бўлса. Нега одамлар қишни маъқул кўрадилар? Сафар машаққатли иш бўлса, нега донолар унга рухсат берадилар? Кишининг бир амалига бир мукофот ёки бир жазо бор. Ҳикмати нимада? Инсоннинг баҳорга ва гулларга майл билдиришига сабаб? Инсон ва ҳайвон ўртасида қандай фарқ бор? Инсон ўз Ватанини севишида қандай ҳикмат бор? Шунчалар илмга эгалигингга ким сабаб? Юқорида келтирилган саволлар, уларга берилган жавоблар достондаги асосий мазмунни ташкил қилувчи воқеалар билан уйғунлашиб кетган. Шубҳасиз, ўқувчи ўзи ўқиётган саволлар ҳам жавоблар ҳам Алишер Навоийники эканини билиб туради. Уларда шоир ўзини қийнаётган ёки замондошлари билиши зарур бўлган масалаларни илгари суради. Замондошлари ўртасида Ҳусайн Бойқаронинг, қолаверса, ўнлаб шаҳзодаларнинг борлигини ҳам назарда тутади. Берилган саволларга жавоб қайтаришда ўз замонининг энг етук донишманди, файласуфи, миллат устози даражасида фикр юритади.

Алишер Навоий ўзини Аллоҳ томонидан юртида адолатни тарғиб қилувчи, халқ манфаатини кўзлаб иш юритувчи инсон сифатида юборилганини ҳис қилган. Шунинг учун достонларида ўз зиммасига Яратган юклаган масъулиятни бутун вужуди билан адо этишга уринган. Шоир фикрича, адолат билан юртни бошқарган подишоҳнинг мақсадини Аллоҳ қўллайди. Шунинг учун ёш Искандар қўшин жиҳатдан бир неча марта устун бўлган Дорони мағлуб этди. Бошқа подишоҳларга ортиқча заҳмат етказмасдан муомала билан бўйсундирди. Мовароуннаҳр (икки дарё оралиғи – Амударё ва Сирдарё)ни эгаллаб бу юртни хонавайрон қилмади. Халқига зулм ўтказмади. Аксинча, Ҳирот ва Самарқанд шаҳарларини бунёд қилди. Етук илм эгаси эканига қарамай муттасил кўпроқ соҳаларни ўрганишдан тўхтамади. Устози маслаҳатларига қулоқ солди. Бу жиҳатдан достоннинг 68 боби алоҳида диққатга сазовор. Унда айтилишича, мамлакатни подишоҳ фатҳ этди. Халқ бошлиғи билан Искандарга мутеъ бўлди. Искандар ўша ердаги чумолиларни йўқ қилиш буйруғини берди.

Аммо шоҳга бўйсунган ёввойи халқнинг бошлиғи бу қарорнинг уларга зиён келтиришини айтди. Бу ёввойилар ўн кун уйғоқ, ўн кун уйқуда яшар эканлар. Уйқудалик пайтда шу чумолилар уларни хатардан асрар экан. Шунинг учун чумолиларни қириш ёввойиларни ҳимоясиз қилиб қўяр экан. Шунда Искандар –

Шаҳ ул нуктадин бармоғин тишлади,
Алар қатлин ул элға бағишлади.[1]

Яъни, бошлиқнинг эътирозини эшитгани заҳоти Искандар бармоғини тишлаб хаёл суриб қолди. Чумолиларни қатл этиш фармонини бажариш ёки бажармасликни эл ихтиёрига топширди. Шоир бу лавҳа воситасида подишоҳ одам ёки бирор ишни бажараётган раҳбар ўз буйруғининг элга, хизматчиларга зиён эканини билса, уни бекор қилиши кераклигини уқтирмоқда. Одатда подишоҳ хоҳиши муҳокама қилинмасдан сўзсиз бажарилган. Шоир замонида бу фикр ҳам жасорат эди, ҳам ўгит бўлиб ҳисобланарди. Искандарки буйруқнинг тўғри эмаслигини тушуниб, унинг бажарилмаслигига рози бўлса, сен – шоҳ, раҳбар унинг олдида ким бўлибсан, демоқчи. Достонда шу лавҳадан кейин иккинчиси берилади. Унга кўра Искандар олтин-кумушдан иборат афсонавий тоғни бориб кўриш истагини билдиради. Ёввойилар яшайдиган жойдан ўн кунлик масофа нарида шундай тоғ борлигини эшитганди. Аммо шоҳни бу ниятдан ҳам қайтаришади. Аслида у тоғни ҳеч ким кўрмаган экан. Йўлида сувсизлик, жазирама, илонлар хатарлари бор экан. Ҳатто шундай илонлар бор эканки, одам унга кўзи тушса ҳам жон таслим қилар экан. Хуллас, сафар хатарларга тўла экан. Искандар огоҳлантиришларни ҳисобга олди. Тоғни кўриш ундан бойлик олиш эмас, шунчаки қизиқиш эканини айтиб, сафардан кўнглини узди.

Деди: Ул тараф азм этардан мурод,
Тамошодин этмак эди ўзни шод.
Эмас эрди мақсад олтин-кумуш.
Ки, бўлғай киши мунча меҳнатқа тўш.

Яъни шунча азобга рўбарў бўлиш ўзини оқламас экан. Сафар қилишнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблади. Яна шоир шоҳнинг ножўя ҳаракат олдида ақл билан иш тутганини таъкидламоқда. Шундан кейин Искандар кўп жойларда бўлади. Охири Карвон деган юртга келади. Мамлакат харобазорга айланган, халқи изтиробда яшарди. Шоҳ сабабини сўраганида, бу ерга яъжужлар ҳужум қилар экан. Яъжужлар луғатда кўрсатилишича, афсонага кўра, хунук башара, баҳайбат, ҳамма нарсани нобуд қилувчи, одамхўр махлуқ. Адиб уларни янада хунукроқ, даҳшатлироқ қилиб тасвирлаган. Тирноқлари девларникидек, оғзидан тўнғизникидек икки тиш чиққан. Қаерни тишлари билан қазиса, қиёматгача у ерда ўт ўсмайди. Улар бир йилда ўз маконидан ёвуз ниятда чиқишади, ҳамма ёқни вайрон қилишади. Одамлар тўплаган бутун озиқ-овқатни еб битиришади. Ҳатто одамларни ҳам еб кетишади. Мана шундай шум хабарни Искандарга етказишди. Шоҳ яъжужларнинг қачон ҳужум қилишларини билди. Ҳамма атрофдан жанг кўрган мард аскарларни йиғиб жангга тайёрланди. Яъжужлар яқинлашиши билан ўртада қирғин барот уруш бошланди. Искандар қўшини яъжужларни қанча ўлдирса, улар шунчалар кўпайиб кетаверди. Яъжужлар аскарларни ҳам, отларни ҳам ейиш билан банд эди. Охири қўшинлар оқшомга яқин қўрғонга кириб жон сақладилар. Яъжужлар ҳам келган тарафларига қараб қайтиб кетишди. Искандар ўйлаб қа-

[1] Ўша манба. Б-452

раса, яъжужларни йўқ қилиш мумкин эмас. Шундан сўнг уларнинг йўлини тўсиб икки тоғ ўртасида девор пайдо қилишни режалади. Маъданни эритишди, харсанг тошларни кесиб девор ҳосил қилишди. Жамийки усталар, косиблар ўз ҳунарларини ишга солдилар. Охири узунлиги ўн минг, эни беш юз қулоч келадиган девор қуришди. Деворнинг баландлиги уч юз қари (уч юз метр) эди. Олти ой мобайнида қурилган девор битгач, яна яъжужлар ҳужуми бошланди. Шоҳ ўз аскарларига яъжужларни уриш учун тош тайёрлатган эди. Махлуқлар девордан чиқиш учун жаҳд билан ҳаракат қилганларида бошларига катта тошлар келиб туша бошлади. Охири одамларга қандай зулм қилган бўлсалар, ўзлари ҳам ана шундай азобда ўз жойларига қайтишга мажбур бўлдилар. Искандар Карвон юрти халқини фожиали ҳалокатдан сақлаб қолган эди. Хуллас, Искандар халқнинг асрлар давомида орзу қилган тадбиркор, адолатли шоҳи сифатида ҳаракат қилди.

Алишер Навоий “Хамса”нинг сўнгги достонида яна устозларини эсга олади. Улар “Хамса”ни йиллаб ёзганларини, ўзи икки йил атрофида мақсадига етганини билдиради. Шу билан бирга давлат ишлари билан банд бўлиб кечроқ қолганини ҳам айтиб ўтади. Бевосита, “Хамса”ни ёзишга кетган вақт олти ой бўлганини маълум қилади.

Йиғиштурса бўлмас бори олти ой,
Ки бўлдунг бу раъноға суратнамой

Тузалди бу назминг басе сарсари,
Яна турки алфоз анга бир сари.

Ки ҳар нечаким диққати бордур,
Талаффуз аро лакнати бордур.

Сўзингники яхши кўрарсан ўзунг,
Кўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг.[1]

Яъни ёзишга кетган фурсатни йигиштирса, олти ой ҳам бўлмайди. Сен (шоир ўзига ўзи мурожаат қиляпти) мана шундай раънога (беш достон ёзишга) суратнамой - қаршисида ўтирувчи бўлдинг. Сенинг достонларинг шиддат билан ёзилди. Устига устак турки алфоз – ўзбек тилида битилди. Ҳар ҳолда бу фазилатнинг ҳам аҳамияти бордир. Чунки бу тилда ёзишнинг ўз қийинчиликлари ҳам йўқ эмас. Барибир ўз тилингда ёзишни яхши кўрасан. Она тилинг бўлганидан кейин ёмон кўринмайди-да. Фикрнинг давомида она тилидан ҳар бир сўз фарзандга ўхшатилади. Ҳамон ҳар бир сўз фарзанддек азиз экан, у ўз ўзидан жонга пайванд бўлади.

Шундай қилиб шоир “Хамса”ни она тилида ёзишдек буюк вазифани ҳам бажарди ва она тилимиз – ўзбек тили имкониятлари қанчалар улуғ асарларни яратишга қодир эканини амалда исботлади.

Алишер Навоийнинг “Хамса”ни турк-ўзбек тилида ёзгани ўз даврида адабиёт оламида катта воқеа бўлди. Шоиримиз Низомий, Хусрав, Жомий каби устозларнинг “Хамса”лари Бардаъ ва Ганжада; Ҳиндистонда; Ажам (форс, эронликлар)да шуҳрат топганини қайд қилиб, ўзларининг қўшин тортмай Хитойдан Хуросонгача, ҳатто Шерозу Табрезгача бўлган масофадаги мамлакатларни қўлга киритганликларини фахр билан айтадилар:

1

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимда осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки қилмишдур найи килким шакар рез.

Кўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,
Не ёлғиз турк, балки туркман ҳам.[1]

Бу мисраларни улуғ бир кашфиёт қилган алломанинг ўз меҳнатидан, юртига-элига қилган хизматидан мамнун фарзанд сифатидаги дил сўзлари деб қабул қилиш мумкин. Адиб яратган кашфиётни, хусусан, "Хамса"нинг ўзбек тилида ёзилишини XVасрда яшаган энг таниқли шоир ва аллома Абдураҳмон Жомий "Хирадномаи Искандар" хотимасида шундай баҳолайди.

"Бу бешларга аввал бешлаб уриб панжа,
Хуш кабарлар келтурганнинг юрти Ганжа.

Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,[2]
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.

Осмондин мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдин келди гўзал сўз оламга.

Кечирсинлар форсий тилда дур терганлар,
Дари[3] *тилда назм инжусин келтурганлар.*

Агар ул ҳам назмин ёзса дари тилда,
Қилмас эди сўз айтишга куч ҳам элда...

Бошқа тилда нукталарни сўйлади ул,
Ақл учун етукликка қолмади йўл.

Сенинг юксак таъбинг билан сўз устози,
Камингнинг камиди-ла сўз кушади.

Сўз юзининг порлоқлиги ўчган эди.
Хазина ҳам юкин боғлаб кўчган эди.

Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Т. "Фан". 1991. Б – 475.
[2] Навоийнинг "Хамса"си.
[3] Дари тили – форс-тожик тили

Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.

Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,
Э Навоий лутфинг билан наво топди.

(Ғафур Ғулом таржимаси)

Иқтибос (кўчирма) ҳажми каттароқ бўлгани учун кечирим сўраймиз.

Юқоридаги байтларда Жомий ҳазратлари “Хамса”ни форсий тилда яратганларнинг мақтовини келтирган ҳолда Алишер Навоий асари икки томондан афзал эканини тан олмоқдалар. Биринчидан, Навоий ҳам “Хамса”ни дарий-форс тилида ёзганида сўз айтишга ҳеч кимда куч қолмас эди, дейилмоқда. Яъни Аллоҳнинг марҳамати билан Алишер Навоий ўзбек тилида “Хамса”ни ёзди ва биз форсий шоирлар обрўда қолдик, дейилмоқчи. Чунки у ёзган “Хамса” мазмун жиҳатдан, сўз санъатининг қиммати жиҳатдан форсийдан яхшироқдир. Иккинчидан, Навоий беш достонни турк тилида ёзиш билан ўчган сўз юзини қайтадан порлатиб юборди. Сўзга усталикни кўрсатиш майдонида шиддат билан от суриб қалам калити билан сўз қулфини очиб юборди. Бу билан кўчган туркий-ўзбек тили хазинасини аввалги ўрнига қайтарди.

Маълум бўлдики, Алишер Навоийнинг “Хамса”ни ўзбек тилида ёзиши она тилимиз тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Бу асар ўзбек мумтоз адабиётимизни жаҳон миқёсида танилишини таъминлади. XV аср ўзбек тилининг адабий тил даражасига кўтарилишида амалий жиҳатдан пойдевор вазифасини бажарди.

4. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЛМИЙ АСАРЛАР

Ўрта аср Шарқ мамлакатларида илмий асарларни араб тилида ёзиш одат бўлган. Фаробий, Беруний, Ибн Сино каби ўнлаб жаҳон танийдиган алломаларимизнинг илмий тадқиқотлари араб тилида ёзилган. Маҳмуд Кошғарий XI асрда ижод қилган буюк тилшунослик асари "Девону туғотит турк"да минглаб туркий сўзларга изоҳ берган. Бу сўзлар фақат туркий халқларга хос эканлиги билан қадрланади. Аммо уларнинг изоҳи араб тилида баён этилган. Кейинчалик форсий тилда ёзилган илмий асарлар пайдо бўлди. Кайковуснинг "Қобуснома", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарлари шулар жумласидандир. Аммо туркий тилдаги асарлар форсийга нисбатан яна ҳам камроқ эди. Бу ўринда Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" Амир Темур назоратида ёзилган "Темур тузуклари"ни эслаш ўринли. Ҳар ҳолда Алишер Навоийгача туркийда ёзилган илмий асарларни дастлаб санаш мумкин эмас. Буюк адиб ғазал, рубоий, лириканинг бошқа жанрларида сермаҳсул ижод қилди. "Хамса" таркибида 25 минг байтдан ортиқ достонни ёзишга эришди. Фикри ожизимизча, турк-ўзбек тилида илмий асарларнинг йўқлиги ёки ҳаддан ташқари камлиги шоир асабига салбий таъсир кўрсатган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис", "Маҳбуб ул-қулуб", "Муншаот", "Вақфия", "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Мезон ул-авзон", "Тарихи Анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки ажам", "Насойим ул-муҳаббат" каби асарлари билан она тилимизнинг луғат бойлиги илмий асарларни ёзиш имконига ҳам эга эканини тўлиқ равишда исботлашга муваффақ бўлди. Мазкур асарлар ўзбек мумтоз адабиётшунослиги, тилшунослиги, тарих фанлари тараққиётида беқиёс аҳамият касб этиши билан қадрлидир. Хусусан, "Насойим ул-муҳаббат" асарида 770та шайхларнинг ҳаёти ҳақида маълумот берилган. Масалан, Хожа Аҳмад Яссавий, Қурқут ато, Адиб Аҳмад Югнакий, Мавлоно Лутфий ҳазратлари ҳақида қисқа, аммо бугунги кун ўзбек адабиёти тарихини ўрганувчилар учун жуда қимматли маълумотлар қолдирган. Жумладан, Мавлоно Лутфийнинг ўз замонида машҳур шоир бўлиши билан бирга бевосита Алишер Навоийга кўп илтифотли экани, тўқсон тўққиз йил умр кўргани, Деҳиканорда туғилгани ва шу ерда дафн қилингани ҳақида аниқ маълумотлар оламиз.

1491 йилда Навоий "Мажолис ун-нафоис" ("Нафис мажлислар") тазкирасини[1] ёзди ва 1497-98 йилларда аввалги маълумотларни қайта кўриб чиқди. Суҳбатимиз Алишер Навоийнинг турк-ўзбек тили бойлигини амалий жиҳатдан намойиш қилиб, унинг мавкеини юқори кўтариш ҳақида экан, "Мажолис ун-нафоис"нинг аҳамиятини баҳоловчи айрим фикрларни кўрсатиб ўтмоқчимиз. Таниқли шарқшунос олим Евгений Эдуардович Бертельс 1948 йилда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқотида "Мажолис ун-нафоис" да Биноийга бағишланган саҳифадан парча келтириб шундай дейди: "Бу парча, шунингдек, Навоийнинг илмий прозаик тили лўнда, тайинли, аниқ, ўта содда ва шу билан бирга не қадар жозибали эканига мисол бўла олади. Навоийнинг яна икки энг яқин дўсти ва шоирлар Саид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад таърифига бағишлаб иккита махсус тадқиқот ёзганини ҳисобга олсак, равшан бўладики, Навоий тарихий-адабий соҳада ҳам бизга катта илмий қимматга эга мерос қолдирган."[2] Устоз олим Натан Маллаев ёзади: "Ўзбек адабий тилининг равнақ топиши бу тилда фақат бадиий асарлар яратишнигина

[1] тазкира-шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа маълумот берилиб, айрим асарларидан мисол келтирилган китоб.

[2] Бертельс Е. Э. Навои. Москва-Ленинград. 1948. стр - 230

эмас, балки илмий асарлар, жумладан, адабиётшуносликка оид асарлар яратишни ҳам тақозо қилар эди. Ана шу эҳтиёжлар заминида Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси вужудга келди.”[1]

“Мажолис ун-нафоис”нинг муқаддимасида шоир мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва Амир Давлатшоҳ (Самарқандий)нинг шоирлар ҳақида ёзган тазкираларини айтиб ўтган. Аммо ҳар икки тазкира ҳам форс тилида ёзилганлиги маълум. Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг фикр юритилаётган асари ўзбек тилидаги биринчи тазкира ҳисобланади. Унда 459 та шоирлар ҳақидаги маълумотлар саккиз мажлисда баён этилган.

Энди тасаввур қилинг, 459 та шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан қисқа маълумот бериш, уларнинг ҳар бири ёзган ижод намуналаридан мисоллар келтириш, шоир асарларига ижобий ёки танқидий муносабат билдириш муаллиф учун қанчалар мушкул бўлганини. Ўзидан аввал яшаб ўтган шоирлар, ўзи муомалада бўлган шоирлар номини абадийлаштириш, келгуси авлодлар учун ижод аҳли ҳақида, улар ёзган асарлар ҳақида хабар бериш нияти ана шу мушкул вазифани бажариш учун сабр, тоқат, матонат бағишлади, десак тўғри бўлади. Бу ҳақда профессор Суйима Ғаниева шундай дейди: “Навоий ўз тазкираси билан ўтмиш шоирлар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёт бўлган шоирларни, айниқса ёш шоирларни илҳомлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди”[2]. Аммо шоир таъриф берган адибларни фақат мақташ билан кифояланмади. Ўрни келганда ўзининг самимий ва ҳаққоний фикрларини баён этди. Масалан, Мавлоно Биноийга бағишланган саҳифада Биноийнинг “Бағоят қобилияти бор”лиги, қисқа муддатда хаттотликни ўргангани, мусиқага берилгани ва китоб битгани айтилади. Шу билан бирга унинг кибрлилиги, ўзини катта олиши пирсиз фақирлик йўлини танлаганини танқид ҳам қилади. Унинг тақдирига ачиниш ҳам билдиради. Мавлоно Лутфий ҳақида ёзар экан: “...ўз замонининг малик ул-каломи эрди. Форсийда ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди”, - дейди.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” рисоласи билан ўзбек адабиётининг ўтмиши қанчалар нодир истеъдодларга бой эканини тасдиқлади. XVаср ўзбек адабиёти, ундан аввалги даврга мансуб ижодкорлар асарларига холис баҳо берди. Ўзбек адабиётшунослиги тарихининг дастлабки саҳифаларини яратди ва бу фаннинг шаклланишига муносиб ҳиссасини қўшди.

Адабиётшуносликнинг энг мураккаб ва айни пайтда энг ўрганилиши зарур соҳаларидан бири назария ҳисобланади. XV асргача Шарқ адабиёти, шу жумладан, ўзбек адабиётининг назарий адабиётшунослигидаги атамалар араб тилидан олинган сўзларга суянган. Шеърият вазни аруз деб аталган ўлчов билан ўлчанган. Аммо аруз ҳақидаги асарнинг ўзи аввал араб тилида, Навоийдан бошлаб ўзбек тилида ёзилган. Вазнда эса асарнинг қайси тилда ёзилгани, сўз таркиби, жумла тузилишидаги қоидалар жуда аҳамиятли жиҳат саналади. Жорий вазн қоидалари эса асосан араб ва форс тилидаги шеъриятга бағишланган эди. Шунинг учун Алишер Навоий 1492 йилдан кейин “Мезон ул-авзон”(“Шеърлар ўлчови”) асарида туркий шеъриятнинг аруз вазни тизимидаги ҳолатини изоҳлашга журъат этди. Устоз олим Натан Маллаев “Мезон ул-авзон”нинг яратилиш сабаблари юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирар экан, хусусан, шундай дейди: “Мезон ул-авзон”га қадар аруз назариясига доир яратилган асар ё араб, ёки форс-тожик тилида эди. Ўзбек адабиёти аҳлларининг ҳаммаси ҳам бу асарлардан тўла фойдалана олмас эдилар. Уларга ўз она тилида аруз ҳақида мукаммал бир

[1] Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача). Қайта ишланган учинчи нашри. –Тошкент; Ўқитувчи, 1976. Б-536

[2] Ғаниева С. Давр адабий ҳаёти кўзгуси. Алишер Навоий. Мажолисун нафоис китобида. -Тошкент. Фан, 1961. Б-13.

қўлланма яратиш зарур эди. Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг тараққиёти шуни талаб қилар эди. “Мезон ул-авзон” бу талабга ҳам мукаммал жавоб бўлди”[1].

“Мезон ул-авзон” ҳақиқатан ҳам ўзбек тилида шеър битувчилар учун ёзилаётган асарнинг техник қонун коидаларини тушунтирувчи биринчи қўлланма вазифасини ўтади. Унда арузни кашф қилган олим Ҳалил ибн Аҳмад экани, “Аруз” атамаси кўчма уй-ўтовларга жило бериб сотиладиган жой номи билан боғлиқлиги, “байт” араб тилида “уй” маъносини бериши ва аруз вазнининг асосий ўлчови экани, “сабаб”, “ватад”, “фосила” вазн рукнлари (устун)га илмий изоҳ бериш каби назарий маълумотлар берилди. Аруз тармоқлари – баҳрлар таърифланар экан бironта форсийда ёзилган байтни учратмаймиз. Мисоллар баҳрини аниқлашда туркий аруз билан форсий, арабий арузнинг умумий қоидаларга бўйсунилиши, баҳр ва баҳр тармоқлари ўртасидаги муносабатлар аниқ изоҳлар билан таъминланган. Аммо муаллифнинг асосий мақсади туркий шеъриятдаги ўзига хосликни иложи борича ажратган ҳолда кўрсатиш экани ҳам маълум бўлиб қолган.

Хусусан, туюқ ҳақида алоҳида тўхталган. Аввало туюқнинг турк улусида мавжудлиги, икки байтга муқаррарлиги, унда тажнис (бир хил шаклга эга сўзлар - омонимлар)нинг қўлланиши, айниқса, асосий вазни рамали мусаддаси мақсур бўлиб, “фоилотун, фоилотун, фоилон”га буйсуниши таъкидланади. Шоир турк элига мансуб халқда “қўшиқ”, “чинга” атамалари билан айтиладиган баъзан мусиқа жўрлиги билан уйғунлашадиган шеърлар борлигини ҳам эсга олади. Айниқса, бу ўринда “чинга”га алоҳида эътибор берайлик. Бу турдаги шеър намуналари куйга солиниб қиз узатиш тўйларида айтилади. Ниҳоятда ёқимли ва таъсирли деб таъкидлайди шоир. Чинганинг икки тури бор бўлиб: “Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилур ким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридир ва ёр-ёр лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар...”[2][1]

Юқоридаги иқтибос (кўчирмада) биз учун жуда муҳим фикр қайд этилган. Шоиримиз мумтоз адабиётшуносликда “чинга” – халқ қўшиқларининг аруз вазни қонунларига мос келмас “ҳеч вазн била рост келмас”лигини, яъни бironта баҳр ўлчовига тушмаслигини таъкидламоқда. Ҳақиқатан ҳам халқ оғзаки ижодидаги шеърий парчалар ҳозирги адабиётшунослигимизда “бармоқ” – бўғинлар сони ўлчови билан яратилишига ишора қилинмоқда. Бугунги кун адабиётшуносларимиз ўзбек тили табиатан аруз вазни тизимига у қадар мос эмаслигини кўп қайд этганлар. Алишер Навоий бу фикрни XV асрдаёқ йўл-йўлакай ҳис қилиб ўтган. Иқтибосимизнинг иккинчи қисмида “мунсариҳи” сўзи қўлланган. Бу сўз бир томондан аруз вазнидаги баҳрни билдирса, иккинчи томондан “эркин”, “ўзгариб турувчи” маъносини ҳам англатади. Ўз ўзидан маълум бўладики, “Чинга” атамасига мансуб шеърий парчалар мунсариҳ баҳри билан алоқадор бўлса ҳам уларда кези келганда баҳр ўлчовига мос эмаслик ҳоллари рўй бериб турар экан. XV асрда яшаган боболаримиз қандай қўшиқлар айтганликлари ҳақида бир сониялик тасаввур ҳосил қилиш учун шоиримиз келтирган байтни сизга тақдим қилишни маъқул кўрдик, илиндик:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро ёр-ёр.

Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон

---

[1] Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача). Қайта ишланган учинчи нашри. –Тошкент; Ўқитувчи, 1976. Б-548

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн олтинчи том. Мезон ул-авзон. Т. 2000. Б-92

Шундай қилиб, Алишер Навоий ўзбек адабиётшунослиги пойдеворини она тилимизда ёзилган илмий тадқиқотлар билан бунёд этиш мақсадини амалга оширар экан, бу пойдевор бевосита назарий жиҳатдан ҳам мустаҳкам бўлишини таъминлаш режасини тўлиқ масъулият билан бажарди.

Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" ("Кўнгилларнинг севишгани") асари 1500 йилда ёзилган бўлиб, моҳият жиҳатдан шоир ижодига якун ясади. Олимлар бу асарни жуда кўп сифатлашлар билан таърифлаб келмоқдалар. Аввало унинг бадиий проза намунаси ёки илмий асар экани музокараларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки ҳар икки мулоҳаза тарафдорлари ўз нуқтаи назарларини исботлаш учун далил келтира оладилар. Шунинг учун вазиятни юмшатиш мақсадида жуда маъқул ечим топилган: "Маҳбуб ул-қулуб" бадиий асар даражасида ёзилган илмий тадқиқот сифатида тан олинган. Иккинчидан, бу гўзал ижод намунасини фалсафий, дидактик (ахлоқий-тарбиявий) тарихий ва ҳоказо йўналишларга оидлиги ҳам қайта-қайта таъкидланган. Қайси соҳа мутахассиси ўз фикрини исботламоқчи бўлса, етарли далилларни келтириши мумкинлиги ҳам қайд этилган. Биз эса унинг ўзбек тилида ёзилган бадиий сўз санъати даражасидаги илмий асар эканига, XV аср ижтимоий-сиёсий ҳаёти нақадар ҳаққоний ифодаланганига эътибор қиламиз.Умри давомида Шарқда яшаган алломалар, шоирлар яратган илмий, бадиий асарлар билан мукаммал танишган, уларни олий даражада ўрганиб тадқиқ қилган Е. Э. Бертельс юқорида эслаганимиз "Навои" рисоласида айнан "Маҳбуб ул-қулуб" ҳақида гапирганида саҳифа-саҳифа мисоллар келтиради. Асар тилининг гўзаллигини, илмийлик кўламининг кенглигини қайта-қайта таъкидлайди. Қизиғи шундаки, асарнинг бошланишиданоқ адиб ўқувчини ўз тарафига оғдириб олади:

Гаҳе топдим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳе кўрдим замондин комронлиғ,[1]
Басе иссиғ, совуқ кўрдим замонда,
Басе аччиқ, чучук топдим жоҳонда.[2]

Шоир мана шу икки байтдан иборат маснавийда шодликка ҳам, қайғуга ҳам бой ҳаётини хулосалаётгандек туюлади. Бутун умри қарама-қарши кайфиятлар йиғиндисидан иборат эканини маълум қилаётгандек таассурот ҳосил қилади. Айни чоғда фалакдан кўрган бетобликлар, замондан кўрган бахтли дамлар, иссиқ-совуқлар, аччиқ-чучукларга хулоса ясалаётгани ҳам сезилади. Ўзи кўрган билган шоҳлар, беклар, ноиб (амалдорларнинг ўринбосари)лар, вазирлар, садр (олий мартабага эга амалдор)лар, имонсиз мударрислар, қўйингки, меҳнатсиз кун кўрувчиларнинг, виждонсиз кимсаларнинг ҳаммасини кескин танқид остига олади. Аччиқ гаплар билан таърифланаётган шахслар зикрида "золим", "жоҳил", "Қоранғу кеча", "мулк бузуғлиғи" "мудбир"(бахтсиз), "ноқобил" каби салбий маънодаги сўзларни қўллайди. Жоҳил шоҳлар ҳақида: "Агар қон тўкмак анга пеша, кимки жони бор анга андеша", - дейди. Яъни бундай шоҳларнинг касби-ҳунари қон тўкишдир. Тирик қолган одамлар уларга ташвиш келтиради. Уларни ҳам тезроқ ўлдиришга шошилади, дейилади. Ёмон ниятли аскарларни "Одамийсизликда махлуқотдин мумтоз, ҳайвонлиқлари кўпу мардумлиқлари оз", - деб таърифлайди. Бу билан уларни одам қиёфасидаги ҳайвон эканликларини тасдиқлайди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, аллома "Маҳбуб ул-қулуб"да разил кимсаларни умри бўйи тўплаган ёмон сўзларидан фойдаланиб танқид қилади, бутун аламини тўкиб солади.

[1] комронлиғ – бахтлилик
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. Маҳбуб ул-қулуб. Т. 1998. Б-9

Энди гап деҳқонлар мавзусига ўтганда шоирнинг фикр юритиши сўз қўллаш усули тамом ўзгаради. “Деҳқонлик зикрида” фасли шундай бошланади: “Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар”[1]. Адиб қалбидаги энг самимий, дил сўзларини деҳқонга бағишлайди: “Олам маъмурлиги алардин, олам, аҳли масрурлиғи алардин”.[2]Яъни бутун оламнинг ободлиги, олам одамларининг шодлиги деҳқонларнинг меҳнатидандир. Улар бажарган ҳаракат элга яхшилик келтиради, турмушини баракотли қилади. Алишер Навоий деҳқон меҳнатини фалсафий жиҳатдан баҳолайди. Деҳқон сочган дон кўкариб хирмонга тушгунига қадар ердаги қурту қуш ундан баҳраманд бўлади. Кабутарлар, тўрғайлар озиқланади. Гадо одамлар ҳам, оилали одамлар ҳам деҳқон меҳнатидан манфаатдорлар. Кўриниб турибдики, аллома шоир бир вақтнинг ўзида ҳам танқидчи, камчиликларни фош этувчи ҳакам, ҳам ҳақиқий меҳнаткаш қаршисида қўлини кўксига қўйиб таъзим қилувчи ҳақиқатгўй инсон сифатида гавдаланади.

Юқорида қайд этилган фикр мулоҳазалар Алишер Навоийнинг илмий, фалсафий, тарбиявий асарларни ўзбек тили имкониятидан фойдаланиб бемалол ёзиш мумкинлигини исботловчи ҳаракатини тўлиқ тасдиқлайди.

5. ТИЛШУНОСЛИК РИСОЛАСИ

Тилшунослик терминларининг изоҳли луғатида “адабий тил”га шундай таъриф берилган: “Адабий тил. Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шакли. Адабий тилнинг икки шакли бор: 1) Ёзма шакли; 2) Оғзаки шакли. Юқоридаги таърифдан маълум бўладики, халқ ёки муайян миллат ўзининг маиший ҳаётида юртдошлари билан муомала пайтида фойдаланган жонли тилни адабий тил деб бўлмас экан. Адабий тил бўлиши учун мазкур тил ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган, халқнинг маданий эҳтиёжларига хизмат қиладиган бўлиши лозим экан. Хўш, ўша ишланган, сайқал берилган ва ҳоказолар дегани нима ўзи? Нима учун адабий тил деган мақомга ёпишиб олдик? Адабий тил бўлмаса, нима зарари бор? Яна бир муҳим омил – адабий тилда албатта ёзма шакл бўлиши шарт экан. Қолаверса, адабий тилнинг оғзаки шакли оддий миллий тилдан нимаси билан фарқ қилади?

Гап шундаки, миллат таркибида турли лаҳжа (муайян ҳудуддаги бир неча шевалар гуруҳи), шевалар бўлади. Ҳар бир шевада ўзига хос сўзлар, грамматик қўшимчаларнинг ўзига хос талаффузи бўлади. Баъзан бир миллатнинг икки шевада сўзлашадиган вакили бир бирини тушунса-да, қийналиш рўй беради. Адабий тил аввало умумхалқ тили даражасида қайта ишланади. Унда миллат таркибидаги шевалар грамматик қонун-қоидаларга бўйсундирилади. Ва ҳамма тушунадиган миллий адабий тил ҳосил қилинади. Маълум бўляптики, адабий тил ўз-ўзидан миллат вакилларини ўзаро яқинлаштиради, маданият даражасининг кўрсаткичига айланади. Адабий тилнинг шаклланишида ёзма бадиий адабиётнинг алоҳида аҳамияти бор. Чунки бадиий адабиёт энди миллат кўзгусига, ташриф варақасига, қўшни мамлакатларни забт этиш қуролига айланади. Бугунги кунда ўзбек миллатининг маданияти тарихи Алишер Навоий номи билан дунёга маълум ва машҳур бўлаётганини эслаш кифоя. Навоий ўзининг ижоди билан, ўзбек тилида жаҳон маданият хазинасига қўшган беқиёс ҳиссаси билан ўша даврда турк-ўзбек халқи яшайдиган Хуросон, Мовароуннаҳрдаги форсий адабиёт шуҳратига кескин зарба берди. Она тилимизни турли камситишлар-

1 Ўша манба. Б-37.
2 Ўша манба. Б-37

дан қутқарди. Энг муҳими, аллома ўзининг ўзбек миллати фарзанди сифатидаги тарихий вазифасини бажаришга алоҳида илмий нуқтаи назардан ёндашди. Айнан шунинг учун ҳам эски ўзбек тилини адабий тил мақомига кўтаришда тилшунослик фанига мурожаат қилиб, она тилимизнинг битмас-туганмас бойликка эга эканини илмий жиҳатдан ҳам асослаб берди. Буни қарангки, замонавий адабий тил меъзонларини белгилашда бугунги кунда тилшунослик асарларининг мавжудлиги энг муҳим шартлардан бири сифатида баҳоланмоқда. "Муҳокамат ул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси")нинг ёзилиши Алишер Навоийнинг буюк адиб, шоирларнинг султонигина эмас "авлиёларнинг авлиёси"(Ислом Каримов) эканини ҳам далиллайди. Чунки бу авлиё XV асрдаёқ тилшуносликка оид асарсиз адабий тил ҳосил бўлмаслигини ҳис қилган.

Алишер Навоий "Хамса"даги беш достонда сўз, сўз таърифи ҳақида ҳикматли фикрларни билдирган эди. "Муҳокамат ул-луғатайн"да энди сўз сўз айтувчининг қадрини кўрсатадиган кўнгил изҳори эканига урғу беради. Агар дарёдан гавҳар олиб чиққан ғаввос қадрини у олиб чиқаётган гавҳар белгиласа, инсон қиммати кўнгилдан чиқаётган гавҳар – сўз билан баҳоланади. Ҳар бир одамнинг, ҳар бир жамоатнинг ўзига хос сўзлари бўлиб, бу сўзлар уларнинг мурод маъниларидан белги беради. Кимнинг ким эканлигини кўрсатади.

Нуҳ пайғамбарнинг уч ўғли бор эди. Ёфас деган ўғлининг аҳли турк, Сомники форс, Ҳомники ҳинд тилини эгалладилар. Уч тил – туркий, форсий, ҳиндий шу учовининг авлоди ва уларга қарам кишилар ўртасида тарқалди. Турк тезфаҳм, идрокли, яратилишидан софроқ ва покроқ бўлиб чиқди. Турк элининг каттасидан кичигигача, навкаридан беклигигача сорт[1] тилидан баҳраманд, яъни бу тилни билади. Ҳатто турк шоирлари форсийда шеърлар ёзадилар. Аммо форсигўйлар орасида турк тилини билувчилар йўқ. Агар юздан, балки мингдан бири бу тилни ўрганиб сўз айтса, ҳар бир эшитган одам у кишининг форсий эканини шу заҳоти билиб олади. Шундан сўнг муаллиф "қуруқшамоқ", "алдамоқ", "ишонмоқ" қа ўхшаган юзта сўзни мисол қилиб келтиради-да, бу сўзларнинг маъносини англатувчи сўзлар форс тилида йўқ эканини таъкидлайди.

Шоиримиз асарда келтирилаётган сўзларга ижодкор сифатида баҳо бера бошлайди. Биз биламиз, рассомлик санъатида қурол ранг бўлса, мусиқада ун - овоз - оҳангдир. Бадиий адабиётнинг қуроли эса сўз. Алишер Навоий сўзларни ифодалаётган маъносидаги фарққа қараб ажратади. Масалан, туркда сипқармоқ – (ҳозирги ўзбек тилида шимирмоқ, косанинг тагида қолдирмай ичмоқ) деган сўз бор, шунингдек, томшимоқ (ҳозир тамшанмоқ) сўзи ҳам бор. Бу сўзлар бир-биридан маъно жиҳатдан фарқ қилади. Агар "сипқармоқда" муболаға кучли бўлса, "томшимоқ" лаззат топа-топа оз-оз ичишни англатади. Форсий шеърда бундай нозик маъноли сўзлар йўқ. Шоир мурожаат қилади: "Оё! Бу сипқарай лафзда мазмунига етганда, форсий шеърда не илож қилғайлар?"[2]. Тадқиқотнинг бу қисмида "бухсамоқ", "йиғламоқ", "йиғламсинмоқ", "инграмоқ", "синграмоқ", "сиқтамоқ", "ўчкурмак", "инчкирмак", "ҳой-ҳой", "қимсанмоқ", "қизғанмоқ", "чўкур", "темурмаги", "безанмак", "ясанмоғ", "қабоғ", "чоқин", "илдирим" каби сўзлар, бу сўзлар иштирокидаги байтлар келтирилади. Ҳар сафар бундай маъно бериш лозим бўлса, форсий шоирлар қандай чора топадилар қабилида савол қўйилади. Масалан: "Ва хўб[3]ларнинг кўз ва қошларин орасинки, қабоғ дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоат хўб таърифида мундоғ дейилибдурким,

---

[1] Сорт –Навоий бу ўринда тожик тилини назарда тутган

[2] Ўша манба. Ўн олтинчи том. Муҳокамат ул-луғатайн. –Тошкент; 2000. Б-13

[3] Хўб-гўзал қиз

Байт:

Менгиз[1]лари гул-гул, мижа[2]лари хор[3].
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор[4].

Форсийгўй шоирларнинг қийин аҳволга солувчи вазиятлар айтиб ўтилгандан сўнг шоир турк-ўзбек тилида омоним сўзларнинг, ўша замон тили билан айтганда тажнисларнинг, яъни жинсдаги – бир шаклга эга сўзларнинг кўплигини айтади. Ва “от”га урғу беради:

Чун парию ҳурдир отинг, бегим.
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим.
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сори отинг, бегим[5]

Юқоридаги тўртликдаги биринчи “от” –исм; иккинчиси – миниладиган ҳайвон; учинчиси – буйруқ феъли бўлиб келишига ишора қилади. Шу заҳоти тажнис сўзларнинг форсийда йўқлигини эски ўзбек тилида шеър ёзувчи турк шуароси эса ҳатто улардан фойдаланиб туюғ деб аталувчи шеърлар битишини таъкидлайди ва бир сўзнинг бир неча маънолар англатишига мисоллар келтиради. “Туш”, “ён”, “ёқ”, “бор”, “соғин”, “туз”, “кўк”, “ўт”, “тўр”, “тор” сўзларнинг ҳар бири неча-неча маъно англатишини санаб беради. Деярли ҳар сафар бундай ранг-баранг имконият форс тилида йўқ эканини эсга солади. Кези келганда форсларнинг ўзбекча сўзларни ишлатишга одат қилганларини айтиб ўтади. Хусусан, от анжомлари: жибилгир, ҳано, тўқум, жазлиғ, уларчоғ, жилбур, қушқун, қантар, туфак, тўқа кабиларни форслар ҳам туркча ном билан аташларини қайд қилади. Бу сўзларни ўқир эканмиз, Алишер Навоийнинг она тилини қанчалар мукаммал билиши, ундан ҳеч қийналмай фойдаланишига қойил қоламиз. Айни чоқда шоиримизнинг форс тилини уларнинг ўзларидан яхшироқ ўзлаштирганини ҳис қилиб турамиз. Ана шундай пайтларда Навоийдек буюк аждодимиз борлигидан қалбимизда фахр туйғулари жўш уради. Асар билан танишган ўқувчи шоиримизнинг тилшунослик илмида ҳам етук олим мақомига эришганлигига амин бўлади. Ўзингиз баҳо беринг, аллома ўзи яшаган XVаср ўзбек тили ҳақида фикр юритиб, она тилимизда товуш орттирилиши билан сўз маъносида кучайиш белгиси ҳосил бўлишигача аниқлаб қўйган. Бу ўринда оппоқ, қоп-қора, қип-қизил, сап-сариғ, юм-юмалоқ, яп-ясси, чуп-чуқур каби сўзлар кўрсатилади. “Вов” ва “лом” қўшилиб ҳировул, қаровул, чингдовул, ясовуллар ҳосил бўлиши айтилади. Тилимизнинг мана шундай ажойиб фазилатларига таъриф берилганидан сўнг туркий ижодкорга қарата ҳамон она тилимизнинг шунчалар гўзал ва бой эканига далиллар олган бўлсангиз ўзга тилда дил изҳори қилмасангиз яхши бўлар эди: “Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тила била озроқ айтсалар эрди”,[6] - дейди.

Алишер Навоий ниҳоятда андишали одам бўлганлар. Кимгадир ниманидир маслаҳат беришдан олдин маслаҳатдаги таклифни аввало ўзлари бажарганлар. “Муҳокамат ул-луғатайн”да ўз миллатдошларига она тилини ҳурмат қилиш, шеър ёзадиган бўлса, она тили-

[1] Менгиз-юз, чеҳра.
[2] Мижа-киприк
[3] Хор-тикан
[4] Ўша манба.
[5] Ўша манба. Б-17.
[6] Ўша манба. Б-23.

да ёзиш юзасидан таклифлар айтаётган эканлар, ўзлари умр бўйи шу қоида асосида ижод қилганларини алоҳида таъкидлайдилар. Она тилида ёзган ҳамма асарларини санаб ўтадилар: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадое ул-васат”, “Фавоид ул-кибар” деб номланган чор девон, “Хамса” таркиби, “Лисон ут-тайр” достонлари, “Насоим ул-муҳаббат”, “Мезон ул-авзон” илмий тадқиқотларининг номларини келтирадилар. Бу билан шоир ўзининг она тилида ижод қилиши фахр эканини таъкидлагандек бўлади. Шу билан бирга бу ижод намуналари ҳақида фикр билдирмоқчи бўлган сўз санъати ҳакамларига мурожаат қилинади ва улар берадиган баҳо: “... хаёлимга андоқ келурким, сўзим мартабаси авж (энг юқори баҳодан. муал)дин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни бермагай”[1], – даражасида бўлишига ишонч билдирилади. Қаранг, Алишер Навоий 1500 йилга келиб, ўзларининг ноёб истеъдод эгаси эканликларини; халқ, Ватан, келгуси авлод олдида юзлари ёруғ эканини ғурур билан тилга олмоқдалар. Айнан “Муҳокамат ул-луғатайн”да шундай хулосани ифодалаш эса она тилини ҳимоя қилиш билан ҳам боғлиқ эканини кўрсатади. Сўзларининг мартабаси олий даражадан пастга тушмаслигидан ёзган асарлари юлдузи аъло баҳодан ўзгачасига лойиқ бўлмаслигидан мағрурланадилар. Фикрнинг давомида яна андиша юзага чиқади. Шоир айтадилар, бу гапларимдан хаёлингизга менинг турк-ўзбек сўзларига меҳрим тушганидан муболаға қиляпти деган маъно келмасин. Тағин форсийга муносабатим озроқ экан дуб ўйламанг. Чунки форсийни ҳам менчалик ҳеч ким яхши билмайди, форсийдан менчалик фойдалана олмайди, моҳиятини менчалик тушунмайди, деб форсигўй устозларининг номини бирма-бир эслайдилар. Асарнинг якуний саҳифасида асарга ном бериш ҳақида шундай дейдилар: “...“Муҳокамат ул-луғатайн” от қўйдим, то турк эли тили фасоҳату диққати ва балоғату вусъатики, ул Ҳазрат бу тил ва иборат била назм бисоти тузубдурлар ва Масиҳо анфоси ва Хизр зулолидин ўлук тиргузмак тариқин олам аҳлига кўргузубдурлар, зоҳир қилдим”.[2]

Юқоридаги кўчирмада асарга “Муҳокамат ул-луғатайн” (Икки тил муҳокамаси) деб ном бергани айтилади ва, бизнингча, Ҳусайн Бойқарони Ҳазрат деб улуғлаган ҳолда, бу шоҳ ва олимнинг “Рисола” асари ҳам турк-ўзбек тилида ёзилгани эслатилади. Биз биламиз, “Рисола”да Ҳусайн Бойқаро дўсти Мир Алишер Навоийни турк тилининг ўлган жасадига Масиҳ (Исо пайғамбар) анфоси (нафаси) билан руҳ кийурганини, яъни ўлган тилни тирилтирганини айтган эди. “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг якунида энди Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарони турк тилида асар ёзиб Масиҳ нафаси ва Хизрнинг обиҳаёт суви билан ўликни тирилтириш йўлини кўрсатганини қайд қилди. Шунингдек, асар якунида олим Алишер Навоий турк элини улуғ ҳақиқатдан - турк-ўзбек тилининг луғати имкони қанчалар битмас-туганмас бойликка эга эканидан воқиф – маълум қилганини, турк-ўзбек тилини форсигўйларнинг тил бобида энди танбеҳ, таъналаридан озод қилганини ёзади.

Ҳа, суҳбатимиз ҳам чўзилиб кетди. Аммо ёдимиздан чиқмасинки, бу суҳбатимиз Алишер Навоийнинг бутун умри давомида қилган ижодий меҳнати самарасини белгиловчи вазифани бажарди. Ўйлаб-ўйлаб шундай фикрга бораманки, Алишер Навоий ҳазратларининг ўзлари она тилининг ҳимоя қўрғонини биз ҳисоблаб чиққан даражада тасаввур қилганмиканлар. Буюк одамларнинг ҳар бир тадбирлари ўз-ўзидан улуғ режанинг таркибий қисмидан иборат бўлиб қолишига амин бўламан. Суҳбатимиз давомида биз Алишер Навоий бадиий ва, қисман, илмий меросининг она тилимиз ҳимояси йўналишидаги хизматини ўрганишга уриндик. Айни пайтда шоир ижодидаги ҳамма таркибий қисмларни назаримиздан ўтказдик. Чунки шоиримизнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди она тилини таъна

[1] Ўша манба. Б-27.
[1] Ўша манба. Б-40.

ва надоматлаърдан ҳимоя қилишга бағишлангандек туюлади, бизга. Шоир лириканинг ҳамма жанрларида, айниқса, ғазал ва рубоийларда; “Хамса”даги бешта достон ва “Лисон ут-тайр”да; илмий асарлар: тарихий, адабиётшунослик, адабиёт назариясига бағишланган рисолаларда; ва ниҳоят, тилшуносликка бағишланган “Муҳокамат ул-луғатайн”да ўзбек тили имкониятларини тўлиқ равишда намойиш қила олди. Форс тили мухлисларига улар фойдаланаётган тилнинг заиф ва камчиликларини ўнлаб мисоллар билан далиллаб берди. Агар XI асрда Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” билан жаҳон тилшунослиги тарихида дастлабки илмий асарни туркий халқлар тилларига бағишлаган бўлса, Алишер Навоий энди бевосита ўзбек тилини адабий тил мақомига кўтаришдек улуғ ва шарафли вазифани адо этди. Шунинг учун ҳам олимлар Алишер Навоийни эски ўзбек адабий тилининг асосчиси деб улуғлайдилар.

НАВОИЙ ДАҲОСИ ВА ЗАМОНАМИЗ КАШФИЁТЛАРИ

8-суҳбат

Ўрта асрларда ижод қилган юртдошларимиз ўзларининг етук билимлари билан жаҳон илми тараққиётига муносиб ҳисса қўшганликларини бугунги кунда Шарқ ва Ғарб фани тўлиқ тан олаётганига гувоҳмиз. Форобий фалсафаси, ал-Хоразмий математикаси, Беруний геологияси, Ибн Сино тиббиёти XX аср олий даражадаги илм даргоҳларидаги фундаментал таълим тизимининг асосини ташкил этмоқда. Ажабланарли жиҳати шундаки, алломаларимиз аниқ ва ижтимоий фан йўналишларида уйғун фаолият кўрсатганлар. Уларнинг астрономия, ҳикмат, кимё, математика соҳасидаги янгиликлари муттасил равишда фалсафа. мусиқа, бадиий адабиёт ва, таъбир жоиз бўлса, тарбия билан узвий алоқада амалга оширилган. Бу жиҳатдан XV асрнинг буюк даҳо шоири Алишер Навоий ўтмиш устозларнинг муносиб давомчиси сифатида маърифат майдонида гавдаланади. Фарҳод тилидан “Топилмас мушкули мен қилмаган ҳал» – деганда, илм, фан, бадиий ижод соҳасида ўз ечимини топмаган муаммо йўқ эканини таъкидлагандек бўлади Алишер Навоий. Фақат аввалги устозлардан фарқли ўлароқ атоқли адиб илм ва фан соҳасидаги улкан маълумотларни бадиий асарларда намоён қилди. Натижада, “Хазойин ул- маоний ”, “Хамса”, “Лисон ут-тайр” ва бошқа сўз санъати намуналаридаги ифодалар илмий тафсилотлар нуқтаи назаридан ҳам мукаммаллашди.

Алишер Навоийнинг умри давомида ёзган лирик асарлари, достонларидаги илмий мукаммаллик ҳакида Амонилло Валихонов “Ғазал нафосати” (Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985) китобида қизиқарли маълумотлар беради. Хусусан, “Риёзиёт уммони мавжида” фаслида шундай дейилган: “Навоий ўз асарларида арқоми мантуқ – “гапирувчи”, яъни рационал сонлар; арқоми асам – “соқов”, яъни иррационал сонлар; жазр – даража асоси ёки илдиз; мажзур – даража ёки илдиз чиқариладиган сон, хатти мустақим – перпендикуляр каби соф математик терминологиядан фойдаланади.”[1] Олимнинг таъкидлашича, шоир аниқ фанлар соҳасидаги билимларини ўрнида амалиётга ҳам татбик этган. Унинг фикрича, айлана узунлигининг диаметрига нисбатидаги аниқлик даражаси миноралар ва гумбазларни қуришда жуда муҳим ҳисобланган. Ғиёсиддин Жамшид ибни Масъуд Коший нисбатнинг анчайин аниқ қийматини ишлаб чиққан. Коший бу ракамларни эслаш учун байт ҳам таьсия этиб, матнини хам келтиради. Амонилло Валихонов ёзади: “Коший тубандаги арабча шеърни тавсия қилади:

[1] Валихонов Амонилло. Ғазал нафосати. Т. Ғафуо Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. Б- 33

Ва бах ша ҳажи саза заттаҳ ҳав ҳу,
Муҳитун ли кутрин ҳува - сиани минҳу.

Бу икки мисранинг биринчиси юқоридаги ўн етти рақамни абжад жадвали воситасида ифодаловчи ҳарфлардангина иборат бўлиб, иккинчи мисраси мазмунан “Айлана узунлигининг диаметрга нисбати бундан икки баровар кичикдир” тушунчасини беради. Навоий Самарқандда олган билимлари асосида меъморларга *n* нинг қиймати учун мазкур сонни тавсия қилган ва юқоридаги шеърни ёд олишни маслаҳат бергани маълум.”[1]

Энди мулоҳаза юритайлик, математиканинг нозик ва сирли жиҳатларини бу қадар яхши билган, улардан ҳаётда, бадиий ижодда кенг фойдаланган шоир фаннинг бошқа йўналишлари бўйича қандай тушунчаларга эга бўлиши мумкин? Бизнинг саволимизга яхши жавобни коинот сирлари мутахассиси Сайид Баҳром Азизов “Ойфалак” деб аталган илмий тадқиқотида берган. Бу олим келтирган мисол ва далилларда Алишер Навоий ғазалларида, “Хамса” таркибидаги достонларда, “Лисон ут-тайр” да космосга оид ўнлаб маълумотлардан фойдалангани исботланади. Айникса, сутурлоб ҳақида айтилган фикрлар жуда қизиқарли. Сутурлоб - астрономик асбоб. Диаметри 10 сантиметрдан 50 сантиметргача ҳажмга эга бўлар экан. Навоий сутурлобни тилга олади, аммо шоир ифодаларида осмон жисмларини шу қадар катта ва аниқ тасаввурлари бериладики, уларда “Хамса” дан карийб 100 йил кейин ихтиро қилинган телескопдангина кўриш мумкин бўлган маълумотлар бор.[2]

Шубҳасиз, Алишер Навоий ижодида, хусусан, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” достонларида фантастик тасвирнинг бадиий самараси ҳақида атрофлича маълумот беришни филология фанлари доктори Р.М.Иброҳимова амалга оширган. “Ўзбек совет адабиётида илмий фантастика жанри”[3] китобининг номланиши ўзбек совет адабиёти билан белгиланган бўлса-да, салмоқли қисм ўзбек фантастикасининг шаклланиш манбаларини илмий жиҳатдан мукаммал равишда кўрсатишга бағишланган. Бу фаслнинг асосини эса Алишер Навоий достонларидаги фантастик лавҳалар эгаллайди. Уларни олима уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилган:

1.Соф фантастик элементлар.

2.Илмий фантастик элементлар.

3.Илмий бўлмаган фантастик элементлар.[4]

Асосий эътибор фантастик вокеалар кўламини ўрганишдан иборат бўлганлиги сабабли Р.Иброҳимова фақат энг муҳим ўринлардагина Навоий хаёлида пайдо бўлган ўта муболағали лавҳаларни замонавий янгиликлар билан боғлайди. Муҳими, тадқиқотчи ҳар бир мулоҳазасини баён килишда Алишер Навоий инсон тафаккури, унинг илмий салоҳиятига суянганини таъкидлайди: «Навоий достонларида фантастик элементларнинг мавжудлиги фақат ўша замондаги реал ҳаёт билангина богланган бўлмай, келажакка ҳам қаратилган ҳолатда шоир ва етук мутафаккирнинг комил ишончи бўйича албатта ҳақиқатда ечимини топиши билан ҳам уйғунлашган эди.”[5]

Аслини олганда шоир даҳосидаги фавқулодда ўрин олган кейинги асрлар кашфиётларига аввалги таниқли навоийшунослар ҳам эътибор берганлар. Хусусан, Е. Э. Бертельс 1948 йилдаёқ ёзган “Навои” монографиясида “Сабъаи сайёр” достонидаги иккинчи ҳикояда

[1] Ўша жойла. Б- 34
[2] Азизов Сайид Баҳром. Ойфалак. Қўл ёзма Б- 25
[3] Ибрагимова Р.М.Жанр научной фантастики в узбекской советской литературе. Тошкент. Фан.1987
[4] Ў ша жойда. Б- 21 -38
[5] Уша жойда. Б- 28

Зайд ҳар тарафга юриши мумкин бўлган тахтнинг (бугунги кунда театрдаги саҳна ҳаракатини эсланг - муал.) саккиз зинаси ўз-ўзидан ҳаракатга келишини ёзар экан: “Навоий қизиқишларини - техник фантазияни ифодаловчи бу ғаройиб тасвир бизнинг кунда амалга оширилган: Навоий тахти ўзида автомобилни ва эскалаторни бирлаштиради,”[1] – дейди. Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий асарларини мутолаа қилган ўқувчи буюк ўзбек фарзанди хаёлот оламининг серқирра мўъжизаларга бой эканидан ҳайратга тушади.

Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” девонларининг биринчиси “Ғаройиб ус-сиғар” га ёзган дебочасида “Кўнглумга ўзга қувват кирди ва табъимга ўзга жавдату жалодат ҳосил бўлди, килким жардайи тезкомиға ўзга равонлигу хаёлим саҳоби барк хиромиға ўзга гавҳаравшонлиг юзланди”[2]- деб айтган эди. Бу фикр давомида “Чун бу маъно гавҳарлари барча ул ҳазратнинг табъи баҳридину зеҳни конидин ҳосил бўлди ва алфозу иборат хазойини ҳамул маънолар гавҳаридин тўлди, бу маънодин анинг отин Хазойин ул-маоний қуюлди,”[3]ларини ўқиймиз. Шоир бутун ҳаёти давомида илм олишдан, фикр юритишдан, хаёл суришдан, ғаройиб тасвирларни кашф қилишдан тўхтамади. Бу фазилат буюк даҳо асарларига доимий ҳаёт бағишлади. Фавқулодда топилган муболағалар, қиёсий ифодалар, тазод - қаршилантириш санъати намуналари ўқувчини беихтиёр шоир қалами кетидан изма - из эргашишга мажбур этган. Хаёл шоирга сеҳрли ҳодисалар оламида сайр қилиш имконини берди. У ёзади:

Комин қилур эрмиш одамийзод хаёл,
Нақш айлар эмиш кўнглига юз фикри маҳол,
Мундин ғофил қолибки, хаййи мутаол,
Келтурғуси тонгла анинг оллига не ҳол.[4]

“Комин қилур эрмиш одамийзод хаёл” тамойили шоир ижодининг бошланишидан якунигача давом этадиган доимий хусусият сифатида баҳоланиши мумкин. Бу хаёл “жоми гетинамой” - оламни акс эттирадиган қадаҳ, темир одам - робот, эскалатор, сув ости кемаларини тасаввур қилиш имконини беради. Замонавий илм-фан тараққиётида фан-техника кашфиётларининг вужудга келиш жараёни асосан уч боскичдан иборат бўлади. Аввало, кашфиёт ғояси пайдо бўлиши зарур. Иккинчидан, унинг лойиҳаси, техник ечими ишлаб чиқилади. Учинчидан, лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Жаҳон халқлари оғзаки ижодида, шу жумладан, ўзбек эртаклари ва достонларида қадим-қадимдан узоқ масофаларни тезликда босиб ўтиш, хавотирдаги кишисининг тақдиридан хабардор бўлиш, иложи бўлса у билан сўзлашиш, тўкин ҳаёт кечириш, деҳқончиликда, ҳунармандчиликда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган мўъжизалар яратиш ғоялари анъана эди. Ҳаётда фан-техника ривожлангани сари хаёлий ҳодисалар ўз ечимини топди ва топмокда. Инсон орзусининг амалга ошиши инсоният ривожини таъминловчи омилга айланди. Пахта териш машиналаридан тортиб ғалла териш комбайнларигача, уяли телефонлардан тортиб интернет сайтларигача “одам” деб аталувчи мўъжизанинг хаёл маҳсулотлари эмасми? Салоҳият, илм даражаси юкори бўлгани сайин фикр юритиш савияси ҳам мутаносиблашаверади. Бинобарин, Алишер Навоий ижодда тасвирлаган муболағали ифодалар

---

[1] Бертельс Е. Э. Навои. Москва - Ленинград. 1948. Б- 204

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Учинчи том. Хазойин ул- маоний. Ғаройиб ус- сиғар. Т. ФАН” 1988. Б- 16. Кейинги иқтибосларда сон ва саҳифа келтирилади.

[3] Ўша манба.Б-11.

[4] Ўша манба.Б-11.

қайсидир йўсинда илмий асосланган тарзда вужудга келди ва уларнинг аксарияти XX ва XXI асрда ўзининг ечимини топди.

Алишер Навоий «Фавойид ул-кибар» девонидаги 594-ғазалда шундай дейди:

Муҳандисе топаю эгнима қанот ясатай,
Учуб ҳавосида қушлар аро ўзимни қотай[1]

Табиийки, инсон табиат манзараларидан роҳатланади. Тоғлардан тошларга урилиб оқаётган зилол сув унга завқ бағишлайди. Шу пайт осмонда пайдо бўлган бургут, лочин, жуда бўлмаганда оддий каптар унинг эътиборини жалб килади. Унинг ўзи ҳам қоядан қояга учишни, тоғ чўққиларини осонгина забт этишни ўйлайди. Қуш қанот қоқиб учгани сари инсон ҳам осмондан, қуш парвозидан ажиб ерни томоша қилишни ҳавас қила бошлайди. Туркий мумтоз адабиётда Носириддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асарида Намруднинг кўкка учгани ҳақида қисса берилган. Рабғузий унда Намруднинг қора қушлардан фойдаланиб махсус сандиқда кўкка парвоз қилганини ёзган. Гўшт баланд устунга боғланганда қушлар унга интиладилар ва ўзлари боғлаб қўйилган сандиқни ҳам кўтариб учадилар. Кейин гўшт пастга боғланади ва қушлар энди пастга қараб учадилар. Шу зайлда Намруд ўз кўнглида осмонга ҳам эга бўлганини зикр этади. Аммо Алишер Навоий масалага бу қадар содда ёндашмайди. У осмонга учиш учун махсус қанотли қурилма зарурлигини тушунади. Бу қурилмани эса фақат муҳандис - техник инженер ясайди, деб ҳисоблайди. Муҳандис ясаган қанотгина шоирни кўкка олиб чиқиши ва қушлар қаторида парвоз қилиб, улар билан аралашиб учиш орзусига етишига имкон яратиши мумкин, деб билади.

Маълум бўладики, буюк шоир хаёлида жонланаётган тасаввурлар йиғиндиси шу қадар кенг кўламли эдики, уларни ижодга татбиқ қилиш учун лирик асарлар чегараси, шубҳасиз, торлик киларди. Айнан ана шу имкониятни факат ҳажм ва мазмун жиҳатдан хийла серкўлам достонлар яратиши мумкин эди. Шунинг учун бўлса керак, биз "Хамса" таркибидаги муайян сюжет тизимига эга "Фарҳод ва Ширин" да шоиримиз тасаввурида пайдо бўлган фантастик тасвирлар мажмуи билан танишишга муяссар бўламиз.

Маълумки, бадиий адабиётда ёзувчи тасвир имкониятларидан сўз воситасида иложи борича кенг фойдаланишга ҳаракат қилади. Аммо Алишер Навоий бу имкониятнинг энг самарали намунасини кўрсатишга эришган. Фарҳод ўзининг Юнонистонга қилган сафарида Суқрот билан учрашиб, у ётган ғорларга борганида Қоранғу зулматга дуч келади. Атроф шу қадар қоранғи эдики, порлоқ қуёш хира тортарди, ой ғорға тушса куйган патирга айланарди:

Анингдек ҳар бирининг жавфи тийра,
Ки, андин меҳри анвар шамъи хира.
Агар кирса анга бадри мудири,
Кўриниб тийраликдан курси кири.[2]

Фарҳод борган водийда юзлаб қон оқувчи дарёлар бор. Юз минглаб қон тўкувчи аждарлар яшайди:

Оқиб водийда юз дарёи хунхор,
Тоғ ичра худ минг аждарҳойи хунхор.[3]

[1] Алишер Навоий. 6-том. Б-401
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Т. Фан. 1991. Б-172
[3] Ўша жойда. Б-173

Энди Хоқон, Мулқоро, Фарҳод бу даҳшатли манзарага Қуёш, Ой нуридан ҳам кучлироқ акс таъсир топишлари керак эди. Бу акс таъсир вазифасини Жамшид жоми бажаради. Бу жомни олиб келишгани заҳоти вазият ўзгаради. Ҳаммаёқ нурга бурканади. Олий яшинлик ҳукм сура бошлайди:

Равони борибон келтурдилар жом,
Ки, андин мушкил иш топкай саранжом.
Анга қилғоч назар истаб кушойиш,
Жаҳон тимсолиға топти намойиш.
Қаён боққач қилиб равшан назарлик,
Бир иқлим этти зоҳир жилвагарлиқ.[1]

XXI аср фарзанди юқоридаги байтларни ўқир экан. Кўз олдида энг замонавий фильмларда ифодаланадиган кино кадрлар ўтаётгандек бўлади. Тасаввур қилинг, уч инсон қаршисида қон оқаётган дарёлар, аждарлар бош силкитиб кўрсатаётган қўрқинчли ҳодисалар бирдан йўқ бўлса-ю, ўрнига жон роҳат оладиган манзаралар намойиш этилса! Шубҳа йўққи, замонавий кино санъатида қўлланадиган гиперграфия усули шоир томонидан XV асрдаёқ кашф этилганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай саҳифаларни Фарҳоднинг Юнонистон сафари давомида санаб охирига етолмаймиз.

Суқрот манзилининг тасвирида ҳам бизни қизиқтирган айрим мулоҳазали ўринлар бор. Аввало шоир Суқрот ғорини ўта фантастик тасвирлар билан безайди. Афсонавий қаҳрамон ҳақида шундай маълумот беради:

Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир,
Ки, анда зоҳир аввал то ба охир[2]

У байтга Ғафур Ғулом шундай изоҳ беради: “Унинг кўнгли заҳираларнинг денгизидай кенг бўлиб, унда аввалдан охир нимаики бўлса кўриниб туради.”[3] Мумтоз адабиётда дунёдаги ҳодисаларни ҳис қилиш муаммоси аввалги манбаларда ҳам бўлган. Хусусан, Баҳоуддин Нақшбанднинг “Сафар дар ватан” тамойили, Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабгузий” асарида Сулаймон пайгамбар билан Қаринчқа суҳбатида ана шу масала ҳақида фикр юритилади. Аммо Алишер Навоий достонда фикрий мулоҳазадан илгарилаб кетади ва “зоҳир” сўзи билан кўриниб туриш, очиқ- ошкор гоясини илгари суради. Бу ғоя эса бугунги кунда ўз хонасида ҳордиқ чиқараётган замондошларимизнинг бутун дунёдаги ҳодисотлардан хабар топиб турганликларини эслатади. Қизиги шундаки, шоир Суқрот лавҳасида ўта таъсирли бир кўринишни тилга олади:

Бўлиб ғорда ҳар дун анкабути,
Бир устурлоби гардун анкабути.[4]

Агар устурлобни осмон жисмларини кузатиш учун фойдаланилган асбоб деб олсак, осмон ўргимчаги кўринишидаги кузатиш асбобини нима деб аташ мумкинлигини ўйлаб қоламиз. XXI асрда илм-фан сохасида энг долзарб маълумотлар берилаётган номаълум учар

[1] Ўша жойда. Б-173
[2] Ўша жойда. Б-175
[4] Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Т. 1956.Б-259
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Т. Фан. 1991. Б-176

жисм ҳақида гап кетмаяптими, деб қолади киши. “Фарҳод ва Ширин” достонини мутолаа қилишда замонавий тиббиёт, астрономия, физика, химия фанлари кашфиётлари билан аниқ танишамизки, натижада бу фикрни инкор қилишдан ҳам ожиз қоламиз. Ҳатто, Суҳайлонинг Фарҳодга оғзидан ўт сочадиган Аҳриман билан жанг қилишда ўтдан сақлайдиган Самандар ёғи ҳам бугунги кунда кўп фильмларда каскадёрлар фойдаланадиган махсус суюқлик эмасми, деб қолади киши:

Деди: “бу зарфким маръи бўлодур,
Самандар ёғидин билким тўлодур.
Ки аждар бирла разм этган замонда,
Бу ёғ ўтдин сени тутқай амонда.[1]

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ўз қаҳрамонини кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган синовлардан ўтказиб чиниқтирди. Бу ўринда темир одамларга дуч келиш лавҳасини эслаш жоиз. Фарҳод ўз сафари давомида арслондан омон ўтиб, дарвоза ичидаги темирдан ясалган ҳайкалга дуч келади. Унинг кўксида қуёш кўзгусидан ойна осиғлиқ эди. Йўловчи ёй ўқи билан ўша ойнани тўғри нишонга олса, бир пайтнинг ўзида темир одам ҳам, атрофидаги унга монанд юзта ҳайкал ҳам йиқилади ва тилсимни очиш тўсиқларидан бири ҳал бўлади. Эътибор берайлик, темир одам кўксидаги ойнанинг синдирилиши атрофдаги юзта одамнинг ҳам йиқилишига сабаб бўлмоқда. Бу вазият бизга махсус буйруқ бўйича ҳаракат қилувчи қурилма - роботларни эслатмайдими?!

Бизнингча, буюк адиб даҳоси кашф этган энг муҳим янгиликлардан бири ойнаи жаҳон - телевизор ҳисобланади. Шоир бу асбобни “Жамшиди жом” деб атайди. Дунёда рўй бераётган воқеаларни унинг ёрдамида кўриш мумкин эди. Аммо шу ўринда ўқувчида бир фикр пайдо бўлади: Нима учун Фарҳод айнан ана шу Жамшиди жомдан Ширинни кўра олмади? Ширинни кўриш учун у махсус тилсимни очиши керак эди. Ваҳоланки, Жоми Жамшиднинг таърифи жуда юқори эди:

Эрур Искандари Румий нигори,
Жаҳон аҳлига онинг ёдгори
Ки, айлаб тўрт юз доно билан жаҳд,
Алардин ҳар бири Афлотунга ҳамаҳд.[2]

Аммо Жоми Жамшид Фарҳоднинг асл мақсади - Ширинни кўриш муаммосини ҳал қилолмайди. Бу ўринда телевидениедай махсус каналлар ҳам мавжуд экани ҳақида фикр юритиш жоиз бўлар. Шунга қарамай, шоир даҳосининг серкўлам ва мураккаб эканини сўзлаб ўтиш ортиқча бўлмас.

Халқ оғзаки ижодида қўшалоқлаштириш деб аталувчи бадиий усул бор. Унга кўра, кўпинча асар қаҳрамони учга бўлинган йўл устидан чиқиб қолади ва “борса келмас” ни танлайди. Бу билан эртакдаги бош қаҳрамоннинг оддий одам эмаслиги таъкидланади. У ҳамиша оғир вазифани бажаришга ўрганганига урғу берилади. “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам, фикри ожизимизча, Алишер Навоий ўз Фарҳодига ана шундай таъриф тайёрлайди. Яъни бутун дунёдаги ҳамма воқеаларни кўрсатадиган жоми Жамшид мўъжизаси Фарҳод-

[1] Ўша манба. Б-140,141
[2] Ўша манба. Б-123

га ёрдам беришдан ожиз. Фарҳод сандиқдаги кўзгудан бўлажак маъшуқасини кўриш учун Искандар тилсимини бузиши керак эди. Юнонистондаги мисли кўрилмаган жасоратлар якунида қаҳрамонимиз темир одам кўксидаги кўзгуни синдириш билан бу масалани ҳал қилди. Суқрот бу ҳақда шундай хабар беради:

Яна кўзгу ишиким ҳодис ўлди.
Сенга буён келурга боис ўлди.[1]

Кўзгу сирини очиш йўлида ҳамма вазифалар тўлиқ бажарилгандан сўнггина бевосита Фарҳод тақдири билан алоқадор Ширинни кўриш муаммоси ҳал этилади. Искандар тилсимини очиш мажбуриятини ўйлаб топган шоир эса, бир томондан ўз қаҳрамонини ўта мураккаб мушкулларни ҳал қилишга қодирлигини ва айни чокда Ширинни кўриш жоми Жамшиддан ҳам мукаммалроқ ясалган қурилмага тааллуқли эканини исботлайди.

Алишер Навоий иқтидорининг қирраларидан бири шоир томонидан ҳикоя қилинаётган ва тасвир топаётган воқеа-ҳодисага ўз ўқувчисини ишонтириб боришга интилишдир. “Фарҳод ва Ширин” даги ғаройиб тасвирлар, “Сабъаи сайёр” даги эскалаторлар, ўзи юрар тахтлар шоир ифодасига кўра айни ҳақиқат сифатида ўқувчига тақдим этилади. Айни пайтда шоир “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг сув остига шиша идишда тушганини ҳикоя қилган Хусрав Деҳлавийга қўшилмаслигини айтади. У топган йўлни ҳаддан ташқари эканини, ҳаётга тўғри келмаслигини ёзади:

Вале бу ривоят эрур бас маҳол,
Вуқуъиға топмас хирад эҳтимол.[2]

Шу билан бирга, шоҳ Искандарнинг сув остига тушиш орзусини ечимсиз қолдирмайди. “Қисаси Рабғузий” даги Сулаймон пайғамбар ва Қаринчқа суҳбати йўлини танлайди ва ҳаётда амалга ошириш мушкул бўлган пайтда тафаккур имкониятига суяниш зарурлигини кўрсатади. Искандар қадимда ҳам набий, ҳам валий бўлгани сабаб: “Валийликдан ўзини хабардор топиб, нубувват мақоми кўзини ёритди. Кўзи ул шуъладин нурли бўлгач, қаён боқди - кўрди, неким бор эди, қанча сирли ишлар унга ошкор эди. Сув ичида томоша қилиб юраркан, ер юзидаги жониворлар ҳам унга акс этиб кўриниб турарди.”[3] Аммо бу ўринда шоирнинг Хусрав Деҳлавийга мурожааг этиб сув ости қурилмасини эсга олганини таъкидлаб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Буюк адибнинг ижод меросидаги хаёл бўстонини сайр этарканмиз, фавқулодда кашф этилган фикр янгиликлардан ҳайратга тушамиз. Сонсиз -саноқсиз топилган тасвирлар тизимидаги жозиба китобхонга тинчлик бермайди. Ҳатто ўйлаб қоласан киши- Алишер Навоий XV асрда яшагану, XXI аср замонидаги кашфиётларни ҳис қилганми? Ёки унинг ўзи XXI аср одамларига замондош бўлгану, XV аср ҳаёт шароитига тушиб қолганми деб, ожизона фикр юритган ҳолда “Фавойид ул-кибар” девонидаги бир ғазалга мурожаат килайлик:

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сариғ, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар хар ён қизил, сариғ, яшил.[4]

[1] Ўша жойда. Б- 182
[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. Т. Фан. 1993. Б- 510.
[2] Алишер Навоий. Хамса. Қисқартириб нашрга тайёрловчи Анвар Ҳожиаҳмедов. Т. “Янги аср авлоди”, 2010. Б-330
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Олтинчи том. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Т. Фан. 1990. Б-264

Тўғри, бу ўринда қизил, сариқ, яшил рангларга берилган эътиборда тасодиф етакчи ўринга эгалигини инкор қилмаймиз. Аммо бугунги кунда замондошларимизнинг кўзлари кўп тушадиган ранглар муайян тартибда светофор чироқлари эканини ҳам инкор этиш мумкин эмас.

Хуллас, Алишер Навоий XV асрда яшаган буюк ўзбек мутафаккири сифатида ижод қилган ва келгусида ҳаёт тараққиётини белгилаб берган кашфиётлар ҳақида муайян тасаввурга эга эканини кўрсатишга эришган. Юқорида қайд этилган бизнинг мулоҳазаларимизни эса, сўз мулкининг султонига нисбатан оддий мухлиснинг ҳурмат изҳори сифатида қабул қилишингизга тилак билдирамиз.

СЎНГСЎЗ

Мана, азиз ўқувчим! Ўзбек халқининг миллий фахри, ғурури Амир Низомиддин Алишербек Навоий ҳазратларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлдингиз. Аллоҳ ўзбек халқини жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшган халқлар орасида ўксиниб қолмаслиги учун Алишер Навоийдек буюк сиймони унга фарзанд қилиб юборганига яна бир марта ишонч ҳосил қилдингиз. “Суҳбатлар”ни ёзишимиздан бош мақсад ҳар бир ўзбек ўзини кечагина хат-савод маданиятини эгаллаган кимсалардан фарқли эканини ҳис килишга ўргатиш. Ҳаётда маънавий дунё моддий таъминланишдан кам бўлмаган бойлик эканини ҳис қилиш инсоннинг олий фазилати эканини англашга кўмаклашиш. Агар ҳар биримиз ўзимизни Алишер Навоий авлодига муносиб фарзанд бўлиб етишимизга тайёрласак, келажагимиз ҳақиқатан ҳам буюк бўлади.

Мундарижа

Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ

НАВОИЙ АРУЗИ НАФОСАТИ

Муқаддима 7

Биринчи бўлим
Алишер Навоий ва ўзбек арузи ривожи
I БОБ
Навоийгача бўлган ўзбек арузи 13

II БОБ
Навоий ижодида аруз инкишофи 33

III БОБ
Навоий – аруз назариётчиси 52

IV БОБ
Навоий арузида кўпвазнлилик 63
Вазн – қофия – радиф 74

Иккинчи бўлим
Навоий шеърияти вазнлари 90

I БОБ
Навоий шеърияти вазнини белгиловчи асосий омиллар 90

II БОБ
Навоий ғазалиётининг вазн хусусиятлари 103
Ҳазаж баҳри 103
Ражаз баҳри 109
Рамал баҳри 111
Музореъ баҳри 120
Хафиф баҳри 123
Мунсарих баҳри 126
Мутақориб баҳри 132
Сариъ баҳри 136
Мутадорик баҳри 137
Комил баҳри 137
Тавил баҳри 138
Рубоийларнинг ўлчов меъёрлари 139

IV БОБ

Қитъаларнинг оҳанг жиллари....156
Мустазод....169
Навоий мусамматлаърида вазн ранг-баранглиги....171
Таржиъбанд, таркиббанд, соқийнома ва маснавийлар....173
Фард ва муаммолар....176
Чистонлар....182
Туюқлар....184

VI БОБ

Навоий достонларининг вазн хусусиятлари....185
Ўзбек адабиётида навоий арузи анъаналари....199

Омонулла МАДАЕВ

НАВОИЙ СУҲБАТЛАРИ

Сўзбоши....215
Ҳазрат Навоийга муносиб авлод....217
Алишер Навоий хақидаги ривоятлар....227
Дўст билан обод уйинг....239
Навоий ижодида ватан....253
Навоий давлат арбоби. Халқ ҳимоячиси....267
Алишер Навоий – руҳшунос....271
Ўзбек адабий тилининг асосчиси....280
2. Рубоий имкониятлари....292
3. “Хамса” ёзиш машаққатлари....298
Ҳайрат ул-аброр....300
“Фарҳод ва Ширин”....305
Афсона анга либоси мавзун....311
“Сабъаи сайёр” ўгитлари....317
“Садди Искандарий” шарофати....325
4. Ўзбек тилидаги илмий асарлар....333
5. Тилшунослик рисоласи....337
Навоий даҳоси ва замонамиз кашфиётлари....341
Сўнгсўз....348

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Анвар Ҳожиаҳмедов: Навоий арузи нафосати; Омонулла Мадаев: Навоий суҳбатлари; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 352 бет.

Ж.5: Анвар Ҳожиаҳмедов: Навоий арузи нафосати; Омонулла Мадаев: Навоий суҳбатлари. 352 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5 –1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Бешинчи жилд

Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ
НАВОИЙ АРУЗИ НАФОСАТИ

Омонулла МАДАЕВ
НАВОИЙ СУҲБАТЛАРИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 22 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.